ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ

М.Ҳ. РУСТАМБАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ К У Р С И

I ТОМ

УМУМИЙ ҚИСМ

ЖИНОЯТ ҲАҚИДА ТАЪЛИМОТ

Олий таълим муассасалар учун дарслик
(2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган)

ТОШКЕНТ - 2018

ЎДК -
КБК -
Р-22

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти кенгашида маъқулланган.2018 йил 29 июндаги 9-сонли баённома
Ўзбекистон Республикаси олий ва касб хунар таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. 2018 йил 15 августдаги 718-сонли буйруғи

Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 1.Жиноят ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 488 бет.

Мазкур дарслик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 2018 йил 1 августгача киритилган қўшимча ва ўзгартишлар инобатга олинган ҳолда тайёрланган. Унда амалдаги қонун ҳужжатлари, тергов ва суд амалиёти, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари асосида жиноят ҳуқуқининг Умумий ва Махсус қисми масалалари ёритилган.

Дарслик беш томдан иборат. Биринчи ва иккинчи томлар ЖКнинг Умумий қисмига бағишланган. Биринчи томида жиноят қонуни ва жиноят тўғрисидаги таълимот масалалари ёритилган. Иккинчисида жазо, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш, жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари ёритилган. Учинчи, тўртинчи ва бешинчи томлар ЖКнинг Махсус қисми нормаларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарлик масалаларига бағишланган. Муаллиф томонидан барча жиноятлар таркибининг белгилари таҳлил қилинган, уларни квалификация қилиш масалалари, ўхшаш жиноятлар таркибларини фарқлаш муаммолари кўриб чиқилган.

Дарслик юридик олий ўқув муассасалари бакалавр ва магистрлари, Бош прокуратура Академияси тингловчилари, Ўзбекистон Республикаси Милилй гвардияси Ҳарбий-техник институти курсантлари, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тингловчилари, ўқитувчиларга мўлжалланган, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ва жиноят ҳуқуқи муаммолари билан қизиқувчи шахслар томонидан фойдаланилиши мумкин.

Тақризчилар:
Абдурасулова К.Р. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси “Криминология” кафедраси бошлиғи, ю.ф.д., профессор
Миразов Д.М. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник Институти “Соҳавий ҳуқуқий фанлар” кафедраси бошлиғи, ю.ф.д., доцент

ISBN -

© Рустамбаев М.Х., 2018
© Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник Институти, 2018

М У Н Д А Р И Ж А

I БОБ. ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ, МЕТОДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ 7

1-§. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси 7

2-§. Жиноят ҳуқуқи предмети ва методи 9

3-§. Жиноят ҳуқуқи вазифалари 12

4-§. Жиноят ҳуқуқи принциплари 22

5-§. Қонунийлик принципи 25

6-§. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи 35

7-§. Демократизм принципи 39

8-§. Инсонпарварлик принципи 40

9-§. Одиллик принципи 44

10-§. Айб учун жавобгарлик принципи 48

11-§. Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи 50

«Жиноят ҳуқуқи тушунчаси, предмети, методи, вазифаси ва принциплари» мавзуси юзасидан якуний саволлар 52

Қўшимча адабиётлар 53

Раҳбарий адабиётлар 53

Ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар 53

Илмий мақолалар 54

II БОБ. ЖИНОЯТ ҚОНУНИ 55

1-§. Жиноят қонуни тушунчаси ва аҳамияти 55

2-§. Жиноят қонунининг тузилиши 60

3-§. Жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилиши 68

4-§. Жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиши 93

5-§. Жиноят қонунини шарҳлаш 115

«Жиноят қонуни» мавзуси юзасидан якуний саволлар 120

Қўшимча адабиётлар 121

Ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар 121

Илмий мақолалар 122

III БОБ. ЖИНОЯТ ТУШУНЧАСИ 126

1-§. Жиноят ҳуқуқи назарияси ва қонунида жиноят тушунчасининг белгиланиши 126

2-§. Жиноят белгилари 127

3-§. Жиноятларни таснифлаш 136

«Жиноят тушунчаси» мавзуси юзасидан якуний саволлар 139

Қўшимча адабиётлар.....140
Ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар.....140
Илмий мақолалар.....140
IV БОБ. ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИНГ АСОСЛАРИ.....142
1-§. Жиноий жавобгарлик тушунчаси.....142
2-§. Жиноий жавобгарлик асоси сифатида жиноят таркиби: тушунчаси ва аҳамияти.....150
3-§. Жиноят таркибининг тузилиши. Жиноят таркибининг зарурий ва факультатив белгилари153
4-§. Жиноят таркибининг турлари.....155
«Жиноий жавобгарлик ва унинг асослари» мавзуси юзасидан якуний саволлар.....159
Қўшимча адабиётлар.....161
Ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар.....161
Илмий мақолалар.....161
V БОБ. ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИ.....163
1-§. Жиноят объекти тушунчаси ва аҳамияти.....163
2-§. Жиноят объектининг турлари.....166
3-§. Жиноят предмети.....170
«Жиноят объекти» мавзуси юзасидан якуний саволлар.....172
Қўшимча адабиётлар.....173
Ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар.....173
Илмий мақолалар.....173
VI БОБ. ЖИНОЯТНИНГ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ.....174
1-§. Жиноятнинг объектив томони тушунчаси ва аҳамияти.....174
2-§. Жиноий қилмиш ва унинг турлари.....176
3-§. Жиноий оқибат.....182
4-§. Қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш.....185
5-§. Жиноятнинг объектив томони факультатив белгилари ва уларнинг аҳамияти.....188
«Жиноятнинг объектив томони» мавзуси юзасидан якуний саволлар.....193
Қўшимча адабиётлар.....194
Ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар.....194
Илмий мақолалар.....194
VII БОБ. ЖИНОЯТНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ.....195
1-§. Жиноятнинг субъектив томони тушунчаси ва аҳамияти.....195
2-§. Айб тушунчаси ва шакллари.....198
3-§. Қасд ва унинг турлари.....207
4-§. Эҳтиётсизлик ва унинг турлари.....220
5-§. Мураккаб айбли жиноят.....231
6-§. Айбсиз ҳолда зарар етказиш.....235

7-§. Жиноятнинг мотиви ва мақсади, эмоционал ҳолат....237
8-§. Юридик ва фактик хато, уларнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти....246
«Жиноятнинг субъектив томони» мавзуси юзасидан якуний саволлар....256
Қўшимча адабиётлар....257
ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар....257
Илмий мақолалар....257
VIII БОБ. ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИ....259
1-§. Жиноят субъекти тушунчаси....259
2-§. Жиноий жавобгарлик келиб чиқадиган ёш....262
3-§. Ақли расолик ва ақли норасолик: тушунча ва мезонлар....267
4-§. Мастлик ҳолатида жиноят содир этган шахсларнинг жавобгарлиги....279
5-§. Жиноятнинг махсус субъекти....285
6-§. Жиноят субъекти ва жиноятчининг шахси....287
«Жиноят субъекти» мавзуси юзасидан якуний саволлар....289
Қўшимча адабиётлар....291
Ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар....291
Илмий мақолалар....291
IX БОБ. ТАМОМ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР....292
1-§. Жиноят содир этиш босқичлари тушунчаси, турлари ва аҳамияти....292
2-§. Жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш....296
3-§. Жиноят содир этишга суиқасд қилиш....301
4-§. Жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтиш....308
«Тамом бўлмаган жиноятлар» мавзуси юзасидан якуний саволлар....315
Қўшимча адабиётлар....316
ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар....316
Илмий мақолалар....316
X БОБ. ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК....320
1-§. Жиноятда иштирокчилик тушунчаси....320
2-§. Жиноят иштирокчиларининг турлари....327
3-§. Иштирокчилик шакллари....345
4-§. Жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарлик асослари ва доираси....361
5-§. Жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарликнинг махсус масалалари....367
6-§. Жиноятга дахлдорлик....372
«Жиноятда иштирокчилик» мавзуси юзасидан якуний саволлар....378
Қўшимча адабиётлар....380
Ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар....380
Илмий мақолалар....380

XI БОБ. БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ 382
1-§. Бир қанча жиноят содир этиш тушунчаси ва турлари 382
2-§. Такроран жиноят содир этиш 391
3-§. Жиноятлар мажмуи 397
4-§. Рецидив жиноят 406
«Бир қанча жиноят содир этиш» мавзуси юзасидан якуний саволлар 416
Қўшимча адабиётлар 417
Ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар 417
Илмий мақолалар 417
XII БОБ. ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОИЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР 419
1-§. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси 419
2-§. Қилмишнинг кам аҳамиятли эканлиги 422
3-§. Зарурий мудофаа 424
4-§. Охирги зарурат 446
5-§. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш 458
6-§. Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш 472
7-§. Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик 477
8-§. Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш 483
«Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар» мавзуси юзасидан якуний саволлар 486
Қўшимча адабиётлар 488
Ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар 488
Илмий мақолалар 488

I БОБ. ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ, МЕТОДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

1-§. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси

Маълумки, жиноят ҳуқуқи тушунчаси бир неча маъноларда қўлланилади, булар: 1) қонун соҳаси; 2) ҳуқуқ тармоғи; 3) фан тармоғи; 4) ўқув предмети.

Жиноят ҳуқуқи қонун ҳужжатлари тармоғи сифатида Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи ҳокимияти олий органи – Олий Мажлис томонидан қабул қилинадиган, жиноий жавобгарликнинг умумий асослари ва принципларини, жиноят деб ҳисобланадиган қилмишлар доираси, уларни содир этганлик учун жавобгарлик, жазо тайинлаш, жазо турлари ва ҳажми, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш асослари, жазо ҳисобланмайдиган бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини белгиловчи ҳуқуқ нормалари тизимини ўзида ифода этади.

Жиноят тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатлари **ЖКнинг 1-моддасига** кўра Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига асосланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидан иборатдир. Бу модданинг аҳамияти шундаки, унда фақатгина Жиноят кодекси билан белгиланадиган, Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига зид келмайдиган жиноят қонунчилигининг манбалари аниқ кўрсатилган. Қонун чиқарувчи орган, яъни Олий Мажлиснинг расмий ҳужжати ҳисобланувчи Жиноят кодексига ҳуқуқнинг мазкур соҳасидаги ягона манба мақомини бериш, барча ҳуқуқий нормаларни бир қонунда жамлаш, уларни тизимлилик принципидан келиб чиққан ҳолда муайян кетма-кетликда жойлаштириш, барча қонунлар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш, ҳуқуқни қўлловчиларнинг қонунлардан фойдаланишлари учун барча қулайликларни яратиш имконини беради.

Аксарият ҳолларда жиноят ҳуқуқи, ўзининг предмети, методи ва вазифалари билан фарқланувчи ҳуқуқ соҳаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг таркибий қисми сифатида қаралади.

Жиноят ҳуқуқи ҳуқуқ тизими тармоғи, соҳаси сифатида жиноят қонунига нисбатан анча кенг тушунча ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқи ҳуқуқ соҳаси сифатида қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ бўлган жиноят қонунчилиги ва жиноят-ҳуқуқий муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

Жиноят-ҳуқуқий муносабатларни тор ва кенг маъноларда тушуниш мумкин. Жиноят-ҳуқуқий муносабат кенг маънода жиноят қонунининг расмий равишда кучга кириши билан юзага келадиган муносабат ҳисобланади. Худди шу вақтдан бошлаб янги жиноятларни содир қилишдан огоҳлантирувчи, яъни уларни содир қилишни таъқиқловчи қонуннинг амал қилиши бошланади. ўшандагина жиноят қонуни барча фуқароларга нисбатан ўзининг тарбиявий функциясини амалга оширишни бошлайди.

Жиноят-ҳуқуқий муносабатларни кенг маънода кўриб чиқиш, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш учун муҳим бўлган жиноят қонунининг кучга кирган пайтидан бошлаб унинг аҳоли орасидаги таъсири механизмини аниқлаш, жиноят қонунининг самарадорлигини ўрганишга ёрдам беради[1].

Жиноят-ҳуқуқий муносабатлар тор маънода давлат ва жиноятчи шахс ўртасидаги муносабатдир. Бу муносабатлар жиноят содир этилиши билан бошланади ва судланганликнинг олиб ташланиши ёки жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш билан тугайди.

Жиноят ҳуқуқи юридик фан тармоғи сифатида жиноят ҳуқуқининг ривожланиш тарихини ўрганиш; жиноят қонунини шарҳлаш; миллий ва халқаро ҳуқуқни қиёслаш, халқаро жиноят ҳуқуқини тадқиқ қилиш; жиноят-ҳуқуқий нормаларни қўллаш самарадорлигини, жиноят қонунчилигини қўллашнинг назарий муаммоларини тадқиқ қилиш; ҳуқуқбузарликнинг бошқа шакллари билан боғлиқ бўлган жиноят ҳуқуқининг

[1] *Қаранг:* Курс уголовного права. Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов/ Под ред. д.ю.н., проф. Н.Ф.Кузнецовой и к.ю.н., доц. И.М.Тяжковой. – М.: ИКД «Зерцало-М», 2002. – 3-б.

ижтимоийлашувини ишлаб чиқишга асосланган қарашлар, ғоялар тизимини ифодалайди.

Жиноят ҳуқуқи фанининг асосий вазифаси жиноят қонунини қўллашнинг, кейинчалик уни такомиллаштиришнинг амалий ва назарий муаммоларини ишлаб чиқиш, унинг самарадорлигини ошириш, жиноят-ҳуқуқий сиёсатни самарали амалга оширишни таъминлаш учун жиноят қонунчилигини келажакда ривожланишини башорат қилишдир.[1]

Жиноят ҳуқуқи тушунчаси ҳозирги кунда юридик ихтисосликка асосланган ўрта ва олий ўқув юртларида ўқитиладиган ва ушбу ўқув масканларида ўқийдиган студентлар томонидан ўрганиладиган **ўқув курсини** англатади.

Жиноят ҳуқуқи тушунчаси ҳуқуқ соҳаси, юридик фан ва ўқув курси сифатида қўлланилиши ягона норматив ҳуқуқий база – жиноят-ҳуқуқий нормалар тизимидан иборат бўлган амалдаги жиноят қонунига асосланади.

2-§. Жиноят ҳуқуқи предмети ва методи

Ҳуқуқ тармоғи сифатидаги жиноят ҳуқуқининг предметини давлатнинг махсус ваколатли органлари ва жиноят содир қилган шахс ўртасида вужудга келадиган муайян ижтимоий муносабатлар ташкил қилади.

Жиноят ҳуқуқи муҳофаза қиладиган предметларга шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатлари, мулкчилик, табиий муҳит, тинчлик ва инсоният ҳавфсизлиги киради (**ЖК 2-моддаси 1-қисми**). Бу ижтимоий муносабатлар доираси жиноят ҳуқуқининг ҳуқуқ соҳаси сифатидаги ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Жиноят-ҳуқуқий нормалар воситасида тартибга солиниши натижасида бу ижтимоий муносабатлар жиноят-ҳуқуқий муносабатларга айланади. Бу муносабатлар, одатда, жиноят содир этилиши оқибатида юзага келади. Ушбу муносабатларнинг юзага келишига ЖКда назарда тутилган бошқа ҳолатлар

[1] *Қаранг:* Уголовное право. Учебник / А.С.Якубов, Р.Кабулов и др. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2005. – 48-б.

ҳам юридик факт сифатида асос бўлиши мумкин. Жиноят-ҳуқуқий муносабатлар айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетиши, айблов ҳукмининг ижро этилиши, судланганлик муддатининг тугаши(олиб ташланиши) ёки жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш муносабати билан тугайди. Жиноят-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлиб махсус ваколат берилган органлар орқали давлат ҳамда аниқ жиноят таркиби аломатлари мавжуд бўлган, жиноий жазо қўллаш таҳдиди билан қонун томонидан тақиқланган қилмишни содир қилган шахс ҳисобланади. Шунга кўра, давлатда жиноят содир қилган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мажбурияти ётади, жиноятчи эса жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия қонунида белгиланган тартибда содир қилган қилмиши учун жавоб бериш мажбуриятига ва ЖКда ўрнатилган содир қилган қилмиши учун адолатли жазо ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини тайинлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Жиноят содир этган шахс ва давлат ўртасида жиноят- ҳуқуқий муносабатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, шунингдек, бу муносабатларнинг тугатилиши суриштирув ва дастлабки тергов органлари, прокурор, судья ва суд томонидан содир этилган жиноят бўйича процессуал қонунда назарда тутилган тартибда жиноят судлов иши юритиш жараёнида аниқланади, бу қонун шундай тузилганки, у айбсизларни ноқонуний ва асоссиз жиноий жавобгарликка тортишнинг олдини олади.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқ тармоғи сифатидаги жиноят ҳуқуқининг предмети қаторида, ундан кенгроқ тушунча бўлиб ҳисобланадиган ҳуқуқий фан тармоғи сифатидаги жиноят ҳуқуқи предметини ҳам ажратадилар.

Жиноят ҳуқуқи фанининг предметини амалдаги қонунни, уни амалиётда қўллаш муаммоларини, жиноят ҳуқуқининг ривожланиш тарихини, хорижий мамлакатлардаги жиноят қонунчилиги ва жиноят ҳуқуқини, халқаро жиноят ҳуқуқини, жиноятларнинг олдини олиш ва фуқароларни қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялашнинг жиноят-ҳуқуқий муаммоларини ва бошқаларни ўрганиш; жиноят қонунини шарҳлаш;

қонунчиликни ва уни амалиётда қўллашни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш; жиноят ҳуқуқининг социологиясини ишлаб чиқиш, яъни жиноятчиликнинг динамикаси, тузилиши ва даражасини аниқлаш орқали жиноят қонунининг амалдаги реал ҳолатини, қонуннинг самарадорлигини, жиноят-ҳуқуқий тартибга солиш механизмини, жиноят қонунининг шартлилиги ва асосланганлигини ўрганиш, қилмишни криминализация ва декриминализация қилиш ташкил қилади[1].

Бизга маълумки, жиноят ҳуқуқининг предмети ушбу фан соҳасини ўрганишнинг методикаси ва илмий изланишнинг методологиясини белгилаб беради. Ўз навбатида, ўрганиш учун фойдаланиладиган умумий ва махсус методлар фанининг мазмунини аниқлаб беради.

«Метод» тушунчаси реал ҳақиқатни билиш ва у ҳақида объектив билимларни олиш учун йўл, усул ва воситаларни қамраб олади[2]. Жиноят ҳуқуқининг методологияси ҳақидаги масала (бошқа ҳар қандай юридик фан соҳаси каби) ҳозирги кунгача баҳсли ҳисобланади. Фан соҳасини ўрганишга хизмат қиладиган методология асослари баъзи ҳолларда илмий, фалсафий ёки диалектик методларни, бошқа ҳолларда билишнинг махсус усул ва воситаларини тан олади. Бир қанча муаллифларнинг фикрига кўра, бошқа фан соҳаларига асос бўлиши лозим бўлган умумий ҳуқуқ назариясигина методологик функцияга эга[3].

«Методология» ва **«методика»** тушунчаларини фарқлар эканмиз, мамлакатимизда содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларга қарамасдан жиноятчиликка қарши курашнинг мазмун-моҳиятини, қонунчиликни тадқиқ қилиш ва уни амалиётда қўллашга имкон берадиган диалектик методни энг асосий метод сифатида тан олишимиз мумкин. Масалан, сабабий боғланиш ҳақидаги диалектик билимлар иштирокчилик

---

[1] *Қаранг:* Курс уголовного права. Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под ред. д.ю.н., проф. Н.Ф. Кузнецовой и к.ю.н., доц. И.М. Тяжковой. – С. 4.

[2] *Қаранг:* Общая теория права / Под общ. ред. А.С. Пиголкина. – М.: 1996. – С. 17; Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть. – М.: 1996. – С. 29; и др.

[3] *Қаранг:* Уголовное право. Общая часть: Учебник / А.С. Якубов, Р. Кабулов и др. – С. 60-61.

фактини аниқлашда, жиноий ҳаракат (ҳаракатсизлик) ва зарарли оқибат ўртасидаги боғланишни тадқиқ қилишда қўлланилади. Жиноятга суиқасд қилиш ва тайёргарлик кўриш жиноят босқичлари ҳақидаги қонунчилик ва нормаларни амалиётда қўллаш эҳтимолликдан ҳақиқийликка ўтиш ҳақидаги диалектик методга асосланади.

Жиноят ҳуқуқи **методикаси** жиноят-ҳуқуқий тушунча ва ҳодисаларни ўрганишда қўлланиладиган усул ва воситалар йиғиндисини, тизимини ифодалайди. Фалсафий метод ҳисобланган диалектик метод билан биргаликда яна бошқа методлардан ҳам фойдаланиш лозим. Бундай методларга қуйидагилар киради: ЖК нормаларининг санкция ва диспозициясини ишлаб чиқишда қўлланиладиган **юридик метод**; сон кўрсаткичлари орқали жиноят-ҳуқуқий тушунчалар ва ҳодисаларни сифатий хилма-хиллигини кўрсатишга имкон берувчи **статистик метод**; аҳоли орасида сўровлар ўтказиш орқали жиноят ҳуқуқининг турли жиҳатларини ўрганишда қўлланадиган **социологик метод**; жиноят ҳуқуқининг жиноят қонуни, принциплари, жиноят, бир қанча жиноятлар содир этиш, иштирокчилик, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш каби институтларни система, яъни бир неча элементлардан иборат бўлган яхлит бир бутунлик сифатида ўрганишга имкон берадиган **тизимли метод;** қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва илмий тадқиқот мақсадларида турли давлатларнинг ҳуқуқ тизими ва қонунчилигини солиштиришга имкон берадиган **қиёсий-ҳуқуқий метод**; қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида ўтмиш тажрибасидан фойдаланишга ёрдам берадиган **тарихий метод** ва бошқалар.

Ушбу методларнинг барчаси бир-бири билан боғлиқ ҳамда бир бутун ҳолда қўлланилиши лозим.

3-§. Жиноят ҳуқуқи вазифалари

Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилиги ўз олдига **учта вазифани** қўяди: муҳофаза қилиш, олдини олиш ва тарбиялаш. **ЖКнинг 2-**

моддасида жамият ва давлатнинг жиноят-ҳуқуқий тақиқ ўрнатиш йўли билан эришадиган мақсадлари белгиланган. Шу йўл орқали Жиноят кодексининг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти мустаҳкамланади, бу ўз навбатида айрим қилмишларнинг жиноийлиги ва жиноят эмаслигини аниқлаш жараёнига, кодекс меъёрларининг жиноят содир этган шахсларга нисбатан амалда қўлланилишига, суд-ҳуқуқ ислоҳотининг кейинги ривожланишига ва ҳоказоларга жиддий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, қонуннинг вазифаси жиноий қилмишни акс эттириш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш техникасини такомиллаштириш, бузилиши жиноят ҳисобланадиган қоида ва бланкет меъёрларни қатъий аниқлаш ва ҳоказолар мақсадида қонун чиқарувчига таъсир ўтказишга қаратилган.

Демак, Жиноят кодекси бажарилиши инсон ҳуқуқлари бўйича демократик институтларни ривожлантиришнинг кафолати бўлиб хизмат қилишини акс эттирувчи уч вазифани аниқлайди.

Ушбу вазифалар қонунда ниҳоятда аниқ ва тизимли ифодаланган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

– биринчидан, шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш;

– иккинчидан, жиноятларнинг олдини олиш;

– учинчидан, фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш.

Биринчи, яъни **муҳофаза қилиш вазифаси** умуман жиноят-ҳуқуқий меъёрлар учун, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси учун асосий мезон бўлиб, муайян ижтимоий муносабатларни (хавфсизлиги ва ижросини таъминлаш орқали) уларга жиддий зарар етказилиши ёки етказиш имкониятидан, яъни объектив равишда мавжуд бўлган ҳуқуқ ёки эркинликни шахс, жамият ва давлат учун амалда хавф туғдирувчи чеклов ёки йўқ қилиб юборишлардан ҳимоя қилишдан иборат.

Жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш вазифаси ижтимоий ҳавфли қилмишни содир этиш ҳолатидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасининг таркибий тегишлилигидан (суд, прокуратура, ички ишлар органлари, ДХХ ва шу кабилар), ЖК амал қилган ҳудуднинг маъмурий-ҳудудий тегишлилигидан ва бошқалардан қатъи назар, доимий равишда амалга оширилади. Ушбу юқорида кўрсатилган ижтимоий муносабатларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш ЖКнинг амал қилиш доирасида ҳамиша ва ҳамма ерда амалга оширилиши лозим.

Жиноят кодексининг вазифаси сифатида ижтимоий муносабатларнинг жиддий зарар етказилишидан ҳимоя қилиниши иккиёқлама амалга оширилади:

а) жиноят содир этилишидан аввал маълум қилмишларни тақиқлаш ёки тегишли хулқ-атворга риоя этиш, яъни ҳуқуқий жиҳатдан йўл қўйиладиган фаолият чегараларини белгилаш орқали;

б) ижтимоий хавфли қилмиш содир этилганидан кейин бузилган ҳуқуқнинг айбдор шахсга нисбатан жиноий жазо чораларини қўллаш орқали тикланишини таъминлаш йўли билан.

Бузилган ҳуқуқнинг тикланиши деб, етказилган зарарнинг маънавий ёки моддий шаклда қопланиши эҳтимолини тушуниш лозим (масалан, солиқлар ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш – ЖКнинг 184-моддаси 5-қисми, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш – ЖКнинг 167-моддаси 4-қисми каби жиноятларни содир этганда етказилган зарарни қоплаш).

Шуни назарда тутиш керакки, жиноий тажовузлардан ҳимоя этиладиган ижтимоий муносабатлар ЖКнинг айнан 2-моддасида мустаҳкамланиши тасодифий эмас, балки жаҳон ҳамжамиятида умумэътироф этилган демократик ҳуқуқий давлатнинг замонавий қадриятлар тизимига бўйсундирилган кўринишидир, яъни шахс–жамият–давлат. ЖКнинг таркибий тузилиши ҳам айнан ана шу тизим асосида ишлаб чиқилган,

чунончи унинг «Махсус» қисми шахсга қарши жиноятлар бўлимидан бошланади.

Марказий ва энг муҳим муҳофаза объекти сифатида ЖК шахсни, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кўзда тутадики, бу Конституциянинг 14-моддаси қоидаларидан келиб чиқади. Конституцияга мувофиқ энг олий қадрият инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари ҳисобланади.

NOTA BENE !

Жиноят ҳуқуқида **шахс** сифатида жамият ва давлат билан алоқаларидан алоҳида олиб қаралувчи ҳар бир инсон тушунилади.

Инсоннинг ЖК томонидан муҳофаза объекти сифатидаги шахс деб тан олиниши учун унинг ёши, ижтимоий келиб чиқиши, саломатлиги ва бошқа ҳолатлар аҳамиятга эга эмас. Жумладан, янги туғилган чақалоқ ҳам (масалан, ЖКнинг 99-моддаси), муомалага лаёқатсиз киши ҳам (масалан, ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «в» банди), вояга етмаган бола ҳам (масалан, ЖКнинг 128-моддаси), давлат ёки жамоат арбоби ҳам (масалан, ЖКнинг 155-моддаси 2-қисми), Ўзбекистон Республикаси Президенти (ЖКнинг 158-моддаси) ва бошқалар ҳам шахс деб тан олинади ҳамда муҳофаза қилинади.

NOTA BENE !

Шахс ҳуқуқлари – бу давлат ва жамият томонидан қондирилиш мажбурияти билан тавсифланадиган, инсоннинг давлат ва бошқа кишиларга нисбатан иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларидаги имкониятлари ва даъволаридир.

Масалан, шахснинг яшаш ҳуқуқи, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, меҳнат қилиш ҳуқуқлари, мулкка бўлган ҳуқуқлари ва ҳоказолар шахс ҳуқуқлари ҳисобланади. ЖКда қайси ҳуқуқ ва эркинликлар

унинг муҳофаза қилиш объекти эканлиги кўрсатиб ўтилмаган, лекин ЖКнинг Махсус қисми моддалари таҳлили шуни кўрсатадики, муайян шахс эга бўлган барча ҳуқуқлар – улар ўзига хос тавсифдалиги (масалан, номуси ва қадр-қимматини ҳимоя этиш ҳуқуқи) ёки жамият, давлат томонидан тақдим этилганлиги (масалан, Қуролли Кучларда буйруқ бериш ҳуқуқи) ҳимоя этилиши лозим.

NOTA BENE !

Шахс эркинлиги – бу инсоннинг Конституцияда ёки бошқа қонун ҳужжатларида (қонунлар ва қонуности ҳужжатлари) акс эттирилган муайян хулқ-атвори имконияти.

Шахснинг ҳар қандай шахсий эркинликлари, унинг тавсифидан қатъи назар, ЖКнинг муҳофаза объекти ҳисобланади. Жумладан, сўз эркинлиги, виждон эркинлиги, илмий ва техник ижодиёт эркинлиги ва бошқалар.

Шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари ҳам Кодекснинг муҳофаза объекти ҳисобланади.

Жамият ва давлат манфаатлари шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳосиласи бўлиб, мазкур манфаатларга (шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига) зид бўлиши мумкин эмас. Айни пайтда ушбу манфаатлар бир инсоннинг эмас, балки умуман аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини акс эттиради. Шу боис, улар бутун жамият ёки давлат учун ҳам, алоҳида бир субъект учун ҳам муҳим бўлган ҳуқуқлардир. Шундан келиб чиқиб, Кодекс ушбу муносабатларни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти сифатида мустаҳкамлайди.

Жамият манфаатлари – жамиятнинг борлигини белгиловчи унинг энг муҳим элементлари.

NOTA BENE !

Жамият деганда, ўзининг маълум бир умумий манфаатлари, ўзаро муносабат ва маданияти билан ўзгалардан фарқланувчи кишилар гуруҳи тушунилади.

ЖКнинг 2-моддаси мазмунига кўра, жамият деганда, бирон давлатнинг фуқаролигига мансублиги ёки бошқа шартлар билан (жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий аҳволи ва бошқ.) боғлиқлигидан қатъи назар, Республиканинг бутун аҳолиси тушунилади.

Жамият манфаатлари сифатида ахлоқ, маънавият, иқтисодий-ижтимоий асослар, жамиятда хулқ-атвор қоидалари ва бошқалар қаралиши мумкин.

Давлат манфаатлари бутун жамиятнинг эмас, балки унинг маълум тарзда сиёсий уюшган қисмини ифодаловчи манфаатдир.

NOTA BENE !

Давлат – бутун жамиятга татбиқ этиладиган, унинг расмий вакили сифатида чиқадиган ва мажбур қилиш воситалари ва тадбирларига таянадиган оммавий ҳокимият ташкилоти[1].

ЖКнинг 2-моддаси мазмунига мувофиқ, давлат деганда, уни ташкил этувчи органларини эмас, балки Ўзбекистон Республикасини яхлит тушуниш керак.

Давлат манфаатлари деганда, унга жамият томонидан юклатилган вазифа ва функцияларни ижро этиш учун мавжуд бўлиши зарур ҳаётий фаолиятнинг ўта муҳим элементлари, жумладан, ҳуқуқ-тартибот, бошқарув тартиби, сиёсий барқарорлик, ҳокимият органларининг фаолият юритиши, суверенитет ва бошқалар тан олинади.

Қаранг: Большой юридический словарь. / Под ред. А.Я. Сухарева, В.Е. Крутских. – М.: ИНФРА-М, 2000. – С. 129.

NOTA BENE !

Мулк ЖК муҳофаза объекти сифатида моддий дунёнинг, шунингдек, муаллифлик ҳуқуқи объектлари сифатида мулкий ашёларига эга бўлиш юзасидан ва шунга боғлиқ равишда ижтимоий муносабатларнинг маълум бир гуруҳи сифатида намоён бўлади.

Мулкчиликнинг шакли аҳамиятга эга эмас, чунки конституциявий қоидаларга мувофиқ, мулк қандай ҳуқуқий шаклда эканлигидан қатъи назар, бир хилда ҳимоя қилинади.

Табиий муҳитни жиноят-ҳуқуқий муҳофазанинг мустақил объекти сифатида қараш барча фуқаролар давлат ҳимояси остида бўлган ва умуммиллий бойлик ҳисобланган табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари (Конституциянинг 50-моддаси) лозимлиги ҳақидаги қоидага асосланади[1].

Бугунги кунда «табиий муҳитни асраш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш умуммиллий вазифа ҳисобланади ва бу экология тизимини, табиат комплекслари ва айрим объектларнинг муҳофазасини таъминлашга,

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартириш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 90-моддасининг иккинчи қисмига тузатиш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32, 78, 93, 98, 103 ва 117 моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 4-бандига, 81-моддасининг еттинчи қисмига, 83-моддасига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13 ва 14- бандларига, 107-моддасининг биринчи қисмига, 110-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига, 111-моддасига ўзгартишлар ва қўшимча киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 5 ва 12-бандларига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13-бандига ҳамда 108, 109-моддаларига ўзгартишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 99 ва 10-моддаларига ўзгартишлар киритилган.) – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 17 б.

фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган»[1].

NOTA BENE !

Атроф табиий муҳит жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида ҳам алоҳида, ҳам бутунлигича экотизимни ташкил этувчи биологик (ўсимлик ва ҳайвонот олами) ва нобиологик (ер, ер ости, сув ва атмосфера) элементларга авайлаб, оқилона муносабатда бўлиш ва уларнинг сақлаб қолинишини таъминлаш юзасидан ва шунга боғлиқ ижтимоий муносабатлар гуруҳидан иборатдир.

Шунингдек, Жиноят кодекси томонидан муҳофаза қилинадиган объектлар сирасига **инсоният тинчлиги ва хавфсизлиги** ҳам киради, бу эса Ўзбекистоннинг БМТ Низоми[2], Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт[3], Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт[4] ва бошқа ҳужжатларда акс этган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрлар тарафдори эканлиги билан боғлиқ.

[1] Қаранг.: Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 20 декабря 1996 г. № 36, «О судебной практике по делам о преступлениях и иных правонарушениях в сфере охраны окружающей среды и природопользования» с изменениями и дополнениями, внесенными постановлением Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 14 июня 2002 г. № 10 // Сборник постановлений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан 1991–2006, Т.1. –Т.: «Адолат», 2006. –С. 314. (Далее – Сборник, Т.1).

[2] Қаранг.: Устав Организации Объединенных Наций (Сан-Франциско, 26 июня 1945 г., вступил в силу 24 октября 1945 г.; Республика Узбекистан стала членом ООН 2 марта 1992 г.).

[3] Қаранг.: Международный пакт о гражданских и политических правах (Принят и открыт для подписания, ратификации и присоединения Резолюцией 2200 А (XXI) Генеральной Ассамблеи ООН 16 декабря 1966 г., вступил в силу 23 марта 1976 г., присоединение Республики Узбекистан в соответствии с Постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 31 августа 1995 г., № 127-I, вступил в силу для Республики Узбекистан 28 декабря 1995 г.).

[4] Қаранг.: Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах (Принят и открыт для подписания, ратификации и присоединения Резолюцией 2200 А (XXI) Генеральной Ассамблеи ООН 16 декабря 1966 г., вступил в силу 3 января 1976 г., присоединение Республики Узбекистан в соответствии с Постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 31 августа 1995 г., № 126-I, вступил в силу для Республики Узбекистан 28 декабря 1995 г.).

NOTA BENE !

Тинчлик ва инсоният хавфсизлиги – давлатлар, миллатлар ва халқларнинг биргаликда тинч-тотув ҳаёт кечириши, халқаро келишмовчиликларнинг олдини олиш, низоли вазиятларни бартараф этишнинг ягона мавжуд усули сифатида баҳсларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш, башариятнинг барқарор ва прогрессив ривожланишини таъминлаш ва жами ер юзи аҳолисининг манфаатларини ҳимоялашга қаратилган ижтимоий муносабатлардир.

ЖКнинг тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари унинг Махсус қисмидаги мустақил бобда жамланган.

Жиноятларнинг олдини олиш, яъни алоҳида меъёр сифатида ҳуқуқий хулқ-атворни белгиловчи ҳуқуқий онг даражасини шакллантириш орқали ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этилмаслигини таъминлаш ЖКнинг муҳим вазифасидир.

Жиноятларнинг олдини олиш умумий ва махсус превенция йўли билан амалга оширилади.

NOTA BENE !

Умумий превенция – умуман аҳоли томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш, бу эса, у ёки бу хатти-ҳаракатнинг содир этилишига ҳуқуқий тақиқни белгилаш билан ҳам, жиноят содир этган шахсларни жазолаш билан ҳам таъминланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги ҳолатда умумий превенция, жиноий жазоланадиган хатти-ҳаракатларни содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортилишнинг муқаррарлигини намойиш этиш орқали аҳолига таъсир этади.

Умумий превенциядан фарқли равишда махсус превенция фақат айбдор шахсга тааллуқли бўлиши билан биргаликда, мазкур шахснинг жиноий жавобгарликка тортилиши умумогоҳлантириш аҳамиятига эга бўлади.

NOTA BENE !

Махсус превенция – жиноий жавобгарликка тортилган муайян шахс томонидан келажакда ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш.

Фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш Кодексда алоҳида вазифа сифатида белгиланган бўлиб, у ҳуқуқий жавобгарликнинг энг оғир тури ҳисобланган жиноий жавобгарликка тортиш таҳдиди остида у ёки бу фаолиятни амалга оширишда ҳуқуқий механизмларга риоя этишни назарда тутади. Аҳолининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш тарбиянинг моҳиятини ташкил этади.

Фуқароларни Конституция ва қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялаш умумий превенциядан фарқли равишда муайян хатти-ҳаракат учун жиноий жавобгарлик мавжудлигини фуқаролар билишини талаб этмайди, балки уларда қонунни бузишга тўсқинлик қилувчи фаол ҳаётий позицияни шакллантиради. Шундай қилиб, фуқароларни тарбиялаш ҳуқуқий бўйсуниш, яъни ҳуқуқий қоидаларга онгли равишда риоя этилишини таъминлашдан иборат.

ЖК 2-моддаси 2-қисми Кодекс томонидан қўйилган вазифаларни, хусусан, қуйидагиларни аниқлаш орқали амалга оширишнинг усул ва услубларини кўрсатиб беради:

– жиноий жавобгарликнинг асослари ва принциплари;

–жиноят ҳисобланадиган ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар;

– ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ва ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари.

Кодекснинг вазифаларини амалга оширишнинг белгиланган усуллари умумий бўлиб, улар унинг таркибий элементлари – Умумий ва Махсус қисмнинг бўлим, боб ва моддаларида аниқлаштирилади.

4-§. Жиноят ҳуқуқи принциплари

1994 йилги ЖКда биринчи марта ўрнатилган **жиноят ҳуқуқининг принциплари** жиноят қонунида мустаҳкамланган давлатнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсати моҳиятини ва ҳозирги йўналишларини ифодалайдиган, содир этилган жиноят учун жавобгарлик негизлари, чегаралари ва шакллари ҳақида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, этник, диний ва ҳуқуқий тасаввурларни акс эттирадиган етакчи ғоялар ва асосий қоидалардир.

Жиноят ҳуқуқининг принциплар тизими **ЖКнинг 3-моддасида** берилган. Бу принциплар тизими жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг демократик моҳиятини акс эттиради ва шу билан бирга ҳуқуқни қўллаш амалиётининг барқарорлиги ва яхлитлигини таъминлашга хизмат қилади, бу билан қонун чиқарувчи томонидан айрим жиноят- ҳуқуқий меъёрларни ўзгартиш, қўшимчалар киритиш, бекор қилишнинг ҳамда ваколатли давлат органлари томонидан уларни қўллашнинг раҳбарий асосларини белгилаб беради.

ЖКнинг 3-моддаси қонуннинг ҳар бир меъёрида мавжуд бўлиши шарт бўлган қадриятлар структурасини акс эттирадиган ўзига хос андоза вазифасини ўтайди, яъни ҳар қандай жиноят-ҳуқуқий норма ушбу моддада кўрсатилган етакчи қоидалар мажмуига мос бўлиши лозим, акс ҳолда, у Жиноят кодексининг нормаси сифатида тан олинмайди ва амалда қўлланилмайди.

Жиноят кодекси нормалари тизими ва жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўзаро боғлиқ ҳамда бир-бирини белгиловчи ҳуқуқий принциплардан таркиб топади.

NOTA BENE !

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий принциплари жиноят-ҳуқуқий нормаларда мустаҳкамланган ва Жиноят кодекси вазифаларидан келиб чиққан ҳолда жиноий жавобгарликнинг умумий асосларини, йўналишини ва ҳажмини белгиловчи таянч ғоялардир.

Кодекс вазифаларидан фарқли ўлароқ, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари принциплари жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг йўналишини акс эттирмасдан, балки уни амалга оширишнинг айрим таянч усулларини белгилаб беради. Айнан Кодекснинг вазифалари жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг хусусиятлари ва принциплар тизимини белгилаб беради. Принципларнинг кодекс вазифалари билан аввалдан белгилаб қўйилганлиги мазкур ғояларнинг раҳбарий асослар сифатидаги хусусиятига таъсир этмаслигини қайд этиб ўтиш лозим. Принципларнинг бўлмаслиги кодекс вазифаларини фақат декларатив хусусиятгагина эга қилиб қўяди. Амалиётда белгиланган принциплардан чекиниш уларни бажармасликни ва жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифаларини амалга оширмаганликни билдиради. Демак, вазифалар ва принциплар биргаликда жиноят-ҳуқуқий тартиботнинг ва ижтимоий муносбатларни ҳимоя қилишнинг асосини ташкил этади ва айнан шунинг учун Кодекс «Жиноят кодексининг вазифалари ва принциплари» боби билан бошланади.

Жиноят кодексининг принциплари янги ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқиш ва қонунни қўллаш амалиётида раҳбарий аҳамиятга эга умумий ғоялардан иборатдир. Мазкур ғояларнинг ҳуқуқий меъёрлар шаклига келтирилиши уларга ўзгача ижтимоий моҳият бахш этади, уларни тартибга солувчи таъсирчан омилларга айлантиради. Қонунда акс этганидан сўнг улар инсонларнинг ҳуқуқий онгига таъсир этувчи қонун яратиш ва унинг ҳуқуқий қўллаш жараёнида риоя этилиши лозим бўлган мажбурий меъёрлар хусусиятини касб этади. Принципларнинг ҳуқуқий моҳияти Ўзбекистоннинг

бутун ҳудудида уларни тушуниш ва қўллашда ягона ёндашувни таъминлайди.

Принцип-нормаларнинг фуқароларга таъсири уларнинг фуқароларни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришига кўмаклашувчи ва шу орқали жиноятчиликнинг олдини олиш, ижтимоий муносабатларни сезиларли зарар етказилишидан ҳимоя қилишдан иборатдир. Меъёрий-ҳуқуқий принципларнинг фуқароларга таъсири кодексда белгиланган қоидаларни бузмасликка даъват қилиш даражасидаги уларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш ва бу қоидаларга фақат давлат ва жамият манфаатлари назаридан эмас, балки ўзининг шахсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёки бўлмаса давлат томонидан ўрнатилган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг реаллигидан, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда риоя эттириш мақсадини кўзлайди.

Кодексда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг етакчи ғояларини мустаҳкамловчи махсус моддалар мавжудлиги олиб борилаётган жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг вазифаларини самаралироқ ҳал этиш ва унинг моҳиятини чуқурроқ англаб етишга кўмаклашади.

Ҳуқуқий принципларнинг дастлабки тергов, прокуратура ва суд идораларининг мансабдор шахсларга таъсири, ўз навбатида, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тўғри қўлланилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилинишига ва бу борадаги Ўзбекистон Республикаси жиноятга оид сиёсатини юрғизишнинг барқарорлиги ва бирлиги, шунингдек, хизмат вазифаларини бажаришда талабчанлик ва шахсий масъулиятни оширишдан иборатдир.

Қонун ижодкорлиги жараёнида ҳуқуқий принципларнинг таъсири алоҳида аҳамият касб этади. Принцип-нормалар қонун чиқарувчи органнинг қонун чиқариш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда бекор қилиш билан боғлиқ бўлган фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади. Жиноий-ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида қонун

чиқарувчи жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган раҳбарий ғоялар тизимига таянади.

Ҳуқуқ соҳасининг ҳар бири учун тааллуқли бўлган умумий ғоялар **3-моддада** келтирилган ҳуқуқ соҳасининг ҳар бир тармоғида инобатга олинган. Жиноят кодекси мавҳум умумижтимоий қадриятларни назарда тутмайди, балки аниқ ҳуқуқий ҳодисаларни ифодалайди. Мисол учун, умумижтимоий принцип сифатида тан олинган қонунийлик принципининг мазмун-моҳияти Конституция ва қонуннинг устунлигида акс этади. Жиноят кодексининг **4-моддасида** келтириб ўтилган «содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади», деб мустаҳкамланган норматив-ҳуқуқий нормада жиноят-ҳуқуқий принципларнинг аниқлиги алоҳида тавсифга эга эканлигини кўриш мумкин.

Қонунийлик принципи Жиноят кодексида мустаҳкамланган принципларнинг тартибини бошлаб беради. Бироқ, буни бир принципнинг бошқа бир принципдан устунлиги сифатида тушунмаслик керак. Жиноят кодексининг **3-моддасида** акс эттирилган қонунийлик принципи ҳар бир принципни бир-бири билан боғлаб, тўлдириб туради. Қонунда принциплар тизимини қўллаш жиноят-ҳуқуқий нормада ифодаланган аниқ ижтимоий хавфли қилмишга нисбатан алоҳида олинган принцип элементларини қўллаш ҳолатига таъсир кўрсатмайди. Қанчалик муҳим бўлмасин, Жиноят кодекси фақат биргина принципга таяниб қолиши мумкин эмас, зеро, у олдига қўйилган ҳар бир масалани ечиб бера олмайди. Тизимнинг таъсир доираси Жиноят кодексида келтирилган барча принципларнинг ҳаракатида акс этади.

5-§. Қонунийлик принципи

Қонунийликка риоя этиш мажбурийлиги Ўзбекистон Республикасининг асосий қонунида қайд этилганидек, «Конституция ва қонунларнинг

устунлиги сўзсиз тан олинади» (Конституциянинг 15-моддаси 1-қисми)[1]. Конституциянинг 14-моддасига асосан[2], қонунийлик принципи давлат фаолиятининг энг асосий принципи ҳисобланиб, ушбу конституциявий қоидалар Жиноят кодексининг бошланғич асоси сифатида қонунийлик принципида ўрнатилган ҳамда у Конституциянинг 16-моддасига асосан[3], Ўзбекистон Республикаси қонунлари нормалари ва принципларига зид келмаслиги лозим.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида **қонунийлик принципи** тор йўналишда ифодаланган бўлиб, асосан ЖК вазифаларига нисбатан қўллашга мос ҳолда талқин қилинади. **ЖКнинг 4-моддасида** ушбу принцип қуйидагича белгиланган: «Содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади.

Ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмай туриб, жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас. Жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс қонунда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради».

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартириш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 90-моддасининг иккинчи қисмига тузатиш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32, 78, 93, 98, 103 ва 117 моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 4-бандига, 81-моддасининг еттинчи қисмига, 83-моддасига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13 ва 14- бандларига, 107-моддасининг биринчи қисмига, 110-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига, 111-моддасига ўзгартишлар ва қўшимча киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 5 ва 12-бандларига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13-бандига ҳамда 108, 109-моддаларига ўзгартишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 99 ва 10-моддаларига ўзгартишлар киритилган.) – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 7 б.

[2] Ўша жойда.

[3] Ўша жойда.

Умумҳуқуқий соҳанинг асоси бўлган қонунийлик принципидан фарқли равишда кодексдаги ушбу принцип, аввалambор, жиноят, жазо ва бошқа ҳуқуқий чораларнинг қўлланилиши фақат Жиноят кодекси асосидагина тартибга солинишини англатади. Қонунийлик принципига жиноят-ҳуқуқий ёндашувнинг кўриниши сифатида айбсизлик презумпцияси ва айбдор шахснинг ҳуқуқий мақомини кўрсатиш мумкин.

Қонунийлик принципи жиноят-ҳуқуқий маънода қуйидагиларни англатади:

– фақат Жиноят кодексигина қандай қилмиш жиноят сифатида тан олинишини, айбдорга қандай жазо қўллаш (унинг тури, чегараси ва тайинлаш тартиби) ва жиноят содир қилиш, жазодан ташқари, яна қандай бошқа ҳуқуқий оқибатлар туғдириши мумкинлигини белгилайди (nullum crimen sine lege);

– фақат суднинг ҳукмига ва мутлақо қонунга асосан шахс жиноят содир этган деб топилиши ва жазоланиши мумкин;

– айбланувчининг ҳуқуқий ҳолати фақатгина қонун билан тартибга солинади.

«Nullum crimen sine lege» принципи қонунийликнинг жиноят-ҳуқуқий принципи учун асосий ва анъанавий принцип ҳисобланиб, у айнан қонун билан тақиқланган хатти-ҳаракатгина жиноят эканлигини англатади. Бироқ «nullum crimen sine lege» принципи ўз мазмун-моҳиятига кўра янада кенгроқ ва бой бўлиб, қуйидаги бир неча жиҳатларни қамраб олади:

– шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий асос бўладиган ва унинг ҳуқуқий оқибатларини белгилаб берадиган қонунчилик манбалари;

– шахсни жиноий жавобгарликка тортиш шартлари ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар.

Қонунийлик принципи шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва унинг ҳуқуқий оқибатларини аниқлашда қонунчилик ҳужжатлари турларининг тартибга солинишини назарда тутади. Демак, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, унга жазо тайинлаш ва ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш фақат

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси билангина белгиланади. Бу ҳар қандай бошқа қонун ҳужжати қўлланиши истисно этилади, демакдир. Бу талабда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари фақат Жиноят кодексидан иборатдир деб кўрсатилган. Бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 1-моддаси талабларига тўла мос келади.

Шундай қилиб, қонунийлик принципи шахсни жиноий жавобгарликка тортишда жиноят қонунининг аниқ ва ягона шаклини ўрнатиб, унинг юридик ва бошқа ҳуқуқий оқибатларини тартибга солади. Жиноят қонунида кўрсатилмаган ҳар қандай бошқа қилмиш учун жиноий жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмайди.

Жиноят ҳуқуқида аналогия институтининг йўқлиги сабабли амалиётда пайдо бўлган ҳар қандай янги ижтимоий хавфли қилмиш Жиноят кодексига киритилмагунга қадар жиноят деб топилмайди.

Қонунийлик принципи шахсни жиноий жавобгарликка тортиш асосларини белгилашда намоён бўлади. Амалдаги қонунчиликка кўра, шахс жиноий жавобгарликка содир этган муайян қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) учунгина тортилиб, унинг фикри ва қарашлари жиноий жавобгарликка тортишга асос бўла олмайди. Жиноят кодекси **4-моддаси 1-қисмида** қонунийлик принципи ҳақида тўхталиб, жиноят ва жазо фақат ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали содир этилиши назарда тутилган. Қонунийлик принципининг ушбу қоидаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (29-модда)[1], Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартириш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 90-моддасининг иккинчи қисмига тузатиш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32, 78, 93, 98, 103 ва 117 моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул

нормалари ва принциплари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда (15-модда) кўрсатиб ўтилган қоидаларга тўла мос келади.

Шунингдек, қонунийлик принципи у ёки бу хатти-ҳаракатни жиноят сифатида қабул қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш таҳдиди билан жиноят қонунида мустаҳкамлайди. Жиноий қилмиш шахснинг ҳаракати ва ҳаракатсизлиги билан тавсифланади.

Қилмишнинг жиноийлиги уни ижтимоий хавфли деб баҳолаш учун асос бўладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг таркиби билан ифодаланади. Жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги оқибатида Жиноят кодекси билан ҳимояланадиган ижтимоий муносабатларга етган ёки етиши мумкин бўлган зарар даражасида ифодаланади.

Қилмишда жиноийлик хусусиятининг мавжуд эмаслиги шахсни жиноий жавобгарликка тортмасликка асос бўлади. Масалан: шахснинг қандайдир шартнома шарти мажбуриятини бажармаганлигини асос қилиб озодликдан маҳрум этилишига йўл қўйилмайди[1]. Шунга ўхшаш қоида МДҲнинг Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги Конвенциясида ҳам ўз ифодасини топган.

Қилмишни жиноий деб топиш учун бошланғич нуқта сифатида, уни ижтимоий муносабатлар учун хавфлилигини аниқлаш ҳисобланади, яъни жиноят қонуни ижтимоий жиҳатдан зарур бўлиши лозим: агар ҳаракат, ижтимоий ҳаёт талабидан келиб чиқиб, етарли даражадаги ва хусусиятдаги хавфлиликни ташкил қилмаса, у жиноийлик хусусиятини йўқотади ва Жиноят кодексидан чиқарилиши шарт.

қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 4-бандига, 81-моддасининг еттинчи қисмига, 83-моддасига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13 ва 14- бандларига, 107-моддасининг биринчи қисмига, 110-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига, 111-моддасига ўзгартишлар ва қўшимча киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 5 ва 12-бандларига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13-бандига ҳамда 108, 109-моддаларига ўзгартишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 99 ва 10-моддаларига ўзгартишлар киритилган.) – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 12 б.

[1] Қаранг: Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, 11-м.

Қилмишнинг жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлар ҳам жиноят қонунида белгиланиши қонунийлик принципининг ўзига хос кўринишини ташкил қилади.

Қилмишнинг жазога сазоворлиги ҳам қонунийлик принципи учун унинг жиноийлигини белгилашдан кам бўлмаган равишда аҳамиятга эга. Аммо қилмишнинг жиноийлиги шахс ҳаракат ёки ҳаракатсизлигининг хусусияти бўлса, қилмишнинг жазога сазоворлиги уни содир этганликнинг оқибати бўлиб, жиноий қилмиш содир этган шахсни ЖКда белгиланган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашда ифодаланади.

ЖКга мувофиқ жазога сазоворлик жиноят содир этган шахсга нисбатан қаттиқроқ таъсир чораларини – жиноий жазо чораларини қўллашни назарда тутади. Ушбу чоралар шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий равишда чеклайди, шунинг учун уларни қўллаш фақат жиноят қонуни билан тартибга солиниши лозим. Қонунийлик принципининг жиноят қонунида намоён бўлиши айнан шунда ифодаланади. Бунда қилмишнинг жазога сазоворлиги, жиноий жазо чоралари жиноят қонунида умуман (жазо тизими сифатида) ва хусусан аниқ жиноят учун назарда тутилган бўлишини англатади. Ушбу белгилардан бирортасининг мавжуд эмаслиги қўлланилган жазони қонуний деб топишни истисно қилади.

Бошқа ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши жиноят содир этилиши билан боғлиқ бўлиб, аммо жиноий жазолар сирасига кирмайди. Жумладан, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг барча кўриниши, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш, судланганлик ва ҳоказолар бошқа ҳуқуқий оқибатлар жумласига киради. Қонунийлик принципига кўра, барча ҳуқуқий оқибатлар фақат жиноят қонунига асосланмоғи керак. Шунинг учун жиноят қонуни қамраб олинмаган жиноий қилмишнинг ҳуқуқий оқибатлари қонунга асосланган деб тан олинмайди (масалан, судланганлиги олиб ташланган шахсни ишга қабул қилишдан бош тортиш ноқонуний ҳисобланади).

Қонунийлик принципи жиноят қонунини қўллаш жараёнида унинг мазмунини қонун матнига тўла мос равишда тушунилишини назарда тутади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Жиноят кодекси нормаларини ўз хоҳишларига кўра талқин қилмасдан, биринчи навбатда, қонун мазмунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришларига асосланишлари лозим. Бироқ шуни ҳам таъкидлаш керакки, пленум қарорлари амалдаги Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар кирита олмайди. Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан таклиф киритилганидан кейин қонун чиқарувчи орган томонидан тегишли тартибда ҳал қилинади.

Қонун тўлиқ қўлланилиши лозим. Жиноят қонунини қисман, тўлиқ бўлмаган ҳолда қўллаш, яъни унинг маълум бир қисмини – фақат диспозиция ёки фақат санкциясини қўллаш қонунийлик принципини қўпол бузиш ҳисобланади. Қонунийлик принципи бузилиши оқибатида айбдор шахс жазосиз қолиши (жиноий жавобгарлик асослари бўла туриб, шахс қонунга хилоф равишда жазодан озод қилиб юборилганда) ёки айбсиз шахс жиноий жавобгарликка тортилиб кетиши мумкин (асоссиз равишда қилмишни жиноят деб квалификация қилиш оқибатида шахснинг судланиши). Қонунийлик нафақат жиноят-ҳуқуқий нормани уни ташкил этувчи барча қисмлари ҳажмида қўллашни, балки қилмишни муайян нормага мувофиқ, унда назарда тутилган жиноятнинг барча белгилари бўлгандагина квалификация қилинишини назарда тутади.

Қонунийлик принципининг мазмуни қонунга асосланган ҳолда суд ҳукми билан шахсни айбдор деб топишда ва жазо тайинлашда намоён бўлади. Ушбу қоида Конституциянинг 26-моддасида[1] ўрнатилган айбсизлик презумпциясидан келиб чиққан бўлиб, айни пайтда у жиноят ҳуқуқидаги қонунийлик принципининг таркибий элементи сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

– шахснинг муайян қилмишининг жиноят эканлиги фақат суд ҳукми билан аниқланади;

– содир этилган муайян жиноят учун жазо ҳам фақат суднинг ҳукми билан тайинланади;

– шахсни жиноят содир этганликда айбдор деб топиш ва суд ҳукмини чиқариш тартиби фақат қонунда белгиланади.

Айбсизлик презумпцияси жиноят қонуни нуқтаи назаридан nullum crimen sine lege принципини қўллашнинг хусусий ҳолати, яъни ушбу принципни инсон томонидан содир этилган муайян қилмишга қўллашдир. Тўғрироғи, ЖК қилмишлар таркибининг умумий шаклини инсон фаолиятининг муайян ифодасига боғламаган ҳолда белгилайди. Шу билан бир вақтда, қонунийлик принцип сифатида содир этилган қилмишнинг барча ҳолатларига нисбатан қонунни тўлиқ қўллашда индивидуал ёндашувни талаб қилади. Индивидуал ёндашув жиноят содир этган муайян шахсга нисбатан, муайян иш бўйича чиқарилган суд ҳукмида ўз ифодасини топади.

NOTA BENE !

Суд ҳукми – суд ҳокимиятининг жиноят иши юзасидан чиқарилган ҳамда судланувчининг айбдор ёки айбсизлигини, жазо чорасини белгилайдиган, шунингдек, судланувчини айбдор ёки айбсиз деб топиш натижасида бошқа ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарадиган ҳуқуқий акт.

Бир неча судланувчига нисбатан чиқарилган суд ҳукми жиноят қонунини индивидуаллаштирган ҳолда қўлланилиши билан фарқланиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 457-моддасига асосан, суд ҳукм чиқаришда судланувчиларнинг ҳар бирига нисбатан қуйидаги масалаларни ҳал этиши лозим:

– судланувчи айбли деб топилаётган қилмиш ҳақиқатдан ҳам содир этилганми;

– бу қилмиш жиноят ҳисобланадими ва у Жиноят кодексининг қайси моддасида назарда тутилган;

– бу қилмишни судланувчи содир этганми;

– судланувчи жиноят содир этилишида айблими, башарти айбли бўлса, унинг айби қандай шаклда;

– судланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар мавжудми;

– судланувчи содир этган жинояти учун жазоланиши керакми;

– судланувчига нисбатан қандай жазо тайинланиши лозим ва шу жазони ўташи керакми;

– судланувчини Жиноят кодексининг 34-моддасига мувофиқ ўта хавфли рецидивист деб топиш лозимми;

– озодликдан маҳрум қилинган маҳкум жазони қандай тартибли колонияда ўташи лозим ва у жазо муддатининг бир қисмини турмада ўташи керакми;

– фуқаровий даъвони қаноатлантириш керакми, бу даъво кимнинг фойдасига ва қанча миқдорда қаноатлантирилиши лозим, шунингдек, фуқаровий даъво қўзғатилмаган бўлса, жиноят туфайли келтирилган мулкий зарар ундирилиши керакми, судланувчилар солидар ёки ҳиссали жавобгарликка тортилишлари керакми;

– фуқаровий даъвони таъминлаш учун хатланган мол-мулкни нима қилиш керак;

– ашёвий далилларни нима қилиш керак;

– процессуал чиқимларни кимнинг зиммасига ва қанча миқдорда юклаш керак;

– судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, илгаригисини қолдириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш керакми;

– судланувчига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёхуд унинг устидан ҳомийлик белгилаш зарурми.

Суд ҳукми – бу суд ҳокимиятининг Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарадиган ягона ҳужжати бўлиб, у шахс томонидан содир этилган қилмишга нисбатан ҳуқуқий баҳо беради.

Шахсни жиноят содир этганликда айбдор деб топиш ва ҳукм чиқариш тартиби фақат қонунда белгиланиши керак бўлиб, у қонунийлик принципининг ажралмас қисмидир. Агар шахснинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлигидан иборат қилмишларнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлигининг умумий қоидалари қонун томонидан ўрнатилган бўлса, унда муайян ҳолатларга нисбатан ушбу қоидаларни қўллаш тартиби ҳам қонунда белгиланган бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасида шахсни жиноят содир этишда айбдор деб топиш ва унга нисбатан ҳукм чиқариш тартибини белгиловчи қонун Жиноят-процессуал кодексидир.

Қонунийлик принципининг таркибий қисмларидан бири бўлмиш айбсизлик презумпциясига кўра, айбдорлиги исботланган жиноятчига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш чоралари ҳали жиноят содир этганликда айбланаётган шахсга нисбатан қўлланилишига йўл қўйилмайди. Айбланувчи, ҳаттоки, қамоқда сақланаётганда ҳам маҳкумнинг ҳуқуқий мақомидан фарқ қилувчи ҳуқуқий мақомга эга бўлади, хусусан, у сайловларда қатнашиш ҳуқуқига эга, ишдан бўшатилиши мумкин эмас, у шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ва бошқа ҳуқуқларидан фойдаланади. Айбланувчининг конституциявий ҳуқуқларини барча чеклашлар фақат зарур ҳоллардагина қонун асосида қўлланилиши мумкин.

Жиноят содир этганликда айбдор деб топилган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари фақат қонун билан тартибга солиниб, бу жиноят ҳуқуқидаги қонунийлик принципининг якунловчи босқичидир.

Шахсни жиноят содир этишда айбдор деб топиш унинг ҳуқуқий мақомининг ўзгаришига олиб келадиган оқибатларни келтириб чиқаради.

Хусусан, айбдор деб топилган шахснинг баъзи бир ҳуқуқлари чекланиши билан бирга унга айрим қўшимча мажбуриятлар ҳам юклатилади.

Хуқуқий ҳолатдаги бу ўзгаришлар маҳкумга жазо тайинлашда ёки айбланувчига бошқа таъсир чораларини қўллашда (тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари, шартли ҳукм қилиш ва бошқалар) намоён бўлади. Шундай қилиб, айбланувчининг ҳуқуқий мақомини чекловчи у ёки бу чоралар фақат қонунга (ЖК, ЖПК) асосланади, бошқа қонуности актлар инобатга олинмайди.

Ушбу талаблар **ЖКнинг 4-моддасида** ўрнатилган «nullum crimen sine lege» қоидасидан келиб чиқиб, унга мувофиқ жазога сазоворлик ва бошқа ҳуқуқий оқибатлар фақат қонунда белгиланади. Унга кўра айбдор деб топилган шахсга нисбатан тайинланадиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларининг моҳияти қонун билан белгиланган бўлиши керак.

Қонунийлик принципи, нафақат, қонунни қўллаш амалиётида, балки қонун ижодкорлиги жараёнида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, жиноят қонуни жиноий қилмиш ва уни содир этишнинг ҳуқуқий оқибатларига хос бўлган аломатларни аниқласа, қонунийлик принципи қонун чиқарувчини муайян жиноятнинг аломатларини аниқ ва тўлиқ кўрсатиш ҳамда жиноят қонунининг ўзида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни ечишга ундайди.

Қонунчиликда ушбу принципнинг роли хатти-ҳаракатларнинг жиноят ёки жиноят эмаслигини аниқ кўрсатган ҳолда қонуннинг аниқ ва бир хилда амал қилишини таъминлашда кўринади.

Бу принципга риоя қилиш жиноят қонунчилигида жазо тайинлаш амалиётида бир хилликни таъминлашга ёрдам беради. Ўз навбатида, ушбу қоидалар жазо санкциялари миқдорининг минимуми ва максимумини ва бошқа ҳолатларни белгилаши билан ҳам узвий боғлиқдир.

6-§. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи

ЖКнинг 5-моддасида барча демократик давлатларнинг умумҳуқуқий принципи – **фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи** изчил

равишда акс эттирилган. Конституциянинг 18-моддасида[1] мустаҳкамланган ушбу принципнинг Жиноят кодекси вазифаси сифатида ўрнатилиши унинг конституциявий қоида бўлмиш қонун олдида тенглик принципини амалда бўлишини таъминлайди. Бунга кўра, ЖК умумий тенглик принципини эмас, балки жиноий қилмишни содир этиш билан боғлиқ бўлган шахсларнинг тенглигини назарда тутади. **ЖКнинг 5-моддасига** мувофиқ, «Жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар».

Қонун олдида тенглик принципи жиноят содир этган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми асосларини мустаҳкамлайди, улар шахс, жамият ва давлат олдида бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга ва қонун томонидан уларга бир-бирига нисбатан бирон-бир имтиёзга эга эмас. Шуни айтиб ўтиш керакки, **ЖК 5-моддасидаги** бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятлар – бу жиноят содир қилган ҳар бир шахс учун бир хилда бўлган ҳуқуқий мақомдан дарак берувчи тавсифдир. Бу шахсларнинг бирортаси ҳам бошқаларига нисбатан имтиёзларга эга бўлмайди, бошқача айтганда, жиноят содир этишда айбдор

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартириш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 90-моддасининг иккинчи қисмига тузатиш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32, 78, 93, 98, 103 ва 117 моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 4-бандига, 81-моддасининг еттинчи қисмига, 83-моддасига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13 ва 14- бандларига, 107-моддасининг биринчи қисмига, 110-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига, 111-моддасига ўзгартишлар ва қўшимча киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 5 ва 12-бандларига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13-бандига ҳамда 108, 109-моддаларига ўзгартишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 99 ва 10-моддаларига ўзгартишлар киритилган.) – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 8 б.

деб топилган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонун олдида бир хил бўлиб, жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, камситилишига йўл қўйилмайди.

Жиноят қонуни олдидаги тенглик тўғрисидаги қоида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тенглиги тўғрисидаги қоиданинг ҳосиласи ҳисобланади. Қонун олдида тенглик жиноят содир қилган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ЖК билан тартибга солинишини ва бунда ҳеч ким имтиёзлардан фойдаланмаслигини ҳамда ҳеч кимнинг ҳуқуқ ва эркинликлари чекланмаслигини англатади.

Жиноят кодексида мустаҳкамланган қонун олдида тенглик принципи фақат жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади. Яъни, жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан тенглик принципи чекланган хусусиятга эга ва жиноят содир қилган муайян шахслар доирасида амалда бўлади.

Қонун олдида тенглик принципи умумий жиноий ва хусусий жиноий кўринишларга эга.

Жиноят ҳуқуқи учун умумий кўриниш сифатида ушбу принцип жиноят содир этган шахсларнинг ҳуқуқий мақоминиг фундаментал асосларини Кодексда мустаҳкамлашда намоён бўлади. Бу кўриниш содир этилган жиноят учун жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги, оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги билан ифодаланади. Шундай қилиб, тенглик принципининг умумжиноий кўриниши жиноят таркибига алоқадор бўлмаган асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг қонун олдида тенглигини ўзида намоён этади.

Жиноят ҳуқуқи учун хусусий кўриниш тенглик принципида бир хил жиноят содир этган шахслар бир-биридан устун қўйилишига йўл қўймайди. Тенглик принципининг ушбу кўриниши содир этилган жиноят таркибидаги бир хиллик ҳамда жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқий мақомидаги тенгликда намоён бўлади. Хусусан, безориликда айбланган бир неча шахсни бир-биридан фарқли қараш бекор бўлмайди, бироқ айни пайтда одам ўлдириш жиноятини содир этган шахс билан ўғирлик содир этган шахснинг

ҳуқуқий ҳолати ёки бошқа ҳолатидаги фарқ, масалан, уларнинг вояга етган-етмаганлиги, тайинланадиган жазо, жазони ўташ ва бошқа ҳолатларида бўлиши мумкин.

Жиноят кодексида, фақат махсус субъектлар (мансабдор шахслар, ҳарбийлар) жавобгарлиги билан чекланадиган моддаларнинг мавжудлиги шарҳланаётган моддага зид келмайди. Ушбу субъектларга нисбатан жавобгарлик уларнинг мажбурият ва ваколатларидан келиб чиқиб содир этадиган қилмишлари учун назарда тутилади. Айни пайтда, бундай таркибдаги жиноят содир қилган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми доирасида ҳам тенглик принципи қатъий амалда бўлади.

Тенглик принципига зид келмаган ҳолда айрим фуқаролар (депутатлар, судьялар ва бошқ.) жиноий жавобгарликка тортилмай ёки жазодан озод қилинмай содир этган жинояти учун алоҳида тартибда жавобгарликка тортилади. Кўрсатиб ўтилган тоифадаги мансабдор шахсларга нисбатан алоҳида қоидаларнинг мавжудлиги, уларнинг алоҳида турдаги давлат хизматини бажаришини ҳисобга олганда, тўла асослидир. Шунингдек, юқорида кўрсатиб ўтилган шахслар аҳолининг нормал ва мустақил ҳаёт кечиришини таъминлаш йўлида ўз функцияларини амалга оширади, лекин уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда имтиёз ва устунликлар назарда тутилмайди.

Содир этилган қилмишда жиноят таркибининг мавжудлиги (ЖКнинг 16-моддаси) – жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кўра, жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб, у ҳар қандай шахслар учун бир хил амал қилиб, тенглик принципига риоя қилади. Қилмишда жиноят таркибидаги барча элементларнинг мавжудлиги жиноят содир қилган шахсда махсус ҳуқуқий мақомнинг вужудга келишига асос ҳисобланади. Бошқа ҳеч қандай шахсий хусусиятлар бу мақомга таъсир қилмайди.

Жиноий жавобгарликка тортишда жиноят таркиби ягона асос сифатида қаралиши фуқароларнинг қонун олдида тенглигида намоён бўлади ва қонун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдига жиноятнинг барча белгиларини

аниқ кўрсатиб, кейин уни ЖКнинг тегишли моддасига асосан исботлаш мажбуриятини қўяди.

7-§. Демократизм принципи

Ўзбекистон Республикаси суверен демократик давлат бўлиб, ўз истиқболини ижтимоий адолат ва қонунийлик асосида кўриб, у ҳозирги ва келажак авлод манфаатларига хизмат қилади. Давлат ҳокимияти халқ иродасига асосланиб, бу давлат ҳокимиятига халқ вакилларини сайлашда намоён бўлади ва демократиянинг бир элементи сифатида кўринади. Демократизм ҳар бир жабҳада мавжуд бўлгани каби Ўзбекистон Республикаси жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳам бундан холи эмас.

Демократизм принципининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида намоён бўлиши жиноят ҳуқуқи нормаларида халқимиз иродасини ифода этиб, пировардида бу нормалар Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. **ЖК 6-моддасига** биноан, «Жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки жамоалар жиноят содир этган шахслар ахлоқини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилиниши мумкин».

Демократизм принципи жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини амалга оширишда, хусусан, жиноят содир этган шахсларни тарбиялашда жамоатчилик вакилларини жалб қилишни назарда тутади. Худди шу йўл билан ўтказилаётган ислоҳотлар давлатнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишнинг самарадорлигини таъминлайди.

Демократизм принципи жиноий жавобгарликдан озод қилинган ҳолда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиладиган шахсларни тарбиялашда жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоалар иштирокининг кўпгина жиҳатларини белгилаб берган жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ўзининг ифодасини топган. Қонун асосий эътиборни озодликдан маҳрум этиш муассасасидан озод қилинган шахслар ахлоқини тузатиш, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган вояга

етмаганларни тарбиялашга жамоатчилик вакилларини жалб қилишга қаратади.

8-§. Инсонпарварлик принципи

Инсонпарварлик принципи **ЖК 7-моддасига** кўра қуйидагиларни англатади:

«Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин».

ЖКнинг 7-моддаси – инсонпарварлик принципи инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши мустаҳкамланган Конституциянинг 13-моддаси[1] мазмунини акс эттиради. Айни пайтда ушбу модда конституциявий норманинг Жиноят кодексидаги такрори ҳисобланмайди, балки жиноят-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беради.

Жиноят кодексида мазкур принципнинг моҳияти муайян шахсларга нисбатан (жиноят содир этган) жазо тайинлаш ёки бошқа таъсир чораларини қўллашда намоён бўлиб, кодекснинг ушбу қоидаси бошқа қоидалар каби реал, ижтимоий ҳаётда асосланган ва амалий ижроси мавжуд бўлиши керак. Жиноят содир этган шахсга нисбатан жазо тайинлаш институти ушбу тавсифга мос келади. Жиноят ҳуқуқидаги инсонпарварлик принципи жиноят содир этган шахс билан муносабатга киришилганда ўз моҳиятини намоён этиши жаҳон амалиётида тан олинган.

[1] Ўша жойда 7-б

ЖКнинг 7-моддаси таркибий тузилиши мазмуни инсонпарварлик принципини жиноят содир этган шахсга нисбатан изчил мустаҳкамлашга бўйсундирилган бўлиб, жамият ва давлатнинг ушбу шахсга нисбатан жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашида намоён бўлади. Модданинг бундай конструкцияси ҳуқуқни қўллаш фаолиятидаги бирликни таъминлаш ва жиноят ҳуқуқи соҳасида қонун ижодкорлигининг истиқболини белгилашда катта аҳамиятга эга.

ЖКнинг 7-моддаси 1- ва 2-қисмлари жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашнинг умумий асосларини ўрнатган ҳолда уларнинг моҳиятини аниқлайди. Бунда жазо ва бошқа таъсир чораларининг шахсга нисбатан қўлланилиши негатив ва позитив услубларда кўринади:

– жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди;

– жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланилган чора унинг яна қайта жиноят содир этишининг олдини олиши зарур.

Жиноят кодексидаги ушбу принцип Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (26-модда, 2-қисм)[1] ҳамда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, шахсга нисбатан жазо ва бошқа таъсир чораларини қўллаш билан унга жисмоний азоб бериш ёки руҳий таъсир ўтказишни мақсад қилмайди.

ЖК 7-моддасидаги жисмоний азоб бериш ва инсон қадр-қимматини камситиш деганда, жисмоний ва руҳий хусусиятдаги ҳар қандай азоб эмас, балки фақат жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўллаш моҳиятидан келиб чиқмайдиган ёки тасодифан келиб чиқадиганларини англаш лозим. Келтирилган модда қоидаларига мувофиқ, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари ортиқча азоб ва камситишларни келтириб чиқармаслиги керак, чунки бундай ҳаракатлар шахснинг ўз ҳаёт фаолиятини давом эттириш қобилиятига путур етказади. Ўзбекистон Республикаси жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларига биноан жазо жиноят содир этган шахсдан ўч олиш

[1] Ўша жойда 11-б

мақсадида эмас, балки кодекснинг инсонпарварлик ғояларига таяниб, уни тарбиялаш ва жамиятга қайтаришни кўзда тутади.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан жазо тайинлаш унга жисмоний азоб бериш ёки қадр-қимматини камситишни назарда тутмасдан унинг қайта тарбияланиши ва янги жиноят содир этмаслиги учун зарур ва етарли таъсир чоралари инсонпарварлик принципининг моҳиятини белгилайди.

Зарурлик ва етарлилик – бу жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси тайинлашнинг муҳим икки белгиси ҳисобланиб, бири энг кам миқдорни, бошқаси энг кўп миқдорни кўрсатади.

Жазо тайинлашнинг зарурлиги содир этилган жиноятга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо тури ва миқдорини белгилашда намоён бўлиб, у содир қилинган жиноятга нисбатан умумий хусусиятга эга.

Жазонинг етарлилиги жиноят содир этган шахсни тарбиялаш учун зарур бўлган жазо тури ва миқдорининг энг камини танлашда намоён бўлади. Жазо тайинлашнинг етарлилиги аниқроқ хусусиятга эга бўлиб, шахс ва у содир қилган муайян жиноятнинг хусусиятларини ҳисобга олади.

Жазо тайинлашнинг зарурлилиги ва етарлилиги қоидасига ҳар бир ҳолатда қатъий риоя қилиниши лозим. Хусусан, ҳукм чиқаришда суд инсонпарварлик принципини назарда тутган ҳолда қонун талаб қилган жазо тайинлашнинг умумий асосларига қатъий риоя қилиши лозим.

Жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонунчиликни қўллашда судлар у ёки бу жазони тайинлашнинг сабабларини ҳукмнинг тавсиф қисмида баён қилиниши лозимлигини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорига риоя қилишлари лозим.

ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирадиган ҳолатлар рўйхати тугалланган бўлиб, у кенгайтирилган ҳолда шарҳланиши мумкин эмас. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар рўйхати эса суд томонидан муайян ишнинг ҳолатларидан келиб чиқиб ҳукмнинг тавсиф қисмида

асослантирган ҳолда кенгайтирилиши мумкин. Яъни жазо тайинланганда суд қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилмаган ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин. Жиноятни квалификацияловчи белгилар қонунда назарда тутилган тартибда муддати тугалланган ва олиб ташланган айбни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида талқин қилиниши мумкин эмас. Ўукмда жазо айбдорнинг шахси ҳисобга олинган ҳолда тайинланганлиги кўрсатиб ўтилиши етарли эмас.

Шахснинг хавфли рецидивист деб топилиши бир қатор жиноятларнинг квалификацияловчи белгиси бўлиб, у оғирроқ жазо чораларини қўллашга асос бўлади. Аммо шахсни хавфли рецидивист деб топишда дастлабки тергов органлари айбловига асосланади ва ҳукмнинг тавсиф қисмида ушбу мотив баён қилинади[1].

ЖК 7-моддаси 3-қисми суд органларининг содир этилган жиноятга нисбатан муайян жазо чорасини танлаш тизимини мустаҳкамлайди. Инсонпарварлик принципининг асл моҳиятини, хусусан, ҳуқуқни қўллаш жараёнида жазонинг муқаррарлиги ва етарлилигини кўзда тутади.

ЖК 7-моддаси 3-қисмига кўра, оғир жазо чоралари енгил жазо чоралари билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайдиган тақдирдагина қўлланилади. Судлар жазо тайинлаш пайтида ушбу қоидага эътибор берган ҳолда, Жиноят кодексининг махсус қисмига мурожаат этишлари лозим. Жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашда қонунда белгиланган барча имкониятдан фойдаланишлари лозим.

Инсонпарварлик принципи Жиноят кодексининг барча нормаларига сингдирилган. Бу ҳолат озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган таъсир чораларида, жазо тизимида намоён бўлади. Айниқса, бунда шахсларни жазодан озод қилиш институти, яъни муомалага лаёқатсиз ва бошқача қилиб айтганда, ўзи содир қилган ижтимоий хавфли қилмишнинг

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси олий суди Пленуми қарорлари тўплами. - 1991 - 2006, 2-жилд. - Т.: "O'qituvchi", 2007. – 225-229-б. (Бундан кейин - Тўплам, 2-жилд).

моҳиятини англаб етмайдиган шахсларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳам назарда тутилган. Умумлаштириб айтадиган бўлсак, амнистия ва афв этиш институтлари ҳам инсонпарварлик принципининг тўғридан-тўғри ифодасидир.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида мазкур принцип оғишмай амалга оширилаётганлиги ҳақида сўнгги пайтларда амалдаги Жиноят кодексига киритилган қуйидаги ўзгартишлар ҳам далолат беради:

– жазони енгилроғи билан алмаштириш ва жазони ўташдан шартли равишда озод қилиш қоидалари соддалаштирилди[1];

– жиноят содир этган шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш имконияти сифатида иқтисодий жазо чораларини қўллаш кўлами кенгайтирилди;

– жиноий жазо тизимидан ўлим жазоси олиб ташланди ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси киритилди[2] (шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ўлим жазоси бекор қилингунга қадар ушбу жазо фақат икки ҳолатдагина тайинланиши мумкин эди: оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари, шунингдек, қонунда ўлим жазоси аёлларга, вояга етмаганларга ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан қўлланилиши тақиқлаб қўйилган эди).

9-§. Одиллик принципи

Одиллик принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-, 18-моддаларида мустаҳкамланган бўлиб[3], халқаро ҳуқуқ тамойилларидан

[1]Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикаси жиноят, жиноят-процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 254-11 сон Қонуни.

[2] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати

билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-99 сон қонуни

[3] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси XVIII, XIX, XX,

бири сифатида эътироф этилган. Мазкур асосий қоиданинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида мустаҳкамланиши жиноят ҳуқуқига доир қўлланиладиган конституциявий меъёрларнинг мантиқий амалга оширилиши ҳисобланади.

Адолат умумий категория сифатида ўзида ҳаётий воқеликнинг айрим қимматлик ва қадриятларини, хусусан, воқеликнинг тўғри ва ҳаққоний баҳоланишини акс эттиради. Одилликнинг бундай тушунилиши жиноят ҳуқуқига ҳам хос бўлиб, унинг хусусияти ўзида адолат мезонининг бир оз бошқа жиҳатини назарда тутади.

ЖКнинг 8-моддасига биноан адолат қуйидагилардан иборатдир:

«Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас».

Адолат жиноят ҳуқуқи принципи сифатида жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораларининг содир қилинган жиноий қилмишга яраша юқоридаги учта категория асосида жазо тайинланишини тақозо этади.

XXIII бобларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартириш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 90-моддасининг иккинчи қисмига тузатиш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32, 78, 93, 98, 103 ва 117 моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 4-бандига, 81-моддасининг еттинчи қисмига, 83-моддасига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13 ва 14- бандларига, 107-моддасининг биринчи қисмига, 110-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига, 111-моддасига ўзгартишлар ва қўшимча киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 5 ва 12-бандларига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13-бандига ҳамда 108, 109-моддаларига ўзгартишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 99 ва 10-моддаларига ўзгартишлар киритилган.) – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 7, 9 б.

ЖК 8-моддаси 1-қисмида одиллик, жиноят ҳуқуқининг принципи сифатида, ўзида жазонинг содир қилинган жиноятга мувофиқ бўлиши ёки ушбу ҳолатда муҳим йўналиш сифатида намоён бўлувчи содир қилинган қилмишнинг оғирлиги, айб даражаси, айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилигини ифода этади, дейилган.

Жиноятнинг оғирлиги деганда, айбдор томонидан содир қилинган жиноий қилмишнинг хавфлилик даражаси ва хусусиятининг унга нисбатан тайинланадиган жазо ва бошқа таъсир чорасига мувофиқ бўлиши тушунилади.

Муайян жиноятнинг оғирлик даражаси унинг учун жазо назарда тутилган модда санкциясида ўз аксини топади. Шу нуқтаи назардан қонунни қўллашда ушбу модданинг санкциясидаги жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жиноятнинг оғирлигига мувофиқ равишда тайинланади.

(Жиноятнинг оғирлик даражаси ҳақида ушбу том III бобининг «Жиноятларни таснифлаш» деб номланган 3-§ га қаранг.)

Муайян жиноий қилмишнинг объектив томонини ифодаловчи жиноятнинг оғирлик даражасидан фарқли равишда, **айбнинг даражаси** бу шахснинг руҳий ҳолати, айб шакли, хулқ-атворининг мотиви, мақсади, айбдорнинг кайфияти, ҳис-ҳаяжони ва турли кечинмаларини умумий тавсифловчи категориядир. Мазкур элементлар жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан турлича хусусиятга эга бўлиб, уларнинг баъзилари жиноят таркибига киритилган, баъзилари киритилмаган. Бироқ танланган жазо ёхуд бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини баҳолаш учун айбнинг даражасини аниқлашда шахснинг ўзи содир қилган жиноий қилмишига руҳий муносабатини ифодаловчи юқорида келтирилганларнинг барчаси инобатга олиниши зарур.

(Субъектив томон айбининг даражаси ҳақида «Жиноятнинг субъектив томони» деб номланувчи VII бобда батафсил берилган.)

Тайинланаётган жазо ёки бошқа таъсир чоралари ва содир этилган қилмиш, жиноятчи шахсининг ижтимоий хавфлилик даражасига

мутаносиблиги қўлланилаётган чораларнинг адолатлилигини аниқлашда эътиборга олинади.

Жиноятчи шахсининг ижтимоий хавфлилиги унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, хулқ-атворининг ҳуқуққа хилоф қатъий йўналишга эга эканлиги ёки унинг ғайриижтимоий хулқ-атворидан далолат беради (мисол учун, рецидивист, алкоголли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилувчилар ва бошқ.).

Шахснинг ижтимоий хавфлилигини аниқлашда унинг содир қилган жинояти, шунингдек, унинг жиноят содир қилгунга қадар ва муайян ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш содир қилгандан кейинги хулқ-атвори ҳисобга олиниши керак.

ЖК 8-моддасининг 2-қисми бир жиноят учун икки марта жавобгарликка тортиш мумкин эмаслигини белгилайди. Ушбу қоиданинг қонунда мустаҳкамланганлиги одиллик принципининг иккинчи бир жиҳатини очиб беради. Хусусан, агар **ЖК 8-моддаси 1-қисмида** жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши белгиланган бўлса, унинг 2-қисмида, умуман, жиноий жавобгарликнинг одилона бўлиши таъкидланган. Бу ўринда бир жиноят учун бир марта жавобгарликка тортиш мезон бўлиб хизмат қилади. Бунда жиноят содир этган шахснинг ҳолати, илгари жиноий жавобгарликка тортилганлиги, унинг судланганлиги ёки оқланганлиги аҳамиятга эга эмас. Ушбу ва бошқа ҳолатларда унинг мазкур қилмиши учун қайта жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида одиллик принципи жиноят субъектларининг тенглигини белгиловчи фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципини амалга оширишда мавжуд бўлган бир қатор расмиятчиликларни бартараф этишга хизмат қилади. Одиллик принципи жиноят ишларини кўришда одил судловни амалга оширишда фуқароларнинг қонун олдида ҳақиқий тенглигига эришишнинг объектив имкониятини ифода этади. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ва одиллик принципининг биргаликда татбиқ қилиниши кенг маънода қонунни амалда тўғри қўллаш

имконияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш фаолиятида жиноят ҳуқуқи субъектлари тенглигининг реал асосларини белгилайди.

10-§. Айб учун жавобгарлик принципи

Жиноий жавобгарлик – бу юридик жавобгарликнинг муайян тури бўлиб, жиноят содир этган шахс учун жиноят қонунида белгиланган айрим салбий оқибатлар юзага келишини тавсифлайди. Жавобгарлик бир бутун алоҳида институт сифатида бир қатор умумий ва хусусий, жумладан, жиноят содир қилган шахсни тузатишга йўналтирилган белгиларга эга.

Жиноят содир этган шахснинг **тузалиши** деб, энг аввало, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тақиқланган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)ни содир этмасликка ундовчи қонунга итоаткорликни шакллантириш тушунилади. Тузалиш жараёни, жиноий жавобгарликка тортишдан кўзланган мақсадга эришишда айб учун жавобгарлик принципи асосий роль ўйнайди.

ЖК 9-моддасига мувофиқ, «Шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади».

Ушбу принципнинг аҳамияти шундаки, айб – жиноий қилмишнинг хусусияти сифатида, жиноят содир этган шахснинг жамият ҳуқуқ-тартиботига салбий муносабатида ифодаланади. Демак, шахсни тузатиш учун, аввало, ушбу салбий муносабатларнинг ўзини аниқлаб олиш зарур. Шахсдаги бундай салбий муносабатлар жамият манфаатларига зид бўлиб, жиноий жавобгарликка тортишнинг аҳамиятини йўқотади.

Айб учун жавобгарлик принципи шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун мажбурий бўлган қуйидаги белгиларни аниқлайди:

– шахснинг ўз қилмишига нисбатан руҳий муносабати;

– мазкур қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти.

Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш жараёнида жиноий-ҳуқуқий нормаларни кўрсатилган принципга мувофиқ равишда шакллантириш ва ушбу нормаларни амалий татбиқ қилиш, қонун чиқарувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун мажбурийдир. Таъкидлаш жоизки, жиноий

жавобгарлик тушунчаси ва асосини аниқловчи Жиноят кодексининг 16-моддасидан фарқли, ушбу принципнинг мустаҳкамланиши субъектга нисбатан умумий жиноий жавобгарлик қоидасини ўрнатишни кўзда тутади. Жиноят кодексининг 16-моддасида таърифланган қоидалар эса, айб учун жавобгарлик принципининг айрим кўринишларини акс эттиради.

Содир қилган ижтимоий хавфли қилмишига нисбатан шахснинг руҳий муносабати қасд ёки эҳтиётсизлик кўринишида намоён бўлади. Ушбу принципга мувофиқ, ҳар бир муайян ҳолатда айнан жиноят қонуни билан талаб қилинган айб белгиланиши лозим. Масалан, қонунда болани фақат қасддан алмаштирганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлса (Жиноят кодексининг 124-моддасига асосан), мазкур моддада айб учун эҳтиётсизлик оқибатида содир этганлик сифатида жиноий жавобгарлик қўллаш мумкин эмас.

Айб учун жавобгарлик принципи муайян жиноий қилмишнинг тавсифланаётган белгиларига нисбатан жиноят субъектининг айбини мажбурий белгилашда қўлланилади. Шахс ўз қилмишининг хавфлилик даражасини кўрсатувчи объектив ҳолатларни англамаган, англаши шарт бўлмаган ёхуд англай олмайдиган ҳолларда, бу ҳолатлар унинг жавобгарлигини оғирлаштиришга хизмат қилиши мумкин эмас. Бундай хулосага фақат жиноий жавобгарликнинг объектив ва субъектив асослари мавжудлигига асосланиб келиш мумкин.

Бу ўринда исботлаш қонунга тўлиқ бўйсунган ҳолда амалга оширилиши лозим. Мазкур талабга риоя қилмаслик айбнинг исботланмаганлигини ва оқибатда жиноят содир этмаган шахснинг жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслигини кўрсатади.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу принцип аниқ жиноятлар таркибини шакллантириш ва жиноят таркибини жиноий жавобгарликнинг асоси деб тан олиш билан мамлакатимизда мавжуд бўлган қонун ҳужжатларида ижтимоий хавфли ва қонунга хилоф ҳаракат кўринишида акс этмаган қилмиш учун жазоланиш ҳолатларини инкор этади.

Ушбу принцип яна объектив айбловни, яъни айбсиз ҳолда зарар етказганлик учун жиноий жавобгарликка тортишни ҳам инкор этади. Айбсиз ҳолда етказилган ҳар қандай қилмиш, ижтимоий муносабатларга етказган моддий зараридан қатъи назар, жиноят деб топилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида айб учун жавобгарлик принципининг мавжудлиги жиноят учун жавобгарликнинг қатъий белгиланганлигини кўрсатади. Жиноят содир этганлик учун фақатгина айбдор шахс жавобгарликка тортилади. Ушбу қоида жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бажарувчининг экцесс институтини, яъни жиноий гуруҳ аъзоларининг қасди билан қамраб олинмаган ҳаракати учун фақат ижрочининг ўзи жавобгар эканлигини тан олишда аксини топади.

(Бу ҳақда ушбу том Х бобининг «Иштирокчиликда содир қилинган жиноят учун жавобгарлик асослари ва чегаралари» деб номланган 4-§ да батафсил тўхталиб ўтилган.)

11-§. Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи

ЖКнинг 10-моддаси жиноят содир этган шахс жавобгарликдан қутулиб қолмаслиги ҳақидаги умумий талабларни мустаҳкамлайди: «Қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт».

Жиноят кодексидаги мазкур қоиданинг мавжудлиги, жиноят ҳуқуқи нормаларининг барқарорлиги ва бир хиллиги жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мавқеининг ошишига ёрдам беради. Шу билан бирга жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи барча фуқароларнинг ҳаракатига нисбатан огоҳлантирувчи таъсир кучига эга бўлиб, шу орқали Жиноят кодексининг олдига қўйилган вазифаларнинг амалга ошишига кўмаклашади.

Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи биринчи навбатда жиноят содир қилган шахсларга қаратилган ва мазкур шахслар томонидан содир қилинган ҳаракатлар учун жавобгарлик тўғрисидаги кўп қиррали қоидаларни ўрнатади. **ЖКнинг 10-моддасидаги** принцип қонунийлик

принципи ва фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципларининг давоми ҳисобланиб, уларни аниқлаштиради ва бир пайтнинг ўзида уларнинг чегарасидан бир оз чиқади ҳам. Хусусан, ушбу модда муайян шахслар доирасига, яъни қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлган ҳар бир шахсга қаратилган.

Шахснинг хатти-ҳаракатида жиноят таркиби мавжудлигини аниқлаш жавобгарликка тортишнинг муҳим белгиси ҳисобланади, яъни, бу жиноят қонуни билан жазоловчи ва ҳаракатни ижтимоий хавфли деб ўрнатувчи объектив ва субъектив белгилар мажмуидир. Шахснинг қилмишида жиноят таркибининг аниқланмаганлиги шахснинг жиноий жавобгарликка тортилмаслигига сабаб бўлади.

Қонун талабига кўра, қилмишда жиноят таркиби мавжуд бўлса, шахс жиноий жавобгарликка тортилади. Бундай талаб шуни билдирадики, ҳар бир ижтимоий хавфли қилмишда шахс муайян қонун нормаси билан чекланган салбий оқибатларни бошдан кечириши керак.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, салбий оқибатлар қуйидагиларда ифодаланади:

– Жиноят кодекси нормалари татбиқ этиладиган шахсларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси нормаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортишда;

– амалдаги қонунлар, халқаро шартномалар ёки битимларга мувофиқ чет эл фуқароларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси судларига тегишли бўлмаса, улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган ҳолда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳал қилинади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Жиноят кодексига мувофиқ, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш жазо қўлланилиши шартлигини англатмайди. Содир қилинган қилмиш учун жавобгарлик фақат жазо воситасидагина эмас, балки жиноят қонунида назарда тутилган бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини амалга ошириш орқали ҳам қўлланилиши мумкин[1]. Амалдаги қонунчиликда

жазодан озод қилишнинг турлари ҳам мавжуд. Жумладан, шартли ҳукм қилиш, жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва ҳоказо.

«Жиноят ҳуқуқи тушунчаси, предмети, методи, вазифаси ва принциплари» мавзуси юзасидан якуний саволлар

1. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси қандай маъноларда ишлатилади?

2. Ўқув тизимида жиноят ҳуқуқининг ўрни ва роли қандай?

3. Жиноят ҳуқуқи предмети.

4. Жиноят ҳуқуқини ўрганиш методикаси қандай?

5. Жиноят ҳуқуқининг муҳофаза қилувчи, огоҳлантирувчи ва тарбияловчи вазифалари нималардан иборат?

6. Жиноят ҳуқуқининг принциплар тизимини тавсифлаб беринг.

7. Қонунийлик принципига кўра шахсни жиноий жавобгарликка тортиш асоси нима?

8. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунийлик принципининг таъсири қандай?

9. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида ҳуқуқ аналогиясини қўллаш мумкинми?

10. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципининг моҳияти нимадан иборат?

11. Демократизм принципи нималардан иборат?

12. Одиллик ва фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципининг боғлиқлик жойи нималардан иборат?

13. Одиллик ва инсонпарварлик принципларининг боғлиқлиги нималарда кўринади?

14. Айб учун жавобгарлик принципининг жиноят-ҳуқуқий моҳияти нимада?

15. Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи мажбурий жазо тайинлашни англатадими?

Қўшимча адабиётлар

Раҳбарий адабиётлар

Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2016.– 48 б.

Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.– 32 б.

Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104

Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинган куннинг 25-йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимдаги “Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” номли нутқидан // Халқ сўзи. 2017-йил 7 декабр. 247 (6741)-сон.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017-йил 22-декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2017-йил 23-декабр. 258 (6952)-сон.

Ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар

Зуфаров Р.А. Уголовное право. Общая часть. Казусы (задачи). – Т.: ТГЮУ, 2014. – 164 с.

Зуфаров Р.А. Уголовное право. Схемы. –Т.: ТГЮУ, 2015. – 127 с.

Мальцев В.В. Введение в уголовное право. – Волгоград: 2000. – 204 Б.

Мальцев В.В. Принципы уголовного права и их реализация в правоприменительной деятельности. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2004. – 597 Б.

Мальцев В.В. Принципы уголовного права. – Волгоград: 2002. – 266 Б.

Понятовская Т.Г. Концептуальные основы системы понятий и институтов уголовного и уголовно-процессуального права. – Ижевск: 1996. – 232 Б.

Пудовочкин Ю.Е., Пирвагидов С.С. Понятие, принципы и источники уголовного права: сравнительно правовой анализ законодательства России и стран Содружества Независимых Государств. – СПб.: «Юридический центр Пресс» 2003. – 297 Б.

Разгельдиев Б.Т. Задачи уголовного права Российской Федерации. – М.: 1996. – 146 Б.

Турғунбоев Э. О. Жиноят ҳуқуқи (умумий қисм): (Альбом схемалар).Ўқув услубий қўлланма. // Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. Қ.Р.Абурасулова. –Т.: ТДЮУ, 2013. – 129 б.

Филимонов В.Д. Охранительная функция уголовного права. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2003. – 224 Б.

Илмий мақолалар

II БОБ. ЖИНОЯТ ҚОНУНИ

1-§. Жиноят қонуни тушунчаси ва аҳамияти

ЖКнинг 1-моддаси қонун даражасида Ўзбекистоннинг жиноят қонунчилигини ташкил этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг доирасини, шунингдек, ушбу ҳужжатларнинг ҳуқуқий асосини муайян ва аниқ белгилаб беради. Унга мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига асосланган бўлиб, ушбу Кодексдан иборат». Бунда шуни қайд этиш лозимки, шарҳланаётган модданинг қоидалари жиноят ҳуқуқи соҳасида ватанимиз анъаналарини, жумладан, жиноят-ҳуқуқий нормаларни кодификация қилиш ҳамда уларнинг алоҳида қонун – **Жиноят кодекси** шаклида мавжуд бўлишининг лозимлигини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси республикамизнинг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ташкил этувчи барча жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг асосий ва ягона шаклидир. Таркибида жиноят-ҳуқуқий нормалар бўлган янги қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган тақдирда улар мажбурий тартибда Жиноят кодексига киритилиши лозим ва мустақил равишда қўлланилиши мумкин эмас.

NOTA BENE !

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ички узвий бирлиги ва ўзаро боғлиқ жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг тизимли мустаҳкамланиши билан ажралиб турган, жиноий жавобгарликнинг тамойиллари, асослари ва шартларини, содир этилиши жиноят деб эътироф этиладиган ижтимоий хавфли қилмишларни белгилаб берувчи, бундай қилмишларни содир этган шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилишининг турини ва чегарасини белгиловчи қонунлаштирилган қонун ҳужжатидир.

Жиноят кодексига жиноят-ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлашнинг асосий ва ягона шакли мақомини бериш қонунчиликнинг кучайтирилиши жиноий қонунчиликни ягоналаштиришга кўмаклашади, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари учун норматив материаллардан фойдаланишни осонлаштиради ва аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини оширади. Шу билан бирга, бу ҳолат қонунчилик техникасининг ривожланишига таъсир кўрсатади, қонун чиқарувчини Жиноят кодекси тизимига тезда киришиб кета оладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартибини мустаҳкамлайди.

Жиноят қонунининг Жиноят кодексида мустаҳкамланиши, биринчи навбатда, ўз ифодасини шунда топадики, у муҳим бўлган ижтимоий муносабатларнинг ҳимоя қилиш воситаси, жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳуқуқий базаси бўлиб ҳисобланади. Жиноят ҳисобланадиган қилмишларнинг объектив ва субъектив белгиларини ифодалаган ҳолда уларни содир этганлик учун аниқ жазо турларини белгилайди. Бундан ташқари, у фуқароларга нисбатан огоҳлантирувчи ва тарбияловчи жиҳатларга эга. Жиноят-ҳуқуқий аҳамиятдаги тақиқ ва мажбуриятларни ўрната туриб, жиноят қонуни одамлар ўзларининг хулқ-атворини ҳуқуқ нормаларига солиштирган ҳолда идрок қилиши учун уларнинг онги ва иродасига таъсир кўрсатади.

Жиноят кодексининг жиноят-ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлашнинг ягона ва мутлақ шакли сифатида таърифланиши билан бирга **ЖКнинг 1-моддасида** ушбу нормаларнинг ҳуқуқий негизи тўғрисида қоидалар мавжуд, булар Ўзбекистон Конституцияси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларидир. Шу билан барча ҳуқуқ соҳалари, жумладан, жиноий ҳуқуқнинг бош манбаи бўлган Конституциянинг устуворлиги ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларининг Кодекс нормаларидан устуворлиги белгиланади.

Ўзбекистон Конституциясининг жиноий қонунчилик асоси сифатида тан олиниши асосий қонун қоидаларининг Жиноят кодекси нормаларини талқин

этишда қўллаш заруриятига олиб келади. «Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, Конституциянинг 16-моддасига мувофиқ, бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат унинг нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас»[1]. Шу муносабат билан, агар Жиноят кодексини қўллаш пайтида суд унинг айрим қоидаларининг Конституцияга мос эмаслиги ҳақидаги хулосага келса, у ишни тўхтатиб қўйиш тўғрисида ажрим чиқариши ва барча материалларни Олий суд Раисига юбориши лозим, у эса «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунга[2] асосан тегишли масалани Конституциявий судга кўриб чиқиш учун киритишга ҳақлидир.

Жиноят кодексининг ҳуқуқий негизи, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ҳам бўлади, бу **1-моддада** мустаҳкамланган. Бунда шундай нормалар сифатида халқаро ҳуқуқнинг императив-буйруқ тусида бўлган ҳамда барча халқаро ҳуқуқ субъектлари,

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартириш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 90-моддасининг иккинчи қисмига тузатиш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32, 78, 93, 98, 103 ва 117 моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 4-бандига, 81-моддасининг еттинчи қисмига, 83-моддасига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13 ва 14- бандларига, 107-моддасининг биринчи қисмига, 110-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига, 111-моддасига ўзгартишлар ва қўшимча киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 5 ва 12-бандларига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13-бандига ҳамда 108, 109-моддаларига ўзгартишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 99 ва 10-моддаларига ўзгартишлар киритилган.) – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 7 б.

[2] Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг конституциявий суди тўғрисида”ги ЎРҚ-431 сон Қонуни // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 5 июнь, 22-сон, 407-модда; "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси", 2017 йил, 5-сон, 201-модда.

жумладан, давлатлар томонидан эътироф этилган қоидалари тан олиниши лозим.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари унинг тамойиллари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг қоидалари, шунингдек, Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда мустаҳкамланган қоидалардир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг преамбуласида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларининг устуворлиги тан олинади, бу эса қонун қўлланганда унинг шундай қоидаларга мос эмаслиги аниқланган тақдирда суд томонидан ишни тўхтатиб қўйиш тўғрисида ажрим чиқарилиши ва тегишли масалани Конституциявий судга кўриб чиқиш учун киритиш тўғрисидаги илтимоснома билан биргаликда барча материалларни Олий суд Раисига юборилишини белгилаб беради.

Айни пайтда Ўзбекистонда қўлланиши учун умумэътироф этилмаган халқаро шартномаларнинг нормалари ватанимиз қонунчилигига, жумладан, Кодексга тегишли қўшимчалар ва ўзгартишлар шаклида киритилишга муҳтож. Бу шундан келиб чиқадики, биринчидан, кўпгина халқаро шартномалар (конвенциялар) фақат иштирокчи давлатларнинг у ёки бу жиноятлар билан курашиш ниятинигина билдиради; иккинчидан, агар халқаро шартнома у ёки бу ижтимоий хавфли қилмишнинг белгиларини аниқлаган ҳолда ҳам, одатда, у тегишли жазони белгилаб бермайди; учинчидан, жазони кўрсатган ҳолда шартнома унинг қўлланиш чегаралари ва шартларини кўрсатмайди. Натижада, ҳатто, Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинган халқаро шартномаларнинг қоидалари амалдаги жиноий қонунчиликка тегишли ўзгартишларни киритмаган ҳолда амалда қўлланмайди.

ЖКнинг 1-моддаси Жиноят кодексини жиноят-ҳуқуқий нормалар мавжудлигининг ягона ва мутлақ шакли сифатида белгилайди ҳамда жиноий

қонунчиликнинг асоси сифатида фақат Конституцияни ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларини белгилайди, бу кенгайтирилган равишда талқин этилмайди. Шу муносабатда жиноят-ҳуқуқий тусдаги қоидаларни мустаҳкамлашнинг бошқа шакллари (масалан, Олий суднинг қарорлари, суд прецедентлари, доктринал талқин этиш ва ҳоказо) Ўзбекистон жиноий қонунчилигининг манбалари сифатида тан олиниши ёки унинг асоси бўлиши мумкин эмас. Ушбу ҳол шундан келиб чиқадики, бу ҳужжатларда янги ҳуқуқий нормалар яратилмайди ва мустаҳкамланмайди, балки Жиноят кодексида мавжуд бўлган нормаларнинг асл мазмуни тергов ва суд амалиётида уларга аниқ ва ягона шаклда риоя этилиши мақсадида очиб берилади.

Бузилиши жиноят деб тан олинадиган, хулқ-атвор ва ҳаракатларнинг маълум қоидалари ва меъёрлари бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар (масалан, махфий ҳужжатлар билан иш юритиш қоидалари, ветеринария ёки зоология қоидалари, ҳаракат хавфсизлиги ва транспортдан фойдаланиш қоидалари ва бошқалар) жиноий қонунчилик сифатида тан олиниши мумкин эмас. Бу ҳужжатларда бланкет тусда бўлган муайян жиноят-ҳуқуқий норманинг (масалан, ЖК нинг 285-моддаси) тутган ўрни ва мазмуни батафсилроқ акс этади, лекин унга хос бўлган диспозицияси ва санкцияси бўлган норманинг ўзи фақат Жиноят кодексида мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибига кириши ва Ўзбекистоннинг қонунлари Қора-қалпоғистоннинг ҳудудида ҳам мажбурий эканлиги тўғрисидаги қоидаларига мувофиқ (Конституциянинг 71- ва 72-моддалари)[1] Жиноят кодекси,

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартириш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг

шунингдек, жиноят-ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлашнинг ягона шакли бўлади ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам амал қилади.

Жиноят кодекси ҳам Ўзбекистон ҳамда Қорақалпоғистон учун ягоналаштирилган (ягона) бўлиб, бошқа қонунчилик ҳужжатлари (масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари, Жўқорғи Кенгеснинг қарорлари ва ҳоказолар) Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудида жиноят қонунининг манбаи сифатида тан олиниши мумкин эмас.

2-§. Жиноят қонунининг тузилиши

Бир-бирига боғлиқ юридик нормалар тизими сифатида жиноят қонунчилиги бир қанча ҳуқуқий институтларга асосланади.

NOTA BENE !

Жиноят ҳуқуқи институти – бу ўхшаш ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи муайян техник қоидаларга биноан тартибга солинган турдош юридик нормалар мажмуидир.

Масалан, жиноят қонуни; жиноят; жазо; қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар; тамом бўлмаган жиноятлар, иштирокчилик; бир қанча жиноятлар содир этиш институтлари ва бошқа.

Бу институтлар мазмуни ва ҳажми жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади, лекин бир бутун ҳолда улар жиноят ҳуқуқининг ягона манбаси – Жиноят кодексини ташкил қилади.

2011 йил 12 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 90-моддасининг иккинчи қисмига тузатиш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32, 78, 93, 98, 103 ва 117 моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 4-бандига, 81-моддасининг еттинчи қисмига, 83-моддасига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13 ва 14- бандларига, 107-моддасининг биринчи қисмига, 110-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига, 111-моддасига ўзгартишлар ва қўшимча киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 5 ва 12-бандларига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13-бандига ҳамда 108, 109-моддаларига ўзгартишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 99 ва 10-моддаларига ўзгартишлар киритилган.) – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. -24 б.

Ҳар бир жиноят-ҳуқуқий норма бир бутунни ташкил қиладиган ва характери жиҳатидан фарқланадиган ЖКнинг Умумий ва Махсус нормалари таркибига киради.

Жиноят кодекси жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг ифода қилиниш шакли ҳисобланиб муайян тузилишга эга.

NOTA BENE !

Жиноят қонуни тузилиши қонун чиқарувчи иродасининг ЖКда муайян тарзда тартибга солинган шаклидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, ўз навбатида, бўлим ва бобларга бўлинадиган Умумий ва Махсус қисмлардан иборат. Боблар қисм ва бандларга бўлинадиган моддалардан иборат. Қисмлар сатр боши билан, бандлар ҳарфлар билан ажратилган.

NOTA BENE !

Махсус қисм нормаларини қўллаш Умумий қисм нормаларига асосланади. ўз навбатида Умумий қисм нормалари Махсус қисм нормаларисиз маъносиз ва предметсиз бўлиб қолади.

Умумий қисм, ўз навбатида, 17 бобга бўлинадиган 7 бўлимдан иборат. ЖК Умумий қисми нормаларида жиноят қонуни учун умумий аҳамиятга эга бўлган қоидалар белгиланади ёки тартибга солинади: жиноий жавобгарлик принциплари ва асослари; жиноят қонунининг ҳудуд бўйича, вақт бўйича ва шахслар доираси бўйича амал қилиш доираси; жиноятлар тушунчаси ва таснифи, жиноий жавобгарлик келиб чиқиши мумкин бўлган ёш, ақли норасолик белгилари ва ҳуқуқий оқибатлари, айб шакллари; тамом бўлмаган жиноят белгилари ва ҳуқуқий оқибатлари; жиноятда иштирокчилик ва иштирокчилар турлари; бир қанча жиноят содир этиш; қилмишнинг

жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар; жазо турлари ва уларнинг тизими, жазо тайинлашнинг умумий асослари; тамом бўлмаган, иштирокчиликда содир этилган жиноятлар, бир қанча жиноят содир этганлик учун ва бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари; жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш шартлари, судланганликнинг тугалланиши ва олиб ташланиши қоидалари; вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари; жиноят-ҳуқуқий хусусиятдаги бошқа таъсир (вояга етмаганларга нисбатан тарбиявий йўсиндаги мажбурлов чоралари ва руҳий касалликка, алкоголизм ва наркоманияга чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари) чораларини қўллаш асослари ва қоидалари.

ЖК Умумий қисми моддаларининг аксарияти тартибга солувчидир, чунки уларнинг қўлланиши аниқ жиноий қилмишлар билан боғлиқ эмас ва у ёки бу кўрсатманинг аниқ баёни кўринишидаги тасвирлов хусусиятига эга. Бироқ мажбурловни қамраб олувчи қонунни қўллаш хусусиятидаги нормалар ҳам учраб туради. Булар жазони ўташдан бўйин товлаш ҳолатларида бир жазони бошқаси билан алмаштириш тартибини ўрнатувчи нормалардир. Масалан, ЖК 44-моддаси 3-қисми (жарима) жаримани (аниқроғи, унинг тўланмаган қисмини) мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштириш тартибини белгилаб беради. 72- ва 73-моддалар шартли ҳукм ва муддатидан илгари шартли равишда озод қилишда, мувофиқ равишда тайинланган шартли жазони ёки унинг ўталмай қолган қисмини, синов муддати давомида қонунда белгиланган талабларга риоя қилинмаганда, амалда ўташнинг турли вариантларини ўрнатади.

Жиноят қонуни **Махсус қисми** нормаларида алоҳида жиноятлар учун жавобгарлик ва уларни содир этишда айбдор бўлган шахсларга қўлланиладиган муайян жазолар ўрнатилади.

ЖК Махсус қисми 8 бўлим ва 24 бобдан иборат.

БИРИНЧИ БЎЛИМ.

Шахсга қарши жиноятлар.

I боб. Ҳаётга қарши жиноятлар.

II боб. Соғлиққа қарши жиноятлар.

III боб. Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар.

IV боб. Жинсий эркинликка қарши жиноятлар.

V боб. Оилага, ёшларга, ахлоққа қарши жиноятлар.

VI боб. Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар.

VII боб. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар.

ИККИНЧИ БЎЛИМ.

Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар.

VIII боб. Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар.

IX боб. Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар.

УЧИНЧИ БЎЛИМ.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар.

X боб. Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш.

XI боб. Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар.

XII боб. Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар.

XIII боб. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ.

Экология соҳасидаги жиноятлар.

XIV боб. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ.

Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар.

XV боб. Бошқарув тартибига қарши жиноятлар.

XVI боб. Одил судловга қарши жиноятлар.

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ.

Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар.

XVII боб. Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар.

XVIII боб. Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар.

XIX боб. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар.

XX боб. Жамоат тартибига қарши жиноятлар.

XX[1] боб. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар.

ЕТТИНЧИ БЎЛИМ.

Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар.

XXI боб. Бўйсуниш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибига қарши жиноятлар.

XXII боб. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар.

XXIII боб. Ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар.

XXIV боб. Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари.

Саккизинчи бўлим – «Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси»да киритилган айрим атамаларнинг ҳуқуқий маъноси очиб берилган. Бундай шарҳ расмий ва умуммажбурий аҳамиятга эга. ЖК саккизинчи бўлимининг ўзига хослиги, ундаги қоидалар, ЖК Умумий ва Махсус қисмининг бошқа қоидаларидан фарқли равишда, алоҳида рақамлар билан белгиланган моддаларга расмийлаштирилмаган, бироқ ўз моҳиятига кўра шундай ҳисобланади.

Махсус қисм моддалари «хусусий моддалар» деб ҳам номланади. Чунки уларда кўзда тутилган жиноят турларининг белгилари ва унга мувофиқ жиноятни содир этган шахсга нисбатан қўлланадиган жазо чоралари ҳам ўз аксини топган. Махсус қисм нормалари – ижтимоий хавфли қилмиш белгиларини ифодаловчи диспозиция, жазонинг тури ва меъёрини белгиловчи санкциядан иборат. Диспозицияда алоҳида жиноятлар ва шу жиноятларнинг таърифи берилади. Жиноят-ҳуқуқий нормаларда

диспозициянинг қуйидаги тўрт тури: оддий, тасвирлов, бланкет ва ҳаволаки диспозиция назарда тутилади.

NOTA BENE !

Диспозиция – модда қисмининг ўз мазмунига кўра тақиқловчи ёки фармойиш берувчи элементи бўлиб, унда муайян жиноий қилмиш, унинг белгилари кўрсатилади.

Оддий диспозицияда жиноят таркибининг белгиларини ифодаламасдан, жиноятнинг умумэътироф этилган, таниш номи кўрсатилади. Масалан, ЖК 97-моддаси 1-қисми (Қасддан одам ўлдириш) ёки 215-моддаси (Давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш). Бундай диспозицияда жиноятнинг белгилари очиб кўрсатилмайди. Кўриниб турибдики, биринчи ҳолатда қонун чиқарувчи томонидан «ўлдириш», иккинчи ҳолатда «ҳурматсизлик қилиш» иборалари ишлатилган.

Тасвирловчи диспозиция қилмишни ижтимоий хавфли ва жиноий деб тавсифловчи белгилар мажмуини кўрсатади. Масалан, ЖК 209-моддаси 1-қисми жиноятни кўрсатибгина қолмасдан, мансаб сохтакорлиги деганда, мансабдор шахснинг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки била туриб, сохта ҳужжатлар тузиш ва тақдим этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамият манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлса ёки, ЖК 169-моддаси 1-қисмида ўғрилик ўзгалар мулкини яширин равишда талон-торож қилиш сифатида берилган.

Бланкет диспозиция муайян жиноятнинг белгиларини Жиноят кодексида ёритмасдан, бошқа ҳуқуқ соҳасига оид қонунлар ёки норматив ҳужжатлар асосида аниқлайди. Масалан, ЖК 266-моддаси 1-қисмида транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга

ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, деб кўрсатилган. Йўл ҳаракати хавфсизлигининг айнан қайси қоидалари бузилганлигини аниқлаш учун, улар назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қилиш керак. Таъкидлаш жоизки, транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларнинг деярли барчаси бланкет диспозиция сифатида шакллантирилган. Шу каби моддалар ЖК XII бобида «Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар», XVI бобида «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар», XVII бобида «Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар» ва бошқаларда устунлик қилади.

Ҳаволаки диспозицияда ортиқча такрорлашларни бартараф қилиш мақсадида норманинг мазмунини аниқлаш учун кодекснинг бошқа бир нормасига мурожаат этилади. Масалан, ЖКнинг ўртача оғир шикаст етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи 105-моддаси 1-қисмида етказилган шикаст ҳаёт учун хавфли бўлмаслиги ва ЖК 104-моддасида назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқармаслиги керак дейилган.

Таъкидлаш жоизки, ЖКнинг аксарият моддаларида оғирлаштирувчи ва ўта оғирлаштирувчи таркибларда ўша модданинг асосий таркибига ҳавола қилиш ҳоллари учрайди. Бунда «ўша қилмиш ... сабаб бўлса», «ўша қилмиш ... содир этилган бўлса», «мазкур модданинг биринчи ва иккинчи қисмида назарда тутилган қилмиш ... сабаб бўлса» каби таъриф ишлатилади.

Аралаш (комбинациялашган) диспозиция бланкет ёки ҳаволаки, шунингдек, оддий ёки тасвирлов диспозицияларнинг белгиларини ўзида акс эттиради. Масалан, Жиноят кодексининг 137-моддаси 1-қисмига кўра, ушбу кодекснинг 245-моддасида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлмаган ҳолда одам ўғирлаш жиноят деб ҳисобланади. Ушбу моддада диспозициянинг ҳам оддий (одам ўғирлаш), ҳам ҳаволаки (Жиноят кодекси 245-моддасида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлмаса) турлари мавжуд бўлганлиги сабабли «аралаш» деб юритилади[1].

[1] Уголовное право. Общая часть: Учебник / А.С. Якубов, Р. Кабулов и др. – 94-95 б.

NOTA BENE !

Санкция – модда қисмининг элементи бўлиб, диспозицияда кўрсатилган муайян жиноят учун жазо тури ва доирасини белгилайди.

Маълумки, қонун чиқарувчи ЖК 15-моддасидаги жиноятлар таснифини жазонинг меъёри билан боғлайди, чунки қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси айнан санкцияда намоён бўлади.

Нисбий муайян санкция – муайян бир жазо турини назарда тутиб, унинг миқдори чегарасини (чегарасини ёки энг қуйи ва энг юқори чегарасини) белгиловчи санкция. Масалан, Жиноят кодексининг 99-моддасида онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдиргани учун уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси, қасддан одам ўлдирганлик учун 97-моддаси 1-қисмида ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган. Биринчи мисолда кўриниб турибдики, санкцияда фақат юқори чегара кўрсатилган. Бундай ҳолларда қуйи чегара, жазонинг мазкур тури учун ЖК Умумий қисмида кўрсатилган қуйи чегара билан белгиланади.

Альтернатив (муқобил) санкцияда икки ёки ундан ортиқ жазо турлари назарда тутилиб, судга қилмиш ва уни содир этган шахснинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда жазони индивидуаллаштириш имконини беради. Масалан, Жиноят кодекси 110-моддаси 1-қисмида (Қийнаш) беш турдаги жазодан бирини қўллаш мумкинлиги назарда тутилган:

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазо турлари белгиланган. Альтернатив санкциянинг белгиланиши судьяларга шахснинг ижтимоий хавфлилигига, қилмишнинг хусусиятига қараб жазолардан бирини тайинлаш имконини беради.

Жиноят ҳуқуқи назариясида, юқорида зикр этилган санкциялардан ташқари, **мутлақ-муайян** ва **ҳаволаки** санкциялар ҳам кўрсатилади. Бироқ инсонпарварлик ва одиллик принципларига мувофиқ бўлмаганлиги учун, улар амалдаги ЖКда назарда тутилмаган.

Таъкидлаш жоизки, жиноят ҳуқуқи доктринасида «жиноят қонуни моддаси тузилиши» ва «жиноят-ҳуқуқий норма тузилиши» тушунчаларини фарқлаш қабул қилинган, чунки битта жиноят-ҳуқуқий норма ЖКнинг бир неча моддаларида мавжуд. Бунинг сабаби жиноят-ҳуқуқий норма тузилиши, ЖК моддасидан фарқли равишда, икки ўзаро боғлиқ элементларни эмас (диспозиция ва санкция), балки учта: аксарият муаллифлар фикрига кўра, жиноий жавобгарликнинг асослари ҳамда қилмишни жиноий ва жиноий жавобгарликка сазовор сифатида белгилашга оид қоидаларни ўз ичига олган **гипотезани**[1], жиноятнинг объектив ва субъектив таърифини акс эттирадиган ва шу муносабат билан жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахсларнинг белгиларини, айбнинг шаклларини, тамом бўлмаган жиноят таркибини ва бошқаларни белгилайдиган **диспозицияни** ҳамда ЖК Умумий қисмининг айрим қоидаларига асосланган ҳолда жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини назарда тутган **санкцияни** қамраб олади.

3-§. Жиноят қонунининг ҳудуд бўйича амал қилиши

ЖКнинг 11-моддаси Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигининг қўлланиш ҳудудий доирасини белгилайди. Унда баён этилган қоидалар **ҳудудий тамойилни** ифода этади, яъни қайси давлат ҳудудида жиноят содир этилган бўлса, ўша давлатнинг жиноят кодекси қўлланиши тамойили кўрсатилади. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этган барча шахслар, улар қайси давлат фуқароси бўлишидан қатъи назар ёки фуқаролиги бўлмаслигига қарамай, фақат Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси бўйича жавобгарликка тортилади.

[1] Қаранг: Ўша жойда. – 97 б.; Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть. – М.: 1996 г. – 97 б..

Ҳудудийлик тамойили давлат ҳокимиятининг суверенлик тамойилига асосланган бўлиб, унинг ҳуқуқ соҳасида умуман ва жиноят соҳасида қисман ифода топишидир. Давлат суверенитети ва қонуннинг ҳудудийлик тамойили ўзаро узвий боғлангандир: давлат ҳокимияти унинг ҳудудий масофалари билан чегараланган ва унинг қонунлари ҳам шу чегаралари доирасида амал қилади.

ЖК 11-моддаси 1-қисми ҳудудийлик тамойилининг умумий қоидасини ифода этади: «Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир этган шахс мазкур Кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилади».

«Ҳудуд» дейилганда, маконнинг шундай қисми, яъни Ўзбекистон Республикаси суверенитетига қарашли қуйидаги жойлар тушунилади:

а) қуруқлик ҳудуди;

б) сув ҳудуди, шу жумладан, ички сувлар;

в) ҳаво ҳудуди;

г) ер ости[1].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68–70-моддаларига мувофиқ, мазкур Кодекснинг амал қилиш ҳудудига республиканинг барча ҳудуди, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди ҳам киради[2].

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида”ги N 820-I сон Қонуни // “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси”, 1999 йил, 9-сон, 217-модда

[2] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартириш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 90-моддасининг иккинчи қисмига тузатиш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32, 78, 93, 98, 103 ва 117 моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 4-бандига, 81-моддасининг еттинчи қисмига, 83-моддасига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13 ва 14- бандларига, 107-моддасининг биринчи қисмига, 110-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига, 111-моддасига

NOTA BENE !

Қуруқлик ҳудуди – бу Ўзбекистон Республикаси чегараси ичидаги сув билан қопланмаган қуруқ ер майдони. Бу ҳудуд таркибига сув билан ўралмаган ва сув билан ўралган (орол) барча қуруқлик майдони киради.

Қуруқлик ҳудуди таркибига давлат чегаралари ичидаги сунъий ҳосил қилинган ер майдонлари (масалан, сунъий орол, сув устига қурилган бинолар ва ҳоказо), сув йўлидаги техник иншоотлар – плотина, дамба, кўприк ва бошқалар ҳам киради. Давлат чегараси чизиғидан қатъи назар, Ўзбекистон ҳудудига қарашли деб, бундай техник иншоотларнинг ўртасидан ёки ўқ чизиғидан республикага қараб ўлчанган қисми ҳисобланади[1].

Қуруқлик ҳудуди таркибига яна Ўзбекистон анклавлари киради (ҳар томонлама ўзга давлатлар ҳудуди билан ўралган ер майдонлари, агар улар денгизга чиқадиган йўлга эга бўлмаса). Қуруқлик ҳудуди таркибига Ўзбекистон ҳудудидаги қаттиқ шаклдаги сув ресурслари – музликлар ҳам киради.

NOTA BENE !

Анклав – давлат ҳудудининг бошқа давлат чегаралари билан ўраб олинган ва денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмаган қисми.

NOTA BENE !

Сув ҳудуди – бу давлат чегаралари ичидаги суюқ ҳолатдаги сув ресурсларидир.

ўзгартишлар ва қўшимча киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 5 ва 12-бандларига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13-бандига ҳамда 108, 109-моддаларига ўзгартишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 99 ва 10-моддаларига ўзгартишлар киритилган.) – Т.: "Ўзбекистон", 2017. – 23 б.

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида"ги N 820-I сон Қонуни, 5-м. // "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси", 1999 йил, 9-сон, 217-модда

Сув ҳудуди таркибига ички сувлар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудий сувлари ҳамда чегаравий сувларнинг тегишли қисми киради. Сув ҳудудига ер ости сувлари, термал ва минерал сувлар кирмайди. Бундай сувлар ер ости бойликлари деб ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ички сувларига қуйидагилар киради:

– Ўзбекистон ҳудудида тўлиқ жойлашган сув ҳавзалари, унинг қирғоқлари ҳам, масалан, Чорвоқ сув омбори;

– Орол денгизининг Ўзбекистон ҳудудига қарашли сувлари, яъни сувнинг чегара ҳисобланган кенглигидан яқин қирғоққача қисми;

– Орол денгизи томонидан чегара чизиғи билан ажратилган порт сувлари, денгизнинг чегара чизиғигача бўлган гидротехник ва бошқа порт иншоотлари;

– Орол денгизининг Ўзбекистон ҳудудига тарихий қарашли бўғоз, бухта, гут ва лиманлар;

– Орол денгизининг Ўзбекистон ҳудудига тўлиқ қарашли бўғоз, бухта, гут ва лиманлар қирғоқлари, қирғоқдан қирғоққача бўлса, кенгликнинг денгиз томонидан биринчи марта ташкил бўлган бир неча ўтиш жойлари, агар унинг эни 24 денгиз милясидан ошмайдиган бўлса (44 км 448 м).

Ўзбекистоннинг ҳудудий сувлари – бу Орол денгизининг қирғоқолди сувлари бўлиб, 12 денгиз миляси (22 км 224 м) энлилигида бўлиб, Ўзбекистон Республикасига тегишли бўлган материк қисми ҳамда ороллар атрофидан ёки Ўзбекистоннинг ички денгиз сувларининг ташқи чегарасидан ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг чегара сувлари – чегара ҳисобланган дарёлар, сойлар, кўллар ва ҳавзаларнинг давлат чегараси чизиғидан яқин қирғоққача бўлган қисмидир.

Бу ерларда давлат чегараси қуйидаги тарзда белгиланишини таъкидлаб ўтишимиз лозим:

«... кема қатнайдиган дарёларда – дарёнинг асосий фарватери ёки тальвеги ўртаси бўйлаб; кема қатнамайдиган дарёларда, жилғаларда – уларнинг ўртаси ёки дарёнинг асосий ўзанининг ўртаси бўйлаб; кўллар ёки бошқа сув ҳавзаларида – Давлат чегараси кўл ёки бошқа сув ҳавзаси қирғоқларига чиққан жойларни туташтирувчи тўғри ёки бошқача чизиқ бўйича. Дарё, жилға, кўл ёки бошқа сув ҳавзаси орқали ўтадиган Давлат чегараси улар қирғоқларининг кўриниши ёки сув сатҳи ўзгарганда ҳам, дарё, жилға оқими у ёки бу томонга бурилганда ҳам ўзгармай қолаверади;

сув омборларида ва бошқа сунъий сув ҳавзаларида – улар сув билан тўлдирилгунга қадар Давлат чегарасининг мазкур жойдан ўтган чизиғига мувофиқ равишда;

дарёлар, жилғалар, кўллар ва бошқа сув ҳавзалари орқали ўтувчи кўприкларда, тўғонлар ва бошқа иншоотларда – Давлат чегараси сувдан ўтиш-ўтмаслигидан қатъи назар, шу иншоотларнинг ўртаси ёки уларнинг технологик ўқи бўйлаб»[1].

NOTA BENE !

Ўзбекистоннинг **самовий ҳудуди** – бу Республиканинг қуруқликдаги ерлари ва сув ҳавзалари устидаги ер атмосферасининг қисмидир[2].

Самовий ҳудуди қуруқлик ва сувдаги Ўзбекистон давлат чегараларидан вертикал чизиқ билан белгиланади.

NOTA BENE !

Ер ости бойликлари – бу ер қобиғининг тупроқ қатламидан қуйида жойлашган, тупроқ қатлами бўлмаганда эса, ер юзасидан ёки сув объектлари

[1] Ўша жойда.

[2] См.: Воздушный кодекс Республики Узбекистан (Введен в действие Постановлением Верховного Совета Республики Узбекистан от 7 мая 1993 г. № 864-XII), ст. 1 // Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1993 г., № 6, ст. 247; Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1998 г., № 3, ст. 38; 2000 г., № 5-6, ст. 153; Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2003 г., № 11, ст. 82.

тубидан қуйида жойлашган, геологик жиҳатдан ўрганиш ва ўзлаштириш мумкин бўлган чуқурликкача ястанган қисми ҳамда фойдали қазилмаларнинг ер қаъридан юзага чиқиши[1].

Ер ости чегараларига табиий қаттиқ жисмлар, суюқ ва газ ҳолатидаги жинслар ва бу жинслар орасидаги бўшлиқлар киради.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг амал қилиш доирасига фақат республиканинг қуруқлик ва сув ҳудуди остига жойлашган ер ости чегаралари киради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди сифатида республиканинг чет давлатлардаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари жойлашган ҳудуд ҳам қабул қилинади.

Халқаро ҳуқуқнинг умумий қоидаларига мувофиқ, бундай муассасалар **экстерриториал** мақомга эга бўлади, яъни улар маҳаллий қонунчилик таъсиридан ажратилган ҳолда қайси мамлакатга қарашли бўлса, ўша давлат қонунчилиги таъсирига ўтади[2].

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси хориждаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари ҳудудида содир этилган жиноятлар ҳар доим Ўзбекистон ҳудудида содир этилди, деб ҳисобланади. Худди шундай тарзда Ўзбекистондаги чет давлатлар элчихоналарида содир этилган жиноятлар ҳам ўша давлатлар қонунчилигига мувофиқ кўрилади. Ваколатхонанинг ҳудуди сифатида ундаги бино ва хоналаргина эмас, балки шу бинога қарашли ер, ҳовли, ваколатхона бошлиғининг резиденцияси, ваколатхона ходимлари, давлат юрисдикцияси иммунитетига эга бўлган шахслар яшайдиган турар жой бинолари ҳамда транспорт воситалари тан олинади.

Шуни кўрсатиш лозимки, ваколатхона ҳудудига ёки унинг ходимларига қарши қаратилган жиноят, жиноят субъекти Ўзбекистон Республикасида

[1]Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида”ги N 820-I сон Қонуни // “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси”, 1999 йил, 9-сон, 217-модда

[2]Қаранг: Дипломатия муносабатлари тўғрисидаги Вена Конвенцияси (Вена, 1961 йил 18 апрел. 1964 йил 24 апрелдан кучга кирган. Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 6 майдаги 1078-XII-сонли қарорига мувофиқ)

жисмонан турганлиги шарти билангина, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган деб топилади, акс ҳолда бундай ҳаракатларни бошқа давлат ҳудудида содир этилган, деб қараш керак.

ЖК 11-моддаси 2-қисми Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят деб ҳисоблаш мезонларини белгилайди. Модданинг мазкур қисмини киритиш зарурияти шундан иборатки, содир этилган ҳаракатни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги жиноят сифатида белгилаш чегараларини қонуний белгилаш ва шу асосда қонунни қўллаш фаолиятини бир хил тарзда олиб бориш имкониятини таъминлашдир.

ЖК 11-моддаси 2-қисми жиноий ҳаракат содир этилишининг барча босқичлари ва кўринишларини, айбдор жиноий хулқ-атворининг деярли барча кўринишларини қамраб олади. Хусусан, мазкур моддага мувофиқ «Қилмиш:

а) Ўзбекистон ҳудудида бошланган, тамомланган ёки тўхтатилган бўлса;

б) Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этилиб, жиноий оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса;

в) Ўзбекистон ҳудудида содир этилиб, жиноий оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида юз берган бўлса;

г) бир неча қилмишлардан иборат ёки бошқа қилмишлар билан биргаликда содир этилган бўлиб, унинг бир қисми Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса, Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят деб топилади».

Таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган жиноий ҳаракат белгилари мазмун-моҳиятига кўра объектив ҳисобланади ва қонун чиқарувчи жиноят таркибининг барча белгиларини объектив равишда кўрсатиб беради. Бу белгилар жиноий ҳаракатнинг фақат тегишли белгиларига хос бўлиб, жиноят таркибининг бошқа қисмларига тегишли бўлмайди. Айни вақтда жиноятнинг муҳим белгилари (субъект, объект, субъектив томонлари) қонун чиқарувчи томонидан муҳим априори деб ҳисобланади, яъни қонун моддаларидан қатъи назар ҳар бир жиноят кўриб чиқилганда, бу белгилар аниқланади. Бу белгилар жиноий иш содир этилган ҳудудни аниқлашга таъсир этмайди,

лекин суд ва тергов органлари томонидан ҳар бир ҳаракатнинг жиноятга алоқадорлигини аниқлаш мақсадида кўриб чиқилади (масалан, ҳаракат жиноят содир этишга лаёқатсиз киши томонидан қилинган бўлса, бундай жиноят жамият учун хавфли ҳисобланмайди, гарчанд жиноий ҳаракатнинг объектив белгилари мавжуд бўлган ҳолда ҳам). Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган белгилар рўйхати Жиноят кодексининг тамойилларини ифода этади, яъни қонунийлик, адолатлилик, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглик тамойилларини кўрсатади.

ЖК 11-моддаси 2-қисми «а» бандида жиноят содир этишнинг **бошланиши** деганда, айбдор содир этиш шарт деб ҳисоблаган ва содир этган, улар жиноий оқибатга олиб келмаган бўлса ҳам ҳар қандай жиноий қилмишни (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) тушуниш керак. Шундай қилиб, жиноят содир этишни бошлаш тамом бўлган суиқасдни қамраб олади.

(Тамом бўлган суиқасд ҳақида мазкур том IX бобининг «Жиноят содир этишга суиқасд қилиш» деб номланган 3-§ да батафсил берилган.)

Жиноят содир этишнинг бошланиши сифатида яна шундай дастлабки жиноий ҳаракат тан олинадики, бундай ҳаракат кейинги узоқ давом этувчи қонунбузарлик ҳаракатлари билан боғлиқ бўлади, яъни узоқ давом этувчи жиноятнинг бошланишидир.

Узоққа чўзилган жиноят, масалан, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш кабилардан иборат бўлиши мумкин.

(Давом этувчи жиноят ҳақида мазкур том XI бобининг «Такроран жиноят содир этиш» деб номланган 2-§ да батафсил берилган.)

Ўзбекистон Республикаси ЖКда жавобгарлик назарда тутилган жиноятнинг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмиш Ўзбекистон ҳудудида **тамом бўлган** деб топилади. Шунинг учун, муайян қилмиш тамом бўлганлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда ЖК Махсус қисмидаги модда тушунчасидан келиб чиқиш лозим.

Амалдаги Кодексга мувофиқ, жиноят тамом бўлган деб қуйидаги ҳолатларда тан олинади:

– маълум оқибатларни келтириб чиқарган қилмиш, яъни **моддий таркибли жиноят** (масалан, қасддан одам ўлдириш, ўғрилик ва ҳ.к.);

– квалификацияга жиддий таъсир қилмайдиган оқибатларни келтириб чиқарган қилмиш – **формал таркибли жиноят** (масалан, туҳмат, ҳақорат, давлатга хоинлик қилиш ва бошқ.);

– ижтимоий хавфли зарар етказишнинг реал хавфини туғдирувчи қилмиш – **кесик таркибли жиноят** (босқинчилик, зўрлаш ва бошқ.).

Тўхтатилган жиноят ҳам жиноят Ўзбекистон ҳудудида содир этилган деб ҳисобланади. Мазкур моддага мувофиқ, жиноий ҳаракат ўзининг моддий ифодасига кўра ва субъектив қабул қилиниши жиҳатидан тугалланмаган бўлса, тўхтатилган жиноят деб баҳоланади.

Амалдаги қонун тўхтатилган жиноятнинг икки шаклини кўрсатади:

– қилмиш шахс томонидан ихтиёрий равишда тўхтатилади. Бу шахснинг жиноятни тўхтатиш имконияти борлигини тушуниши оқибатида рўй бериши мумкин ҳамда шахс қилмишининг ёмон оқибатлари келиб чиқишининг олдини олиш имконияти мавжудлигини тушуниб, жиноят содир этишдан ихтиёрий равишда қайтиши мумкин – **жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш**;

– шахс иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра қилмишнинг охирига етказилмаслиги – **тамом бўлмаган суиқасд**.

Тамом бўлмаган суиқасд деганда, айбдор ўзининг жиноий ҳаракатларини охиригача етказа олмагани, кўзлаган мақсадига эриша олмагани тушунилади. **Тамом бўлган суиқасд** билан тамом бўлмаган суиқасд орасидаги фарқ шундаки, биринчисида айбдор мўлжаллаган барча ҳаракатларини амалга оширдим, деб ҳисоблайди.

(Тамом бўлган ва тамом бўлмаган суиқасд ҳақида мазкур том IX бобининг «Жиноят содир этишга суиқасд қилиш» деб номланган 3-§ га қаранг.)

Таъкидлаш лозимки, айбдор ташаббуси билан узоққа чўзилган ёки давомли жиноятлар тўхтатиладиган (масалан, ўз хоҳиши билан айбини бўйнига олиб келиш) ёки жиноят содир этилишига тўсқинлик қиладиган вазият юзага келиши (масалан, органларнинг аралашуви) тўхтатилган жиноят сифатида баҳоланади. Бундай ҳолларда узоққа чўзилган ва давомли жиноятлар тамом бўлмасдан айнан тўхтатилади, чунки вақт бўйича жиноий ҳаракат давом этувчи акт бўлиб, у тамом бўлмайди, лекин давом эттирилиши тўхтатилиши мумкин.

ЖК 11-моддаси 2-қисмининг навбатдаги икки банди – **«б» ва «в»бандлари** қилмишнинг тамом бўлган жиноятнинг айрим ҳолатларига нисбатан – моддий таркибли жиноятларга Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят сифатида баҳолашнинг шартларини белгилайди.

Бундай шартларнинг алоҳида кўрсатилишига сабаб умумий қоида бўйича қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги унинг содир этилишигагина эмас, балки унинг қонунда кўрсатилган оқибатларига қараб аниқланади ва бу оқибатлар келиб чиққандан сўнг жиноят содир этилган ҳисобланади. Лекин бу қоида жиноий ҳаракат бир давлат ҳудудида содир этилгандагина қўлланади. Агар жиноят икки ёки бир неча давлат ҳудудида содир этилган бўлса, бундай қоидани қўллаш жиноятчининг жазодан қутулиб қолишига имконият туғдиради. Шунга кўра қонун белгилайдики, агар содир этилган жиноят моддий таркибга эга бўлса, оқибатлари мавжудлигига қарамай, у Ўзбекистон ҳудудида содир этилган деб баҳоланади. Бундай шартнинг белгилаб қўйилиши Кодекснинг жавобгарликнинг муқаррарлик принципига мос келади.

Таъкидлаш лозимки, қилмишнинг Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят сифатида баҳоланиши зарурий объективлик белгиларидан бирортасининг формал мавжудлигини талаб қилмаса ҳам, бу белгининг фактик аниқланиши ҳақидаги талабга риоя қилиш зарурлигини инкор этмайди. Бошқача қилиб айтганда, суд ва тергов органлари шахсни шундай жиноят учун жавобгарликка тортишда ҳар доим жиноятнинг мазкур

белгилари йиғиндисининг амалда мавжудлигини аниқлашлари шарт. Бу жиноятнинг моддий таркиби талабидан келиб чиқади. Бу белгилардан бирортасининг амалда мавжуд бўлмаслиги айбланувчи ҳаракатларининг тамом бўлган жиноят сифатида баҳоланишига йўл қўймайди.

ЖК 11-моддаси 2-қисми «г» бандида бир неча қилмишлардан иборат ёки бошқа қилмишлар билан содир этилиб, унинг бир қисми Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса, бундай жиноят Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган деб баҳоланади.

Бу ҳолда биргаликда ягона жиноий йўналишга эга бўлган жиноий хулқ-атвор актларининг бирлашиши **бир неча қилмиш**лардан иборат қилмишни англатади. Хусусан, бир неча қилмишга жиноятга тайёргарлик кўриш, содир этиш, унда иштирок этиш, ташкилотчилик қилиш, ёрдамлашиш каби ҳаракатлар киритилади. ЖК 11-моддаси 2-қисми «а» бандига киритилмайдиган белгилар: жиноятга тайёргарлик кўриш, иштирок этиш кабилар бир қилмишни ташкил этади, унда айбдор бўлганлар жавобгарликка тортилиши лозим.

Бошқа қилмишлар билан биргаликда деган тушунча ягона мақсадга йўналтирилган ва натижада бир жиноятни ташкил этадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг бир хил актларини қамраб олади. Натижада, мазкур бандга мувофиқ, **давом этувчи жиноятларни** тушуниш лозим.

(Давом этувчи жиноят ҳақида мазкур том XI бобининг «Такроран жиноят содир этиш» деб номланган 2-§ да батафсил берилган.)

Шундай қилиб, **ЖК 11-моддаси 2-қисми «г» банди** мазмунига мувофиқ, бир неча қилмиш шахс ҳаракатининг хусусияти бўлса, бошқа ҳаракатлар билан биргаликда деган тушунча, муайян жиноят таркибини ташкил этувчи қилмишнинг хусусиятини қамраб олади. Бу ерда бир неча хил қилмишлар мавжудлиги талаб этилади. Агар ҳаракат ёки ҳаракатсизлик бир мартагина содир этилган бўлса, айбдор шахс мазкур бандга мувофиқ жавобгарликка тортилмайди, бироқ «а», «б» бандлар ёки ЖКнинг 11-моддаси

2-қисмига мувофиқ тегишли белгилар мавжудлигида жавобгарликка тортилиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, мазкур бандга мувофиқ қонунда баён этилган қоидадан келиб чиқиб, шахсни жавобгарликка тортиш учун жиноят бошқа давлат ҳудудида бошланган, тугалланган ёки тўхтатилган, лекин жиноий ҳаракатнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилганини аниқлаш лозим (масалан, Ўзбекистоннинг қўшни давлат билан чегарасида бошланиб, ўша ерда геноцид (қирғин) юз берган ва чегарадош Ўзбекистоннинг аҳолисига ҳам тегиб ўтган). Акс ҳолда, жиноят содир этган шахс мазкур модданинг «а» бандига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

ЖК 11-моддаси 3-қисми ҳозирги замон халқаро ҳуқуқнинг умум-эътироф этилган қоидаларини ифода этади. Унга мувофиқ, денгиз, дарё ёки ҳаво кемаси устидаги байроқ ёки рўйхатга қўйилган порт қайси давлатга мансуб бўлса, ўша давлат ҳудудидан ташқарида, лекин бошқа чет давлат ҳудудига кирмаган бўлса, у ўз давлати ҳудудида деб ҳисобланади.

NOTA BENE !

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига мувофиқ, давлатлар чегара чизиғидан ташқарида бўлган ёки алоҳида иқтисодий ҳудуд чизиғидан ташқарида жойлашган сув ёки ҳаво ҳудуди **очиқ денгиз** ёки **очиқ ҳаво ҳудуди** деб ҳисобланади.

Очиқ денгиз ва очиқ ҳаво ҳудудида жиноят содир бўлган денгиз ёки ҳаво кемасида Ўзбекистон Республикаси байроғи турган бўлса ёки Ўзбекистон портида рўйхатда бўлса, жиноятчи шахс Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ жавобгарликка тортилади. Агар денгиз ёки ҳаво кемаси хорижий давлат портида турган пайтда, ўша давлат ҳудудида юрган пайтда содир этилган бўлса, жиноят ўша давлат ҳудудида содир этилди деб ҳисобланади.

Айбдор шахснинг фуқаролиги ҳамда кема кимнинг мулкига мансублиги (давлат, шахсий) жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги масалани кўришда аҳамиятга эга бўлмайди. Денгиз, дарё, ҳаво кемасида[1] Ўзбекистон байроғи ўрнатилган бўлса ёки Ўзбекистон портида рўйхатга олинган ҳолларда, Ўзбекистоннинг жиноят қонунчилиги қўлланиши мумкин.

Кеманинг **Ўзбекистон Республикаси байроғи остида бўлиши** унинг миллий мансублигини белгилайди ва бу мансублик кема Республика Давлат байроғи остида бўлиш ҳуқуқига эга ва мажбурлигида кўринади.

Ҳар бир давлат кемага унинг байроғи остида юриш ҳуқуқини ва ҳужжатларини ўзи белгилайди ва беради[2].

Портда рўйхатдан ўтказилиши – бу кеманинг кемачиликни тартибга солувчи органлар қирғоқ кемачилик инспекцияларининг кемачилик реестрига киритилиши[3].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини яна айрим ҳолларда жиноят хорижий давлатнинг сув ёки ҳаво ҳудудида содир этилганда ҳам қўллаш мумкин. Лекин бундай ҳолатларда хорижий давлат манфаатларини сақлаш шартлари билан чегаралашга тўғри келади, яъни ўша давлат манфаатларига зарар келадиган бўлса, унда ўша давлат қонуни қўлланилади[4].

Нотижорат давлат кемалари (ҳарбий, божхона, полиция кемалари ва бошқалар) ҳар доим қаерда бўлишидан қатъи назар, фақат Ўзбекистон Республикаси жиноий юрисдикциясига эга бўлади. Бу очиқ сув ёки ҳаво ҳудуди, бошқа давлат ҳудудидаги денгиз ёки ҳаво ҳудуди, денгиз порти ёки аэропорт бўлиши мумкин. Шундай жойларда ҳам Ўзбекистон денгиз, дарё

---

[1] Айтиб ўтиш керакки, кема сифатида нафақат кемаларнинг ёрдамчи қурилмалари, масалан, шлюпкалар, траплар ва бошқа қурилмалар, балки унинг бутловчи буюмлари, масалан якорьлар ҳам эътироф этилиши лозим.

[2] Қаранг: Большой юридический словарь / Под ред. А.Я. Сухарева, В.Е. Крутских. – 129 б.

[3] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг ички сув транспорти устави (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 февралдаги 106-сон қарори билан тасдиқланган), 21-банд // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тўплами, 1997 йл, фекраль. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2005 й., 27-сон, 191-модда.

[4] Қаранг, масалан: Ҳаво кемаси бортида содир этиладиган жиноятлар ва баъзи бошқа актлар тўғрисидаги Конвенция (Токио, 1963 й. 14 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги 81-I-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 29 октябрдан бошлаб кучга кирган), II боб (3—4-моддалар).

ёки ҳаво кемасида жиноят содир этган шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

ЖК 11-моддаси 4-қисми Ўзбекистон Республикаси жиноий қонунчилигининг амалдаги ҳудудийлик принципидан қонуний истисно қилиш ҳолатларини белгилайди. Бу, давлат вазифаларини бажарувчи айрим шахсларни жиноий жавобгарликка тортишда ҳуқуқий иммунитет берилиши ҳақида ҳозирги замон жаҳон концепциясини ифода қилади.

Ҳуқуқий иммунитетдан фойдаланиш ҳуқуқи берилган шахс унинг жинояти характери ва ижтимоий хавфлилиги даражасидан қатъи назар, қайси мамлакат манфаатларига хизмат қилган бўлса, ўша давлат розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқий иммунитетдан қуйидаги чет эл фуқаролари фойдаланиши мумкин:

– хорижий давлат дипломатик ходимлари;

– хорижий давлат ваколатхоналари ходимлари;

– халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ходимлари;

– хорижий давлатларнинг бошқа вакиллари.

Дипломатик ваколатхона ходимлари – бу ваколатхона бошлиҚи ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг шундай мақомга эга бўлишини тасдиқловчи ҳужжат берилган шахсий таркиб аъзолари, ходимлар[1].

Ваколатхона шахсий таркиби аъзолари – бу, аввало, ваколатхона шахсий таркиби аъзолари – дипломатик ходимлар, ваколатхонанинг маъмурий-техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари. Дипломатик ходимлар қаторига, биринчи навбатда, дипломатик рангга эга бўлган ваколатхона ходимлари киради. Маъмурий-техник ходимлар таркибига ваколатхона шахсий таркиби аъзолари киритилади. Уларнинг вазифаси ваколатхонага

[1] Қаранг: Масалан , Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари тўғрисидаги Низом (Ўзбекситон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 8 майдаги 207-сон қарорига 1-илова), 6.4-банд / / Ўзбекситон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й, 9-сон, 47-модда; 2002 й, 14-сон, 112-модда.

маъмурий-техник томондан хизмат кўрсатишдан иборат. Бундан ташқари, ваколатхонага маиший хизмат кўрсатувчи ходимлар ҳам бор[1]. Маъмурий-техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар фақат хизмат вазифаларини бажараётган вақтда иммунитетга эга бўладилар[2].

Дипломатик ваколатхона ходимлари билан бир қаторда жиноий юрисдикцияга нисбатан иммунитет, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигида турмаган бўлсалар, ваколатхона ходимларининг оила аъзоларига ҳам берилади, лекин бундай иммунитет ваколатхонанинг хизмат кўрсатувчи персонали ходимлари оила аъзоларига берилмайди[3].

Иммунитетга эга бўладиган ваколатхона ходими статусига курьер эга бўлади, яъни дипломатик почтани ташиш учун тайинланган расмий шахс. Дипломатик курьер доимий ёки бир мартага, яъни муайян почта маълумотини етказиш билангина мазкур ҳуқуқий ҳолатга эга бўлиши мумкин.

Консуллик муассасаси ходими – бу, аввало, консуллик вазифасини адо этувчи ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан берилган махсус ҳужжатларга эга бўлган ҳар қандай шахс, жумладан, консуллик муассасаси раҳбари ҳам[4]. Шундай қилиб, мазкур бандга мувофиқ элчихона ходими сифатида фақат консулликнинг мансабдор шахслари тушунилади. Бундай шахслар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлардан озод этувчи иммунитетга эга бўладилар[5].

Ўзбекистон Республикаси консуллик курьерига ҳам дипломатик курьерга берилган ҳуқуқий мақомни беради[6].

Халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг ходимлари сифатида Ўзбекистонда аккредитациядан ўтказилган ташкилотларнинг вакиллари тан

---

[1] Қаранг: Дипломатия муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенцияси, 1-модда.

[2] Қаранг: Ўша жойда, 37-млдда. Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари тўғрисидаги Низом(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 8 майдаги 207-сон қарорига 1-илова), 3.17-банд.

[3]. Қаранг.: Ўша жойда.

[4] Қаранг.: Ўша жойда,. 6.4-банд.

[5] Қаранг.: Ўша жойда, 3.17- банд.

[6] Қаранг.: Ўша жойда, 4.10-банд.

олинади. Бундай масабдор шахслар ва уларга тақдим этиладиган иммунитетлар рўйхати халқаро шартномалар ва битимларга мувофиқ белгиланади, масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва турли ихтисослашган муассасалар фойдаланадиган имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция[1], Халқаро жиноий судининг Рим статути[2] ва ҳ.к.

Ўзбекистон жиноий юрисдикциясидан сақловчи иммунитетга эга бўлган бошқа шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит равишда ўтувчи учинчи давлатдаги элчихона бошлиқлари, дипломатик таркиб аъзолари, уларнинг оила аъзолари киради.

Шундай иммунитет давлатлараро музокараларда, халқаро конференцияларда ва йиғилишларда қатнашиш учун ёки бошқа расмий топшириқлар билан Ўзбекистон Республикасига келадиган хорижий давлатларнинг вакилларига, хорижий давлатларнинг парламент ва ҳукумат делегациялари аъзоларига, шунингдек, уларни кузатиб борувчи ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаган оила аъзоларига ҳам берилади[3].

ЖКнинг ҳудудийлик принципидан мустасно қилиш иммунитетидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш мумкин эмас деган маъно келиб чиқмаслиги керак. **ЖК 11-моддаси 4-қисмида** белгилаб қўйилган: жавобгарликка тортиш ҳақидаги масала халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ амал қилинади, яъни умуман жавобгарликдан озод этилмайди.

---

[1] Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва турли ихтисослашган муассасалар фойдаланадиган имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (Вашингтон, 1947 й. 21 ноябрь, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 й. 26 апрелдаги 234-I-сон қарорига мувойиқ,) Ўзбекистон Республикаси учун 1997 й. 18 февралдан бошлаб кучга кирган.

[2] Халқаро жиноий суднинг Рим статути (Рим, 1998 й. 17 июль, Халқаро жиноий судини таъсис этиш бўйича БМТ рахбарлигида ваколатли вакиллар конференцияси томонидан қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси томонидан 2001 й. 28 июнда ратификация қилиниши лозим).

[3] Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари тў0рисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил 8 майдаги 207-сон қарорига 1-илова), 6.1-банд, 6.2-банд.

Дипломатик иммунитетлар ҳақидаги Вена конвенциясига мувофиқ, аккредитация қилган давлат ваколатхона бошлиҚи ва унинг оила аъзолари ёки ваколатхона шахсий таркибининг бошқа аъзосини persone non grata деб эълон қилиш мумкин, бунда бу қарорни қабул қилган давлат ўз ҳаракатларини изоҳлаб беришга мажбур эмас.

Бундай ҳолларда аккредитация қилувчи давлат бу шахсни чақириб олиши ёки ваколатхонада унинг фаолиятини тўхтатиши лозим. Агар аккредитация қилувчи давлат уни чақириб олишдан бош тортса ёки фаолиятини маълум муддатга тўхтатмаса, ваколатхона турган давлат бундай шахсни ваколатхона ходими сифатида тан олмаслик ҳуқуқига эга[1].

Аслида содир этилган қилмиш учун жавобгарликдан озод этилмайди, фақат уни шу мамлакат судида кўриш имконияти олиб ташланади. Бу қоида Жиноят кодекси 10-моддасида зикр этилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига мос.

ЖК 12-моддаси Жиноят кодексининг амал қилиш ҳудудий чегараларини белгилайди. 11-моддадан фарқли ўлароқ, бу ўринда **фуқаролик принципи** асос қилиб олинади. Бу принцип Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ҳудудийлик принципини тўлдиришга қаратилган.

Фуқаролик принципига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда фуқароликка эга бўлмаган, лекин республика ҳудудида доимий яшаётганлар, улар қаерда бўлишларидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига амал қилишлари шарт. Шунинг учун, бу шахслар маълум шарт-шароитларга мос келган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ, жавобгарликка тортиладилар, гарчи улар жиноий ҳаракатни бошқа давлат ҳудудида содир этган бўлсалар ҳам. Шундай қилиб, фуқаролик принципи Кодекс вазифаларини бажаришга ёрдам беради, хусусан, фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялайди.

[1] Қаранг: Дипломатия муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенцияси, 9-модда.

ЖК 12-моддаси 1-қисми умумий шартларни белгилайди, шу йўл билан фуқаролик принципи давлатимиз қонунчилиги ҳудудий амал қилиш мезонларини белгилайди.

Бу шартлар фуқаролик принципининг қуйидаги таркибий элементларини ифодалайди:

– аниқ-муайян субъектли таркиби;

– принципни қўллашнинг ҳудудий соҳалари;

– жиноий жавобгарликка тортиш асослари;

– Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка тортишни истисно этувчи ҳолатлар.

Фуқаролик принципининг аниқ-муайян субъектли таркиби шуни билдирадики, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси амал қилиш доираси қонунда кўрсатилган маълум тоифадаги аҳоли, яъни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва республикада доимий истиқомат қилувчи фуқароликка эга бўлмаган шахслар билан чегараланади.

NOTA BENE !

Ўзбекистон Республикаси фуқароси – бу қонун бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқароси мақомига эга бўлган шахс.

Амалдаги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларига кўра сиёсий-ҳуқуқий алоқада бўлган шахс фуқаро ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, паспорт олингунга қадар эса – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки шахснинг фуқаролигига доир маълумотлар бўлган ўзга ҳужжат – Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар деб ҳисобланади[1]. Шахснинг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар – бу фақат расмий мезон,

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги 632-XII-сон Қонуни, 1-модда, 1-қисми ва 5-модда// Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 8,9-сон, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда.

суд-тергов ходимлари ҳар бир ҳолатда шахснинг республика билан сиёсий-ҳуқуқий боғланганлигини аниқлаши лозим, яъни Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, шахснинг фуқаролик мансублигини, унинг қачон олган-олмагани, чиқарилгани ҳақидаги фактни аниқлаши лозим.

NOTA BENE !

Фуқаролиги бўлмаган шахс – бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб тургани ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахс[1].

ЖК 12-моддаси доирасида, чет элда жиноят содир этган, фуқаролиги бўлмаган барча шахслар ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси асосида жиноий жавобгарликка тортилмайди, улардан фақат Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларгина тортилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи, фуқаролиги бўлмаган шахслар деб, доимий яшаш учун рухсатнома ва яшаш гувоҳномаси мавжудлигидан иборат бўлган доимий яшашнинг формал мезони билан таърифланаётган мазкур шахсларнинг гуруҳи тушунилади[2].

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги ПФ-2240-сон Фармони[3] билан тасдиқланган Хорижий шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги Низомга мувофиқ берилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий

[1] Ўша жойда, 11-м.

[2] Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидалари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 199 йил 21 ноябрдаги 408-сонли қарорига 2-илова), 28-банд // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининггқарорлари тўплами, 1996 й., ноябрь; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининггқарорлари тўплами, 1999 й., 4-сон 20-модда, 2004 й., 4-сон 43-модда.

[3] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 3-сон 65-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 22-23 сон 256-модда.

яшаш учун рухсатнома қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан берилади.

Фуқаролик принципининг навбатдаги элементи **ЖК 12-моддасида** ифода этилганидек, унинг қўлланиши мумкин бўлган ҳудуд доирасидир. Бу ўринда Жиноят кодексининг ҳудудийлик принципи фуқаролик принципига ўз навбатини топширади. Қонун талабига биноан, фуқаролик принципи фақат жиноят хорижий давлат ҳудудида содир этилган ҳолда қўлланилади, лекин умуман Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида эмас.

Фуқаролик принципининг таркибий элементи сифатида қонун жиноий жавобгарликка тортиш учун асосни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда белгилайди. Жиноий жавобгарликка тортишга асос сифатида Кодекс фақат бошқа давлат ҳудудида содир этилган жиноят фактини кўрсатади.

Шуни назарда тутиш лозимки, бу ўринда конкрет қилмишнинг жиноят сифатида баҳоланиши учун икки шарт мавжудлиги талаб этилади:

биринчидан, мазкур қилмиш содир этилган давлат ҳудудида бу қилмиш учун жиноий жавобгарлик белгиланганлиги;

иккинчидан, бу қилмишнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жиноят деб баҳоланиши.

Юқорида келтирилган шартлар мажмуининг мавжуд бўлиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси бўйича шахсни жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади. Бу қонунчилигимизнинг инсон эркинлиги ва ҳуқуқларини унинг энг олий бойлиги сифатида тан олиш Ғоясини билдиради. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчилар чет давлат ҳудудида жиноят содир этганда ўша мамлакатда бу қилмишлар жиноят ҳисобланмаса, буни аниқлаш мумкин бўлмайди (масалан, баччавозлик, валюталарни ноқонуний сотиб олиш, сотиш ва ҳоказо). Шунингдек, Ўзбекистонда қилмиш жиноят ҳисобланмайдиган бўлса, чет давлатда ҳисобланадиган бўлса ҳам, жавобгарликка тортилмайди.

Таъкидлаш лозимки, чет давлат қонунчилигида қилмиш жиноят қонунида тақиқланган бўлса ҳам, суд ва тергов органлари ишни кўришда конкрет қилмиш учун айбдорни жазолаш имконияти бор ёки йўқлигидан келиб чиқмай, бундай жиноят шу давлатда жиноий жазоланадиган ҳаракат деб баҳоланадими ёки йўқми, деган саволдан келиб чиқиши керак. Акс ҳолда, жиноят содир этган шахснинг жавобгарликка тортилмаслиги Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамиятга, амалдаги бошқарув тартибига, хавфсизликка, давлат ҳокимияти тизимига қарши йўналтирилган бўлиши мумкин.

Ўзбекистон фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган республика ҳудудида доимий яшовчи шахс бошқа давлат ҳудудида содир этган жинояти учун агар ўша давлат қонуни бўйича жазоланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Қонуни бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин.

Фуқаролик принципининг ушбу қоидасига мувофиқ, чет давлатда жиноят содир этган шахс, фақатгина ўша давлат қонуни бўйича жавобгарликка тортилмаган бўлса жазоланиши мумкин. **ЖК 12-моддаси** мазмунида жазо деганда, фақатгина давлат мажбурлов чоралари эмас, балки содир этилган жиноий қилмиш учун хорижий давлатларнинг қонунларида кўзда тутилган барча ҳуқуқий оқибатларни тушуниш зарур. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра, суд ҳукмига мувофиқ шахс жавобгарликдан озод қилинган бўлса ёки ўз жиноий хулқи учун бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилган бўлса (масалан, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари, жамоатчилик танбеҳи, руҳий таъсир чоралари ва бошқалар), жавобгарликка тортиш мумкин эмас. Бу ўринда, давлатимиз қонунида бу масалага оид жазо тури ва меъёри, конкрет таъсир этиш чора-тадбирлари кўзда тутилгани ёки тутилмагани аҳамиятсиздир. Бу шарт-шароитга ва умуман фуқаролик тамойилини қўллашга таъсир этувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

– жиноят содир этган шахсга давлат номидан суд ҳукми чиқариш;

– айбдорга нисбатан ҳукмни ижро этиш.

Мазкур шартлардан бири бажарилмаса, тергов ва суд органлари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра, жиноят содир этган шахс жавобгарликка тортилади (масалан, агар айбдор ҳукм қилинмаган, қочиб кетган ёки ҳукм ижро этилишидан қочган ҳолатларда).

Шуни алоҳида айтиш керакки, хорижий давлатда суд ҳокимиятини амалга оширувчи органлар юқорида кўрсатиб ўтилган фуқаролик принципининг рад этувчи шартини қўллашга таъсир этмайди.

ЖК 12-моддаси 2-қисмида фуқаролик тамойилларининг махсус қоидалари, яъни содир этган жинояти учун Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижий мамлакат олдидаги жавобгарлиги баён қилинган.

Бу қоида қуйидаги ҳолларда, айбдор, яъни Ўзбекистон фуқароси, бошқа давлат ҳудудида жиноят содир этса, лекин турли сабаблар таъсири остида ўз вақтида ушбу давлат томонидан жавобгарликка тортилмаган бўлса қўлланилади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида ЖК 12-моддаси 2-қисмида баён қилинган қоида **жиноятчини ушлаб бериш институти билан (экстрадиция)** қамраб олинган.

NOTA BENE !

Экстрадиция – жиноят содир этган ёки жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки унга нисбатан охирги айблов ҳукмини ижро этиш учун бир давлат томонидан бошқа давлатга бериш.

Шу билан бирга, мазкур институт кўп жиҳатдан жиноят-процессуал фаолиятга ҳам тааллуқли бўлиб, шунга кўра, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида тўлиқ ҳолда баён этилган.

ЖК 12-моддаси 2-қисмига мувофиқ, Ўзбекистон фуқароси чет давлат ҳудудидаги жиноят учун, халқаро келишув ёки халқаро шартномаларда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари жазога тортилмайди. Шундай қилиб, ушбу

нормалар фақатгина Ўзбекистон фуқароси бўлган шахсларнигина ўз ичига олади, бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддасида ўз ифодасини топган, яъни Ўзбекистон ўз фуқароларининг ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлашни ва ҳомийлик қилиш мажбуриятини олади[1].

Ўзбекистон Республикаси фуқаросини у жиноят содир этган давлат ихтиёрига бериш ёки беришни ман этиш, бу давлатнинг мазкур масалада бошқа давлатга талаблар қўйиши, шунингдек, чет мамлакатнинг бошқа талабларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси нормаларидан[2] келиб чиқиб ҳал этилади. Бундай ҳолларда, Ўзбекистон Республикасининг нуфузли органлари учинчи давлатга нисбатан ўзининг талабларини қўйиши керак – шахснинг ушланган жойи – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг фуқаролик тамойилларига мувофиқ жавобгарликка тортиш илтимоси билан иш кўриши керак **(ЖК 12-моддаси 1-қисми)**.

Шахсни бошқа давлатга ушлаб беришни ман этувчи қоида фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаросига нисбатан қўлланилади ва қонуннинг бу талаби айнан тушунилиши керак. Бу қоида Ўзбекистон ҳудудида бир

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартириш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 90-моддасининг иккинчи қисмига тузатиш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32, 78, 93, 98, 103 ва 117 моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 4-бандига, 81-моддасининг еттинчи қисмига, 83-моддасига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13 ва 14- бандларига, 107-моддасининг биринчи қисмига, 110-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига, 111-моддасига ўзгартишлар ва қўшимча киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 5 ва 12-бандларига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13-бандига ҳамда 108, 109-моддаларига ўзгартишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 99 ва 10-моддаларига ўзгартишлар киритилган.) – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 10 б.

[2] Ўша жойда.

қанча муддат истиқомат қилганлигидан қатъи назар, доимий яшашга расмий рухсатномаси бўлган, бироқ чет элда жиноят содир этган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси, агар халқаро шартнома ва келишувларда қайд этилган бўлсагина ўзга мамлакатга берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси ёки келишуви – республиканинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрий келишувидир[1].

ЖК 12-моддаси таркибидаги халқаро шартноманинг номланиши аҳамиятга эга эмас, бу шартнома, келишув, декларация, конвенция, пакт, коммония, қарор ва бошқалар барчаси тенг юридик кучга эга. Шунинг учун, бу актларнинг вақт бўйича таъсир этишига диққат қаратилади.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистон бир қатор шартномаларга қўшилган ёки уларни тан олган, масалан, Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенцияси[2]; Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида экстрадиция тўғрисидаги Шартнома[3]; Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция[4] ва бошқалар.

Шуни таъкидлаш керакки, халқаро шартнома ёки келишувнинг бўлмаслиги Ўзбекистон фуқаросини, масалан, дипломатик музокаралар чоғида бошқа давлатга беришга монелик қилади. Бу шахс мазкур ҳолатда

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1995 й. 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги 172-I-сон қонуни, 3-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й 12-сон 262-модда 2003 й 5-сон 67-модда 2004 й 1-2-сон 18-модда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й, 49-50-сон, 365-модда.

[2] Қаранг: Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенцияси (Шанхай, 2001 й. 15 июнь, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 й. 30 августдаги 274-II-сонли қарори билан ратификация қилинган).

[3] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида экстрадиция тшғрисидаги шартнома (Исломобод, 2001 й. 12 майдаги 233-II-сон қарори билан ратификация қилинган).

[4] Қаранг: Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқйи ёрдам ва ҳуқуқйи муносабатлар тўғрисидаги Конвенция (Минск, 1993 й. 22 январ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1993 й. 6 майдаги 825-XII-сонли қарори билан ратификация қилинган).

муқаррар равишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка тортилиб, жазоланади.

ЖК 12-моддаси 3-қисмида жиноят қонунининг маконда амал қилишига оид универсал тамойил кўрсатилган. Бу тамойил бошқа халқаро ҳамжамиятларда эътироф этилган халқаро жиноятлар ва халқаро характердаги жиноятларга қарши кураш бўйича республикада олиб борилаётган жиноят-ҳуқуқий сиёсат йўналишини акс эттиради.

Халқаро характердаги жиноят – бу халқаро жиноятлар доирасига кирмайдиган, лекин халқаро шартномаларда назарда тутилган ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлардир. Халқаро жиноятлардан фарқли ўлароқ, халқаро характердаги жиноят учун жавобгарлик давлатнинг эмас, балки шахснинг зиммасига юкланади[1].

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида халқаро характердаги бир қатор жиноятлар таркиби кўрсатилган: терроризм, қалбаки пуллар, акциз маркалари, қимматбаҳо қоғоз ёки маркалар (қалбаки тангафурушлик) тайёрлаш ва тарқатиш; мародёрлик ва бошқалар.

Жиноят кодекси амал қилишининг **универсал принципи** жиноят содир этилган жойга боғлиқ эмас, у Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида, яъни чет давлатлар ҳудудида ёки ҳеч қайси давлатга тегишли бўлмаган дахлсиз жойлар (масалан, очиқ денгиз, ҳавода, Антарктида)да содир бўлиши мумкин. Мазкур тамойилга амал қилишнинг ягона шарти конкрет хатти-ҳаракатнинг халқаро характердаги жиноят сифатида халқаро шартномаларда ёки Ўзбекистон Республикаси битимларида назарда тутилганлиги ҳисобланади. Хусусан, бундай шартномаларга Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги Халқаро Конвенция[2], Ёлланма жиноятчиларни ёллаш, улардан фойдаланиш, молиявий таъминлаш ва ўқитишга қарши кураш

[1] Қаранг: Большой юридический словарь. Под ред. А.Я. Сухарева, В.Е. Крутских. М., ИНФРА, 2000, стр. 479-б.

[2] Қаранг: Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги Халқаро Конвенция (Нью-Йорк, 2000 й. 9 декабрь, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 й. 12 майдаги 225-II-сон қарори билан ратификация қилинган, Ўзбекистон Республикаси учун 2002 й. 10 апрелдан бошлаб кучга кирган).

тўғрисидаги Халқаро Конвенция[1], Одамларни гаровга олишга қарши кураш тўғрисидаги Халқаро Конвенция[2] каби ҳужжатлар мисол бўла олади.

Бу тамойил амал қилишининг ягона шарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ва келишувларида халқаро характердаги муайян қилмиш тўғрисида аниқ чора-тадбирларнинг борлигидир. Шундай қилиб, чет эллик шахс (муҳожир) ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон ҳудудида доимий яшамай туриб, илгари хорижий давлат жиноий қонунчилигига мувофиқ тегишли жавобгарликка тортилган бўлса, уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида айнан ўша қилмишлари учун қайта жавобгарликка тортиб бўлмайди. Бунда Кодекснинг одиллик принципига асосланганлиги намоён бўлади.

4-§. Жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиши

ЖК 13-моддаси Жиноят кодексини қўллашда вақт бўйича амал қилиш тартибини ўрнатишга бағишланган бўлиб, жиноятни квалификация қилишда қайси қонун асосида иш олиб бориш ёки қайси қонунни етакчи қилиб олиш кераклигини назарда тутади. Бунда мамлакатимиз жиноят қонуни қоидаларига хос бўлган изчиллик, тартиб билан иш кўриш ва ниҳоят Жиноят кодексининг вақт бўйича таъсир чегаралари ўз ифодасини топди. Кўрсатиб ўтилган қоидалар шундан келиб чиқадики, жиноят қонунини тўғри қўллаш қуйидаги шарт-шароитлар йиғиндисига албатта мос келиши керак:

– қонун таъсир қилиш даврини аниқ белгилаш зарурлиги;

– жиноят содир этилган вақтни аниқлаш зарурлиги.

Янги қонун кучга кирмасдан туриб жиноят тугаган ҳолларда эски қонунни қўллаш керак. Агар жиноят янги қонун амал қилиш вақтида содир

[1] Қаранг: Ёлланма жиноятчиларни ёллаш, улардан фойдаланиш, молиявий таъминлаш ва ўқитишга қарши кураш тўғрисидаги Халқаро конвенция (Нью-Йорк, 1989 й. 4 декабрь, Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 й. 26 декабрдаги 555-I-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси учун 2001 й. 20 октябрдан бошлаб кучга кирган).

[2] Қаранг: Одамларни гаровга олишга қарши кураш тўғрисидаги Ҳалқаро Конвенция (Нью-Йорк, 1979 й. 17 декабрь, Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 й. 26 декабрдаги 554-I-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси учун 1998 й. 18 февралдан бошлаб кучга кирган).

этилган бўлса, жиноят давомлими, бир марталими, қанча давом этишидан қатъи назар, янги қонунни қўллаш билан иш олиб борилади.

ЖК 13-моддаси 1-қисмига кўра, «қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади» ва шу орқали қонун амал қилишининг вақт чегараси формуласини мустаҳкамлайди. Қонунни қўллашнинг ягона шарти, жиноят содир этилган вақтда ушбу қонун амалда бўлиши, яъни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қоидалари ва Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги 342-сонли Қонуни (янги тахрирдаги)[1] ҳамда жиноят содир этилган вақтда Ўзбекистон ҳудудида бу қонунларнинг албатта ижро этилиши шарт бўлган ҳолатлар назарда тутилади.

ЖК 13-моддаси мазмуни энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинган ва бир қанча муҳим ва қатъий ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳужжатларнигина[2] эмас, балки жиноятчилик ва жазолаш ишларини аниқлашга таъсир этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам тўлалигича қамраб олади. Хусусан, бузилиши жиноят деб топиладиган хулқ-атвор қоидаларини ўрнатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам қонун ҳисобланади, масалан, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизомий низоми ва бошқалар. Бошқача қилиб айтганда, қонун шундай бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатки, у албатта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ёки референдумда қабул қилинган, қонун сифатида тан олинган, шунингдек, моҳияти адолат ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқ келувчи ҳужжатдир.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги 342-сонли Қонуни. (янги тахрирдаги)» //" Ўзбекистон Республикасининг Қонун хужжатлари тўплами", 2012 й., 52-сон, 583-б

[2] Ўзбекистон Республикасининг 200 йил 24 декабрдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги 342-сонли Қонуни

Ҳақиқатан ҳам кўпчилик ҳолларда содир этилган қилмишларнинг хавфлилик даражаси ва шу билан бирга жиноий жазонинг оғирлиги, уни келтириб чиқарган оқибатлар кўрсатиб ўтилган қоидаларнинг бузилиши натижасидами ёки йўқми (масалан, Жиноят кодекси 266-моддаси 2-қисми), бу қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб аниқланади.

Шундай қилиб, қонун тушунчаси Кодекснинг вақт бўйича таъсир қилиш нуқтаи назаридан қуйидаги актлар гуруҳини ўз ичига олади:

– Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

– Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

– вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари;

– маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барчаси, улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган қилмишларнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлигига таъсир кўрсатган ҳолдагина жиноят қонуни сирасига киради.

Шуни назарда тутиш керакки, санаб ўтилган актлар гуруҳи жиноятни ва бу қилмишнинг жазоланиши кераклигини аниқламайди – бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг фақатгина ўзига хос алоҳида хуқуқидир, бироқ бу актлар у ёки бу ҳаракатни жиноят деб тан олишга ёки жиноятдаги ҳаракатсизлик ва жамият учун хавфлилик даражасини аниқлашга таъсир этади. Масалан, Чет элда ҳисобварақлар очиш учун рухсатномалар бериш Тартибига мувофиқ «юридик ва жисмоний шахслар томонидан чет эл банкларида очилган ҳисобварақларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рухсатисиз маблағларнинг ҳисоблаб ёзилиши уларни яшириш деб

ҳисобланади»[1], лекин унинг жамиятга хавфлилиги ва чет эл валютасини яширишнинг жазоланиши эса, фақат Жиноят кодекси билан аниқланади.

ЖК 275-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш учун гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ҳисобга олиш, ўтказиш, жўнатиш ёки ташиш тартибини ўрнатувчи қоидалари амалдами, янгиси билан алмаштирилганми, деган масалага аниқлик киритиш керак, яъни ушбу муносабатларни тартибга соладиган норматив акт мавжудлигини аниқлаш керак.

Шахсни жиноий жавобгарликка тортишга доир қоидаларни қўллашда уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқлиги талаб этилади. Масалан, Конституциянинг 16-моддаси 1-қисмига биноан, қонун Асосий Қонуннинг принциплари ва моддаларига зид бўлмаслик ва уларни бузмаслик талабларига жавоб бериши лозим[2]. Бунда,

[1] Қаранг: Чет элда ҳисобварақлар олиш учун рухсатномалар бериш Тартиби (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 22 январда 610-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бошқаруви томонидан 1998 йил 28 мартда 390-сон билан тасдиқланган), 4.5-банд // Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 й., 1-сон; 2003 й., 5-6-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007й., 21-сон, 254-модда; 2008 й., 35-36-сон , 355-модда.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартириш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 90-моддасининг иккинчи қисмига тузатиш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32, 78, 93, 98, 103 ва 117 моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 4-бандига, 81-моддасининг еттинчи қисмига, 83-моддасига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13 ва 14- бандларига, 107-моддасининг биринчи қисмига, 110-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига, 111-моддасига ўзгартишлар ва қўшимча киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 5 ва 12-бандларига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13-бандига ҳамда 108, 109-моддаларига ўзгартишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 99 ва 10-моддаларига ўзгартишлар киритилган.) – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 7 б.

қонунни қабул қилувчи орган компетентлиги, қабул қилинаётган қонун статусига мос келиши муҳим талаб ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Қонуни фақатгина Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президент фармони эса, фақат Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинади.

Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кўрсатилган талабларга мос келмаса, у ҳуқуқ манбаси сифатида тан олинмайди ва ўз-ўзидан жиноятни баҳолаш ишларида унга асосланиш мумкин эмас. Агар суд ишни кўришда тўғри қарор қабул қилиши учун аҳамиятга эга бўлган бирорта норматив ҳужжатнинг Конституцияга мос келмаётганлигини аниқласа, ишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради ва барча материалларни Олий суд ёки Олий хўжалик судлари раисларига юборади, улар «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, масалани Конституциявий судда кўриб чиқиш учун киритиш ҳуқуқига эга.

Қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тамойил ва қонунларига мос келиши билан бир вақтда ўз мазмуни, шакли, реквизити билан Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни тамойилларига жавоб бериши керак. Хусусан, ушбу Қонунда унинг мазмунидаги муайян талаблар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар реквизити, расмий мавзусининг тасдиқланганлиги ва бошқалар кўзда тутилади. Шу билан бир қаторда, ушбу Қонун норматив қоидалар шаклини мустаҳкамлаш тартибини кўрсатади: қонун ва қарорларни – Олий Мажлис; Президент фармонини – Президент; қарорларни – Вазирлар Маҳкамаси; буйруқ ва қарорларни – вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар; қарорларни – маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қабул қилади. Ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлашнинг бошқа шакли мазкур талабларга риоя этмаслик сифатида эътироф этилиши, шунга ўхшаш ҳужжатларнинг ўзи эса норматив-ҳуқуқий деб тан олинмаслиги лозим. Шу аснода хатлар, мактублар,

кўрсатмалар норматив-ҳуқуқий ҳужжат деб тан олинмайди ва бу ҳақда С.Муротхўжаев мурожаати натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорида кўрсатилган эди[1].

Қонунни татбиқ этишнинг зарур элементи унинг Ўзбекистон ҳудудида қўлланилиши шартлиги ҳисобланади. Назарда тутиш керакки, **меъёрий ҳужжат мажбурий равишда ижро этилиши шарт бўлган ҳудуд** тушунчаси, бутун Ўзбекистон ҳудудинигина эмас, балки маълум бир чегараланган жойни ҳам англатиб, локал хусусият касб этади ва норматив ҳужжат бажарилиши шарт бўлган ҳудудни англатади. Локал характердаги актлар қуйидагилар, масалан, жойлардаги ҳокимият органлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўз таъсирини маълум бир ҳудудда ёядиган, хусусан, Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи тўғрисидаги Низом[2], «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара зонаси белгиланган туманлар, шаҳарлар, қишлоқлар ва овулларнинг қўшимча рўйхатини эълон қилиш тўғрисида»ги буйруқ[3] ва бошқалар.

NOTA BENE !

Қонунни эълон қилиш – бу қонунни муайян бир нашр воситасида эълон қилиш орқали уни оммага етказишдир.

Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 24-моддаси 1-қисмида кўрсатилганидек, «ҳамманинг эътибори учун расман эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким ... жазога тортилиши ... мумкин эмас». Айни бир пайтда фақатгина расмий эълон қилинган нашр

[1] Қаранг Ўзбекистон Республикаси Конститутциявий судида // Ҳалқ сўзи. – 2001 йил 17 октябрь, 207-сон (2767). Бундан ташқари, бу қоида Ўзбекистон Республикаси Конститутциявий сувининг 2001 й. 9 августдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 16-моддасининг иккинчи қисмини шарҳлаш тўғрисида"ги тўхтамида ҳам ўз аксини топган.

[2] Қаранг: Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи тўғрисидаги Низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июнь кунидаги 530-сонли Қарорига 1-илова) // "Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами", 2017 йил 31 июль., 30-сон, 734-б.

[3] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 10 октябрда 1072-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қонунчилик жараёнида мустақил босқични ташкил этади ва у норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матни асосида унинг дубликатини яратиш ҳамда унинг кучга киришини ёки вақт бўйича амал қилишини аниқлаш имкониятини беради. Расмий эълон қилиш ҳуқуқ-тартибот органлари номидан қонунчиликда назарда тутилган манбада мазкур масалага оид тўлиқ ва аниқ меъёрий актларни тўғри йўлга қўйишни тартибга солишдан иборат.

Кўрсатилган Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ, Ўзбекистонда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг расмий манбалари қуйидагилардир:

– «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари эълон қилинадиган расмий манбалардир;

– «Ўзбекистон Республикаси Ўукумати қарорлари тўплами», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир;

– «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг расмий нашрлари Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манбалардир;

– маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мазкур органларнинг расмий нашрларида эълон қилинади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунини оммавий тарзда тарқатиш учун чоп этишга доир талабларнинг махфий маълумотларга алоқаси йўқ. Бундай ҳолларда тергов ва суд органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матнида махфий маълумот мавжудлиги ва бу маълумотлар жиноят содир этган шахсга маълум бўлганлигини аниқлаши лозим.

Қонун ижросининг мажбурийлигини белгилайдиган муҳим ҳолат бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга кириши ёки унинг амал қилиши тугатилиши вақтини аниқлаш ҳисобланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга киришини аниқлаш қонун ва норматив ҳужжатларнинг қўлланилишида муҳим элемент ҳисобланади, чунки айни ўша пайтга қадар у мажбурий ҳисобланмайди, яъни қонун кучга киргунга қадар эскиси амалда бўлади, кучга кирмаган қонуннинг ҳаракат қилиши амалдаги нормаларни бузиш ҳисобланади.

NOTA BENE !

Қонуннинг кучга кириши деганда, шу пайтдан бошлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидалари, уларнинг ҳудудда кучга кириши, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, мансабдор шахслар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотлар, шунингдек, давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро этилиши, риоя этилиши, амал қилишлари тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириш тартиби уларнинг қайси турга мансублигига қараб жорий қилинган:

– Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, расман эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради[1]. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси қабул қилингандан (1994 йил 22 сентябрь) кейин 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган, Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий жазоларнинг

[1] Айни бир пайтда, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қонуннинг кучга кириш муддати ва кучга кириш тартиби фақат қонуннинг ўзидагина эмас, балки махсус актларда ҳам кўрсатилган. Шунга ўхшаш ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларини таҳлил қилганда учраб туради. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси ва бошқа бир неча актлар мана шу тарзда кучга кирган.

либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни (29 август 2001 йил) эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирган[1]. Бироқ, шуни назарда тутиш керакки, одатда, қонуннинг кучга кириш муддати кеч муддатларда кўрсатилади, чунки бу қонунлар мазмуни билан аҳолининг танишуви, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан уларнинг фикрларини аниқлаш муҳим эканлиги назарда тутилади;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда кучга киради;

– вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Агар қонун ҳужжати бир неча манбаларда эълон қилинган бўлса, унинг кучга кириш муддатини ҳисоблаб чиқиш учун дастлабки расмий эълон қилинган муддатдан фойдаланилади.

Шуни назарда тутиш лозимки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириш вақти унинг расмий чоп этилган муддати билан қатъий боғлиқ бўлмаса-да, бундай нашрсиз уларнинг амалдалиги тан олиниши мумкин деган хулоса чиқариш учун асос бўлмайди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нашр этилиши ва уларнинг кучга кириши Ўзбекистон Республикасида амал қилишининг иккита асосий талабидир. Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжат чоп этилмаган бўлса, маълум вақт ичида унинг ҳақиқатан қўлланилган бўлишига қарамай, бу ҳужжат амалда бўлган деб тан олинмайди.

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги 2012 йил 24 декабрдаги Қонуни (янги таҳрири), 35-модда. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда.

Суд ва тергов органлари томонидан расмий нашр тўғрисидаги масалани ҳал қилишда норматив-ҳуқуқий ҳужжат кучга киришидан олдин ёки кейин расмий манбаларда чоп этилганлиги аҳамиятга эга эмас. Айни пайтда, агар ҳақиқатан ҳам ҳужжат кучга киргандан кейин чоп этилган бўлса, дастлабки расмий манбанинг вақти муҳим аҳамиятга эга, шунга ўхшаш бошқа актларнинг ҳам ҳақиқийлиги унинг расмий нашри билан боғлиқ бўлиб, унинг нашр қилинган вақтдан бошлаб амалда эканлигини аниқлаш зарур.

NOTA BENE !

Қонун амал қилишининг тугатилиши қонуннинг ушбу вақтдан бошлаб қўлланилиши мумкин эмаслигини назарда тутади.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат фақат белгиланган ҳоллардагина ўз кучини йўқотиши мумкин:

– норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) мўлжалланган муддат тугаганда ёки ҳодиса бошланганда;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) қонунда белгиланган тартибда конституциявий эмас деб топилганда;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжат (унинг қисми) ўз кучини йўқотган деб топилганда;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунда назарда тутилган ҳолларда бекор қилинганда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш муддати ўтганлиги ёки бирор ҳодиса сабабли унинг таъсирини бекор қилиш – унинг муддати ўтганлиги ёки бирор воқелик муносабати билан шу вақтдан бошлаб ҳақиқий эмаслигини билдиради. Муддатини аниқлаш учун бирор-бир ўзгаришнинг содир бўлиши (масалан, тақвим бўйича ҳаммага маълум бўлган даврий воқеалар) қийинчилик туғдирмайди. Айни бир пайтда, айрим ҳоллардагина қийинчилик юзага келиши мумкин, масалан, ҳарбий ҳолатнинг тугаши,

табиий офатлар содир бўлганда ва ҳоказо. Бундай ҳолатларда суд ва тергов органлари нуфузли давлат органларининг шунга ўхшаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини кўрсатилган муддатдан бошлаб тўхтатиш ҳақидаги махсус кўрсатмаларини талаб қилишлари керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни конституциявий эмас, деб топиш унинг амалда бўлишини тугатишнинг алоҳида асоси бўлиб, махсус тартиб билан тавсифланади ва моҳиятан қоидадан истисно ҳисобланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявий эмаслигини ҳал этиш фақатгина Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан қонунда кўрсатилган шахслар аризасига асосан қўлланилади[1]. Бунда норматив ҳужжатларнинг Конституцияга мослиги ёки номувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси суд қарори шаклида қабул қилинади.

Масалани кўриб чиқиш вақтида қонун чиқарувчи ёки қонун остидаги акт Конституциявий суд қарорининг нашр қилинган вақти кўрсатилган ҳолда конституциявий эмас деб тан олинади, чунки айнан шу вақтдан бошлаб, суд қарори кучга киради ва шунга мувофиқ равишда, қонун чиқарувчи акт (унинг қисмлари) конституциявий ёки ноконституциявий деб тан олинади. Шу билан бирга, норматив ҳужжатларнинг конституциявий эмаслигини тан олиш бошқа усуллар билан унинг таъсирини тўхтатишдан шу билан фарқ қиладики, ҳужжат Конституциявий суд қарори чиқарилган вақтдан эмас, балки давлат рўйхатидан ўтказилиб, қабул қилинган кундан бошлаб конституциявий эмас деб топилади. Бу шуни билдирадики, норматив-ҳуқуқий ҳужжат қарор чиққунча ва қарор чиққандан кейинги ҳолатларда қўллашга лойиқ эмаслигини кўрсатади. Чунки, суд ва тергов органларининг барча дастлабки ечимлари қонунчилик асосида сўзсиз қайта кўриб чиқилиши зарур. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг яроқсизлиги шуни ҳам билдирадики, **ЖК 13-моддаси 2- ва 3-қисмларида** назарда тутилган қонуннинг орқага

[1] Қаранг.: «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 май кунидаги ЗРУ-431-сонли Қонуни, 19-б.

қайтиш кучи ҳақидаги қоида судланаётган, айбланаётган, гумон қилинаётган шахсга қулай вазият яратгандаги ҳолларда ҳам қўлланилмайди.

Шуни назарда тутиш керакки, Конституциявий суд қарори эълон қилинадиган расмий манба белгилаб қўйилмаган, Конституциявий суд қарори у Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги оммавий ахборот воситалари орқали дастлабки эълон қилинган пайтдан эътиборан кучга киради.

NOTA BENE !

Қонун ўз кучини йўқотиши – бу унинг амалда бўлишини тўхтатишнинг икки шарт мавжудлиги билан тавсифланадиган усули: (формал-юридик эмас) илгариги қонун ҳужжатини амалда бекор қилиш ва бир вақтнинг ўзида ўхшаш ижтимоий муносабатларини тартибга соладиган янги актни қабул қилиш.

Илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги норматив кўрсатмаларга зид бўлса ёхуд янги ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмаган ҳолларда[1] (масалан, қонун ҳужжати тартибга солиши лозим бўлган ижтимоий муносабатларнинг йўқолиши) ҳужжат ўз кучини йўқотади.

Қонун ҳужжатини бекор қилиш унинг кучини йўқотишдан шуниси билан фарқ қиладики, кейинги шунга ўхшаш муносабатларни бошқарадиган иккинчи ҳужжатни қабул қилишдан иборат. Бундай ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжат сўзсиз махсус фармойиш билан нуфузли давлат органлари томонидан (юридик расман бекор қилиш деб аталади) норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклида бекор қилинади.

[1] Қаранг.: Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги 342-сонли Қонуни. (янги тахрирдаги)» //" Ўзбекистон Республикасининг Қонун хужжатлари тўплами", 2012 й., 52-сон, 36-б

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бекор қилиниши ёки кучини йўқотиш вақти янги норматив кўрсатмаларнинг ёки ваколатли давлат органларининг махсус фармойиши кучга кирган вақтдан бошлаб тан олинади.

Жиноят содир этилган вақтни аниқлаш қонуннинг вақт бўйича амал қилишининг зарурий белгиси ҳисобланиб, уни аниқлаш қоидалари **ЖК 13-моддаси 1-қисмида** кўрсатилган. Мазкур норма қоидаларига мувофиқ, **жиноят содир этиш вақти** жиноят таркиби турига қараб аниқланади:

– **моддий таркибли жиноятларда** жиноят содир этиш вақти ижтимоий хавфли оқибат юзага келган вақт ҳисобланади (масалан, ўлим келиб чиқиши);

– **формал таркибли жиноятларда** жиноят содир этиш вақти келиб чиқадиган оқибатдан қатъи назар қилмиш содир этилган вақт билан белгиланади (жумладан, қалбаки пул тайёрлаш).

Шу тахлитда, жиноят содир этиш вақти қилмишнинг объектив мезонидан келиб чиқиб, хусусан, жиноий жавобгарликка тортиш асослари, яъни ЖК 16-моддасида таъкидланганидек, жиноят таркиби мавжудлигидан келиб чиқиб аниқланади. Қонуннинг вақт бўйича амал қилишини аниқлаш учун жиноят содир этишнинг бутун жараёни (бошидан охиригача) эмас, балки фақатгина жиноятнинг тугаган вақти, яъни қонун бўйича жиноий деб ҳисобланган барча хатти-ҳаракатлар якунланганлиги аҳамиятга эга.

Жиноят содир этилган вақтни аниқлашда тергов ва суд органлари асосий диққат-эътиборни узоққа чўзилган ва давомли жиноятларни, иккита ҳаракатдан иборат бўлган жиноятларни, такроран содир этилган жиноятларни, шунингдек, иштирокчиликдаги жиноятларни тергов қилишга қаратишлари керак.

Содир этилган жиноятлар вақти, одатда, **ЖК 13-моддаси 1-қисми** асосида аниқланиб, унга мувофиқ, қилмиш жиноят таркибининг барча белгиларига эга бўлган пайт жиноят тамом бўлган вақт деб ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб, жиноятни содир этиш вақти Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги жиноят таркиби тузилишига боғлиқ, жумладан, давомли

жиноятларни квалификация қилиш уни ташкил қилувчи охирги қилмиш содир этилганда амалда бўлган қонунга асосланиши керак.

NOTA BENE !

Давомли жиноятлар – бу ягона қасд билан қамраб олинган ва умумий мақсадга қаратилган бир қанча ўхшаш ҳаракатларни содир этиш билан тавсифланадиган ҳуқуққа хилоф ижтимоий хавфли қилмишлардир.

Бундай қарорнинг тўғрилиги юқори турувчи суд инстанциясининг «... жиноят қонунига ... жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган ўзгартиришлар киритилганда, агар жиноят эпизодларидан ҳеч бўлмаганда биттаси қонун янги таҳрирда амал қила бошлаган даврда содир этилган бўлса, давомли жиноятнинг барча эпизодлари янги қонун бўйича квалификация қилиниши керак»[1] деган фикрида ҳам ўз исботини топади.

NOTA BENE !

Икки ҳаракатли жиноят – ўхшаш жиноятлар таркиби қонунда шундай кўрсатиладики, бунда фақат икки ҳаракатни амалга оширган шахс жиноятчи деб ҳисобланади. ўхшаш қилмиш содир этиш вақти деб эса, охирги ҳаракатлар якунлангандан кейин жиноят таркибини аниқлангандаги вақт тан олинади.

Берилган муайян жиноят таркибини аниқлаш учун муҳим бўлган охирги ҳаракатни содир этиш пайти икки ҳаракатли жиноят содир этиш вақти деб топилиши керак.

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги 13-сон қарори, 4-бандининг 2-қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси, 2008 й., 3-сон. 13-б.

NOTA BENE !

Узоққа чўзилган жиноятлар жиноят-ҳуқуқий таҳдидни ифодалайдиган мажбуриятларни узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизликда намоён бўлади.

Биринчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилган пайт узоққа чўзилган жиноят содир этилган вақт деб топилади.

Айни пайтда, узоққа чўзилган жиноятлар содир этилган вақтини аниқлашда унинг айрим ўзига хос томонларига эътибор берилади: агар унинг ижтимоий хавфлилиги узоқ давом этувчи жиноятларда, масалан, ҳарбий хизмат ёки қисмни ташлаб кетиш (ЖК 287-моддаси) ёки келтирилган зарарнинг умумий миқдори, масалан, солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ҳоллари. Кўпинча, агар келтирилган зарар муддати ёки суммаси кўпайса, жиноят содир этиш вақти янги муддатнинг ўтиши ёки янги қонун эндигина кучга киргандан сўнг ҳали илгариги етказилган катта зарар муддати тугамай туриб яна янгидан катта зарар етказиш билан ўтган вақтдан тан олинади. Агар муддат янги қонун билан қисқартирилса, жиноятни тан олиш учун эски муддатнинг ўтиши ёки илгариги келтирилган зарар миқдори янги муддатни ёки тўлиқ ўташи керак ёхуд етказилган янги зарар миқдори янги қонун кучга киргандан бошлаб ҳисобга олинади.

Такрорийликни ташкил қилувчи охирги ёки оғирлаштирувчи белги ҳисобланган қилмиш содир этилиши **такроран жиноят содир этиш,** шунингдек, **оғирлаштирувчи таркибли жиноятлар** содир бўлган вақт деб топилади.

Агар ижтимоий хавфли қилмиш **иштирокчиликда** содир этилган бўлса, у ҳолда ҳар бир иштирокчининг бу қилмишга қўшилган вақти ҳисобга олинади. Бундай ҳолларда жиноятни содир этиш фақатгина шу гуруҳнинг содир этган жиноятинигина эмас, балки бу гуруҳдаги ҳар бир иштирокчининг амалга оширган хатти-ҳаракатлардаги иштирокларидан

бошлаб ҳисобланади. Шунинг учун, иштирокчиликда содир этилган жиноятлар вақтини аниқлашда бажарувчидан ташқари, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчиларнинг ҳам ҳар бир ҳаракати назардан четда қолмайди.

Шундай қилиб, агар иштирокчиликда янги қонун кучга киргунга қадар жиноят содир этилса, айбдор илгариги жиноят қонунчилиги билан айбланади. Бунда жиноий таркиб ишни ҳақиқатан ҳам бутунлай амалга оширганлиги ёки янги қонун кучга киргандан кейин амалга оширганлиги муҳим аҳамиятга эга. Масалан, айбдор янги қонун кучга киргунга қадар ўғрилик қилиш учун гуруҳ ташкил қилган, ҳақиқий ўғрилик эса қонун кучга киргандан сўнг бажарилган. Бунда, жиноят содир этиш пайтини **ЖК 13-моддаси 1-қисмида** кўрсатилган қоидага мувофиқ аниқланиб, ташкилотчи эски қонун бўйича жавобгар бўлиб, бажарувчилар эса янги қонун бўйича жавобгарликка тортилади.

Бу масаланинг иштирокчиликда содир этилган жиноятнинг барча иштирокчилар учун тамом бўлиш вақти бажарувчи томонидан жиноятни содир этиш вақтининг ҳисобланишига асосланган бошқача ечими одиллик принципига мос келмайди.

Жиноятга тайёргарлик кўриш ёки **суиқасд қилиш** шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган тамом бўлмаган жиноий фаолиятни келтириб чиқаради. Шу сабабли қилмиш жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш деб квалификация қилинади ва жиноий фаолият тўхтатилган вақтда амалда бўлган қонун қўлланилади.

Жиноят кодекси амал қилиш доирасининг кетма-кет ва тизимли тарзда чегараланиши **қонуннинг орқага қайтиш кучи** шартларини аниқлашда ҳам ўз ифодасини топади. Қонуннинг тескари кучи шарти шундан иборатки, бунда вақт бўйича жиноят қонунларини умумий қоидалардан чиқариб ташлаш ва жиноят қонунларини у кучга киргунга қадар барча қилмишларга тенг тақсимлашдан иборат. Қонуннинг орқага қайтиш кучи ҳақидаги талаб умумий ҳолда 1966 йил 16 декабрдаги Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар

тўғрисидаги халқаро пактнинг 15-моддасида шакллантирилган бўлиб, ҳамма тан олган халқаро ҳуқуқ меъёрларидан бири ҳисобланади.

Адолат ва инсонпарварлик принципларига асосланган ватанимиз жиноят қонунчилигининг қонуннинг орқага қайтиш кучи ҳақидаги ҳолатлари **ЖК 13-моддасининг 2- ва 3-қисмларида** мустаҳкамланган бўлиб, уларга мувофиқ қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар татбиқ этилади.

Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас.

Шуни назарда тутиш керакки, қонунга акс таъсир тушунчасини бериш нуқтаи назаридан қараганда, қонун тушунчаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фарқ қилади, яъни қонун тушунчаси **ЖК 13-моддаси 1-қисмида** берилган. Қонуннинг акс таъсир кучи вазиятида қонун ҳуқуқий меъёрлар мустаҳкамланадиган шакл эмас, балки меъёрий-ҳуқуқий актлар мазмунидан иборат. Бошқача қилиб айтганда, бундай ҳолатларда қонунни жиноят-ҳуқуқий нормаларининг ўзи деб эътироф этилади ва бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган ва мустаҳкамланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси 2001 йил 29 августдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунининг 1, 2-бандлари, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 март кунидаги **“Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг**

айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 421-сонли Қонуни ва бошқа қоидалари қонун деб эътироф этилиши лозим, бироқ ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзи ҳуқуқий меъёрлар тизими сифатида қонун томонидан орқага қайтиш кучи нуқтаи назаридан эътироф этилмаслиги керак.

«Қонун» тушунчасига бундай ёндашиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат эканлигидан, айримлари эса, илгариги амал қилган нормаларга қараганда талабчанлигидан келиб чиқади[1]. Шунга мувофиқ, қонуннинг акс таъсир кучи ўз ичига жиддийроқ ҳолатларни олиб, инсонпарварлик ва адолат принципларига қарама-қарши бориб айбдор аҳволининг бутунлай ёмонлашувига сабаб бўлиши мумкин.

Янги қонунни қўллаш судланувчи учун қулай бўлиши лозим. Айнан шунда қонуннинг акс таъсир кучи ўз ифодасини топади. Шуни назарда тутиш керакки, ҳуқуқий нормаларга тескари куч бериш улар Жиноят кодексининг Умумий ва Махсус қисмларига кириш-кирмаслигига боғлиқ эмас.

Кодекснинг Умумий қисми нормаларининг қўлланилиши жиноят қонуни қўлланилишининг умумий қоидаларига бўйсунади. Шу сабабли ҳар бир ҳолатда норма жиноят содир этган шахснинг умумий ҳолатини юмшатишни таъминлашдан келиб чиқади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 21 августдаги Қонуни билан ЖКга киритилган ўзгартишларга мувофиқ, жиноятлар классификацияси ўзгартирилган, жумладан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар доираси кенгайтирилган[2]. Шунга кўра бу норма орқага қайтиш кучига эга, чунки у илгари мавжуд бўлган нормаларга қараганда анча енгил.

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги 254–II-сон Қонуни, 6, 23-бандлари // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9–10-сон, 165-модда.

[2] Ўша жойда.

NOTA BENE !

Қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган **қонун орқага қайтиш кучига** эга.

Қилмишнинг жиноийлигини бекор қилиш деганда, уни декриминализациялаш, яъни жиноий жазоланувчи қилмишларни маъмурий, интизомий ёки бошқа ҳуқуқбузарлик турларига ўтказиш тушунилади. Масалан, декриминализация, Жиноят кодексининг 187-моддасини Жиноят кодексидан чиқариб ташлаш, яъни харидор ёки буюртмачиларни алдаш учун жавобгарликдаги каби.

Илгари амалда бўлган жиноят-ҳуқуқий нормада жиноят таркиби белгиси сифатида назарда тутилмаган янги белгининг назарда тутилиши қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган ҳолат сифатида кўрилади. Бундай янги белгиларнинг қўшилиши, жиноий жавобгарликнинг торайишини англатади, чунки мазкур белгининг бўлмаслиги эски қонун амалда бўлган вақтда содир этилган қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлигини бекор қилади. Бундай декриминализация, кўпинча, айбдор маъмурий жавобгарликка тортилгандан кейин қайтадан жиноий қилмиш содир этиш ҳолларида мавжуд бўлиши мумкин.

Айнан ўхшаш қилмишлари учун айбдорга енгилроқ жазо тайинлаш имконини берадиган нормалар **жазони енгиллаштирувчи қонунларга** киради.

Уларга қуйидаги нормаларни киритиш мумкин:

– илгариги жазо турини енгилроқ жазога алмаштириш;

– санкциядан бир ёки бир неча асосий ёки қўшимча жазоларни чиқариб ташлаш;

– асосий ёки қўшимча жазонинг энг кўп ёки энг кам миқдорини пасайтириш;

– асосий жазони ўзгартирмасдан зарурий қўшимча жазога факультативлик хусусиятини бериш;

– модда санкциясига енгилроқ муқобил жазо киритиш;

– моддий зарар қопланган ҳолларда маҳкумга озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари қўлламаслик, яъни уни жамиятдан ажратмасдан жазо тайинлашни назарда тутади.

Жиноий хатти-ҳаракатларни амалга ошириш фақат жазолашнигина эмас, балки бошқа ҳуқуқий оқибат, асоратларни ҳам ўз ичига олади ва бу билан боғлиқ бўлган Кодекс ёрдамида аниқланадиган орқага қайтиш кучи ҳам шундай қоидаларга эга бўладики, жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқий аҳволини бирор-бир тарзда яхшилаши мумкин бўлади. Жиноят содир этган шахс ҳуқуқий аҳволининг яхшиланиши унинг даражаси (мақоми)га турли томонлардан дахлдордир, хусусан, унинг аҳволи яхшиланишини жиноятлар классификациясининг ўзгариши деб эътироф этиш, жазони ўташнинг аниқ муддатларини камайтириш, шахсга енгилроқ жазо қўллаб, уни муддатидан илгари шартли равишда озод қилишгача етиб боради. Айбдорнинг ҳуқуқий аҳволини яхшилашда меъёр сифатида Жиноят кодексининг 66^1-моддасида кўрсатилган жабрланувчи ва бошқа томонларнинг ярашуви билан жавобгарликдан озод қилиш имкониятини бериш кўзда тутилади.

Шахснинг ҳуқуқий аҳволини яхшилашда норманинг барча вариантларини кўриб чиқишнинг имкони йўқ, чунки бу Кодексда барча умумий қоидаларда баён этилган. Ҳуқуқни қўлловчи органлар ҳар бир аниқ ҳолатларда жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқий аҳволи қонун нормалари туфайли яхшиланяптими ёки йўқми кузатиб боради.

Жиноят қонуни жиноят содир этган шахснинг аҳволини бошқача тарзда ёмонлаштирса ёки жиноий хатти-ҳаракатларини аниқлаб жазони кучайтирса, мазкур қонун орқага қайтиш кучига эга бўлмайди. Шундай қилиб, агар қонун ўз характерига кўра, юқорида кўрсатилган ҳолатларга зид бўлса, уни кучга киргунга қадар амалиётда қўллаш мумкин эмас.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида муайян бир қийинчиликлар содир бўлиши ҳам мумкин, бунда қонун нормаси жазонинг энг кўп миқдорини пасайтирса ва шу билан бирга, унинг энг камини оширса, бунга баъзан янги қонунда жиноятнинг янги махсус таркибининг ишлаб чиқилгани сабаб бўлади. Бундай пайтда юқорида эслатилган жиноий хатти-ҳаракат ҳолати жавобгарликнинг умумий меъёри сифатида қабул қилинади.

Агар янги қонун таъсирида жазонинг энг кўпи пасайса ва айни бир пайтда унинг каминиг кўтарилиш ҳолати содир бўлса, ҳуқуқни қўлловчи органлар ишни ойдинлаштирувчи аниқ белги-хусусиятларни ҳисобга олиб, санкцияга қиёсан олган ҳолда, шундай қонунни танлаб олмоқлари зарурки, унда айбдорга нисбатан имкон қадар енгил жазо белгиланган бўлсин. Хусусан, агар айбдорга қаттиқ жазо тайинланган бўлса, у ҳолда янги қонунни қўллаш зарур. Бироқ, ҳуқуқни қўлловчи органлар муайян ҳолатдан келиб чиқиб жазони енгиллаштириш зарур деган хулосага келса, унда илгариги қонун бўйича иш тутишга тўғри келади.

Бундай вазият шу билан изоҳланадики, бир томондан, суд ҳеч қандай ҳолатда қонунда кўрсатилганидан қаттиқроқ жазо тайин этолмайди, айни бир пайтда қонунда белгиланган энг енгил жазони тайинлаш ёки бошқа енгилроқ жазо билан алмаштириш суд томонидан Жиноят кодексининг 57-моддасига мувофиқ, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади: маънавий зарарнинг йўқ бўлганлиги ёки моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори ва ҳ.к[1].

Агар қабул қилинган қонун жиноятнинг янги, махсус таркибини шакллантирган бўлиб, дастлабки ўхшаш жиноий хатти-ҳаракатлар кўпроқ

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Плунумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори // Тўплам. 2-жилд – 235-236-б.

умумий нормалар таъсири остида қолиб, жиноий жавобгарликни кучайтирса, бу ҳолда санкция билан умумий ва махсус нормаларни ўзаро қиёслаш керак. Агар хатти-ҳаракатларнинг умумий нормадан ажратиб олинган жиноий хатти-ҳаракат учун берилган санкция янги қонун санкциясидан енгилроқ бўлса, бундай қонун орқага қайтиш кучига эга бўлмайди.

ЖК 13-моддаси 2-қисмининг қоидасига мувофиқ, қонуннинг орқага қайтиш кучи жиноят содир этган барча шахсларга нисбатан қўлланади. Бу ўринда уларнинг судланган-судланмагани, уларга белгиланган жазо тайинлангани ёки тайинланмаганининг аҳамияти йўқ. Бироқ, шуни ҳисобга олиш керакки, янги қонунга мувофиқ содир этилган жиноий ҳаракат енгилроқ жазоланиб, аслида айбдорга янги қонун бўйича ўрнатилган жазо доирасидан ташқари чиққан ҳолда иш тутилган бўлса, у ҳолда белгиланган жазонинг юқори чегараси янги қонунда кўзда тутилган максимумга қадар камайтирилган бўлиши зарур[1].

Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, қонуннинг орқага қайтиш кучи фақат жиноий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан қўлланилади. Шунга кўра, жиноят содир этган шахсларга, айтайлик, «қонунлар оралиғи» деб аташ мумкин бўлган ҳаддан ортиқ юмшоқ қонун қўлланилмайди. Айни вақтда шуни таъкидлаш керакки, қонуннинг орқага қайтиш кучи жиноий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан, яъни суд ва тергов ишларига жалб қилинган ёки тайинланган жазони ўтаётган шахсларга нисбатан амал қилади. Шу сабабли жиноят содир қилгандан кейин қабул қилинган, лекин жиноий жавобгарликка тортгунга қадар ўз кучини йўқотган қонун бундай жиноятни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

[1] Қаранг: масалан: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августдаги “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш тартиби тўҳрисидаги 255-II-сон қарори, 4-банд.

5-§. Жиноят қонунини шарҳлаш

Жиноят қонунини амалиётга татбиқ этишда уни махсус шарҳлашга бўлган эҳтиёж пайдо бўлади.

Шарҳлаш жиноят таркибларининг баҳоловчи белгиларини, бир қатор атамаларни, ЖКнинг Умумий ва Махсус қисм нормаларининг маъносини тушуниш учун керак. Шарҳлашга фақатгина истисно ҳолатларида, яъни элементар ҳуқуқий амалиётдагина эҳтиёж йўқ.

NOTA BENE !

Жиноят қонунини шарҳлаш – ЖК моддаларини, моддаларининг қисмларини улардаги атама ва тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини очиш орқали тегишли модда мазмунини тушуниш ёки тушунтиришдан иборат бўлган фикрлаш жараёнидир.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқида жиноятни аналогия асосида аниқлашга ва жазолашга йўл қўйилмайди.

NOTA BENE !

Аналогия деганда, жиноят ҳуқуқида, жиноят қонунида тўғридан-тўғри кўрсатилмаган ҳолатларга, у ёки бу белгиларига кўра ўхшаш қонунни қўллаш тушунилади.

Аналогия бўйича қонунни қўллаш қонунийликни бузиш, жиноят содир қилмаган шахсларни асоссиз репрессия қилишга олиб келган бўларди. Миллий жиноят қонунчилигида аналогияни қўлашдан воз кечиш унинг ривожланишидаги муҳим этаплардан бири бўлиб ҳисобланади.

Фанда турли хил шарҳлаш усуллари ажратилиб кўрсатилади. Мажбурий ёки мажбурий эмаслигига кўра шарҳлаш расмий ва норасмий шарҳга бўлинади.

Расмий шарҳ аутентик, легал ва суд шарҳига бўлинади.

Қонунларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан шарҳлашга **аутентик шарҳлаш** дейилади. Юридик адабиётларда шарҳлашнинг бу тури кўпинча легал шарҳнинг бир тури сифатида кўрилади[1].

Легал шарҳлаш қонун томонидан шундай ваколат берилган орган – Конституциявий суд томонидан амалга оширилади. Конституциянинг 109-моддаси 1-қисмига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ бериш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, Ҳукуматнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мослигини аниқлаш каби ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдим этилган[2].

[1] Қаранг.: Уголовное право. Общая часть: Учебник / А.С. Якубов, Р. Кабулов и др. – С. 120.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартириш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 90-моддасининг иккинчи қисмига тузатиш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32, 78, 93, 98, 103 ва 117 моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 4-бандига, 81-моддасининг еттинчи қисмига, 83-моддасига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13 ва 14- бандларига, 107-моддасининг биринчи қисмига, 110-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига, 111-моддасига ўзгартишлар ва қўшимча киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 5 ва 12-бандларига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13-бандига ҳамда 108, 109-моддаларига ўзгартишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 99 ва 10-моддаларига ўзгартишлар киритилган.) – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 62 б.

Суд шарҳи жиноят ишини кўриб чиқишда турли инстанция судлари томонидан амалга оширилади. Суд шарҳи иккига бўлинади : казуал ва норматив.

Казуал суд шарҳи – муайян жиноят ишини кўриб чиқиш давомида юзага келган ва фақат ўша иш учун мажбурий бўлган шарҳ. Қонуний кучга кирган суд ҳукми ушбу ҳукм билан боғлиқ бўлган барча фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона, муассаса ва ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади. Баъзи ҳолларда шарҳлашнинг бу тури суд прецеденти хусусиятига эга бўлади. Адвокатура, прокуратура ва суд фаолиятини ахборот билан таъминлаш учун алоҳида жиноят ишлари бўйича юқори инстанция судларининг қарорларини ўз ичига олган Олий суд ахборотномаси чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларида ўз ифодасини топган шарҳлаш **норматив шарҳлашдир**. Олий суд Пленуми суд амалиётини ўрганади, суд статистикасини умумлаштиради ва жиноят ишларини кўришда судларга тушунтиришлар беради. Бу тушунтиришлар судлар, мансабдор шахслар ва бошқа органлар учун ишларни кўриб чиқишда ориентир вазифасини бажариши керак. Бу ҳолатда шуни таъкидлаш керакки, Пленум қарорлари Жиноят ҳуқуқининг манбаси бўлиб ҳисобланмайди. Пленум қарорларига Жиноят ҳуқуқининг манбаси сифатида ёндашиш Конституциянинг 112-моддаси 1-қисмида ифодаланган «судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар» деган қоидага ва Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги Жиноят кодексидан иборатдир деб ифодаланган ЖК 1-моддасига зиддир. Бироқ ўз навбатида Олий суд Пленуми томонидан қабул қилинган ҳужжатлар Конституциянинг 110-моддаси 2-қисмига кўра қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир. Олий суд Пленумининг раҳбарий қарорлари тавсия қилувчи характерга эга ва ўрганилган суд амалиётидан келиб чиқиб қонунни тўғри ва аниқ қўллашга имкон беради.

Баъзида, юридик адабиётларда, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки адвокатлар томонидан амалга ошириладиган **профессионал шарҳ** ҳақида айтилиб, у ҳам суд томонидан шарҳлашнинг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Норасмий шарҳ ўз ичига илмий-доктринал ва оддий шарҳни қамраб олади.

Доктринал (илмий) шарҳлаш жиноят ҳуқуқи соҳасидаги ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар томонидан берилади. Мажбурий аҳамиятга эга бўлмаган доктринал шарҳлаш ҳуқуқни қўллаш органлари ходимларига уларнинг профессионал ҳуқуқий онгини шакллантирган ҳолда ЖК нормаларининг моҳиятини тўғри тушунишга ёрдам беради.

Одатдаги шарҳлаш ҳам ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас ва оддий фуқаролар томонидан берилиши мумкин (масалан, журналистлар томонидан оммавий ахборот воситаларида). Унинг аҳамияти шундаки, бу шарҳлаш умумий превенция масалаларини ечишда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишда таъсир кучига эга.

Ўажмига кўра шарҳлашнинг учта турини кўрсатишади: сўзма-сўз, чекланган ва кенгайтирилган шарҳ.

Сўзма-сўз шарҳлашда берилган шарҳ жиноят қонунининг матнига, унда ишлатилган атамаларга ва ифодаларга сўзма-сўз мос бўлиши керак. Норманинг мазмуни унинг қонундаги вербал ифодасига тўлиқ мос бўлиши шарт. Бошқача айтганда, қонуннинг формал томони унинг мазмунини белгилайди.

Чекланган шарҳлашда берилган шарҳ асосий матн ҳажмига нисбатан кичикроқ бўлади. Масалан, ЖК 124-моддасида тамагирлик ёки бошқа паст ниятларда қасддан болани алмаштириб қўйиш учун жавобгарлик назарда тутилган. Кўрсатилган модданинг таҳриридан келиб чиқиб, бола деганда, янги туғилган чақалоқ назарда тутилганми ёки вояга етмаган болами деган саволга жавоб бериш керак бўлади[1]. Бунда 124-модданинг умумий

[1] Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 1-моддасига мувофиқ, ҳар бир инсон ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар бола ҳисобланади, агарда мазкур болага қўлланиладиган қонунга асосан у балоғатга

мазмунидан келиб чиқиб (бунда ота-оналар болани таниб олишлари қийин бўлганлиги учун) бу ҳолатда янги туғилган чақалоқ назарда тутилганлигини таъкидлаш мумкин.

Кенгайтирилган шарҳда шарҳ қонуннинг асосий матнидан катта бўлади. Масалан, ЖК 180-моддаси сохта банкротлик учун жавобгарликни назарда тутган, яъни амалдаги объектив ҳақиқатга зид равишда хўжалик юритувчи субъектнинг ўз кредиторлари олдида иқтисодий жиҳатдан ночорлигини эълон қилиш ва уларга кўп миқдорда зарар етказиш. Бунда кўп миқдордаги зарар тушунчасининг моҳиятини очиб беришга тўғри келади. Бундан келиб чиққан ҳолда 180-модда фақатгина энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан 300 баравари миқдорда зарар етказилганда эмас, балки 300 баравар ва ундан кўп миқдорда зарар етказилганда қўлланилиши мумкинлигини айтишимиз мумкин.

Шарҳлаш усулига кўра мантиқий, грамматик, тарихий ва тизимли шарҳлаш ажратиб кўрсатилади.

Мантиқий шарҳлашда қонун нормаси мантиқ қоидалари асосида шарҳланади.

Шуни айтиш лозимки, баъзи олимлар мантиқий шарҳлашни мустақил шарҳлаш деб ҳисоблашмайди ва барча шарҳлаш турлари мантиқ қоидалари асосида амалга оширилишини таъкидлашади[1].

Грамматик шарҳлаш грамматика, морфология, синтаксис қоидаларига мувофиқ қонуннинг мазмунини аниқлашга ёрдам беради.

Тарихий шарҳлаш ёрдамида ҳозирда амал қилиб турган ЖК нормаларини илгари мавжуд бўлган жиноят-ҳуқуқий нормаларга солиштирган ҳолда уларнинг моҳияти очиб берилади.

Тизимли шарҳлаш турли хил нормаларни ва уларнинг қисмларини ўзаро ва бошқа жиноят-ҳуқуқий нормалар ҳамда институтлар билан

олдинроқ етмаса (Қаранг: Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (БМТ Бош Ассамблеясининг 1989 й. 20 ноябрдаги 44/25-Резолюцияси билан қабул қилинган ҳамда имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш учун очилган, Ўзбекистон Республикаси учун 1994 й. 29 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 й. 9 декабрдаги 757-XII-сон қарорига асосан кучга кирган).

солиштириш ва муайян бир норманинг жиноят қонунчилигида тутган ўрнини аниқлашга имкон беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, қонунни шарҳлаш доимо уни амалга оширишнинг усул ва йўллари мажмуаси билан биргаликда олиб борилади. Масалан, суд томонидан шарҳлаш шарҳлашнинг грамматик, кенгайтирилган ва тизимли турлари билан бирга мослаштирилган ҳолда амалга оширилади.

«Жиноят қонуни»
мавзуси юзасидан якуний саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи манбаси нима? Суд прециденти нима?

2. Халқаро ҳуқуқ нормалари Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи нормаларидан устуворми?

3. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунининг конституциявий асосларини тавсифлаб беринг.

4. Жиноят қонунининг юридик асоси нимада?

5. Жиноят қонунининг тузилиши қандай? ЖК Умумий ва Махсус қисми моддалари турлари ва структурасини тавсифлаб беринг.

6. Санкциянинг қандай турлари ЖКда қўлланилмайди?

7. Жиноят қонуни амал қилишининг ҳудудийлик принципи мазмунини ёритиб беринг. Ўзбекистон ҳудуди деганда нимани тушунасиз?

8. ЖК амал қилишининг экстерриториаллик принципи нимани ташкил қилади?

9. Фуқаровийлик принципи мазмунини ёритиб беринг.

10. Жиноят қонуни амал қилишининг универсал принципини ёритиб беринг.

11. Экстрадиция деганда нима тушунилади?

12. Жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиши деганда нима тушунилади? Моддий таркибли, формал таркибли ва кескин таркибли жиноятларни таърифлаб беринг.

13. Қайси жиноятларга тааллуқли равишда уларни содир этиш вақтини тушуниш билан боғлиқ муаммолар юзага келади?

14. «Жиноят қонунининг орқага қайтиш кучи» тушунчасини ёритиб беринг. Қонуннинг орқага қайтиш кучининг маъноси нимадан иборат?

15. Жиноят қонунини шарҳлаш деганда нимани тушуниш лозим?

16. Жиноят қонунини расмий шарҳлаш қандай турларини ўз ичига қамраб олади? Шарҳлашнинг қандай турлари норасмий ҳисобланади?

17. Жиноят ҳуқуқида аналогия нима?

Қўшимча адабиётлар

Ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар

Абзалова Х.М., Неъматов З.К., Раджабова М.З. Компаративный анализ уголовного законодательства Германии, Франции, Испании, Польши и Латвии. Монография. // Отв.ред.: ю.ф.д., проф. Р.А.Зуфаров –Т. ТГЮУ, 2018 – 191 с.

Беляев В.Г. Применение уголовного закона. Волгоград, 1998. – 124 Б.

Бойцов А.И. Действие уголовного закона во времени и пространстве. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 1995. – 207 Б.

Закон: создание и толкование / Под ред. А.С. Пиголкина. – М.: 1998. – 283 Б.

Керимов Д.А. Законодательная техника: Научно-методическое пособие. – М.: 1998. – 127 Б.

Клеонова Т.В. Основы теории кодификации уголовно-правовых норм. – Самара: 2003. – 244 Б.

Коняхин В.П. Теоретические основы построения Общей части российского уголовного права. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2002. – 348 Б.

Салаев Н.С. Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш. Монография. –Т.: ТДЮУ, 2017. – 310 б.

Сальников В.П., Степашин С.В., Хабибулина Н.И. Государственная идеология и язык закона: Монография. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2001. – 208 Б.

Соцуро Л.В. Неофициальное толкование норм права: Учебное пособие. – М.: 2000. – 112 Б.

Щепельков В.Ф. Уголовный закон: преодоление противоречий и неполноты. – М.: «Юрлитинформ», 2003. – 416 Б.

Якубов А.Е. Обратная сила уголовного закона. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2003. – 206 Б.

Илмий мақолалар

Абдуқодиров Ш.Ё., Мирзаев У.М. Жиноят қонунчилиги соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ва уни ривожлантириш истиқболлари // Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш масалалари: миллий ва хорижий тажриба. Халқаро илмий амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮУ, 2014. – Б. 62-78.

Абдурасулова К.Р. Уголовное законодательство Узбекистана: история создания, действительность, переспективы развития // Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш масалалари: миллий ва хорижий тажриба. Халқаро илмий амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, ТДЮУ, 2014. – Б.14-29.

Абдурасулова Қ.Р. Давлатчиликнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини амалга оширишда декриминализациянинг аҳамияти. // Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари устувор йўналишларидан бири бўлган жиноят-ҳуқуқий соҳаларни такомиллаштиришда ёш олимларнинг тутган ўрни. Респблика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮУ, 2014. – Б.5-13.

Абдурасулова Қ.Р. Жиноий қилмишларни декриминализация қилиш тушунчаси, турлари ва ривожланиш истиқболлари // Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг назарий ва амалий масалалари, мавжуд муаммолар ва

истиқболлар. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Бухоро, 2014. – Б.7-12.

Абдурасулова Қ.Р. Суд-тергов декриминализацияси ва унинг амалий аҳамияти. // Жиноят қонунчилигининг либераллаштириши шароитида айрим жиноятларни декриминализация қилиш масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: ТДЮУ, 2014. – Б.5-12.

Абдурасулова Қ.Р., Салаев Н.С. Жиноят ҳуқуқида декриминализация қилиш масалалари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. – 2013. №4 (16). – Б. 35-40.

Абдурасулова Қ.Р., Эрматов Ғ.О. Декриминализация тушунчаси ва жиноят қонуни айрим нормаларини декриминализация қилиш масалалари // Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш шароитида Жиноят кодексини унификация қилишнинг назарий ва амалий жиҳатлари // Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮУ, 2015. – Б. 5-12.

Жалинский А. Обратная сила уголовного закона: Правовая позиция Конституционного суда РФ // Ж. Уголовное право. 2006. № 4. –13-б.

Зуфаров Р.А. Либерализация уголовного законодательства и проблемы назначения наказания // Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш шароитида Жиноят кодексини унификация қилишнинг назарий ва амалий жиҳатлари // Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮУ, 2015. – Б. 20-23.

Махкамов О.М. Жиноят қонунчилиги таҳлили: амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг истиқболлари // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. Uzbek Law Review. Обзор законодательства Узбекистана.Uzbek Law Review. Обзор законодательства Узбекистана. – 2015. №3. –Б. 26-30.

Махкамов О.М. Мамлакатда жиноий жазоларни либераллаштириш соҳасидаги сиёсати: амалга оширилган ислоҳотлар ва келажакдаги истиқболлар // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. Uzbek Law Review. Обзор законодательства Узбекистана.Uzbek Law Review. Обзор законодательства Узбекистана. – 2016. №1. –Б. 36-40.

Махкамов О.М. Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг янги босқичи // Ҳуқуқ ва бурч. Ижтимоий ҳуқуқий журнал. – №10(130) 2016. – Б. 26-29.

Мирзаев У.М. Жиноят кодексини унификация қилиш: бу борадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида айрим мулоҳазалар. // Жиноят қонунчилигининг либераллаштириши шароитида айрим жиноятларни декриминализация қилиш масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2014 йил 29 март). – Т.: ТДЮУ, 2014. – Б. 63-71.

Нарбутаев Э.Х. О структурных преобразованиях уголовного законодательства Республики Узбекистан // Ж. Ҳуқуқ–Право–Law. 2001. № 4. – 44–48-б.

Салаев Н.С. Актуальные вопросы совершенствование декриминализации в уголовном законодательстве. // Сборник материалов Международной научно-практической конференции Современные тенденции развития науки и производства. – Кемерова, 2014. Том II. – С.173-178.

Салаев Н.С. Декриминализация: жиноят қонуни нормаларининг ислоҳоти йўлида. // Адвокат журнали. –2014. №5. – Б. 6-8.

Салаев Н.С. Жамият ривожининг янгиланиш босқичида криминализация ва декриминализациянинг зарурати ва истиқболлари // Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш шароитида Жиноят кодексини унификация қилишнинг назарий ва амалий жиҳатлари // Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮУ, 2015. – Б. 62-66.

Салаев Н.С. Пенитенциар жиноятчилик: тушунчаси, сабаблари ва уни профилактика қилиш // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. Uzbek Law Review. Обзор законодательства Узбекистана.Uzbek Law Review. Обзор законодательства Узбекистана. – 2016. №1. –Б. 40-43

Салаев Н.С. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмидаги муайян қилмишларни декриминализация қилиш масалалари //

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг назарий ва амалий масалалари, мавжуд муаммолар ва истиқболлар. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Бухоро, 2014. – Б.20-23.

Тургунбоев Э.О. Жиноят қонунчилигини амал қилиш доирасини такомиллаштириш масалалари (ЖК 13-модда мисолида) // Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш масалалари: миллий ва хорижий тажриба. Халқаро илмий амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮУ, 2014. – Б.118-124.

Тургунбоев Э.О. Жиноят қонунчилигини либераллаштиришда жиноят қонунининг орқага қайтиш масалалари // Жиноят ҳуқуқининг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами (2014 йил 22 февраль). – Т.: Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б.23-28.

Тургунбоев Э.О. Жиноят ҳуқуқида миқдор белгилари ўзгарганда жиноят қонунининг орқага қайтиш кучи //Фан ва ёшлар. Наука и молодёжь. – 2013. №1.– Б.122-124.

Халикулов У.Ш. В русле либерализации декриминализации // Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш масалалари: миллий ва хорижий тажриба. Халқаро илмий амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮУ, 2014. – Б. 87-91.

Халикулов У.Ш. Гармонизация и унификация норм уголовного законодательства Республики Узбекистан с учетом процессов глобализации // Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш шароитида Жиноят кодексини унификация қилишнинг назарий ва амалий жиҳатлари // Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮУ, 2015. – Б. 37-44.

Шакуров Р.Р. Соотношение формы и содержания поощрительных норм в уголовном праве // Ж. Проблемы физического и нравственного воспитания здорового поколения студентов. 1995. № 1. – 82–84-б.

Шакуров Р.Р. Юридическая природа уголовно-правового поощрения // Ж. Конституция – ҳуқуқий давлат қуришнинг асоси. 1998. № 1. – 137–139-б.

III БОБ. ЖИНОЯТ ТУШУНЧАСИ

1-§. Жиноят ҳуқуқи назарияси ва қонунида жиноят тушунчасининг белгиланиши

Жиноят – жиноят ҳуқуқи фанининг асосий категорияси. Ушбу тушунчанинг моҳиятини аниқлаш принципиал аҳамиятга эга.

Жиноят ҳуқуқи назарияси ва қонунчилигида келтирилган жиноят тушунчасида иккита методологик ёндашув бўлиб, уларни шартли равишда формал ва моддий ёндашувлар деб аташимиз мумкин.

Формал ёндашув – тарихан биринчи. Бунда жиноий қилмиш жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқланади, лекин бу тақиқнинг сабаблари кўрсатилмайди.

Моддий ёндашув жиноятни шахс, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган ижтимоий хавфли қилмиш сифатида тавсифлайди. Формал ёндашувдан фарқли ўлароқ ушбу ёндашув жиноятни жамиятга зараралиги нуқтаи назаридан баҳолайди ва у ёки бу қилмишни жиноятлар қаторига киритган қонун чиқарувчи органнинг мақсадини аниқлашга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонуни асосли равишда иккала ёндашувни ҳам ўз ичига олади.

NOTA BENE !

Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан **жиноят** деб топилади **(ЖК 14-моддаси).**

ЖК 14-моддаси 1-қисмида белгиланган жиноят тушунчаси қуйидаги ҳолатларни ўзида ифодаловчи моддий-формал белгиларни қамраб олади.

Формал белги, бу маълум бир хатти-ҳаракатларни содир қилиш ёки баъзи бир ҳаракатларни бажариш шарт бўлган ҳолларда уларни содир қилмасликни ман қилишда ифодаланади.

Жиноят қонуни билан тақиқланган ҳаракат ёки бажарилиши шарт бўлган ҳаракатни бажармасликда ифодаланадиган ҳаракатсизлик, яъни ҳуқуққа хилоф қилмиш жиноят деб ҳисобланади. Ушбу шартнинг формаллиги қонунда жиноят-ҳуқуқий тақиқнинг ўрнатилиши ва **nullum crimen nulla poena sine lege**[1] принципини қамраб олади. Шундан келиб чиққан ҳолда бирор-бир хулқ-атворни ҳуқуққа хилоф деб баҳолашда ҳуқуқ ёки қонун аналогиясининг қўлланилишига йўл қўйилмайди. Фақатгина Жиноят кодексида белгиланган ижтимоий қадриятларгина жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти ҳисобланади. Ушбу ижтимоий қадриятларга қаратилган тажовузлар жиноят-ҳуқуқий нормаларга қарши қаратилган бўлади ва қонун томонидан тақиқланади.

Бундан келиб чиққан ҳолда, ЖКда кўрсатилмаган қилмишни содир қилиш жиноят деб топилмайди.

Моддий белги – бу ҳар қандай жиноятнинг туб моҳиятини, ижтимоий хавфлилигини ифодалаб бериш. Шунга кўра **ЖК 14-моддаси 2-қисмидаги** моддий белги жиноят- ҳуқуқий муҳофаза объектларига ҳавола қилинган ҳолда ифодаланган. Моддий белгини, шунингдек, қонун билан қўриқланадиган жиноий тажовуз объектини аниқлаш учун ЖК 2-моддасида мустаҳкамланган қоидадан келиб чиқиш зарур.

2-§. Жиноят белгилари

ЖК 14-моддаси 1-қисми Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноят тушунчасининг умумий тавсифларини ўз ичига олади. Энг аввало, ушбу моддада жиноят тушунчасининг асосий белги ва аломатлари белгиланганки, уларга қараб у

[1] Қонунда кўрсатилмаган бўлса, жиноят ҳам, эазо ҳам йўқ (лот).

ёки бу қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ёки ижтимоий фойдалилигини аниқлаб олиш мумкин.

Ушбу тавсифдан келиб чиққан ҳолда жиноятнинг қуйидаги белгиларини кўрсатиш мумкин:

– ижтимоий хавфлилик;

– ҳуқуққа хилофлик;

– айбнинг мавжудлиги;

– жазога сазоворлик.

Биринчи навбатда шуни айтиш керакки, **ЖК 14-моддаси** жиноятни **қилмиш** сифатида ифодалаган.

Жиноят ташқи томонидан инсон хулқ-атворининг ифодаси бўлмиш маълум бир қилмишни намоён қилади. Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари шахснинг конкрет актив ёки пассив хулқ-атворига нисбатан жиноий жавобгарликни қўллашга йўл қўяди. Муайян ҳаракат ва ҳаракатсизликни қамраб олмаган қилмишни содир қилиш жиноят деб топилмайди.

Қилмиш актив хулқ-атворни ифодалайдиган ҳаракат ва бажарилиши шарт бўлган мажбуриятни бажармасликда ифодаланадиган пассив ҳаракатсизликдан таркиб топган бўлади. ЖК Махсус қисмида назарда тутилган кўпчилик жиноятлар ҳаракат орқали содир қилиниши мумкин.

(«Ҳаракат», «ҳаракатсизлик» тушунчалари тўғрисида мазкур том VI бобининг «Жиноий қилмиш ва унинг турлари» деб номланувчи 2-§ га қаранг.)

Инсоннинг ҳар қандай хатти-ҳаракати, хулқ-атвори жамиятнинг аъзолари манфаатлари нуқтаи назаридан ё ижобий, ё салбий баҳоланиши мумкин.

Ижтимоий хавфлилик жиноятларни жиноий бўлмаган ҳуқуқбузарликлардан ва кам аҳамиятли қилмишлардан фарқлай олиш имконини берувчи жиноятнинг муҳим таркиби ҳисобланади. Қонун

чиқарувчи ҳуқуқбузарликларни жиноий, маъмурий, интизомий ёки фуқаровий-ҳуқуқий даъволи ишларга ажратади.

NOTA BENE !

Ижтимоий хавфлилик умумжамият манфаатлари нуқтаи назаридан шахснинг хулқ-атворини баҳолашга имкон берувчи жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объектларига зарар келтирувчи объектив хусусиятни ифодалайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ижтимоий хавфлилик мезони, бу – нафақат жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиш қобилияти, балки қилмишнинг хусусияти ва унинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамдир. Ижтимоий хавфлилик характери жиноят қонуни тизимида ўз ифодасини топган бўлиб, у асосий қадрият ҳисобланувчи шахснинг ҳаёти ва соғлиқи, ҳуқуқ ва эркинликларини белгилаб берувчи қоидалардан келиб чиқади.

NOTA BENE !

Ижтимоий хавфлилик хусусияти – алоҳида олинган жиноятнинг ижтимоий ҳолати бўлиб, муайян ижтимоий муносабатларни қамраб олади ва ушбу ижтимоий муносабатларга қарши қаратилган тажовузлар, зарарнинг таркиби, жойи, қадриятлар тизимида тутган ўрни, айб шакллари билан боғлиқ бўлади.

Ижтимоий хавфлилик даражаси жиноятнинг миқдор кўрсаткичини акс эттириб, зарарнинг ҳажми, қасд ва эҳтиётсизлик шакллари, жиноятнинг мотиви ва мақсади, шунингдек, жиноят содир этилган жой, вақт, вазият, усул ва бошқа ҳолатлар билан белгиланади.

NOTA BENE !

Ижтимоий хавфлилик даражаси – бу ижтимоий хавфлилик даражаси бир хил бўлган жиноятларнинг қиёсий хавфлилик даражаси ифодасидир.

Суд-тергов ходимлари жиноятни аниқлашда ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасидан келиб чиққан ҳолда айбдорнинг шахси ва иш ҳолатларини, жавобгарликни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш ҳақидаги индивидуал ёндашувни ўз ичига олган қонун талабларига сўзсиз риоя қилишлари керак. Олий суд Пленуми кўрсатмаларига мувофиқ, «жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиқи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланади.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари, жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланади»[1].

ЖК 14-моддаси 2-қисми ижтимоий муносабатларни бузиш, улардаги салбий ўзгаришларни келтириб чиқариш, умуман, ижтимоий муносабатларга зарар етказиш қобилиятига эга бўлган қилмишда намоён бўладиган ижтимоий хавфлиликнинг юридик тузилишини ифодалайди.

Инсонлар томонидан содир қилинадиган турли-туман қилмишларнинг хавфлилик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда қонун чиқарувчи улар орасидан бошқаларига нисбатан ижтимоий хавфлироқ бўлганларини жиноят қонуни нормаларида ифодалаб, уларни жиноят деб эълон қилади.

ЖК 14-моддаси 2-қисмига кўра, кам аҳамиятли қилмишлар жиноят деб топилмайди. Қилмишнинг кам аҳамиятлилиги (ЖК 36-моддаси) Жиноят

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Плунумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори // Тўплам. 2-жилд – 226-б

кодексида назарда тутилган қилмишнинг белгилари расмий мавжуд бўлса-да, аслида ҳеч қандай ижтимоий хавфли хусусиятни акс эттирмайди.

Қилмишни кам аҳамиятли деб топиш ва уни жиноятни истисно қилувчи ҳолат деб топиш масаласи иш ҳолатларига боғлиқдир. Суд-тергов амалиётида қилмишнинг кам аҳамиятлилиги масаласи кўрилаётганда зарарли оқибат ҳақиқатан келиб чиққанлиги, қилмишни содир этиш усули, айб шакли, мотив ва мақсадига эътибор қаратиш лозим. Агар содир этилган қилмиш кам аҳамиятлилик белгисига эга бўлса, жиноят иши қўзғатилиши мумкин эмас, қўзғатилган жиноят иши эса жиноят таркиби мавжуд эмаслиги туфайли тугатилиши керак.

Агар конкрет қилмиш жиноят деб топиладиган бўлса, унинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси иш ҳолатларини (айб шакли, жиноят содир қилиш усули, мотив, жиноят содир этиш вақти ва ҳолати, келиб чиққан оқибатнинг оғирлиги, иштирокчиларнинг жиноятни содир қилишдаги қатнашганлик даражаси, хусусияти ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда аниқланиши лозим.

Ижтимоий хавфли бўлган қилмишни содир қилиш ўз-ўзидан давлат томонидан жиноят-ҳуқуқий таъқиб ва жиноят-ҳуқуқий муҳофазани вужудга келтирмайди, жавобгарликнинг мажбурийлиги жиноий жавобгарликнинг асоси ҳисобланмайди. Жиноят ва жазо масалалари ҳуқуққа хилоф, жиноят қонунида белгиланган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи, жиноят ҳуқуқи нормаларидаги аниқ бир жиноят аломатларига эга бўлган қилмиш содир этилгандагина юзага келади.

Жиноий жавобгарлик жиноят-ҳуқуқий нормаларга қарши қаратилган, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган тақиқларни бузадиган ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун қўлланилади.

NOTA BENE !

Ҳуқуққа хилофлик деганда, қилмишни Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари орқали тақиқлаш тушунилади, яъни шахс жиноят қонуни

тақиқлаган ҳаракатни содир қилади ёки қонунда бажарилиши шарт деб кўрсатилган ҳаракатни бажармайди (ҳаракатсизлик).

Ҳуқуққа хилофлик белгисини фақат жиноят қонуни Махсус қисми нормалари диспозициялари билан чегаралаб қўйиш нотўғри бўлади. Махсус қисм нормаларини Умумий қисм нормалари билан бирга қўллаш керак, чунки Махсус қисмда кўрсатилган қилмишни тўғри квалификация қилиш ва жиноий жавобгарликни қўллаш масалалари уларнинг биргаликдаги кучда бўлиши билан аниқланади. Фақат шундагина бош ва асосий масала – ўз ичига ижтимоий хавфлилик даражаси ва табиатини олган ҳамда жиноят-ҳуқуқий тақиқ ўрнатувчи жиноят ҳуқуқи нормаларида ифодаланувчи жиноятнинг моддий моҳиятини тўғри аниқлаш мумкин.

Жиноий ҳуқуққа хилофлик ва жиноят-ҳуқуқий тақиқ тушунчалари айнан бир хил бўлиб, Махсус қисмнинг аксарият нормалари тузилиши жиҳатдан тақиқловчи нормалардир. Маълум ҳолатларда қилмишларга ёки усул, йўсин ва ҳоказоларга тақиқ қўйилган (масалан, ЖК 148–149-моддалари). ЖК Махсус қисмидаги нормалар мажбурият юкловчи хусусиятга эга. Баъзи бир ҳолларда Махсус қисм нормалари муайян бир қилмиш содир этишни мажбур қилиб қўяди.

Шу билан бирга, тақиқлар бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган бўлиши ҳам мумкин. Махсус қисмда ўша норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаби бузилганлиги учун жазо чораси – санкция белгиланади. Буни ЖК **бланкет нормалари** дейилади.

Ҳуқуққа хилофлик жиноий қилмиш орқали ҳуқуқ нормаларининг бузилишини ифодалайди. Ҳуқуққа хилофлик, умумий маънода, ҳуқуқ нормаларига қарши боришдир.

Ҳуқуққа хилофлик мавҳум тушунча, зеро, унинг таркиби ҳуқуқнинг турли соҳаларидаги, жумладан, жиноий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқ соҳаларидаги нормаларнинг аниқ хусусиятларига боғлиқ эмас.

Жиноят ҳуқуқида ҳуқуққа хилофлик тушунчаси жиноятни бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқлаш учун жиноят ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳалари билан боғлиқликда бўлишини ифодалайди. Шундан, ҳуқуққа хилофлик жиноятнинг жазога сазоворлиги билан, жиноятнинг ўзи эса, жиноятни содир қилган шахс айби билан узвий боғлиқ. Бу белгилар жиноий ҳуқуққа хилофлик ва жиноят тушунчаларини умумий тарзда ифодалайди.

Ҳуқуққа хилофлик объектив ва нисбатан мустақил табиатга эга. Қилмишнинг даражаси ва зарарини тавсифловчи моддий белги ҳисобланган ижтимоий хавфлиликдан фарқли равишда ҳуқуққа хилофликни жиноий жавобгарликнинг формаллигини ифодаловчи жиноят қонунининг бузилиши сифатида баҳолаш керак.

Ижтимоий хавфлилик ва ҳуқуққа хилофлик белгилари биргаликда қилмишнинг жиноийлигини ва у учун жавобгарлик асосини белгиловчи омил ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий хавфли бўлатуриб жиноят қонунини бузмаган ёки жиноят қонуни нормаларини бузгани ҳолда ижтимоий хавфлилик аломатлари мавжуд бўлмаган қилмишга нисбатан жиноий жавобгарликни қўллаб бўлмайди.

Жиноят тушунчасини изоҳлашда ижтимоий хавфлилик ва ҳуқуққа хилофлик жиноятнинг асосий ва бир-бирига алоқадор белгилари эканлигини кўриш мумкин. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик белгисининг мавжуд эмаслиги, ўз навбатида, ҳуқуққа хилофликнинг мавжуд эмаслигини билдиради, яъни фақат жиноят қонуни билан ижтимоий хавфли деб топилган қилмишларгина ҳуқуққа хилоф ҳисобланади. Қилмишнинг жиноят ҳуқуқига хилоф деб топиш асослари бўлиб, бундай қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, у ёки бу қилмишга айнан жиноят-ҳуқуқий воситалар билан таъсир этишнинг умумийлиги ҳисобланади. Жиноий ҳуқуққа хилофлик қилмишга ижтимоий хавфлилик даражасини бериб, айнан шу даража орқали қилмиш жиноят тавсифини олади. Жиноятнинг моддий белгиси ижтимоий

хавфлилик бўлса, жиноятнинг формал белгиси ҳуқуққа хилофлик ҳисобланади.

Айб – қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган у ёки бу ҳуқуққа хилоф қилмишни ижтимоий хавфли деб белгиловчи белги.

NOTA BENE !

Айб жиноятнинг белгиси сифатида шуни англатадики, биринчидан, шахс ўзи содир қилган ижтимоий хавфли қилмиши ва унинг натижасида келиб чиққан ижтимоий хавфли оқибат учун айби мавжуд бўлган тақдирдагина жиноий жавобгарликка тортилади, иккинчидан, айбсиз ҳолда зарар етказганлик учун шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Ижтимоий хавфли қилмишнинг ҳуқуққа хилофлиги уни содир қилган шахснинг ана шу қилмишга нисбатан руҳий муносабати мавжуд бўлишини талаб қилади, яъни жиноятни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир қилиш. Айблилик белгисининг мавжуд эмаслиги жиноят ижтимоий хавфлилигининг формал белгилари мавжуд бўлганда ҳам қилмишда жиноят таркиби мавжуд эмас деб баҳоланиши мумкин. Бунинг сабаби жиноий жавобгарликка тортиш асоси ҳисобланган жиноят таркибининг муҳим элементи – субъектив томоннинг мавжуд эмаслигида ифодаланади.

(«Айб» тушунчаси ҳақида мазкур том VII бобининг «Айб тушунчаси ва шакллари» деб номланувчи 3-§ да батафсил тушунтирилган.)

Жавобгарлик муқаррар бўлган ҳолатларда айблилик ЖК моддаларида жавобгарлик асоси сифатида келтирилган. Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари айбсиз жавобгарликка йўл қўймайди (ЖК 9-моддаси).

Ҳар қандай ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф қилмиш жиноий **жазога сазоворликни** назарда тутади. Жазога сазоворлик содир этилган қилмиш учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини ифодалайди. Шу билан боғлиқ равишда жазога сазоворликни қилмишни жиноят сифатида

тавсифлайдиган белгилар қаторига киритиш фақатгина жиноят ҳуқуқи табиати ва характери туфайли эмас, балки қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилганлиги учунгина амалга оширилган. **ЖК 14-моддаси 1-қисмида** назарда тутилган «жазо қўллаш таҳдиди билан» жумласи жазога сазоворликни жиноятнинг асосий белгиларидан эканлигидан далолат беради.

Айтилганлардан шундай хулосага келиш керакки, қилмишнинг ҳуқуққа хилофлиги жазога сазоворлик билан бевосита боғлиқ. Жиноят-ҳуқуқий тақиқни ўрнатувчи ҳуқуқ нормаси қонун билан ўрнатилган қоидаларга риоя қилишни, бу қоидалар бузилган тақдирда айбдорни жазолашни таъминловчи жиноий санкциялар мавжуд бўлишини назарда тутади. Ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг тақиқланганлиги жиноий-ҳуқуқий норма билан боғлиқ бўлмаса, жиноят ҳам, жазо ҳам мавжуд бўлмайди[1].

NOTA BENE !

Жазога сазоворликни жиноятнинг мустақил белгиси сифатида қуйидаги иккита жиҳат билан характерлашимиз мумкин: 1) ижтимоий хавфли қилмиш жазо қўллаш таҳдиди билан қонун чиқарувчи томонидан тақиқланади; 2) ушбу тақиқни бузган шахс қоидага кўра жазога тортилади.

Шуни таъкидлашимиз лозимки, жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳар доим ҳам жазо қўллаш шартлигини назарда тутмайди. Жиноятни аниқлаш «жазо қўллаш таҳдиди» билан бевосита боғлиқдир. Жиноий жазо бу жиноят содир қилишнинг оқибатидир. ўз навбатида, бу оқибат баъзи бир ҳолатларда қўлланилмаслиги ҳам мумкин. Шу йўл билан қонун чиқарувчи жазо қўлланилишини огоҳлантириш орқали жавобгарликнинг муқаррарлиги

[1] Таъкидлаб ўтиш керакки, айрим муаллифлар жазога сазоворликни жиноятнинг мустақил белгиси сифатида ажратишмасдан, уни (аниқроқ айтганда, “жазо қўллаш тахдиди” каби тушунчани) жиноят қонуни билан таъқиқланганлиги билан бир қаторда ҳуқуққа ҳилофликнинг ифодаси сифатида эътироф ъэтадилар. (Қаранг: Курс уголовного права. Общая часть. Том 1: Учение о приступлении. Учубник для вузов. Под. Ред. д.ю.н., проф. Н.Ф.Кузнецовой и к.ю.н., доц. И.М.Тяжковой. – 138-б), Ушбу позиция муайян шубхаларни туғдиради. Чунки жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ақли норасо шахсларнинг ижтимоий ҳавфли қилмишларини назарда тутади, уларга нисбатан эса жиноий жазо ўрнига тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилади.

принципининг бузилмаслигини таъминлайди. Масалан, айбдорнинг қилмишида уни жиноий жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган барча аломатлар мавжуд бўлиши мумкин, лекин шунга қарамасдан амнистия акти туфайли у жиноий жазодан озод қилиниши мумкин (лекин жиноий жавобгарликдан эмас). Шунинг учун жиноий жазо ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари ҳар доим ҳам жиноий-ҳуқуқий мажбурловнинг айнан битта механизми бўла олмайди.

3-§. Жиноятларни таснифлаш

ЖК 15-моддаси ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига асосланган моддий белгига кўра жиноятларни турларга ажратади.

Жиноятларни таснифлаш айбдор томонидан содир қилинган қилмишни Махсус қисм моддаларидаги юридик ва фактик аломатлар билан солиштирган ҳолда, ижтимоий хавфлилик нуқтаи назаридан жиноятларни характерлаш имкониятини беради.

ЖК 15-моддаси кўрсатилган жиноятларни аниқ таснифлашга, яъни ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига кўра уларни тўрт турга ажратишга ёрдам беради.

Яна бир бор шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, **жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти** унинг сифат белгисини ифодалайди. Уни аниқлашнинг асоси сифатида тажовуз объектининг аҳамияти, ижтимоий хавфли қилмишни содир қилиш натижасида юзага келадиган оқибатлар (моддий, жисмоний, маънавий ва бошқалар) хизмат қилади.

Масалан, бир турдаги жиноят объектига тажовуз қилувчи жиноий қилмишнинг хусусияти ҳам бир хилдир (масалан, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига ёки давлат хавфсизлиги ва конституциявий тузумга қарши жиноятлар).

Ижтимоий хавфлилик даражаси — бир хусусиятдаги жиноятлар ижтимоий хавфлилигининг миқдор кўрсаткичидир. Уни аниқлашда

етказилган зарар миқдори, жиноят содир этиш усули, айб шакли, мотив ва мақсад ҳамда бошқа ҳолатлар ҳисобга олиниши мумкин.

Ушбу икки аспектнинг битта жиноят-ҳуқуқий мезонга бирлашиши ЖК Махсус қисмида назарда тутилган жиноятларни таснифлашга ёрдам беради. Булар: ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлар **(ЖК 15-моддаси 1-қисми).**

Ижтимоий хавфлиликнинг даражаси ва хусусияти фақатгина жиноятларни таснифлаш асоси бўлибгина қолмасдан, балки улар қилмишни жиноят сифатида баҳоловчи белги ҳам ҳисобланади, шунингдек, улар судлар томонидан жазо тайинлаш вақтида ҳисобга олиниши керак.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатига асосланган ижтимоий хавфлилик даражаси, шунингдек, айб шаклига қараб барча жиноятлар тўртта турга бўлинади. Бошқача сўз билан айтганда, жиноятларни таснифлашга содир қилинган жиноятнинг тури ва миқдори, унинг ҳуқуққа хилофлиги асос қилиб олинган.

Дастлабки икки категорияга қасддан ва эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларни киритиш мумкин. Оғир ва ўта оғир жиноятлар эса, фақат қасддан содир этилади.

ЖК 15-моддаси 2-қисмига мувофиқ, **ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга** қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Жиноятларнинг бошқа турларига қараганда ушбу туркум жиноятлар қолган уч туркум жиноятларига нисбатан камроқ аҳамият касб этади. Шуниси характерлики, жамият учун унчалик катта хавф туғдирмайдиган қилмишларга маъмурий преюдиция мавжуд бўлган ҳолларда жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар киради, маъмурий жавобгарликка тортилган шахс бир йил давомида яна

шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликни содир этса, жиноий жавобгарликка тортилади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим жиноятлар назарда тутилган моддалар санкция қисмида озодликдан маҳрум қилиш жазоси бўлмаслиги мумкин (масалан, ЖК 140- ёки 192-моддалари). Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар акс этган моддаларнинг аксарида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаган (фақатгина айрим ихтисослашган ёки ўта ихтисослашган жиноятларда бу жазо қўлланилади). Бу турдаги жиноятларга қуйидаги қасддан содир қилинадиган ЖК 139-, 140-, 145-, 149-моддалари ва бошқалар, шунингдек, 280-моддаси 1-қисмида назарда тутилган эҳтиётсизликдан содир қилинадиган жиноятлар киради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради **(ЖК 155-моддаси 3-қисми).**

Жиноят қонунида белгиланган қоидага кўра, унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига санкция қисмида қасддан содир этиладиган, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар тааллуқлидир. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, назарда тутилган жазо, ўз навбатида, бошқа енгил турдаги жазолар билан муқобил равишда мос келиши керак.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради (ЖК 155-моддаси 4-қисми).

Ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси энг юқори жиноятлар – ўта оғир жиноятлардир.

ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради **(ЖК 155-моддаси 5-қисми).**

Бу туркумдаги жиноятларга қонун чиқарувчи, энг аввало, шахс ҳаёти ва соғлиқига қарши қаратилган қасддан содир қилинадиган жиноятлар, шунингдек, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятларни киритган.

Жиноятни тегишли туркумга киритиш ЖКда белгиланган ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Рецидив жиноятни хавфли ёки ўта хавфли деб топиш масаласи шахснинг илгари содир қилган унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жинояти учун неча маротаба судланганлигига қараб, ҳал қилинади (ЖК 34-моддаси); умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат ўта оғир жиноятлар учун тайинланиши мумкин (ЖК 51-моддаси); шахс жазони ўтайдиган колониянинг тури содир этилган жиноят қайси туркумга кириши билан боғлиқ ҳолатда белгиланади.

Жиноятларни таснифлашда жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш (ЖК 33-моддаси), жиноий жавобгарликдан озод қилиш (ЖК бешинчи бўлими), шу жумладан жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги (ЖК 64-моддаси), судланганлик ҳолатининг тугалланиши (ЖК 78-моддаси) муносабати билан, шунингдек, вояга етмаган шахсларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш (ЖК 88-моддаси) ва бошқа ҳолатлар бевосита боғлиқдир.

«Жиноят тушунчаси» мавзуси юзасидан якуний саволлар

1. Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноят деганда нима тушунилади?

2. Жиноят тушунчасида формал (норматив) ва моддий ёндашувнинг мазмуни нимадан иборат?

3. Жиноятнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тушунчаси қайси белгилар билан таърифланади? Ушбу белгиларнинг ҳар бирини ёритиб беринг.

4. Жиноий қилмиш ижтимоий хавфлилигининг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

5. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги ва ҳуқуққа хилофлиги каби белгиларининг ўзаро нисбати қандай?

6. «Жиноий жазо» ва «жавобгарликнинг муқаррарлиги» каби тушунчаларнинг ўзаро нисбати қандай?

7. Жиноятларни таснифлаш асосига қандай мезонлар қўйилган?

8. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қандай жиноятлар киради?

9. Унча оғир бўлмаган жиноятлар нима билан таърифланади?

10. Оғир ва ўта оғир жиноятларга қандай жиноятлар киради?

Қўшимча адабиётлар

Ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар

Ковалев М.И. Понятие и признаки преступления и их значение для правильной квалификации. – Свердловск: 1974. – 228 Б.

Козлов А.П. Понятие преступления. – М.: 2004. – 436 Б.

Преступление: вопросы и ответы (по Уголовному кодексу Российской Федерации): Научно-практическое пособие / Отв. ред. Н.Ф. Мурашов. 2-изд., испр. и доп. – М.: Изд-ль Шумилова И.И., 2001. – 150–151-б.

Илмий мақолалар

Веселов Е. Граница преступного и непреступного // Ж. Уголовное право. 2004. № 3. – 12–14-б.

Гребенкин Ф. Общественная опасность преступления и ее характеристика // Ж. Уголовное право. 2006. № 1. – 22-б.

Ерасов А. Темпоральное действие промежуточного уголовного закона // Ж. Уголовное право. 2005. № 5. – 20–24-б.

Камалова Д.Г. Жиноят содир этиш босқичлари: уларга оид қоидаларни моддий ва формал таркибли жиноятларга татбиқ этиш // Ҳуқуқ ва бурч. Ижтимоий-ҳуқуқий журнал. –2016. №4(124). – Б. 46-49.

Марцев А., Михаль О. Уголовно-правовая классификация преступлений // Ж. Уголовное право. 2005. № 5. – 49–54-б.

Марцев А.И. Общественная вредность и общественная опасность преступления // Ж. Правоведение. 2001. № 4. – 150–151-б.

Михаль О. О классификационных принципах при классификации преступлений // Ж. Уголовное право. 2006. № 1. – 50-б.

Турғунбоев Э.О. Вояга емаганларга нисбатан мажбурлов чорасини қўллаш билан боғлиқ жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш (ЖКнинг 15-моддаси билан унификация қилиш) // Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2015 йил 22 март). –Т.: Ўзбекистон Респбликаси Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б.152-156.

IV БОБ. ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИНГ АСОСЛАРИ

1-§. Жиноий жавобгарлик тушунчаси

ЖК 16-моддаси жиноий жавобгарликни юридик жавобгарликнинг бир кўриниши сифатида атрофлича ёритиб беради. Ушбу моддага кўра, «Жиноят учун жавобгарлик – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

Ушбу кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади».

ЖК 16-моддаси 1-қисмида бир қатор аломатларга эга бўлган **жиноий жавобгарлик тушунчаси** ўз ифодасини топган.

Биринчидан, жиноий жавобгарлик ўзининг юридик маъносига кўра жиноят содир этишнинг оқибати ҳисобланади. Иккинчидан, у ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишидан кейин вужудга келади. Учинчидан, жиноий жавобгарлик суд ҳукми билан жазо ва бошқа таъсир чораларини қўллашда ифодаланадиган давлат мажбурлов чорасидир. Тўртинчидан, у жиноят-ҳуқуқий муносабатлар доирасида вужудга келади, амалга оширилади ва тўхтатилади.

Қонун субъектларга ижтимоий хавфли қилмиш содир этмаслик мажбуриятини юклайди, яъни муайян ҳаракатларни содир қилмаслик ёки бажарилиши шарт бўлган ҳаракатларни амалга ошириш. Бу мажбурият барча учун мажбурий ва муайян бир шахс учун алоҳида ҳисобланади. Ушбу мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш давлат органларининг ҳуқуқи ҳисобланади. Юридик нормалар бузилганда давлат айбдор шахсларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллайди.

Шу билан бирга, ўз-ўзидан қонунда бирор-бир норманинг ёзма ифодаланганлиги жиноий жавобгарликка тортиш кераклигини англатмайди. Бошқача сўзлар билан айтганда, жиноий жавобгарлик фақатгина ҳақиқатдан содир этилган айбли қилмиш учун қўлланилиши лозим. Қонун нормалари жамият ҳаётининг реал соҳаларини қамраб олиши учун жисмоний шахслар жиноят-ҳуқуқий тақиқларга риоя қилишлари керак. Бу талаблар шахс, жамият ва давлат манфаатларидан келиб чиқади, жавобгарликнинг ҳажми ва чегарасини аниқлайди. Бу талабларсиз субъектлар ўз хулқ-атворини ҳеч нарса билан солиштира олмайди.

Жиноий жавобгарлик жиноят-ҳуқуқий нормалар воситасида ижтимоий жиҳатдан зарур бўлган муносабатларнинг фаолиятини таъминлайди.

Ушбу жавобгарлик ЖК 2-моддасида кўрсатилган қадриятларни жиноят-ҳуқуқий нормалар билан муҳофаза қилишнинг асоси ҳисобланади.

Жиноий жавобгарлик кенг маънода жиноят-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ифодаланган қонун нормаларини ижро этиш процесси, у ёки бу низонинг адолатли ҳал қилиниши натижаси бўлган жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг бажарилиши, айбдор шахсларга нисбатан жазо тайинлайдиган махсус орган – суднинг шахслар томонидан содир қилинадиган ижтимоий хавфли қилмишларга нисбатан салбий муносабатини ифодалайди.

ЖК 16-моддасидаги жиноий жавобгарликнинг конструкциясини кўриб чиқа туриб, уни аниқлашнинг энг муҳим жиҳати бу ҳуқуқий оқибатдир, деб айтиш мумкин. Ана шу оқибатгина жиноий жавобгарликнинг моҳияти ва характерини ифодалайди. Жиноят-ҳуқуқий муносабатларнинг муҳим белгиси ҳисобланган жиноий жавобгарлик жиноят-ҳуқуқий тақиқлар ва нормаларнинг бузилиши оқибатидир.

NOTA BENE !

Жиноий жавобгарлик – бу жиноят содир этган шахснинг белгиланган тартибга кўра, ҳуқуқлари чекланиши, давлат номидан судланган бўлиши ва

жазо ҳамда бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини ўташга бўлган мажбуриятидир. Жавобгарликнинг асоси ЖК Махсус қисми моддаларида назарда тутилган жиноят таркиби аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш ҳисобланади.

Жиноий жавобгарлик натижасида келиб чиқадиган **ҳуқуқий оқибатларнинг** элементлари қуйидагилардан иборат:

1) ижтимоий хавфли қилмишни содир этганликда судланганликнинг вужудга келиши;

2) айбдор шахсга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси қўлланилиши;

3) содир этилган ижтимоий хавфли қилмишни суд ҳукми билан баҳолаш натижасида маълум бир ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши. Бошқача сўзлар билан айтганда, фақатгина суд айрим бир шахсни жиноий жавобгарликка тортиши мумкин, жавобгарликнинг бошқа турлари эса (маъмурий, интизомий) давлат ҳокимиятининг носудлов органлари томонидан қўлланилиши ва ушбу органларнинг фаолияти натижаси бўлиши мумкин.

Жиноий жавобгарлик айбдор шахсга суд томонидан белгиланган маълум жазо чоралари билан чегараланмайди. Жиноий жавобгарлик шахс судланишида, яъни ижтимоий хавфли қилмиш содир этишда айбдор деб топиш, унга жазо чораси белгилаш ва шу жазо чорасини ижро этиш жараёнларининг бирлигида ифодаланади.

NOTA BENE !

Ҳукм қилиш жиноий жавобгарликни амалга ошириш шакли бўлиб, қилмишга ва шахсга бўлган муносабат ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга суд томонидан тегишли ҳукм чиқариш орқали тегишли миқдорда ва шаклда жазо тайинлашда ифодаланади.

Модда санкцияларидаги жазоларнинг муқобиллиги ва оғирлик даражасини ҳисобга олиб, ҳукмда ифодаланган қилмишга нисбатан баҳо

беришда жазо тури ва миқдори катта роль ўйнайди. Суд томонидан тайинланган жазо тури ва миқдорига қараб, шахснинг айблилик даражаси тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

Ҳукм қилиш шахсни суд томонидан жиноят содир этишда айбдор деб топиб, ҳукмда жазо чоралари билан боғлиқ бўлмаган тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллашни ҳам назарда тутади (ЖК 91-моддаси).

Жиноий жавобгарлик – ҳукм қилиш – ҳукмда назарда тутилган жазо чораларини ўташда ифодаланади.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этганлик учун ҳукм қилиш ва жиноий жавобгарликка тортишнинг оқибати бўлиб жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ҳисобланади.

Жазо – жавобгарликнинг муҳим хусусиятидир.

NOTA BENE !

Жазо – жиноятчига нисбатан суд томонидан қўлланиладиган, жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатини ифодалайдиган, жиноий жавобгарликнинг амалга оширилиш шакли бўлган мақсадли давлат мажбурлов чораси.

Жиноий жавобгарликнинг реал ифодаси, асосан, жазода ўз аксини топади. Бироқ жиноий жавобгарлик ва жазони айнан бир тушунча дея олмаймиз. Жиноий жавобгарлик ва жазо бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Бу фикрлар айрим хулосалар чиқаришимизга имкон беради.

Биринчидан, жиноий жавобгарлик давлат мажбурлов чорасининг бир тури ва моҳиятан жиноят-ҳуқуқий муносабат билан бир бўлганлиги учун жиноий жазо тушунчасига нисбатан кенг. Иккинчидан, жиноий жазо, жиноий-ҳуқуқий мажбурлов чораси сифатида жиноий жавобгарликнинг барча босқичларида намоён бўлади.

Биринчи босқичда (жиноят содир этилган пайтдан то айбланувчи сифатида ишга жалб қилингунга қадар бўлган оралиқ давр) жиноятчига

ижтимоий хавфли қилмиш содир қилингани учун жазо хавфи юзага келади. Иккинчи босқичда (шахсни айбланувчи сифатида ишга жалб қилинганидан то ишни судга топширилгунига қадар) жиноятчини жазога тортишга ҳозирланади. Учинчи босқичда (суд процессидан то ҳукм ижрога топширилгунига қадар) маҳкум суд томонидан белгиланган муайян тур ва миқдордаги жазо билан жазоланади. Тўртинчи босқич (суд айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан то жазо муддати тугагунигача ёки муддатидан аввал жазодан озод қилингунга қадар) жиноятчи томонидан жазо ўташ жараёни бўлади. Ниҳоят, жиноий жавобгарликнинг бешинчи босқичида (жазони ўтаб бўлган ёки жазодан муддатидан аввал озод қилинганидан то судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки олиб ташлангунига қадар) жазони ижро этиш ва судланишнинг оқибатлари намоён бўлади.

Жазо мақсадли давлат мажбурлов чораси сифатида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан бирга уни қайта тарбиялайди ҳам, шунингдек, умумий ва махсус тарзда огоҳлантиради.

Шундай қилиб, жиноий жавобгарликнинг жазолаш томони ҳукм қилишдан келиб чиққан, аммо унга нисбатан иккинчи даражали, яъни жазо жиноий жавобгарликнинг ҳуқуқий оқибати бўлиши билан бирга судланиш жазо қўллашсиз ҳам амалга оширилиши мумкин.

Жиноий жавобгарликнинг барча босқичларида у ёки бу турдаги жазо тўғрисида сўз борар экан, у аксарият ҳолларда давлат мажбурлов чорасининг асосий кўриниши, жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг асосий шакли ҳисобланади.

NOTA BENE !

Бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларига тиббий йўсиндаги ҳамда вояга етмаганларга нисбатан тарбиявий характерда бўлган мажбурлов чораларини киритишимиз мумкин.

Ушбу мажбурлов чораларининг асослари, мақсад ва вазифалари ҳақида тўхталмасдан, улар қайси ҳолларда жиноий жавобгарликни юзага келтириши ва бунинг ҳуқуқий оқибати ҳақида тўхталсак, уларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1) бу чораларни қўллаш ёки жиноий жазони истисно қилади (муомалага лаёқатсизлар ва вояга етмаганлар учун) ёки жазони вақтинча тўхтатади (айблов ҳукми кучга кирганидан сўнг сурункали руҳий касалликка дучор бўлган шахслар учун) ёхуд жиноий жазони ижро этиш билан бир вақтда амалга оширилади (алкоголизм ёки гиёҳвандликка чалинганлик ташхиси бор шахслар учун);

2) қайси шахслар давлат мажбурловининг ушбу чораларига тортилиши лозим бўлса, уларнинг хоҳишидан қатъи назар тортилади, бош тортган тақдирда давлат томонидан ҳуқуқий таъсир чораси кўрилади;

3) бу чораларни қўллаш суд органлари томонидан амалга оширилади;

4) мазкур чораларни қўллаш жазо сифатида кўринмайди ва судланганликни келтириб чиқармайди, лекин жиноий жавобгарликни истисно қилмайди.

Ушбу ҳуқуқий таъсир чораларининг бир қатор жиноий жазога ўхшаш томонлари мавжуд, аммо улар умумий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Ҳуқуқий таъсир чораларининг жиноий жазо билан ўхшашликлари қуйидагиларда кўринади:

– мазкур ҳуқуқий таъсир чоралари жазо сингари жиноий жавобгарликни амалга ошириш шаклларидан ҳисобланади;

– жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашнинг асоси – ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши саналади;

– бу чораларни ҳуқуқий тартибга солиш ва қўллаш жиноят қонуни билан амалга оширилади;

– бу таъсир чораларини қўллашнинг бевосита ҳуқуқий асоси – суд органларининг қонуний ҳужжатидир;

– ушбу ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш жиноят содир этган шахслар муайян ҳуқуқларининг чекланишини назарда тутади.

Мазкур ҳуқуқий таъсир чораларининг жиноий жазодан асосий фарқи шуки, гарчи улар жиноий жавобгарликни амалга ошириш шакли саналса ҳам, бу чоралар судланганликни келтириб чиқармайди.

Ҳуқуқий таъсир чоралари ижтимоий хавфли қилмиш содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир. Ушбу чоралар аксарият ҳолларда, умумий ва хусусий огоҳлантирув мазмунида бўлади. Айбдор шахс суд томонидан ақли норасо деб топилган тақдирда тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари кўринишида ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши тўғрисидаги масала қўйилади. Холбуки, мазкур чораларнинг асосий мақсади келажакда жиноят содир қилинишининг олдини олишдан иборат бўлади. Шу сабабли ҳуқуқий таъсир чорасини жазо деб баҳолаш нотўғридир. Шу билан бирга бу ҳуқуқий таъсир чоралари шахснинг ҳуқуқларини чегаралаб қўяди ва ҳеч қандай сўзсиз ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг келажакдаги жиноятининг олдини олади. Жиноий жавобгарлик ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишининг ҳуқуқий оқибати экан, ҳуқуқий таъсир чоралари ҳам содир этилган жиноят оқибатидир.

ЖК 16-моддаси 1-қисмига кўра, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари айбдорга нисбатан фақат суд томонидан қўлланади. Жиноий жавобгарликнинг мазмуни суд жавобгарлигини ҳам ўз ичига олади.

«Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади» (Конституциянинг 26-моддаси)[1].

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг

Бундан ташқари, Конституция қоидаларига асосланган ЖПК 12-моддасига мувофиқ, жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга оширади. Шу сабабли бу норма жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмай, фақат жиноий-процессуал аҳамиятга эга дейиш нотўғри бўлади.

Конституция ҳам ЖПК сингари жиноий жавобгарликнинг муҳим белгиси бўлган **жазонинг суд томонидан қўлланилишини** қайд этган. Шу жумладан, **ЖК 16-моддаси 1-қисмида** ушбу қоида жиноий жавобгарликнинг энг муҳим белгиси қилиб белгиланган.

Суд томонидан айблов ҳукмининг чиқарилиши (унинг қонуний кучга кириши) жиноий жавобгарликни юзага келтирувчи формал таркибнинг охирги белгиси ҳисобланади. Бу ҳолат формал ва моддий аҳамиятга эга.

Формал аҳамиятга эгалиги – жиноят қонуни жиноий жавобгарликни жиноят содир этган шахсни айбдор деб топилиши билан боғлайди.

Моддий аҳамиятга эгалиги шундаки, айнан шу ҳолатда, шу дақиқада жиноят-ҳуқуқий муносабат юқори даражада аниқланиб, жиноий жавобгарлик таркибига айланади. Суд айблов ҳукми чиқариш орқали давлат билан судланган шахснинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларида бевосита давлатнинг жазо чораларини қўллаш функциясини амалга оширади. Жиноий жавобгарликнинг мазмун-моҳияти жиноят содир этганликда айбдор деб топилган шахсни тайинланган жазо муддатини ўташ мажбуриятида ифодаланади. Бу мажбурият шахс суд ҳукми қонуний кучга кирганидан бошлаб, то судланганлик муддати тугаганда ёки тегишли равишда олиб

Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартириш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 90-моддасининг иккинчи қисмига тузатиш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32, 78, 93, 98, 103 ва 117 моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 4-бандига, 81-моддасининг еттинчи қисмига, 83-моддасига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13 ва 14- бандларига, 107-моддасининг биринчи қисмига, 110-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига, 111-моддасига ўзгартишлар ва қўшимча киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 5 ва 12-бандларига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13-бандига ҳамда 108, 109-моддаларига ўзгартишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 99 ва 10-моддаларига ўзгартишлар киритилган.) – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 7 б.

ташланганда намоён бўлади. Жавобгарликнинг амалга оширилиш усулларидан бири айблов ҳукмида кўрсатилган жазо тури ва миқдорини ўтаб чиқиш мажбуриятини юклаш ҳисобланади.

NOTA BENE !

Жиноий жавобгарлик шакли – жиноят содир этганликда айбдор деб топилган шахсни давлат номидан суд қилиш, оммавий танбеҳ бериш.

NOTA BENE !

Жиноий жавобгарликнинг мазмуни жавобгарликка тортилган шахс билан давлат ўртасида вужудга келадиган ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисида ифодаланади.

Жиноий жавобгарлик фақатгина суд ҳукмида кўрсатилган жиноят-ҳуқуқий муносабатлар доирасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни ифодалайди. Жиноий жавобгарлик суд ҳукми билан шахс айбдор деб топилган вақтдан бошлаб (ҳукмнинг қонуний кучга кириши билан) вужудга келади.

2-§. Жиноий жавобгарлик асоси сифатида жиноят таркиби: тушунчаси ва аҳамияти

Жиноят-ҳуқуқий муносабатларнинг энг муҳим хусусияти бу жиноятни квалификация қилиш ҳисобланади. **ЖК 16-моддаси 2-қисмига** мувофиқ, жиноий жавобгарликка тортишнинг ягона асоси ЖКда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этишдир. Бу ҳолатда қонун чиқарувчи жиноий жавобгарликнинг ҳам фактик асоси (шахс томонидан содир қилинган қилмиш), ҳам норматив асосини (Махсус қисмнинг тегишли моддасида назарда тутилган жиноят таркиби) кўрсатган. Содир этилган қилмиш билан Махсус қисм тегишли моддасида назарда тутилган жиноят таркибининг мувофиқлиги махсус ваколатли давлат органларига айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш борасидаги ҳуқуқ ва

мажбуриятларни амалга ошириш учун имкон беради. Айнан жиноят таркиби жиноий жавобгарликнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

NOTA BENE !

Жиноят таркиби деганда, аниқ ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб баҳолаш учун зарур бўлган объектив ва субъектив элементлар йиғиндиси тушунилади. Бу элементлар жиноят қонунида мустаҳкамланганлиги боис, у ёки бу ижтимоий хавф-ли қилмишнинг жиноят деб баҳоланмоҚи учун зарур ҳисобланади.

Албатта, қонун чиқарувчи жиноят таркибини шакллантиришда жиноятнинг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқади.

Жиноят таркиби – жиноий жавобгарликнинг асоси бўлатуриб, исталган жиноятни квалификация қилишнинг муҳим шарти – юридик асоси бўлиб хизмат қилади. Жиноят таркибининг таркиб деб номланишининг асосий сабаби шундаки, унда жиноятнинг **объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони** деган тушунчалар (элементлар) бир бутун ҳолда мужассамлашган. Буларнинг барчаси ижтимоий ҳаётнинг айрим (ижтимоий хавфли) ҳолати бўлган жиноятни ташкил қилади.

Жиноятнинг аниқ таркибида шу жиноятнинг ўзигагина хос бўлган умумий белгилар мавжуд бўлиб, бу белгилар ҳақиқатда содир этилаётган ҳар бир қилмишда ўз аксини топади. Жиноят қонунида жиноят таркибини ташкил этадиган бу белгилар, биринчидан, ушбу турдаги ҳар бир ижтимоий хавфли қилмишда такрорланади, иккинчидан, аҳамиятли ҳисобланади, учинчидан, ижтимоий хавфлиликни ифодалайди.

Ҳар бир аниқ жиноятнинг таркиби ва белгилари жиноят қонуни – ЖК Умумий ва Махсус қисми моддаларида назарда тутилган. Махсус қисм моддаларида ҳар бир жиноятнинг таркиби индивидуал равишда ифодаланиб, бу таркибнинг бошқа жиноят таркибларидан фарқини намоён қилса, Умумий

қисм моддалари барча ёки бир гуруҳ жиноят таркибларининг белгисини ифодалайди.

Жиноят таркиби умумижтимоий ва жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга.

Жиноят таркибининг **умумижтимоий аҳамияти** жиноят таркибини ташкил этувчи белгилар бирлигида ифодаланувчи хулқ-атворга нисбатан жамият, давлат ва тегишли ҳуқуқ нормасининг салбий муносабатида намоён бўлади, яъни жиноят таркиби – бу тақиқловчи норма ёки жамият аъзосининг хулқ-атвор меъёридир.

Жиноят таркибининг **жиноят-ҳуқуқий аҳамияти** бир қатор ҳолатларда ифодаланади:

– биринчидан, у содир қилинган қилмишни баҳолаш, аниқроғи жиноятни квалификация қилишнинг қонуний асосидир. Жиноят таркиби – содир бўлган ҳодиса (ҳолат)ни солиштириш учун эталон (ўлчов бирлиги) ҳисобланади;

– иккинчидан, жиноятни квалификация қилишда жиноят таркиби муҳим роль ўйнайди. Бу жараённи рўёбга чиқарувчи суд-тергов ходимлари содир бўлган ҳолат белгиларини ЖК тегишли моддаларида белгиланган жиноят таркиби билан солиштирган ҳолда квалификация қиладилар;

– учинчидан, жиноят таркибининг тўғри аниқланиши жиноятни тўғри квалификация қилиш учун асос бўлади. Квалификация қилиш ҳақиқатда содир этилган қилмишни қонунда кўрсатилган белгилар билан солиштириб, бошқалар учун шунга ўхшаш қилмишларни содир қилишни тақиқлашга имкон беради;

– тўртинчидан, бир томондан муайян жиноят таркиби белгиларини, иккинчи томондан содир бўлган жиноят таркиби белгиларининг бир-бирига мослигини қайд этиш жиноят содир қилган шахс ҳуқуқлари кафолатларидан биридир, яъни унинг ўз қилмишини қонунга мувофиқ квалификация қилишни талаб қилиш ҳуқуқини ифодалаб беради;

– бешинчидан, жиноят таркиби ва унинг белгиларининг аниқланиши суд-тергов амалиётида жиноят-ҳуқуқий нормани қўллашда қонунийлик принципининг кафолатидир.

3-§. Жиноят таркибининг тузилиши. Жиноят таркибининг зарурий ва факультатив белгилари

Қилмиш ўз-ўзидан жиноят деб топилмай, қонун чиқарувчи томонидан чиқарилган жиноят-ҳуқуқий нормаларда, аниқроғи, ЖК Махсус қисми аниқ моддаларида белгиланган жиноят белгилари билан солиштирилгандан кейингина шундай тўхтамга келиш мумкин.

Жиноят таркибининг барча белгиларини ташкил этувчи ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш жиноий жавобгарликка тортиш учун етарли асосдир, яъни жиноят-ҳуқуқий таъқибни амалга оширувчи орган гумонланувчи (айбланувчи)ни жиноий жавобгарликка тортиш учун унинг қилмишида жиноят таркиби мавжудлигини аниқлаши лозим.

ЖК Махсус қисми моддалари жиноятнинг конструкциясини, яъни объектив ва субъектив элементларини ажратиб кўрсатади.

Жиноят таркиби элементлари қуйидагилар ҳисобланади:

– жиноят объекти;

– жиноятнинг объектив томони;

– жиноятнинг субъектив томони;

– жиноят субъекти.

Объектив элементларга жиноят таркибининг объекти ва объектив томони киради.

Субъектив элементларга субъект ва субъектив томон киради.

Жиноят таркиби элементлари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Агар содир этилган қилмишда юқорида кўрсатилган элементлардан бирортаси мавжуд бўлмаса, жиноий жавобгарликка тортишга асос ҳам бўлмайди.

Бошқа барча ҳолатлар (айбдорнинг шахсини ифодаловчи ва бошқа ҳолатлар) жиноий жавобгарликка тортишда аҳамиятга эга эмас. Аммо бу

ҳолатлар суд томонидан жазо тайинлашда эътиборга олиниши мумкин. Қилмишда жиноят таркибининг мавжуд эмаслиги жиноят қидирув ишлари олиб борилишини тақозо этмайди. Агар жиноят иши қўзғатилган бўлса, жиноят таркиби йўқлиги сабабли тугатилиши лозим.

Ҳар бир жиноят таркибида унинг элементларини ва умуман таркибни ташкил этадиган ва муайян жиноят таркибига хос бўлган белгилар мавжуд.

Объектив ва субъектив элементлар зарурий ва факультатив белгиларга эга.

NOTA BENE !

Зарурий белгилар жиноят таркиби мавжуд бўлиши учун зарур бўлган белгилар бўлиб, уларнинг йиғиндиси қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун минимал ва етарли бўлган ижтимоий хавфлилигини ташкил қилади.

Ушбу белгиларнинг ҳатто биттаси мавжуд бўлмаса ҳам жиноий жавобгарликка тортиш учун асос ҳам бўлмайди. Буларга қуйидагилар киради: жиноят объекти; формал жиноят таркибининг объектив томонида – қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик); моддий жиноят таркибининг объектив томонида эса, қилмиш, оқибат ва улар ўртасидаги сабабий боғланиш; таркибнинг субъектив томонида – қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги айб; субъектда – «умумий» субъектнинг аломатлари, яъни қонунда назарда тутилган ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

NOTA BENE !

Факультатив белгилар – жиноят таркибининг мавжудлигини англатмайдиган, квалификацияга таъсир этмайдиган, лекин жазони индивидуаллаштиришда ҳисобга олинадиган белгилар.

Факультатив белгиларга қуйидагилар киради: жиноят предмети; формал жиноят таркибининг объектив томонида – жиноий оқибатлар, сабабий

боғланиш, жиноят содир этиш вақти, жойи, усули, воситаси, қуроли, шароити, моддий жиноят таркибининг объектив томонида эса фақатгина жиноят содир этиш вақти, жойи, усули ва бошқа ташқи ҳолатлар; субъектив томонда – мотив ва эмоционал ҳолат; субъектда – махсус субъектнинг белгилари.

Жиноят-ҳуқуқий нормалар диспозициясида факультатив белгилар кўрсатилиши ҳам, кўрсатилмаслиги ҳам мумкин. Агар Махсус қисм моддалари диспозициясида ушбу белгилар кўрсатилган бўлса, қилмишни ўша белгисиз квалификация қилиб бўлмайди. Масалан, ЖК 97-моддаси 2-қисми «и» банди тамагирлик ниятида қасддан одам ўлдириш учун жавобгарликни назарда тутади. Қилмишни ушбу модда билан квалификация қилиш учун тамагирлик ниятини ўзида ифодалаган мотивни аниқлаш зарур. Мазкур белги умумий қоидага кўра факультатив, бироқ диспозицияда тўғридан- тўғри кўрсатилганлиги учун зарурий белги бўлиб келяпти. Янада аниқроқ қилиб айтганда, тамагирлик ниятидаги мотив бўлмаса, ЖК 97-моддаси 2-қисми «и» бандидаги жиноят таркиби ҳам мавжуд бўлмайди. Ёки бўлмаса, масалан, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш ёки уларга қонунга хилоф равишда эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятларда (ЖК 247–248-моддалари) жиноят предмети зарурий белги ҳисобланади.

4-§. Жиноят таркибининг турлари

Жиноят қонуни – ЖК Махсус қисми моддаларида ифодаланишига кўра жиноят таркиби учта асос бўйича таснифланади:

– ижтимоий хавфлилик даражасига кўра;

– тавсифланиш усулига кўра;

– тузилишининг хусусиятига кўра.

Ижтимоий хавфлилик даражасига кўра жиноят таркиби уч турга бўлинади: асосий; енгиллаштирувчи; оғирлаштирувчи (алоҳида оғирлаштирувчи). Бу таснифлаш характери жиҳатдан ўхшаш бўлган

жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини чекланган доирада индивидуаллаштиришга, айбдорни жазолаш ва квалификациянинг аниқлигини таъминлашга имкон беради.

Асосий таркиб – бу шундай жиноят таркибики, унинг белгилари шундай жиноят ёки жиноятлар гуруҳидаги барча жиноятлар учун хосдир. Масалан, ЖК 97-моддаси 1-қисмида назарда тутилган қасддан одам ўлдириш ЖК 97-моддаси 2-қисми, шунингдек, ЖК 98–101-моддаларидаги жиноятларга нисбатан асосий таркибли жиноят ҳисобланади.

Енгиллаштирувчи таркиб енгиллаштирувчи белгиларга эга бўлади. Масалан, ЖК 98–101-моддаларида назарда тутилган жиноят таркиблари – кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш, онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши.

Оғирлаштирувчи (алоҳида оғирлаштирувчи) таркиб – оғирлаштирувчи белгиларга эга бўлган жиноят таркиби. Масалан, ЖК 97-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятлар таркиблари – икки ёки ундан ортиқ шахсни бир гуруҳ шахслар томонидан тамагирлик ниятида ўлдириш.

Енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи таркиблар жиноятнинг асосий таркибига боғлиқ равишда таърифланади.

Тавсифланиш усулига кўра жиноят таркиби иккига бўлинади: оддий ва мураккаб.

Оддий таркиб – бир объект, бир қилмиш, бир оқибат ва бир айб шаклига эга жиноят таркибидир. Масалан, ўғрилик (ЖК 169-моддаси 1-қисми).

Мураккаб таркибларда элементлар сонининг ортиши (масалан, иккита объект, иккита қилмиш, иккита оқибат, иккита айб шакли); жиноят содир қилиш процессининг узайиши (давомли ва узоққа чўзилган жиноятлар); элементларнинг муқобиллиги; битта таркиб доирасида бир неча оддий таркибларнинг мавжудлиги (таркибли жиноятлар) билан боғлиқ равишда кўп элементлилик юзага келади.

Кўп объектли жиноят таркибларида тажовуз икки ёки ундан ортиқ жиноят-ҳуқуқий нормалар билан қўриқланадиган объектга қаратилади. Мулк ва ижтимоий хавфсизликка таҳдид солувчи ЖК 247-моддасида кўрсатилган жиноят таркиби (ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш) кўп объектли жиноятга мисол бўлади.

Икки ёки ундан ортиқ ҳаракатни назарда тутувчи мураккаб жиноят таркиблари аниқ бир жиноятни икки ёки ундан ортиқ ҳаракат билан содир этишни назарда тутади. Масалан, номусга тегишда (ЖК 118-моддаси) жинсий алоқа зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб қилинади.

Икки ёки ундан ортиқ оқибатни назарда тутувчи жиноят таркибига жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш учун жавобгарликни белгилайдиган ЖК 104-моддаси 3-қисми «д» бандидаги жиноят таркибини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Иккита айб шаклига эга бўлган жиноят таркибида объектив томон мураккаблашган бўлади. Бунда қасддан содир этилган жиноят оқибатида эҳтиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиққанлиги учун қонун жавобгарликни оғирлаштиради (ЖК 23-моддаси). Масалан, жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 104-моддаси 3-қисми «д» банди).

Муқобил таркибларда бир қатор қилмишлар назарда тутиладики, улардан бирини содир қилиш, жиноятни тугалланган деб топиш ва жиноий жавобгарликка тортиш учун етарлидир. Масалан, монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи ЖК 183-моддасига мувофиқ, ушбу жиноят монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколати берилган органга ахборотлар бермаслик ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни била туриб тақдим қилиш орқали, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин, содир қилиниши мумкин. ЖК 256-моддасига кўра, илмий тадқиқот ёки синов тажриба

фаолиятини амалга ошириш вақтида хавфсизлик қоидаларини бузишдан иборат бўлган жиноят таркиби мазкур модданинг 1-қисми диспозициясида назарда тутилган оқибатлар юз берган, шу жумладан баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилган ҳолдагина мавжуд бўлади.

Таркибли жиноятлар икки ёки ундан ортиқ оддий мустақил жиноятлардан иборат бўлган жиноятлардир, улар алоҳида олинганида ҳар бири мустақил жиноят таркибини ташкил этади. Бундай белгиларга зўрлик ишлатиш билан боғлиқ бўлган талончилик жиноятининг таркиби (ЖК 166-моддаси 2-қисми) эга, унда ўзганинг мулкини очиқдан-очиқ талон-торож қилишдан иборат жиноий мақсадга ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш орқали эришилади. Ёки масалан, безорилик жинояти (ЖК 277-моддаси) баданга тан жароҳати етказиш ва ўзганинг мулкини нобуд қилишни қамраб олади.

Тузилишининг хусусиятига қараб жиноят таркиблари учта турга бўлинади: формал, моддий ва кесик.

Оқибатни қамраб олмаган ва фақат қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дан иборат бўлган жиноят таркиби **формал таркиб** ҳисобланади. Масалан, урушни тарғ иб қилиш (ЖК 150-моддаси), агрессия (ЖК 151-моддаси) ва бошқалар. Формал таркибли жиноятларда фактик оқибатлар келиб чиққанлигига қарамай қилмиш содир этилган вақт жиноят тамом бўлган вақт деб ҳисобланади.

Моддий таркиб ЖК Махсус қисми моддаларида назарда тутилган қилмиш натижасида юзага келадиган оқибат ҳамда қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни қамраб олади. Масалан, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 105-моддаси) ёки экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш (ЖК 193-моддаси) ва бошқалар. Моддий таркибли жиноятларда диспозицияда кўрсатилган оқибат юзага келиши билан жиноят тамом бўлган ҳисобланади.

Кесик таркибда жиноятнинг охирига етган вақтини қонун олдинги босқичга кўчиради. Масалан, босқинчилик (ЖК 164-моддаси) ёки жиноий уюшма ташкил этиш (ЖК 242-моддаси) ва бошқалар.

Жиноят таркибини бундай таснифлаш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга, зеро шу йўл билан жиноят қонунининг одиллик (ЖК 8-моддаси), инсонпарварлик (ЖК 7-моддаси) каби муҳим принциплари рўёбга чиқади ва жиноятларни тўғри квалификация қилишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, жиноят ҳуқуқи назариясига мувофиқ, элементларнинг аниқ ва баҳоловчи белгиларини кўрсатувчи жиноят таркиблари ажратилади.

Элементларнинг аниқ белгиларини кўрсатувчи жиноят таркибларида барча белгилар Махсус қисм моддалари диспозициясида ижтимоий хавфлилик нуқтаи назаридан аниқ кўрсатилади. Бу қонунда «кўп миқдор» ёки «жуда кўп миқдор» каби қолипли сўзларни қўллашда ифодаланади. Улар энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқади.

Элементларнинг баҳоловчи белгиларини кўрсатувчи жиноят таркибларида хавфлилик даражасини қонунда аниқ кўрсатишнинг иложи йўқ. Бунда ижтимоий хавфлилик даражаси суд ёки доктринал шарҳлаш орқали амалга оширилади. Масалан, «фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар», «ўта шафқатсизлик», «шахсий манфаатлар» каби атамалар суд томонидан шарҳланишга муҳтож.

«Жиноий жавобгарлик ва унинг асослари» мавзуси юзасидан якуний саволлар

1. Жиноий жавобгарлик нима?

2. Жиноий жавобгарлик ва жиноят-ҳуқуқий муносабатнинг ўзаро нисбати нимадан иборат?

3. Жиноий жавобгарликнинг ҳуқуқий оқибатлари нимадан иборат? Уни амалга оширишнинг охирги босқичи қандай?

4. Жиноий жавобгарликнинг асоси нима?

5. Жиноят таркиби деганда нима тушунилади? Унинг умумижтимоий ва жиноят-ҳуқуқий аҳамияти нимада?

6. Жиноят таркибининг қандай элементлари мавжуд? Жиноят таркиби элементи ва белгисининг ўзаро нисбати нимадан иборат?

7. Жиноят таркибининг зарурий ва факультатив белгилари сонига нималар киради?

8. Жиноят таркиби факультатив белгиларининг аҳамияти нимадан иборат?

9. Жиноят таркибларини таснифлашнинг қандай асослари мавжуд?

10. ЖКда асосий, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи жиноят таркибларининг мавжуд бўлишини аниқ мисоллар билан исботланг.

11. Ўта оғирлаштирувчи жиноят таркиби нима?

12. Оддий ва мураккаб жиноят таркибларининг ўзаро нисбати нимадан иборат?

13. ЖК Махсус қисмида кўп объектли жиноят таркибларини, икки ёки ундан ортиқ ҳаракат билан, икки ёки ундан ортиқ оқибат билан, иккита айб шаклига эга бўлган, муқобил жиноят таркибларини ҳамда таркибли жиноятларни топинг.

14. ЖК Махсус қисмида формал, моддий ва кесик таркибли жиноятларни топинг. Формал ва кесик таркибли жиноятлар ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

15.ЖК Махсус қисмида элементларнинг баҳоловчи белгиларини кўрсатувчи жиноят таркибларини топинг.

Қўшимча адабиётлар

Ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар

Горлач М.Ю. Реализация юридической ответственности: вопросы теории и практики: Монография. – Орел: Орловский юридический институт МВД России, 2003. – 116 Б.

Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. 2-е изд., переработанное и дополненное. – М.: АО «Центр ЮрИнфор», 2003. – 448 Б.

Кругликов Л.Л., Васильевский А.В. Дифференциация ответственности в уголовном праве. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2003. – 300 Б.

Поляков И.Н. Ответственность по обязательствам вследствие причинения вреда. – М.: 1998. – 172 Б.

Сперанский К.К. Теория и практика квалификации преступлений. – Краснодар: 1999. – 120 Б.

Чистяков А. Механизм формирования основания уголовной ответственности: Монография. – Рязань: 2000. – 149 Б.

Чистяков А. Уголовная ответственность и механизм формирования ее основания: Монография. – М.: 2002. – 275 Б.

Илмий мақолалар

Дворецкий М.К. К вопросу о видах уголовной ответственности // Ж. Российский следователь. 2007. № 2. – 40-б.

Кабулов Р. Понятие и значение состава преступления по уголовному праву Республики Узбекистан. // Ж. Ҳуқуқ–Право–Law. 2002. № 5. –25–26-б.

Ляпунов Ю. Состав преступления: гносеологический и социально-правовой аспекты // Ж. Уголовное право. 2005. № 5. – 54–58-б.

Марцев А. Состав преступления: структура и виды // Ж. Уголовное право. 2005. № 2. – 54–58-б.

Рахмонкулов А.Х. Виды юридической ответственности по законодательству Республики Узбекистан // Ж. Қонун номи билан. 2000. № 2–3. – 93–96-б.

Рахмонкулов А.Х. О формировании содержания понятия юридической ответственности // Ж. Ҳуқуқ–Право–Law. 2000. № 2. – 45–50-б.

V БОБ. ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИ

1-§. Жиноят объекти тушунчаси ва аҳамияти

ЖК Махсус қисмида назарда тутилган ҳар қандай жиноят кимгадир ёки нимагадир қаратилган тажовуз ҳисобланади.

NOTA BENE !

Жиноят объекти – жиноий тажовуз қаратилган ва ана шу тажовуз орқали унга зарар етказилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатдир.

Жиноят объекти жиноят қонуни билан қўриқланадиган **ижтимоий муносабат**дир. Ушбу ижтимоий муносабатлар **ЖК 2-моддасида** маълум қадриятлар тариқасида ҳамда ЖК Махсус қисми бўлим (8-бўлимдан ташқари) ва боблари номланишида ифодаланган.

Ижтимоий муносабатлар инсонлар ўртасида уларнинг ҳаёти фаолияти жараёнида вужудга келадиган алоқалардир. Ижтимоий муносабатлар жамиятнинг мавжудлиги жараёнида шаклланиб боради. Улар қонун туфайли, жумладан, жиноят қонуни туфайли юзага келмайди, аммо қонун уларнинг ривожланиши, шаклланиши ва шахс, жамият ва давлат манфаатлари билан мослигини мустаҳкамлашга замин яратиши мумкин.

Ижтимоий муносабатларни жиноят қонуни ўз ҳимоясига олганида, улар жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти деб эълон қилинади ва маълум шартларда потенциал жиноят объекти бўлиши мумкин, шунингдек, бир ижтимоий муносабат бир ёки бир неча жиноят объекти бўлиши мумкин.

Жиноят содир этилаётганда жиноят-ҳуқуқий норма бузилади. Аммо у иккиламчи, чунки доимо ижтимоий муносабат бирламчидир. Зеро, жиноят-ҳуқуқий норма ижтимоий муносабатни муҳофаза қилиш учунгина мавжуддир. Жиноят жиноят-ҳуқуқий нормани бузишга эмас, балки

ижтимоий муносабатга зарар етказишга қаратилади. Жиноят объекти эса, жиноят зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган нарсадир.

Бу ҳолатда объектни моддий деб ўйламаслик лозим. Жиноят объекти – ижтимоий категория ва у ҳеч қандай моддий аломатларга эга эмас, ижтимоий муносабатлар эса, худди шундай категориядир.

Бир қатор ҳолларда, масалан, хусусий мулк ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқи ёки бошқа ҳуқуқ соҳаларида ижтимоий муносабатлар ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари нормаларида белгилаб қўйилади.

Ижтимоий муносабат жиноят объекти сифатида бир неча таркибий элементларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

– ижтимоий муносабат мавжудлигининг сабаби бўлган предмет;

– ижтимоий муносабат субъекти;

– ижтимоий муносабат таркиби сифатида ижтимоий алоқа.

Жиноят объекти сифатида ижтимоий муносабатларга бир қатор белгилар хос бўлиб, улар ёрдамида жиноят объекти деб эълон қилинган ижтимоий муносабатларни ажратиш, уларнинг моҳиятини очиш, уларнинг бошқа жиноят-ҳуқуқий категориялар билан чегарасини белгилаш ва ниҳоят, жиноят объектига етказиладиган зарар хусусиятини аниқлаш мумкин.

Биринчидан, жиноят объекти деб эълон қилинган ижтимоий муносабатлар ўзида жамиятда юзага келган қимматли мезон асосларини тасвирлайди. Жиноят қонунида белгиланган муҳофаза объектларининг қанчалик қаттиқ қўриқланишига қараб, жамиятдаги энг муҳим, биринчи даражали ижтимоий муносабатларни билиб олиш мумкин. Бу кўп жиҳатдан ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилувчи нормалар кетма-кетлигига ҳам боғлиқ. Хусусан, қонунчилик бу кетма-кетликни **ЖК 2-моддасидаги** принципга асосан амалга оширади.

Иккинчидан, қонун чиқарувчи томонидан жиноят объекти сифатида фақат энг муҳим, қиймати юқори ва давлат муҳофазасига муҳтож ижтимоий муносабатлар тан олинади. Шунга эътиборни қаратиш лозимки, жиноят объекти деб эълон қилинадиган ижтимоий муносабатларнинг аксарияти

умуминсоний қадриятлардир, масалан, шахснинг жисмоний ва маънавий дахлсизлигига оид муносабат ва бошқалар.

Учинчидан, жиноят объекти ижтимоий категория бўлиб, ҳеч қандай моддий аҳамиятга эга эмас, яъни жиноят объектини жиноят предметидан фарқлаш мезонидир.

Тўртинчидан, жиноятнинг объектига нисбатан таъсир этиш механизми шундан иборатки, жиноят содир этилаётганда жиноят объекти сифатида ижтимоий муносабат парчаланиб, йўқолиб кетмай, фақатгина бузилади. Масалан, одам ўлдириш жиноятида шахс ўлдирилади, аммо у жиноят объекти сифатида йўқ қилиб юборилмайди (инсон ҳаётини таъминловчи ижтимоий муносабатлар). Бундан келиб чиқадики, жиноят объектининг субъекти (ижтимоий муносабатнинг таркибий қисми сифатида) жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳисобланади.

NOTA BENE !

Жиноят объекти жиноят қонуни билан қўриқланадиган энг устувор ва ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган умумлашган ҳолда соф ижтимоий категория бўлган **ижтимоий муносабат** бўлиб, жиноят содир этилиши натижасида уларга зарар етказилади ёки зарар етказилиши хавфи остида қолади.

Жиноят объектининг аҳамияти шундаки, у ҳар бир жиноятнинг зарурий элементи бўлиб, биринчи навбатда аниқланиши лозим. Тажовуз объектисиз ҳеч қандай аниқ жиноят таркиби мавжуд бўлмайди. Жиноят объектини тўғри аниқлаш қилмишни тўғри квалификация қилиш ва жиноят таркибини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади, шунингдек, жиноий қилмишларни маъмурий ҳуқуқбузарликлардан фарқлаш имкониятини беради.

Жиноят объекти ҳақиқатдан зарар етказиладиган ёки зарар етказилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатни аниқлашга, яъни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини аниқлашга ёрдам беради.

Бундан ташқари, жиноят объекти аломатларига қараб ЖКнинг Махсус қисми ишлаб чиқилган. Шунга биноан, жиноят қонунчилигини кодификация қилишда жиноят объектининг ўрнини баҳоламаслик мумкин эмас.

2-§. Жиноят объектининг турлари

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят объектини икки хил таснифлаш мумкин: ҳажмига кўра, таркибидаги элементларнинг ўхшашлигига кўра ва функционал хусусиятларига кўра. Шартли равишда уларни вертикаллигига кўра ва горизонталлигига кўра таснифлаш деб аташ мумкин.

Вертикаллигига кўра жиноят объекти умумий, махсус, турдош ва бевосита объектларга бўлинади.

NOTA BENE !

Умумий объект деганда, жиноят қонуни билан қўриқланадиган барча ижтимоий муносабатлар мажмуи тушунилади.

Бу мажмуа **ЖК 2-моддасида** назарда тутилган бўлиб, улар шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулкчилик, табиий муҳит, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги ва бошқалардир. Уларнинг жамият томонидан қимматли ва аҳамиятли ижтимоий муносабат сифатида баҳоланганлиги уларни бирлаштириб туради. Шунинг учун жиноий жавобгарликка тортиш таҳдиди билан жиноят қонуни томонидан қўриқланади. Умумий объект ҳуқуқни татбиқ этувчига жиноятни бошқа ҳуқуқбузарликлардан (масалан, маъмурий, интизомий ва бошқалар) у ёки бу ижтимоий муносабатнинг муҳимлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда ажратиш имкониятини беради.

Умумий объект – алоҳида олинган ва барча жиноятлар қаратилган ижтимоий муносабатлардир.

NOTA BENE !

Махсус объект – ЖК Махсус қисмининг бир бўлимига киритилган моддаларда назарда тутилган, жиноят тажовуз қиладиган, ўз табиатига кўра бир турдаги ижтимоий муносабатлардир.

Махсус объект ЖК Махсус қисми тузилишини шакллантириш ва бўлимларга ажратишнинг асосий мезони ҳисобланади. ЖК муайян бўлимлари жиноий қилмиш қаратилган махсус объектларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларига кўра тузиб чиқилган. Махсус объект ЖК Махсус қисми тузилишига қараб, улардаги ижтимоий қадриятларнинг бошқа ижтимоий муносабатларга нисбатан устунлигини кўрсатишга хизмат қилади. Махсус объектларнинг кетма-кетлиги у ёки бу ижтимоий муносабатларнинг қадрлилиги ва муҳимлилигидан далолат беради. Бир турдаги ижтимоий муносабатларга қаратилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ЖК Махсус қисми бўлимлари доирасида бобларнинг жойлашувига қараб аниқланади.

NOTA BENE !

Турдош объект ижтимоий муносабатларнинг ижтимоий қадриятлар, қимматлилик махсус белгиларига қараб гуруҳланиши бўлиб, айни пайтда махсус объектнинг бир элементи ҳисобланади.

Турдош объект – жиноятларнинг хусусияти бўйича бир-бирига яқин бўлган объект тури. Амалий ва назарий жиҳатдан бундай таснифлаш тажовузнинг даражаси ва хусусиятини акс эттиради. Масалан, шахсга қарши жиноятлар (махсус объект) ўз ичига шахснинг ҳаётига қарши қаратилган жиноятлар (I боб), соғлиққа қарши жиноятлар (II боб), жинсий эркинликка қарши қаратилган жиноятлар (IV боб) каби тартибда жойлашиб, булар жиноятнинг турдош объектини ташкил этади. Баъзи ҳолларда, Махсус қисм

бўлими битта бобдан иборат бўлган тақдирда (масалан, 4-бўлим ва XIV боб – экология соҳасидаги жиноятлар) турдош объект мавжуд бўлмайди, яъни у махсус объект билан бириккан бўлади.

NOTA BENE !

Жиноятнинг **бевосита объекти** дейилганда, ижтимоий хавфли тажовуз содир этилаётганда бевосита тажовуз қаратилган ижтимоий муносабат тушунилади.

Айнан бевосита объект суд-тергов амалиётида жиноят таркибининг аниқланиши лозим бўлган қисмидир. Бевосита объект ЖК Махсус қисмининг моддаларида акс эттирилади.

Горизонтал бўйича объектларни таснифлаш жиноятнинг бевосита объекти билан боғлиқдир, яъни умумийдан хусусийлик орқали алоҳидаликка ёки аксинча. Ушбу таснифлашга кўра асосий, қўшимча ва факультатив объектлар фарқланади. Бундай таснифлашнинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, жиноий тажовуз бир вақтнинг ўзида бир ёки бир неча объектга қаратилган бўлиши мумкин (масалан, босқинчилик жиноятида тажовуз бир вақтнинг ўзида ҳам мулкка, ҳам шахсга қарши қаратилади). Бундай ҳолатларда, ижтимоий хавфли қилмиш одатда иккита объектга тажовуз қилиб, улардан бири албатта **асосий**, иккинчиси эса **қўшимча** объект бўлади.

NOTA BENE !

Асосий объект – ЖК моддасини тузишда ушбу норма билан махсус ҳимояланган ижтимоий муносабат тури.

NOTA BENE !

Қўшимча объект – ЖК Махсус қисми тегишли моддалари билан қўриқланадиган асосий объектга тажовуз қилиш натижасида хавф остида қоладиган ижтимоий муносабат тури.

Бундай чегаралаш объектнинг муҳимлик даражасига кўра эмас, балки махсус объект билан боғлиқлигига қараб амалга оширилади. ЖК 164-моддасидаги босқинчилик жиноятида асосий объект мулк ҳуқуқини ташкил этиб, бу модда ЖК Махсус қисмининг «ўзгалар мулкини талон-торож қилиш» деб номланган бобида жойлашганлиги учун қўшимча объект бўлиб, шахс, унинг ҳаёти ва соғлиқи ҳисобланади.

Ёки, масалан, ЖК 104-моддаси 3-қисми «д» бандида назарда тутилган жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятида тажовуз иккита объектга қаратилади: шахснинг соғлиқини таъминловчи ижтимоий муносабат ва шахснинг ҳаётини таъминловчи ижтимоий муносабат. Бу объектларга нисбатан тажовузнинг бўлмаслиги модданинг айнан шу қисми ва шу бандидаги жиноят таркибини истисно қилади. Жабрланувчининг ўлими бир томондан қўшимча объект, иккинчи томондан айбдорнинг ижтимоий хавфли қилмиши оқибати ҳисобланади.

Қўшимча объект қилмишнинг квалификациясида тўғридан-тўғри аҳамиятга эга. Масалан, босқинчилик жиноятининг қўшимча объекти уни мулкка қарши қаратилган жиноятнинг бошқа бир тури – талончиликдан фарқлаш имкониятини беради.

NOTA BENE !

Жиноятнинг **факультатив объекти** – алоҳида олинган жиноятнинг асосий объектига (баъзан қўшимча) тажовуз қилишда зарар етказилиши мумкин ёки мумкин бўлмаган ижтимоий муносабат тури.

Факультатив объект жиноят таркибининг зарурий элементи эмас ва жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга бўлмайди. Баъзи ҳолларда жиноят содир қилинганида унга зарар етказилади, бошқа ҳолларда эса йўқ, яъни бирор-бир жиноят содир қилинганида объектнинг бу тури мавжуд бўлиши ё бўлмаслиги ҳам мумкин.

Факультатив объектга зарар етказиш айбдорга жазо тайинлашда ва етказилган зарарни қоплашда ҳисобга олинади.

3-§. Жиноят предмети

Жиноят объекти ижтимоий муносабат сифатида жиноят предметини назарда тутади. Жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объектига қаратилган тажовуз бевосита жиноят предметига кўчади.

NOTA BENE !

Жиноят предмети – жиноят объектига нисбатан тажовуз қилишда айбдор шахс тўғридан-тўғри таъсир этадиган, у туфайли ёки унинг учун жиноят содир қилинган объектив оламдаги жонли ёки жонсиз моддий нарсалар.

Ҳар қандай жиноят таркибининг зарурий элементи бўлган жиноят объектидан фарқли равишда жиноят предмети факультатив белги ҳисобланади. Масалан, туҳмат (ЖК 139-моддаси), ҳақорат қилиш (ЖК 140-моддаси), дезертирлик (ЖК 288-моддаси) каби жиноятларда жиноят предмети мавжуд эмас. Агар жиноят предмети ЖК Махсус қисми тегишли моддаларида тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлса жиноят таркибининг зарурий элементи вазифасини бажаради ва квалификацияга таъсир кўрсатади.

Масалан, контрабанда (ЖК 246-моддаси), транспорт воситасини олиб қочиш (ЖК 267-моддаси) каби жиноят таркибларида жиноят предмети жиноий жавобгарликка тортиш билан бевосита боғлиқ.

Бундай ҳолатларда жиноят таркибининг зарурий элементи сифатида жиноят предмети ижтимоий хавфли қилмишни квалификация қилишда аҳамиятли роль ўйнайди.

Жиноят предмети ва жиноят объекти ўртасидаги фарқ шундаки, жиноят предмети ҳар доим объектив оламдаги моддий нарсадир, масалан, транспорт воситаси, ҳужжатлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, жиноят объекти эса ижтимоий категория ҳисобланади. Агар жиноят содир этилиши натижасида жиноят

объектига зарар етказилса ёки зарар етказиш хавфи туҚилса, жиноят предмети эса жиноят оқибатида бутунлай йўқ қилиб юборилиши (масалан, одам ўлдириш, ЖК 173-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда ўт қўйиш) ёки ўзгаришсиз қолиши (масалан, транспорт воситасини олиб қочиш ёки ашёни ўҚирлаш) ва ҳатто ўзининг сифатини яхшилаши мумкин.

Жиноят предметини жиноят объектив томонининг белгилари бўлмиш жиноят содир этиш қуроли ва воситаларидан фарқлаш лозим. Жиноят предмети жиноят объектига тажовуз қилишда айбдор тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган нарсадир. Масалан, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш (ЖК 247-моддаси) жиноятида қуроллар жиноят предмети ҳисобланади, уюшган қуролли гуруҳ тузиш (ЖК 242-моддаси 2-қисми) жиноятида эса жиноят содир этиш қуроли ҳисобланади. Ёки масалан, транспорт воситасини олиб қочиш (ЖК 267-моддаси) жиноятида автомобиль предмет бўлиб ҳисобланади, ўҚирланган ашёни ташишда эса жиноят содир этиш воситаси ҳисобланади.

Жиноят предметининг аҳамияти катта. Бундан ташқари, жиноят предмети квалификация қилишга таъсир кўрсатиши мумкин, у яқин бўлган жиноят таркибларини (масалан, контрабанда ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) бир-биридан ажратиш асоси сифатида хизмат қилади ва жиноят оқибатида етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини аниқлашга ёрдам беради.

ЖК Махсус қисми айрим моддаларида жисмоний шахс сифатида инсон жиноят предмети сифатида назарда тутилади. Бундай ҳолларда жиноятнинг жабрланувчиси ҳақида сўз юритиш мумкин. Бунда субъект тажовуз қаратилган ижтимоий муносабатга айланади.

NOTA BENE !

Жабрланувчи – жиноят бевосита қаратилган, жиноят натижасида зарар етган ва зарар (жисмоний, мулкий, маънавий) етказилиш хавфи остида қолган шахс.

Жабрланувчи кўп ҳолларда шахсга қарши жиноятларда намоён бўлади (одам ўлдиришда, тан жароҳати етказишда, номусга тегишда ва бошқаларда). Жонсиз предметлар сингари жабрланувчи, аниқроҚи унинг шахсий хусусиятлари, хулқи зарурий ва оғирлаштирувчи белги ролини бажарган ҳолда қилмишни квалификация қилишга, шунингдек, оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолат сифатида жазо миқдорини белгилашга таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши жиноятида жабрланувчи фақатгина янги туғилган чақалоқ бўлиши мумкин. Шунингдек, ожиз аҳволдаги шахсни ўлдиришда жабрланувчи фақатгина жиноятчига қаршилик кўрсата олмайдиган ёки унга нисбатан содир қилинаётган қилмишнинг хусусиятини тушунишга лаёқатсиз бўлган шахс бўлиши мумкин. Ёки масалан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш жиноятида ўлим жабрланувчининг Ғайриқонуний зўрлиги ёки оғир ҳақорати, шунингдек, бошқа Ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юз берган бўлиши лозим.

«Жиноят объекти»
мавзуси юзасидан якуний саволлар

1. Жиноят объекти нима? Унинг аҳамияти нимадан иборат?

2. Жиноят объектларини таснифлаш асосига қандай мезонлар қўйилган?

3. Жиноят объектларини вертикаллигига кўра ва горизонталлигига кўра таснифлаш қандай объектларни ўз ичига қамраб олади?

4. ЖК Махсус қисми бўлимлари ва бобларининг тузилиши асосига жиноят объектларининг қандай турлари қўйилган?

5. ЖК Махсус қисмининг муайян моддаси мисолида асосий ва қўшимча объектларни аниқланг.

6. Факультатив объект деганда нима тушунилади? Факультатив объектнинг мавжудлигини назарда тутувчи жиноят таркибларининг мисолларини келтиринг.

7. Жиноят предмети деганда нима тушунилади?

8. Жиноят объекти ва предметининг ўзаро нисбати нимадан иборат?

9. Жиноят предмети ва жиноятни содир этишнинг қуроллари ва воситалари ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

10. «Жабрланувчи» тушунчаси нимани англатади? Шахснинг ёки жабрланувчи хулқининг хусусиятлари содир этилган қилмишнинг квалификациясига қандай таъсир кўрсатиши мумкин?

Қўшимча адабиётлар

Ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар

Новоселов Г.П. Учение об объекте преступления. Методологические аспекты. – М.: НОРМА, 2001. – 208 Б.

Илмий мақолалар

Зателепин О. К вопросу о понятии объекта преступления в уголовном праве // Ж. Уголовное право. 2003. № 1. – 29–31-б.

Расторопов С. Понятие объекта преступления: история, состояние, перспектива // Ж. Уголовное право. 2002. № 1. – 37–40-б.

Рустамбаев М.Х. Объект и потерпевший в посягательстве на здоровье личности // Ж. Судебная экспертиза и вопросы борьбы с преступностью. – Т.: ТАШНИИСЭ. 1991. – 114–124-б.

VI БОБ. ЖИНОЯТНИНГ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ

1-§. Жиноятнинг объектив томони тушунчаси ва аҳамияти

Ҳар қандай жиноят – инсон хулқ-атворининг ташқи кўриниши, яъни онг ва ирода назорати остида содир қилинадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик кўринишидаги қилмишдир.

ЖК Махсус қисми норма ва қоидалари ўрганилганда, жиноят таркибининг кўриб чиқилаётган элементига хос томонларни кўриш мумкин:

– биринчидан, объектив томон жиноят-процессуал тартибда исбот қилинадиган ва ўрнатиладиган, жиноят объектига қарши қаратилган тажовузни таърифлайдиган жиноятнинг белгилари мажмуини ифодаловчи шахс қилмишининг ташқи кўриниши;

– иккинчидан, объектив томонни ифодалайдиган белгилар (ҳолатлар) ижтимоий аҳамиятли ҳисобланади ва қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ҳамда даражасини билдириб туради;

– учинчидан, бу белгилар умумий ифодага эга, яъни реал воқеликда содир қилинадиган жиноятлардан келиб чиқади;

– тўртинчидан, жиноят таркибининг объектив томони юридик аҳамиятга эга, чунки у жиноят қонунида ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бланкет диспозиция сифатида назарда тутилади.

NOTA BENE !

Жиноят таркибининг **объектив томони** – тажовузнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ифодалайдиган, жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга қарши қаратилган ижтимоий хавфли тажовузнинг ташқи ҳолатини характерловчи объектив, ижтимоий ва юридик аҳамиятга эга бўлган белгилар йиғиндисидир.

Жиноят объектив томонининг биринчи навбатдаги аҳамияти шундан иборатки, уни тўғри аниқлаш ижтимоий хавфли қилмишни тўғри квалификация қилишнинг гаровидир. Таъкидлаш жоизки, ЖК Махсус қисми моддалари диспозицияларида жиноят таркибида бошқа элементларга нисбатан объектив томоннинг белгилари кўпроқ ифодаланган бўлади. Бу белгилар жиноятларни бир-биридан фарқлаш, бунинг натижаси сифатида жиноятларни квалификация қилиш мезони ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида битта объектга қаратилган бир хил айб шаклларига эга бўлган қилмишларни чегаралашда объектив томон муҳим роль ўйнайди. Масалан, бир вақтнинг ўзида битта объектга қаратилган, қасддан содир этиладиган, Қаразли ниятларда амалга ошириладиган ва умумий субъектга эга бўлган мулкни талон-торож қилиш жиноятларини фарқлаш ЖК Махсус қисми моддаларида турли хил тарзда ифодаланган объектив томоннинг белгилари орқали амалга оширилади.

Объектив томонни таҳлил қилиш бир қатор ҳолларда қўшимча объектни аниқлашга имкон беради (масалан, ЖК 164-моддасининг диспозицияси фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиқи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабат шакли сифатида қўшимча объектни аниқлаш имконини беради). Шунингдек, объектив томоннинг алоҳида белгилари қонун чиқарувчи томонидан квалификацияловчи белги сифатида ифодаланади (масалан, жиноят содир этиш усули ва воситаси).

Тузилиши жиҳатидан объектив томоннинг зарурий ва факультатив белгилари мавжуд. Бунда зарурий ва факультатив белгилар моддий ва формал таркибли жиноятлар билан бевосита боғлиқ бўлади.

(Бу тўғрисида мазкур том IV бобининг «Жиноят таркибининг тузилиши. Жиноят таркибининг зарурий ва факультатив белгилари» деб номланувчи 3-§ га қаранг.)

2-§. Жиноий қилмиш ва унинг турлари

Объектив томоннинг зарурий белгиси – **қилмиш** ЖК Махсус қисми барча моддаларида назарда тутилган. Шунинг учун қонун чиқарувчи қилмиш деганда, асосан, жиноятни назарда тутади.

Жиноий жавобгарликка фақат жиноий ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир қилган шахслар тортилиши мумкин. **Қилмишсиз,** яъни инсоннинг ташқи дунёдаги муайян хулқ-атворисиз жиноят ҳам, жиноий жавобгарлик учун асос ҳам йўқ. Инсоннинг маълум жиноий хулқ-атворида намоён бўлмаган жиноят содир қилиш ҳақида фикр билдиришнинг ўзи жиноятни ташкил қилмайди.

Айни пайтда, жиноят-ҳуқуқий маънода қилмишни ҳаракатлар тизими, шахснинг фаолияти, хулқ-атвори билан тенглаштириш керак эмас. Аксарият ҳолларда жиноят таркиби сифатидаги қилмиш «хулқ-атвор», «фаолият»ни эмас, балки алоҳида бўҚинлардан ташкил топган аниқ ҳаракатни қамраб олади (номусга тегиш, шикаст етказиш, қасддан одам ўлдириш). Бундан, жиноят-ҳуқуқий маънодаги ҳар қандай ҳаракат ёки хулқ-атвор ҳам жиноят таркибидаги қилмиш бўла олмайди, деган хулоса қилишимиз мумкин.

NOTA BENE !

Жиноий қилмиш – айбдорнинг онгли, ихтиёрий фаол ёки пассив хулқ-атворидир.

Фақатгина жиноят таркиби объектив томонининг белгиларини кўрсатувчи ва тўртта қуйидаги қисмдан иборат қилмиш жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга:

– ҳуқуққа хилофлик;

– ижтимоий хавфлилик;

– онглилик;

– ихтиёрийлик.

Ижтимоий хавфлилик ва ундан келиб чиқадиган **ҳуқуққа хилофлик** жиноятнинг асосий белгиларидир. Аммо улардан қилмишнинг жиноят-ҳуқуқий тушунчаси келиб чиқмайди, балки улар фақат жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга (ёки тақиққа) эга бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар рўйхатини белгилаш билан чегараланишади. (Ушбу тушунчалар тўғрисида мазкур том III бобининг «Жиноят белгилари» деб номланган 2-§ га қаранг.)

Онглилик – қилмишни объектив томондан тавсифловчи белгиси сифатида шахснинг қилмишни содир қилишни онгли назорат қилишини, яъни шахсда физиологик ва жисмоний жиҳатдан бундай назоратни амалга ошириш имкониятининг мавжудлигини англатади.

Қилмишни онгсиз равишда содир қилиш, масалан, уйқуда ёки рефлекс тана ҳаракатлари орқали содир қилиш қилмишнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамиятини, жиноийлигини истисно қилади.

Шу билан бирга, қилмишни онгсиз равишда – мастлик ҳолатида содир этиш – онгли равишда қилмиш содир этиш деб баҳоланади, чунки у ўз ихтиёри ва онги билан мастлик ҳолатига тушган. Бу ҳолат ЖК 56-моддасига мувофиқ, оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳоланади ва шахс умумий асосларда жиноий жавобгарликка тортилади.

Ихтиёрийлик – (қилмишни объектив томонидан тавсифловчи белги) қилмишнинг онг назорати остида содир қилинишида шахснинг қилмишни содир қилмасдан бошқа хулқни танлай олиши реал имкониятининг мавжудлигидир. Ихтиёрийлик объектив белги бўлиб, у шахснинг у ёки бу хулқни танлашида ташқи таъсирлар остида юзага келган енгилмас кучларнинг тўсиқ бўлмаслигида ифодаланади. Бу ҳолатда ихтиёрийлик субъектив белгилардан фарқ қилади, зеро улар ижтимоий хавфли қилмиш содир қилишга қаратилган онгнинг айб шаклини ифодалайдилар. Ноихтиёрийлик ҳам жиноят содир қилинишининг салбий белгиси, яъни у қилмишнинг ўзини ва унинг жиноят-ҳуқуқий аҳамиятини инкор қилади.

Эҳтиётсизлик орқасида содир қилинган жиноятларга ҳам иродалилик хос. Эҳтиётсизлик ортида содир қилинадиган жиноий ҳаракатсизликда

керакли онгли ҳаракатнинг содир қилинмаслиги тўғрисида сўз боради. Бу ҳолатда бирор объектга нисбатан шахснинг руҳий хусусиятлари (эътибори ёки онги) қаратилиши имконияти ва зарурати бор эди. Шу сабабли, бу белги ҳаракатсизликка ҳам хос.

Бу белгининг муҳимлигини таъкидлар эканмиз, қонун чиқарувчи жисмоний ёки руҳий зарурат (ёки мажбурият) ортида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказиш охирги зарурат эканлиги тўғрисидаги қоидаларни ҳисобга олган ҳолда ҳал қилади. Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этишда ихтиёрийлик белгиси ҳақидаги масала ҳам худди шундай ҳал этилади.

Бу тўрт белгининг бирлиги объектив томоннинг элементи – қилмишнинг ҳар икки шаклига – ҳаракат ва ҳаракатсизликка ҳам хос.

Ҳаракат инсон хулқ-атворининг фаол шаклини ифодалайди. Умумий тушунишга кўра, бу объектив оламдаги ўзгаришларни келтириб чиқарадиган тана аъзоларининг ҳаракати, ташқи кўринишидир. Жиноят содир қилинаётганда субъект воқеалар ривожини кутиб ўтирмайди, балки кутилган натижага эришиш учун бевосита воқеалар ривожига таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, қилмиш хулқнинг айрим кўринишларидан бири бўлиб, маълум мотивлардан келиб чиқади ва маълум мақсадларга қаратилган бўлади.

Жиноий ҳаракатни таҳлил қилиш учун унинг ташқи ифодаси, шаклларига эътибор қаратиш лозим.

Ҳар қандай қилмиш – ҳаракатланиш кўринишида намоён бўлади. Яъни, бу ҳаракатлар инсоннинг ички йўналишларини, фикрининг ҳаракатини ифодалайди (имо-ишора, сўзлар). Аммо ташқаридан айрим тана ҳаракатларида ифодаланадиган жиноий ҳаракат улар билан чекланиб қолмайди. Жиноий ҳаракат ҳаракатлар жамини қамраб олади, шу билан бирга аҳамиятига кўра, бир хил ҳаракат ҳар хил ҳаракатланишлар билан содир қилиниши мумкин. Масалан, ҳужжатларни қалбакилаштиришни айбдор уни ўчириш, тузатиш киритиш, бошқа матн ёзиш ва ш.к. усулларда

содир қилиши мумкин, бунда жиноят содир қилиш айбдорнинг индивидуал имкониятлари, ишлатилиши мумкин бўлган қурол ва усулга боғлиқ.

Жиноий ҳаракат ташқи жиҳатдан имо-ишора шаклида (масалан, ҳақорат қилишда), бирон сўз айтиш орқали (масалан, қўрқитишда) ёки кўплаб ҳолларда бошқа шахс ёки атрофдаги турли предметларга жисмоний таъсир қилишда (масалан, давлат мулкини ўзлаштиришда ёки одам ўлдиришда милтиқ тепкисини босишда) ифодаланади.

Имо-ишора ва сўз шаклидаги ҳаракат – жабрланувчи онгига таъсир қилса, ташқи муҳит предметларига таъсир қилиш шаклидаги ҳаракат уларнинг сифат ва хусусиятларига, уларнинг жойлашувига ҳамда бошқа предмет ва ташқи борлиқ билан ўзаро алоқасига таъсир қилади ва шундай йўсинда бошқа одамларга ҳам, уларнинг хулқига ҳам таъсир қилади.

Ижтимоий хавфли ҳаракат мураккаб хусусиятга эга ва ЖКда жиноий фаолият, сохта тадбиркорлик ва сохта банкротлик кўринишида ифодаланади.

Қасддан содир қилинадиган жиноятларда ижтимоий хавфли қилмишнинг бошланғич ҳолати жиноят содир этишга шарт-шароит яратишга қаратилган тана ҳаракатларининг ташқи кўринишида ифодаланади. Эҳтиётсизликдан содир қилинадиган жиноятларнинг бошланғич вақти объектга нисбатан зарар етказилганда ёки шундай зарар етказиш хавфи вужудга келганида намоён бўлади. Бу шунда ифодаланадики, ЖКда белгиланишича эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятлар зарар етказиш билан боғлиқ.

Шундай қилиб, алоҳида олинган тана ҳаракатларининг бирлиги жиноят таркибини ташкил қилиши мумкин, лекин бу алоҳида олинган тана ҳаракатининг жиноят-ҳуқуқий аҳамиятини истисно этмайди.

Ҳар қандай қилмишнинг жисмоний белгилари шулардан иборатдир. (Ижтимоий белгилар мазкур том III бобининг «Жиноят белгилари» деб номланган 2-§ да кўриб чиқилган.)

Жиноят ҳуқуқида қилмиш деганда, фақатгина тана ҳаракатлари тушунилмасдан, балки жиноят воситаси сифатида бошқа шахслардан

фойдаланиш ҳам тушунилади. Шу билан бирга тана ҳаракатлари орқали ташқи дунё предметларидан, табиат кучлари ва неъматларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

NOTA BENE !

Жиноий ҳаракат – тана ҳаракатлари, шу билан бирга тана ҳаракатлари орқали ташқи дунё предметларидан, табиат кучлари ва неъматлари, шунингдек, бошқа шахслар воситасида жиноят содир қилиниши, жиноят объектига фаол таъсирнинг йўналтирилганлиги, яъни жиноят қонуни муҳофазасидаги ижтимоий муносабатларга зарар етказишнинг фаол кўринишидир.

Ҳаракатсизлик – бирор-бир ҳаракатдан сақланишда ифодаланадиган шахснинг пассив хулқ-атворидир.

Ҳаракатсизлик ҳаракатдан жисмоний жиҳатдан, яъни тана ҳаракатлари ва у билан боғлиқ ташқи дунё предметларини ишлатиш, табиат кучлари ва неъматларидан фойдаланилмаслиги билан фарқ қилади.

NOTA BENE !

Жиноий ҳаракатсизлик – шахснинг бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатни бажармасликда ифодаланадиган пассив хулқ-атворидир.

Аниқ ҳаракат ижтимоий жараённинг нормал фаолият юритишини таъминловчи бўғинлар занжиридаги зарурий бўғиндир. Мазкур бўғиннинг тушиб қолиши, яъни ҳаракатнинг содир этилмаслиги мазкур занжирнинг узилишини ва мувофиқ равишда зикр этилган жараённинг бузилишини англатади.

Жиноий ҳаракатсизлик муайян ҳаракатларни содир этишдан тийилишдаги ягона ҳаракатда ёки юридик жиҳатдан зарур ва объектив жиҳатдан муҳим бўлган ҳаракатни бажармасликда ифодаланадиган пассив хулқ-атвор

тизимида намоён бўлади. Жиноий ҳаракатсизлик бўлиши учун шахс, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун талаб қилинадиган ҳаракатни бажариши лозим ва шундай имкониятга эга бўлиши керак.

Бундан келиб чиқиб, ҳаракатсизликка хос бўлган икки объектив ва субъектив мезонни белгилаб оламиз.

Объектив мезон – аниқ ижтимоий зарур ҳаракатнинг уни бажариши шарт бўлган шахс томонидан бажарилмаслиги. Ижтимоий зарур ҳаракатларни содир қилиш мажбурияти нафақат жиноят-ҳуқуқий нормаларда, балки бошқа нормаларда ҳам, шу жумладан, ижтимоий нормаларда ҳам белгиланган бўлиши мумкин. Улар қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

– жиноят қонуни, масалан ЖК 117-моддасида хавф остида қолдириш учун жавобгарлик назарда тутилган;

– бошқа қонун ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган бўлиб, ЖК Махсус қисми бланкет диспозицияли моддаларида назарда тутилган, масалан, ЖК 262-моддасида транспортни таъмирлаш ёки уни фойдаланишга чиқариш қоидаларини бузиш учун жавобгарлик белгиланган;

– шахснинг ўз зиммасига олган иш ёки хизмат фаолиятига оид мажбурият, хусусан, унинг касб мажбуриятлари, масалан, врач касалга тиббий ёрдам кўрсатиши шарт, агар у биринчи ёрдам кўрсатмаса, у ЖК 116-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилади;

– шахснинг ўзи шахсни бирон ножўя ҳолатга солувчи ва унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказмаслиги учун ҳаракат қилиши мажбурияти, бунда шахс бу ҳолатда ўз ишини охирига етказиши шарт, масалан, жарроҳ операцияни бошладими, охирига етказиши шарт, агар у операцияни охирига етказмаса, у шахсга қарши қаратилган жинояти учун жавобгарликка тортилади;

– ижтимоий муносабатлар тизимида шахс хулқини мувофиқлаштириб турувчи умумижтимоий нормалар, масалан, она ўз эмизикли боласини

парваришлаши ва боқиши шарт ва агар бу ҳаракатсизлиги бола ўлимига сабаб бўлса ёки соғлигига зарар етказса, она жиноий жавобгарликка тортилади. Бу ҳолатда конкрет ҳаракат содир қилиш мажбуриятининг йўқлиги жиноий ҳаракатсизлик учун жиноий жавобгарликка тортишга асоснинг йўқлигидир.

Муайян ҳаракатларни бажариш мажбурияти шахснинг зиммасида бўлмаса, шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Ҳаракатсизликнинг **субъектив мезони** – шахснинг маълум ҳолатларда конкрет ҳаракатни содир қилиш учун реал имконият мавжудлигидир.

Бирор шахснинг конкрет ҳаракат содир қилиш учун реал имкониятининг йўқлиги ҳаракатсизликнинг субъектив мезонини ҳамда ҳаракатсизликнинг ўзини истисно қилади. Бу имкониятнинг йўқлиги шахснинг шахсий хусусиятлари билан, хусусан, унинг тажрибаси, маълумоти ва шу кабиларнинг йўқлиги билан ёки объектив шартлар туфайли, масалан, табиий офат туфайли изоҳланиши мумкин.

Агар бундай ҳаракатни бажариш мажбурияти бошқа бир ҳаракатни бажариш мажбурияти билан чегараланса, бундай қарама-қаршилик охирги заруратга оид (ЖК 38-моддаси) қоидалар билан тартибга солинади.

Бирор-бир мажбуриятни бажаришда имконият бўлгани ҳолда шахсда ушбу мажбуриятнинг вужудга келиши ҳаракатсизликнинг бошланиши ҳисобланади. Ҳаракатсизликнинг тугаши жиноий оқибатларнинг келиб чиқиши билан баҳоланади.

3-§. Жиноий оқибат

Инсоннинг ҳар бир ҳаракати атрофдаги реалликда маълум ўзгаришларни юзага келтиради. Жиноий ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг ижтимоий хавфли оқибати шундаки, у ўзи туфайли ижтимоий хавфли оқибатни юзага келтиради.

Умумий ҳолда айтсак, жиноий оқибат жиноятнинг ижтимоий муносабатларга етказадиган реал зарари бўлиб, у жиноий хулқ билан сабабий

боғланган тўғри, эгри, бевосита ва билвосита салбий ўзгаришлар (зарар, зиён, йўқотиш ва ш.к.)да ифодаланади, охирги ҳисобда эса, ижтимоий (иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий ва бошқа) қимматликлар салбий ўзгаришларга дучор бўлади. Моддий таркибли жиноятларда жиноий оқибат зарурий элемент, формал таркибли жиноятларда эса улар талаб қилинмайди, аммо оқибат келиб чиқиши мумкин.

NOTA BENE !

Жиноий оқибат жиноий қилмиш туфайли жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга моддий ёки номоддий кўринишда ифодаланадиган зарар, зиён ёхуд бошқача салбий ўзгаришда ифодаланади.

Жиноий оқибат – қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгилаб беради. Шунингдек, жиноий оқибат қилмишнинг жиноийлиги ёки жиноий эмаслигини аниқлаб беради. Жазо тайинлашда суд томонидан жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни қўллашда асос бўлиб ҳисобланади.

Жиноий-ҳуқуқий оқибатларни қуйидаги мезонларга қараб гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

– зарар табиатига қараб;

– етказилган зарарнинг хавфлилик даражасига қараб;

– қонунда белгиланишига қараб;

– жиноятни квалификация қилиш учун аҳамиятига қараб.

Зарар хусусиятига кўра, оқибат икки гуруҳга: моддий ва номоддий оқибатга ажратилади.

Моддий оқибат – жисмоний ва мулкий зарар кўринишидаги оқибат бўлиб, аниқ исботлаш ва белгилашга мойил. Жисмоний зарар – шахсга қарши жиноятларда ифодаланиб, у шахс ўлимида ёки турли даражадаги соғлиққа зарар етказишда ифодаланса, мулкий зарар эса, масалан, ўзгалар мулкини талон-торож қилишга қаратилган жиноятлар, жабрланувчи мулкини камайтиришга қаратилади.

Номоддий оқибат маънавий, сиёсий, ижтимоий-психологик ва бошқа шунга ўхшаш мазмунларда ифодаланади. Масалан, туҳмат ва ҳақорат қилишда жабрланувчи онгида ижтимоий-психологик таъсирнинг мазмуни, урушни тарғиб қилишда мафкуравий ва сиёсий мазмун муҳим аҳамият касб этади.

Номоддий оқибат эса икки турда ифодаланади:

– реал зиён кўринишидаги номоддий зарар, масалан, ЖК 144-моддаси 1-қисмида назарда тутилган зарар: «фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари»га зарар етказиш;

– зарар етказиш хавфи кўринишидаги оқибат. Масалан, ЖК 113-моддасида назарда тутилган таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш жиноятида шахс соғлиқига нисбатан хавф вужудга келади.

Етказилган зарарнинг **хавфлилик даражасига** кўра оқибат 2 гуруҳга бўлинади:

– асосий жиноят таркиби белгиси сифатида назарда тутилган, масалан, 266-моддадаги баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш;

– оғирлаштирувчи жиноят таркиби белгиси сифатида назарда тутилган, масалан, ЖК 266-моддаси 2- ва 3-қисмида жавобгарлик одамлар ўлими, ҳалокат ва бошқа оғир оқибатлар келиб чиққанда юзага келади.

Қонунда белгиланишига қараб:

– ЖК Махсус қисми моддаси диспозициясида **аниқ белгиланган** оқибат, масалан, ЖК 102-моддаси 1-қисми – эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш ёки ЖК 173-моддаси 1-қисми – мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш;

– **баҳоланувчи** оқибат, яъни қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бундай зарарнинг аниқ сони кўрсатилмаган бўлиб, улар ҳуқуқни татбиқ қилувчи органлар томонидан қилмиш содир бўлган фактик ҳолатлардан келиб чиқиб белгиланади, бунга мисол қилиб, жиноят-ҳуқуқий

нормаларда белгиланган «анча миқдордаги зарар» ёки «бошқача оғир оқибатлар» деган ибораларни кўрсатишимиз мумкин.

Квалификация учун аҳамиятлилигига қараб:

– **мажбурий**, яъни бундай оқибатларнинг бўлиши шарт, масалан, аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш (ЖК 115-моддаси);

– **қўшимча** оқибатлар, масалан, ЖК 104-моддасида назарда тутилган қасддан баданга оғир шикаст етказишнинг оқибатлари ЖК 164-моддаси 3-қисми «г» банди билан қамраб олинади ва бу ҳолатда 104-модда билан қўшимча квалификация талаб қилинмайди.

Моддий таркибли жиноят ЖК Махсус қисми моддаси диспозициясида назарда тутилган оқибат келиб чиқиши билан тугаган ҳисобланади. Бунгача жиноят жиноятга тайёргарлик ёки жиноятга суиқасд қилиш босқичида деб квалификация қилинади.

Моддий таркибли жиноятлардан фарқли равишда, формал таркибли жиноятлар қилмиш содир қилинган дақиқадан тугаган ҳисобланади, чунки ЖК Махсус қисми формал таркибли жиноят диспозицияларида оқибат кўрсатилмаган, шу сабабли бу жиноятлар учун оқибат келиб чиқиши талаб этилмайди.

4-§. Қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш

Моддий таркибли жиноятнинг яна бир зарурий шарти қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланишдир.

Таъкидлаш жоизки, жиноят қонуни билан сабабий боғланиш аниқланмаган. ЖКда сабабий боғланишни ифодаловчи оддий атама «етказиш» ҳисобланади (масалан, ЖК 104-моддасида). Лекин ЖК моддаларининг айрим диспозицияларида «юқтириш» (ЖК 113-моддаси 2-, 3- ва 4-қисмлари), «нобуд қилиш ёки зарар етказиш» (ЖК 173-моддаси) каби атамалар ҳам учраб туради.

NOTA BENE !

Моддий таркибли жиноят объектив томонининг зарурий белгиларидан яна бири – **сабабий боғланиш** – сабабни ифодаловчи ижтимоий хавфли қилмиш ҳамда натижани ифодаловчи ижтимоий хавфли оқибат ўртасидаги алоқадир.

Ҳозирги замон миллий жиноят қонунчилиги ва суд амалиёти содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш билан ижтимоий хавфли оқибат ўртасидаги сабабий боғланишнинг объективлигидан келиб чиқади. Бошқача айтганда, қилмиш билан оқибат ўртасида ҳар доим объектив кетма-кетлик мавжуд бўлади. Бундай ёндашиш моддий таркибли жиноятларнинг зарурий белгиси бўлмиш сабабий боғланишнинг моҳиятини очиб беришга ёрдам беради.

Сабабий боғланиш учун бир қатор белгилар хосдир.

Биринчидан, сабабийлик – **объектив** категория ва шахснинг қилмишга ва оқибатга бўлган субъектив муносабатидан ҳоли равишда ўрганилиши керак.

Иккинчидан, жиноят ҳуқуқидаги сабабий боғланиш **ҳодисалар ўртасидаги умумий универсал сабабий алоқанинг қисмидир** ва бунда ижтимоий хавфли оқибат ҳақиқатда қилмиш натижасида юзага келганлигини аниқлаш керак ҳамда бу қилмишни оқибат келтириб чиқариши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай ҳолатлардан ажратиб олиш керак.

Учинчидан, **сабаб доим оқибатдан олдин келиши керак.** Оқибатдан кейин содир этилган қилмиш ушбу оқибатнинг сабаби бўла олмайди. Бунда сабаб ва оқибат ўртасидаги вақт муддатининг қанчалиги ҳисобга олинмайди. Бу масала қасднинг мазмуни ва йўналиши билан белгиланади.

Тўртинчидан, **зарурий** сабабий боғланишгина жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга («зарурий етказиш» назарияси)[1]. Бу шуни англатадики,

[1] Впервые данная теория была обоснована А.А. Пионтковским. (Пионтковский А.А. Проблема причинной связи в праве. – М.: 1949. – С. 135; его же. Учение о преступлении. – М.: 1961. – С. 212-240).

қилмиш оқибат келиб чиқишининг зарурий шарти бўлган тақдирдагина сабабий боғланиш мавжуд бўлади, яъни бу қилмишсиз оқибат вужудга келиши мумкин эмас. Бошқа томондан оқибат келиб чиқишига бошқа бирор сабаб эмас, айнан шу қилмиш ҳал қилувчи шарт бўлган бўлиши керак[1].

Моддий таркибли жиноятларда қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни тушуниш учун қуйидаги ҳолатларни аниқлаш талаб этилади:

– қилмиш ва оқибатнинг ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф бўлганлиги;

– содир қилинган қилмиш туфайли ўша оқибат келиб чиққанлиги;

– тугалланмаган жиноятда қилмиш тугалланган жиноят таркибининг объектив томони зарурий белгиси – номоддий оқибат ёки бошқача тарздаги оқибат келтириб чиқариши хавфини юзага келтирганлиги;

– бир неча оқибат юзага келганида ушбу қилмиш ҳар бир оқибатнинг сабаби бўлганлиги ёки бошқа оқибатларни келтириб чиқарган бир оқибатнинг сабаби бўлганлиги ва бошқалар.

Бундан хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, сабабий боғланиш – иккита ҳолат ўртасидаги алоқа бўлиб, бу ҳолатлардан бири (сабаб) иккинчи ҳолатни юзага келтиради.

Сабабий боғланиш жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгиси бўлиши учун қуйидаги ҳолларда шаклланган бўлиши лозим: зарар келиб чиқиши реал имконияти юзага келганидан, то уни ҳақиқатга айлантирилгунга қадар бўлган даврда мавжуд бўлганда. Ижтимоий зарарли оқибат келтириб чиқарувчи реал имкониятни юзага келтирмайдиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижани келтириб чиқармайди ва жиноий жавобгарликни ҳам келтириб чиқармайди. Аммо объектив тасодиф (ҳам ички, ҳам ташқи) туфайли бундай реал имкониятлар ҳақиқатга кириб кетиши мумкин. Шунинг учун айбдорнинг қилмиши ва шу қилмиш натижаси – оқибатнинг боғлиқлиги – сабабий боғланиш исботлаш жараёнининг зарурий босқичидир.

[1] Отечественная наука уголовного права не признает принципа «condition sine qua non» - «условие без которого нет», согласно которому все предшествующие условия наступившего результата признаются равноценными, в связи с чем каждое из них рассматривается как причина наступившего последствия.

5-§. Жиноятнинг объектив томони факультатив белгилари ва уларнинг аҳамияти

Жиноят таркиби объектив томонининг **факультатив белгилари** қуйидагилар: жиноят содир қилиш жойи, вақти, ҳолати, усули, қуроли ва воситаси кабилардир. Улар назарий жиҳатдан факультативдир. Аммо амалиётда улар жиноятни очиш, квалификация қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Бу белгилар қонунда бевосита кўрсатилган бўлса, улар зарурий белги бўлиб ҳисобланади.

NOTA BENE !

Жиноят содир қилиш **жойи** – бу жиноят содир қилинган чегараланган ҳудуд, жой, географик нуқта бўлиб, унга масалан, уй-жой, ўрмон, омбор ва шу кабилар кириши мумкин.

Жиноят содир қилиш жойи жиноят қонуни амал қиладиган бутун Жиноят кодекси 11–12-моддаларидаги принципга кўра белгиланган ҳудудда жиноий жавобгарликни юзага келтиради. Бу ҳолатда жиноят содир қилиш жойи ҳудуд ва фуқаролик принципларига асосан белгиланади. Бу принциплар асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида содир қилинган жиноятлар учун жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинади. Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси диспозициясида назарда тутилган ҳолларда жиноят содир қилиш жойи жиноятнинг зарурий белгиси бўлади, масалан, Жиноят кодекси 202-, 220-, 222-моддалари.

Агар модданинг диспозициясида жиноят содир қилиш жойи зарурий белги бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари жиноятнинг айнан ўша жойда содир бўлганлигини аниқлашлари лозим.

NOTA BENE !

Жиноят содир этиш **вақти** секунд, минут, соат, сутка, ой каби вақт бирликлари билан ўлчанадиган маълум давр бўлиб, айнан шу даврда жиноят содир қилинади.

Жиноят содир қилиш вақти жиноят содир қилиш жойи каби жиноий жавобгарликнинг умумий шартлари ва факультатив белгиси сифатида чиқади. Умумий шарт сифатида жиноят содир қилиш вақти Жиноят кодекси 13-моддасида белгиланган ва умуман Жиноят кодексини қўллашда муҳим аҳамиятга эга. Жиноят содир қилиш вақти Жиноят кодекси Махсус қисми диспозициясида махсус тарзда белгиланган ҳолларда аҳамиятга эга, масалан, Жиноят кодекси 99-моддаси онанинг ўз чақалоғини туғиш вақтида ёки туғилиши ҳамон қасддан ўлдиришини назарда тутади. Ёки бўлмаса, қоровул хизматини ўташ қоидаларини бузиш жинояти (ЖК 291-моддаси) фақатгина мана шу хизматни ўтаётган вақтда содир этилиши мумкин.

Камдан-кам ҳолларда жиноят содир қилиш вақти Жиноят кодекси моддалари диспозицияларида назарда тутилади. Аммо назарда тутилган ҳолларда уни аниқ белгилаб олиш зарур. Вақт аниқ кўрсатилмаган бўлиши мумкин, лекин у айнан назарда тутилади. Масалан, сайлов натижаларида овозларни нотўғри ҳисоблаш жинояти учун жавобгарлик фақат сайлов вақтида юзага келади (ЖК 146-моддаси).

Жиноят кодексида жиноят содир қилиш **усули** тўғрисида кўп гап боради, чунки айнан жиноят содир қилиш усули бир-бирига яқин жиноятларни бир-биридан фарқлаш мезонидир. Шу билан бирга, жиноят содир қилиш усули якка ҳолда ҳам, бир гуруҳ ҳолатида ҳам ифодаланиши мумкин.

NOTA BENE !

Жиноят содир қилиш **усули** – бу жиноят содир қилинаётганда айбдор томонидан жиноятни содир қилишда ишлатиладиган аниқ услуб ва усуллар ёки уларнинг бирлигидир.

Жиноят таркибининг умумий таърифи нуқтаи назаридан жиноят содир қилиш усули икки маънода келади:

– жиноят таркиби объектив томонининг зарурий ва альтернатив белгиси сифатида;

– объектив томонининг факультатив белгиси сифатида.

Биринчи гуруҳдаги маъно Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида аниқ жиноят турини тушунарли ва аниқ ҳолда таърифлайди ҳамда уни бошқа жиноятлардан ажратиб, уни индивидуаллаштиради.

Иккинчи – факультатив маънода эса, жиноят содир қилиш усули қўшимча равишда Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари диспозициясида квалификацияловчи белги сифатида назарда тутилади, хусусан, ЖК 97-моддаси 2-қисми «д» бандида бошқалар ҳаётига хавфли усулда одам ўлдириш жинояти ёки 244-модданинг биринчи қисмидаги жиноят.

Жиноят содир қилиш **қуроли** ва **воситаси** – моддий дунё неъматлари бўлиб, улар ёрдамида шахс жиноят содир қилади, яъни жиноятнинг нима ёрдамида содир қилиниши уларнинг жиноят таркиби белгиларига қўшилишига сабаб, улар жиноят содир қилинишини енгиллаштиради, бу эса жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражасини оширади. Уларнинг биргаликда ўрганилишига сабаб эса, уларнинг бир бутунни ташкил этишидадир. Жиноят содир қилиш қуроли жиноят содир қилиш воситаларининг бир қисми дейилади. Қонунчиликдаги кўп жойларда улар бир категориядек баҳоланган, масалан, жиноят содир қилиш қуроли ва воситаси (ЖК 31-моддаси 2-қисми).

Аммо улар ўртасида фарқ ҳам бор. Жиноят содир қилишда жиноят қуроли ва воситасини аниқлаш ва бир-биридан фарқлашда қилмишнинг жиноят-ҳуқуқий маъносидан келиб чиқиш, жиноят содир қилиш учун айнан қандай предметнинг ишлатилиши, яъни бу қилмиш жиноят-ҳуқуқий норма билан тақиқланган ёки йўқлигини аниқлаш лозим.

NOTA BENE !

Жиноят содир этиш **қуроли** – жиноят содир этишга ихтисослаштирилган ва жиноят содир этишда бевосита ишлатиладиган моддий дунё предмети.

Жиноят содир этиш қуроллари ўқотар ва совуқ қуроллар, инсоннинг турли эҳтиёжлари учун ишлатиладиган турли хил предметлар бўлиши мумкин (лом, белкурак, кетмон ва ш.к.). Бир сўз билан айтганда, булар ҳаммаси шахснинг соғлиқига, шунингдек, ЖК билан қўриқланадиган бошқа объектларга зарар етказишга қаратилган, шунга ихтисослаштирилган предметлар.

NOTA BENE !

Жиноят содир қилиш **воситаси** – жиноят содир этишни енгиллаштириш учун ишлатиладиган восита-предмет.

Масалан, ерда, сувда ва ҳавода ҳаракатлана оладиган механизациялаштирилган транспорт воситалари ҳайвонот олами вакилларини ов қилиш имкониятини енгиллаштиргани боис, қонун чиқарувчи буни ҳам назарда тутган ҳолда бунинг учун ҳам жиноий жавобгарликни назарда тутган (ЖК 202-моддаси 3-қисми «в» банди), бу ҳолатда механизациялаштирилган транспорт воситалари жиноят содир қилиш воситаси сифатида ишлатилган.

Жиноят содир этиш қуролларидан фарқли ўлароқ жиноят содир этиш воситалари ўз мазмунига кўра жиноят қонуни билан қўриқланадиган

объектларга зарар етказишга ихтисослашмаган. Лекин улар ёрдамида жиноят содир этишни енгиллаштириш мумкин.

NOTA BENE !

Жиноят содир қилиш **ҳолати** – бу бир қатор объектив шарт-шароитлар (вақт, жой ва бошқ.) ёки уларнинг бирлиги бўлиб, уларнинг борлиги шароитида ижтимоий хавфли қилмиш содир қилинади.

Жиноят содир этиш ҳолати қилмишни квалификация қилишда таъсир кўрсатиши ҳамда жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолат сифатида хизмат қилиши мумкин. Хусусан, агар ҳарбий жиноят жанговар шароитда содир қилинса, жиноий жавобгарлик ва жазо оғирроқ бўлади. Масалан, жанговар шароитда ҳарбий қурол-аслаҳаларни, ҳарбий техникани ёки ҳарбий мулкни қасддан бузиш ёки шикаст етказиш оғирроқ жиноий жавобгарликка тортилади (ЖК 295-моддаси 3-қисми). Ёки оммавий тартибсизликлар жараёнида жиноят содир қилиш (ЖК 97-моддаси 2-қисми «е» банди). Шу билан бирга, масалан, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашда зарур чора-тадбирлар чегарасидан четга чиқиб ўлдириб қўйиш жиноят ижтимоий хавфлилик даражасини камайтиради (ЖК 101-моддаси).

Жиноят таркиби объектив томони белгиларини ўрганишда асосан жиноят ижтимоий хавфлилигини ҳар томонлама ва объектив ҳал қилиш, жиноятнинг шартлари ҳамда бошқа ҳолатларини ўрганиш, жиноий жавобгарликка тортилиши лозимми ёки ижтимоий таъсир чораларининг ўзи етарли ё етарли эмаслиги каби масалалар ҳал қилинади. Масалан, жиноят содир этишнинг аниқ ҳолати фақатгина сабабий боғланишни аниқлашга таъсир қилиб қолмасдан, балки айбдорни жавобгарликка тортиш ва қилмишни квалификация қилишда муҳим роль ўйнайди. Жиноят содир этиш вақтини аниқлашнинг жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишда ҳам ўрни бор. Жиноят содир этиш

вақти жиноят қонунини қўллашда ҳам ўз ифодасини топади. Жиноят содир қилиш жойи қилмишни тўғри квалификация қилишда ҳам аҳамиятга эга, яъни жиноят содир этилган жой бўйича жиноят қонуни амалда қўлланилади.

«Жиноятнинг объектив томони» мавзуси юзасидан якуний саволлар

1. Жиноятнинг объектив томони нима? Унинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?

2. Жиноятнинг объектив томонини қандай белгилар ташкил этади? Жиноят объектив томони зарурий ва факультатив белгиларининг роли ва мазмун-моҳияти қандай?

3. Жиноий хулқнинг акти сифатида ҳаракатнинг мазмуни нимадан иборат?

4. Ҳаракатсизликда жиноий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг. Ҳаракатсизликнинг объектив ва субъектив мезонлари нимадан иборат?

5. Жисмоний ва руҳий мажбурлаш деганда нима тушунилади?

6. Жиноий оқибатлар нима? Уларнинг жиноий-ҳуқуқий моҳияти қандай?

7. Жиноий оқибатларнинг турларини айтинг. «Оғир оқибатлар» тушунчаси билан қамраб олинадиган оқибатларнинг турларини аниқланг.

8. Жиноий қилмиш ва жиноий оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш нималардан иборат?

9. Жиноий моҳиятга эга бўлган сабабий боғланиш қандай мезонларга (белгиларга) жавоб бериши керак?

10. Жиноят таркиби объектив томонининг факультатив белгиларини таърифлаб беринг.

11. Жиноят содир қилиш жойи ва ҳолати ўртасидаги фарқ нимадан иборат.

12. Жиноят содир этиш қуроли жиноят содир қилиш воситасидан нима билан фарқланади?

Қўшимча адабиётлар

Ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар

Бойко А.И. Преступное бездействие. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2003. – 320 Б.

Кудрявцев В.Н. Объективная сторона преступления. – М.: Госюриздат, 1960. – 244 Б.

Малинин В.Б. Причинная связь в уголовном праве. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2000. – 316 Б.

Тимейко Г.В. Общее учение об объективной стороне преступления. – Ростов-на-Дону: Издательство Ростовского университета, 1977. – 215 Б.

Церетели Т.В. Причинная связь в уголовном праве. – Тбилиси: 1957. – 274 Б.

Ярмыш Н.Н. Теоретические проблемы причинно-следственной связи в уголовном праве. Философско-правовой анализ. –Харьков: 2003. –524 Б.

Илмий мақолалар

Абзалова Х.М. Роль и значение объективной стороны при квалификации преступлений. // Жиноят ишлари юритишда суд фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.ТДЮУ, 2016. – Б.15-19.

Марцев А.И. Общественная вредность и общественная опасность преступления // Ж. Правоведение. 2001. № 4. – 150–151-б.

Рустамбаев М.Х., Ниёзов А. Ответственность за угрозу в зарубежном законодательстве // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. 2000. №2. – 64–68-б.

Тарасов А. О причинно-следственной связи в современном уголовном праве // Ж. Уголовное право. 2002. № 2. – 61-б.

Хачатуров Р. Время как признак объективной стороны правонарушения // Ж. Закон и право. 2006. № 7. – 28-б.

VII БОБ. ЖИНОЯТНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ

1-§. Жиноятнинг субъектив томони тушунчаси ва аҳамияти

Субъектив томон жиноятнинг руҳий мазмунини таърифлаб, у жиноят ташқи кўриниши, яъни объектив томони билан чамбарчас боғланган. Агар жиноятнинг объектив томони – бу ташқи кўриниши бўлса, субъектив томони эса, тескариси – ички мазмуни бўлади. Субъектив томон ўзида жиноят таркибининг муҳим элементини ифодалайди. Унинг йўқлиги эса, жиноят таркиби мавжудлигини рад этади, субъектив томонни тўғри белгилаш эса, айбдорнинг хатти-ҳаракатларини тўғри, асосли ва адолатли квалификация қилинишини таъминлайди.

NOTA BENE !

Жиноят таркибининг **субъектив томони** айбдорнинг жиноят қонунида жиноят сифатида назарда тутилган, айбдор ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмишига нисбатан бўлган руҳий муносабати бўлиб, унинг айби, мотиви, мақсади ва ҳис-туйғусини ифодалайди.

Жиноятнинг субъектив томонини ва унинг айрим белгиларини тўғри аниқлаш тергов ва суд амалиётида анча қийинчиликларни келтириб чиқариб, бу кўп ҳолларда содир қилинган қилмишни квалификация қилишда хатоларга олиб келади.

Жиноят таркибининг элементи сифатида субъектив томон интеллектуал, иродавий, ҳис-туйғу ҳолати каби турли вақтларда қилмишнинг ўзига боғлиқ ҳолатлар ва бир вақтнинг ўзида ёки келажакда юз берадиган ҳолатларда ифодаланади.

Шу билан бирга жиноят қонунчилиги, энг муҳим воқеа-ҳодиса сифатида субъектив томонни ифодаловчи ва жиноятни квалификация қилишда ва жазо тайинлашда жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эгалигини кўрсатади.

Жиноят қонунчилигида айбдорнинг ўз қилмишига бўлган руҳий муносабати характерига кўра, жиноят таркибининг субъектив томони ўз ичига айб, мотив, мақсад ва ҳис-туйғу каби белгиларни олади.

Айб – бу барча турдаги жиноят таркиби субъектив томонининг мажбурий белгиси ҳисобланади. Айб, шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмиши (ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги)га нисбатан руҳий муносабатида ва ушбу ижтимоий хавфли қилмиш натижасида келиб чиққан оқибатида кўринади. Айб қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида бўлиши мумкин.

Мотив шахснинг жиноят содир этишга бўлган ички майли ва хоҳишида кўринади.

Мақсад – бу айбдорнинг шундай тасаввурики, унда ўзи истаган натижага жиноят содир этиш билан эришиши учун интилиши тушунилади.

Мотив ва мақсад факультатив белгилар бўлиб, яъни улар ҳар қандай таркибни ҳам ифодаламайди. Қачонки улар ЖКнинг махсус қисми диспозициясида кўрсатиб ўтилганида ёхуд уларнинг мавжудлиги юридик табиатнинг аниқ бир жиноят таркибидан келиб чиққанида, мотив ва мақсад мана шу жиноят таркиби субъектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Ҳис-туйғу шахс жиноят содир этишида ўзида ҳис қиладиган ички кечинмаларда кўринади.

Айтиш керакки, айрим олимлар ҳис-туйғуни, жиноят ҳуқуқида унча муҳим аҳамиятга эга бўлмаганлиги учун субъектив томон таркибига киргизишмайди. Қонун чиқарувчилар томонидан ҳам қоида бўйича ҳис-туйғу тушунчаси ишлатилмайди. Бироқ қуйидаги: кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (ЖК 98-моддаси); онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши (ЖК 99-моддаси); кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 106-моддаси)

каби жиноят таркиблари истиснони ташкил этади. Бундай ҳолатларда, одам ўлдирганлик ва қасддан баданга шиксат етказганлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида, субъектнинг жиноят содир этиш вақтидаги муайян эмоционал ҳолати, яъни унинг чуқур ҳис-туйғуга бой кечинмалари, жабрланувчи томонидан Ғаламислик (ҳуқуққа ёки ахлоқ қоидаларига зид) ҳаракатларини ёки узоқ вақт руҳий азобланишни келтириб чиқарганлиги ҳолатлари яққол кўриниб туради.

Жиноят субъектив томонининг белгилари бўлмиш: айб, мотив, мақсад ва ҳис-туйғу кабилар тўғрисида қуйида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Таъкидлаш жоизки, жиноятни тўғри квалификация қилишда жиноят **субъектив томонининг мазмуни** қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

– биринчидан, субъектив томон ҳар қандай жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Унинг мавжуд эмаслиги эса, қилмишнинг жиноийлигини истисно этади;

– иккинчидан, жиноят таркибидаги барча белгиларни ўз ичига олган жиноятнинг субъектив томонини белгилаш содир этилган қилмишнинг тўғри ва асосли квалификация қилинишининг мажбурий ва зарурий шартидир;

– учинчидан, субъектив томоннинг тўғри белгиланиши, объектив белгилари бўйича ўзаро бир-бирига боғланган жиноят таркибини бир-биридан ажратишда ёрдам беради;

– тўртинчидан, субъектив томоннинг таркиби (мазмуни) шахснинг содир этган жиноий қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлаш имконини беради. Масалан, жиноятга пухта тайёргарлик кўриш, уни содир этишнинг тафсилотларини ўйлаб чиқиш, субъектнинг юқори даражадаги хавфли шахслигидан далолат беради. Шунингдек, аксинча, тўсатдан юзага келган ҳолатлар натижасида содир этилган жиноятлар ёки руҳий кечинмалар таъсири остида содир этилган жиноятлар субъектнинг ижтимоий хавфлилиги паст даражадаги шахс эканлигини ифодалайди;

– бешинчидан, жиноят субъектив томонининг тўғри белгиланиши, жиноий жавобгарликни ва озодликдан маҳрум этиш каби жазоларни индивидуаллаштириш учун шарт-шароит ҳисобланади;

– олтинчидан, содир этилган қилмишнинг субъектив томонини аниқ таҳлил қилиш, жиноий жавобгарликка олиб келадиган ижтимоий хавфли қилмишни, жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектларга зарар етказган бўлса ҳам, жиноий бўлмаган қилмишдан ажратиб олиш имконини беради;

– еттинчидан, субъектив томонни тўғри аниқлаш – жиноят ҳуқуқининг қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик каби тамойилларини таъминлаш ва мустаҳкамлашнинг зарурий шартидир.

2-§. Айб тушунчаси ва шакллари

Айб учун жавобгарлик принципи ЖК 9-моддасида келтирилганидек, шахснинг қонунда белиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлишида ифодаланади. Айбсиз зарар етказганлик учун жиноий жавобгарликка тортишга йўл қўйилмайди.

«Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди»[1]. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартириш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 90-моддасининг иккинчи қисмига тузатиш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32, 78, 93, 98, 103 ва 117 моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 4-бандига, 81-моддасининг еттинчи қисмига, 83-моддасига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13 ва 14- бандларига, 107-моддасининг биринчи қисмига, 110-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига, 111-моддасига ўзгартишлар ва қўшимча киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 5 ва 12-бандларига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13-бандига ҳамда 108, 109-моддаларига ўзгартишлар киритилган. Ўзбекистон

айбни содир этилган жиноятнинг асосий элементларидан бири сифатида кўрсатиб, унинг тушунтиришига кўра, ҳукм шахснинг айбдорлигини (айбсизлигини) белгилайди, ҳуқуқий жиҳатдан унинг ҳаракатини (ҳаракатсизлигини), жазо тури ва миқдорини аниқлайди[1].

Айб жиноий жавобгарлик ва жазонинг субъектив зарурий дастлабки шарти ҳисобланади.

NOTA BENE !

Айб – шахснинг ўзи томонидан содир этилган, ЖКда назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиши (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)га ва унинг ижтимоий хавфли оқибатларига нисбатан бўлган руҳий муносабатининг қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги кўринишидир.

Айб, шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмишига ва шунинг натижасидаги ижтимоий хавфли оқибатларига нисбатан бўлган руҳий муносабати сифатида жиноят субъектив томони таркибини батамом тугатмасада, унинг ядросини ташкил этади. Шу билан бирга, айб ўзида субъектив томоннинг зарурий белгисини ифодалайди, бўлмаганида эса, жиноят таркиби бутунлай бўлмайди, шундай экан, жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳам асос бўлмайди.

Айбли ишларни қилишга фақат ўз хатти-ҳаракатини англаб етиш ва уларни бошқара олиш қобилиятига эга одам қодир, шундай экан, ақли расолик айбнинг дастлабки шарти бўлиб чиқади.

Руҳий муносабат билан ҳар қандай муносабат ўртасида боғлиқлик мавжуд. Бу боғлиқлик субъект (шахс) ва объект ўртасида, субъект атрофида

Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 99 ва 10-моддаларига ўзгартишлар киритилган.) – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 11 б.

[1] См.: Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 2 мая 1997 г. № 2 «О судебном приговоре» (с изменениями и дополнениями, внесенными постановлениями Пленума Верховного суда Республики от 14 июня 2002 г. № 10, 19 декабря 2003 г. № 20 и 3 февраля 2006 г. № 5) // Сборник. Т.I. –С.335.

табиат, бошқа одамлар, ижтимоий шароит, жамият манфаати каби воқелик ёки унинг алоҳида томонларининг кўринишидадир. Одам ўз онгли мақсадини қўя билишида ва унга эришишида ифодаланадиган муносабатини англаш қобилиятига эга бўлади. Бу одамнинг руҳий муносабатининг фаоллиги муносабат предметининг таркибига ва аниқ бир шахсга боғлиқ бўлган унинг танлаш характеридан келиб чиқади. Шунинг учун ҳар бир ҳаракат руҳий лаҳзаларни ифодалаб, бир неча аниқ аспектларни ўзи ичига олади. Айб (ёки руҳий муносабат) нинг бу аспектлари бўлиб онг ва ирода ҳисобланади.

Шундай қилиб, айб икки (компонент): интеллектуал ва иродавий элементдан ташкил топган.

Улар руҳий соғлом (ақли раco) одамнинг объектив борлиқни, хусусан, ўз ҳаракатини ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий аҳамиятини англашида ва баҳолашида; ижтимоий хавфлилигини эътиборга олган ҳолда қилмишнинг оқибатларини олдиндан кўра билиш (содир этилаётган ҳаракатлар билан унинг келтириб чиқарадиган оқибатлари ўртасидаги сабабий боғланишнинг ривожланишини тушуниш); узоқни кўра билишга эга бўлиши, яъни анча узоқдаги оқибатларни кўра билиши ҳамда орттирилган тажриба, билим, маҳорат билан боғлиқ юқори диққатни ва руҳий кучни талаб этади; мақсадга эришиш учун интилиш, натижага эришишни хоҳлаш ёки бунга лоқайдлик билан қараш, яъни у ёки бу оқибатнинг келиб чиқишини хоҳламаслик (иродавий жиҳат); ўзининг ҳис-туйғуларини билдириш, эмоционал реакцияларини ёки ҳолатини кўрсатишда аниқ кўринишда ифодаланади.

Айбнинг **интеллектуал элементи** барча юридик аҳамиятга эга бўлган содир қилинаётган қилмишнинг объектив хусусиятини: тажовуз қилинаётган объект ёки предметнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг характерини, хавфли оқибатларнинг ва бошқаларнинг оғирлик даражаси ва характерини англаш ёки англаш имкониятини ўз ичига олади.

Айбнинг **иродавий элементи** ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш натижасида реал борлиқдаги ўзгаришларга бўлган жиноят субъекти иродасининг муносабатини ифодалайди.

Жиноят субъекти руҳиятида кечадиган интеллектуал ва иродавий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги (бирикма)дан келиб чиққан ҳолда, кўринишидан бир хил бўлган шакл доирасида айб шаклларга бўлинади.

NOTA BENE !

Айбнинг шакли – бу жиноят содир этувчи шахснинг, ўз қилмишига нисбатан бўлган муносабатини ифодаловчи онг ва ирода элементларининг жиноят қонуни билан ўрнатилган ўзаро боғлиқлиги (бирикмаси)дир.

Қонунчилик тузилиш шаклига мувофиқ, айбнинг тузилиши **қасд** ва **эҳтиётсизлик** шаклида бўлади. **ЖК 20-моддасига** мувофиқ, «Ушбу Кодексда назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс жиноят содир этилишида айбдор деб топилиши мумкин».

Айбнинг ҳар бир шакли бир неча турларга бўлинади. Қасд тўғри ва эгри қасдга бўлинади **(ЖК 21-моддаси)**, эҳтиётсизлик эса, ўз-ўзига ишониш ва бепарволикка бўлинади **(ЖК 22-моддаси)**.

Жиноий тажовузнинг хусусияти ва шахснинг ўзи содир этган қилмишига бўлган муносабатининг баъзи даражаларида намоён бўлганидек, ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмиш қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилади.

Тўғри ёки эгри қасдда интеллектуал элемент ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг ижтимоий хавфини англашни ва ижтимоий хавфли оқибатларининг келиб чиқиши мумкинлигини ёки муқаррарлигини ёки фақат уларнинг келиб чиқиш имкониятини олдиндан кўра билишни (эгри қасдда) ифодалайди, иродавий элемент эса, хоҳиш (тўғри қасдда) ёки онгли равишда

йўл қўйишда ёки унга бепарво муносабатда бўлишда (эгри қасдда) ифодаланади.

Жиноий ўз-ўзига ишонишда, интеллектуал элемент ўз-ўзига ишонишнинг ижтимоий хавфли оқибатларининг келиб чиқиши эҳтимолини олдиндан кўра билишда ва уларнинг олдини олишга етарли асослар бўлмаганида, иродавий элемент эса, уларнинг келиб чиқишини истамасликда, уларнинг олдини олишга интилишда ифодаланади.

Жиноий бепарволик учун интеллектуал ва иродавийликни инкор этувчи элементлар хосдир, ижтимоий хавфли оқибатларга мумкин ва зарур бўлган муайян интеллектуал муносабатнинг, яъни шахснинг бу оқибатларни кўришининг ва олдиндан кўра билишлигининг мавжуд эмаслиги хосдир.

Иродавий жараённинг моҳияти, айбнинг қасдли шаклида шахснинг ўз хатти-ҳаракатларини онгли равишда олдиндан белгиланган ёки олдиндан кўра олиши мумкин бўлган мақсадига йўналтиришида, эҳтиётсизликда эса, ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатларини ўйламаслигида ва эътиборсизлиги натижасида ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишида кўринади. Эҳтиётсизликнинг иродавий элементининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда шахс керакли руҳий зўр беришни, руҳий кучни ишлатмайди, ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқариш имкониятига эга бўлса ҳам, ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқаришдан қочади.

Суд томонидан шахснинг хусусиятини ва унинг содир этган қилмишига муносабатини ҳисобга олган ҳолда, унга жазо тайинланаётган вақтда руҳий кўринишлари ҳам ҳисобга олинади.

Айб фақат юридик жиҳатдан қонунчилик томонидан белгиланган форма ва шаклларда мавжуд. Шу билан бирга қонунчилик айбнинг бошқа шаклини, яъни жиноят содир этишда қасд ва эҳтиётсизликни ажратиб кўрсатади (**ЖК 23-моддаси** – қилмишга нисбатан қасд ва келиб чиққан оқибатларга нисбатан эҳтиётсизлик).

Айб шаклининг мазмуни айбнинг шакли ва унинг қонуний белгиланиши айбдорнинг ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш

чегараларини кўрсатиб беришга олиб боради. Субъектнинг содир этган қилмишига бўлган турли хил руҳий муносабати фақат шу ажратиб кўрсатилган чегаралар ичида бўлганида айбли деб топилиши мумкин.

Агар қонун фақат қасддан ижтимоий хавфли қилмиш содир этишга жиноий жавобгарликни белгиласа, айбнинг шакли жиноий ҳаракатни жиноий бўлмаган ҳаракатдан ажратиб беради. Масалан, болани алмаштириб қўйиш, агар эҳтиётсизлик орқасида содир этилса, жиноий жавобгарликка олиб келмайди.

Шу каби ҳодисалар қаторида айбнинг шакли жиноий жавобгарликни қонуний табақалаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга оғир ёки ўртача оғирликда шикаст етказиш, мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш каби қилмишлар эҳтиётсизлик орқасида содир этилганларига қараганда, улар учун жавобгарлик анча қаттиқроқ.

Қасд ва эҳтиётсизликнинг кўриниши жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмасдан, жиноий жавобгарлик ва жазони индивидуаллаштиришда муҳим мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бошқача сўз билан айтганда, агар жиноят тўғри қасд билан содир этилган бўлса, эгри қасд билан содир этилганга нисбатан у ўзида анча кўпроқ даражада хавфлиликни кўрсатади, жиноий ўз-ўзига ишониш эса, бепарволикка нисбатан анча хавфлироқ эканлигини кўрсатади.

Фақат айбнинг қасд шакли билан жиноят содир этишнинг бир неча ҳуқуқий оқибатлари боғланган. Чунончи, рецидив жиноятларни белгилаш фақат илгари қасддан содир этилган жиноятлар учун ҳукм қилиниши билан боғлиқ (ЖК 34-моддаси). Жиноий фаолиятнинг бошланиши ва жиноят содир этишда иштирокчилик каби тушунчалар айбнинг фақат қасд шаклини тақозо этади; айбнинг шакли (ижтимоий хавфлилик даражасига боғлиқ ҳолда) жиноятларни категориялар бўйича квалификация қилишнинг асосида ётади.

Ва ниҳоят, айбнинг шакли жазони, шунингдек, унинг ўталиш шарт-шароитларини олдиндан белгилаб беради.

Қонунчиликни лойиҳалаштиришда ЖКнинг Махсус қисми моддаларида кўрсатилганидек, айбнинг шакли нормаларнинг диспозициясида тўғридан-тўғри кўрсатилади ёки назарда тутилади (масалан, ЖК 97-моддаси – қасддан одам ўлдириш). Охирги вазиятда айбнинг қасд шаклига қонунчиликда кўрсатилган хусусият (ўғрилик, талончилик, номусга тегиш, туҳмат, пора олиш ёки бериш ва ҳ.к.) ёки қонунчиликда кўрсатилган қилмишнинг айни бир мақсади ёки содир қилинаётган қилмишнинг ўзбошимчалиги ва ноқонунийлиги ё бўлмаса, жиноят таркибига қилмишнинг махсус мотивини киритиш кўрсатилади.

Эҳтиётсизлик, асосан, диспозицияда кўрсатилган, ўз вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, ҳаракатсизлик (агар бундай ҳаракат қандайдир мақсад ёки мотивни туғдирган бўлмаса) кабиларда аниқ ифодасини топади.

Шундай қилиб, айбнинг ички тузилиши билан боғланган айбнинг шакли ва бошқа элементлари (иродавий ва интеллектуал элементлари), шахснинг ўзини ўраб турган реал воқеликка бўлган руҳий муносабатини белгиловчи айбнинг моҳиятини ташкил этади. Бошқача айтганда, айбнинг ижтимоий-ҳуқуқий моҳияти, жиноят қонунчилиги билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмишни жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят сифатида аниқлашига таянади. Бундай моҳият, айб ўзида шахс ўзи қилган ҳар қандай қилмишлари ва унинг оқибатлари учунгина руҳий муносабатини намоён этмайди, балки у фақат жазо қўллаш таҳдиди билан қўриқланадиган ижтимоий хавфли, яъни Жиноят кодекси билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар учун хавфли қилмишларни намоён этади. Айбдор шахс жиноят содир эта туриб, қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида давлат томонидан ўрнатилган қадриятларга нисбатан ўзининг салбий ички муносабатини намоён этади.

Айбнинг ижтимоий моҳияти, салбий (қасддан содир этиладиган тажовузлар учун характерли) ёки эътиборсизлик ёки кам эътиборли (эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятларга характерли бўлган) қасд ёки эҳтиётсизлик орқасида ижтимоий хавфли қилмишни содир этишда

асосий қадриятларга нисбатан руҳий муносабатнинг намоён бўлишида кўринади.

Суд-тергов амалиёти нуқтаи назаридан айб тасдиқланиши қийин бўлган конкрет ва аниқ бўлмаган категория ҳисобланади. Шу билан бирга айб жиноий тажовузларни, уларнинг ижтимоий хавфлилиги, зарарлилиги ва ҳуқуққа хилофлилигини ифодаловчи ўзига хос миқдорий ўлчовларига эга. Шундай айбни ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири даражадир. Айбнинг моҳияти тушунчаси каби айб даражаси тушунчаси ҳам жиноят қонунчилигида назарий характерга эга. Бундан ташқари, суд ва дастлабки тергов учун айб даражасини аниқлаш амалий аҳамият касб этади.

NOTA BENE !

Айбнинг даражаси жиноят субъектининг жиноят ҳолатларига бўлган муносабатининг шакли ва таркиби мажмуи билан аниқланади ҳамда ижтимоий қилмиш даражаси билан белгиланади. Булар қуйидагилардан иборат: руҳий муносабат хусусиятлари, жиноятнинг мотив ва мақсади, шахсни характерлайдиган ҳолатларига оид жиноий қасд ва эҳтиётсизликнинг келиб чиқишига туртки бўлган сабаб ва шарт-шароитлар.

Масалан, қасддан содир этилаётган жиноятда, айбдор объектга тажовуз қилишида ўзининг муносабатини онгли равишда аниқ кўринишларда намоён қилади, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятда эса бундай кўриниш бўлмайди. Бинобарин, айбнинг даражаси қасддан содир этиладиган жиноятларда эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган жиноятларга қараганда анча юқори бўлади.

Қасднинг ва эҳтиётсизликнинг кўринишларини қиёслаш бирмунча қийинроқ. Агар тўғри қасд билан эгри қасдни бир хил шароитларда баҳолайдиган бўлсак, ҳар доим тўғри қасднинг эгри қасдга нисбатан хавфлироқлигини кўрамиз. Шунингдек, бир кишининг ўлишини истаган одамга қараганда, бир неча кишининг ўлишини истаган одам хавфлироқ,

ёнғин бўлаётган уйда касал одамни онгли равишда қолдириш, касал одамни ёқиб юбориш йўли билан ўлдиришга қараганда хавфлилиги камроқ.

Қасднинг кўриниши жиноят хавфлилигига таъсир этувчи фактор сифатида қасддан одам ўлдириш жиноятининг субъектив белгилари қаторига қўйилиши тасодиф эмас. Бу, умуман олганда, ҳамма қасддан содир этиладиган жиноятларга тегишли. Шунингдек, бепарволик орқасида содир этилган жиноятга қараганда, ўз-ўзига ишониш орқасида содир этилган жиноят ҳар доим хавфлироқ бўлгани каби жиноятларнинг эҳтиётсизлик орқасида содир этилишининг кўринишларини ҳам белгилаш жоиз бўлади.

ўз-ўзига ишонишда айбдор ўзининг ўйламасдан қилинадиган ҳаракатидан тўхтатиб қолувчи контрмотивни енгиб чиқиши талаб этилади, айбдор нафақат қилмишининг ёмон оқибатларидан ўзини тийишни, балки юз берган ҳолатни ва унинг оқибатларининг ҳамма деталларини диққат билан баҳолашни ҳам ўз зиммасига олмайди. Айбдорнинг қилмишига нисбатан бундай муносабати, яъни унинг келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатларни кўра олмаслиги бепарволикка қараганда анча хавфлироқлиги турган гап.

Шакли ва кўринишига қарамай айбнинг даражасига айбдорнинг психикасидаги интеллектуал ва руҳий жараёнларнинг таркибий хусусиятлари таъсир этади. Онгнинг ҳажми ва аниқлиги, олдиндан кўра билиш хусусияти, олдиндан ўйлаб қўйишлик, мақсадга эришишда қатъийлик қасддан содир этилган айбнинг даражасига жиддий таъсир қилиши мумкин. Холатни баҳолашдаги ўз-ўзига ишонишнинг даражаси, оқибатларни олдиндан кўра билишнинг ва кўра олмасликнинг хусусияти ҳамда сабаби эҳтиётсизлик натижасидаги айбнинг даражаси ошишига ёки пасайишига таъсир этиши мумкин.

Муайян шахс томонидан жиноят содир этилишида айбнинг даражаси унинг айбдорнинг мўлжали чегарасини хато кўришидаги бевосита кўриниши ҳисобланади. Шунинг учун ундан айбдорга тайинланаётган жазонинг хусусияти ва миқдори, ҳуқуқбузарнинг мўлжалидаги ижтимоий дефектларни

бартараф этиш учун зарур бўлган, жиноий-ҳуқуқий мажбурлашнинг ўлчови тўғри боғланган ҳолда бўлади.

Суд-тергов амалиётида айб ва жиноий жавобгарлик масаласининг ҳал этилишида шахснинг ҳолати ва руҳий хусусияти, унинг ўзига хослиги ва жиҳатлари, унда кечаётган психологик жараёнлар шахснинг онгида қилмиш моҳиятининг тўғри кўринишига таъсир этиши мумкин. Хусусан, зарурий мудофаанинг чегарасидан четга чиқиш масаласини ҳал этишда жавобгарлик фақат тажовузнинг хавфлилиги ва мудофаанинг хусусиятига мутлақо мос келмаслигидан бошланади. Бу ҳолат шуни кўрсатадики, зарурий мудофаада, қоида бўйича, шахс тўсатдан жиноий тажовуз билан тўқнашади, унинг нерв системасида бирдан кескин қўзғалиш, эмоционал чайқалиш пайдо бўлади. Бундай ҳолатда шахс ҳар доим ҳам зарурий мудофаа қилишда тажовузнинг хусусияти ва хавфлилик даражасини ўзининг зарурий мудофаа қилиш учун ҳаракатлари (уларнинг кучлари, интенсивлиги, фойдаланилган воситалар) билан таққослай олмайди ҳамда унга тўғри баҳо бера олмайди[1].

3-§. Қасд ва унинг турлари

Айбнинг қасд кўриниши айбнинг эҳтиётсизлик шаклига қараганда анча кўпроқ тарқалган тури бўлгани учун қонун чиқарувчилар томонидан кўпроқ кўриб чиқилади. Қасд эҳтиётсизликка қараганда анча хавфлироқ, хусусан, қонун чиқарувчилар томонидан оғир ва ўта оғир жиноятларга фақат қасддан содир этилган жиноятлар киритилганлиги шу билан тасдиқланади (ЖК 15-моддаси 5- ва 4-қисмлари).

Қонунчилик **ЖК 21-моддасида** қасднинг ҳолатини моддий ва формал таркибли жиноятларда кўради. Хусусан, формал таркибли жиноятни квалификация қилишда айбдорнинг қасди ижтимоий хавфли қилмишни қамраб олади. Моддий таркибли жиноятларда эса, айбдор муайян жиноий

[1] См.: Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 20 декабря 1996 г. № 39 «О применении судами законодательства, обеспечивающего право на необходимую оборону от общественно опасных посягательств» (с изменениями и дополнениями, внесенными постановлением Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 14 июня 2002 г. № 10) // Сборник. Т. I. – С. 326.

оқибатнинг келиб чиқишини тушуниб етиши ва унга йўл қўйиб бериши зарур.

Қасднинг таркиби аниқлиги ва мақсадга қаратилганлиги жиноятни тўғри квалификация қилишнинг дастлабки зарурий шарти ҳисобланади.

Қасднинг **таркибини** интеллектуал томон, **мақсадга қаратилганликни** эса, иродавий томон ифодалайди. Агар таркиб шахснинг ўз ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) ижтимоий хавфлилик даражасини англаб етиши қобилиятида ифодаланса, моддий таркибли ва оқибатларни олдиндан кўра билганида эса, айбдорни мақсадга йўналтирилганлик, муайян объектга таҳдид солувчи ва маълум зарар етказувчи (моддий таркибли), енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни борлигини ифодаловчи қилмишни содир этишга йўналтиради (формал таркибда). Масалан, муштлашув жараёнида пичоқ билан тан жароҳати етказишда кўп ҳолларда қилмиш қасддан содир этилади. Бироқ бу қилмишни квалификация қилишда биргина фактнинг ўзи етарли эмас: жиноятнинг таркиби ва мақсадга йўналтирилганлигини ҳисобга олган ҳолда буни безорилик ёки тан жароҳати етказиш ёки одам ўлдиришга суиқасд қилиш ё бўлмаса зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган деб баҳолаш мумкин.

ЖК 21-моддаси 1-қисмида қонун чиқарувчи формал таркибли жиноятнинг тугалланган вақтидан, яъни ижтимоий хавфли қилмишнинг объектив содир этилишига қараб қасднинг таркибини очиб беради. Келтириб ўтилган нормага асосан: «Ушбу Кодекс моддасида жиноят тамом бўлган пайт ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган вақт деб ҳисобланган бўлиб, уни содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаган ва шундай қилмишни содир этишни истаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади». Қандайдир оқибат келиб чиқадими ёки йўқми, ундан қатъи назар, шахс айбдор деб топилади ва жавобгарликка тортилади.

Формал таркибли жиноятларда қасд турларга бўлинмайди, бошқача айтганда айб фақат тўғри қасдли бўлади.

Формал таркибли жиноятларни квалификация қилишда шахснинг ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаб етиши (интеллектуал ҳолат) ҳамда шундай ҳаракатларни содир этишни ёки ҳаракатсизлик (иродавий ҳолат)ни исташи каби фактлар муҳим ҳисобланади.

Бу ерда қонун чиқарувчи томонидан тажовузнинг ижтимоий хавфли оқибатлари ҳуқуқий хусусият доирасидан ташқарида қолдирилади ва суд томонидан тайинланадиган жазонинг тури ва миқдорига таъсир этса ҳам субъектнинг айбдорлигини белгилаш вақтида аҳамият касб этмайди.

Интеллектуал ҳолат шахс томонидан ўзи содир этган у ёки бу қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаши билан боғлиқ жараёнларни ўзи ичига олади.

Шахс томонидан **қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаш,** биринчидан, қилмишнинг ҳақиқий моҳиятини, иккинчидан, унинг ижтимоий аҳамиятини билишни билдиради. Англаш, тажовуз қаратилган манфаат, қадриятларнинг хусусияти тўғрисида тасаввур мавжудлиги, яъни жиноятнинг объекти, қилмишнинг моҳияти, унинг воситасида тажовуз амалга ошириладиган ҳамда бошқа жиноят содир этишдаги фактик ҳолатлар (вақт, усул, ҳолат)ни намоён этади. Бу жараёнлар ҳаммасининг акс этиши айбдорнинг онгида унга жиноят қонунчилиги билан қўриқланадиган ижтимоий манфаатларга қилмишнинг объектив йўналтирилганлигини, яъни ижтимоий хавфни англаш имконини беради. Ижтимоий хавф остида қилмишнинг ҳақиқий белгиларидан ташқарида ётувчи қандайдир мустақил элементи эмас, балки барча объектив белгиларини юзага келтирувчи қилмишнинг яхлит таркиби назарда тутилади. Шунинг учун ижтимоий хавфни англаш, қилмиш фактик белгиларининг ижтимоий таркибини англашга олиб боради.

Жиноят субъектининг ўзини ифодаловчи белгиларини англаш қасднинг таркибига кирмайди. Масалан, агар 13 ёшли шахс одам ўлдирганлик учун оғирлаштирувчи ҳолатларда жавобгарликка тортилади, ҳаттоки у худди шу жиноят учун жавобгарлик 14 ёшдан келиб чиқади деб ўйлаган бўлса ҳам.

Бундан ташқари, қасд махсус субъектнинг белгиларини англашни ўз ичига олиб, улар айбдорга юклатилган махсус мажбуриятларни бузганлик билан боғланган бўлиб, жиноятнинг махсус белгилари ҳисобланади (масалан, мансабдорлик жинояти).

Қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини унинг ҳуқуққа хилофлилиги билан тенглаштириб бўлмайди, яъни шахс ўзи содир этган қилмиши жазо қўллаш таҳдиди билан қонун томонидан тақиқланганлигидан ва бу учун жавобгарликдан умумий тарзда бўлса ҳам хабардор бўлиши керак. Кўп ҳолларда жиноятлар ҳуқуққа хилофлилиги англанган ҳолда содир этилади. Бироқ қонунчилик содир этилаётган қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилигини англашни айб шаклининг таркибига киритмайди, шунинг учун содир этилган қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилигини айбдор англаб етмаган ҳолларида, ҳаттоки қонунчилик ignorantia legis neminem excusat[1] тамойилини назарда тутса ҳам, жиноят қасддан содир этилган деб топилади.

Формал таркибли жиноятларда қасднинг интеллектуал томонини қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ва унинг ижтимоий аҳамияти ташкил этади. Юқорида келтириб ўтилган жиноятлар таркибини квалификация қилишда, суд-тергов ходимларининг биринчи галдаги вазифаси айбдорнинг руҳий кўринишини, яъни содир этилаётган қилмишнинг ижтимоий хавфли хусусиятини белгилашдир, чунки формал таркибли жиноятларда айбдорнинг қасди муайян ижтимоий хавфли оқибатни келтиришни исташ ёки унинг келиб чиқишини олдиндан кўра билишни қамраб олишининг зарурати бўлмайди. Формал таркибли жиноятларни содир этишда қасднинг иродавий ҳолати бирмунча моддий таркибли жиноятлар билан таққослашда чегараланган ва фақат у ижтимоий хавфли қилмишнинг ўзига, яъни унинг содир этилишига бўлган иродавий муносабат билан тугалланади.

ЖК 21-моддаси 2-қисмида моддий таркибли жиноятларда қасднинг таркиби назарда тутилади: «ушбу кодекс моддасида жиноят тамом бўлган пайт ижтимоий хавфли оқибат юз берган вақт деб топилган қилмишлар тўғри

[1] Незнание закона никого не извиняет (лат.).

ёки эгри қасддан содир этилган бўлиши мумкин». Бундай ажратиш қонунчилик томонидан қасддан содир этилган жиноятларнинг иродавий ҳолати асосида қурилади. Қасднинг айнан шу элементида қасдни турларга бўлувчи муҳим белгилари кўринади. Айбдорнинг турли хил руҳий муносабати, истаги ёки онгли равишда жиноят содир этишда ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишига йўл қўйиб бериши қасднинг тўғри ва эгри қасдга бўлинишига сабаб бўлади. Шунинг учун истак ва онгли равишда йўл қўйиб бериш тўғрисидаги масала, жиноят таркибининг элементи ҳисобланувчи оқибатларгина айбнинг шаклини ажратиш учун аҳамиятга эга. Қасднинг бундай тўғри ва эгри қасдга бўлиниши фақат моддий таркибли жиноятларга тегишли, уларнинг ижтимоий хавфлилиги ва ҳуқуққа хилофлилигини жиноят қонуни зарар етказиш, ижтимоий муносабатларнинг деструктив ўзгариши билан боғлайди.

Қасднинг турини тўғри аниқлаш муҳим аҳамият касб этгани учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми бир неча маротаба судларга жазо тайинлашда қасднинг турини, унинг йўналишини, жиноят мотив ва мақсадининг зарурийлигини ҳисобга олишликни кўрсатиб ўтди.

ЖК 21-моддаси 3-қисми моддий таркибли жиноятларда тўғри қасднинг моҳияти ва характерли чизиқларини ифодалайди: «агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасддан содир этилган деб топилади».

Тўғри қасднинг ушбу таркибида тўғри қасд билан содир этилган моддий таркибли жиноятларнинг моҳиятини очиб берувчи ва уни ифодаловчи интеллектуал ва иродавий ҳолатлар ажратиб кўрсатилади.

Тўғри қасд интеллектуал ҳолатининг иккита аспекти мавжуд: содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англаш ва ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишини олдиндан кўра билиш. Мазкур ҳолатда айбдор шахснинг онгида, унинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)да ижтимоий хавфли хусусият мавжуд ва бу ҳаракат (ҳаракатсизлик)ларни содир этишлик

билан муайян ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқиши намоён бўлади. Барча айтилганлар одамнинг онгидан ўтади, шунинг учун тўғри қасднинг интеллектуал томонини ташкил этади.

Ўз қилмишининг (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) **ижтимоий хавфли оқибатларини олдиндан кўра билиш,** уларнинг келиб чиқиши ва ҳуқуққа хилоф хусусиятини олдиндан билиш шахснинг жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга ўзи етказган зарарни қамраб олади.

Тўғри қасдда олдиндан кўра билишлик, ижтимоий муносабатларда келгусида бўладиган ўзгаришларнинг фактик таркиби тўғрисида тасаввурни қамраб олади. Шунингдек, у бу ўзгаришларнинг ижтимоий зарарлилигини тушуниш билан ҳам боғлиқ. Ва ниҳоят, олдиндан кўра билиш содир этилган қилмиш ва ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишдан иборат бўлади.

Шу билан бирга, ижтимоий хавфли оқибатларни олдиндан кўра билиш икки турда намоён бўлади: тўғри ва эгри қасдларда. Гарчи қонунчиликнинг таърифича, тўғри ва эгри қасдларда кўрсатилган оқибатлар ўзгаришларсиз қолади. Олдиндан кўра билишнинг икки тури тўғри ва эгри қасднинг иродавий ҳолатига сезиларли даражада таъсир этади.

Кўп ҳолларда тўғри қасдда шахс ижтимоий хавфни етказишга ўз мақсадларининг ҳақиқатда амалга ошишига ишониб ва келиб чиқадиган оқибатларни идеал шаклда тасаввур этар экан, ижтимоий хавфни ўз қилмишининг муқаррар натижаси сифатида олдиндан кўра олади. Шунингдек, шахс тўғри қасдда жиноий қилмиш содир этилиши натижасида ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқишининг реал имкониятини кўра олиши мумкин.

Тўғри қасд учун аҳамиятли томони муайян натижага эришишдаги ният унинг амалга ошишидаги зарурий шарт билан боғланган. Қачонки айбдор шахс оқибат келиб чиқиши муқаррарлигини олдиндан кўрса, ҳаракат билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш бўлса, шу билан бирга

айбдор бунинг ривожланишини англайди, яъни унинг ҳаракатлари муайян оқибатларни келтириб чиқариши муқаррарлигини англайди. Шунинг учун оқибат келиб чиқишининг муқаррарлиги унинг ҳақиқатдан ҳам (фактик) келиб чиқиши билан кузатилмаслиги мумкин. Оқибатнинг келиб чиқиши муқаррарлигини англаш тўғрисида, айбдорнинг фикрича, қачонки у оқибатнинг келиб чиқиши учун ҳамма зарурий ишларни қилса ҳам, унга олдиндан кўринмаган ҳолатлар тўсқинлиги сабабли натижа келиб чиқмаган тақдирда гапириш мумкин.

Тўғри қасднинг иродавий ҳолати унинг йўналтирилганлигини ифодалайди ва қонунчиликда ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишини исташда аниқланади.

Хоҳиш – бу мақсадга эришишга жалб этувчи ирода, белгиланган мақсадга қараб интилишдир. «Истак – бу белгилаб қўйилган интилишдир, у аниқ бир предметга қаратилган бўлади. Истакнинг туғилиши, шунинг учун ҳар доим мақсаднинг вужудга келишини ва қўйилишини билдиради. Истак – аниқ бир мақсадга йўналтирилган интилишдир»[1].

Хоҳиш турлича бўлиши мумкин. Тўғри қасднинг белгиси сифатида хоҳиш муайян мақсадларга интилишда айбдор учун қуйидагиларни билдириши мумкин:

– охирги тугал мақсад (рашк туфайли қасддан одам ўлдириш, қасос);

– охирги мақсадга эришишнинг орасидаги босқич (бошқа бир жиноятни яшириш мақсадида қасддан одам ўлдириш);

– охирги мақсадга эришиш воситаси (жабрланувчининг мол-мулкини эгаллаш мақсадида қасддан одам ўлдириш);

– қилмишнинг муқаррар бирга келадиган элементи (заҳарланган овқат орқали қасддан ўлдириш йўли билан мўлжалланган одамнигина эмас, балки унинг оила аъзоларини ҳам ўлдириш).

Айбдор ҳаракатининг мақсади тўғри қасдда истакнинг предмети бўлиб, мазкур жиноят таркибининг элементини ўзида ифодаловчи ижтимоий хавфли

[1] Қаранг: С.Л. Рубинштейн. Основы психологии. М., 1946, стр. 513.

оқибат ҳисобланади. Масалан, қасддан одам ўлдиришда – бу жабрланувчининг ўлими, ўғирликда – ўзгалар мулкини қўлга киритиш, безориликда – жамоат тартибини бузишдир. Инсон ўз олдига қўйган фаолиятининг мақсадлари мотив билан аниқланади. Шунинг учун тўғри қасд натижасидаги жиноий оқибат, айбдор ҳаракатининг асосий мақсади ҳисобланиб, шахс фаолиятининг мотивидан келиб чиқади ва шу мотив билан аниқлаштирилади.

Тўғри қасднинг мақсадга қаратилганлиги (иродавий ҳолатнинг белгиси сифатида) жиноят таркибининг фақат келтирилган зарар билан чегараланиб қолганини билдирмайди. Алоҳида мақсадга қаратилган жиноятларда, жиноят таркиби чегарасида бўлган, шунингдек, бошқа бир ҳолатларда ҳам йўналиш махсус натижага қаратилган бўлади. Аммо бу натижалар жиноят таркибида кўзда тутиб ўтилган умумий қасднинг йўналтирилган бир босқичи сифатида қаралади.

NOTA BENE !

Тўғри қасд – қасднинг шундай кўринишики, унда шахс ўз ҳаракати (ҳаракатсизлиги)нинг ижтимоий хавфлилигини англайди, ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқишининг реал имкониятини ва муқаррарлигини олдиндан кўра олади ва уларнинг келиб чиқишини истайди.

ЖК 21-моддаси 4-қисмига кўра, «агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай жиноят эгри қасддан содир этилган деб топилади».

Эгри қасдда ҳам тўғри қасдда бўлганидек интеллектуал ва иродавий ҳолатлар киритилган.

Эгри қасдда интеллектуал ҳолат қуйидагилар билан изоҳланади:

– содир этилаётган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англаш;

– ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишини олдиндан кўра билиш имкониятига эга бўлиш.

Эгри қасдда қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаш тўғри қасднинг белгиларига мувофиқ равишда бу белгилардан фарқ қилмайди. Лекин эгри қасддаги ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билишда фарқлар мавжуд бўлиб, бу қасдни турларга ажратиб туради: тўғри қасдда субъект оқибат келиб чиқиши зарурлигини олдиндан кўра билади, эгри қасдда эса, жиноий оқибатнинг келиб чиқиши реал имкониятларга эга бўлади. Бундан ташқари, тўғри ва эгри қасд ўртасидаги фарқ уларнинг ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билишдаги иродавий ҳолатига кўра аниқланади. Тўғри қасддан фарқли равишда эгри қасдда шахс ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини хоҳламайди, лекин уларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўяди.

Эгри қасдда фақат ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини олдиндан кўра билиш имкониятига эга бўлиш унинг моҳиятини чегаралайди. Шахс ўзи содир қилаётган ҳаракатлари объектив борлиққа қандай таъсир ўтказиб, ижтимоий хавфли оқибат олиб келишини англайди, лекин баъзан оқибат юзага келмаслиги ҳам мумкин, чунки оқибат юзага келиши учун субъект томонидан назорат қилинмайдиган бошқа шартлар ҳам зарур бўлади. Бу ерда оқибат биргина оқибат билан боғлиқ бўлмай, айбдорга боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар натижаси ҳисобланади. Гап аниқ шароитда шартлардаги реал имкониятлар ҳақида бормоқда, индивидуал ҳолатдаги мавҳумлик ҳақида эмас.

«Реал имконият» атамаси **ЖК 21-моддаси 4-қисмида** ишлатилмаган бўлса-да, бу эгри қасддаги олдиндан кўра билиш тушунчасини аниқ ифодалайди.

Эгри қасднинг иродавий ҳолати ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйиб беришда ва хоҳишнинг мавжуд эмаслигида ифодаланади.

Онгли йўл қўйишда олдиндан кўра билиш юзага келиши мумкин бўлган жиноий оқибатга нисбатан мавҳум бўлмай, реал бўлиши мувофиқдир. Эгри қасднинг моҳияти шундаки, шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини тушуниб, унинг натижасида вужудга келиши мумкин бўлган оқибатни олдиндан кўра билиш реал имкониятларига эга бўлади ва бундай оқибатлар юзага келишига онгли равишда йўл қўяди. ўз навбатида эгри ва тўғри қасд ўртасида нафақат иродавий ҳолатлардаги руҳий моҳиятда, балки англашда ҳам фарқлар мавжуд.

Эгри қасддан содир этилган жиноятларда айбдор ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқишини хоҳламайди. Бироқ шахснинг жиноий оқибатларни келтириб чиқаришни истамаслигини фаол хоҳламаслик сифатида, уларнинг келиб чиқишидан қочишга интилиш сифатида тушуниш керак эмас. Аксинча, **онгли равишда йўл қўйиш** айбдорнинг ўз қилмиши билан келтириб чиқарадиган муайян воқеалар занжирини, онгли равишда ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқаришга олиб келувчи сабабий ривожланишини англатади. Ижтимоий хавфли оқибатларга нисбатан салбий муносабатларни билдирувчи фаол иродавий жараён – хоҳламасликдан фарқли равишда, онгли равишда йўл қўйиб беришда оқибатларга нисбатан ижобий иродавий муносабатларни англатувчи фаол кечинма мавжуд.

Эгри қасдга хос бўлган оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйиб беришда жиноий оқибат айбдор қилмишининг мақсади ҳам, унга эришишдаги восита ҳам, мақсад йўлидаги босқич ҳам эмас. Бошқача айтганда, айбдорга жиноий оқибат керак эмас, у оқибатнинг келиб чиқишини хоҳламайди ҳам.

Шундай қилиб, **ЖК 21-моддаси 4-қисмида** келтириб ўтилганларга асосан, эгри қасднинг илмий-назарий тушунчасини аниқлаш мумкин.

NOTA BENE !

Эгри қасд қасднинг шундай кўринишики, унда шахс ўз ҳаракати (ҳаракатсизлиги)нинг ижтимоий хавфлилигини англайди, ижтимоий хавфли

оқибатларнинг келиб чиқишининг реал имкониятига кўзи етади, уларнинг келиб чиқишини хоҳламайди, бироқ бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйиб беради ёки уларга бефарқ бўлади.

Қасднинг тўғри ва эгри қасд турларига бўлиниши жавобгарликни ва жазони индивидуаллаштиришда, айбдорнинг шахсини ва у содир этган ижтимоий хавфли қилмишнинг даражасини, шунингдек, унинг айби даражасини аниқлаш имкониятини бериши сабабли ҳисобга олиниши лозим. Жумладан, тўғри қасдда субъектнинг иродаси оқибатларга нисбатан фаол позицияни эгаллагани учун, бошқа тенг шароитларда жиноят содир этилишида тўғри қасднинг мавжудлиги ижтимоий хавфнинг анча юқори даражасини ифодалайди.

Амалдаги Жиноят кодексида қасднинг фақатгина икки тури мавжудлигига қарамасдан, жиноят-ҳуқуқий доктринада тўғри ва эгри қасднинг шундай номланувчи турлари ажратиб кўрсатилади.

Жиноий ниятнинг вужудга келиш ҳолатига боғлиқ ҳолда олдиндан ўйланган, тўсатдан пайдо бўлган ва аффектли қасдлар фарқланади.

Олдиндан ўйланган қасдда жиноят содир этиш ниятининг вужудга келиши жиноят содир этишнинг ўзидан бир қанча вақт оралиқлари билан ажратилган бўлиб, унда шахс жиноятнинг тафсилотларини ўйлаб қўяди, режасини тузади, усулларини белгилаб олади, жиноят содир этиш учун қурол, восита, шерик ва ш.к.ларни танлаб олади. Одатда, қасднинг бундай тури шахснинг барқарор жамиятга қарши бўлган мойиллигини намоён этиб, жиноятчи айбининг анча юқори даражада эканлигидан далолат беради. Баъзи ҳолларда шундай ҳам бўладики, сезиларли даражадаги вақт оралиғи ҳам жиноят содир этиш нияти вужудга келиши билан уни содир этиш ўртасидаги, аслини олганда, субъектнинг мотивлари ички кураши ва ҳ.к. лар билан тушунтирилади, шундагина олдиндан ўйланган қасднинг мавжудлиги айбдорнинг юқори даражадаги ижтимоий хавфлилигидан далолат бермаслиги мумкин.

«Олдиндан ўйланган қасднинг мавжудлиги квалификацияга таъсир этмайди. У кўпроқ гуруҳ ташкил этиш ва тайёргарлик кўриш институтлари аломатлари сифатида намоён бўлади»[1].

Тўсатдан пайдо бўлган қасдда қасднинг пайдо бўлиши ва унинг амалга оширилиши ўртасидаги вақт оралиғи унча аҳамиятли эмас. Жиноятни содир этиш нияти қасднинг пайдо бўлиши биланоқ амалга оширилади. Қоида бўйича тўсатдан пайдо бўлувчи қасд жиноят содир этишда айбдорнинг кам даражали ижтимоий хавфлилигини ифодаловчи ҳолатларда кўринади. Шу аснода қасднинг мазкур тури содир этилган қилмишнинг ва шахс хавфлилигининг юқори эканини намоён этади. Масалан, кўчада тасодифан ўтиб кетаётган одамни сабабсиз (чекишга бермаганлик учун ва ҳ.к.лар) безорилик орқасида ўлдириш олдиндан ва пухта ўйланган рашк туфайли одам ўлдиришдан анча оғирроқ жиноят ҳисобланади.

Аффект ҳолатидаги қасднинг характерли томони шуки, шахсда жиноят содир этиш нияти кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида бўлган пайтида (физиологик аффект ҳолати) пайдо бўлиб, шахс ўзи содир этаётган қилмишининг хусусиятини англаши қийинлашади. Аффект ҳолатидаги қасд тўсатдан пайдо бўлган қасддан фарқли ҳисобланиб, унинг жиноят-ҳуқуқий мазмунга эга бўлишига аффект ҳолатини келтириб чиқарган жабрланувчининг ахлоқ ва ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари сабаб бўлади. Мазкур факт қонунчиликда кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (ЖК 98-моддаси) ва кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ва ўртача оғирликда шикаст етказиш (ЖК 106-моддаси) каби жиноятлар таркибини енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинган.

Субъектнинг ўзи содир этган қилмиши тўғрисидаги тасаввури ва келтирувчи жиноий оқибатларига кўра қасд аниқланган (кон-кретлаштирилган), аниқланмаган (конкретлаштирилмаган) ва альтернатив турларга бўлинади.

[1] Курс уголовного права. Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под ред. д.ю.н., проф. Н.Ф. Кузнецовой и к.ю.н., доц. И.М. Тяжковой. – С. 319.

Аниқланган (конкретлаштирилган) қасдда субъект келиб чиқиши мумкин бўлган зарарнинг ҳажми ва хусусияти тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиб, муайян ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишини олдиндан кўра олади, қандайдир бир жиноий натижага эришишни истайди. Масалан олайлик, кўкрак ёки бош қисмига ўқ отиш орқали айбдор бутунлай конкрет бўлган индивидуал аниқланган жиноий натижа – жабрланувчининг ўлими келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра олади.

Аниқланган қасдда айбдорнинг қилмиши қасднинг йўналтирилганлиги бўйича квалификация қилинади.

Аниқланмаган (конкретлаштирилмаган) қасд айбдорнинг ўзи содир этаётган қилмиши оқибатлари тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлиши, яъни уларнинг индивидуал аниқланган бўлмаганлиги, етказиладиган зарарнинг ҳажми ва хусусияти конкрет бўлмаслиги билан ифодаланади. Масалан, жабрланувчининг бошига ва гавда қисмига уриш орқали, айбдор унга тан жароҳатлари етказаётганлигини англайди, бироқ унинг тасаввури етказилаётган зарарнинг оғирлик даражасини, яъни оғирми, ўртача оғирми ёки енгил тан жароҳати бўладими буни қамраб ололмайди.

Аниқланмаган қасддан содир этилган жиноятларни фактик келиб чиққан оқибатларга боғлиқ ҳолда квалификация қилиш керак бўлади.

Альтернатив қасд аниқланган (конкретлаштирилган) қасднинг бир тури бўлиб, айбдор ўзининг содир этган ҳуқуққа хилоф қилмиши натижасидаги икки ёки анча индивидуал аниқланган ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра олади ва англаб етади, шунинг билан субъектнинг иродаси тенг даражаларда оқибатлардан хоҳлаган бирига эришишга қаратилади. Масалан, жабрланувчининг бош қисмига уриш орқали айбдор, жабрланувчининг ўлими ёки унга оғир тан жароҳатлари етказиш каби оқибатни бир хил даражада олдиндан кўра билиши ва уларнинг келиб чиқишини исташи мумкин. Бундай ҳолатларда содир этилган қилмишни келиб чиққан фактик оқибатлар билан боғланган ҳолда квалификация қилиш лозим. Агар субъектнинг бундай ҳаракатлари

натижасида жабрланувчига ўртача оғирликдаги шикаст етказилган бўлса, жавобгарлик айбдорнинг қасди анча оғирроқ зарар етказишга қаратилган бўлганлиги сабабли оғир тан жароҳати етказишга суиқасд деб белгиланиши лозим.

4-§. Эҳтиётсизлик ва унинг турлари

Айбнинг эҳтиётсизлик шакли айбдорликнинг унча ижтимоий хавфли бўлмаган кўриниши ҳисобланади. Эҳтиётсизлик қасддан фарқли равишда айбдорнинг жиноий оқибатларга салбий муносабати билан боғланган бўлиб, унга кўра айбдор жиноий оқибатларнинг келиб чиқишини истамайди ва бундай оқибатлар келиб чиқишига кўзи етмайди.

NOTA BENE !

Агар жиноятни содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган бўлса **(ўз-ўзига ишониш)** ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигига кўзи етмаса-да, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса **(бепарволик)**, бундай жиноят **эҳтиётсизлик орқасида** содир этилган жиноят деб ҳисобланади.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланганидек, эҳтиётсизлик орқасида содир қилинган жиноятлар учун жавобгарлик масаласи ижтимоий хавфли оқибат етказилиши билан юзага келади. Қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)нинг мавжуд бўлмаслиги, ўз навбатида, жавобгарликни юзага келтирмайди. Бироқ жиноят кодексида истиснолар ҳам бор. Жумладан, ҳужжатларни, предметларни ва нарсаларни, давлат сири ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни эҳтиётсизлик орқасида йўқотиш жиноят деб топилади (ЖК 163-моддаси).

Қонунчилик эҳтиётсизликнинг ўз-ўзига ишониш ва бепарволик шаклларини белгиласа-да, ҳар икки ҳолатда ҳам уларни келиб чиқадиган оқибат билан боғлайди. Улар инсоннинг салбий жиҳатлари – эътиборсизлик, бефарқлик ва эҳтиётсизлик каби хислатлари билан боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, у ёки бу ҳолатда шахс зарур даражада эҳтиёткорлик қилмайди, шунинг учун ўз-ўзига ишониш ва бепарволикни эҳтиётсизлик тушунчаси бирлаштириб туради.

Эҳтиётсизлик орқасида содир қилинган жиноятларни бирлаштириб турувчи хусусиятлардан бири, бу – айбдорнинг қилмишга нисбатан руҳий муносабати бўлиб, шахс ўзининг қилмишида (ҳаракат ёки ҳаракатсизликда) ижтимоий хавфли хусусиятларни англамайди. Бепарволикда бундай хусусият ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билмаганлик билан, ўз-ўзига ишонишда оқибат келиб чиқишига асоссиз умид қилиш, жамиятга зарар етказмаслигига ишончда ифодаланади. Айни вақтда, ўз-ўзига ишониш ва бепарволикда ҳам шахс содир этаётган қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаши лозим ва англаши мумкин бўлиш мажбурияти мавжуд бўлади.

Одатда, эҳтиётсизлик билан содир этилган жиноятлар етказилган оқибатга қараб, айрим ҳолда эса, бу оқибатларни вужудга келтирган усул ва воситасига қараб таснифланади.

Қонун эҳтиётсизлик орқасида содир қилинган жиноятни қилмишни содир этган шахснинг ўз қилмиши оқибатига бўлган муносабати сифатида баҳолайди. Шунга мувофиқ, эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлар ва эҳтиётсизлик айб шаклини акс эттирувчи жиноятлар кўп ҳолларда моддий таркибга асосланган бўлади. Бу ҳолатни рад этиш асоссиз жавобгарликнинг вужудга келишига, айб учун жавобгарлик принципининг бузилишига олиб келади.

Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларда жиноятнинг тайёргарлик, суиқасд босқичлари ва иштирокчилик белгилари бўлмайди.

ЖК 22-моддаси 2-қисмига кўра, агар жиноятни содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиётқорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган бўлса, бундай жиноятлар ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилган деб топилади.

Ўз-ўзига ишониш қасд сингари айбдор онгида акс этувчи объектив фаолият фактлари (қилмишнинг фактик белгилари, унинг келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлари, субъект ҳисобга олган ҳолатлар)ни ташкил этувчи ўзининг предметли моҳиятига эга.

Эҳтиётсизликнинг мазкур кўринишига қонунчиликнинг берган таърифига кўра, **ўз-ўзига ишонишнинг интеллектуал (тафаккурий) ҳолати** шундан иборатки, айбдор ўз хулқ-атвори натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билади. Шу сабабли, баъзи криминалистларнинг фикрича, ўз-ўзига ишонишда ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишини олдиндан кўра билиш бу оқибатларнинг келиб чиқмаслигига ишончни нейтраллаштиргани учун содир этилаётган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англаш билан бир хил қийматга эга эмас. Келажакда хавфли оқибатларнинг олдини олишга ишонса-да (асоссиз бўлса-да), субъект содир этган қилмишининг жамиятга зарар етказмаслигига ишонади, яъни унинг ижтимоий хавфли хусусиятга эга эканлигини англамайди. Шахс, ҳатто, ўз ҳаракатларини ижтимоий фойдали деб ўйлаши ҳам мумкин. Мисол учун ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билиш ҳуқуқий фаолиятларда ҳам бўлиши мумкин (жарроҳлик операциялари ва бошқа таваккалчиликка асосланган соҳалар). Мазкур ҳолларда шу тарзда оқибатни олдиндан кўра билиш, салбий оқибатлар келиб чиқиши олдини олишнинг зарур шарти ҳисобланади. Шунинг учун, ўз-ўзига ишонишда айб ҳолати ижтимоий хавфли оқибатларни олдиндан кўра билишда эмас, балки уларнинг олдини олишга қаратилган асоссиз умидга нисбатан олинади.

Бошқа бир ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, ўз-ўзига ишониш оқибатида жиноят содир этишда, субъект қонун ҳужжатлари билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга тўлақонли зарар етказиши мумкин бўлган, ўзи содир этаётган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ижтимоий хавфлилигини англайди ва шахснинг бундай ҳолатни англаши ўз-ўзига ишонишнинг қонун томонидан белгиланган зарурий белгиси бўлиб, ҳар бир ишда судлар томонидан аниқлаштирилиши керак.

Бу масалани ҳал этиш жиноят-ҳуқуқий аҳамият касб этмагани учун қонунчилик ўз-ўзига ишонишни белгилаб берган ҳолда, субъектнинг ўзи содир этган қилмишига интеллектуал муносабатини киритмаган.

Ўз-ўзига ишониш орқасида жиноят содир этган субъект ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини кўра оладиган даражада ўзи содир этган қилмишнинг фактик белгиларини англаши лозим. Таъкидлаб ўтилганидек, эҳтиётсизлик учун жавобгарлик аксарият кўп ҳолларда ижтимоий хавфли оқибатлар (қоида бўйича оғир ҳолатлар) мавжуд бўлиб, уларнинг келиб чиқишида ва шахс қилмишининг ижтимоий хавфли хусусияти аниқланган ҳолларда келиб чиқади.

Шахснинг муайян эҳтиёткорлик қоидалари бузилганида, ўзи содир этаётган қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаши ёки англамаслиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш, жазони индивидуаллаштиришдагина аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, жиноятда ўз-ўзига ишонишнинг интеллектуал ҳолати **шахснинг ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билишига** киради. Шунинг учун белгиларига кўра, ўз-ўзига ишониш эгри қасддагидек ижтимоий хавфли оқибатларни олдиндан англаш билан бир-бирига ўхшаб кетади. Бироқ, эгри қасдда айбдор аниқ ҳолат бўйича юзага келиши мумкин бўлган оқибатни аниқ англаса, ўз-ўзига ишонишда бундай оқибатни олдиндан англаш мавҳум характерга эга бўлади. Бунда шахс юзага келиши мумкин бўлган аниқ

шаклда бўлмаган қилмиш натижасидаги ижтимоий хавфли оқибатни англайди.

Шу билан бирга мавҳум олдиндан англаш имкониятини унификация (бир хиллаштириш) қилиш мумкин эмас. Бундай имконият фақат аниқ ҳолат ва вақтларда кўриб чиқилиши мумкин. Ҳар доим ҳам автомашинанинг тормоз шланги ёрилиб, аварияга учраши; ўрмонда дарахт кесаётганда ёки ҳайвонга қаратиб овчи ўқ узганда одам ўлдириши; беморнинг организмида номаълум аномалияларнинг мавжудлигидан шифокорнинг аралашуви натижасида унинг соғлиғига зарар етказилишидаги ҳолатларда мавҳумлик мавжуд.

Ўз-ўзига ишонишда олдиндан кўра билиш шу билан изоҳланадики, шахс иродавий жиҳатлар, руҳий босим ва таъсир билан мазкур ҳолатларнинг ҳақиқий сабабий боғланиш ривожланишини англаши мумкин бўлса-да, уларни англамайди. Айбдор ҳолатга жиддий ёндашмай, лекин амалда оқибат келиб чиқишининг олдини олишга умид қилади, лекин амалда оқибат келиб чиқишига монелик қила олмайди.

Таъкидлаш жоизки, ўз-ўзига ишонишда жиноий оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билиши онгли равишда эҳтиёткорлик чора-тадбирларига риоя қилмаслик билан ифодаланади.

Эҳтиёткорлик чораларига амал қилмасликда шахс келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан англаш имкониятига эга бўлиб, унинг келиб чиқишининг олдини олишда етарли ва зарур чораларни кўрмайди. Мазкур ҳолатларда шахс бундай оқибат маълум бир ҳолат ва шароитлар ўтиши билан келиб чиқмайди, деб ҳисоблайди, бироқ оқибатнинг олдини олишга қаратилган ҳеч қандай мустақил ҳаракатни амалга оширмайди.

Шунинг учун айбдор шахс сабабий боғланишнинг бир-бирига тўғри келиб қолишини кузатиш ҳолатида бўлмайди ёки оддийгина жиноий натижанинг келиб чиқиши учун қаршилик қилувчи ҳолатни нотўғри баҳолаганлиги сабабли ўзи тахмин қилган сабабий боғланишининг

ривожланишида адашиши мумкин. ўз-ўзига ишониш билан қасднинг сабабий боғланишдаги хато ўртасидаги асосий фарқ, бу келиб чиққан оқибатга нисбатан қасддан айбни рад этади.

Эҳтиёткорлик чоралари зарурий ва мажбурий хусусиятга эга бўлган иш, касб ва мансабдаги шахс мажбуриятларига тўлалигича киради. Бундан ташқари, эҳтиёткорлик чоралари муайян ҳолатдан келиб чиққан ҳолда ҳам белгиланиши мумкин. Шунинг учун амал қилиниши лозим бўлган чора-тадбирларни кўрсатиб бўлмайди.

Эҳтиёт чораларининг мавжудлиги ўз-ўзига ишониш ижтимоий хавфли оқибатининг олдини олишга қаратилган асоссиз таваккалчиликни ифодаловчи **иродавий ҳолатнинг** хусусияти билан ҳам боғлиқ. Бунда айбдор эҳтиёт чораларига риоя қилмаётганини англаганлиги муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳолат шундан далолат берадики, айбдор қандайдир объектив ва субъектив ҳолатларни англайди ва уларга мувофиқ равишда ўз хулқ-атворини шакллантиради.

Ўз-ўзига ишонишнинг иродавий ҳолати ижтимоий хавфли оқибатларнинг олдини олишга қаратилган асоссиз (етарли асослар мавжуд бўлмаган, енгилтаклик билан) таваккалчиликдан иборат. Бу билан ўз-ўзига ишонишлик тўғрисидаги ҳисоб-китобдан шундай факт далолат берадики, унда жиноий оқибат барибир келиб чиқади. Айнан бу белги ўз-ўзига ишонишни эгри қасддан ажратувчи муҳим белги ҳисобланади.

Агар шахс эгри қасдда ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйса ёки уларнинг келиб чиқишига бефарқ бўлса, яъни келиб чиққан оқибатни ёқласа ёки уларга ижобий ёндашса, ўз-ўзига ишониш эса, шахс нафақат хоҳишининг мавжуд эмаслиги, оқибатларга онгли равишда йўл қўйишни истамаслиги, уларни келтириб чиқармасликка ҳаракат қилиши ва уларга нисбатан нисбий муносабатда бўлиши билан фарқланади. Қонун ўз-ўзига ишонишнинг иродавий ҳолатини (мазмун-моҳиятини) умид сифатида эмас, балки ижтимоий хавфли оқибатнинг олдини олишга қаратилган тўла воқелик сифатида қарайди. Субъект таваккалчиликка, ҳолатларнинг бир-

бирига тўғри келиб қолишига асосланмайди, балки унинг фикри бўйича жиноий оқибатларни келтириб чиқарадиган конкрет шарт-шароитлар ва ҳолатларга тахмин қилади. Бундай шарт-шароит ва ҳолатлар (куч, уддабуронлик, тажриба, кўникма, билим ва ҳ.к.лар) қоида бўйича айбдорнинг шахси ва қилмишига нисбатан (тегишли) бўлади, шунингдек, жиноят содир этиладиган вазиятлар (тунги вақтда, одам йўқлигида ва ҳ.к.лар), бошқа шахсларнинг ҳаракатлари (пиёданинг йўлдан кесиб ўтишга улгуришига ишониш, ўрмонда гулханни кимдир ўчиришига ишониш ва ҳ.к.), механизмларнинг ҳаракати ва бошқа табиат кучлари ҳам.

Бунда тахмин ўз-ўзига ишонишда енгилтаклик ва ижтимоий хавфли оқибатларнинг олдини олишга қаратилган ҳолатларга, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига риоя қилмасликда кўринувчи нотўғри баҳо бериш натижасида юзага келади.

Қонунчиликда ўз-ўзига ишонишни асоссиз равишда умид қилиш конструкцияси икки хил ифодаланади. Унинг икки хиллиги шундаки, асоссиз равишда умид қилиш белгиси биринчи навбатда ўз-ўзига ишонишнинг иродавий ҳолати ва ўз навбатида унинг интеллектуал ҳолати ҳам ҳисобланади. Шахс ўзи тахмин қилаётган ҳолатларни (тўғрими-нотўғрими) англайди ва унинг қилмиши билан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибат ўртасида сабабий боғлиқликдаги ривожланишнинг тўхтатилиши ёки издан чиқишига тахмин қилади. Шахс келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан англаши билан бирга уни ўзининг ишонган ҳаракатлари таъсирида олдиндан англамаслиги ҳам мумкин. ўз навбатида ўз-ўзига ишонган ҳолда ҳаракат қилиб, шахс натижанинг олдини олиш имкониятларини олдиндан англамайди (акс ҳолда, бу зарарларнинг олдини олишга бўлган ҳаракатларга умид қилмасди), бироқ шахс бу оқибатларни олдиндан кўра билиши лозим ва мумкин эди.

Шу билан бирга шуни эътиборга олиш керакки, агар шахс жиноятнинг олдини олишга қаратилган барча чораларни кўрган бўлса ҳамда унда турли хил сабаблар бўлиб, натижанинг олдини олиш учун етарли бўлмаган ва шахс

билиши мумкин бўлмаган бўлса, у ҳолда тасодиф – айбсиз ҳолда зарар етказиш деб топилади. Бошқача айтганда, шахс агар ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини олдиндан кўра билганда ва унинг олдини олиш учун зарур чора-тадбирларни кўрганда ҳам барибир оқибат келиб чиқса, жиноий жавобгарлик бўлмайди. Бундай ҳолат қуйидаги ҳолларда юзага келади:

– айнан ҳисобга олинган қоидаларнинг юзага келган вазияти ва эҳтиёт чораларининг тўлиқсизлиги (илмий ва техник илмларнинг етарли эмаслиги);

– бу қоидалар мўлжалланган (тахмин қилинган) вазиятларга тўғри келмаслиги;

– оқибатлар келиб чиқишининг олдини олишга енгиб бўлмас ва олдиндан кўринмаган куч таъсири;

– маълум бир ҳаракатларни амалга ошириши лозим бўлган шахснинг ҳаракатларига умид қилиб, келтириб чиқариш эҳтимоли бўлган хавфли оқибат ҳақида уни огоҳлантириш мумкин бўлган ҳолатлар бўлиши мумкин. Мана шу ҳаракатларни содир этмаслик ва фактик оқибатларнинг юзага келиши таваккалчиликни онгсиз равишдаги таваккалчиликка, шу билан бирга ўз-ўзига ишониш даражасига ўсиб чиқишига олиб келмайди.

Ўз-ўзига ишонишда шахс жиноят содир этилиш вақтида асоссиз ўзига ишонувчанлик хусусиятига эга бўлгани учун айнан мана шу оқибат вужудга келади.

Шундай қилиб, ўз-ўзига ишониш, субъектнинг жиноят содир этиш пайтида ўз-ўзига ишониб, оқибат келиб чиқмаслигига асоссиз умид қилиши худди шу ижтимоий хавфли оқибатларнинг ҳақиқатдан келиб чиқишига олиб келади. Жиноят субъекти тахминининг интеллектуал ҳолати шундан иборат бўлади.

NOTA BENE !

Ўз-ўзига ишониш эҳтиётсизликнинг шундай турики, унда шахс ўзининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфли оқибатларини англамайди, ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатлари келтириб

чиқариши мумкин бўлган мавҳумликни олдиндан кўради, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилади.

ЖК 22-моддаси 3-қисми бепарволикнинг моҳиятини очиб беради. «Агар жиноят содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмасада, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса, бундай жиноят бепарволик орқасида содир этилган деб топилади».

Қонунчилик жиноий бепарволикни шахснинг қилмиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан англаш реал имкониятига эга бўлади, лекин бу оқибатни келиб чиқишини англаш учун қилиниши керак бўлган зарур иродавий ҳаракатларни амалга оширмайди, диққат-эътиборини ва эҳтиёткорликни намоён қилмайди, деб ҳисоблайди.

Бепарволикда **ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билмаслик** оқибатга нисбатан ҳар қандай муносабат мавжуд бўлмайди деган тасаввурга олиб келмайди, балки бундай муносабат махсус шахснинг қонун талабларига, ижтимоий хулқ-атвор қоидаларига, бошқа шахс манфаатларига бепарво муносабатда бўлишида ифодаланади. Шунинг учун **бепарволикда интеллектуал ҳолат** ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билмасликдан ташқари, шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатини англамаслиги билан ифодаланади.

Жиноий бепарволикнинг интеллектуал ҳолати ижобий ва нисбий мезонларга бўлинади.

Жиноий бепарволикнинг **нисбий мезони** шахснинг келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан англамаслигида намоён бўлади. Бепарволик шаклидаги айб формасида шахс оқибат келиб чиқиши

мумкинлигини ҳам, реаллигини ҳам ёки мавҳумлигини ҳам олдиндан англаб етмайди.

Оқибатни олдиндан кўра билиш мумкинлиги қилмиш содир этилаётган вазиятнинг ўзига хослиги ва айбдорнинг индивидуал хусусиятлари билан изоҳланади. Айбдорнинг индивидуал хусусиятларига унинг (жисмоний ҳолати, ривожланганлик даражаси, маълумоти, касбий маҳорати, соғлиғи ҳолати, қабул қилиш даражаси) қилмиш содир этилаётган вазиятдан келиб чиқиб, асосли хулосалар қилиши ва атроф муҳитни тўғри қабул қилиши ҳамда уларга баҳо беришга имкон яратиши киради. Бу икки таянчнинг мавжудлиги айбдор содир этаётган қилмишнинг ижтимоий хавфли оқибатларини олдиндан кўра билишга реал имконият яратади.

Жиноий бепарволикнинг **ижобий мезони** норматив аҳамият касб этиб, у айбдорнинг келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан билиши лозим ва мумкин бўлганлигини англатади. Айнан мана шу белги бепарволикни мустақил айб тури сифатида жиноят-ҳуқуқий аҳамиятини оширади. Бу инсоннинг англаши ва иродавий хусусиятлари билан белгиланади: билиш лозимлиги норматив аҳамиятга эга бўлган объектив белги ҳисобланса, олдиндан кўра олиши мумкинлиги катта даражада ижтимоий аҳамият касб этадиган субъектив белги. Объектив белгининг ўзи билангина шахсда ижтимоий хавфли оқибатларни келиб чиқишининг олдини олиш учун имкониятлар мавжуд деган хулосага келиб бўлмайди. Ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билиш лозимлиги ва мумкинлиги шахснинг мажбуриятидан келиб чиқиб белгиланади. Бу қоида айбдорнинг мансаб мақомини белгиловчи, унинг касбий вазифалари ва умуммажбурий ижтимоий хулқ-атвор қоидаларида, қонун, шартнома ва бошқаларда акс эттирилган бўлиши мумкин. Бироқ бу тарздаги норматив ва ижтимоий мажбуриятларнинг мавжудлиги шахснинг у етказиши мумкин бўлган ижтимоий зарарли ва хавфли оқибатни тўла англаши учун етарли ҳисобланмайди. Бунинг учун нисбий мезонлар мавжудлигини аниқлаш лозим.

Эътиборлилик ва эҳтиёткорлик жиноят ҳуқуқида хулқ-атворнинг лозимлиги ва мумкинлигини ёритувчи атамалар ҳисобланади. Улар ижтимоий нормалар, тўғридан-тўғри қонундан келиб чиқувчи нормалар, бошқа ҳужжатлардаги қоидалардан келиб чиққан ҳолда моҳиятни очиб беради.

Ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларини олдиндан кўра билиш ёки кўра билмаслик тасодиф ҳисобланмай, бу шахснинг мазкур ҳаракатлари билан бузилиши мумкин бўлган бошқа шахс, жамият ва давлат манфаатларига бўлган муносабатдан келиб чиқади.

Ўз-ўзига ишониш ва бепарволик иродавий ҳолатларининг фарқи шундаки, ўз-ўзига ишонишда шахс келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатнинг келиб чиқишини мавҳум тарзда олдиндан кўра олади, бепарволикда эса, шахс келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатнинг ҳеч қандай шаклини олдиндан кўра олмайди.

Жиноий бепарволикнинг иродавий ҳолати айбдорнинг руҳий имкониятлари ва қуввати ижтимоий хавфли оқибатнинг олдини олишга қаратилган зарур фаолиятни амалга оширишда фаоллашмайди.

Ўз-ўзига ишониш ва бепарволикда иродавий ҳолатлар бир-бирига ўхшаш. У ва бу ҳолатда ҳам келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатга нисбатан ижобий оқибат мавжуд бўлмайди, яъни айбдор зарарли оқибатлар келиб чиқишига онгли равишда йўл қўймайди ва хоҳламайди. Улар ўртасидаги фарқ шунда кўринадики, ўз-ўзига ишонишда шахс келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатнинг келиб чиқишини мавҳум тарзда олдиндан англаб, онгли равишда хавфли иродавий ҳаракатларни содир қилади, бироқ бунда шахс ўз ҳисобидаги айрим омилларни хавфли оқибат келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида ишлатади, бепарволикда иродавий хоҳиш айбдорга ижтимоий фойдали ёки ижтимоий нейтрал тасаввур қилиниб, унинг ҳеч қандай чора кўрмаслигига сабаб бўлади.

NOTA BENE !

Бепарволик эҳтиётсизликнинг шундай турики, унда шахс ўзининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфли оқибатларини англамайди, ўз хулқ-атвори ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмайди, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлади.

Бепарволик эҳтиётсизликнинг шундай турики, унда шахс ўзининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфли оқибатларини англамайди, ўз хулқ-атвори ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмайди, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлади.

Жиноий бепарволик шахснинг ўз қилмишига ва унинг ижтимоий хавфли оқибатларига нисбатан руҳий муносабатнинг шакли сифатида ўз-ўзига ишониш ва тасодифий, айбсиз ҳолда зарар етказиш ўртасидаги оралиқ ҳолатни эгаллайди.

5-§. Мураккаб айбли жиноят

ЖК 23-моддаси мураккаб айб шаклида содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни белгилаб беради. Ушбу қонунга кўра, «агар шахснинг қасддан жиноят содир этиши натижасида эҳтиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар юз берган ва шундай қилмишни қонун қаттиқроқ жавобгарлик билан боғлаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади».

Бир жиноят таркибида икки айб шаклининг мавжудлиги айрим жиноят таркибларига киритилган: жиноят қонуни бир таркибга юридик жиҳатдан мустақил бўлган икки жиноятни: биринчиси, қасддан содир этилган жиноятлар; иккинчиси, эҳтиётсизлик орқасида содир этилган икки мустақил жиноятни бирлаштиради. Уларнинг ҳар бири мустақил таркиб ҳосил қилиши мумкин, лекин улар субъектив хусусияти билан бир-бирига мослиги жиҳатдан янги жиноят таркибини ҳосил қилади.

Икки айб шаклининг бир жиноят таркибида мавжуд бўлиши фақат квалификация қилиш белгиси сифатида намоён бўлади: қасд қасддан содир этилган жиноят таркибининг асосий ташкил этувчи элементи сифатида қаралса, эҳтиётсизлик квалификация қилинаётган белгига нисбатан олинади. Бундай ҳолларда қасд (тўғри ёки эгри) асосий жиноят таркибининг субъектив белгиларига киритилиб, эҳтиётсизлик (ўз-ўзига ишониш) эса, квалификация қилишдаги белги сифатида олиб қараладиган асосий жиноят таркибига кирмайдиган оқибатга нисбатан руҳий муносабатни ифодалайди.

Бир вақтнинг ўзида айбнинг икки шаклини ўзида мужассам этган жиноятларнинг сони Жиноят кодексида унчалик кўп эмас. **ЖКнинг 23-моддаси** таҳлили ҳамда ЖКнинг Махсус қисми қоидалари шундан далолат берадики, қонун чиқарувчи бундай жиноят таркибларини тузишда:

– икки ҳар хил оқибатларга;

– биринчи томондан, қилмишга нисбатан ва иккинчи томондан, ЖК Махсус қисми моддаларидаги квалификацияловчи белги сифатида қонунда назарда тутилган оқибатга нисбатан айбдорнинг бир хил бўлмаган (қасд ва эҳтиётсизлик) руҳий муносабатида ўз аксини топган айб шаклининг икки хиллигидан келиб чиққан.

Мураккаб айбли жиноятларнинг **биринчи тури** шахснинг Махсус қисм моддаларида назарда тутилган содир этаётган жиноятининг келиб чиқиши мумкин бўлган яқин ва оғирроқ оқибатга нисбатан бўлган руҳий муносабати қасд шаклида деб қаралса, келиб чиқиши назарда тутилмаган оғир оқибатлар эҳтиётсизлик шаклида деб олиниши билан таърифланади. Бу ерда икки бир-бирига ўхшамаган оқибатнинг мавжудлигини кўришимиз мумкин. ўз навбатида бундай икки мустақил айб шакли келиб чиқиши вақти ва ижтимоий хавфлилик даражаси ҳар хил бўлган жиноят таркибининг асосий белгиси сифатида оқибат қараладиган моддий таркибли жиноятга нисбатан олиб қаралади. Бошқа сўз билан айтганда, буни асосий жиноят таркиби белгиларидан ҳисобланган келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатдан кўра оғирроқ оқибатнинг юзага келиши билан изоҳлаш мумкин. Масалан, баданга

оғир тан жароҳати етказиш жинояти шахс ўлимига сабаб бўлса (ЖК 104-моддаси 3-қисми «д» банди), баданга оғир тан жароҳати етказиш жинояти кабиларни ўзида қамраб олувчи шахс соғлиғи унинг мустақил объекти сифатида намоён бўлса (ЖК 104-моддаси 1-қисми), бироқ у эҳтиётсизлик орқасида шахс ўлимига сабаб бўлганда, шахснинг ҳаёти тажовуз (ЖК 102-моддаси) объекти ҳисобланади. Мазкур ҳолатда қасддан айнан шахсга оғир тан жароҳати (нутқи, кўриш, эшитиш қобилиятининг йўқолишига ва қандайдир органидан ажралишига олиб келувчи) етказишга, анча оғир оқибатларга нисбатан (жабрланувчининг ўлими, айбдорнинг ички руҳий ҳолати) эҳтиётсизлик билан ифодаланади.

Иш ҳолатлари (етказиладиган тан жароҳатининг хусусияти, зарар етказишда ишлатиладиган жиноятни содир этиш қуроллари, воситалари ва бошқа ҳолатлар) ўлим келиб чиқиши хавфини кўрсатса-да (эҳтиётсизликнинг интеллектуал ҳолати), бунда иродавий ҳолат оғир тан жароҳати етказишни хоҳлашида ва бунга онгли равишда йўл қўйишида ифодаланади. Айбдор ўз навбатида ўлимнинг келиб чиқишини олдиндан кўра билиши мумкин ва лозим бўлган ҳолда эҳтиётсизлик (иродавий ҳолат)ка йўл қўяди, лекин бундай оқибат келиб чиқмаслигини англамаган ҳолда тахмин қилади ёки олдиндан кўра билмайди.

Бу ҳолатларни аниқлаш жиноятни квалификация қилишда муҳим аҳамият касб этади. Юқори турувчи суд инстанцияси кўрсатмасига кўра, судлар қасддан одам ўлдириш жиноятини жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятидан фарқлаши лозим. «Қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдор шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш ниятида ҳаракат қилади, баданга оғир шикаст етказиш шахснинг ўлимига сабаб бўлган ҳолларда эса, ўлимга нисбатан унинг айби эҳтиётсизлик шаклида ифодаланади»[1].

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 4-банд, 2-хатбоши // Тўплам, 2-жилд. – 193-б.

Мураккаб айбли жиноятларнинг **иккинчи турига** қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)га нисбатан бир хил бўлмаган муносабатда оқибат келиб чиқиши талаб қилинмайдиган ва оқибатга нисбатан бўладиган жиноятлар киради. Бу ҳолат формал таркибли жиноятларда кўзга ташланади. Бу квалификацияга таъсир қиладиган оқибат жиноят-ҳуқуқий норма билан қўриқланадиган асосий жиноят таркибидаги объектдан ташқари қўшимча объектга зарар етказишда ифодаланади. Бу туркумдаги жиноятларга асосий таркибли формал, квалификацияга таъсир қилувчи белгилари маълум бир оғир оқибатни юзага келтирувчи жиноятларни мисол келтириш мумкин. Масалан, жабрланувчининг ўлими аборт ўтказишда келиб чиқиши (ЖК 114-моддаси 3-қисми «а» банди). Бундай шаклдаги қасддан содир этилган жиноятлар квалификация қилинадиган оқибатга нисбатан эҳтиётсизлик орқасида содир этилган деб баҳоланади.

NOTA BENE !

Айбнинг мураккаб шакли фақатгина моддий таркибли жиноятлардан ўрин эгаллайди ва шахснинг турли хил руҳий муносабатлари билан ифодаланади, чунончи, биринчидан бу қилмишни квалификация қилувчи қилмишга ва оқибатларга нисбатан, иккинчидан, унча оғир бўлмаган ва ўта оғир бўлган икки хил оқибатларга нисбатан қасд ва эҳтиётсизликни қўшиш орқали ифодаланади.

Мураккаб айбли жиноятларни тўғри квалификация қилишнинг муҳимлиги объектив белгиларига кўра, ўхшаш бўлган қасддан содир этилган жиноятлардан ажратишда кўринади. Агар қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида шахснинг ўлими юзага келса, шунингдек, ҳаракат умумий қасд (эгри қасд бўлса ҳам) билан қамраб олинган бўлса, содир этилган жиноят қасддан одам ўлдириш деб квалификация қилинмоғи лозим.

Мураккаб айбли жиноятлар умуман қасддан қилинган жиноят ҳисобланади ва бу категория жазони ўташ тартибига ва бошқа жиноий-ҳуқуқий оқибатларга таъсир қилади.

6-§. Айбсиз ҳолда зарар етказиш

Айб учун жавобгарлик принципи ЖК 9-моддасида кўрсатиб ўтилган бўлиб, ЖКнинг Умумий ва Махсус қисмидаги жиноят таркибининг субъектив томонидаги масалаларни кўриб чиқиш ва квалификация қилишда аҳамиятли бўлган асосий принциплардан саналади. Шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади.

ЖК 24-моддасига кўра, «агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англамаган, англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган ёки унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етмаган ва ишнинг ҳолатларига кўра кўзи етиши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган бўлса, бундай қилмиш айбсиз ҳолда содир этилган деб топилади».

Субъектив **казус** билан боғлиқ бўлган айбсиз ҳолда зарар етказиш ҳақидаги ЖК 24-моддаси мавжуд ҳолатнинг икки турини кўрсатиб ўтади:

– ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс, ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англамаганлиги ва иш ҳолати бўйича англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмаганлиги;

– шахснинг ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини мажбурият ва имкониятнинг йўқлиги сабабли олдиндан кўра олмаслиги.

Биринчи кўринишдаги субъектив ҳолат (казус) қоида тариқасида формал таркибли жиноятларга хосдир, жумладан, айбсиз ҳолда зарар етказишни эҳтиётсизлик орқасида содир этилган формал таркибли жиноятлардан ажратиш имконини беради. Казуснинг иккинчи кўриниши моддий таркибли эҳтиётсизликда содир этилган жиноятлардан иш ҳолати бўйича ҳодисаларни ажратиб олишга мўлжалланган.

Шахс томонидан юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан англаш имконияти ва мажбуриятининг йўқлиги айбни инкор этади. Шунинг учун шахснинг ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан англаши имконияти ва мажбуриятининг йўқлиги жиноий қилмиш содир этилган муайян ҳолат ёки субъектнинг шахсий сифатлари (тажрибаси йўқлиги, касбий маҳорат, интеллектуал ривожланишнинг пастлиги ва ҳ.к.) бўлиши мумкин.

NOTA BENE !

Айбсиз ҳолда зарар етказиш (казус), қачонки шахс ўз қилмиши (ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги)нинг ижтимоий хавфлилигини англамаганда ёки ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигига кўзи етмаган ва иш ҳолати бўйича англаши ва олдиндан кўра билиши мумкин ва лозим бўлмаганда юз беради.

Казус қасддан интеллектуал ва иродавий ҳолатларга кўра фарқ қилади. Қасдда (тўғри ёки эгри) шахс ўз қилмиши (ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги)нинг ижтимоий хавфли хусусиятини англайди. Казусда эса, ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфли хусусиятини англамаган, англаши лозим ва мумкин бўлмаган бўлади. Бунда (қасд учун хос бўлган) келиб чиқиши лозим ва мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билиш мавжуд эмас. Казусдаги қасдда бўлганидек, ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқишини хоҳлаш ва унинг келиб чиқишига йўл қўйиш каби иродавий ҳолатларнинг йўқлиги билан фарқланади.

Эҳтиётсизликдан казус иродавий ҳолатига кўра фарқланади. Казусда шахс юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билмайди, олдиндан англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмайди, эҳтиётсизликда эса, аксинча, бу оқибатларни олдиндан кўра билиши мумкин ва лозим бўлади.

Субъектив ҳолатда айбдан фарқли равишда руҳий муносабат эмас (у мавжуд бўлмайди), балки алоҳида у ёки бу ижтимоий хавфлилик, шу билан бирга, жиноят ва жазони инкор этадиган вазиятда ҳаракат қиладиган (ёки қилмайдиган) шахс руҳий ҳолатини тушуниш керак. Бу шахснинг ижтимоий хавфли оқибат етказган қилмиши таркибида айб мавжуд бўлмаганлиги учун жиноий жавобгарлик юзага келмайди.

7-§. Жиноятнинг мотиви ва мақсади, эмоционал ҳолат

Жиноят таркиби субъектив томонининг қасд каби зарурий белгиларидан ташқари, баъзи жиноят таркиби тузилишининг ўзига хос хусусиятлари туфайли бошқа элементлари ҳам ажралиб чиқади. Улар жиноят содир этишдаги мотив ва мақсадлар ҳисобланади. Улар айб қатори шахснинг содир этган қилмишига ва унинг оқибатларига нисбатан бўлган руҳий муносабатнинг билдириш шаклини, моҳияти, даражасини ифодалайди. Мотив ва мақсад реал ҳаракатларнинг аниқ вазифаларини, воситалар танлаш ва уларни ҳал этиш усулларини қўйишни белгилайди. Уларнинг асосида жиноий қилмишнинг идеал хаёлий модели вужудга келади ҳамда шунинг билан, шахснинг ижтимоий хавфли қилмишига, яъни айбига нисбатан реал руҳий муносабатини туғдирувчи фундаментни кўрсатади.

Ҳар қандай қасддан содир этилган жиноят қандайдир мотив ва у ёки бу мақсадда содир этилади. Мотив ва мақсаднинг ижтимоий ва криминологик аҳамияти шундан иборат бўлади. Шундай бўлса-да, баъзи тадқиқотчилар эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларнинг мотив ва мақсадлари мавжудлигини турли хил шартлар билан исботлашга уринмоқдалар[1]. Бу эса нотўғри, бундай йўсинда жиноят-ҳуқуқий ва криминологик ёндашишларнинг бу кўриниш билан аралашиб кетишига йўл қўйилади. «Одам хулқ-атворининг мотиви шундагина жиноят мотиви бўладики, қачонки мотив

[1] См.: Российское уголовное право. Курс лекций. В 2-х т. – Владивосток: 1999, Т.1 – С. 437 (автор главы – Р.М. Михеев); Квашис В.Е. Преступная неосторожность. Социально-правовые и криминологические проблемы. – Владивосток: 1986. – С. 51.

жиноий қилмишнинг барча муҳим хусусиятларини қамраб олганида, бу эса фақат қасддан содир этиладиган жиноятларда бўлиши мумкин»[1].

Бундан ташқари, қонунчилик мотив ва мақсадни айбнинг эҳтиётсизлик шаклидаги жиноят таркибининг зарурий ва квалификацияланган белгилари қаторига киритмайди. Шунингдек, мақсад кўзланган натижа тўғрисидаги тасаввур бўлгани учун ҳеч ҳам эҳтиётсизликнинг ичига киритиш мумкин эмас, деб ҳисоблаш керак эмас. Шунинг учун эҳтиётсизлик орқасидаги жиноятларга мувофиқ фақат мотив ва мақсад тўғрисида гапириш мумкин, бироқ жиноят тўғрисида эмас.

Ҳар қандай жиноят таркиби ҳам мотив ва мақсадни ифодалайвермайди. Бу кўриниш мотив ва мақсаднинг квалификациясига таъсир этувчи жиноят субъектив томони факультатив белгиларининг жиноят-ҳуқуқий аҳамиятини акс эттиради.

Мотив муайян ҳаракатларни содир этишга бўлган ният бўлиб, хусусан, жиноят мотиви ўзида, одам руҳиятида рўй берадиган жуда қийин эмоционал (ҳиссий) ва иродавий жараённи намоён этади. Чунончи, мотив жиноий фаолиятга шахснинг фаол қизиқтирувчи омили (стимул) ҳисобланувчи куч ва шиддат билан интилишни беради.

Хулқ-атворнинг бошқа шаклларидан ҳуқуқий баҳоси ва ўзининг йўналтирилганлиги билан ажралиб турувчи жиноят индивид ижтимоий фаоллиги бир кўриниши бўлгани учун, жиноят мотивининг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик тушунчаси фақат руҳий пойдевор асосида қурилади ва шунга мувофиқ, хулқ-атворнинг ҳамма асосий ижтимоий ва руҳий қонуниятлари, унинг меъёрий бўлмаган характери билан боғланган хусусиятини ҳисобга олган жиноятга ҳам хосдир.

Психологияда мотив остида шахс фаоллиги омили, яъни шахс хулқ-атвори негизида ётувчи ҳаракатдаги куч тушунилади. Бундай кучнинг манбаи бўлиб, эҳтиёжлар, яъни ҳаётий фаолиятнинг муайян шароитларидаги

[1] Рарог А.И. Квалификация преступлений по субъективным признакам. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2003. – С. 137-141.

англанган ва англанмаган талабларнинг акс этиши кабилар кўринади[1]. Англаш жараёнида ва эҳтиёжларни моддийлаштиришда шахс онгининг манфаатлар, қизиқишлар, интилишлар, истаклар ва бошқа «элементлари» пайдо бўлади. Бу барча маҳсулотлар эҳтиёжлар билан чамбарчас боғланган бўлиб, улар асосида шаклланади, генетик планда «иккиламчи» ҳисобланади, бироқ айнан улар шахснинг бевосита ҳаракатдаги кучи – мотивни шарт қилиб қўяди.

Кўп ҳолларда манфаат шахс фаоллигининг қўзғатувчиси бўлиб ҳисобланади. Манфаат эҳтиёжлардан ҳосил бўлади. Психологик тушунишда у ўзида нимагадир шахсий иштиёқни[2], яъни англаб етилган эҳтиёжни намоён этади. Манфаатнинг англаб етилганлиги уни майл (қизиқиш)дан – эҳтиёжнинг англаб етилмаган кечинмасидан фарқлайди. Вужудга келган манфаат ва қизиқиш, ўз эҳтиёжларини қондириш йўлларига эга. Шунинг учун улар эҳтиёжни қондириши мумкин бўлган предметни учратганларида хатти-ҳаракатнинг мотиви бўлади. Эҳтиёжнинг унинг предметида конкретлашганлиги ва бу муҳим эҳтиёж билан уни қондиришнинг шароитлари ўртасидаги қарама-қаршилик мотивнинг – қилмишга ундовчи психика фаол ҳолатининг вужудга келишига олиб боради[3].

Шахснинг манфаатлари унинг онгида акс этган ҳолда, тасаввур, фикр-мулоҳаза, ғоя, идеал кўринишидаги мотивацион аҳамият касб эта бошлайди. Бу мотивнинг моҳиятини кўрсатувчи томон бўлиб, унинг асосида муайян қилмишнинг олдиндан келиб чиқадиган оқибатларини ҳисобга олган ҳолда мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосани ҳосил қилади. Бироқ бундай

---

[1] См.: Селиванов В.И. Сила потребности и волевое усилие. – В кн.: Проблемы формирования социогенных потребностей. – М.: 1964. – С. 40.

[2] А.Г. Ковалев, в частности, определяет интерес как «специфическое отношение личности к объекту в силу его жизненной значимости и эмоциональной привлекательности». (Ковалев А.Г. Психология личности. – М.: 1965. – С. 101).

[3] Зелинский А.Ф. Осознаваемое и неосознаваемое в преступном поведении. – Харьков: «Вища школа», Изд-во при Харьковском Университете, 1986. – С. 41.; Удовлетворенная потребность не может стать мотивом поведения, поэтому, как правильно отмечает болгарский философ С. Попов, интерес личности к чему-либо возникает при наличии противоречий между потребностью и условиями ее удовлетворения, или, иначе говоря, при наличии препятствий к удовлетворению потребности. (Попов С. Сознание и социальная среда. – М.: 1979. – С. 160).

хулоса ўзидан-ўзи ҳаракатга олиб келадиган ният бўлавермайди (жумладан жиноятга олиб келадиган). Шахснинг фаоллиги интилиш, истак, қизиқиш, эҳтирос каби эмоционал (ҳиссий) кечинмалар таъсири остида амалга ошади. Ҳиссиёт ўзида эҳтиёжнинг функциясини ва субъект томонидан унинг муҳим эҳтиёжларини қондириш имкониятларини баҳолашни намоён этиб, улар мотивнинг динамик (энергетик) томонини белгилайди[1]. Натижада, мотивнинг таъсирчанлиги куч ва ҳиссий кечинмаларнинг кескинлиги, яъни кучайганлиги ва ниҳоят эҳтиёжнинг муҳимлиги ҳамда уни қондиришнинг ўша пайтдаги имкониятлари билан аниқланади. Ҳиссий (эмоционал) кечинмаларининг ўтиши шахснинг асаб (нерв) системаси ва руҳий (темперамент) ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади.

Қасднинг вужудга келишидан олдин баъзан мураккаб жараён –турли имкониятларни ўйлаб кўриш: ҳаракат қилиш ёки ҳаракат қилишдан тийилиш, қайси йўл билан ва қандай усулда ҳаракат қилишда кўринадиган мотивлар кураши бўлиб ўтади[2]. Қарор қабул қилишда, охирги натижада субъектнинг кейинги иродавий йўналишини белгилайдиган энг кучли бўлган мотив ютиб чиқади.

Кўпинча, аффект ҳолатидаги ва «ақлсиз» содир этилган жиноятларда субъект томонидан уларнинг асл моҳияти аниқланади. Баъзан булар субъектнинг эҳтиёжларни нотўғри акс эттиришидан келиб чиқади. Турли одамларда бир хил объектив шарт бўлган эҳтиёжлар бир хил шахсий маъно касб этади ва онгда акс этган ҳолда ҳам доим жиноятчининг Ғайриижтимоийлигини аниқлашни белгилаш орқали сингдирилади.

Юридик адабиётларда муқаррар англаб етилган ниятлар каби мотивлар тўғрисидаги тушунчалар устунлик қилади. Бироқ шахснинг муаммоларини ўрганувчи кўпгина файласуф ва психологлар ҳар қандай ҳаракатнинг

[1] Мотивы всякого поведения, в том числе и преступного, имеют две стороны: содержательную и динамическую (энергетическую). (См. Асеев В.Г. Мотивация поведения и формирование личности. – М.: 1976. – С. 22; Мясищев В.Н. Личность и отношения человека. // Проблемы личности: материалы симпозиума. – М.: 1969, т.1 – С. 69).

[2] Теплов Б.М. Психология. – М.: 1951. – С.191.

ҳақиқий мотиви ҳар доим ҳам узоқ тўлиқ англаб етилмайди деб ҳисоблайдилар[1].

Мотивнинг мазмундор томони, яъни қилмишни (ҳаракат ёки ҳаракатсизликни) англаш – уни содир этишнинг хаёлий тасаввури – ҳар доим ҳам бир хил онгда намоён бўлмайди, баъзида эса, унда мутлақо белгиланмайди. Охирги ҳолатда мотивлашмаган хулқ-атвор тўғрисида гапирилади, гарчи бундай мотивлашмаган хулқ-атвор бўлмаса ҳам. Бундай номланувчи мотивлашмаган хулқ-атворда (хатти-ҳаракат) фақатгина мотивнинг битта категорияси – ният мавжуд. Яна мотивнинг динамик томони сифатида келувчи ҳиссиёт камдан-кам ҳолларда тўғри англаб етилади. Жуда кўп ҳолларда улар онг ости даражасида ёки фақат ички руҳий даражада бошдан кечирилади ва улар субъектнинг кечинмаларидан ташқарига чиқиб кетмайди. Шунинг учун агар хатти-ҳаракатнинг ўзини англамасалар, яъни хоҳиш ва уларнинг натижаларини англамасалар, мотивнинг англаб етилганлиги тўғрисида ва шахс қилмишини англаганда бундай дейиш мумкин эмас.

NOTA BENE !

Жиноят мотиви – бу шарт бўлган муайян эҳтиёжлар ва манфаатларнинг англанган ёки англанмаган ички хоҳиш-нияти бўлиб, шахс унга жиноят содир этишда таянади.

Баъзида мотив тушунчаси билан мотивация тушунчаси тенглаштирилади. Бироқ, улар гарчи ўзаро чамбарчас боғланган бўлса ҳам таърифи моҳияти жиҳатидан фарқланади.

Агар мотив деб, индивидни жиноий фаолиятга ундовчи дастлабки сабабни олсак, **мотивация** – бу мотивларнинг мажмуи бўлибгина қолмай,

[1] См.: Боровский М.И. Детерминизм и нравственное поведение личности. – Минск: 1974. – С.150-151; Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. – М.: 1977. – С.201; Якобсон И.М. Психологические проблемы мотивации поведения человека. – М.: 1969. – С.208; Спиркин А.Г. Сознание и самосознание. – М.: 1972. – С.121; и др.

балки мотивни амалга ошириш жараёни, хатти-ҳаракатнинг сабабий боғланишдаги ички руҳий жараёнидир. Мотивацияни ўрганишда мотивнинг ўзини эмас, балки шахснинг барча мотивацион сферасини – уни ўрнатиш, иродавий ва ҳиссий сифатлари, яъни шахс хатти-ҳаракатларини аниқлаб берувчи руҳий ҳолатларнинг мажмуи эътиборга олинади.

Мотив ва мақсад тушунчалари ўртасидаги ўзаро муносабат бир хилликка олиб бормайди. Агар мотив жиноий фаолиятнинг зарурий элементи бўлса, мақсад жиноят содир эта туриб субъект эришишга интилаётган хаёлий натижадир. Жиноятнинг мақсади жиноий фаолиятнинг йўналишини белгилайди. Унга фаолият тури, унинг усуллари ва воситалари боғлиқ бўлади.

Кўпгина психологларнинг фикрича, мақсад ҳар доим биринчи навбатда онгнинг ҳаракати бўлгани ҳолда, ундовчи, мотивлашган куч орқали эмоционал (ҳиссий) кечинмаларни – мақсадни амалга ошириш истагини олади. Моҳиятан, мақсад – бу исталган натижани тасаввур қилинган кўринишдаги англанган мотивдир[1].

NOTA BENE !

Жиноят мақсади – бу айбдорнинг жиноят содир этиш орқали ўзи хоҳлаган натижага эришиш ҳақидаги тасаввуридир.

Жиноят мотиви ва у белгилайдиган мақсад кўпроқ бир-бирига тўғри келади. Талон-торож қилишда ғаразли мотив ва ғаразли мақсад мавжуд бўлади. Бироқ мотивга тўғри келмайдиган бошқа мақсадларни ҳам қўйиш

[1] Так, Леонтьев А.Н. называл осознаваемый мотив «мотивом – целью» (См.: Леонтьев А.Н. Указ. соч. – С.201; см. также: Давыдов В.В., Зинченко В.П., Талызин Н.Ф. Проблема деятельности в работах Леонтьева А.Н. // Ж. Вопросы психологии. – 1982. – №4. – С. 61-66). Ивашкин В.С. пишет: «Мотив сознательно регулируемого действия имеет форму цели, актуализирующей ассоциированную в ней установку в виде плана и образа конечного результата» (Ивашкин В.С. Личность и деятельность. – М.: 1977. – С. 44). По мнению Зелинского А.Ф. «Осознанный мотив преступления в виде представления о желаемом результате имеет форму цели» (Зелинский А.Ф. Указ. соч. – С. 68).

мумкин. Масалан, қасддан одам ўлдиришда босқинчиликни яшириш мақсадида айбдор томонидан ғаразли мотив қўлланади.

Мотив ва мақсад доим конкрет бўлади ва қоида тариқасида ЖКнинг Махсус қисмидаги моддалар диспозициясида асосий, квалификация қилинган ёки имтиёзга эга бўлган жиноят таркиби белгиси сифатида таърифланади. Масалан, шахснинг диний таассублар натижасида қасддан одам ўлдириши (ЖК 97-моддаси 2-қисми «м» банди) ёки киши аъзоларини кесиб олиб бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-моддаси 2-қисми «н» банди) жиноятларини содир этиши. Бироқ ЖК Махсус қисмининг айрим моддаларида берилган мотив ғаразли ёки паст ният сингари умумлашган хусусиятга эга (ЖКнинг 124-, 125-, 131-, 133-моддалари ва бошқалар) ёки бошқа шахсий манфаатдорликни (ЖКнинг 209-, 212-, 228[1]-моддалари ва бошқалар) билдиради.

Жиноят мотиви ва мақсадига кўрсатмалар ЖКнинг Умумий қисмида ҳам мавжуд. Масалан, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат сифатида, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчиликни қонунчилик ижтимоий фойдали мақсадга эришиш белгилари – муайян мақсад деб атайди (ЖК 41-моддаси). Бундай ҳолларда мотив ва мақсадни кўрсатиш алоҳида жиноят-ҳуқуқий аҳамият касб этади.

Юридик адабиётларда мотив ва мақсадларни квалификация қилишнинг бир неча йўллари келтириб ўтилган. Жумладан, мотив ва мақсадни маънавий ва ҳуқуқий баҳолаш асосидаги квалификацияга мувофиқ, барча мотивлар ва мақсадлар **пастлик** (ғаразлилик, шуҳратпарастлик, безорилик мотиви, миллатлараро ёки ирқий адоват, диний таассублар, бошқа жиноятни яшириш ёки содир этишни осонлаштириш ва ҳ.к.) ва **пастлик** (тубанлик, разиллик) **ҳолатидан холи бўлган** (қўрқоқлик, бурч тушунчасини нотўғри тушуниш ва ҳ.к.) турларга бўлинади[1].

[1] См.: Российское уголовное право. Общая часть. – М.: «Спарк», 1997. – С. 157-158.

Пастликка қонун чиқарувчи жиноий жавобгарликнинг белгиланиши ва кучайишини боғлайдиган мотив ва мақсад киради. Масалан, болани алмаштириб қўйиш учун жавобгарлик фақатгина тамагирлик ва бошқа паст ниятларда содир этилганида келиб чиқади (ЖК 124-моддаси).

Паст ниятдан холи мотив ва мақсад, аксинча, жиноий жавобгарликнинг оғирлашиши билан боғланмаган.

Бошқа ҳуқуқшунослар мотивни жиноятнинг оғирлиги бўйича қуйидагича классификация қилишади: **ғайриижтимоий** (сиёсий, агрессив-зўравонлик, ғаразли, ғаразли-мажбурлаш ва ҳ.к.); **асоциал** (эгоистик, анархия-индивидуалистик ва ҳ.к.); **сохта ижтимоий** (алоҳида ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари билан боғланган мотивлар, жиноят қонуни нормаларига зид келувчи, алоҳида шахсларнинг ва бутун жамиятнинг манфаатларига зид келувчи мотивлар); **ижтимоий зид** (жиноят ижтимоий негатив мотивидаги ижтимоий маъқулланган хатти-ҳаракатлар мотивларининг ўсиши натижасида юзага келган, жумладан, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш ва кучли руҳий ҳаяжонланиш натижасида жиноят содир этиш)[1].

Шунингдек, мотив ва мақсаднинг уч ҳадли бўлиниши ҳам мавжуд: 1) **инсонга қарши қаратилган** (инсоният хавфсизлигига ва тинчлигига қарши содир этиладиган жиноятлар мотивлари); 2) **ғаразли ёки паст ниятли** ва 3) **шахсий** (рашк, кўраолмаслик, шуҳратпарастлик ва ҳ.к.).

Мотив ва мақсад қаторига жиноят содир этган шахснинг эмоционал (ҳиссий) ҳолатини ҳам киритиш лозим. Шу сабабли жиноий қилмиш содир этиш ва унга тайёргарлик кўриш жараёнини кузатиб борувчи шахснинг эмоционал (ҳиссий) ҳолатигина жиноят-ҳуқуқий аҳамият касб этади.

NOTA BENE !

Субъектнинг жиноят содир этиш пайтидаги **эмоционал (ҳиссий) ҳолати** ўзида жабрланувчининг иғво, ғаламислик (ҳуқуққа хилоф ёки ахлоқсиз) хатти-ҳаракатлари ёки узоқ вақт руҳий азоб бериши ҳолатларини келтириб чиқарган чуқур кучли руҳий кечинмаларни намоён этади.

[1] См.: Уголовное право России. Часть Общая: учеб. для вузов: учеб. для студентов вузов, обучающихся по специальности «Юриспруденция» / Отв. ред. проф. Л.Л. Кругликов. 2-е изд., перераб. и доп. – С. 223-224.

Кўпинча баъзи бир жиноятлар таркиблари субъектив томонининг таркибий қисми сифатида аффект – кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати намоён бўлади.

NOTA BENE !

Жиноят ҳуқуқида аффект – бу қисқа муддатли, тўсатдан пайдо бўлувчи, жабрланувчининг ҳуқуққа хилоф, ахлоқсиз хатти-ҳаракатлари натижасида келиб чиқувчи кучли руҳий ҳаяжонланишдир.

Аффект физиологик (жисмоний) ва патологик (ғайритабиий ҳолат) бўлиши мумкин.

Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида юзага келган **физиологик аффект** ўзида шахс онгида устунлик қилувчи, ўз хатти-ҳаракатлари устидан унинг назорат қилишини сусайтирувчи, интеллектуал фаолиятни маълум даражада тормозлантирувчи, онгнинг торайишини ифодаловчи интенсив (бирдан кескин кучланган) ҳиссиётни намоён этади. Бироқ бу билан онгнинг чуқур хиралашиши келиб чиқмайди, ўзини тута билиш сақланиб қолади ва шунинг учун физиологик аффект жавобгарликни истисно қилмайди[1]. **Патологик аффектда** шахс жиноят субъекти бўла олмайди, чунки ўзи содир этаётган қилмишининг хусусиятини англамайди ва уларни бошқара олмайди, яъни ўз қилмишига жавоб бера олмайдиган бўлиб қолади.

Қонунчилик томонидан кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати (физиологик аффект) жазо чораларини камайтириш учун асос сифатида кўриб чиқилади. Шу муносабат билан кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (ЖК 98-моддаси), онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши (ЖК 99-моддаси), кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 106-моддаси) каби бундай жиноятлар таркиби енгил ҳолатлар қаторига киради.

[1] Курс уголовного права. Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под ред. д.ю.н., проф. Н.Ф. Кузнецовой и к.ю.н., доц. И.М. Тяжковой. – С. 349.

8-§. Юридик ва фактик хато, уларнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти

Хато – бу шахс томонидан ижтимоий хавфли қилмишни жиноят сифатида кўрсатувчи объектив хусусиятларига нисбатан янглишиш ёки нотўғри тасаввур қилиш, нотўғри баҳолаш ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, хато бу шахснинг содир қилган жинояти ҳолатларига бўлган нотўғри муносабатидир. Шунинг учун ҳуқуқни қўллаш амалиётида аниқланиши лозим бўлган муҳим масалалардан бири, бу – субъектив хато бўлиб, содир этилаётган ижтимоий хавфли қилмишнинг характер ва даражасини аниқлаштиради ёхуд янглишишнинг юридик тавсифини ўзида намоён қилади.

Шахснинг хатоли тасаввурларидан келиб чиққан ҳолда хатоларни юридик ва фактик хатоларга бўлиш қабул қилинган.

NOTA BENE !

Юридик хато (error juris) – шахснинг ўзи содир этадиган қилмишининг юридик моҳиятини (жиноийлигини ёки жиноий эмаслигини) ва уни содир этишнинг юридик оқибатларини (квалификацияси, шакли, жазо миқдори) нотўғри баҳолашидир.

Юридик хатонинг қуйидаги турлари ажралиб туради:

– **жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳолатларига кўра хато қилиш,** яъни шахс ўзи содир этган қилмишини жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилмаган деб ўйлайди, аслида эса, унинг ҳаракатлари қонун бўйича жиноят деб топилади. «Қонунни билмаслик жиноий жавобгарликдан озод қилмайди» деган қоидадан келиб чиқилиб, мазкур тарздаги хато айбнинг қасд шаклини ҳам, жиноий жавобгарлик масаласини ҳам рад этмайди;

– шахснинг содир этган қилмиши қонун бўйича жиноят ҳисобланмасада, **у ўзи содир этган қилмишини жиноят сифатида (хаёлий жиноят) хато**

баҳолайди. Бундай қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусияти ва ҳуқуққа хилофлик белгилари мавжуд бўлмаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилмайди, шунинг учун ҳуқуқий аҳамиятига кўра, айб инкор этилади.

– **субъектнинг содир этган жинояти оқибатига нисбатан хато** унинг квалификациясига, мазкур қилмиш учун белгиланадиган жазо миқдорига ва турига нисбатан бўлади. Ўолатларнинг номланиши айбнинг моҳиятига таъсир қилмайди ва у айбдор онгини тўлиқ қамраб олмаган бўлади, шунинг учун хато баҳо бериш қасдни ҳам, жиноий жавобгарликни ҳам инкор этмайди.

Шундай қилиб, содир этилаётган қилмишнинг юридик моҳияти ва юридик оқибатларига нисбатан янглишаётган шахснинг жиноий жавобгарлиги субъектнинг бу қилмишни баҳолашига эмас, балки қонун ҳужжатларига мувофиқ келиб чиқади. Бундай юридик хато на айбга, на жиноят квалификациясига ва на жазо тайинлашга таъсир қилади.

NOTA BENE !

Фактик хато (error facti) деганда, жиноят таркибининг объектив белгилари, ҳуқуққа хилоф ижтимоий хавфли қилмиш даражаси ва характерини ифодаловчи фактик ҳолатлар ҳақида шахснинг нотўғри тасаввури ёки янглишиши тушунилади.

Қилмишнинг хавфлилиги кўплаб ҳолатлар билан аниқланар экан, ўз навбатида шахс фактик хатоси ҳам ижтимоий хавфлилиги ва содир этилганлик даражаси ҳамда оқибатларга нисбатан ҳам турли хил бўлиши мумкин. Фактик хатонинг жиноят-ҳуқуқий мазмуни, жиноятнинг қандай элементига ва унинг ижтимоий хавфлилик хусусиятига ва оқибатига нисбатан таъсири шахсда нотўғри бўлиши, хато тасаввур қилиши ёки баҳолаши билан аниқланади.

Предметдан нотўғри тушуниш ва баҳолаш орқали пайдо бўлган тасаввурлардан келиб чиқиб, фактик хатоларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

– содир этилаётган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигига нисбатан;

– тажовуз объектига нисбатан;

– етказилган оқибатга нисбатан;

– сабабий боғланишга нисбатан;

– жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар.

Содир этилаётган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигига нисбатан хатода, биринчидан, шахс қилмишини нотўғри ижтимоий хавфлилигини йўқотувчи фактик ҳолатлар кучда бўлади. Масалан, шахс омбор ҳудудига кириб, ҳисобдан чиқарилган ва йўқ қилишга мўлжалланган, қимматга эга бўлмаган мулкни «ўғирлайди». Мазкур хато айбнинг шаклига таъсир қилмайди ва ўз-ўзидан қасддан содир этилган деб топилади, аммо бу ҳолат бўйича жиноий жавобгарлик масаласи тугалланган жиноятга нисбатан вужудга келмайди, чунки жиноий мақсад амалга ошмаган ва фактик жиҳатдан танланган (ўғирланмоқчи бўлган) тажовуз объектига ҳеч қандай зарар етказилмаганлиги учун жиноятга суиқасд сифатида баҳоланади, яъни жиноят содир қилган шахснинг ҳаракати айбдор фикрининг йўналиши бўйича квалификация қилиниши керак. Иккинчидан, шахс ўз хатти-ҳаракатларини ҳуқуқий ҳисоблаб, уларнинг ижтимоий хавфлилиги хусусиятини англамайди. Одатда, бундай ҳолатлар жиноятнинг объектив томони ва қилмишга ижтимоий хавфли характер касб этувчи қандайдир муҳим фактик ҳолатни билмаслик билан изоҳланади. Бундай хато айбнинг қасд шаклини инкор этади, шунинг учун фақат қасддан содир этилган қилмиш учун жиноий жавобгарлик мавжуд нормаларда улар жиноий жавобгарликни истисно этади. Масалан, шахс томонидан қалбаки пулларни ҳақиқий деб ўйлаган ҳолда ўтказиши қасд бўлмаганлиги учун жиноят деб ҳисобланмайди. Агар қонунчилик жиноий қилмишни айбнинг ҳар қандай формасида жазога сазовор деб ҳисобласа, шахс ижтимоий хавфли оқибатни

англаши мумкин ёки англаши керак бўлган ҳолларда унинг ҳаракатлари эҳтиётсизлик орқасида содир этилган қилмиш учун жиноий жавобгарликни юзага келтиради. Бундай турдаги хатога жуда кўп ҳолларда йўл қўйиладиган ҳолат сифатида зарурий мудофаа мисол бўлади. «Агар ҳодиса ҳолатларига кўра, мудофаа чораларини қўллаган шахс ўзининг янглишганини билмаган ва билиши ҳам мумкин бўлмаган бўлса»[1], яъни қилмишнинг ижтимоий хавфли хусусиятига нисбатан узрли хато бўлганида зарурий мудофаа ҳолатида зарар етказиш учун жавобгарлик келиб чиқмайди. Бироқ эҳтиётсизлик орқасида ўлим ёки соғлиққа жиддий зарар етказилганда жиноий жавобгарлик келиб чиқса, айбли хато қилмишнинг ижтимоий хавфлилигига нисбатан жиноий жавобгарлик келиб чиқиши мумкин, аммо қасддан содир этилган қилмиш учун эмас, балки зарурий мудофаа ҳолатида бўлган, иш ҳолатига кўра тажовузнинг хаёлийлигини ва ўзининг «мудофааланувчи» ҳаракатларининг ижтимоий хавфини англаши мумкин ва лозим бўлган шахснинг эҳтиётсизлик орқасида зарар етказиши учун жавобгарлик келиб чиқиши мумкин[2].

Шахснинг жиноят объектига нисбатан хато қилиши суд-тергов амалиётида кўп кузатиладиган ҳолат ҳисобланади. Бу хатонинг ўзига хос хусусияти шундаки, у қасд доирасида намоён бўлади. Қоида тариқасида бундай хатога йўл қўйиш айб шаклини ўзгартирмайди фақат мазмун-моҳиятини, унинг томонларини аниқлаштиради.

Тажовуз объектига нисбатан хато – бу шахснинг жиноят объекти ижтимоий ва юридик моҳияти ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлишидир. Унинг моҳияти: жиноят субъекти бир вақтда маълум бир объектга тажовуз қиляпман деб ҳисоблайди, аслида эса, у бошқа кўзда тутилмаган объектга нисбатан тажовузни амалга ошираётган бўлади. Мазкур хато гуруҳига **жиноят предметига ва жабрланувчига нисбатан йўл қўйиладиган хатоларни** ҳам киритиш мумкин, ўз навбатида, улар бир хил турга

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 10-банд, 2-хатбоши // Тўплам, 1-жилд. – 79-б.

[2] Ўша жойда. 3-банд, 10-хатбошиси.

кирмайди. Бу кўринишда хатоларни бир гуруҳга бирлаштириш зарурати шундаки, бу туркум хатоларнинг барчаси, асосан, объект белгиларига нисбатан йўл қўйилади. Бундай хатоларнинг барчаси айбдор ўйлаган ва ҳисоблаган объектга (ўз навбатида хато қилинган «яроқсиз» предмет ва жабрланувчи ҳам киритилади) нисбатан суиқасд сифатида баҳоланади. Бундай квалификация бир томондан, жиноят содир этган, унинг онги ва олдиндан кўра олиши билан қамраб олмаган объектив ҳолатларда шахсни айблашни инкор этиши билан, бошқа томондан эса, зарар аслида бошқа бир объектга етказилгани учун, айбдорнинг онгида индивидуаллашган объектга нисбатан тугалланган тажовузнинг мавжуд эмаслиги билан боғланган. Масалан, дорихонадан шахс таркибида наркотик модда сақловчи дорини ўғирлашга ҳаракат қилади, лекин у бошқа бир дорини ўғирлайди. Бундай хато жиноятни квалификация қилишда қасднинг йўналтирилганлигидан келиб чиқади. Бу ҳолатда шунга эътибор бериш керакки, фактик ҳолатдан олиб қараганда, айбдорнинг қасди қаратилган объект зарар кўрмайди, шунинг учун қилмиш тугалланмаган жиноят сифатида кўрилиб, жиноятга суиқасд сифатида қаралади (юқоридаги мисол ЖК 25-моддаси ва 271-моддаси 1-қисми).

Ўз навбатида объектга нисбатан бўлган хатодан предмет ва жабрланувчи шахсига нисбатан бўлган хатоларни ҳам фарқлаш лозим. Бундай хато (бир уйдаги мол-мулк ўрнига иккинчи уйдаги мол-мулкни ўғирлаш, бир одамнинг ўрнига бошқасини ўлдириш) айб шаклига ҳам, жиноятни квалификация қилишга ҳам, жиноий жавобгарлик белгилашга ҳам таъсир этмайди.

Етказилган оқибатларга нисбатан хато. Қонунга мувофиқ айбдор шахснинг ўз қилмишига турли хил руҳий муносабатлари у ёки бу айб шаклини ҳосил қилади. Бу оқибатлар ҳақиқатда келиб чиқмасдан олдин улар шахс тасаввурида намоён бўлади. Иш ҳолати бўйича биз, олдиндан кўра билиш каби интеллектнинг бундай кўриниши билан тўқнашамиз. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этишда шахснинг олдиндан кўра олиши натижага – келиб чиққан оқибатларга мос келмаслиги ҳам мумкин.

Оқибатга нисбатан хатолар турли хил бўлиши мумкин. Масалан, шахс қандайдир оқибат пайдо бўлиши ёки юзага келмаслигига нисбатан янглишиши мумкин. ўз навбатида, ҳар қайси хатолардаги бундай янглишишлар оқибатнинг сифат ёхуд ҳажм тавсифига нисбатан бўлиши мумкин. Шу сабабга кўра, етказилган зарарга нисбатан хато унинг ҳажми ёхуд сифат тавсифига нисбатан бўлиши мумкин.

Етказилган оқибатнинг сифатига нисбатан бўлган хато, яъни айбдор олдиндан келиб чиқишини кўра билган ижтимоий хавфи катта оқибат фактик жиҳатдан юзага келмаслиги ёки олдиндан кўра билмаган оқибат юзага келишида ифодаланади. Бундай хато олдиндан кўра билмаган фактик оқибат учун қасддан зарар етказганлик учун жиноий жавобгарликни истисно этсада, эҳтиётсизлик орқасида зарар етказганлик учун жиноий жавобгарликни юзага келтириши мумкин. Қасд қаратилган қилмиш кутилган оқибатни юзага келтирмаса, у оқибатга нисбатан суиқасд сифатида баҳоланиши керак, бундан ташқари, фактик юзага келган зарар эҳтиётсизик орқасида етказилган зарар деб баҳоланади. Масалан, ўзганинг уй-жойини ўт қўйиш орқали йўқ қилишга қаратилган жиноят субъектининг уриниши амалга ошмаса ва бунинг натижасида ҳодиса жойида тасодифан мавжуд бўлган шахс соғлиғига ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказилса, айбдорнинг қилмиши оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан мол-мулкка зарар етказишга суиқасд қилиш (ЖК 173-моддаси 2-қисми «б» банди) ва эҳтиётсизлик оқибатида баданга ўртача оғирликдаги шикаст етказиш сифатида (ЖК 111-моддаси 1-қисми) квалификация қилиниши лозим. Агар айбдорнинг қасди билан қамраб олинмаган оқибат юзага келса ва бу оқибат қонунчиликка кўра, квалификация қилинувчи белги сифатида белгиланган бўлса, бу ҳолатда жиноятлар жами юзага келмайди ва қилмиш асосий жиноят билан бирга келиб чиққан оқибатга квалификация қилинади. Агар шахснинг қасддан оғир тан жароҳати етказиши жабрланувчининг ўлимига олиб келса, бундай қилмиш ЖК 104-моддаси 3-қисми «д» банди билан квалификация қилинади.

Айбдорнинг **ижтимоий хавфли қилмиши миқдорига нисбатан хатога** йўл қўйиши – бу унинг жиноят оғирлик даражасида янглишишини англатади. Бу ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш натижасида етказилган зарар даражаси олдиндан кутилган зарар даражасидан ортиқ ёки кам бўлиши мумкин. Бу турдаги хатолар жиноий йўл билан етказилган зарар миқдорига кўра жавобгарликни вужудга келтирувчи жиноятлардан бошқа (масалан, ЖК 161-моддаси – қўпорувчилик натижасида етказилган мулкий зарарнинг миқдори) барча жиноятларда айб шаклига ҳам, жиноятни квалификация қилишга ҳам умуман таъсир қилмайди. Бу тартибда айб шакли, жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмаслиги қонунчилик томонидан ўрнатилган чегарадан четга чиқмаган ҳолда бўлиши мумкин.

Демак, қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида меҳнат қобилиятини 33% йўқотишда ҳам, 70 ва 80% да ҳам айнан квалификация қилинади. Қонун билан иш кўрувчи томонидан келиб чиққан оқибатнинг оғирлик даражасига қараб жиноятни квалификация қилиш лозим бўлса, бу ҳолатда айбдор қасди йўналтирилганлиги асосида квалификация қилинади. Агар юзага келган оқибат субъект ўйлаган оқибатдан юқори бўлиб кетса (масалан, шахс тан жароҳати етказмоқчи бўлиб ҳаракат қилиши натижасида ўлимнинг юзага келиши), бу ҳолда мазкур оқибат учун қасддан етказганлик хусусияти жавобгарликни инкор этади. Оғирроқ зарар учун эҳтиётсизлик орқасида зарар етказилганликда жиноий жавобгарлик белгиланади.

Сабабий боғланишга нисбатан хато содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш билан келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишнинг воқеалар ривожланиши туфайли нотўғри тасаввур қилиниши ҳисобланади. Бу турдаги хатонинг жиноий жавобгарлик масаласига таъсир қилиши оқибат айбдор қасди билан қамраб олиниб, келиб чиққан оқибат унинг содир этмоқчи бўлган ҳаракатлари натижасида эмас, балки бошқа бир ҳаракат натижасида юзага келади. Бошқача сўз билан айтганда, қасд ҳамма деталларни эмас, балки умумий ривожланиш қоидалари асосидаги деталларни англай олади. Сабабий боғланишнинг умумий ривожланишига

нисбатан хато назарда тутилган жиноий оқибат келиб чиқса, айб шакли ва жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди. Айрим ҳолларда сабабий боғлиқлик ривожланишининг қоидаларига нисбатан хато қасдни инкор қилади, аммо субъект келиб чиққан оқибатни олдиндан кўра билиши шарт ёки мумкин бўлган ҳолларда эҳтиётсизлик орқасида жиноий жавобгарликка сабаб бўлишига асос бўлади. Масалан, автомобилни бошқараётган тажрибасиз ҳайдовчи бурилишда тўсатдан қаттиқ тормоз бериб, йўл четидаги шағалга сирғанган машина бирдан бурилиши натижасида автомашина ичидаги йўловчилар турли даражада тан жароҳатлари олишди. Мазкур ҳолатда ҳайдовчининг зарур малакага эга эмаслиги, сабабий боғланиш ривожланиши билан тўлиқ қамраб олинмаганлиги учун шахс юз бериши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билмаган, ўз навбатида, ҳайдовчи мазкур ҳолатни олдиндан кўра билиши мумкин ёки лозим эди. Бошқа ҳолларда сабабий боғланишнинг ривожланиши жиноятни квалификация қилишда таъсир этиши мумкин. Бу ижтимоий хавфли оқибат қасд билан қамраб олинади, лекин у содир этмоқчи бўлган ҳаракат билан эмас, балки бошқа бир ҳаракат натижасида юзага келиши мумкин.

Жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатларга нисбатан хато бор ҳолатларни йўқ деб, йўқ ҳолатларни бор деб тасаввур қилиш натижасида юзага келади. Шунинг учун мазкур хато тасаввур икки турда бўлиши мумкин. Биринчидан, жиноят субъекти жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд бўлмаганда, шундай ҳолат мавжудлиги ҳақида хато тасаввурга эга бўлади; иккинчидан, шахс содир этаётган қилмишининг квалификация қилинувчи белгиларини содир этаётган, деб ҳисоблайди, фактик жиҳатдан эса, шахс онги билан англамаган ҳолда жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлади.

Биринчи ҳолатда хатони белгилашда шахс онгида оғирлаштирувчи ҳолат содир этаётганини тасаввур қилиши аҳамиятга эга. Шунинг учун қилмиш қасд йўналтирилган ва қамраб олган доирасида квалификация қилиниши лозим. Бироқ бу тугалланган жиноят сифатида квалификация

қилиниши мумкин эмас, чунки қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини оширувчи квалификацияга таъсир қилувчи жиноят белгилари фактик жиҳатдан содир этилмаган. Жиноятни квалификация қилишда квалификацияга таъсир қилувчи белгиларга нисбатан шахс хато тасаввур қилса, фактик жиҳатдан тамом бўлган жиноят суиқасд сифатида квалификация қилиниши керак, чунки ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқди, лекин айбдорнинг онги ва қасди билан қамраб олинган жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар амалда тўлиқ юз бермади.

Келтирилган иккинчи ҳолатга кўра, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларга нисбатан хатонинг турида шахс содир этаётган қилмишини ижтимоий хавфлилигини оширувчи квалификацияга таъсир қилувчи белгиларсиз амалга ошираётгандай тасаввур этиб, унинг онги билан юридик жиҳатдан мавжуд оғирлаштирувчи ҳолат тўлиқ қамраб олинмайди. ўз навбатида содир этилаётган қилмиш субъектив белгилари мавжуд бўлмаганлиги учун жиноят оғирлаштирувчи ҳолатларсиз квалификация қилиниши лозим.

Кўриб чиқилаётган фактик хато тури, нафақат, қилмишнинг квалификацияга таъсир қилувчи оғирлаштирувчи ҳолатларини кўзда тутади, балки жиноят таркибининг мустақил белгилари сифатида ҳам қаралиши мумкин. Масалан, ўғирлик билан босқинчилик содир қилиниш усули (яширинча ёки очиқ) бўйича фарқланади. ўғирлик жиноятининг квалификация қилувчи асосий мезони, бу – айбдорнинг содир этаётган қилмиш ҳақидаги субъектив тасаввури бўлса, бу айбдор қасдининг йўналтирилганлигига асосан квалификация қилиниши лозим[1].

Жиноят таркибининг объектив томони белгиларига юз берган оқибатга, сабабий боғланишнинг ривожланишига, жавобгарликни оғирлаштирувчи

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкини ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 6-сонли қарори, 1-банд, 3-бандниг 1-хатбошиси // Тўплам, 1-жилд. – 220–221-б.

ҳолатларга нисбатан хатодан ташқари **жиноятни содир этиш воситасига нисбатан хато** турини ҳам киритиш мумкин. Буни тўрт турга бўлиш мумкин.

Биринчи турдаги воситага нисбатан хатога айбдор томонидан ўзи мўлжаллаган воситадан бошқа, лекин унинг ўрнини босадиган воситадан фойдаланиш тушунилади. Мазкур турдаги воситага нисбатан хато қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди. Содир қилинган қилмишнинг объектив томони охирига етган бўлса, шахс қасдининг йўналтирилганлигига мувофиқ, жиноят тугалланган деб квалификация қилинади.

Иккинчи турдаги воситага нисбатан хатода ишлатиладиган воситани айбдор паст даражали деб ҳисоблайди ёки ўйлайди. Агар жиноят содир этилиши натижасида келиб чиққан оқибат айбдор кутгандан кўра оғирроқ бўлиб чиқса, бунда мазкур ҳаракатлар эҳтиётсизлик орқасида содир этилган деб квалификация қилиниши лозим, зеро, шахс келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатни олдиндан кўра билмаган бўлса-да, мазкур ҳолатни олдиндан кўра билиши мумкин ва лозим эди.

Учинчи турдаги хатонинг моҳиятини айбдор ўзи яроқли деб ишлатаётган восита аслида яроқсиз бўлиб чиқишига нисбатан бўлган хато ташкил қилади. Бундай ҳолатда содир этилган қилмиш қасднинг йўналтирилганлигига мувофиқ, жиноятга суиқасд қилиш деб квалификация қилинади.

Тўртинчи турдаги воситага нисбатан хато ишлатиладиган восита ҳар қандай ҳолатда ҳам яроқсиз бўлиб, буни субъект ўзига далда беришда, ўзининг устунлигини қўполликда ва ўз-ўзига ишонишда ишлатишда ифодаланади (фитнада, бузишда). Бунда жиноий жавобгарлик истисно этилади.

Суд-тергов амалиётида ҳозирга қадар ҳақиқатдан ҳам шахс ўзи содир этган қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини тушунганми, уни жиноий жавобгарликка тортмаслик асосли бўладими, деган масала баҳсли бўлиб қолмоқда. Агар мазкур турдаги хатоларнинг мавжуд бўлганлиги аниқланса, суд ишни ўрганиб чиқиш учун қўшимча терговга қайтариши лозим.

«Жиноятнинг субъектив томони» мавзуси юзасидан якуний саволлар

1. Жиноят субъектив томони ўзида нимани ифода этади? Уларнинг аҳамияти нимада?

2. Жиноят субъектив томонини қандай белгилар ҳосил қилади? Жиноят таркиби субъектив томонининг зарурий ва факультатив белгиларининг аҳамияти ва уларнинг роли қандай?

3. Айб жиноят субъектив томонида қандай ўрин тутади ва унинг қандай турлари мавжуд? Айбнинг қандай тури ўзида катта ижтимоий хавфни намоён этади ва нима учун?

4. Қасднинг қандай турлари мавжуд? Тўғри қасднинг эгри қасддан қандай фарқлари мавжуд?

5. Формал таркибли жиноятлар қандай қасд билан содир этилиши мумкин?

6. Қасднинг қайси бир тури катта ижтимоий хавфни намоён этади-ю, қайси бири кичик ижтимоий хавфни?

7. Қасд ноаниқ бўлганида (конкрет бўлмаганида) квалификация қилиш тартиби қандай?

8. Эҳтиётсизлик ўзида нимани ифодалайди ва унинг турлари қандай?

9. Эгри қасддан ўз-ўзига ишонишнинг қандай фарқли томонлари мавжуд?

10. Бепарволик объектив ва субъектив белгиларининг моҳияти нимада?

11. Мураккаб айбли жиноятлар тўғрисида қандай ҳолатларда гапириш мумкин?

12. Казус нима? Унда жиноий жавобгарликка йўл қўйиладими?

13. Казус жиноий бепарволикдан нимаси билан фарқ қилади?

14. Жиноят мотиви ва мақсадининг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти нимадан иборат? Уларнинг фарқи нимада?

15. Жиноят содир этган шахснинг ҳиссий ҳолати ўзида нималарни намоён этади? Ҳиссиётнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти нимада? ЖК Махсус

қисмидаги қайси моддаларда жиноят таркибининг ташкилий белгилари сифатида улар намоён бўлади?

16. Жиноят ҳуқуқида юридик ва фактик хатолар деганда нима тушунилади?

17. Юридик ва фактик хатоларнинг турларини айтиб беринг. Уларнинг жиноят квалификациясига қандай таъсири бор?

Қўшимча адабиётлар

ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар

Волков Б.С. Мотивы преступлений (Уголовно-правовое и социально-психологическое исследование).– Казань: Казанский ун-т, 1982. – 152 Б.

Дагель П.С., Котов Д.П. Субъективная сторона преступления и ее установление. – Воронеж: 1974. – 244 Б.

Дагель П.С. Неосторожность. Уголовно-правовые и криминологические проблемы. – М.: 1977. – 144 Б.

Злобин Г.А., Никифоров Б.С. Умысел и его формы. – М.: 1972. – 264 Б.

Лунев В.В. Субъективное вменение. – М.: «Спарк», 2000. – 94 Б.

Миненок М.Г., Миненок Д.М. Корысть. Криминологические и уголовно-правовые проблемы. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2001. – 367 Б.

Рарог А.И. Квалификация преступлений по субъективным признакам. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2002. – 304 Б.

Рарог А.И. Проблемы субъективной стороны преступления. – М.: 1991. – 94 Б.

Скляров С.В. Вина и мотив преступного поведения. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2004. – 326 Б.

Тяжкова И.М. Неосторожные преступления. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2002. – 278 Б.

Илмий мақолалар

Закирова У.А. Жиноят мотиви ва мақсади // Адвокат журнали. – 2017. №5. –Б. 6-7.

Кабулов Р. Уголовно-правовое понятие вменяемости и невменяемости // Ж. Актуальные проблемы ведомственного здравоохранения. 2000. №1. – 36–39-б.

Рустамбаев А.М. Вина, мотив, цель в преступлениях, составляющих сексуальное насилие // Ёш олимлар илмий мақолалари тўплами. 2003. № 5. – 157–163-б.

Селезнев М. Умысел как форма вины // Ж. Российская юстиция. 1997. № 3. – 11-б.

Скляров С.В. Проблемы определения понятия вины в уголовном праве России // Ж. Уголовное право. 2003. №2. – 71-б.

Филимонов В. Теоретическое проблемы учения о вине в уголовном праве // Ж. Уголовное право. 2004. №3. – 69–71-б.

VIII БОБ. ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИ

1-§. Жиноят субъекти тушунчаси

Жиноят субъекти жиноят таркибининг ажралмас элементи ҳисобланади.

Жиноят субъекти ва унинг белгилари ЖК Умумий қисмининг IV бобида белгилаб берилган бўлиб, бу боб «Жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахслар» деб номланади. Бу белгиларни умумий жиноят субъектига тегишли деб номлаш белгилаб қўйилган.

Жиноят кодекси Умумий қисмининг кўпгина моддаларида жиноят таркибининг умумий тушунчаси доирасида бошқа қўшимча белгилари ҳам намоён бўлади, жумладан, бошқариш тартибига қарши жиноятлар ва бошқа объектнинг муайян кўринишига нисбатан тажовузлар – мансабдорлик жиноятлари кўриб чиқилишида – жиноятларнинг мазкур факультатив белгилари зарурий хусусиятга эга бўлиб, улар жиноятнинг махсус субъекти белгиларига хос бўлади.

NOTA BENE !

Жиноят субъекти – жиноят қонунчилигида назарда тутилган жиноятни содир этган ва ушбу қонунда белгиланган ёшга етган ақли расо жисмоний шахсдир.

ЖК 17-моддасида жиноят субъектининг умумий белгиларига таъриф берилган ҳамда улар қуйидаги учта зарурий элементлар мажмуи орқали ифодаланади:

– жисмоний шахслиги;

– ақли расолиги;

– ЖКга мувофиқ жиноий жавобгарликни келтириб чиқарувчи субъектнинг ёши.

Ушбу элемент (белги)лар биронтасининг мавжуд бўлмаслиги жиноят субъектининг, демак жиноят таркибининг мавжуд эмаслигидан далолат беради.

Жиноят кодекси қоидаларига кўра, фақат жисмоний шахс, яъни инсон жиноий жавобгар бўлиши мумкин. Айтиш керакки, жиноят қонунчилигида жисмоний шахс тушунчаси тўғридан-тўғри берилмаган. Бироқ, Жиноят Кодекси ва бошқа ҳуқуқий актларнинг моҳиятидан кўринадики, жиноят ҳуқуқидаги жисмоний шахс тушунчаси Фуқаролик Кодексининг 16-моддасидаги тушунчага ўхшаш бўлиб, унга кўра «фуқаро замирида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатлар фуқаролари ва шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади».

Жиноят субъекти фақат жисмоний шахс бўлиши мумкин, бу эса Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилиги бўйича юридик шахснинг жиноий жавобгарлиги бундан мустасно эканлигини билдиради. Юридик шахслар фуқаролик қонунчилиги бўйича фақат мулкий жавобгар бўладилар. Улар қачонки жиноят натижасида мулкий ёки бошқа зарар етказилган бўлса, бунда мазкур юридик шахснинг раҳбари жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин, масалан, ЖК 196-моддаси бўйича атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик учун. Демак, агар бирон-бир ташкилот, масалан, шахтада меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилиши натижасида одамларга шикаст етса, бунинг учун юридик шахс сифатида шахта эмас, балки мазкур қоидаларнинг бузилишида айбдор бўлган муайян шахс жавобгарликка тортилади.

Ҳайвонлар жиноят субъекти бўлиши мумкин эмас, масалан, ит бирор-бир одамни тишлаб олса ёки унинг соғлиғига зарар етказса, уни жиноят субъекти дея олмаймиз. Суд-тергов амалиётида аниқланиши керак бўлган ягона ҳолат бу, ит жиноят содир этиш қуроли сифатида фойдаланилганлиги ёки фойдаланилмаганлигидир. Масалан, инсон томонидан ўргатилган ит буйруқ берилиши натижасида инсон соғлиғига зарар етказса, бунда ҳайвон томонидан етказилган зарар учун унинг эгаси жавобгарликка тортилади.

Айтиш керакки, жиноий жавобгарлик шахс билан чамбарчас боғланган бўлиб, шахс ўзининг ижтимоий хавфли, қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган қилмиши учун жавобгардир. Бу билан мазкур ҳолат жиноят ҳуқуқининг асослантирилган тамойиллари асосида шахснинг айбини белгилашда онгли ва мақсадли жиноий қилмиши учун шахсий жавобгарлик ўрнатишга рухсат беради.

Шундай қилиб, юридик шахсларни ёки ҳайвонларни эмас, балки фақат инсонларни, яъни ўз қилмишининг хусусиятини ва ижтимоий хавфлилик даражасини англаб етиш қобилиятига эга бўлган, ўз қилмишига ҳисоб бера оладиган ва уларни бошқара оладиган **ақли раco** жисмоний шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин. Агар ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс бундай қобилиятга эга бўлмаса (ақли норасо бўлса), жиноят субъекти бўлмаслиги мумкин.

Шахс ўз қилмишларига жавоб бера олиши ва жиноий жавобгарликка тортилиши учун у етарли ёшга етганлик билан боғлиқ ҳолда қилмишини аниқ англай олиш даражасига эга бўлмоғи ҳам лозим. Аниқ англай олиш ва ижтимоий ривожланиш даражаси маълум ёшга етиш билан пайдо бўлади, қачонки оила, мактаб, ижтимоий муҳит таъсирида нима яхшию нима ёмон, қандай ҳолларда унинг ҳаракатлари жамият ва бошқа инсонларга зарар етказишини тушунади.

Ёш нафақат жиноят субъектининг инсонга хос бўлган умумий аломати, шунингдек, жиноий жавобгарликнинг пайдо бўлиши ёш билан боғлиқ. Ёш чегарасини ўрнатишда қонун чиқарувчи томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этганда жиноий жавобгарликка тортилиш масаласини ҳал этишга имкон яратувчи, шахснинг керакли ривожланиш даражаси, ҳаётий тажрибаси баркамоллигини аниқлаш мумкин бўлган талаблар эътиборга олинади. Бундан ташқари, жиноят ёшини ўрганиш жараёнида қонун чиқарувчи тиббиёт, психология, педагогика ва бошқа фанлар хулосаларини ҳисобга олади, шунингдек, кўпчилик ўсмирлар учун одатий бўлган ҳаёт

йўлининг турли босқичларидаги шаклланиш ва ривожланиш шароитларидан келиб чиқади.

Жиноят қонуни ёш тушунчасини акс эттирувчи махсус нормага эга эмас, у фақат, агар шахс қандайдир жиноят содир этганда, жиноий жавобгарликни вужудга келтирувчи ёш чегараларини кўрсатади.

2-§. Жиноий жавобгарлик келиб чиқадиган ёш

ЖК 17-моддаси 1-қисми ҳолатига кўра, шахс қонунда белгиланган ёшга етмай туриб жиноий қилмиш содир этган бўлса, бу ҳолда шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, шунингдек, жиноят субъекти бўлиб ҳам ҳисобланмайди.

Ёш деганда, у ёки бу шахснинг алоҳида психофизиологик ҳолатини тавсифловчи, тиббий-биологик, ижтимоий психологик ва ҳуқуқий ўзгаришлар билан алоқадор бўлган даврнинг ўтиши тушунилади.

Жиноят қонунчилиги ёш тўғрисида ҳеч қандай махсус нормаларни акс эттирмайди, у фақат агар шахс қандайдир жиноят содир этган бўлса, жиноий жавобгарлик неча ёшдан келиб чиқишини кўрсатади холос. Ёш тушунчасини жиноят ҳуқуқи белгилайди.

NOTA BENE !

Ёш деганда, у ёки бу шахснинг алоҳида психо-физиологик ҳолатини тавсифловчи, тиббий-биологик, ижтимоий психологик ва ҳуқуқий ўзгаришлар билан алоқадор бўлган, туғилишдан то инсон ҳаётининг қандайдир хронологик муддатигача ўтган вақтнинг календарь даври тушунилади.

Бошқача сўз билан айтганда, юридик адабиётларда ёш субъектнинг юридик белгиси сифатида инсоннинг туғилишидан то жиноят содир этишигача бўлган вақтнинг миқдори билан аниқланади[1].

[1] См. подробнее: Коченов М.М. Теоретические основы судебно-психологической экспертизы. Автореф. дис. …докт психол. наук. – М.: 1991. – С. 34; Боровых Л.В. Проблема возраста в механизме уголовно-

Умумий қоидаларга кўра, содир этилган жиноят учун жавобгарлик шахс 16 ёшга тўлганда вужудга келади. Вояга етмаган шахс ижтимоий онгининг етарли даражаси ўз хулқини жамиятда ўрнатилган қоидаларга мослаштиришни талаб қилиш имконини беради, шунинг учун вояга етмаганлар содир этган жиноятлари учун жавобгарликка тортилишлари мумкин. Фақат ЖК 17-моддаси 2-, 3- ва 4-қисмларида кўрсатилган махсус жиноят таркиблари учунгина жавобгарлик 13, 14 ёки 18 ёшдан вужудга келади.

Ёш чегарасини белгилашга бундай хусусий ёндашув шу билан изоҳланадики, умумий жиноят ёшидан фарқли равишда баъзи оғир ва ўта оғир жиноятлар учун жиноий жавобгарлик вақтлироқ вужудга келади.

Хусусан, **ЖК 17-моддаси 2-қисмига** кўра, оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-моддаси 2-қисми) жинояти учун жавобгарлик 13 ёшдан вужудга келиши мумкин. **ЖК 17-моддаси 3-қисми** ижтимоий хавфли қилмиш содир этгунга қадар 14 ёшга тўлган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган жиноятларнинг аниқ чегарасини ўрнатган.

Шахс жиноий жавобгарликка тортиладиган ёш ҳақидаги умумий қоидалардан истисно, яъни 13 ёшдан 16 ёшгача шахслар жиноят субъекти бўлиши мумкин бўлган жиноят таркиби шундай заруратдан келиб чиққанки, берилган жиноят таркиблари ижтимоий хавфи юқори бўлган жиноятларни тавсифлайди. Улар оғирлаштирувчи ҳолатларни назарда тутадиган, квалификация қилинадиган ёки алоҳида квалификация қилинадиган жиноят таркибларини ўз ичига олади. Бундан ташқари, **ЖК 17-моддаси 2- ва 3-қисмида** санаб ўтилган жиноятлар икки объектга тажовуз қилувчи мураккаб таркибли жиноятлар ҳисобланади ёки тажовузни амалга ошириш айбнинг мураккаб шаклини ташкил этувчи қандайдир ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқаради ёки бу объектларга тажовуз бошқа мустақил жиноятни

правового регулирования. Автореф. дис. …канд. юрид. наук. – СПб.: 1993. – С.8; Щукина Г.И. Возрастные особенности школьника. – Л.: 1995. – С. 3; Михеев Р.И. Проблемы вменяемости, вины и уголовной ответственности (Теория и практика). Автореф. дис. …докт юрид. наук. – М.: 1995. – С. 17.

содир этиш орқали амалга оширилади. Масалан, ўсмир 15 ёшида оммавий тартибсизликларда (ЖК 244-моддаси) иштирок этса, уни бу норма орқали жавобгарликка тортиш мумкин эмас, чунки бу жиноят учун жавобгарлик 16 ёшдан вужудга келади. Шу билан биргаликда, оммавий тартибсизликлар Жиноят кодексининг бошқа моддаларида кўрсатилган шахсга қарши зўравонлик ҳаракатлари, босқинчилик, ўт қўйиш, мулкка зарар етказиш ёки йўқ қилиш ҳамда бошқа ҳаракатлар билан кузатилади ҳамда улар учун жавобгарлик 14 ёшдан белгиланган. Бундан келиб чиқадики, ўсмир қандай фактик ҳаракатлар содир этганидан қатъи назар, унинг ҳаракатлари шу нормалар орқали квалификация қилиниши керак.

Кўрсатиб ўтилган ёшнинг минимал чегараси (13 ва 14 ёш) қонун чиқарувчи томонидан, жиноят қонунида белгиланган ёшга етгунига қадар, шахс ЖК билан тақиқланган у ёки бу қилмишининг ижтимоий хавфли эканлигини англаши, ўз иродасини, ўз жиноий хатти-ҳаракатларини содир этишнинг биринчи дамларидаёқ назорат қилиш қобилиятига эга бўлишидан далолат берувчи шахснинг психологик ва ижтимоий ривожланиш хусусиятларини, шунингдек, криминологик мезонларини[1] ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади.

Баъзи ҳолларда эса шахс жиноий жавобгарликка фақат вояга етганидагина тортилади[2]. Жумладан, **ЖК 17-моддаси 4-қисми** жавобгарликни 18 ёшдан белгилаган.

Бир қанча жиноятлар муайян бир соҳадаги ижтимоий муносабатларга тажовуз қилиб, уларнинг субъектлари фақатгина 18 ёшга тўлган шахслар бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда гап жиноят субъекти фақат вояга етган шахслар бўлиши мумкин бўлган жамоат тартибига қарши жиноятлар, ҳарбий жиноятлар ва бошқа жиноятлар ҳақида кетяпти. **ЖК 17-моддаси 4-қисмида** кўрсатилган кўпгина жиноят таркиблари айбдор шахснинг касбий ёки хизмат фаолияти билан ёки норматив-ҳуқуқий актлардан тўғридан-тўғри келиб

[1] Уголовный кодекс Республики Узбекистан: научно-практический комментарий. / А.С. Якубов, М.Х. Рустамбаев и др.; отв. ред. А.С. Якубов. – Т.: Адолат, 1996 (автор Раздела – А.С. Якубов). – С. 36.

[2] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 22-модда.

чиқадиган мажбуриятлар билан у ёки бу тарзда боғлиқ. Хусусан, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсизларни таъминлашдан бўйин товлаш (ЖК 122-моддаси) ёки аксинча, ота-онасини моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЖК 123-моддаси) жиноят турлари учун жиноий жавобгарлик айбдор шахснинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 64- ва 66-моддалари[1] кўрсатмаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлари ёки ҳарбий хизмат фуқароларнинг вояга етиши билан ўташи керак бўлган мажбурияти[2] ҳисобланади. Бундай ҳолатлар бузилишининг зарурий шарти шахс 18 ёшга тўлганидагина бўлиши мумкин.

ЖК 17-моддаси 5-қисми кўрилаётган модданинг 2-, 3-, 4-қисмларида келтирилган жиноят таркиблари аниқ бўлган қоидани ўрнатади, берилган қисмларда санаб ўтилмаган бошқа жиноят таркибларининг субъектлари жиноий жавобгарлик вужудга келишининг умумий ёши 16 ёшга тўлган шахслар ҳисобланган жиноятлар тааллуқли.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартириш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 90-моддасининг иккинчи қисмига тузатиш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32, 78, 93, 98, 103 ва 117 моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 4-бандига, 81-моддасининг еттинчи қисмига, 83-моддасига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13 ва 14- бандларига, 107-моддасининг биринчи қисмига, 110-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига, 111-моддасига ўзгартишлар ва қўшимча киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 5 ва 12-бандларига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13-бандига ҳамда 108, 109-моддаларига ўзгартишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 99 ва 10-моддаларига ўзгартишлар киритилган.) – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. -21, 23 б.

[2] См.: Закон Республики Узбекистан от 12 декабря 2002 г. № 436-II «О всеобщей воинской обязанности и военной службе», ч.3 ст.4 // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2002 г., №12, ст.217; 2003 г., № 9-10, ст. 149; 2005 г., № 1, ст. 18; 2006 г., № 6, ст. 262.

Айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарликни қўллашнинг инсонпарварлик тамойилини акс эттирувчи бир қанча хусусиятларини белгилаб беради. Бу ўз хатти-ҳаракатлари ва уларнинг оқибатларини англаб етмаган вояга етмаган шахслар билан боғлиқ. Хусусан, бундай ҳолатларда вояга етмаганлар жавобгарлиги ўзига хосликларини тартибга солувчи нормалар ўрнатилган Жиноят кодексининг Умумий қисми 6-бўлими талаблари ҳисобга олинади. Вояга етмаган шахсларга нисбатан жиноий жазо тайинлашнинг ўзига хосликларига эга махсус нормалар 18 ёшга тўлган, яъни вояга етган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликни назарда тутувчи умумий нормалардан фарқли равишда жиноий жавобгарликнинг енгиллиги билан ажралиб туради.

Қонун томонидан жиноий жавобгарликнинг келиб чиқиши юқори чегараларининг белгиланиб қўйилиши ўзининг аксини топмади. Бу эса, қонунда кўрсатилган ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс ҳатто катта ёшда (70–80 ёш ва ҳ.к.) бўлса ҳам, жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди. Бироқ суд ҳар бир алоҳида ҳолатда Жиноят кодексининг 54-моддаси (Жазо тайинлашнинг умумий асослари) талаблари асосида жиноий жазони индивидуаллаштириш ва уни тайинлашда жиноят содир этган шахснинг ёшини эътиборга олиши лозим.

Ҳар бир иш бўйича мажбурий тартибда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг аниқ ёши ўрнатилиши лозим. Жиноят кодексида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмиш содир этган вояга етмаган шахснинг ёши жиноят-процессуал қонуни ҳужжатлари асосида ўрнатилади (ЖПК 548-моддаси)[1]. Суд ва тергов органлари жиноий жавобгарликка тортилаётган вояга етмаган шахснинг туғилган йилини, ойини ва кунини аниқлаши лозим. «Айни вақтда, шу нарсани эътиборда тутиш керакки, шахс туғилган кунидан бошлаб эмас, балки туғилган куни ўтганидан сўнг, яъни эртаси куннинг ноль

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 21-сон қарори, 5-банди 1-қисми // Тўплам, 2-жилд. – Б. 25.

соатидан бошлаб жиноят учун жавобгарлик бошланадиган ёшга тўлган деб ҳисобланади». Бу вояга етган, лекин ёшини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлмаган шахсларга ҳам тегишли ҳисобланади.

«Судлар ишда албатта вояга етмаганларнинг туғилиш гувоҳномаси ёки паспортидан фотонусха мавжудлигига аҳамият беришлари керак. Ишда бундай ҳужжатлар йўқлиги аниқланган тақдирда суднинг ўзи бундай камчиликни бартараф қилиши зарур». Иш материалларида вояга етмаган ва вояга етган шахсларнинг ёши тўғрисидаги ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, уларнинг ёши суд-тиббиёт экспертизаси томонидан аниқланади. «Судланувчининг ёши суд-тиббиёт экспертизаси томонидан аниқланаётганда, унинг туғилган куни деб, экспертлар аниқлаган йилнинг охирги куни ҳисобланади. Ёш энг кам ва энг кўп йиллар миқдори билан аниқланганда, суд экспертлар томонидан белгиланган энг кам ёшдан келиб чиқиши лозим»[1].

3-§. Ақли расолик ва ақли норасолик: тушунча ва мезонлар

Жиноят субъекти фақатгина онг ва иродаси бор, яъни ақли расо шахс бўлиши мумкин.

Қонунчилик билан ўрнатилган жиноят субъектининг белгиси сифатида ақли расолик ва шахснинг ёши ўзаро бир- бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, жиноят таркибида ўзаро бир-бирини тўлдириб туради, жиноят субъектинигина эмас, балки жиноят таркибини аниқлашда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу белгиларнинг мавжуд бўлмаслиги ёки улардан бирининг мавжуд бўлмаслиги ҳам жиноят таркибининг йўқлигини билдиради. Шунингдек, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг айбдорлик ва жиноий жавобгарлик масаласи бекор бўлади.

Ўз хатти-ҳаракатларининг фактик томонини ва аҳамиятини тўғри тушуниб етиш ва баҳолаш қобилияти ҳамда шу билан бирга ўзининг

[1] Ўша жойда.

ҳаракатларини ва иродасини онгли бошқариш ақли расо шахсни ақли норасо шахсдан ажратиб туради.

NOTA BENE !

Жиноят субъекти белгиси сифатида **ақли расолик** шахснинг муайян ривожланиш босқичидаги қобилияти, ижтимоийлашувидан келиб чиқувчи ёшдаги ва жиноят содир этиш вақтидаги руҳий жиҳатдан соғлиғи ҳамда ҳаракатлари учун ўз-ўзига ҳисоб бериши ва уларни бошқариши, кейинчалик жиноий жавобгарлик ва жазони ўташдаги руҳий ҳолати сифатида белгиланади.

Ақли расолик жиноий жавобгарликнинг ва айбнинг дастлабки шарти бўлиб, у шахснинг ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаши ва бошқара олиши билан белгиланади **(ЖК 18-моддаси 1-қисми).**

ЖК 18-моддаси 1- ва 2-қисмларини таққословчи таҳлилдан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, ақли расолик инсоннинг муҳим ва ажралмас хусусиятларидан бири бўлиб, ақли норасоликка нисбатан бир қадар кенг ва айни пайтда ихчам тушунча ҳисобланади. Ақли расо деб, нафақат руҳий жиҳатдан соғлом шахс, қандайдир руҳий бузилиши бўлган, аммо жиноят содир этиш вақтида ўз ҳаракатларини у ёки бу шароит ёки ҳолатда онгли ва тўғри баҳолай олиш имкониятига эга шахс ҳам топилиши мумкин. Бу ҳолатда сўз суд-психиатрия ва суд-тергов амалиётида бўлган шахснинг ўз жиноий ҳаракатларини англаш ва уларни бошқариш қобилиятини йўқотмайдиган руҳий касалликлар ва бузилишлар тўғрисида боради. Хатто тиббий мазмунда ҳам «руҳий носоғлом»лиги тасдиқланган жиноят субъекти ақли расо бўлиши мумкин. Бунда сўз, нафақат, руҳиятнинг «чегара» ҳолатлари ҳақида, балки сурункали касалликлар ҳақида боради, айнан: шизофрения (ремиссия ҳолатларида), эпилепсия (тутқанокдан олдин) ва бошқа ҳолатларда.

Шу билан биргаликда, амалиётда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг ақли расолигига нисбатан ҳар қандай шубҳалар, қачонки, унинг ўзини тутиши ўз-ўзини бошқаришига тўғри келмаса, ташқи омилларга нотўғри реакция ва бошқалар, айбсизлик презумпцияси мазмунидан келиб чиқиб, шу шахснинг фойдасига ҳал қилиниши керак. Бу ҳолатларда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан дастлабки терговда унинг руҳий ҳолатини аниқлаш учун ЖПК 173-моддаси 1-қисмига кўра, мажбурий тартибда суд-психиатрия экспертизаси ўтказилади. Кейинчалик жиноят содир этган шахснинг ақли расолиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш суд-психиатрия хулосаси асосида суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПК 446-моддасига кўра амалга оширилади.

Ақли расолик ва ақли норасоликни тартибга солувчи қонунчиликка кўра, бу икки тушунчаларни ажратиб турувчи формула икки мезоннинг мажмуидан ташкил топиб, улардан бири юридик мезон, иккинчиси эса тиббий мезондир.

Юридик мезон икки белгини характерлайди: интеллектуал ва иродавий.

Ақли расоликнинг интеллектуал белгиси жиноят содир этиш вақтида шахснинг содир этаётган қилмиши фактик хусусиятини ва ижтимоий хавфини англаш қобилияти сифатида кўрилади.

Ақли расоликнинг иродавий белгиси шахснинг жиноий қилмиш содир этиш вақтидаги ўз ҳаракатларини бошқара олиш қобилиятини, яъни ўзининг ички хоҳишини ва ишончи орқали ўз иродасини бошқариш қобилиятини англатади.

Шахснинг ўзи томонидан содир этган жиноий қилмишини тушуниш қобилияти ва буни содир этиш жараёнида онгли қарор қабул қилиши жиноят субъектини қасддан ёки эҳтиётсизликдан ижтимоий хавфли қилмиш содир этганликда айблаш учун етарли асос бўлиб хизмат қилади. Бу ўз навбатида, айб учун жавобгарлик принципида (ЖК 9-моддаси) бевосита ўз аксини топган.

Интеллектуал ва иродавий белгилар, албатта, биргаликда олиб қаралиши керак.

Ақли расоликнинг тиббий мезони суд-психиатрия экспертизасидан келиб чиқиб аниқланади, зеро бу жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг тиббиёт нуқтаи назаридан биологик ва психологик бутунлиги, фикрлаш жараёнининг меъёрда эканлиги ва бошқа фикрлаш фаолиятининг ўзига хосликларини ўрнатади.

Ақли расоликнинг тиббий мезони соғлом инсоннинг психик ва тиббий нуқтаи назардан руҳий ҳолатини акс эттиради.

Ақли норасолик ақли расолик тушунчасига қарама-қарши тушунча бўлиб, у жиноят қонунчилигида очиб берилади **(ЖК 18-моддаси 2-қисми).**

Қандайдир ижтимоий хавфли қилмишни содир этган ақли норасо шахс жиноят субъекти бўла олмайди. У жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ва унга нисбатан жиноий жазо тайинлаш мумкин бўлмаганлиги туфайли, унга фақатгина тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиши мумкин. Онгли ва мақсадли ҳаракатларнинг бўлмаслиги ақли норасо қилмишни квалификация қилишнинг ўзига хос хусусиятини шартлайди.

NOTA BENE !

Ақли норасолик – бу шундай ҳолатки, бунда шахс жиноят содир этиш вақтида содир этаётган ҳаракатлар (ҳаракатсизлиги)нинг ижтимоий хавфли хусусиятини англай ва бошқара олмайди. Бу ўз навбатида жиноий жавобгарликни истисно қилади.

Ақли норасоликда руҳиятнинг касаллик жараёнлари туфайли, қоидага кўра, миянинг қабул қилиш функцияси бузилади, бунинг натижасида, одатда, онгнинг муҳим сифати – англаш йўқолади.

Ақли норасолик ҳам ақли расолик каби икки: юридик (психологик) ва тиббий (биологик ёки психиатрик) мезонлар орқали белгиланувчи, ижтимоий

хавфли қилмиш содир этган шахсни жиноят субъекти ҳисобламасдан олдин, унинг руҳий ҳолати тўғрисида ҳар томонлама баҳо бериш имконини беради.

Ақли норасоликнинг юридик мезони жиноят содир этиш вақтида шахсда ўз ҳаракатларининг фактик хусусиятини ва қилмишининг ижтимоий хавфини англаш (интеллектуал) ва бошқариш (иродавий) имкони йўқлигида акс этади. Бу мезон руҳий бузилишлар оғирлигини психологик тушунчалар орқали аниқлайди ва бу билан судга эксперт баҳоси натижасини тушунтириб, шахснинг ақли расолигини истисно қилади.

Юридик мезонни ўрнатиш учун унинг элементларидан бирининг бўлиши етарли: ёки интеллектуал ёки иродавий пайт орасида «ёки» боғловчисидан фойдаланиш орқали **ЖК 18-моддаси 2-қисми** диспозициясини ифодалашда тасдиқланган.

Ақли норасолик юридик мезонининг **интеллектуал белгиси** жиноят содир этиш вақтида ҳаракатларни англай олмаслигини билдиради, яъни бу қандайдир руҳий бузилиши бўлган шахснинг у ёки бу муайян шароит ёки ҳолатда ўз жиноий қилмишининг ижтимоий хавфлилиги ва фактик хусусиятини тўла англай олмаслигидир. Руҳий касал шахснинг нормал фикрлаш фаолиятининг бузилганлиги унга объектив борлиқда ўзини тўғри тутиш ва атроф-ташқи олам ҳодисаларини қабул қилиш имкониятини бермайди. Руҳияти бузилган шахс ҳар бир муайян ҳолатда нафақат ўз ҳаракатларини англамайди, балки улар охир-оқибат нималарга олиб келишини ҳам тушунмайди. Юридик мезоннинг интеллектуал белгиси жиноят қонунида **(ЖК 18-моддаси 2-қисми)** қандайдир руҳий касаллик сабабли «ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган» деб бежиз кўрсатилмаган.

Таъкидлаш жоизки, амалиётда шундай ҳолатлар борки, шахс ўз қилмишини англайди, аммо уларни бошқариш имкони бўлмайди, яъни унинг иродавий ҳолати шикастланган. Бу ҳолатда сўз юридик мезоннинг иродавий белгиси тўғрисида боради.

Юридик мезоннинг **иродавий белгиси**, ўз-ўзидан, руҳий бузилишлар таъсири остида, яъни касаллик ҳолатида шахснинг ўз ҳаракатларини бошқариш имкониятига эга бўлмаслигида кўринади. Яъни, эътибор шахснинг жиноят содир этиш вақтидаги касаллик ҳолатига эмас, балки унинг руҳий ҳолатига қаратилиши керак. Руҳий касаллик инсон онгини бузиб, бошқа психик функциялари бузилишига ҳам олиб келади ҳамда бунинг натижасида шахснинг нафақат ўз ҳаракатларини англаши ва тушуниши, балки бошқариш қобилияти ҳам йўқолади, масалан, руҳий касалларда ўғриликка мойиллиги кучли (клептомания), ўт қўйишга ҳирс (пиромания), мақсадсиз хаёлларга интилиш, дайдилик (дрaдомания), одам ўлдириш ёки ўзини-ўзи ўлдиришга интилиш (гомицидомания, суицидомания) каби ҳолатлар пайдо бўлади. Бу касалликлар ўз ҳаракатларини тушуниш ва руҳий бузилишлар (руҳий касалликлар)дан бири бўлганда бундай интилиш ва қизиқишларга қаршилик қила олмайди, уларни доим кузатиб юради ва тинчлик бермайди.

Шундай қилиб, ақли норасолик ҳолати, тиббий ва юридик мезонлар мажмуини ташкил қилиб, жиноят содир этиш вақтида шахс ё ўз ҳаракатларининг фактик хусусиятини ва ижтимоий хавфини англай олмаслик қобилияти бўлмаслигига (интеллектуал белги) ёки уларни бошқара олиш қобилиятининг бўлмаслигига (иродавий белги) йўл қўяди. Амалиётда шундай ҳолатлар учрайдики, ижтимоий хавфли қилмиш содир этишда юридик мезоннинг интеллектуал ва тиббий белгиси биргаликда шахс ақли норасолигини ифодалайди. Бу ҳолатда сўз «идеал» ақли норасолик ҳолати ҳақида боради, қачонки, руҳий бузилиш бўлганда шахс ҳуқуқбузарлик содир этган вақтда нафақат ўз ҳаракатларининг фактик хусусиятини ва ижтимоий хавфини англай олмайди, балки уларни бошқара олмайди ҳам. Одатда, бу патологик мастлик ёки сурункали руҳий бузилишлар ва бошқа касаллик ҳолатларида бўлади. Шахсни ақли норасо деб топиш учун юридик мезон тиббий мезоннинг натижаси бўлиши лозим.

ЖК 18-моддаси 2-қисмига кўра, **ақли норасоликнинг тиббий мезони** қуйидаги тўртта гуруҳ руҳий касалликнинг мавжудлигида кўринади:

– сурункали руҳий касаллик;

– вақтинчалик руҳий касаллик;

– ақлнинг пастлиги;

– касалликнинг бошқа ҳолатлари.

Тиббий мезонни ўрнатиш учун қонунда кўрсатилган бирон-бир руҳий касалликнинг хоҳлаган гуруҳидан ақалли биттаси мавжуд бўлиши лозим.

Суд психиатрияси ва жиноят ҳуқуқида **сурункали руҳий касалликларга** амалда даволаб бўлмайдиган ёки қийин даволанадиган руҳий касалликлар тааллуқлидир. Мазкур касалликлар ривожланиш ёки ўтиб кетиш хусусиятига эга. Улар касал руҳиятини чуқур ва турғун ўзгаришларга олиб келади.

Суд психиатриясида бундай руҳий касалликлар деб, қуйидагилар қабул қилинган: шизофрения, эпилепсия, маниакал-депрессив психоз, мия сифилиси, прогрессив фалажлик, қарилик ақли заифлиги, эпидемик энцефалит ва бошқа қийин даволанадиган ёки умуман даволаб бўлмайдиган руҳий касалликлар.

Шизофрения – бу сурункали ўсиб борувчи руҳий касалликдир. Бироқ, бу касалликнинг мавжуд бўлиши шахснинг жиноят содир этишда ақли расолиги тўғрисидаги масала юридик мезонидан келиб чиқиб аниқланади, агар у муайян ҳолат ва зарур вазиятга хос бўлса, шахснинг айни пайтдаги руҳий ҳолатига таъсир ўтказувчи ҳолатлар ҳисобга олиниб ҳал қилинади[1].

Эпилепсия («йиқилувчи касаллик») – бу мушакларнинг тортишуви ва тортишувисиз борадиган пароксизмлардан, психозлар, чуқур даражадаги ақли заифликка олиб келадиган, ўзига хос шахс ўзгаришидан ва клиник кўринишидан иборат бўлган касаллик. Берилган гуруҳдаги руҳий касалликлар орасида суд-психиатрия амалиётида кенг тарқалганлик бўйича эпилепсия шизофрениядан кейинги иккинчи касаллик ҳисобланади.

[1] Қаранг: Судебная психиатрия. М., 1986, Б. 139.

Касалликдаги тутқаноқлар сони ҳар хил, тўсатдан турли пайтда ва турли жойда бўлиши мумкин, яъни ҳаёти давомида бир мартадан то суткасига бир неча мартагача. Қоидага кўра, касаллар тутқаноқ пайтида ҳушидан кетади, ўзига келганда эса, ҳеч нарсани эслай олмайди. Шу билан бирга, эпилепсияда шизофрениядаги каби, жиноят содир этиш вақтида шахснинг ақли расолиги истисно этилмайди[1].

Маниакал-депрессив психоз – депрессив ва маниакал шаклдаги фазаларда ўтадиган касаллик. Биринчи ҳолатда, маниакал фаза юқори кайфият ва ҳаддан ташқари ҳаяжонланиш билан, иккинчи депрессив фазада – кайфиятнинг тушиши, меҳнат қобилиятининг пасайиши, ўз-ўзига ишончсизлик, соматик ва вегетатив ўзгаришлар билан характерланади[2].

Прогрессив фалажликка келсак, бу одатда, сифилис билан касалланганларнинг 1–5 % да 10–12 йил ўтгандан сўнг кузатилади ва қоидага кўра, тез ўсувчи ақли заифлик ҳамда неврологик бузилишлар билан характерланади. Прогрессив фалажликда миянинг оғир хасталаниши кузатилади, қайсики, мия сифилиси руҳий касаллигидек бирмунча енгил шаклга эга[3].

Тиббий мезоннинг иккинчи гуруҳини биринчи гуруҳдаги руҳий касалликларга таққослаганда, қисқа муддат кечадиган ва даволаб бўладиган **руҳиятнинг вақтинчалик бузилиши** ташкил қилади. Кўпгина ҳолларда бу касалликлар тўсатдан пайдо бўлиши ва касалнинг тўлиқ соғайиши билан тугайди.

Бундай бузилишларга психиатрияда **истисно ҳолатлар** деб номланадиган, ташқи муҳит билан боғлиқ, тўсатдан пайдо бўладиган руҳиятнинг қисқа муддатли бузилишлари тааллуқли.

Касалликнинг истисно ҳолатларига қуйидагилар киради:

– оддий алкоголли маст бўлишдан фарқлаш лозим бўлган патологик алкоголли мастлик;

[1] Қаранг: Судебная психиатрия. М., 1986, Б. 154–155.
[2] Ўша жойда, Б. 167–168.
[3] Ўша жойда, Б. 218–221.

– патологик аффект;

– онгнинг ғира-шира ҳолати;

– «қисқа уланиш» реакцияси;

– патологик уйқу ҳолати, шунингдек, алкоголли психозлар ва ҳ.к[1].

Руҳий бузилишларнинг ушбу гуруҳи касал руҳий фаолиятининг айнан қисқа муддат бузилиши билан характерланади, қайсики, ҳар бир жиноят содир этган муайян шахснинг ақли расолиги ёки юридик мезон мавжуд бўлганда, ақли норасолиги истисно этилмайди.

Патологик мастлик – ўткир қисқа муддатли ўтадиган руҳий бузилишлар гуруҳига тааллуқли бўлиб, онгнинг ғира-шира бузилишлари, алаҳсираш ва ўраб турган оламни бузиб қабул қилиш билан тавсифланади. Бу ҳолат бир неча минутдан бир неча соатгача давом этиши мумкин ва оддий алкоголли мастликдан фарқ қилади. Одатда, бу алкоголли интоксикация (хумор) пайтида келиб чиқади.

Ўз навбатида, **патологик аффект** руҳан жароҳатлантирувчи омиллар (яқин қариндошининг ўлими, оғир ҳақоратланиш, мулкий шикаст етказилиши ва бошқалар), яъни оғир руҳий таъсирланиш ёки ҳаяжонланиш билан боғлиқ руҳиятнинг қисқа муддат бузилиши билан характерланади.

Онгнинг ғира-шира ҳолати истисно ҳолатлар тури сифатида бир шахсда такроран келиб чиқиши мумкин. Бу руҳий ҳолат касалнинг ўзини ижтимоий хавфли тутишини белгиловчи алаҳсираш, галлюцинация, жаҳл, ғазаб билан давом этади.

«Қисқа туташув» реакцияси, шунингдек, руҳий ҳаяжонлантирувчи зўриқиш ҳолати билан боғлиқ. Бу руҳий касаллик онгнинг бузилишида ёки тўсатдан бўладиган импульсив ҳаракатларда намоён бўлади, бу эса, атрофдагилар учун хавф туғдириши мумкин.

Алкоголли психозлар орасида оқ сўзак касаллиги тез-тез учрайди, одатда, у алкоголизм билан касалланган шахсда спиртли ичимликларнинг узоқ интоксикацияси тўхтагач икки-уч кундан сўнг пайдо бўлади. Оқ сўзак

[1] Қаранг: Судебная психиатрия. М., 1986, Б. 298.

кўпинча кўриш ва эшитишдаги галлюцинация, агрессив ҳаракат ва қаттиқ ҳаяжонланишлар билан кузатилади. Бу пайтда касал ҳужум қилиши ёки «ғаразли» душманлардан ва «кузатувчилардан», ҳар хил зараркунандалардан, ҳашаротлардан, ҳайвонлардан ҳимояланиши мумкин, шунингдек, ижтимоий хавфли қилмиш содир қилиши мумкин.

Алкоголли галлюциноз қоидага кўра, касал онгининг сақланиши орқали уни доим кузатиб юрувчи кўриш ва эшитиш галлюцинацияси мавжудлиги билан фарқланади. Ўз навбатида, **алкоголли параноид** алкоголли психознинг тури сифатида нафақат галлюцинациялар билан, балки касалнинг онги сақланса-да, кузатиш, заҳарлаш, рашк, ўч олиш, алаҳсирашлар кузатилиши билан характерланади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бу гуруҳдаги вақтинчалик руҳий бузилишлар мавжуд бўлганда ақли норасолик тўғрисидаги масала, тиббий мезон биринчи гуруҳдаги руҳий касалликлардаги каби касаллик ўтишининг ҳамма кўрсатгичлари ва касалнинг ўраб турган шароитда тўғри ҳаракатланиши ҳамда ўзини бошқара олиш қобилияти ҳисобга олинган ҳолда ҳал қилинади.

Тиббий мезоннинг учинчи гуруҳини **ақли заифлик (олигофрения)** ташкил этади.

Психиатрияда олигофрения ёки туғма ақли заифлик деганда, туғилиш вақтида миянинг жароҳатланиши билан шартланадиган ёки бола руҳиятининг касаллик ҳолатлари натижасида гўдакликда орттирилган патологик ҳолат тушунилади. Ақли заифлик кўпинча, нафақат, миянинг органик ўзгариши натижасида, балки ҳар хил жароҳат, инфекция ва касалликлар оқибатида фикрлаш, ақлий қобилият, эслаш, диққатни тўплаш каби инсон руҳий функцияларининг ривожланмай қолиши билан тавсифланади.

Ақли заифликнинг энг асосий белгиси умумий руҳий номукаммаллик ҳисобланади[1].

Туғма ёки орттирилган ақли заифлик оғирлик даражасига кўра, уч турга бўлинади:

– дебиллик (енгил шакли);

– имбециллик (ўрта шакли);

– идиотия (оғир шакли).

Дебиллик – ақли заифликнинг энг енгил ва кенг тарқалган шакли. У кўпгина ҳолларда шахсни ҳар хил жиноий қилмишлар содир этишда ақли расолигини истисно этмайди, чунки улар муайян шароитда ўз қилмишининг хусусиятини англай оладилар ва бошқара оладилар. Ақли заифликнинг бу шаклида шахсда тафаккурнинг етишмаслиги ёки фикрлай олиш қобилиятининг бўлмаслиги ёки фикрлашнинг соддалиги кузатилади.

Имбециллик туғма ёки орттирилган ақли заифликнинг енгилроқ даражасини акс эттиради. Бу касалликка чалинганлар атрофидагилар учун муайян хавф туғдиради ва касаллик ўткирлашган даврда ҳар хил жиноятларни содир этишга мойил бўладилар. Кўпинча, бу ижтимоий хавфли ҳаракатлар уларнинг англамаслиги билан тавсифланади.

Идиотия – ақли заифликнинг энг оғир шакли. Бу касалликда шахснинг нутқи ва бошқа руҳий функциялари деярли умуман бўлмайди. Қоидага кўра, бундай касаллар стационар даволанишга, доимий қараб туришга муҳтож бўлишади. Ташқи омилларнинг қўзғалиши ва таъсир этиши натижасида касаллар атрофидагилар ва ўзига нисбатан ёввойилашиб кетиши мумкин, шунингдек, жиноят содир этишга мойил бўлишади. Кўпинча, бу гуруҳ касаллар жиноят содир этишда, суд-психиатрия экспертизаси хулосаси асосида ақли норасо деб топилади.

Тиббий мезон руҳий касалликларининг тўртинчи гуруҳини **бошқа тарздаги руҳий бузилишлар** ташкил этиб, улар қоида бўйича, руҳиятнинг вақтинчалик турли бузилишлари билан кузатилади, аммо сурункали ёки

[1] Қаранг: Судебная психиатрия. М., 1986, Б. 249–250; Б. 351–352.

вақтинчалик руҳий касаллик ҳисобланмайди, фақат ўзининг психопатологик белгилари ва хусусиятларига, касаллик ўтишига боғлиқ ҳолда уларга тенглаштирилиши мумкин. Бундай касалликларга туғма ёки орттирилган кўринишдаги ҳиссий-иродавий томоннинг бузилиши билан тавсифланадиган психопатиянинг шакли тааллуқли; оғир инфекцион касалликлардан кейин бўладиган турли руҳий бузилишлар; гиёҳвандлик хумор қилган даврда гиёҳвандларда бўладиган асаб-руҳий бузилишлар, тўлиқ кўзи ожизлик ва карлик билан боғлиқ шахснинг руҳий ўзгариши. Санаб ўтилган руҳий бузилишлар ёки руҳий касалликлардан исталгани алоҳида олинганда ҳам ақли норасолик тиббий мезонини тан олиш учун етарли ҳисобланади.

Шуни эътиборга олиш керакки, ҳар доим ҳам руҳий бузилишларнинг мавжудлиги (тиббий мезон) ақли норасолик ҳолати тўғрисида гапириш учун асос бўлмайди. Руҳий касаллик шундай даражага етиши керакки, унда шахс жиноят содир этаётган пайтида ўз қилмишини англаб етмаслиги ёки уларни бошқара олмаслиги лозим. Бошқача айтганда, ақли норасоликнинг юридик (руҳий) мезони тиббий мезон руҳий касалликларининг моҳиятини ва чуқурлигини белгилайди.

Ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаши мумкин. Бундай мажбурлов чорасини қўллаш учун суд, шахс томонидан жиноят қонунида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишнинг содир этилганлик фактини, шунингдек, қилмишнинг айнан ақли норасо шахс томонидан содир этилганлиги ва касаллик ҳолати шахснинг жамият учун хавфлилигини исботлаши лозим.

Ақли норасолик фақат жиноят содир этилган вақтга нисбатан белгиланади. Агар шахс сурункали руҳий касаллик, масалан, шизофрения билан касалланган бўлиб, бироқ ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш вақтида ремиссия ҳолатида, яъни касаллик анчагина тузалиш пайтида бўлган бўлса, юридик мезон йўқлиги сабабли у ақли расо ва ўз қилмиши учун жавобгар деб топилади. Жиноят содир этгандан кейин шахсда руҳий

бузилишлар келиб чиқса, унга нисбатан ҳам тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари кўрилади.

Агар ақли норасолик вақтинчалик руҳий бузилишлардан келиб чиққан бўлса, жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, иш юритиш айбланувчи тўлиқ соғайишигача тўхтатиб турилади. Бу шахс соғайганда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин ва унга нисбатан жазо қўллаш мумкин (албатта, жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари чегараси ҳисобга олиниб).

Агар руҳий касаллик жиноят содир этгандан кейин дастлабки терговда пайдо бўлса ва оғирлашса, бундай шахсга нисбатан суд ЖК 67-моддаси асосида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллайди, соғайгандан кейин ишни кўриш давом эттирилиши мумкин.

4-§. Мастлик ҳолатида жиноят содир этган шахсларнинг жавобгарлиги

ЖК 19-моддасига кўра, мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки одамнинг ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилинмайди. Бундай ҳолат шахсни ақли норасо деб топиш учун асос бўлмайди.

Кўпгина ижтимоий хавфли қилмишлар, айниқса, шахсга қарши жиноятлар айнан мастлик ҳолатида содир этилади. Нафақат жиноят субъектини жиноий жавобгарликка тортиш учун, шунингдек, патологик мастликда (патологик мастликни физиологик (оддий) мастликдан фарқлаш керак) содир этилган жиноятда жавобгарлик мавжуд бўлмаган ҳоллар учун ҳам қонун чиқарувчи киритган «алкоголли мастлик» тушунчасини очиб бериш мақсадга мувофиқ.

ЖК 19-моддасида интеллектуал-иродавий фаолиятга таъсир қилувчи алкоголли мастлик ёки наркотик моддалар, психотроп ва бошқа моддалар қабул қилганлик таъсири остида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс ақли норасо деб топилмаслиги назарда тутилган.

Одатда, **физиологик мастлик** аста-секинлик билан бошланади. Алкогол ичимликлар ичаётган шахс эса ўзини шундай ҳолатга зўрликсиз солаётганлигини англайди ва тушунади. Шунинг учун, шахс мастлик ҳолатида жиноят содир этса, унинг ақли расолиги жиноий жавобгарликнинг объектив ва субъектив томони асосида истисно этилмайди, қайсики оддий мастликда ҳеч қандай шарт билан олиб ташланмайди.

Физиологик мастлик ҳолатида объектив борлиқ ва атрофни бузиб қабул қилиш ҳолати бўлмайди, фақат патологик мастликка тўғридан-тўғри зид бўлган руҳий фаолиятнинг вақтинча бузилиши содир бўлади. Ўз-ўзидан физиологик мастликда организмда бўладиган тормозланиш жараёнларининг функцияси сусайса ва шахс ҳаракатларини бошқариш йўқолса ҳам, бироқ унинг ҳаракатлари ва қилмишлари нормал инсон ҳаракатлари каби мотивлашган хусусиятга эга бўлади.

Шу билан бирга, жиноий жавобгарлик тўғрисидаги масалани ҳал қилишда интеллектуал иродавий фаолиятга таъсир қилувчи алкоголли мастлик, шунингдек, наркотик моддалар, психотроп ва бошқа моддаларнинг таъсири шахс иродасига қарши зўрлик, яъни жисмоний мажбурлаш натижасида бўлса, унда баъзи ҳолларда ўша шахс ҳаракатида айб бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

Физиологик мастлик, одатда, учта даражага бўлинади: енгил, ўрта, оғир.

Мастликнинг енгил даражасига атрофни қабул қилишнинг пасайиши, интеллектуал фаолият соҳасининг бузилиши, диққатнинг бузилиши, реакция ва фикрлаш жараёнининг секинлашуви, шунингдек, кайфиятдаги мувозанатнинг йўқолиши ва бузилишлар хос.

Мастликнинг ўрта даражасида қоидага кўра, диққат тез бузилади, қабул қилишнинг аниқлиги йўқолади ва фикрлаш жараёни сустлашади. Бу даражадаги маст ҳолатда бўлган шахслар кўпинча жаҳлдор ва агрессив бўладиларки, бу ҳол урушишга, жанжал ва жиноят содир этишга олиб келади. Мастликнинг оғир даражасида бош мия функциясининг жиддийроқ

бузилиши кузатилади. Бундай ҳолатда шахснинг онгли ҳаракат қилиши ва фикрлаш қобилияти йўқолади, агрессив бузғунчи қилмишларга мойиллик пайдо бўлади.

Мастликнинг оғир даражаси мастнинг ҳар хил жойларда чуқур уйқуга кетиши билан боғлиқ клиник суратда кузатилади. Мастлик ҳақида эслаш қоидага кўра, қисм хусусиятига эга бўлади.

Бундан, физиологик мастликнинг исталган даражасида бўлган шахс жиноят субъекти бўлади ва жиноий жавобгарликдан озод этилмайди, чунки унинг ҳаракатларида ақли норасоликнинг ҳам тиббий, ҳам юридик мезонлари бўлмайди, лекин шахснинг патологик мастлик ҳолатидаги каби касаллик ҳолати ҳисобланмаган руҳий жараёнлари бузилади.

Била туриб кўп миқдорда алкогол ичиш натижасида юзага келадиган қисқа муддатли руҳий бузилишларни ифодалайдиган физиологик мастлик ҳолатини **патологик мастлик** ҳолатидан ажрата билиш лозим. Психиатрияда патологик мастлик ҳолати ўткир қисқа муддатли ўтадиган руҳий бузилишлар гуруҳига киради. У алкоголни нафақат кўп, балки кам истеъмол қилганда ҳам келиб чиқади. Бу ҳолат учун онгнинг тўсатдан ўзгариши хос ҳисобланади. Патологик мастликнинг клиник суратида, қоидага кўра, онгнинг ғира-ширалик белгилари ва галлюцинаторлик алаҳсираш ҳаяжонлари бирлашади, натижада, атрофни бузиб қабул қилиш келиб чиқади.

Патологик мастлик ҳолатида содир этиладиган жиноий ҳаракатлар эътиборга молик қандайдир ҳодисага нисбатан реакция ҳисобланмайди. Патологик мастлик қандай тўсатдан бошланса, шундай тугайди. Баъзида, у кўпинча уйқуга кўчади, қайсики, ундан сўнг тўлиқ амнезия бошлади, аммо бўлиб ўтган воқеалар ҳақида баъзи нарсалар эсда қолади.

Патологик мастлик ҳолатида бўлган шахснинг бундай ўзини тутиши, аввало, шу шахс мавжуд бўлган атрофни бузиб қабул қилиши, мақсадсиз ва агрессив ҳаракатлари билан тушунтирилади. Суд-психиатрия амалиётида шунга эътибор қилинадики, патологик мастлик қисқа муддатли психоз сифатида кўрилади, агарда, тиббий ва юридик мезонларнинг мажмуи мавжуд

бўлса, бу ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс ақли норасо деб топилади. Ўз-ўзидан, физиологик мастлик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс ақли расо деб топилгани туфайли, жиноят субъекти бўлса ва жиноий жавобгарликка тортилса, патологик мастлик ҳолатида эса суд ақли норасоликни ўрнатса, ушбу шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик истисно этилади.

Шу билан бирга, қисқа муддатли руҳий бузилишдан умуман фарқ қиладиган оғир даражали физиологик мастликни патологик мастликдан ажрата билиш лозим. Бу ҳолат мастлик ҳолатида турли хил жиноятларни содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ёки патологик мастликдаги ақли норасолик тўғрисида сўз борганда эса ундан озод қилиш масаласини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга.

ЖК 19-моддаси мазмунидан мастлик деганда, нафақат, алкогол истеъмол қилишдан, балки интеллектуал-иродавий фаолиятга таъсир қилувчи, гиёҳванд, психотроп ва бошқа моддалар қабул қилишдан келиб чиққан ҳолат тушунилади. Мастликнинг кейинги турлари жиноят қонунчилиги учун янгилик ҳисобланади ва тиббий нуқтаи назардан, алкоголли мастликдан сезиларли фарққа эга. **ЖК 19-моддасига** биноан, гиёҳванд мастлик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс, агар у жиноят субъекти ҳисобланса, жиноий жавобгарликдан озод этилмайди.

Гиёҳванд мастлик ҳолати дори шаклидаги ёки дори шаклида бўлмаган гиёҳванд моддаларни қабул қилиш ёки уларнинг организмга таъсири натижасида келиб чиқади. Бундай мастлик таблеткалар, кукунни қабул қилиш, инъекция, кукунни бурни орқали тортиш, гиёҳванд моддаларни чекиш билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонунига кўра, **гиёҳванд воситалар** деганда, гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида

гиёҳвандлик моддаси бўлган препарат ва ўсимликлар тушунилади[1]. Берилган рўйхатлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланади ва нашр этилади.

Ўз навбатида, гиёҳванд дори воситаларидан даволаш мақсадларида фойдаланилади ва касал фуқароларга шифокор кўрсатмаси асосида индивидуал тартибда берилади. Даволаш мақсадларида фойдаланиладиган бу гиёҳванд моддалар Ўзбекистон Республикасида обороти чекланган гиёҳванд моддаларнинг иккинчи рўйхатига киритилган.

Гиёҳванд мастлик алкоголли мастликдан фарқли равишда ўзига хосликларга эга ва ташқи кўринишига кўра эйфорик сифатида аниқланиши мумкин. У, шунингдек, ҳолсизлик ва уйқусизлик, кўпинча юз ифодасининг маъносизлиги, палапартиш ва ноаниқ нутқ билан тавсифланади. Ўзини тутиш сурати алкоголли мастлик ҳолатида бўлган шахснинг ўзини тутишини эслатади ва ўхшайди, фақат алкоголнинг ҳиди бўлмайди. Субъектнинг ўзи ҳолсиз, камҳаракат ва қатъиятсиз бўлиб қолади. Кўпинча гиёҳванд мастлик галлюцинаторлик ҳаяжонлари билан кузатилади.

Таъкидлаш жоизки, бу ҳолатда алкоголли мастлик каби ўз ҳаракатларини англаш ва бошқариш сақлаб қолинади. Шунга қарамай, бундай ҳолатда шахс атрофдагилар учун хавфли бўлади ва бирон-бир жиноят содир этиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, гиёҳванд моддани нотиббий усулда ва кўп қабул қилиш гиёҳвандлик деб номланган касаллик хусусиятини олади. Касаллик сифатида гиёҳвандликнинг ўзига хослиги, гиёҳванд моддаларни қабул қилишга доимий мойиллик, шунингдек, алкоголизм каби уларга руҳий ва жисмоний боғлиқлик, шахс руҳиятида чуқур ўзгаришлар ва организм функцияларининг ишдан чиқишига олиб келади. Бунда гиёҳвандликнинг ўзига хослиги уни нафақат касаллик сифатида, балки шахс ва жамиятга катта зарар етказадиган муаммо сифатида кўриб чиқишга имкон беради.

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 813–I-сон Қонуни, 3-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 210-модда.

Гиёҳвандлик тиббий аралашувни талаб этадиган касалликни акс эттиради, гиёҳванд моддаларни кўп истеъмол қиладиган ва жиноят содир этган шахсга нисбатан эса жиноий жазо билан биргаликда суд ЖК 91-моддаси 2-қисми асосида гиёҳвандликдан мажбурий даволаш кўринишидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаши мумкин.

Шу билан бирга, **ЖК 19-моддаси** нафақат алкоголли ва гиёҳванд мастлик ҳолатида жиноят содир этганлик учун, балки психотроп ва бошқа моддаларнинг инсон организмига, тўғрироғи ақл-иродасига таъсири ва келиб чиққан ҳолатга нисбатан ҳам жиноий жавобгарликни назарда тутади.

Психотроп моддалар – психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, келиб чиқиши синтетик ва табиий моддалар.

Ақл-иродага таъсир қилувчи бошқа воситаларга гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари тааллуқли.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари – кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этувчи, келиб чиқиши синтетик ва табиий моддалар[1].

Тиббий воситалар (дорилар)га кирмайдиган ақл-иродага таъсир қилувчи моддаларнинг катта гуруҳини, хусусан, ақл-иродага таъсир қилувчи хўжалик, уй-рўзғор учун мўлжалланган воситалар, заҳарли модда ва турли хил лаклар, бўёқлар, елимлар ва шунга ўхшаш моддалар ташкил этади.

Санаб ўтилган моддалар нафас олинганда ақл-иродага таъсир этади ва ўзидан кетиш ҳолатини келтириб чиқаради. Бунда бу ҳолатга нафақат турли бирикмаларни, ацетонни, бензинни, двигатели ишлаётган автомобиль газини, «Момент» елимини, саноатда ишлатиладиган турли суюқликларни ва бошқа кимёвий бирикмаларни нафас олиш, балки дори воситаларини спиртли

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 813–I-сон Қонуни, 3-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 210-модда.

ичимликлар билан қабул қилиш ҳам келтириб чиқаради. Охирги ҳолатда сўз мастлик ҳолатини кучайтириш учун қабул қилинадиган аралашмалар тўғрисида боради, масалан, алкогол билан димедрол, барбитурат-алкоголли аралашма, клофелин.

Таъкидлаш жоизки, спиртли ичимликларни кўп ичиш алкоголизмга олиб келиши сингари гиёҳванд моддалар гиёҳвандликка, маст қиладиган моддаларни тез-тез ишлатиш токсикоманияга олиб келади. Ўз-ўзидан, **токсикомания** ўрганишни келтириб чиқарадиган наркотик модда бўлмаган восталарни кўп истеъмол қилиш орқасидан келиб чиқадиган касалликни акс эттиради.

Айбдор шахс томонидан ўзида бўлмаслик ҳолатида содир этилган жиноят физиологик ва гиёҳвандлик таъсирида бўлган шахсдек жавобгарликдан озод этмайди. Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 56-моддаси 1-қисми «о» бандига асосан, ақл-иродага таъсир қилувчи алкоголли мастлик ёки гиёҳванд модда, психотроп моддалар таъсирида жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Шу билан бирга, суд амалиётида суднинг жиноят хусусиятидан келиб чиқиб, оғирлаштирувчи ҳолатларни тан олмаслик ҳуқуқи кўпинча эътиборга олинмайди.

5-§. Жиноятнинг махсус субъекти

Жиноят махсус субъекти белгиларини ўрнатиш ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиноятни квалификация қилишнинг шартларидан бири ҳисобланади.

Жиноят субъектининг умумий белгилари ЖК Махсус қисми моддаларининг диспозицияларида назарда тутилмаган. Махсус субъект белгилари модда диспозицияларида тўғридан-тўғри кўрсатилади ёки уни шарҳлаш йўли билан аниқланади, алоҳида ҳолларда у махсус нормаларда кўрсатилади. Масалан, ЖКнинг саккизинчи бўлимида мансабдор шахс ёки масъул шахс тушунчалари берилган. Баъзи ҳолларда ушбу белгилар асосий таркибли жиноятларда (мансабдорлик жиноятларида мансабдор шахснинг

белгилари), квалификацион жиноятларда (ўта хавфли рецидивистнинг белгилари) кўрсатилади, бошқа ҳолларда жазони енгиллаштирувчи ҳолат бўлиб келади (масалан, янги туғилган чақалоқнинг она томонидан ўлдирилиши).

NOTA BENE !

Жиноятнинг махсус субъекти – жиноят субъекти зарурий белгиларидан ташқари яна Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида белгиланган ва шу жиноятлар учун зарурий белги бўлган қўшимча белгилари ҳам мавжуд бўлган суъбектдир.

Махсус субъект белгиларининг мавжуд эмаслиги ушбу белгилар ифодаланган жиноят учун гарчи жиноят субъекти умумий белгилари мавжуд бўлса ҳам, жавобгарликни истисно этади. Бу баъзи ҳолларда умуман жиноятни истисно этади, бошқа ҳолларда жавобгарлик бошқа модда билан белгиланади. Масалан, ҳарбий ёки давлат сири билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни йўқотиш ушбу ҳужжатларни сақлаш мажбурияти юкланмаган бошқа шахс томонидан содир этилса, ЖК 163-моддасидаги жиноят таркиби мавжуд бўлмайди. Шунингдек, бошқа давлат фойдасига жосуслик қилиш Ўзбекистон Республикаси фуқароси томонидан амалга оширилганда ЖК 160-моддаси билан эмас, балки давлатга хоинлик сифатида ЖК 157-моддаси билан квалификация қилинади.

Ўзининг таркибига кўра махсус субъект белгилари хилма-хилдир. Улар шахснинг турли хил хусусиятларига тааллуқли бўлиши мумкин.

Махсус субъектларни қуйидаги мезонларга қараб гуруҳларга ажратишимиз мумкин.

Ҳуқуқий мақомига кўра:

– фуқаровий ҳолатига қараб: Ўзбекистон Республикаси фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс ва хорижий давлат фуқароси (ЖК 157-, 160- ва 224-моддалари);

– жиноят процесси иштирокчилари: айбланувчи, гумонланувчи, гувоҳ, таржимон, эксперт ва бошқалар (ЖК 237-, 238-, 240-моддалари);

– ҳарбий хизматчилар, ҳарбий хизматга мажбурлар (ЖК 279–302-моддалари).

Демографик белгиларига қараб:

– жинсига қараб: эркак (ЖК 120-моддаси);

– ёшига қараб – вояга етмаган (ЖК 127-моддаси ёки 131-моддаси 2-қисми);

– оилавий, қариндошлик алоқаларига қараб – ота-она, уларнинг ўрнини босувчилар ёки фарзандлар (ЖК 122- ва 123-моддалари).

Мансабдорлик ҳолатига қараб:

– мансабдор шахс (ЖК 144-, 146-, 205–212-моддалари);

– ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари: суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья (ЖК 230-, 231-, 234-, 235-моддалари);

– офицерлар, ҳаво кемаси командирлари ва бошқалар (ЖК 287-, 288-, 289-моддалари).

Касбий мажбуриятига қараб: врач ёки бошқа тиббиёт ёки фармацевтика соҳаси ходимлари (ЖК 114-моддаси ва бошқалар).

Жабрланувчига нисбатан юқорироқ ҳолатда бўлган шахс: жабрланувчининг бошлиғи (ЖК 121-моддаси).

Жиноят содир қилаётган шахснинг жиноят билан махсус ҳолатдалиги: жазони ўташ жойларидаги маҳкум, олдин судланган шахс, оғир ва ўта оғир жинояти учун судланганлар (ЖК 220–222-моддалари);

Жиноятни тўғри квалификация қилиш учун бошқа зарур мезонларга қараб,соҚлигига қараб – шахсда ОИТС-инфекциясининг мавжудлиги (ЖК 113-моддаси).

6-§. Жиноят субъекти ва жиноятчининг шахси

Жиноятнинг умумий ва махсус субъектининг ажралмас қисми ҳисобланган умумий ва махсус белгиларидан ташқари яна суд-тергов

амалиётида белгиланиши шарт бўлган белгилар ҳам мавжуд. Уларга айбланувчи шахси, ҳуқуқий мақоми (судланганлик ва унинг ҳуқуқий оқибати сифатида рецидивликнинг маълум тури), содир қилинган жиноятда ҳар бир айбланувчи хулқининг объектив хусусияти (ташкилотчи, далолатчи, бажарувчи ва ҳ.к.) кабилар киради.

Шуни таъкидлаш керакки, жиноят ҳуқуқи ва криминологияда бир қарашда ўхшаш бўлган, лекин мазмун ва моҳиятига кўра ҳар хил бўлган жиноят субъекти ва жиноятчи шахси тушунчалари ўртасидаги муносабатлар шубҳасиз муҳокама қилинади[1].

Жиноят субъекти тушунчасини айбдорнинг шахси тушунчаларидан ажрата билиш лозим. Уларнинг ҳар иккиси ҳам бир одамни ифодалайди. Аммо уларнинг ҳуқуқий аҳамияти ҳар хил.

Жиноят субъекти тушунчаси жиноят-ҳуқуқий категория бўлиб, жиноятчи шахс тушунчасига нисбатан конкретроқ ва шу билан бирга жиноий жавобгарликка тортиш шарти сифатида бир қатор қонунчилик белгиларига эга. Айбдор шахси – ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг барча ижтимоий аҳамиятли хусусиятларидир. Бу жиноят ҳуқуқида жиноий жавобгарликнинг индивидуаллаштириш функциясини бажарувчи ижтимоий аҳамиятли тушунчадир. Криминология предметининг муҳим таркибий қисми бўлган жиноятчи шахс муаммоси жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга ҳам эга. Жиноят субъекти белгиларининг мавжудлиги жиноятчини айбдор деб топиш учун етарли ва жиноий жавобгарлик асоси ҳисобланади. Бироқ жазони индивидуаллаштириш учун ҳамда жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишда жиноятчининг шахси эътиборга олиниши зарур. Жазо тайинлашнинг умумий асоси сифатида жиноятчининг шахсини ҳам ҳисобга олиш мумкин. Жиноятчи шахсининг бир қатор хусусиятлари жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларда ҳам ўз ифодасини топган. Жиноятчи шахсини ҳисобга олиш енгилроқ жазо тайинлаш ва шартли ҳукм

[1] Хотя некоторые авторы предлагали их отождествлять (См.: Карпец И.И. Проблемы преступности. – М.: 1969. – С. 102).

қилишда ҳам ўз аксини топган. Бундан ташқари, жиноятчи шахс тўғрисидаги маълумотлар ижтимоий хавфлилиги йўқолганлиги муносабати билан ёки чин кўнгилдан пушаймонлиги муносабати билан жавобгарлик ва жазодан озод қилишда, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштиришда ҳал қилувчи муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддатини белгилашда жиноятчи шахснинг жинси ва ёшини ҳисобга олиш жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга.

Яъни, жиноят таркиби доирасидан ташқарида бўлган жиноятчи шахс хусусиятлари жазони индивидуаллаштиришда ва жавобгарлик ҳамда жазодан озод қилишда юридик аҳамиятга эга.

NOTA BENE !

Жиноят ҳуқуқида **жиноятчининг шахси** – жиноят содир қилган шахснинг уни жиноят-ҳуқуқий воситалар ёрдамида тузатиш имкониятларида ифодаланувчи ижтимоий аҳамиятли хусусиятлар йиғиндиси.

Жиноятчининг шахси қонунда белгиланган тартибда суд томонидан чиқарилган айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан бошлаб, то жазони ўтаб бўлганидан кейинги судланганлик ҳолатининг тугаши ва олиб ташлангунига қадар ҳисобга олинади.

«Жиноят субъекти» мавзуси юзасидан якуний саволлар

1. Жиноят субъекти нима?

2.Жиноят таркибининг элементи сифатида жиноят субъектининг аҳамияти нимадан иборат? Субъектнинг қайси белгилари зарурий бўлади?

3. Юридик шахс жиноят субъекти бўлиши мумкинми?

4. Умумий қоида бўйича жиноий жавобгарлик қайси ёшдан юзага келади? Бир қатор жиноятлар учун 13 ва 14 ёшдан жавобгарлик ўрнатиш ҳақидаги қонун чиқарувчининг қарори нимадан келиб чиқади?

5. Қайси пайтдан бошлаб шахс жиноий жавобгарлик келиб чиқувчи ёшга тўлган деб ҳисобланади?

6. Жиноят содир этган вояга етмаган шахснинг ёшини тасдиқловчи ҳужжатлар йўқлиги туфайли унинг ёши номаълум бўлган ҳолларда мазкур шахсни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи қандай ҳал қилинади?

7. Жиноий жавобгарлик келиб чиқувчи ёшнинг энг юқори чегараси мавжудми?

8. Жиноят содир этган шахснинг ақли расолиги мезонларини айтиб ўтинг. Ақли расоликнинг юридик мезони мавжудлигини тасдиқлаш учун унинг иккала белгисининг (интеллектуал ва иродавий) мавжудлиги шартми?

9. Ақли норасоликнинг юридик (психологик) мезони нимадан иборат? Уни нима таърифлайди?

10. Ақли норасолик тиббий мезонининг мазмуни нимада? Юридик мезон билан у қандай муносабатда бўлади?

11. Шахс ижтимоий хавфли қилмишни содир этганидан кейин руҳий касалликка дуч келиб, ақли норасо бўлган ҳолларда жиноят таркиби мавжудми?

12. Нимага алкоголли мастликнинг ҳар қандай даражаси содир этилган қилмиш учун жиноий жавобгарликни истисно этмайди?

13. Мастликнинг қандай тури ақли расоликни истисно этади ва жиноий жавобгарликка олиб келмайди?

14. Махсус субъектнинг белгиларини айтиб беринг. Уларнинг аҳамияти нимадан иборат?

15. «Жиноят субъекти» ва «жиноятчининг шахси» тушунчалари бир-бири билан қандай муносабатда бўлади? Жиноят ҳуқуқида жиноятчининг шахси деганда нима тушунилади?

Қўшимча адабиётлар

Ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар

Абельцев С.Н. Личность преступника и проблемы криминального насилия. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2000. – 207 Б.

Агрессия и психическое здоровье / Под ред. Т.Б. Дмитриевой, Б.В. Шостаковича. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2002. – 463 Б.

Антонян Ю.М., Бородин С.В. Преступное поведение и психические аномалии. – М.: 1998. – 215 Б.

Ермакова Л.Д. Специальный субъект преступления // Уголовное право Российской Федерации. Общая часть / Под ред. Б.В. Здравомыслова. –СПб.: Издательство Р.Асланова «Юридический центр Пресс». – 217 Б.

Иванов Н.Г. Аномальный субъект преступления: проблемы уголовной ответственности. Учебное пособие для вузов. – М.: Закон и право, ЮНИТИ, 1998. – 224 Б.

Лунц Д.Р. Проблема невменяемости в теории и практике судебной психиатрии. – М.: «Знание», 1966. – 199–219-б.

Назаренко Г.В. Невменяемость. Уголовно-релевантные психические состояния. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2002. – 207 Б.

Павлов В.Г. Субъект преступления. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2001. – 318 Б.

Павлов В.Г. Субъект преступления в уголовном праве. – СПб.: Санкт-Петербургская юридическая академия, Герда, 1999. – 775-б.

Илмий мақолалар

Абдурасулова К.Р. Нежная, милая, но преступница // Вечерний Ташкент. – 17 апреля. – 1998.

Мамадалиев У.О., Журабаев О. Уголовно-правовой статус иностранных граждан в Республике Узбекистан // Ж. Ҳуқуқ–Право–Law. 2005. № 4. – 51–54-б.

IX БОБ. ТАМОМ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР

1-§. Жиноят содир этиш босқичлари тушунчаси, турлари ва аҳамияти

Жиноят ижтимоий хавфли қилмиш сифатида жиноятчининг у ёки бу қасди муайян вақт (жиноий ниятнинг пайдо бўлишидан бошлаб токи уни тўлиқ амалга ошириш ва жиноий мақсадга эришгунга қадар бўлган давр) оралиғида амалга ошириладиган жараён сифатида тушунилиб, қисқа вақт давомида рўй бериши ҳам, узоқ вақтга чўзилиши ҳам мумкин. Шу боис, қонун чиқарувчи қасддан содир этиладиган жиноятларни амалга ошириш жараёнини шартли равишда муайян босқичларга ажратади, улар ўз навбатида тамом бўлган ва тамом бўлмаган жиноятлардан иборат.

NOTA BENE !

Жиноят содир этиш босқичлари жиноят ҳуқуқи томонидан қасддан жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш ва бевосита бажариш босқичлари (жиноий фаолиятнинг ривожланиш босқичлари) сифатида тушунилиб, жиноятга тайёргарлик кўришдан бошланиб, жиноий оқибатлар келиб чиқишида тамомланади.

Бу босқичлар учта: 1) жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш босқичи; 2) жиноят таркиби объектив томонини бажариш; 3) жиноятнинг тамом бўлиши ва ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқиши. Улар бир-биридан айбли ҳаракатларнинг хусусияти ва мазмунига кўра, шунингдек, жиноий қилмишнинг тамомланганлик даражасига кўра фарқ қилади.

Жиноят қонуни жиноят содир этиш босқичи сифатида қасднинг шаклланиши ва аниқланишини босқич сифатида тан олмайди. Қасднинг аён бўлиши жиноят қонуни мақсадларига ижтимоий хавф солмайди, чунки бунда қонун муҳофазаси остидаги объектларга ижтимоий хавф солинмайди, шахс

ҳам бирон-бир муайян ҳаракат содир этмайди. Жиноий қасднинг шаклланиши жараёни, жиноятни амалга оширишнинг усуллари, унинг энг самарали бажариш услубларининг танланиши фақат шахснинг нияти ва фикрларини тавсифлаб, улар ҳаттоки жиноий бўлган тақдирда ҳам, жавобгарлик келиб чиқмайди.

Қасд шаклланиши жазога лойиқ эмаслиги, халқаро ва конституциявий фикр ва тафаккур эркинлиги тамойилига асосланади. Халқаро жиноят ҳуқуқининг умумбашарий тамойили қуйидагича янграйди: «Cogitations poenam nemo patitur» («Фикр жазога сазовор эмас»).

Айни вақтда, ўз-ўзидан ижтимоий хавфли бўлган ҳамда жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларига реал тарзда хавф туғдираётган қасднинг аён бўлиши, қонун чиқарувчи томонидан алоҳида жиноят деб топилиши мумкин. Масалан, қасднинг ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш билан қўрқитиш (ҳатто сўз орқали ҳам) каби кўриниши: ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (ЖК 112-моддаси) ёхуд товламачиликдаги қўрқитиш (ЖК 165-моддаси) ва ҳоказолар жиноят қонунида тамом бўлган мустақил жиноят ҳисобланади. Қоида тариқасида, бу таҳдиднинг мақсади – жабрланувчига руҳий зўравонлик қилиб, ўз манфаатлари йўлида тегишли хатти-ҳаракатларни амалга оширишга зўрлаш бўлиб, айнан шунда унинг ижтимоий хавфи намоён бўлади.

Худди шундай қасднинг шаклланишини жиноятни содир этишда далолатчилик қилиш, шунингдек, туҳмат (ЖК 139-моддаси), ҳақорат (ЖК 140-моддаси), тарҚиб қилиш (ЖК 150-моддаси), даъват қилиш (ЖК 159-моддаси 1-қисми) ва бошқа шу кўринишдаги «оғзаки» деб номланадиган жиноятлардан фарқлаш лозим, зеро, уларнинг ҳар бири ўз объектига – шахснинг шаъни, қадр-қимматининг дахлсизлигини, инсониятнинг тинчлиги ва хавфсизлигини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузуми хавфсизлигини ва нормал фаолиятини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатларга нисбатан тажовуз қилади.

Тайёргарлик кўриш ва суиқасд каби жиноий хулқ-атвор босқичлари тамом бўлмаган жиноятлар туркумига киради, бироқ жиноятларнинг барча таркибларида ҳам бўлавермайди.

NOTA BENE !

Тамом бўлмаган жиноят (тайёргарлик кўриш ва суиқасд) конкрет жиноят таркиби белгиларида назарда тутилган хатти-ҳаракатларни тўлиқ бажармаслик ёки жиноий оқибатларни келтириб чиқармаслик билан тавсифланади.

Тамом бўлган жиноят содир этилган қилмишда конкрет жиноят таркибининг қонунда назарда тутилган барча белгилари мавжудлиги билан тавсифланади.

Жумладан, жиноят эҳтиётсизлик орқасида содир этилганида, жиноятга тайёргарлик ва суиқасд босқичлари мавжуд бўлмайди, чунки шахснинг иродаси жиноий оқибатни келтириб чиқаришга йўналтирилмаган. Ижтимоий хавфли қилмиш ҳаракатсизлик билан содир этилганда жиноятга тайёргарлик кўриш умуман мумкин эмас.

Тамом бўлмаган жиноятларнинг суиқасд қилиш босқичи кесик таркибли жиноят таркибларида мавжуд бўлиши мумкин эмас, зеро, уларнинг ўта юқори ижтимоий хавфини инобатга олган ҳолда, қонун чиқарувчи қилмишнинг юридик тамомланиш вақтини бир оз олдинга (олдинги босқичга) суради. Масалан, босқинчилик жиноятида суиқасд қилиш имкони йўқ, боиси ҳужум қилишнинг ўзи тамом бўлган жиноят таркибини ифода этади (ЖК 164-моддаси).

Таъкидлаб ўтиш керакки, жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш учун жавобгарликка тортишга жиноий қасднинг тури бевосита таъсир қилади. Эгри қасд жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш учун жавобгарликни инкор этади, чунки жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилишда шахснинг жиноят содир этиш истаги натижага эришишга

қаратилган онгли ва мақсадли ҳаракатларидан иборат. Шунинг учун, жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш фақатгина тўғри қасддан содир этилган жиноятлардагина бўлади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми одам ўлдиришга суиқасд қилиш фақат тўғри қасд билан содир этилади, қачонки, шахс ўлим юз беришини англаган ва истаган бўлади[1] деб тушунтириш берган.

Ниҳоят, жиноятга тайёргарлик кўриш ҳам, жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам жиноятчи эришишни кўзлаган жиноий натижанинг мавжуд эмаслигини назарда тутади. Субъектга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, жиноий натижанинг мавжуд эмаслиги тамом бўлган ва тамом бўлмаган жиноят ўртасидаги чегара ҳисобланади. Бироқ, агар жиноий натижанинг мавжуд эмаслиги субъектнинг ҳаракати оқибати бўлса (жиноий ниятни бажаришдан ихтиёрий қайтиш), у ҳолда шахсни жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлмайди.

Хуллас, фақат қасддан содир этиладиган жиноят босқичлари жиноят-ҳуқуқий аҳамият касб этади. Эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятлар босқичлари жиноий деб тан олинмайди, зеро, эҳтиётсиз жиноятлар ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқмасдан олдин жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан нейтралдир.

Жиноятга тайёргарлик кўриш учун ҳам, жиноят содир этишга суиқасд қилиш учун ҳам жиноий қилмишни содир этишга қасднинг ва қилмишнинг мавжудлиги ҳамда жиноий натижанинг мавжуд эмаслиги бир хилда зарур.

Жиноят босқичлари қасддан содир этилган жиноятни квалификация қилишда, чунончи жиноят тамом бўлганми ёки йўқми, тамом бўлмаган бўлса, қайси босқичда тўхтатиб қўйилган – тайёргарлик кўриш босқичида (тайёргарлик кўриш босқичи) ёхуд жиноят таркибининг объектив томонини бажариш босқичида тўхтатилганлиги (жиноятга суиқасд қилиш) нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланади. Бунда тамом бўлмаган жиноятни

[1] См.: Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 24 сентября 2004 г. № 13 «О судебной практике по делам об умышленном убийстве» // Сборник, Т.2. – С. 459.

квалификация қилишда шунга эътибор бериш лозимки, жиноятни содир этишнинг ҳар кейинги босқичи олдинги босқичини ўз ичига қамраб олади. Масалан, ўғрилик жиноятини содир этиш ниятидаги шахс, аввал баъзи тайёргарлик ҳаракатларини содир этиб (қурол топади, турли мосламалар тайёрлайди ва ҳ.к.), кейин ўзганинг мулкига тажовуз қилиш давомида, ҳаракатлари унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра тўхтатилса, шахс ўғрилик жиноятини содир этишга суиқасд қилганлиги учун жавобгарликка тортилади. Шу билан бирга, шахс ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилса ҳамда ушбу мулкдан ўз манфаатларига кўра фойдаланиш имкониятига эга бўлса, унинг ҳаракатлари тамом бўлган ўғрилик деб квалификация қилинади.

2-§. Жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш

Жиноят содир этишнинг биринчи босқичи – бу **жиноятга тайёргарлик кўришдир.**

ЖК 25-моддаси 1-қисмида «Шахснинг қасддан қилинадиган жиноятни содир этиш ёки яшириш учун шарт-шароит яратувчи қилмиши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра содир этилиши бошлангунга қадар тўхтатилган бўлса, бундай қилмиш жиноятга тайёргарлик кўриш деб топилади» дейилади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш, айтиб ўтилганидек, фақат тўғри қасддан содир этиладиган жиноятлардагина бўлади. Жиноятга тайёргарлик кўриш орқали шахс ўз ҳаракатининг ижтимоий хавфлилигини бу ҳаракатлари орқали ўзига жиноят содир этиш учун шароит яратаётганлигини англайди. Жиноятга тайёргарлик кўриш жиноий фаолиятнинг дастлабки босқичи ҳисобланганлиги боис, бошқа босқичларга қараганда ижтимоий хавфлилик даражасининг юқори эмаслиги билан тавсифланади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш деб, жиноят содир этиш учун шарт-шароит яратишга, шунингдек, бундан кейин жиноятни яширишга қаратилган исталган фаолиятни тушуниш лозим. Жиноятни содир этишга қасд шаклланишидан фарқли равишда, тайёргарлик кўриш босқичи нафақат

жиноят содир этишни ният қилиш, балки уни содир этиш учун шароит яратувчи ва зарур бўлган конкрет ишларни бажариш билан тавсифланади. Бунда мазкур ҳаракатларнинг қай даражада чуқур ўйланганлиги ва қанча вақт давомида амалга оширилиши бевосита тайёрланаётган жиноят турига боғлиқ. Жиноят қанчалик хавфли ва мураккаб бўлса (масалан, «буюртма» қотиллик, террористик акт, жосуслик, гаровга олиш ва ҳ.к.), унга тайёргарлик кўриш ҳам шунга яраша талаб этилади. Ушбу жиноятни содир этиш босқичига олдиндан ўйланган қасд мавжудлиги хосдир. Ситуатив характерга эга, тўсатдан пайдо бўладиган қасддан содир этиладиган жиноятларда эса, тайёргарлик босқичи деярли йўқ (масалан, безорилик ҳаракатларини содир этишга бўлган ният шу заҳоти амалга оширилади).

Жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатлари суиқасд қилишдан шуниси билан фарқланадики, уларнинг содир этилиши жараёнида жиноят қонуни томонидан муҳофаза қилинган объектларга бевосита тажовуз қилинмайди, яъни ЖК Махсус қисми конкрет моддалари диспозициясида кўзда тутилган қилмиш ҳали содир қилинмайди. Бошқача айтганда, жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд босқичлари орасидаги тафовут, жиноят содир этиш ҳаракатларига асосланади. Бу ҳаракатлар икки хил турда бўлади: бири жиноят таркибининг элементи бўлса, иккинчиси жиноят содир этилишини таъминловчи актдир. Бу ҳаракатларнинг биринчи тури суиқасд босқичига хос бўлса, иккинчиси жиноятга тайёргарлик кўриш босқичида намоён бўлади.

Жумладан, ҳаракат жиноят таркибининг унсури сифатида, қонунда кўрсатилган муайян аломатлар (талон-торож қилиш, ёлғон маълумот тарқатиш, тарғиб қилиш ва ҳ.к.)га эга. Шу сабабли, ҳар қандай ҳаракат, ҳатто у жиноий суиқасд билан содир этилган бўлса ҳам, тегишли жиноят таркибининг объектив томони сифатида ҳаракатни ҳосил қилавермайди. Мисол учун, ўт қўйиш мақсадида бензин сотиб олиш, шубҳасиз, ҳаракат бўлгани ҳолда, ўт қўйиш (мулкни қасддан нобуд қилиш, ЖК 173-моддаси) таркибининг унсури ҳисобланмайди, худди шунингдек, бировни уриш учун таёқнинг эгалланиши ҳам баданга шикаст етказиш таркибининг унсурини

ҳосил қилмайди ва ҳ.к. Бундан ташқари, шуни унутмаслик керакки, **ЖК 25-моддаси 1-қисмининг** мазмунига кўра, жиноятга тайёргарлик кўриш босқичида айбдор томонидан амалга оширилган ҳаракатлар, қасддан жиноят содир этиш учун шарт-шароит яратишга, шунингдек, бундан кейин жиноятни яширишга қаратилган бўлиши мумкин.

Жиноят содир этиш учун шарт-шароит яратиш ҳаракатлари деганда, жиноят содир этиш қуроли ёки воситаларини излаш, тайёрлаш, мослаштириш, жиноий шерикларни топиш, тил бириктириш ёки келишув ва жиноят содир этишга шароит яратувчи бошқа ҳаракатлар тушунилади.

Жиноят содир этиш қуроллари ёки воситаларини қидириш қонуний йўл билан (масалан, бензин сотиб олиш) ёки қонунга хилоф равишда (масалан, келгусида жиноят содир этиш учун қурол, ўқ-дориларни талон-торож йўли билан қўлга киритиш) эгаллашдан иборат.

Жиноий шерикларни топиш ўзга шахсларни жиноятда иштирок этиш учун қидириб топишда ҳамда ёллаш ёхуд бошқа тарзда жалб қилишда ифодаланади.

Жиноят содир этиш қуроллари ёки воситаларини тайёрлаш уларни яратишдан, масалан, лом, очқич, қалбаки ҳужжатлар ясашдан иборат.

Жиноят содир этиш қуроллари ёки воситаларини мослаштириш шахс ўз жиноий ниятини амалга оширишда фойдаланишни мўлжаллаган маълум предметларга муайян шакл бериш, қайта ишлаш каби ҳаракатлардан иборатдир, масалан, одам ўлдириш учун отвёрткадан фойдаланиш ва ҳ.к.

Тил бириктириш ёки келишув – бу камида икки шахснинг муайян жиноят содир этиши ва (ёки) улардан бирининг жиноят содир этиши, иккинчиси эса ўғирлик молдан, мурдадан ва ҳ.к.дан қутулишга ёрдам бериши ҳақида зарур келишувга эришиши.

Тил бириктириш иккиёқлама хусусиятга, яъни жиноят содир этишга ёки уни яширишга қаратилган бўлиши мумкин. У жиноят содир этиш учун шарт-шароит яратишга ҳам, содир этилган жиноят изларини яширишга ҳам қаратилиши мумкин. Тил бириктириш усуллари ҳар хил бўлади – шахслар

ихтиёрий тарзда келишишлари мумкин, келишувга товламачилик, мажбурлаш, алдаш, ваъда бериш натижасида эришилиши ҳам мумкин.

Жиноят содир этишга шароит яратувчи бошқа ҳаракатлар деганда, бошқа, юқорида тилга олингандан ташқари жиноят содир этишга қулайлик, енгиллик туғдирувчи барча ҳаракатларни тушуниш мумкин. Масалан, жиноят содир этиш вақти ва шароитини аниқлаш, жиноят содир этишга халақит бериши мумкин бўлган тўсиқларни бартараф этиш каби ҳаракатлар бўлиши мумкин. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, қуролларни топиш, мослаштириш, ўзаро тил бириктириш ва ҳоказолардан фарқли, жиноят содир этишга шароит яратувчи бошқа ҳаракатлар ҳаракатсизлик орқали ҳам бажарилиши мумкин. Масалан, пост қўриқчиси атайлаб бино эшигини очиқ қолдириши оқибатида, унинг жиноий шериклари мол-мулкни ўғирлаб кетишади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, турли воситалар ва қуролларнинг эгалланиши, ўғирланиши, ўзлаштирилиши, рўзғор буюмларининг тайёрланиши жиноятга тайёргарлик кўриш деб баҳоланиши мумкин эмас, башарти улардан муайян жиноий мақсадларда фойдаланиш нияти улар жиноят содир этишга тайёргарлик кўришидан олдин пайдо бўлганлиги исботланган бўлмаса.

Тайёргарликни жиноят содир этиш босқичи сифатида фақат аниқ бир жиноят содир этиш учун тайёргарлик кўрилгандагина баҳолаш мумкин. Бунда шахс ўз жиноий ниятини охиригача амалга оширишга тайёр. Шахс кейинчалик муайян жиноий қилмиш воситалари ёки қуроллари тарзида қўлланилиши мумкин бўлган турли предметларни «ҳар эҳтимолга қарши» эгаллаган, ясаган ёки мослаштирган ҳолларга жиноятга тайёргарлик кўриш деб қаралиши мумкин эмас, чунки бундай ҳаракатлар ягона жиноят содир этиш босқичини ҳосил қилмайди. Тўғри, айрим ҳолларда улар мустақил жиноятлар бўлиши мумкин, мисол учун, ўқотар қурол, шунингдек, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда тайёрлаш ёки қўлга киритиш ЖК 248-моддасида кўзда тутилган

жиноят таркибини ташкил қилади. Шу билан бирга, агар қурол-яроғ, мисол учун, босқинчилик содир этиш учун олинганлиги аниқланса, ишнинг конкрет ҳолатларига кўра айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 248-моддаси, 25-моддаси 1-қисми ва 164-моддаси 2-қисми «а» бандига биноан квалификация қилиниши лозим.

Айбдорда қонунга хилоф равишда тайёрланган, эгалланган, сақланаётган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш (ЖК 273-моддаси) жиноий ниятининг мавжудлиги масаласини ҳал қилишда, судлар, мазкур воситалар ёки моддалар ўтказишга амалда тайёргарлик кўрилганлиги тўғрисидаги далиллар мажмуидан келиб чиқишлари керак. Тергов органлари ва судлар гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллашдан мақсад нима эканлигини аниқлашлари зарур. Эгаллаш келгусида ўтказиш ёки сотиш учун амалга оширилганлиги аниқланган тақдирда айбдорнинг ҳаракатлари қайд этилган жиноятларга тайёргарлик кўриш деб ҳам квалификация қилиниши керак[1]. Акс ҳолда, ўтказиш, сотиш мақсади аниқланмаган бўлса, айбдор шахснинг ҳаракатлари ЖК 276-моддаси тегишли қисмига биноан квалификация қилиниши шарт (Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар).

Жиноятга тайёргарлик кўриш фақат тайёргарлик ҳаракатлари шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра тўхтатилган ҳолдагина мавжуд бўлади. Қонун чиқарувчи махсус равишда белгилайдики, ижтимоий хавфли қилмиш объектив сабабларга кўра узилиб қолган бўлиб, якуний натижасиз, тамом бўлмаган жиноятдир. Жиноятни содир этишнинг айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолда тугатилганлиги дастлабки терговда ва судда исбот қилиниши зарур.

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 21-сонли қарори, 4-банд, 2-хатбоши.// Тўплам, 1-жилд. – 35-б.

Жиноят таркибининг объектив томони амалда бажарилишидан олдин жиноий фаолиятнинг тўхтатилгани жиноятга тайёргарлик кўришни уни содир этиш босқичи деб таърифлаш имконини беради.

Шундай қилиб, юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, биз жиноятга тайёргарлик кўришнинг, тамом бўлмаган жиноятнинг бир тури сифатида қуйидаги таърифини келтиришимиз мумкин:

NOTA BENE !

Тайёргарлик кўриш тамом бўлмаган жиноят босқичи сифатида, шахснинг, жиноят содир этиш қуроли ёки воситаларини излаш, тайёрлаш, мослаштириш, жиноий шерикларни топиш, тил бириктириш ёки келишув ва жиноят содир этишга ёхуд уни яширишга шароит яратувчи бошқа қасддан содир этилган ҳаракатлари бўлиб, бунда жиноят шахснинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охиригача етказилмай қолади.

3-§. Жиноят содир этишга суиқасд қилиш

Суиқасд жиноят фаолиятининг иккинчи босқичи ҳисобланади. **ЖК 25-моддаси 2-қисмига** кўра, «Қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилади».

Жиноий фаолиятнинг мазкур босқичи жиноятга тайёргарлик кўриш босқичига нисбатан ижтимоий хавфи юқорироқ, бунда тайёргарлик босқичидан фарқли равишда конкрет жиноят содир этиш учун шароит яратилмасдан, балки уни содир этишнинг бевосита бошланиши, унинг объектив томонининг қисман бажарилиши туфайли, жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга тажовуз қилинади ва зарар етказиш хавфи вужудга келади. Қонунга хилоф бўлган ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш хавфи ёки ижтимоий хавфли оқибатнинг юз бериши реал бўлиб қолади. Аммо жиноят шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмайди.

Бошқача қилиб айтганда, суиқасд бу қасддан содир этилган жиноятнинг тугалланмай қолиши ёки айбдор истаган оқибатнинг рўй бермаслигидир.

Жиноятга суиқасд қилишнинг қонунда белгиланган таърифидан жиноий фаолиятнинг ушбу босқичини тавсифловчи объектив ва субъектив белгиларини аниқлаб олиш мумкин.

Суиқасднинг **объектив белгиларига** қуйидагилар киради:

– жиноятни бажаришнинг бошланиши, яъни конкрет жиноят таркиби объектив белгиларида кўзда тутилган ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни содир этиш;

– жиноят тамом бўлмаганлиги;

–жиноятнинг шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатга кўра тугалланиши.

Суиқасд – бу биринчи навбатда, **конкрет жиноят таркиби объектив белгиларида кўзда тутилган, бевосита жиноят содир этишга қаратилган ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни бажаришнинг бошланишидир.** Айни шу ҳаракат (ҳаракатсизлик) жиноятни амалга оширишга қаратилган бўлади. Тажовуз бошланган бўлиб, тўғридан-тўғри қонун билан қўриқланадиган объект (мулк муносабатлари, ҳаёт ёки соғлиқ хавфсизлиги, жинсий эркинлик ва бошқ.)га қарши қаратилади, уни жиддий зарар етиши хавфи остига қўяди.

Аксарият ҳолларда, жиноят содир этишга суиқасд қилиш фаол ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан содир этилади, ушбу ҳаракатлар турли хил бўлиб, муайян жиноятнинг объектив томони билан боғлиқ бўлади. Мисол учун, уй-жойга Ғайриқонуний равишда кириб ўғрилик содир этишга қасд қилишни аниқлаш учун шахс уй-жойга ғайриқонуний равишда кирган ёки ҳеч бўлмаса бунга ҳаракат қилган, масалан, уй эшигининг қулфини бузган бўлиши керак. Онанинг ўз чақалоғини ўлдиришга суиқасд қилганлигини билиш учун чақалоқнинг овқатлантирилганлиги ёки аксини аниқлаш керак бўлади.

Жиноий тажовуз тугалланмаганлиги (жиноят охирига етказилмаганлиги) – жиноят содир этишга суиқасд қилишнинг яна бир муҳим объектив аломати. Жиноят содир этишга қасд қилиш, жиноий фаолият (тамом бўлмаган жиноят доирасида) ривожланишининг мустақил босқичи

сифатида, тамом бўлган жиноятдан айнан ўзининг тугалланмагани билан фарқ қилади. Суиқасдда жиноят объектив томони тўлиқ амалга оширилмайди. Субъект ўзи ният қилган барча жиноий ҳаракатларни амалга оширолмайди (ҳаракатсизлик) ёхуд у кўзлаган жиноий натижа юзага келмайди.

Хусусан, моддий таркибли жиноятларга суиқасд қилишда ушбу аломат, асосан, жиноят объектив томонининг муҳим таркибий қисми – оқибатнинг йўқлигини тавсифлайди. Масалан, шахс ўқ отиш қуроли ёрдамида одам ўлдириш жиноятини содир этмоқчи бўлади, аммо нишон хато олинганлиги сабабли шахс ўлмай қолади. Айни ҳолда айбдор ҳаракатлари субъектив тугалланганини жиноий қилмиш амалда тугалланмаганидан фарқ қилиш керак (жиноят қонунида назарда тутилган жиноий натижа мавжуд эмас). Аммо моддий таркибли жиноятлардаги суиқасд жиноятчининг барча ҳаракатларини бажара олмагани билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Мисол учун, субъект пичоқ санчиш учун қўлини кўтарган, аммо жабрланувчи унинг қўлини ушлаб қолган ҳолат киради. Мазкур ҳолатда ҳаётга тажовуз қилиш билан боғлиқ барча ҳаракатлар охирига етказилмаганлигини ва ўз-ўзидан оқибатнинг келиб чиқмаганлигини пайқаш мумкин.

Жиноят содир этишга суиқасд қилишда кўпинча айбдор мўлжалламаган, кўзда тутмаган ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқади (масалан, одам ўлдиришга қасд қилишда жабрланувчининг соғлиғига оғир шикаст етказилади). Бу қилмишни тамом бўлган жиноятга айлантирмайди, чунки жиноий қилмиш тамом бўлган деб топилиши учун ҳар қандай ижтимоий хавфли оқибат эмас, балки қонунда бевосита кўрсатилган ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқиши талаб этилади. Бу ҳолатда суиқасдни тамом бўлган жиноятдан фарқлаш учун айбдор шахснинг қасдини аниқлаш зарур. Хусусан, одам ўлдиришга қасд қилишда жабрланувчининг соғлиғига оғир шикаст етказилиши одам ўлдиришга суиқасд сифатида квалификация қилинади. Хуллас, жиноятга суиқасд қилувчининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) маълум

зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин, аммо улар ҳеч қачон айбдор мўлжаллаган оқибатлар бўлмайди.

Қонунда назарда тутилган жиноий оқибатлар ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган пайтда эмас, балки орадан маълум вақт ўтганидан кейин келиб чиққан (масалан, жабрланувчи унга ҳаётдан маҳрум этиш мақсадида шикаст етказилганидан кейин орадан бир неча кун ўтгач вафот этган) ҳолларда жиноят тамом бўлган деб топилади. Қонун нуқтаи назаридан, агар айбдорнинг қасддан содир этилган ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оқибатида, орадан қанча вақт ўтганидан қатъи назар, жиноий оқибат келиб чиққан бўлса, жиноий қилмиш тугалланган деб топилади.

Формал таркибли жиноятларда суиқасд жиноят таркибини ташкил қилувчи барча ҳаракатларнинг тўлиқ бажарилмаслигида ифодаланади. Масалан, шахс қалбаки пулларни ўтказишга уринганида қўлга олинади.

Объектив томонни характерловчи учинчи белги **жиноятнинг шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатга кўра, тугалланмай қолишидир**. Жиноятнинг тамом бўлишига тўсқинлик қилган турли хил ҳолатларни бир нарса бирлаштиради, уларнинг ҳар бири жиноятчининг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра юзага келади. Бу ҳолатлар турлича бўлиши мумкин, масалан, фавқулодда тўсиқлар, номақбул гувоҳларнинг пайдо бўлиб қолиши, жабрланувчининг фаол қаршилик кўрсатиши, жиноят қуроллари ва воситаларининг яроғсизлиги, ишнинг ҳақиқий ҳолатларида (жиноят объекти, воситалари, ҳаракат усулларида) хатога йўл қўйилиши ва ҳ.к.

Мазкур белги суиқасднинг юқорида кўрсатилган объектив белгиларини бирлаштириб, уни жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишдан фарқлаш имконини беради. Масалан, айбдор ўзининг ички ҳиссиётлари таъсирида (жабрланувчига раҳм-шафқат ҳисси ва ҳ.к.) жиноий фаолиятини охиригача олиб бормаса, суиқасд мавжуд бўлмайди. Бу ҳолда қилмиш жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб топилади.

Жиноят содир этишга суиқасд қилишнинг **субъектив белгилари** фақат **тўғри қасдда** ифодаланади. Айбдор жиноят содир этишга суиқасд қилишда

муайян ижтимоий хавфли қилмиш содир этаётганини англайди ва жиноятни мантиқий якунига етказиш, зарур жиноий натижага эришишни хоҳлайди. Жиноят объектив томонининг якунламаганини, у ҳали мўлжаллаган ҳаракатларининг барчасини бажармаганини, кўзлаган мақсадига ҳали эришмаганини шахс англайди.

Субъектнинг ўз ҳаракати (ҳаракатсизлиги)нинг тугалланганлик даражаси ҳақидаги тасаввури субъектив мезонга асосланади.

NOTA BENE !

Суиқасд – бу жиноят содир этишга бевосита йўналтирилган ҳамда шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган қасддан содир этилган ҳаракат (ҳаракатсизлик)дир.

Айбдор томонидан амалга оширилган ҳаракатларнинг якунига етказилганлик даражасига қараб, суиқасд тамом бўлган ва тамом бўлмаган турларга бўлинади.

Тамом бўлган суиқасдда субъект, зарур бўлган барча ҳаракатларни қилганига амин, аммо баъзи объектив сабабларга кўра жиноий оқибат келиб чиқмайди. Бу ҳолатда шахс амалга оширишни мўлжаллаган барча ҳаракатларни содир этади, аммо жиноий натижанинг интиҳоси изчил ҳаракатлар доирасидан четда қолади. Айбдор эришишга интилган ҳақиқий оқибат мавжуд бўлмайди. Мисол учун, субъект ўлдириш мақсадида жабрланувчига заҳар берди, лекин шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан жабрдийданинг ҳаёти сақлаб қолинади.

Тамом бўлмаган суиқасдда субъект жиноятнинг тамом бўлиши учун зарур бўлган ҳаракатларни уларни амалга оширишга халақит берган сабаблар туфайли тўлиқ бажара олмайди. Суиқасднинг бу турида объектив томон ривожланмайди. Бу ҳолатда жиноят содир этишга қасд мавжуд бўлади, аммо жиноят таркиби объектив белгиларида назарда тутилган ҳамда жиноий натижага эришиш учун зарур бўлган ҳаракатлар тўла ҳажмда бажарилмайди.

Мисол учун, ўғри омборхонага Ғайриқонуний равишда кириб, зарур бойликларни олиб чиқиб кетишга тайёрлайди, лекин шу ерда ушланади ва уларни ўғирлай олмайди.

Тамом бўлган ва тамом бўлмаган жиноят содир этишга суиқасд қилишнинг жиноятни квалификация қилишда ҳеч қандай аҳамияти бўлмаса ҳам, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлаш, жазо тайинлаш ва жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш масаласини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

Жиноят назариясида, шунингдек, ярофсиз объектга суиқасд қилиш ҳам ажратилиб, у жиноят субъектининг фактик хатога йўл қўйишида асосланади. Бунда жиноят содир этишга «ярофсиз» суиқасд қилишнинг икки тури фарқланади: 1) «ярофсиз» объектга (предметга) суиқасд қилиш; 2) «ярофсиз» воситалар билан суиқасд қилиш.

Ярофсиз объектга суиқасд қилишда, шахс ишнинг ҳақиқий ҳолатларига нисбатан хатоси туфайли, унинг жиноий тажовузи жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга зарар етказа олишга қодир эмаслиги тушунилиши керак. Айбдор ҳаракатлари амалда реал зарар етказмайди ҳам. Бу ҳолда шахс жиноятни содир этишни хоҳлайди, бунинг учун барча зарур ҳаракатларни амалга оширади, бироқ хоҳлаган натижасини қўлга киритмайди, чунки жиноят предмети хусусиятлари ёки жабрланувчига нисбатан хатога йўл қўйган бўлади. Мисол учун, айбдор пул ўғирлаш мақсадида сейфни очади, аммо у ердан пулни тополмайди ёхуд ўлиб бўлган одамга ўқ узади.

Мазкур турдаги суиқасдни квалификация қилишда қасднинг йўналтирилганлигига алоҳида эътибор бериш муҳим. Масалан, «агар айбдор ишлатишга ярофсиз бўлган ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портловчи қурилмаларни қонунга хилоф равишда эгаллаган ва бунда уларнинг сифатига нисбатан янглишиб яроғли деб ҳисоблаган бўлса, содир

этилган қилмиш жиноятга суиқасд тариқасида квалификация қилинмоғи лозим»[1].

Яроғсиз воситалар билан суиқасд қилишда, шахс, ўз хатоси оқибатида, жиноятни охирига етказиш учун ўз хусусиятларига кўра яроғсиз бўлган воситаларни қўллайди. Мисол учун, айбдор ўлдириш мақсадида жабрланувчига заҳар беради, аммо бу заҳар эмас, зарарсиз кукун бўлиб чиқади ва бунинг натижасида жабрланувчи ўлмай қолади, ҳеч қачон ўлмасди ҳам. Яроғсиз деб, нафақат фойдаланилаётган восита, балки жиноий ниятни амалга ошириш усуллари ҳам тан олиниши мумкин. Масалан, одам ўлдиришга суиқасд қилишда айбдор заҳарли моддадан фойдаланади, аммо уни жабрланувчи танасига кичик, зарар етказмайдиган дозалар билан киритади[2].

Яроғсиз воситалар билан суиқасд қилиш ҳам қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини инкор этмайди, шунинг учун унинг квалификацияси айбдорнинг қасди инобатга олинган ҳолда амалга оширилади. Бунда шахснинг жиноят воситалари зарарлилик даражаси, улардан самаралироқ фойдаланиш усулларига нисбатан хатоси суд томонидан жазони тайинлашда ҳисобга олиниши лозим.

ЖК 25-моддаси 3-қисмига кўра, «Жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жавобгарлик ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг тамом бўлган жиноят учун жавобгарликни белгиловчи моддасига мувофиқ ҳал қилинади».

Тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлашда жиноятнинг охирига етказилмаганлик сабаблари, шунингдек, жиноий қасднинг амалга оширилганлик даражаси муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, жиноятга тайёргарлик кўриш, жиноятга суиқасд қилишдан енгилроқ жазони келтириб

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга хилоф равишда куролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 3-сонли қарори, 5-банд, 3-хатбоши // Тўплам, 1-жилд. – 46–47-б.

[2] Курс уголовного права. Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под ред. д.ю.н., проф. Н.Ф. Кузнецовой и к.ю.н., доц. И.М. Тяжковой. – С. 246.

чиқарса, тамом бўлмаган суиқасд тамом бўлган суиқасдга нисбатан енгилроқ жазоланади.

4-§. Жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтиш

Муайян ҳолларда жиноят содир этишни бошлаган ва уни тамомлаш учун барча зарур имкониятларга эга бўлган шахс уни содир этишдан қайтадиган бўлса, бу жиноят ҳуқуқида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб топилади.

ЖК 26-моддаси 1-қисмига мувофиқ, «Шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини ёки бевосита жиноят содир этишга қаратилган ҳаракатларини охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда тўхтатса, шунингдек, жиноий оқибат келиб чиқишини англаган ҳолда, шундай оқибат келиб чиқишининг олдини олса, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб баҳоланади».

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш – ижтимоий хавфли, қонунга хилоф ва айбли қилмишни содир этишдан ўзини тийган ва (ёки) муайян жиноий оқибатлар келиб чиқишининг олдини олган шахс хулқ-атворининг қонуний ҳаракатидир. Шахс бошлаган жиноий фаолиятини (жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга қасд қилишни) охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда ихтиёрий ва узил-кесил тўхтатиши жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб топилади. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг асосий ҳуқуқий оқибати – унинг жиноий жавобгарликни истисно қилиши **(ЖК 26-моддаси 2-қисми)**. Амалда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган шахс тайёргарлик ҳаракатларини ёки муайян жиноятни содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларни тўхтатади, зеро унинг иродаси бундан буён ҳуқуқ билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказишга қаратилмаган. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш доимо жиноят таркибини истисно этади. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг асосий вазифаси ҳам айнан шу – жиноятларнинг олдини олиш ва тўхтатиб қўйиш. Бошланган жиноий

фаолиятни тўхтатиб, жиноий жавобгарликдан қутулиш имкониятининг қонунда мустаҳкамланиши шахсни ўз жиноий ниятини якунлашдан бош тортишга рағбатлантиради.

ЖК 26-моддаси 1-қисмига кўра, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш, жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини тўхтатиш, яъни жиноятга тайёргарлик кўриш ва унга суиқасд босқичида мавжуд бўлиши мумкин. У жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини тўхтатишда ифодаланиб, бунда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш жиноятдан қайтишни келтириб чиқаради ва жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларни тўхтатиш ёхуд жиноий оқибатни келтириб чиқаришнинг олдини олишда ифодаланиб, бу жиноят содир этишга қасд қилиш босқичида жиноят содир этишдан қайтишни тавсифлайди.

Қонундан жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг икки асосий аломати келиб чиқади: ихтиёрийлик ва узил-кесиллик (қатъийлик).

Ихтиёрийлик деганда, шахснинг бошлаган жиноий хатти-ҳаракатини ўз хоҳиши билан ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз охирига етказиш имкони борлигини англаган ҳолда тўхтатиши тушунилади. Бундай қайтишнинг мотиви турлича (уялиш, фарзандлари тақдири ҳақида ўйлаш, жабрланувчига раҳми келиши), шунингдек, қариндош ва дўстларининг маслаҳатлари натижасида бўлиши мумкин. Мотив қандай бўлмасин шахс ўз хоҳиши билан жиноятдан қайтган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилмайди. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ҳар доим субъектнинг эркин хоҳиш-иродаси натижасида келиб чиққан бўлиши керак.

Ихтиёрий қайтишнинг муҳим шартларидан бири – бу шахснинг жиноятни давом эттириш ва якунига етказишга имкони борлигини англашидир. Шу шартларсиз шахс агар ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, жиноятни якунига етказа олмаса ёки уни содир этишга қодир бўлмаса, уни жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш сифатида баҳолашга асос бўлмайди. Масалан, агар шахс қасддан одам ўлдириш жиноятида ҳаракат қилса, лекин атрофда одамларнинг борлиги, қуролнинг яроғсизлиги ёки

қўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетганлиги туфайли қилмишни содир этмаса, бу ихтиёрий қайтиш ҳисобланмайди.

Шахс ўзи бошлаган жиноятни охирига етказиш имкониятини истисно қилувчи ўтиб бўлмас тўсиқлар мавжуд деб (ҳаттоки янглиш) қараши жиноят содир этишдан қайтишнинг ихтиёрий эмас, балки мажбурий бўлганлигидан далолат беради. Мисол учун, шахс ўзганинг мулкини талон-торож қилиш мақсадида қонунга хилоф равишда кирган уйда ўрнатилган ўзига нотаниш мосламани сигнализация воситаси деб ўйлаб, уйни тарк этади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишда **қатъийлик** деганда, шахснинг жиноий фаолиятни вақтинча тўхтатганлиги эмас, балки охирига етказиш учун тўла имкониятлар борлигини англагани ҳолда жиноий фаолиятни давом эттиришдан бутунлай ва тўлиқ воз кечганлиги тушунилади.

Ўз-ўзидан равшанки, ихтиёрий қайтишда вақт жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган ҳолларда аҳамиятга эга бўлмайди. Мазкур ҳолатда жиноят содир этаётган шахс ўзининг жиноий фаолиятини орадан маълум вақт ўтгандан сўнг давом эттиришини кўзлаб, жиноят қуролини алмаштириш ниятида ёки шунга ўхшаган бошқа ниятларда тўхтатади. Мисол учун, агар шахс бир ўзи уддалай олмаслигини тушуниб, омборга ўғриликка тушишдан қайтган ва омборга тушиш, ўғирлик молни у ердан олиб чиқиш ва ташиб кетиш учун жиноятга бошқа шахсларни ҳам жалб этишга қарор қилган бўлса, бу жиноят содир этишдан узил-кесил қайтиш бўлмайди.

Шахс жиноий фаолиятни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда тўхтатишга мажбур бўлган тақдирда ҳам ихтиёрий қайтиш ҳисобланмайди. Мисол учун, айбдор ўлдириш мақсадида жабрланувчига ўқ узди, аммо ўқ тегмай қолди – айбдор қайта ўқ узишдан ихтиёрий қайтганига ишора қилиши жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишга далил бўла олмайди. Айни ҳолда, шахс жиноят содир этишга биринчи уриниши учун жавобгарликка тортилиши керак, унинг жиноят содир этишдан қайтиши ихтиёрий деб топилиши мумкин эмас.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишни ҳосил қилувчи ушбу аломатларни қайд этиш учун жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг баъзи бир шартларини аниқлаш лозим. Булар:

– жиноятни охирига етказиш мумкинлигини англаш;

– жиноий оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаган ҳолда, шундай оқибат келиб чиқишининг олдини олиш.

Шахс **жиноятни охирига етказиш имкони борлигини англаши** шуни ифодалайдики, у жиноятни охирига етказиш учун барча имкониятларга, жиноятни амалга ошириш учун барча қурол ва воситаларга эга бўлади ва буни билади. Аммо, жиноий тажовузни ҳеч қандай ташқи таъсирлар тўхтата олмаслигига қарамай, у ўз жиноий ниятини амалга оширишдан қайтади.

Ушбу шарт тамом бўлмаган жиноят таркибининг объектив томони, яъни ижтимоий хавфли қилмиш билан бевосита боғлиқ. Бу ерда нафақат жиноят содир этишга суиқасд қилиш доирасида жиноят таркибини ташкил этадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик), балки жиноят содир этишга шарт-шароит ва имконият яратадиган ҳаракатлар (ЖК Махсус қисми тегишли модда диспозициясига бевосита киритилмаган ҳаракатлар) тўғрисида ҳам сўз юритилмоқда. Шу сабабли жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишни таснифлашда жиноий тажовузни охирига етказиш мумкинлигини англаш фақат жиноят содир этишга суиқасд қилишда мавжуд бўлиши мумкин деган фикрга келмаслик керак, зеро жиноий ниятни охирига етказиш мумкинлигини англаш жиноятга тайёргарлик кўриш босқичида ҳам бўлиши мумкин.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ихтиёрийлиги ва узил-кесиллигининг иккинчи зарур шарти **шахс жиноий оқибат келиб чиқишини англаган ҳолда, шундай оқибат келиб чиқишининг олдини олишидир.** Мазкур шарт жиноий оқибатларнинг келиб чиқиши жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган моддий таркибли жиноятларда бўлиши мумкин. Бу ерда тафаккурлик белгиси – шахс ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаши ҳам мавжуд.

Мазкур шарт фақат жиноят содир этишга суиқасд қилиш босқичида, шахс жиноятни бошлаб, уни охирига етказишдан қайтишга қарор қилган ҳолда бўлиши мумкин. Айни ҳолда айбдор жиноят содир этишдан қайтибгина қолмасдан, унинг жиноий оқибатининг олдини олишга фаол имконият яратиши ҳам керак.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш фақат ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаш ва унинг келиб чиқиши олдини фаол олиш билан жамулжам ҳолда унинг ихтиёрий ва узил-кесил бўлганидан далолат бериши мумкин.

NOTA BENE !

Шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини ёки бевосита жиноят содир этишга қаратилган ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошланган жиноий фаолиятини давом эттириш ва охирига етказиш объектив имконияти мавжудлигини англаган ҳолда ихтиёрий равишда ва узил-кесил тўхтатса, **жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш** деб баҳоланади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш жиноятнинг юридик тугалланишига қадар ҳам **актив**, ҳам **пассив** кўринишда ифодаланиши мумкин. Жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш босқичида ихтиёрий қайтиш, одатда, пассив ҳаракат орқали амалга оширилади, зотан шахснинг кейинги жиноий фаолиятдан ўзини тийиши унинг қонуний ҳаракатларига ишора қилиши мумкин, бироқ ихтиёрий қайтиш актив ҳаракат билан ҳам амалга оширилиши мумкин (масалан, жиноят қуролини йўқотиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тайёрланаётган жиноят ҳақида ўз вақтида хабар бериш ва ҳ.к.).

Шуни айтиш жоизки, жиноятга суиқасд қилишда жиноятдан ихтиёрий қайтишга ҳар доим ҳам имконият бўлавермайди. Жиноят содир этишга суиқасд қилишда жиноят субъекти томонидан жиноятнинг объектив томони амалда бажарилиши ҳисобга олинса, ушбу босқичда маълум жиноий

оқибатлар келиб чиқиши мумкинлиги масаласи юзага келади. Айни ҳолда нафақат жиноий ҳаракатларни тўхтатиш (чунки бундай ҳаракатлар қисман амалга оширилган бўлиши ҳам мумкин), балки жиноий оқибатлар келиб чиқишининг олдини фаол олиш ҳам жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишдан далолат беради. Бунда жиноят содир этишга суиқасд қилиш турлари муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг пассив шакли кўпинча субъект жиноий қилмишни охирига етказмаган ва ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқиши учун барча зарур ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) амалга оширилмаган тарзда, яъни тамом бўлмаган жиноятларда бўлиши мумкин. Бунда қилмишнинг тугалланмаганлиги, тугалланмаган суиқасдни тавсифловчи ташқи ҳолат билан эмас, балки ички мотивлар билан белгиланиши керак. Мисол учун, субъект аввал жабрланувчини ўлдириш ниятида унинг оёқ-қўлини боғлайди, калтаклайди, лекин кейин ўлдириш ниятидан қайтади. Бундай ҳолларда шахс бевосита одам ўлдиришга қаратилган ҳаракатларни тўхтатади, яъни уларни содир этишдан қайтади (ҳаракатсизлик). Бу ҳолда шахс муайян жиноят таркиби билан қамраб олинадиган, унинг объектив томонини ташкил этадиган ёки зарарли оқибатлар келиб чиқишини таъминлайдиган ҳаракатларни содир этишдан қайтиши кифоя. Масалан, шахс жабрланувчига ўқ узиш учун уни ўқотар қуролдан нишонга олади, лекин ўқ узмайди.

Тамом бўлган суиқасдда ихтиёрий қайтиш бўлиши мумкин эмас, чунки субъект жиноий ҳаракатларни тўхтатиш йўли билан жиноят содир этилишини тўхтата олмайди (у жабрланувчига ўқ узган, уни ўлдириш мақсадида пичоқ урган бўлади ва ҳ.к.). Шу сабабли, жиноятдан кўзланган мақсадга эришиш имконини берадиган кейинги ҳаракатлардан қайтишга бундай ҳолларда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб эмас, балки жиноят содир этишга қайта уринишдан қайтиш деб қаралиши керак.

Тамом бўлган жиноят содир этишга суиқасд қилишда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш имконияти фақат содир этилган ҳаракатлар билан

жиноий оқибатнинг келиб чиқиши ўртасидаги вақтда узилиш мавжуд бўлган ва мазкур шахс ўзининг фаол ҳаракатлари билан зарар етказилишининг олдини олиши мумкин бўлган камдан-кам ҳолларда сақланади. Бошқача қилиб айтганда, шахс мазкур вақт давомида ўз ҳаракатларини назорат қилиши ва ўзининг ҳаракатлари билан келиб чиқиши мумкин бўлган жиноий оқибатлар орасидаги боғлиқлик ривожини бошқариш имкониятига эга бўлади. Масалан, мулкни нобуд қилиш мақсадида унга ўт қўйган шахсда оловни дарҳол ўчириш имконияти бор, соат механизми мавжуд бўлган портловчи қурилмани ўрнатиб қўйган шахс, уни ўчириб, терроризм актининг олдини олишга улгуради.

ЖК 26-моддаси 3-қисми мазмунига кўра, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш жавобгарликни бутун жиноий хулқ-атворга нисбатан истисно қилмайди. «Жиноятни охирига етказишдан ихтиёрий қайтган шахс, агар амалда содир этган қилмишида бошқа жиноят таркибининг барча аломатлари бўлса, ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортилади».

Бундай ҳолларда жиноий жавобгарлик субъект амалда (жиноят содир этишдан қайтган пайтгача) содир этган қилмиши учун келиб чиқади. Шу сабабли, одам ўлдириш учун заҳарли моддани ўғирлаган шахс уни содир этишдан ихтиёрий қайтган бўлса, қасддан одам ўлдириш учун жавобгарликдан озод қилинади, чунки у ҳеч қандай ҳаракат содир этмаган ва уларни содир этишдан қайтган, бироқ у заҳарли моддани қонунга хилоф равишда эгаллагани учун ЖК 251-моддасига биноан жавобгарликка тортилиши лозим.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишни ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, яъни шахсни ўз айбига иқрор бўлиб, келтирилган зарарни бартараф қилиш, тугатиш, қоплаш, жиноятнинг очилишига, унинг бошқа иштирокчилари фош қилинишига, жиноят натижасида эгалланган мол-мулкни излаб топишга ёрдам бериш билан боғлиқ фаол ихтиёрий ҳаракатлардан фарқлай олиш лозим. Ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлишга айбини бўйнига олиш тўғрисида арз

қилиш киради. Ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиш жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолат ҳисобланади, баъзи бир ҳолларда эса, у жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиши ҳам мумкин.

«Тамом бўлмаган жиноятлар» мавзуси юзасидан якуний саволлар

1. Жиноятни содир қилиш босқичлари нима? Жиноят содир қилиш ҳақидаги қасднинг пайдо бўлиши жиноятни содир қилиш босқичларига киради ми?

2. Тамом бўлмаган жиноятнинг қандай турлари мавжуд? Уларнинг жиноят-ҳуқуқий моҳияти нимада?

3. Жиноятга тайёргарлик кўриш деганда нима тушунилади? Жиноятга тайёргарлик кўриш жиноят содир қилишга қасднинг пайдо бўлишидан нима билан фарқланади?

4. Жиноятга суиқасд қилиш нимада ифодаланади? Унинг объектив ва субъектив белгиларини айтинг.

5. Жиноятга суиқасд жиноятга тайёргарлик кўриш босқичи ҳамда тамом бўлган жиноятдан нимаси билан фарқ қилади?

6. Тамом бўлган жиноятни тавсифланг.

7. Суиқасднинг қандай турлари мавжуд? Тамом бўлган суиқасд тамом бўлмаган суиқасддан қандай фарқланади?

8. Шахс жиноятни охирига қадар етказмаганлиги сабаблари жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эгами?

9. Яроғсиз суиқасд деганда нима тушунилади?

10.Жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтиш деганда нима тушунилади? Унинг ҳуқуқий оқибатлари қандай?

11. Ихтиёрий қайтишнинг қандай шакллари мавжуд? Тамом бўлган жиноятдан ҳам ихтиёрий қайтиш мумкинми?

12.Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишни чин кўнгилдан пушаймон бўлишдан қандай фарқлаш мумкин?

Қўшимча адабиётлар

Ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар

Камалова Д.Г. Жиноятга тайёргарлик кўришнинг хусусиятлари ва унинг учун жавобгарликни такомиллаштириш. Монография. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 210 б.

Каюмов А.С. Добровольный отказ от совершения преступления и деятельное раскаяние по уголовному законодательству Республики Узбекистан. – Т.: «Адолат», 2000. – 145 Б.

Козлов А.П. Неоконченное преступление. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2002. – 360 Б.

Козлов А.П. Неоконченное преступление: Учебное пособие. – Красноярск: 1999. – 224 Б.

Козлов А.П. Учение о стадиях преступления. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2002. – 353 Б.

Назаренко Г.В., Ситникова А.И. Неоконченное преступление и его виды. Монография. – М.: 2003. – 131 Б.

Ситникова А.И. Приготовление к преступлению и покушение на преступление: Монография. – М.: «Ось-89», 2006. – 169 Б.

Камалова Д.Г. Жиноятга тайёргарлик кўришнинг хусусиятлари ва унинг учун жавобгарликни такомиллаштириш. Монография. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 210 б.

Илмий мақолалар

Kamalova D.G. Attempt in Criminal Law of the Republic of Uzbekistan // International Journal of Advanced Research, –India, Aprel 2016, Volume 4 (July). –P.1796–1803.

Kamalova D.G. Uncompleted crime: comparative legal analysis of the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan and Ukraine. International Scientific Journal EURO-AMERICAN SCIENTIFIC COOPERATION: research articles / Responsible editors: Tonkyh S., Pryhodko N., Mintz A. – Hamilton, Canada: «Ascent Graphics Communications», –2015. –Volume 11 (December). – P.40–43.

Гринь М., Клюев А. Отказ от повторной попытки совершения деяния не свидетельствует о добровольном отказе от преступления // Ж. Российская юстиция. 2003. № 1. – 57-б.

Камалова Д.Г. Возможно ли покушение путем бездействия? // Российский следователь Научно-практическое и информационное издание. – 2016. – №18. –С.43–47.

Камалова Д.Г. Жиноят содир этиш босқичлари ҳақидаги қонун нормаларининг ривожланиш тарихи // Криминологиянинг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2014 йил 18 январь). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 40–46.

Камалова Д.Г. Жиноят содир этишга суиқасд қилиш учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари // ТДЮИ Ахборотномаси илмий-назарий нашр. – 2012. – №4. – Б.122-123.

Камалова Д.Г. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг объектив ва субъектив белгилари таҳлили // Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ахборотномаси. – 2016. – №3. – Б.57–62.

Камалова Д.Г. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишнинг ҳуқуқий табиати тўғрисида айрим мулоҳазалар // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. Uzbek Law Review. Обзор законодательства Узбекистана. – 2016. – №3. – Б.61–63.

Камалова Д.Г. Жиноят содир этишнинг босқичи сифатида жиноятга суиқасд қилиш // Одил судловнинг коррупцияга қарши курашдаги роли ва аҳамияти. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2-сон). – Т.: ТДЮУ, 2015. – Б.114–120.

Камалова Д.Г. Жиноят ҳуқуқида жиноятга тайёргарлик кўриш // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. Uzbek Law Review. Обзор законодательства Узбекистана.– 2014. – №3-4. – Б.57–60.

Камалова Д.Г. Жиноятга суиқасд қилиш: унинг жиноятга тайёргарлик кўришдан фарқи // Ҳуқуқ ва бурч. Ижтимоий ҳуқуқий журнал. – 2012.– №11(83). – Б.50–54.

Камалова Д.Г. Жиноятга суиқасд қилишнинг ҳуқуқий белгилари // Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш шароитида Жиноят кодексини унификация қилишнинг назарий ва амалий жиҳатлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2015 йил 22 май). – Т.: ТДЮУ, 2015. – Б.74–79.

Камалова Д.Г. Жиноятга тайёргарлик кўришнинг илмий таҳлилига доир айрим мулоҳазалар // Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли

ҳимоясини таъминлаш-қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг муҳим йўналиш: Халқаро илмий амалий конференция материаллари тўплами (2014 йил 10 декабрь). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, – 2015. – Б.367-373.

Камалова Д.Г. Жиноятга тайёргарлик кўришнинг объектив белгилари // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. Uzbek Law Review. Обзор законодательства Узбекистана. – 2015. - №2. – Б. 50-53. (12.00.09; №9).

Камалова Д.Г. Жиноятга тайёргарлик кўришнинг объектив белгилари // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. Uzbek Law Review. Обзор законодательства Узбекистана. – 2015. – №2. – Б.50–53.

Камалова Д.Г. Жиноятга тайёргарлик кўришнинг субъектив белгилари. // Давлат ва ҳуқуқнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮУ, 2015. – Б.76–79.

Камалова Д.Г. Ислом ҳуқуқида жиноят ва жазо // Ҳуқуқ ва бурч. Ижтимоий ҳуқуқий журнал. – 2014. – № 07(103). – Б.53–55.

Камалова Д.Г. К вопросу о сущности и значении годного и негодного покушений на преступление // Российский следователь. Научно-практическое и информационное издание. – 2017. – №1. – С.16–21.

Камалова Д.Г. МДҲга аъзо мамлакатлар жиноят қонунларида тамом бўлмаган жиноятлар учун жавобгарлик масалалари (қиёсий таҳлил) // Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш масалалари: миллий ва хорижий тажриба. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2014 йил 28 октябрь). – Т.: ТДЮУ, 2014. – Б.189–198.

Камалова Д.Г. Некоторые вопросы совершенствования практики назначения наказания за неоконченные преступления // Право и жизнь. Независимый научно-правовой журнал – 2015. – №211(1)-212(2). – М.: Благотворительный Фонд «Центр публичного права». – С.117–129.

Камалова Д.Г. Основания разграничения приготовления к преступлению от покушения на преступления // Социальная функция уголовного права: проблемы обеспечения законотворчества и правосудия. Материалы научно-практической конференции, 12-13 июля 2016 года. / ред.коллегия В.Я.Таций. –Х.: Украина, Право, – 2016. – С. 523–529.

Камалова Д.Г. Субъективные признаки приготовления к преступлению. // Вопросы современной юриспруденции / СБ. ст. по материалам LX междунар. Научно-практической конференции №4(55). Новосибирск: Изд. АНС «СибАК». –2016. – С.87–94.

Камалова Д.Г. Тамом бўлмаган жиноят тушунчаси ва унинг жиноят содир этиш босқичларидан фарқли хусусиятлари // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. Uzbek Law Review. Обзор законодательства Узбекистана.. – 2012. – №2. – Б.47-49.

Камалова Д.Г. Уголовная ответственность за неоконченное преступление в уголовных законах стран СНГ (сравнительно-правовой анализ) // Право и жизнь. Независимый научно-правовой журнал – №215(1)-216(2)/2016. – М.: Благотворительный Фонд «Центр публичного права». – С.63–71.

Камалова Д.Г. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида тамом бўлмаган жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий тавсифи // Коррупция: қонун ва жавобгарлик. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮУ, 2018. – Б.152–154

Камалова Д.Г. Франция ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексларида тамом бўлмаган жиноятлар учун жавобгарликнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили // Жиноят қонунчилигининг либераллаштириши шароитида айрим жиноятларни декриминализация қилиш масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2014 йил 29 март). – Т.: ТДЮУ, 2014. – Б.130–137.

Редин М.П. Наказуемость неоконченного преступления // Ж. Следователь. 2005. № 8. – 12–20-б.

Рустамбаев М.Х., Пайзуллаев К. Особенности добровольного отказа в насильственных преступлениях против личности // Конституция — ҳуқуқий давлат қуришнинг асоси. – Т.: «Адолат», 1996. – 28–32-б.

X БОБ. ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК

1-§. Жиноятда иштирокчилик тушунчаси

Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар ўз ҳуқуқий хусусиятларига эга бўлиб, бу уларни мустақил жиноят-ҳуқуқий институтга ажратиш имконини беради.

NOTA BENE !

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши жиноятда **иштирокчилик** деб топилади **(ЖК 27-моддаси).**

Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларнинг юқори ижтимоий хавфи шу билан шартланадики, бундай ҳолатларда жиноий-ҳуқуқий муҳофаза объектларига сезиларли катта зарар етказилади, жиноий фаолият янада мустаҳкамроқ беркитилади, бу эса ҳуқуқ муҳофазаси идораларининг уни ўз вақтида фош этиш ва олдини олиш бўйича ишини қийинлаштиради.

Мазкур шарт-шароит алоҳида таснифланган жиноятлар таркибларини конструкциялашда кўпинча ҳисобга олинади. Масалан, шахслар гуруҳи томонидан ёки уюшган гуруҳ томонидан ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан унинг манфаатларида содир этилган қасддан қотиллик (ЖК 97-моддаси 2-қисми «п» банди).

Жиноятнинг у ёки бошқа таркибини квалификация қилишда нафақат унинг содир этилишида шахснинг биргаликдаги иштирокига, балки иштирокчиликнинг муайян аломатлари ва турларига ҳам эътибор қаратиш зарур, бу эса адолат, қонунийлик принциплари амалга оширилишининг кафолатидир. Агар иштирокчилар ҳаракатларида ЖК Махсус қисми моддасида тасвирланган у ёки бу жиноятнинг квалификацияловчи аломатлари бўлса (масалан, шахслар гуруҳи, уюшган гуруҳ ва ҳоказолар

томонидан жиноят содир этилиши), у ҳолда содир этилган қилмишни иштирокчиликнинг у ёки бу турини тавсифловчи муайян аломатларидан келиб чиққан ҳолда Махсус қисмнинг тегишли моддаси бўйича квалификация қилиш лозим.

Иштирокчилик тушунчасининг ЖК Умумий қисми институти сифатидаги таъбири етарлича кенгдир. Иштирокчилик жиноий фаолиятнинг махсус шакли сифатида қатор объектив ва субъектив аломатлари билан тавсифланади.

Иштирокчиликнинг объектив белгилари қуйидагиларни ўз ичига олади:

– бир жиноятнинг ўзида икки ва ундан ортиқ шахслар иштироки;

– жиноятда улар иштирокининг биргаликда амалга оширилиши;

– ҳар бир иштирокчи ҳаракатлари билан бажарувчи содир этган жиноят ўртасида сабабий боғлиқлик мавжудлиги.

Иштирокчиликнинг биринчи объектив аломати – **бир жиноятнинг ўзида икки ва кўпроқ шахслар иштирокини** аниқлаш учун иштирокчилардан ҳар бири жиноят субъекти аломатларига эга бўлиши зарур, яъни ақли расо ҳамда тегишли муайян жиноят учун жиноий жавобгарлик ёши бошланишига етган бўлиши даркор.

Иштирокчилар жиноий фаолиятининг биргаликда амалга оширилиши шунда ифодаланадики, жиноят ўзаро боғлиқ ва ўзаро шартланилган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) билан амалга оширилади, бир неча шахсларнинг қилмишлари барча учун умумий жиноий натижага эришишга йўналтирилган.

Жиноят содир этишда икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг биргаликдаги иштироки битта иштирокчи фаолиятини бошқасининг фаолияти тўлдирган пайтда ҳам мавжуд, зеро бу улар учун умумий ижтимоий хавфли оқибатга эришиш имконини беради. Агар шундай биргаликдаги фаолият фақат ташқи характерга эга бўлиб, ички, англанган боғлиқлик бўлмаса, у ҳолда ягона жиноятдаги иштирокчилик ҳақида сўз юритиш мумкин эмас. Мазкур

ҳолларда айбдорлар, уларнинг жиноий фаолияти объектив равишда умумий, ягона натижага сабаб бўлганлигига қарамай, мустақил жиноий жавобгарликка тортилиши лозим.

Иштирокчиликнинг ҳар бири жиноят содир этилишига ўзининг маълум ҳиссасини қўшади. Улардан бирлари барча иштирокчиларни ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш бўйича ҳаракатларни бажаради, бошқалари фақат жиноят содир этилиши шароитларини яратади, учинчилари уни амалга оширади, тўртинчилари эса жиноят излари беркитилишини таъминлашади, унинг очилишига тўсқинлик қилишади. Шу тариқа айбдорларнинг биргаликдаги фаолияти, бир томондан ҳар бир иштирокчи ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ўртасидаги мақсад бирлиги ва сабабий боғлиқликда, бошқа томондан – умумий жиноий натижада, шунингдек, бошқа иштирокчилар томонидан ҳаракатлар амалга оширилиши учун шароитлар яратишда ифодаланади. Қилмиш, жиноий натижа ва ҳар бир иштирокчи қилмишининг сабабий боғлиқлиги биргаликнинг объектив тавсифини ташкил этади.

Ҳар бир иштирокчи ҳаракатлари билан бажарувчи содир этган жиноят ўртасидаги сабабий боғлиқлик шундай шарт-шароитни қарор топтиришда намоён бўладики, бунда объектив воқеликда вужудга келган зарарли оқибатлар барча иштирокчиларнинг биргаликдаги жиноий фаолияти туфайли юзага келади. Масалан, қотиллик бир неча бажарувчиларининг ҳаракатлари уйғунликда жиноий натижа – жабрланувчи ўлими сабабини ташкил этади.

Айбдорлар ўртасида роллар тақсимоти белгиланган «мураккаб» иштирокчиликда сабабий боғлиқлик қўшимча хусусиятлар билан тавсифланади. Бу ўринда жиноий натижа бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчи фаолиятининг оқибати бўлади. Бунда жиноятнинг муайян турини ташкил этувчи ҳаракатлар бевосита фақат бажарувчи томонидан амалга оширилса ҳам, бошқа иштирокчилар жиноятни содир этиш учун шароитлар яратган ҳолда ўз фаолияти билан умумий жиноий натижага ёрдам беришади.

Хусусан, бажарувчининг жиноятни амалга ошириш ҳаракатлари бошлангунга қадар ёки унинг жиноятни амалга ошириши мобайнида далолатчилик ва ёрдам бериш шаклидаги иштирокчилик бўлиши мумкин. Жиноятни ташкиллаштириш унинг амалга оширилиши мобайнида кўпроқ бажарувчи фаолиятини бошлагунга қадар, камроқ эса жиноят содир этилишига раҳбарлик сифатида намоён бўлади. Жиноий натижа юзага келгандан кейин ҳар қандай фаолият, агар у махсус тилга олинмаган бўлса, иштирокчилик деб тан олиниши мумкин эмас. Хусусан, олдиндан ваъда қилинмаган яшириш, жиноят ҳақида маълум қилмаслик, унга йўл қўйиш (булар жиноятга дахлдорлик турларини ташкил этади) иштирокчилик сифатида кўрилиши мумкин эмас, зеро улар зарарли оқибатлар юзага келиши сабаби жиҳатдан шарт-шароит яратмайди.

Шуни ҳисобга олиш зарурки, реал воқеликда жиноят бир неча шахслар интилишларини қўшиш йўли билан ёки уларнинг ҳар бир мустақил интилган натижа юзага келганда ёхуд бир шахс қилмиши бошқасининг қилмишига имкон берганда ёки улардан ҳар бирининг қилмиши натижа билан сабабий боғлиқликда турганда содир этилиши мумкин, шу билан бирга, бу ҳолатларни иштирокчилик деб бўлмайди.

Бундай вазиятларда иштирокчилик мавжуд эмаслиги шу билан изоҳланадики, бир неча шахсларнинг ҳаракатлари пароканда, чунки уларнинг ҳар бири бошқасидан ажралган ҳолда ҳаракат қилади. Бунда, гарчи жиноий оқибат уларнинг қўшилган ҳаракатлари натижаси бўлиб, бинобарин уларнинг ҳаракатлари улар учун умумий жиноий оқибат сабаби бўлганда ҳам, иштирокчилик мавжуд бўлмайди. Мисол учун, фуқаро А. томонидан фуқаро Б.ни ўқотар қуролдан отиб ярадор қилиши, фуқаро В.ни ўқотар ярани боғлашда инфекция туширгани боис фуқаро Б.нинг ўлими юз берганида, бу вазиятни бунга шароит яратган фуқаро А. билан биргаликдаги жиноий фаолият сифатида кўриш мумкин эмас.

Ҳар қандай иштирокчининг ижтимоий хавфли қилмишлари амалга оширилган жиноят доирасида жиноий оқибат вужудга келишининг зарурий шарти бўлиши керак.

Иштирокчиларнинг ҳаракатлари биргаликда бўлганлиги ҳақидаги масала нафақат объектив ҳолатлар асосида, балки кўп жиҳатдан субъектив аломатларга ҳам боғлиқ.

Иштирокчиликнинг **субъектив белгилари** қаторига қуйидагилар киради:

– ҳар бир иштирокчининг ҳамма учун умумий натижага эришишга интилиши;

– жиноятни биргаликда амалга ошириш ҳақидаги ўзаро хабардорлик ва иштирокчилар ҳаракатларининг мувофиқлашганлиги.

Жиноят содир этишда бир неча шахсларнинг биргаликдаги ҳаракати соф объектив ҳолат, яъни уларнинг умумий ҳаракати билан натижага эришишдан ташқари, субъектив ҳолатини — бошқа шахсларнинг фаолияти қўшилганлиги ҳақида билиш ва уларнинг ҳаракатини бирлаштириш йўли билан муайян натижага эришишга интилишни ҳам назарда тутади.

Иштирокчилар ўртасида жиноятни содир этишга олдиндан келишув мавжуд бўлганда, биргаликни белгилаш қийинчилик туғдирмайди. Биргаликнинг субъектив ҳолатларини аниқлаш жиноятга иштирокчилар ўртасида олдиндан келишув мавжуд бўлмаганда мураккаблашади.

Шахс хатти-ҳаракатида икки ҳолат: **умумий ҳаракатлар билан муайян натижага эришишга интилиш** ҳамда ўзлари учун умумий натижага интилаётган бошқа шахсларнинг фаолиятини ҳисобга олиш, бошқача айтганда, **ҳар бир иштирокчи томонидан бошқа иштирокчилар жиноий фаолиятини англаш** мавжудлиги биргаликни аниқлаш мезонидир.

Барча иштирокчилар учун муайян умумий натижага эришишга интилиш – иштирокчиликнинг зарурий қисмидир, айнан шу ҳолат биргаликда содир этилаётган жиноятга нисбатан ҳар бир иштирокчи ниятининг йўналтирилганлигини тавсифлайди. Бир неча шахслар ҳаракатини

бирлаштириш ягона жиноий натижага эришишни енгиллаштириш зарурияти боис юзага келган бўлади.

Биргаликда жиноят содир этиш ҳақида ўзаро хабардорлик иштирокчилардан ҳар бири бошқалар билан биргаликда битта жиноят содир этишда қатнашаётганини англашини назарда тутади.

Иштирокчиларнинг ўзаро хабардорлиги мувофиқлашганлиги шу билан тавсифланадики, жиноятга иштирокчиларнинг ҳар бири, биринчидан, жиноятни биргаликда содир этилиши фактини, иккинчидан, ҳар қандай эмас, муайян жиноят содир этилишини, учинчидан, нафақат ўз қилмишининг, балки бошқа иштирокчилар (камида биттасини) қилмишларининг ижтимоий хавфли мазмунини англайди. Масалан, рақобатчини дискредитация қилишда (ЖК 192-моддаси) олдиндан ёлғон, ноаниқ ёки қинғир ахборот бир шахс томонидан тайёрланган, амалда эса бошқа шахс томонидан ошкор этишга (телевидение орқали, газетада чоп этиш ва ҳоказо) берилган бўлиши мумкин, бунда, агар бажарувчи ўзи бераётган информация ёлғонлигини англаган бўлса, мазкур жиноятни содир этишда иштирокчилик сифатида квалификация қилиш мумкин.

Жиноятнинг биргаликда содир этилишини англаш иштирокчи ўзининг маълум жиноят содир этишга йўналтирилган ҳаракатига камида битта бошқа иштирокчининг ҳаракати ҳам қўшилгани ҳақида хабардорлигини билдиради. Бажарувчи бошқа шахслар билан биргаликда жиноят содир этаётганлигини англамаган ҳамда мазкур шахслар унинг жиноий ниятларини билмаган ҳолларда, иштирокчилик истисно қилинади.

Ҳар бир иштирокчи томонидан ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини ва жиноят таркиби аломатлари билан қамраб олинган бошқа иштирокчилар ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англаш, биргаликдаги жиноий фаолиятнинг ижтимоий хавфли оқибатлари юзага келишини олдиндан кўра билишни ҳам назарда тутади.

Жиноят иштирокчилари ҳаракатларининг ўзаро мувофиқлиги шахсларнинг жиноят содир этишда ниятлар ва хоҳиш-истаклари ўзаро

ифодаланганлигида намоён бўлади. Мувофиқлик жиноятни биргаликда содир этишнинг субъектив ифодасини, иштирокчилар ўртасидаги бирдамликни субъектив томондан тавсифлайдиган зарурий руҳий-психологик алоқани акс эттиради.

ЖК 27-моддасида белгиланувчи иштирокчилик тушунчасида жиноятда барча иштирокчилар ҳаракатлари қасддан қилинганлик мазмунига кўрсатма мавжуд бўлиб, бу эҳтиётсизлик туфайли содир қилинган жиноятда иштирокчилик мумкинлигини истисно этади.

Иштирокчилар қасдининг интеллектуал ҳолати ўз қилмишлари ижтимоий хавфлилиги ва бажарувчи қилмишининг ижтимоий хавфлилигини олдиндан англашни қамраб олади. Жиноят иштирокчиларининг онгида бажарувчи қилмишларининг тахминий ижтимоий хавфли оқибатлари, бажарувчи қилмиши билан жиноий оқибати ўртасидаги сабабий боғлиқлик ривожи ҳам умумий чизгилар орқали қамраб олинади.

Иштирокчилар қасдининг интеллектуал ҳолати нафақат бажарувчи қилмишининг объектив томонига тааллуқли, балки жиноят объекти ва субъекти – жиноят бажарувчисига мансуб ҳолатларни ҳам англаш билан тавсифланади.

Икки ва ундан кўпроқ шахснинг битта жиноят содир этишдаги фаолияти биргаликдаги жиноятга барча иштирокчиларнинг ягона, умумий, ҳар бир иштирокчи онги билан қамраб олинган жиноят объектига тажовузи билан шартланади.

Жиноят иштирокчилари ЖК Махсус қисмида баён этилган, жиноят субъектини (бажарувчини) тавсифловчи зарурий аломатларни англашлари лозим (масалан, мансабдор шахс, ҳарбий хизматчи ва ҳоказо). Зеро, жиноий қасд билан ҳаракат қилаётган шахс, жиноятни содир этишда, ЖК да мавжуд қоидаларга кўра, жиноий жавобгарликка тортилмайдиган бошқа шахслардан (руҳий касаллардан ёки жиноий жавобгарлик ёшига етмаган шахслардан) жиноятни бевосита бажарувчилари сифатида фойдаланиб, билвосита зарар етказган ҳолат, иштирокчиликни ташкил этмайди.

Иштирокчиликда қасднинг иродавий ҳолати, мазмуни ягона жиноий натижа юзага келишини исташ ёки шунга онгли равишда йўл қўйиш билан тавсифланади.

Иштирокчиларнинг мотивлари ва мақсадлари ўзаро тўғри келиши мумкин, бироқ улар одатда жиноят квалификациясига таъсир кўрсатмайди. Суд-тергов амалиёти бунда фақат мукофот эвазига содир этилган ғаразли қотиллик иштирокчилари учун истисно қилади. Қотилликнинг мукофот таклиф этган ташкилотчиси (далолатчиси) ҳаракатлари, у иш юритган мотивлардан келиб чиққан ҳолда ЖК 28-моддаси ва 97-моддасининг тегишли қисми билан квалификацияланиши лозим.

Жиноят иштирокчилари ўртасида ғаразли мақсадларда қасддан одам ўлдириш ҳақида олдиндан келишув мавжуд бўлмаган тақдирда бажарувчининг ҳаракатлари ЖК 97-моддаси 2-қисмининг «и» банди бўйича квалификацияланади, жиноятнинг бошқа иштирокчилари ҳаракатлари эса ЖК 97-моддасининг тегишли қисми бўйича, мазкур модданинг иккинчи қисми «и» бандини истисно этган ҳолда квалификация қилинади[1].

2-§. Жиноят иштирокчиларининг турлари

ЖК 28-моддаси 1-қисмига мувофиқ, бажарувчилар билан бир қаторда ташкилотчилар, далолатчилар ва ёрдамчилар ҳам жиноят иштирокчилари деб тан олинади.

Жиноят иштирокчиларини алоҳида турларга бўлиш асосига, улардан ҳар бирининг биргаликда амалга оширилган қилмишдаги функционал роли қўйилган. **ЖК 28-моддаси**айтиб ўтилган иштирокчилар турлари ўртасидаги фарқни ҳар бир иштирокчининг жиноят таркиби объектив томонини бажаришдаги ҳаракатларини тавсифлаш бўйича белгилайди. Бинобарин, иштирокчилик турини белгиловчи асосий мезонлардан бири, ҳар бир

[1] См.: Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 24 сентября 2004 г. № 13 «О судебной практике по делам об умышленном убийстве» // Сборник, Т. 2. – С. 464.

иштирокчининг жиноят содир этишдаги иштироки характери ва даражасидир.

Жиноят содир этишда шахс **иштирокининг характери** ҳар бир иштирокчининг функционал ролини белгилайди.

Унинг жиноятдаги **иштироки даражаси** эса, шахснинг ўз ролини бажариш бўйича ҳаракатлари жадаллиги ҳақида, унинг ҳамжиҳатликда содир этилувчи жиноятга ҳиссаси ҳақида тасаввур беради. Масалан, одам ўлдиришда ёрдамчилик шахс жиноят қурбонини қачон ва қаерда пойлаш қулайроқлиги хусусида маслаҳат берганда ёхуд бажарувчининг илтимосига кўра унга қотиллик қуролини топиб беришда, бажарувчига жиноят жойидан тезда ғойиб бўлиши учун транспорт воситасини топиб беришда ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам ёрдамчининг функционал роли (яъни, иштироки характери) бир хил, аммо иштирок даражаси турличадир. Бундан ташқари, айнан ҳаракатлар тавсифи иштирокчиларни турларга ажратиш имконини берувчи аломатлардир. Иштирокчилар ҳаракатларининг характери қонун чиқарувчи томонидан «ташкил этди», «раҳбарлик қилди», «оғдирди», «ёрдамлашди» каби ифодаларда тавсифланади. Шу тариқа фақат жиноятдаги иштирокида, яъни ягона жиноятнинг ташқи томонини бажаришда ҳар бир иштирокчи, бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ўртасидаги тафовутни топиш, демак улар айбланаётган муайян жиноятлар таркибларини топиш ҳам мумкин.

Иштирокчиликда содир этилувчи жиноятда **бажарувчи** марказий сиймо ҳисобланади. Бажарувчи ўзининг қаторида бошқа функционал ролни бажарувчи шахслар – ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи ҳаракат қилган ҳоллардагина мавжуддир.

NOTA BENE !

Жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа

воситалардан фойдаланиб жиноят содир этган шахс **бажарувчи** ҳисобланади **(ЖК 28-моддаси 2-қисми).**

Бажарувчи йўқлиги жиноятда иштирокчиликни истисно этади. Унинг хатти-ҳаракати жиноятнинг бошқа иштирокчилари қилмишини юридик баҳолашга ҳам таъсир кўрсатади. Муайян жиноят субъектини тавсифловчи аломатларга эга шахсгина бажарувчи деб тан олиниши мумкин, акс ҳолда унинг қилмишида жиноий жавобгарликка жалб этишнинг зарурий шарти мавжуд бўлмаганлиги боис, жиноят таркиби бўлмайди. Бу нафақат барча субъектларга хос умумий белгиларга (муайян ёшга етиш, ақли расолик), балки махсус субъектни тавсифловчи аломатларга ҳам дахлдордир. Агар ЖКнинг Махсус қисми моддаси, махсус субъект мавжудлигини талаб этиб, жиноий жавобгарликка тортилаётган шахс ушбу махсус субъект аломатларига эга бўлмаса (масалан, мансабдор шахс, ҳарбий хизматчи, терговчи, судья ва ҳоказо бўлмаса), у ҳолда шахс мазкур жиноят таркибининг объектив томонига кирувчи муайян ҳаракатларни амалга оширганда ҳам, жиноятнинг бажарувчиси деб тан олиниши мумкин эмас.

ЖК 28-моддаси 2-қисми ҳолатларидан келиб чиқиб, бажарувчиликнинг бир неча муҳим белгиларини ажратиш мумкин:

– жиноий қасдни, яъни жиноятни тўлиқ ёки қисман бажариш;

– жиноятни бевосита содир этиш;

– жиноятни қонун кучига кўра жавобгарликка тортилмайдиган бошқа шахслардан ёки ўзга воситалардан фойдаланиш орқали содир этиш (жиноятни билвосита содир этиш).

Жиноятни тўлиқ содир этиш – бу ЖК Махсус қисми моддаси диспозициясидаги таърифига мувофиқ қилмишни тўлиқ ҳажмда бажаришдир. Мазкур ҳолатда жиноятда жиноят таркибининг объектив томони тўлиқ бажарилади.

Жиноий қасдни қисман бажариш жиноятнинг объектив томонини ташкил этиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолда тугалланмай қолган ёки модда

диспозициясида (жиноятларнинг моддий таркибларида) кўзда тутилган жиноий оқибатни юзага келтирмаган қилмишни содир этишда ифодаланади.

Жиноятни бевосита содир этиш шуни билдирадики, шахс муайян жиноят таркибининг объектив белгиларини қамраб оладиган қилмишни амалда содир этади. Бунда бажарувчи якка тартибда ҳамда бошқа шахслар (биргаликда бажарувчилар) билан бирга ҳаракат қилиши мумкин. Кейинги ҳолатда биргаликда бажарувчилар ўртасида роллар тақсимланган бўлиб, уларнинг ҳар бири жиноий қилмишнинг объектив томонини қисман бажаради. Масалан, босқинчилик ҳужумини содир этишда бир бажарувчи жабрланувчи ҳаёт ёки соғлиғи учун хавфли зўрликни қўллайди ёки шундай зўрликни қўллаш билан таҳдид қилади, бошқаси эса жабрланувчининг мол-мулкини эгаллайди, бунда икки субъект ҳам жабрланувчи мол-мулкини талон-торож қилиш мақсадида ҳаракат қилишади.

Биргаликда бажарувчилик тушунчаси жиноий қонунчиликда мавжуд эмас. Бироқ жиноятда шундай иштирокчилик мавжудлиги Олий суд Пленуми тушунтиришларида иштирокчилик шакли[1] ҳамда иштирокчилик тури[2] сифатида назарда тутилади.

Жиноятни билвосита содир этиш шундан иборатки, бажарувчи жиноятни содир этиш учун бошқа шахснинг жисмоний ҳаракатларидан фойдаланади.

Тергов ва суд жиноятнинг объектив томони ақли норасолиги ёки тегишли ёшга етмаганлиги сабаби бўйича жиноий жавобгар бўлмайдиган шахслар томонидан бевосита амалга ошириладиган ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Масалан, агар жиноят муайян қилмиши учун жиноий жавобгарлик ёшига етмаган шахс томонидан содир этилса, уни жиноят содир этишга оғдирган шахс мазкур жиноят бажарувчиси

[1] «Действия лиц, совершивших угон транспортных средств в составе организованной группы, независимо от роли каждого участника, должно рассматриваться как **соисполнительство**» (см.: Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 20 декабря 1996 г. № 37 «О судебной практике об угоне транспортных средств» // Сборник. Т. I. – С. 321).

[2] См.: Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 3 февраля 2006 г. № 1 «О практике назначения судами уголовного наказания» // Сборник. Т. 2. – С. 493.

ҳисобланади, унинг вояга етмаганга нисбатан ҳаракатлари эса қўшимча тарзда ЖК 127-моддаси 3-қисми бўйича вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб қилиш сифатида квалификация қилиниши шарт.

«Вояга етмаганларнинг катта ёшдагилар иштирокида содир этган жиноятлари ҳақидаги иш кўриб чиқилаётганда катта ёшдаги шахс ва ўсмир ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятини синчиклаб аниқлаш лозим, чунки ана шу маълумотлар катта кишининг вояга етмаган шахсни жиноят ёки ғайриижтимоий ҳаракат содир этишга жалб қилишдаги ролини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Судларга 18 ёшга тўлган ва жиноятни қасддан содир этган шахсларгина вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эканлиги тушунтирилсин. Шунингдек, катта ёшдаги киши ўз ҳаракатлари билан вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилаётганини билгани ҳолда ёки шундай фикрга йўл қўйганини ҳам аниқлаш лозим. Агарда катта ёшдаги киши шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилса-ю, унинг вояга етмаганлигини билмаса ёки билиши мумкин бўлмаса, бу ҳолда ЖКнинг 127-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас»[1].

Мазкур ҳолатда, ақли норасо шахс томонидан бошқа шахс кўрсатмалари асосида жиноят содир этилгани каби, кўрсатма берган шахс ҳаракатлари бажарувчилик сифатида, амалда жиноятни содир этган шахс ҳаракатлари эса, жиноят қуроли сифатида тавсифланиши шарт.

Охирги зарурат ҳолатида турган бошқа шахсларни мажбур қилган ҳолда ўз жиноий мақсадига эришган шахсларни ҳам жиноятнинг билвосита бажарувчилари сифатида тан олиш лозим. Бошқача сўзлар билан айтганда, баён этилган вазиятда бевосита «бажарувчи»га нисбатан уни ўз иродасига

[1] См.: Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 15 сентября 2000 г. № 21 «О судебной практике по делам о преступлениях несовершеннолетних» (с изменениями и дополнениями, внесенными постановлением Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 14 июня 2002 г. № 10 и 3 февраля 2006 г. № 5) // Сборник, Т.2. – С. 301.

қарши ҳаракат қилишга мажбурлаш мақсадида руҳий ёки жисмоний мажбур қилишдан фойдаланилади. Масалан, дўкон кассири тўппонча қаратилгани боис пулларни кассадан олади ва уларни жиноятчига беради.

Ниҳоят, билвосита жиноят содир этилиши айбсиз ҳолда ҳаракат қиладиган бевосита «бажарувчи»да жиноят таркибининг асосий объектив аломатларига нисбатан хато мавжуд бўлган ҳамда билвосита бажарувчи шундай хатони юзага келтирган ёки атайин фойдаланган ҳолларда ҳам учрайди. Мисол учун, контрабанда жиноятчи самолётда ҳеч нимадан шубҳаланмаётган йўловчидан бошқа шаҳардаги танишига «жўнатма»ни етказишни илтимос қилади. Ёки, фирибгар машина ўғриси ўз автомобили калитини йўқотганлиги баҳонасида тасодифий ўткинчидан транспорт воситасини ҳаракатлантиришга ёрдам беришини сўрайди.

ЖК 28-моддаси 2-қисмида жиноятни содир этишда бажарувчи томонидан «ўзга воситалар»дан фойдаланиш ҳақида ҳам сўз юритилади. Мазкур ҳолатда гап, жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш мумкин бўлган, юқори хавфлилик манбаи ҳақида боради. Фуқаролик ҳуқуқида юқори хавфлилик манбаи томонидан етказилган зарар учун унинг эгаси жавобгар ҳисобланади. Жиноят қонунчилигида мазкур принципдан фойдаланиш мумкин эмас, чунки жавобгарлик жиноятни содир этган шахс зиммасида ҳисобланади. Шу муносабат билан автомобиль эгаси эмас, автомобилни бевосита бошқариб, бевосита ўзга шахсни уриб юборган шахс жавобгар бўлади. Юқори хавфлилик манбаларидан жиноят содир этиш воситалари (ёки қуроллари) сифатида фойдаланиш ҳолатлари ҳам айнан шундай квалификацияланиши шарт.

Бажарувчи содир этган жиноятининг субъектив томони **тўғри** ёки **эгри қасд** билан характерланади. Бажарувчи бошқа иштирокчилар билан биргаликда ўзи содир этаётган ҳаракатларининг ижтимоий хавфли характерини англайди, улар учун умумий, ягона оқибат юзага келиши мумкинлиги ёки муқаррарлигини олдиндан кўра билади ва шу оқибатининг юзага келишини истайди ёки онгли равишда шунга йўл қўяди.

Жиноят ташкилотчиси – жиноят иштирокчилари ичида энг хавфли кишидир. У, одатда, жиноят ташаббускори бўлади, муайян жиноятни содир этиш «ғоя»си унга тегишли бўлади, шундан сўнг у амалга оширган барча нарса (иштирокчиларни излаб топиш ва бирлаштириш, жиноят содир этиш режасини ишлаб чиқиш ва иштирокчилар ҳаракатини унинг ижросига йўналтириш, заруриятга кўра иштирокчилар ҳаракатларини мувофиқлаштириш ҳамда тўғрилаш ва ҳ.к.) жиноий қасдни бажаришга йўналтирилган бўлади.

Шу ўринда ёдда тутиш лозимки, жиноятни содир этишда ташаббус фақат ташкилотчига тегишли бўлмаслиги ҳам мумкин. Ғайриижтимоий кайфиятдаги шахслар гуруҳи мавжуд муайян шароитларда, жиноят бажарувчиларидан бири ҳам ташаббускор бўлиб, унинг роли жиноятни содир этиш ҳақида фикр билдиришда ифодаланади. Суд амалиётида шундай «ташаббус» намоён бўлишига, масалан, бир гуруҳ шахслар томонидан безорилик, номусга тегиш ва ҳоказо жиноятларда дуч келиш мумкин.

Жиноят ташаббускори далолатчи бўлиши ҳам мумкин. Унинг роли жиноят бажарувчисида ёки бошқа иштирокчиларда жиноят содир этишга қасд туғдиришда мужассамлашади. Далолатчи ундан нарига бормайди. Агар у иштирокчиларни бирлаштириш, уларга жиноят содир этиш режасини тайёрлаш учун ҳаракатлар қилса, иштирокчилар фаолиятига раҳбарлик қилса, у ташкилотчига айланади.

NOTA BENE !

Жиноятнинг тайёрланишига ёки содир этилишига раҳбарлик қилган шахс **ташкилотчи** деб тан олинади **(ЖК 28-моддаси 3-қисми).**

ЖК 28-моддаси 3-қисмидаги қоидалардан келиб чиққан ҳолда ташкилотчилик фаолиятининг икки турини ажратиш мумкин:

– жиноятга тайёргарлик кўришга раҳбарлик қилиш;

– жиноятни содир этишга раҳбарлик қилиш.

Уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшмани ташкил қилиш ёхуд унга раҳбарлик қилишни ҳам ташкилотчилик фаолиятининг тури деб тан олиш лозим. Мазкур ҳолатда ташкилотчи жавобгарлиги ЖК Махсус қисми (242-модда) нормалари билан белгиланади ва бинобарин, алоҳида турдаги жиноятни ташкил этади. Ташкилотчи роллар тақсимоти билан иштирокчилик доирасида ҳаракат қилган бўлса, унинг жавобгарлиги ЖК Умумий қисмида кўзда тутилган асослар бўйича юзага келади.

Жиноятга тайёргарлик кўришга раҳбарлик қилиш жиноий фаолиятга тайёргарликда, айнан: жиноятни ташкиллаштиришда, иштирокчиларни ёллашда, уларни жиноят содир этиш қуроллари ва воситалари билан таъминлашда, жиноий режаларини ишлаб чиқишда, иштирокчилар ўртасида ролларни тақсимлашда ва ҳоказоларда ифодаланади.

Мазкур босқич олдиндан келишув билан қамраб олинади, чунки бунингсиз жиноят содир этишнинг тайёргарлик босқичига раҳбарлик қилиш мумкин эмас. Бироқ бу иштирокдаги жиноят ташкилотчиси амалда уюшган гуруҳ ташкилотчиси ва раҳбарига айланишини билдирмайди. Уюшган гуруҳ учун жиноий фаолиятни амалга оширишда барқарорлик ва яққол ифодаланган жиноий йўналтирилганлик хосдир. Мазкур ҳолатда олдиндан келишган бир гуруҳ шахслар томонидан жиноят содир этиш кўринишидаги иштирокчилик шакли мавжуд (Масалан, ЖК 135-моддаси 2-қисми «е» банди, 137-моддаси 1-қисми «в» банди, 164-моддаси 2-қисми «б» банди).

Жиноятни ташкил қилишнинг иккинчи шакли шундан иборатки, ташкилотчи жиноят ташаббускори бўлмагани ҳолда жиноий қасд амалга оширилишини таъминлаб, иштирокчилар жиноий фаолиятига раҳбарликни амалга оширади.

Жиноятни содир этишга раҳбарлик қилиш бевосита жиноят содир этилиш вақтида иштирокчилар фаолиятини мувофиқлаштириб, тартибга солишни ўзида ифода этади. Одатда, раҳбарлик жиноят содир этиш жойида амалга оширилади ва бажарувчи (бажарувчилар) ҳаракатини бошқаришдан иборат бўлади. Бироқ тажовуз жойида турмасдан, зарур кўрсатмаларни

бажарувчига коммуникация воситалари ёрдамида (телефон, рация ва бошқ.) берган шахс ҳам жиноят содир этилишига раҳбарлик қилиши мумкин.

Иштирокчиликда муайян жиноятни содир этишда ташкилотчи жиноят таркибининг амалда бажарилишида қатнашгани ёки қатнашмаганлигидан ёхуд фақат жиноятни бевосита бажарувчилари жиноий фаолиятининг муваффақиятига сабаб бўлган ҳаракатларни содир этишидан қатъи назар, жиноий фаолият раҳнамоси, раҳбари сифатида жиноятни бевосита содир этишга раҳбарлик қилади.

Жиноят ташкилотчиси доимо **тўғри қасд** билан ҳаракат қилади. У иштирокчилар бажариши шарт бўлган ҳаракатлар мазмунини англайди, ўз фаолияти натижасида жиноят содир этилиши мумкинлигини олдиндан кўра билади ва шуни истайди ҳам. Жиноят ташкилотчиси ўз қилмиши ва бошқа иштирокчилар қилмишлари ижтимоий хавфли характерини англайди, баъзи ҳолатларда гуруҳ таркиби ҳақида маълумотга эга (жиноят содир этишга тайёргарлик қилишга раҳбарлик ҳолатида), бутун гуруҳ фаолиятининг натижасида ижтимоий хавфли оқибатлар юзага келиши мумкинлиги ёки муқаррарлигини олдиндан кўра билади ҳамда ушбу оқибатлар юзага келишини истайди ҳам.

Агар ташкилотчи жиноятнинг тайёрланишига ёки содир этилишига раҳбарлик қилган бўлса-да, бироқ жиноят таркибининг объектив томони бажарилишида бевосита иштирок этмаса, унинг ҳаракатлари **ЖК 28-моддаси 3-қисми** ва ЖК Махсус қисмининг жиноят бажарувчиси учун жавобгарликни кўзда тутадиган тегишли модда бўйича таснифланади.

NOTA BENE !

Жиноят содир этишга қизиқтирган, яъни қасддан бошқа шахсда қонун билан тақиқланган муайян ижтимоий хавфли қилмиш содир этишга қатъият уйғотган шахс **далолатчи** деб топилади **(ЖК 28-моддаси 4-қисми).**

Далолатчилик – бу муайян шахс ёки бир гуруҳ шахсларни муайян аниқ бир жиноят содир этишга қизиқтиришдир. Умуман, жиноий фаолиятга ёки ноаниқ шахслар доирасига қарата қилинган даъват далолатчилик ҳисобланмайди. Далолатчилик объект бўйича ҳам, субъект бўйича ҳам аниқлаштирилган бўлиши шарт.

Жиноят содир этишга даъват этса-да, жиноят айнан қайси объектга қарши қаратилишини кўрсатмайдиган шахс далолатчи деб топилиши мумкин эмас.

Умуман олганда жиноят содир этишга умумий ёки ноаниқ шахслар гуруҳини далолат қилиш далолатчилик ҳисобланмайди. Бундай ҳаракатлар муайян ҳолларда алоҳида жиноят таркибини ташкил қилиши мумкин. Масалан, давлат тузумини Конституцияга хилоф равишда ўзгартиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш жинояти (ЖК 159-моддаси), қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этиш (ЖК 244^1-моддаси).

Далолатчининг қонуний таърифида унда амалга ошириладиган восита ва шакллар акс этмаган. Далолатчилик восита ва шаклларининг тўла рўйхатини мустаҳкамлаб қўйиш мумкин эмас, шунинг учун у турли хил ҳаракатларда ифодаланиши мумкин. Бу ерда далолатчи қандай восита ва шаклларни ишга солгани эмас, балки бу воситалар қанчалик самара бергани муҳимдир. Шунинг учун алоҳида ҳоллардагина далолатчи томонидан ишлатилган у ёки бу восита ва шаклларнинг самарадорлиги ҳақида сўз юритиш мумкин.

Далолатчилик оғдириб олиш, илтимос қилиш, ишонтириш, ундириш, буйруқ бериш, зўрлик ишлатиш, алдаш ва бошқа йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Далолатчиликнинг бу ташқи ифодаланиш шакллари ёзма ёки оғзаки фаолиятда, конклюдент ёки бошқа ҳаракатларда (имо-ишора ва бошқ.) юзага чиқиши мумкин.

Мажбурлаш жисмоний ёки руҳий бўлиши мумкин. Руҳий мажбурлаш кўпинча далолатчи томонидан қўрқитиш орқали содир этилади. Далолатчи, масалан шахсни дўппослаш воситасида уни жиноят содир этишга

мажбурлаши, айнан шу мақсадга далолатчи калтаклаш ёки унга бошқа зарар етказиш таҳдиди воситасида эришиши ҳам мумкин. Ушбу маънода таҳдид руҳий мажбурлаш воситаси сифатида намоён бўлади.

Буйруқ бериш далолатчилик воситаси сифатида фақатгина далолатчига хизмат бўйича бўйсунадиган шахсларга нисбатан ишлатилиши мумкин.

Жиноий буйруқни қонуний ижро этиш натижасида бевосита содир этган хизмат бўйича бўйсунувдаги шахс ўзининг содир этган қилмиши учун жавобгарликка тортилмайди. Бу ҳолларда ноқонуний буйруқ берган ёки мажбурлаган шахс, агар (ҳарбий хизматчилар, мансабдор шахслар учун) мажбурий бўлса, бевосита зарар етказувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилади.

Ишонтириш далолатчи томонидан жиноят содир этиш мотиви бўлиб келадиган ҳолатларни бажарувчи ёки ёрдамчига хабар қилишдан иборат. Далолатчилик воситаси сифатида ишонтиришнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ташқи томондан далолатчининг жиноятда ўз манфаатлари бўлмайди. Бажарувчининг иродасига таъсир этиб, далолатчи у ёки бу қилмишни содир этишнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигига, жиноят содир этилиши бажарувчи манфаатларида эканлигига ишонтиришга ҳаракат қилади.

Ишонтириш объектив томондан далолатчи ва у қизиқтираётган шахс орасида алоқаларни талаб этувчи давомли жараёндир. Алоқа вақтида далолатчи бажарувчи томонидан қарор қилинишига туртки берувчи мотивларни туғдиришгагина эмас, балки далолатчи истаган қарорнинг қабул қилинишига тўсқинлик қилувчи мотивларни кучсизлантиришга, йўқ қилишга ҳаракат қилади.

Ишонтиришга яқин бўлган бошқа бир восита — шахсда жиноят содир этишга бўлган қатъиятни уйғотувчи бир вақтнинг ўзидаги акт сифатидаги **маслаҳатдир**. Бу борада далолатчиликнинг маслаҳатини жиноятдаги ақлий ёрдамчиликни ташкил этувчи ёрдамчилик маслаҳатидан ажрата билиш лозим. Далолатчининг ақлий ёрдамчидан фарқини қўлланилган воситалар

эмас, балки бажарувчида уйғотиладиган мотивлар билан боғлиқ ҳолда қараш керак. Ишонтиришда далолатчи ташқи томондан жиноятга ҳеч қандай алоқаси бўлмагандек кўринса-да, унинг манфаатлари жиноятни содир этган бажарувчининг манфаатларига маълум даражада мос келади. Далолатчи қизиқтирилаётган шахсда жиноят содир этиш истагини уйғотади, ақлий ёрдамчи эса фақатгина мавжуд истакни мустаҳкамлайди, янгиларни келтиради, жиноят содир этишга қўшимча мотивлар уйғотади. Шу сабабли муайян ҳолда далолатчиликми ёки ақлий ёрдамчилик бўлганлигини аниқлаш мақсадида маслаҳатнинг шахсда мавжуд жиноий истакни мустаҳкамлаш ва йўналтиришга ёки бу истакни уйғотишга олиб келганлигини билиш лозим.

Илтимос ишонтириш ва маслаҳатдан фарқли равишда далолатчининг манфаатларига асосланади. Илтимос ёрдамида далолатчи бажарувчини бевосита ўзининг ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари учун хизмат қилувчи ҳаракатларни содир этишга ундайди. Шубҳасиз, илтимос далолатчи томонидан фақат ўзининг танишлари, дўстлари ва хизматдошларига қилиниши мумкин. Далолатчилик воситасининг руҳий таъсири, асосан, далолатчилик ва қизиқтирилаётган шахс ўртасидаги муносабатларнинг табиатига боғлиқ.

Кўндириш илтимосдан шуниси билан фарқ қиладики, далолатчи шахсни жиноят содир этишга рози қилиш учун ўзининг бор имкониятини ишга солади. Кўндириш бир неча марта илтимос қилиш шаклида бўлиши мумкин.

Амалиётда далолат қилишнинг бошқа турлари ҳам учрайди. Жиноят қилиш учун мукофот ваъда қилиш, тўғридан-тўғри **шахсни сотиб олиш** ёки алдаш бунга мисол бўлади. Бу кабилар амалиётда «буюртма» жиноятлар деб номланади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, агар шахс рағбатлантириш орқали жиноий ниятни юзага келтирса, бунда далолатчилик сифатида, агар унга алоҳида шартлар қўйса, жиноятни режалаштириб, унинг тартибини ўрнатса, бу фаолият ташкилотчилик сифатида баҳоланиши, шахснинг ўзи эса ташкилотчи деб топилиши шарт.

Юқорида санаб ўтилган далолатчиликнинг барча воситалари амалиётда кўп учрайди. Бироқ, улар далолатчилик воситаси сифатида муайян шароитда, аниқ ҳолатларда тан олиниши керак. Ўз навбатида, субъектнинг ҳар қандай бошқа ҳаракатлари, агар унинг ёрдамида жиноят бажарувчисида кўзда тутилган жиноий ниятнинг амалга оширилишига қатъийлик ва ишонч юзага келган ҳамда шаклланган бўлса, далолатчилик деб тан олиниши зарур. Кўзда тутилаётган бажарувчининг субъектив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда далолатчи дўқ-пўписа, хушомад, баъзан эса ишора, йўл-йўлакай ташланган сўз кабиларга мурожаат қилиши мумкин.

Объектив томондан далолатчилик фақатгина муайян бажарувчини жиноят содир этишга қизиқтиришга йўналтирилган фаол ҳаракатлар билан ифодаланади. Ҳаракатсизлик натижасида шахсни жиноят содир этишга жалб этиш мумкин эмас, ҳаракатсизлик фақатгина жиноят содир этишга ёрдам бериши мумкин, бу эса далолатчилик чегарасидан чиқади ва муайян ҳолатларда ёрдамчилик бўлади. Конклюдент розилик ёки муайян жиноятга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бажарувчининг ҳаракатларини сўзсиз қабул қилиш далолатчилик сифатида кўрилиши мумкин эмас.

Далолатчиликнинг субъектив томони далолатчи қандай ҳаракат содир этишидан қатъи назар, бажарувчида жиноят содир этиш истагини уйғотишга ва бу истакни сўндирмасликка ҳаракат қилишда ифодаланади. Далолатчи қилмишини квалификация қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш учун унинг қандай мотивлар ҳамда мақсадларда иш юритганлигининг аҳамияти йўқ. Шунинг учун у бошқа шахсни кейинчалик уни фош этиш мақсадида жиноят содир этишга қизиқтирган, яъни «жиноят провокацияси» ҳолида ҳам жавобгарликка тортилади.

Далолатчи, одатда, иштирокчи-бажарувчи томонидан содир этилган муайян жиноят объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатларни амалга оширишда бевосита иштирок этмайди, далолатчининг ҳаракатлари Жиноят кодекси Махсус қисмининг бажарувчи томонидан содир этилган жиноят

учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси бўйича, **ЖК 28-моддаси 4-қисмига** таянган ҳолда квалификация қилинади.

Далолатчи бажарувчилардан бири сифатида жиноят содир этишда бевосита иштирок этган ва бир вақтнинг ўзида тажовуз ташаббускори бўлганида биргаликдаги бажарувчилик ҳолати суд томонидан жазони индивидуаллаштиришда инобатга олиниши лозим.

Жиноятнинг содир этилишидаги ўзининг объектив роли бўйича **ёрдамчи**, (баъзи истиснолар билан) бошқа иштирокчиларга қараганда камроқ хавф туғдирувчи шахсдир: жиноятни содир этиш ташаббуси унга тегишли бўлмайди, у бошқа шахсларнинг жиноий фаолиятига раҳбарлик қилмайди. У бажарувчига фақатгина унинг жиноий ниятининг амалга оширилишида жиноят таркибининг объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатларни бажармасдан кўмаклашади. Бироқ мазкур чегараларда ҳам ёрдамчиларнинг ҳаракат доираси жуда кенг бўлиши мумкин: қасддан одам ўлдириш, ўғрилик ва бошқа шу кабиларнинг кўзда тутилаётган жарбланувчилар оила аъзолари таркиби ҳақидаги маълумотларни бажарувчига етказишидан тортиб унга жиноят содир этиш қуролларини тақдим этишигача.

NOTA BENE !

Жиноят содир этилишига маслаҳат, кўрсатма бериш, жиноят қуролларини тақдим қилиш, тўсиқларни бартараф этиш, шунингдек, жиноят изларини ва воситаларини ёки жиноий йўл билан топилган буюмларни олиш ёки сотиб беришга олдиндан ваъда берадиган шахс **ёрдамчи** деб топилади **(ЖК 28-моддаси 5-қисми)**.

Қонунда берилган таърифда нафақат ёрдамчи фаолиятининг йўналиши (жиноят содир этишга кўмаклашиш) белгилаб берилган, балки ёрдамчиларнинг услуб ва воситалари рўйхати берилган. **ЖК 28-моддаси 5-қисмида** санаб ўтилганидан бошқа ҳеч бир ҳаракат ёрдамчилик сифатида тан олиниши мумкин эмас.

Қўлланиладиган восита ва усуллардан келиб чиқиб ёрдамчиликнинг икки турини – интеллектуал (ақлий) ва жисмоний турларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Интеллектуал ёрдамчилик – бажарувчи онги ва иродасига руҳий таъсир этишдир. Бу маънода ақлий таъсир белгиларига эга ва улар билан тавсифланадиган ҳаракатлар бажарувчининг онгли ва иродавий фаолиятига таъсир этади. Бу ҳаракатлар бажарувчи жиноий ниятининг қатъийлашувини мустаҳкамлаш ва ёрдамчининг муайян ишонтиришлари ёрдамида қасднинг янада аниқлашувига кўмаклашади.

Интеллектуал ёрдамчилик қуйидагилардан иборат:

– жиноят содир этилишига маслаҳатлар ва кўрсатмалар бериш билан кўмаклашиш;

– жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга олдиндан ваъда бериш;

– жиноий йўл билан топилган буюмларни олиш ёки сотиб беришга олдиндан ваъда бериш.

Агар, жиноят содир этиш хоҳиш-истаги олдиндан мавжуд бўлиб, **маслаҳат ва кўрсатмалар** ушбу истакни мустаҳкамлашга йўналтирилган тақдирда, юқорида таъкидланганидек, далолатчилик эмас, ёрдамчилик воситаси сифатида тан олинади.

Руҳий (ақлий) ёрдамчиликка жиноят содир этган шахсни ёки жиноят ҳодисаси билан фактик яхлитликни ташкил этувчи бошқа элемент ва белгиларни яширишга ваъда бериш ҳоллари киради. Уларга, хусусан, жиноят қурол ва воситалари, жиноят излари ва нарсалари киради.

Жиноят излари – жиноят ҳодисаси ҳақида гувоҳлик берувчи мавжуд воқеликда акс этган фактик, кўпинча, салбий характердаги маълумотлардир. Уларга, жумладан, пойафзал излари, олишув излари, бармоқ ва қўл излари ва шу кабилар, биологик чиқинди ва қолдиқлар (қон, суюқлик, соч ва ҳоказо), мурда кабилар киради.

Бажарувчига юқорида санаб ўтилган жиноят элементларини жиноятчи билан бир қаторда **яшириш ваъдасини бераётиб**, ёрдамчи шу орқали бажарувчида қилмишга нисбатан қатъиятни мустаҳкамлайди, унинг қасди шаклланишига кўмаклашади. Ёрдамчининг ишонтиришлари бажарувчида уни яшириш, у ҳақда хабар бермасликлари, унга тўсқинлик қилмасликлари умидига асосланган жиноят содир этиш ниятини кучайтиради. Бунда ёрдамчининг ўз ваъдасининг устидан чиқиши ёки чиқмаслигининг аҳамияти йўқ, чунки у содир этилаётган жиноятда ўзининг вазифасини адо этди – қилмишга нисбатан бажарувчининг қатъиятини мустаҳкамлади.

Агар мазкур шахсни ва жиноятга оид бошқа элементларни яшириш ҳақида бажарувчига олдиндан ваъда берилмаган бўлса, улар жиноятда иштирокчилик сифатида эмас, балки жиноятга дахлдорлик каби баҳоланиши шарт.

(Жиноятга дахлдорлик ҳақида мазкур бобнинг 5-§ да тўлиқроқ сўз юритилади.)

Жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни **олиш ёки ўтказиш олдиндан ваъда берилган** бўлса, ёрдамчининг хатти-ҳаракати жиноятнинг объектив томонини ташкил қилади. «... Жиноий йўл билан топилган маҳсулотни олдиндан ваъда берган ҳолда олиш ёхуд уни айнан бир шахснинг ўзидан, бу маҳсулотни сотишда унга кўмаклашаётганини билгани ҳолда, доимий равишда олиш жиноятда ёрдамчи тариқасидаги иштирокчилик қилиш деб баҳоланмоғи керак»[1].

Жиноят содир этган шахсни, жиноят қуроли, воситалари ва излари, шунингдек, жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яшириш вазиятидаги каби жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олиш ёки ўтказиш тўғрисида ваъда бериш жиноят содир этишдан олдин ёки жиноят содир этиш вақтида амалга оширилиши лозим. Зеро, бу ерда сўз нарсаларни олиш ёки ўтказиш ҳақида эмас, балки айнан ваъда бериш ҳақида бормоқда.

[1] См.: Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 20 декабря 1996 г. № 36 «О судебной практике по делам о преступлениях и иных правонарушениях в сфере охраны окружающей среды и природопользования» // Сборник, Т.1. – С. 317-318.

Бироқ, агар шахс жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олиши ёки ўтказиши факти бажарувчи билан келишиб олинмаган бўлса, нарсаларни олувчи ёки ўтказувчининг ҳаракатлари ёрдамчилик туридаги иштирокчилик белгиларини ташкил этмайди. Бундай ҳолатлар субъект мол-мулкнинг ноқонуний топилганлиги факти ҳақида олдиндан билганлиги шарти билан ЖК 171-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим.

Жисмоний ёрдамчиликка бажарувчига жиноятнинг объектив томонини бажаришга имкон берувчи ҳаракатлар мансубдир. Агар руҳий ёрдамчилик муайян турдаги ишонтиришлар орқали мавжуд жиноий ниятни мустаҳкамлашга қаратилган бўлса, жисмоний ёрдамчиликда шахс жиноят воситаларини етказиб бериш ёки шарт-шароит яратиб бериш орқали жиноят содир этиш имконини вужудга келтиради.

Жисмоний ёрдамчилик қуйидагиларда ифодаланади:

– жиноят содир этиш учун бажарувчига зарур воситаларни етказиб бериш (масалан, катта миқдордаги мол-мулкни ўғирлаш жиноятини амалга ошириш учун машина тақдим этиш);

– бажарувчи содир этадиган жиноятга қўйилган тўсиқларни олиб ташлаш (масалан, моддий қимматликлар омборини талон-торож қилиш учун очиқ қолдириш).

Жиноят содир этиш воситаларини етказиб бериш ёрдамчи томонидан бажарувчига атрофдаги моддий дунёга тегишли, жиноий қилмишни амалга ошириш учун ишлатиладиган зарур бўлган турли буюмларни топширишда ифодаланади. Буларга лом, қурол, транспорт воситалари, ёқилғи материаллари ва бошқа шу кабилар кириб, улар ўз хоссалари бўйича бажарувчига муайян жиноят объектив томонини амалга оширишга кўмаклашиш имкониятига эга бўлган моддий дунёнинг турли хил нарсалари хизмат қилиши мумкин.

Бажарувчи томонидан жиноят содир этишда тўсиқларни олиб ташлаш икки хил мазмунга эга. Биринчи ҳолатда у теварак-атрофда бажарувчи жиноий ниятини амалга оширишига тўсқинлик қилувчи у ёки бу

элементларни олиб қўйишдан иборат ўзгаришларда акс этади. Иккинчи ҳолатда эса, аксинча, теварак-атрофни бажарувчига жиноят объектив томонини амалга оширишга ёрдам беришга мўлжалланган бирор-бир нарсалар билан тўлдириш кўзда тутилади.

Тўсиқларни бартараф қилиш, масалан қўриқчилар ёки жиноят гувоҳларининг диққатини чалғитиш, сигнализацияни узиб қўйиш ва ҳоказо каби ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин.

Ёрдамчининг ҳаракатлари, жиноят бошқа иштирокчиларининг ҳаракатлари сингари, иштирокчилик ҳақида биргаликдаги жиноий фаолият сифатида гувоҳлик бериши учун бажарувчининг ҳаракатлари билан сабабий боғлиқликда бўлиши лозим. Бу ҳолат ёрдамчининг хатти-ҳаракатлари бажарувчиникидан олдин ёки унинг қилмиши билан бир вақтда амалга оширилгандагина юзага чиқиши мумкин. Агар ёрдамчининг фаолияти бажарувчи тажовузи ниҳоясига етган лаҳзадан кейин амалга оширилган бўлса, бу фаолият бажарувчи қилмиши билан сабабий боғлиқликда бўлмаганлиги учун ёрдамчилик сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас.

Объектив томондан ёрдамчилик фаол ҳаракат, шунингдек, ҳаракатсизлик орқали амалга оширилиши мумкин. Бироқ, ёрдамчи ҳаракатсизликда, фақатгина қонун билан унга ҳаракат қилиш мажбурияти юкланган бўлгандагина айбланиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ёрдамчининг хатти-ҳаракатлари улар қандай шаклда амалга оширилишидан қатъи назар, қай бир тарзда ёрдам беришдан ташқари, ЖК Махсус қисми моддасида кўрсатиб ўтилган жиноятнинг объектив томонини ифодаламаслиги шарт. Акс ҳолда ёрдамчи бажарувчига қилмишнинг объектив томонини бажаришда ёрдам берса, унинг иштирокидан қатъи назар, у жиноят ёрдамчисидан унинг бажарувчисига айланиб қолади.

Ёрдамчилик жиноят содир этаётган аниқ бир шахс ёки гуруҳга кўмаклашишдан иборат бўлган ҳаракатдир.

Субъектив томонидан ёрдамчилик **тўғри** ёки **эгри қасд** билан характерланади. Айбдор биргаликда содир этилаётган жиноятнинг фактик ҳолатларини, ўз ҳаракатлари билан муайян шахс ёки гуруҳга қилмишни содир этишда кўмаклашаётганини, ўзининг ҳаракатлари бажарувчи томонидан содир этилган жиноят билан сабабий боғланишда эканлигини ва бунинг натижасида у жиноятни амалга оширишда бажарувчи билан бирга иштирок этаётганини англайди. Ёрдамчи келиб чиқадиган жиноий оқибатни олдиндан кўра билгани ҳолда, унинг юз беришини истайди ва бунга онгли равишда йўл қўяди. Ёрдамчиликнинг субъектив томони, иштирокчиликнинг бошқа турлари сингари, жиноят таркиби барча объектив белгилари ва бошқа баҳоловчи ҳолатларнинг айбдор томонидан англанишини ҳам ўз ичига олади.

3-§. Иштирокчилик шакллари

Иштирокчилик шакли деганда, бир неча шахсларнинг жиноят содир этилиши жараёнида биргаликдаги фаолияти характери тушунилади. Иштирокчилик шакллари жиноят содир этишдаги ўзаро алоқадорлик, иштирокчилар ҳаракатининг олдиндан тил бириктирган ҳолда амалга оширилиш даражаси, субъектив алоқадорлиги ва хусусиятига кўра фарқ қилади. Қайд этилган белгиларнинг ҳар бири биргаликдаги жиноий фаолият тавсифи учун катта аҳамиятга эга, чунки улар иштирокчилар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, тил бириктирганлик ва умумий мақсадга эришиш учун мувофиқлаштирилганлик даражасини очиб беради. Шубҳасиз, иштирокчилар хатти-ҳаракатларининг ҳамжиҳатлиги ва уюшганлиги даражаси қанчалик юқори бўлса, исталган натижага эришиш шунчалик осон бўлади. Биргаликдаги жиноий фаолиятни таҳлил этиш жараёнида шу нарса аён бўладики, тергов ва суд органлари ходимлари томонидан мазкур белгиларнинг тўғри аниқланиши иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларнинг тўғри квалификация қилинишининг муҳим шартидир.

Таъкидлаш зарурки, жиноий-ҳуқуқий доктрина иштирокчилик шаклларидан ташқари **иштирокчилик турларини** ҳам ажратади[1]. Иштирокчиликнинг шаклларга ва турларга бўлиниши асосида, турли хил мезонларга таянадиган икки мустақил тасниф мавжуд. Агар иштирокчиликни шаклларга бўлиш умуман биргаликдаги жиноий фаолиятнинг ижтимоий хавфлилиги характери ва даражасини белгилаш билан боғлиқ бўлса, иштирокчиликнинг турини белгилаш иштирокчилар жавобгарлигини асослаш ва индивидуаллаштириш имконини беради.

Афсуски, замонавий жиноят-ҳуқуқий адабиётлар таҳлили иштирокчиликни турларга (шаклларга) бўлишга ягона ёндашув йўқлигини намойиш этади. Бу, энг аввало, иштирокчиликни турларга (шаклларга) ажратиш мезонларини белгилашдаги тафовутлар билан изоҳланади. Мазкур ишда таклиф этилаётган иштирокчиликни турларга таснифлаш эса объектив ва субъектив мезонларнинг ўзаро шартланганлиги ва боғлиқлигига асосланади.

Иштирокчиликнинг объектив мезони содир этилаётган жиноят юзасидан иштирокчилар ўртасида жиноят объектив томонини содир этишдаги алоқадорликни ифодалайди, яъни ролларнинг тақсимланиши, ким қайси вазифани бажаришининг белгилаб қўйилиши ва бошқаларни белгилайди. Мазкур мезон иштирокчилар объектив ўзаро ҳаракатининг ифодаси бўлгани ҳолда иштирокчиликни оддий ва мураккаб турларга ажратиш асосида қўйилади.

Жумладан, **иштирокчиликнинг оддий турига** доир объектив аломатлар шунда намоён бўладики, жиноят икки ёки кўпроқ шахслар томонидан биргаликда содир этилади ҳамда ижтимоий хавфли қилмишнинг объектив томони барча иштирокчилар томонидан роллар тақсимотисиз қисман ёки тўлиқ бажарилади, бу эса биргаликдаги бажарувчиликдан гувоҳлик беради. Оддий иштирокчиликда иштирокчилардан бири жиноят содир этишга қизиқтириши, ташкилотчи ёки далолатчига айланиши, шу

[1] В специальной литературе их также нередко именуют формами соучастия.

билан бирга ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишида бевосита қатнашиши мумкин бўлган вазиятлар ҳам мавжуд. Бундай вазиятларда унга бошқа иштирокчилар (бошқаларнинг сўзсиз, конклюдент розилигидан далолат берувчи) қўшилиши мумкин. Бошқаларнинг жиноий тажовузга қўшилишида ифодаланадиган ва амалиётда, айниқса, вояга етмаганлар, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиладиган номусга тегиш, безорилик ва бошқа шу каби жиноятларда кўп учрайдиган биргаликдаги бажарувчиликнинг аниқ намоён бўлишини кўришимиз мумкин.

Мураккаб иштирокчиликда ҳам жиноят бир неча шахслар томонидан содир этилади, бироқ уларнинг фаолияти белгиланган роллар тақсимоти, яъни жиноятнинг бевосита бажарувчиси қаторида ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи ёки ақалли улардан бири мавжудлиги билан характерланади.

Мураккаб иштирокчилик иштирокчиликнинг тури сифатида шу билан характерланадики, жиноят объектив томонини ташкил этувчи, ЖК Махсус қисмининг муайян моддасида назарда тутилган қилмиш бевосита барча иштирокчилар томонидан эмас, фақат улардан бири ёки бир нечаси томонидан содир этилади. Бошқалар эса, жиноят объектив томонини бажаришда умуман иштирок этишмайди, ҳатто қисман бажаришмайди ва унинг содир этилиши жараёнида бевосита иштирок қилишмайди. Масалан, ўғирликнинг бир иштирокчиси (ташкилотчиси) жиноят содир этилишини ташкиллаштирди, режа тузди, иштирокчиларни йиғди ва ҳоказо, бошқа иштирокчи (бажарувчи) эса ўзганинг мулки яширинча ўғирланишини бевосита содир этди, учинчиси (ёрдамчи) ўғирланган мулкни олиб кетиш учун транспорт воситасини тақдим этди ва кейинчалик мол-мулкни ўтказди, шундан сўнг олинган маблағ барча иштирокчилар ўртасида бўлиб олинди.

Иштирокчиликнинг субъектив мезони иштирокчилар ҳаракатларининг мувофиқлиги даражаси, уларнинг алоқалари характери билан тавсифланади. Ушбу мезонга мувофиқ иштирокчиликнинг барча ҳолатлари олдиндан келишилмаган иштирокчилик ҳамда олдиндан келишилган иштирокчиликка ажратилади.

NOTA BENE !

Олдиндан тил бириктириш деганда, жиноят иштирокчилари ўртасида жиноят содир этиш ёки жиноий фаолият билан шуғулланиш тўғрисида бундай ҳаракатларни амалга оширишдан аввал келишиб олиш тушунилади (ЖК Махсус қисми саккизинчи бўлими).

Олдиндан тил бириктирилмаган иштирокчилик бевосита жиноят содир этиш жараёнида ёки муайян вақт оралиғида иштирокчилик жиноятини амалга ошириш жараёнида бир вақтнинг ўзида (масалан, икки шахс жабрланувчига тажовуз қилиб, уни ўлгунича дўппослайдилар), шунингдек, муайян вақтдан сўнг (масалан, бир шахс дўппослашга тушади, иккинчиси бир оздан сўнг унга қўшилади ва улар биргаликда жабрланувчини ўлдиришади) вужудга келиши мумкин бўлган олдиндан (жиноят содир этилишидан олдин) тил бириктиришнинг бўлмаслиги билан тавсифланади. Бундай иштирокчиликда тил бириктирилганлик даражаси минимал бўлиб, жиноят объектив томонини ташкил қилувчи ҳаракатлар тўлиқ ёки қисман амалга оширилади, иштирокчилар ўз ҳаракати орқали бошқасининг ҳаракатини тўлдиради.

Олдиндан келишилган иштирокчиликда биргаликда жиноят содир этиш ҳақида олдиндан тил бириктириб, шунингдек, жиноят содир этилишидан олдинроқ тил бириктирган ҳолда жиноят содир этилади. Иштирокчиликни квалификация қилиш учун бу келишувга эришилганидан сўнг қанча вақт ўтганлиги аҳамиятга эга эмас. Вақт катта ҳамда кичик оралиқларда ҳисобланиши мумкин: дақиқалар, соатлар, суткалар, ойлар, йиллар ва ҳоказо. Иштирокчилар ўртасида у ёки бу жиноятни содир этиш юзасидан келишув оғзаки ёки ёзма, тил бириктирув, шартли белги, бошни чайқатиш, имо-ишора ва бошқа шу каби шаклларда ифодаланиши мумкин. Олдиндан тил бириктириш томонларнинг кўзда тутилаётган жиноятнинг биргаликда содир этилишидан хабардорлигидан, уни содир этишда ҳар бир

иштирокчининг ўз вазифаларини билиши, ҳамжиҳатликнинг нисбатан юқори даражаси билан тавсифланади.

Иштирокчилик турлари унинг шакллари билан чамбарчас боғлиқ. Биргаликдаги жиноий фаолиятнинг муайян ҳолатларида иштирокчиликнинг ҳар хил турлари ва шакллари бўлиши мумкин. Олдиндан тил бириктириш иштирокчилиги бир гуруҳ шахслар, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма томонидан олдиндан тил бириктириб содир этиладиган жиноятларда бўлади. Ўз навбатида, иштирокчиликнинг кейинги икки шакли кўпинча ҳаракатдаги шахслар ўртасида роллар тақсимоти билан (иштирокчиликнинг мураккаб тури), камроқ ҳолатларда эса биргаликда бажарувчилик тури (иштирокчиликнинг оддий тури) сифатида ифодаланиши мумкин.

Иштирокчиликни турларга ажратиш муҳим юридик аҳамиятга эга, бу иштирокчилар ҳаракатлари таснифини тўғри аниқлашга имкон яратади. Хусусан, оддий иштирокчиликда бажарувчилар ҳаракатлари фақат ЖК Махсус қисми моддаси бўйича ЖК 28-моддасига (иштирокчилар турлари) изоҳ қилмасдан квалификация қилинади, чунки уларнинг ўзлари муайян жиноий қилмишнинг объектив томонини тўлиқ ёки қисман бажаришади. Мураккаб иштирокчиликда эса, аксинча. Ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчи каби иштирокчиларнинг ҳаракатлари жиноят объектив томонини бевосита бажарувчисининг ҳаракатлари каби ЖК Махсус қисмининг ўша моддаси бўйича, бироқ ЖК 28-моддаси тегишли қисмига изоҳ қилган ҳолда таснифланади (улар бир вақтнинг ўзида жиноятнинг биргаликда бажарувчилари бўлган ҳолатлардан ташқари).

Демак, иштирокчилик шакллари ҳақидаги масалага қайтган ҳолда шуни таъкидлаб ўтамизки, **ЖК 29-моддаси 1-қисмига** асосан жиноятдаги иштирокчилик шакллари сифатида оддий иштирокчилик; мураккаб иштирокчилик; уюшган гуруҳ; жиноий уюшма тан олинади.

ЖК 29-моддаси 2-қисмида иштирокчиликнинг энг кам хавфли шакли – **оддий иштирокчилик** тушунчаси белгиланган.

NOTA BENE !

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашиши оддий **иштирокчилик** деб топилади **(ЖК 29-моддаси 2-қисми).**

Олдиндан келишув мавжуд эмаслиги иштирокчилик мазкур шаклининг асосий хусусиятидир. Оддий иштирокчилик, гарчи иштирокчилар ўртасида роллар тақсимоти бўлса-да, доимо биргаликда бажарувчиликни тақозо этади (биргаликда айбдорлик).

Роллар тақсимоти иштирокчиликнинг мураккаб шаклларига, айниқса, уюшган гуруҳга ва жиноий уюшмага кўпроқ хос эканлигига қарамай, суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, жиноят содир этиш ташаббуси ўз ҳаракатлари билан гўёки бошқа бирга бажарувчининг ҳаракатларига намуна кўрсатаётган бир бажарувчидан чиқиши мумкин. Бироқ бу ҳолат жиноят ташаббускори аҳамиятини ҳеч ҳам ўзгартирмайди ва унинг ҳаракатлари бажарувчи қилмиши белгилари бўйича квалификация қилинади, роллар тақсимоти эса ташаббускор-бажарувчи қилмиши билан қамраб олинади.

Иштирокчиликнинг мазкур шакли минимал даражада мувофиқлашган бўлиб, бу жиноят бошланиши пайтига қадар келишиб олиш имкони йўқлиги билан изоҳланади. Иштирокчиликнинг ушбу шакли айрим шахсларнинг бошқалар аллақачон бошлаб қўйган жиноий тажовузига қўшилиш имкониятини назарда тутади.

Жиноятда иштирокчиликнинг энг кенг тарқалган ва энг хавфли шакли – бу **мураккаб иштирокчиликдир.**

NOTA BENE !

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок қилиши **мураккаб иштирокчилик** деб топилади **(ЖК 29-моддаси 3-қисми)**.

Иштирокчиликнинг бу шакли учун асосий элемент бўлиб, икки ёки ундан ортиқ шахснинг жиноят содир этиш бошлангунга қадар, шунингдек, ЖК Махсус қисмида кўрсатилган жиноий қилмишнинг (жиноий фаолиятнинг эмас) ҳеч бўлмаганда бир киши томонидан содир этиш бошлангунча тил бириктирилганлиги ҳисобланади.

Келишув натижасида иштирокчиларга тайёрланаётган жиноят ҳақида умумий маълумотлар маълум бўлади. Келишув оғзаки ёки ёзма шаклда бўлиши мумкин. Одатда, камроқ иштирокчилар конклюдент ҳаракатлар (жимгина розилик) натижасида аҳдлашувга эришишади.

Олдиндан мувофиқлаштирилган жиноят биргаликда бажарилиши ҳам, роллар тақсимланган ҳолда содир этилиши ҳам мумкин (тор маънодаги иштирокчилик). Ташкилотчи, шунингдек, ўзи ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи вазифаларини бажариши ҳам мумкин. Ушбу ҳолатларда жиноятни квалификация қилишда, муайян жиноятни кўрсатиш билан бирга ЖК Умумий қисмининг жиноятнинг ташкилотчисига доир тушунчалар кўрсатилган, яъни ЖК 28-моддаси 3-қисмига ишора қилиш лозим, зотан унда ташкилотчилик учун далолатчи ва ёрдамчига нисбатан оғирроқ жавобгарлик кўзда тутилади. Ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ҳам бир неча бора таъкидлаб ўтган, унга кўра, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган жиноят тўғрисидаги айблов ҳукмининг тасвирлов қисмида ҳар бир иштирокчи томонидан қандай жиноий ҳаракатлар амалга оширилганлиги аниқ кўрсатиб ўтилиши шарт[1].

Шуни таъкидлаш керакки, жиноятда иштирокчилик олдиндан тил бириктириб биргаликда бажариш шаклида (мураккаб иштирокчилик) ва ушбу ҳолатсиз (оддий иштирокчилик) шаклида, қонун чиқарувчи томонидан айрим жиноятлар таркибида квалификацияловчи белги сифатида кўзда

[1] См.: Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 2 мая 1997 г. № 2 «О судебном приговоре» (с изменениями и дополнениями, внесенными постановлениями Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 14 июня 2002 г. № 10, 19 декабря 2003 г. № 20 и 3 февраля 2006 г. № 5) // Сборник, Т.1. – С. 338.

тутилади. ЖК Махсус қисми моддалари диспозициясида мазкур квалификацияловчи белгилар «бир гуруҳ шахслар томонидан» (ЖК 97-моддаси 2-қисми «п» банди, 235-моддаси 2-қисми «в» банди), «бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб» (190-моддаси 2-қисми «б» банди), «олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан» (ЖК 244^{1}-моддаси 3-қисми «а» банди) каби тушунчалар орқали намоён бўлади.

Шуни назарда тутиш лозимки, қонунда «бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб» жумласи жуда кам, асосан, шахсга қарши жиноятларда учрайди (масалан, ЖК 97-моддаси 2-қисми «п» банди, 104-моддаси 2-қисми «к» банди, 118-моддаси 2-қисми «в» банди). Шуни айтиб ўтиш жоизки, жиноий жавобгарлик учун биргаликдаги иштирокчилар учун олдиндан тил бириктирилганлик белгиси аҳамиятга эга бўлмайди. Қонун ушбу жиноятнинг юқорироқ ижтимоий хавфини фақат жиноят икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан амалга оширилганлиги билан боғлайди. Аниқланиши зарур бўлган биргина ҳолат – барча биргаликдаги иштирокчиларда ушбу жиноий қилмишни содир этишга бўлган қасд мавжудлигидир. Агар ушбу ҳолат қолган иштирокчилар онгини қамраб олмаса, унда ушбу банд бўйича квалификация қилишнинг иложи йўқ.

Шуни назарда тутиш лозимки, алоҳида жиноят таркиби конструкциясида уюшган гуруҳ квалификацияловчи белгиси мавжуд бўлмаганда, бироқ жиноят амалда уюшган гуруҳ томонидан амалга оширилса, мазкур ҳолат ЖК 56-моддаси «м» бандига мувофиқ, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши лозим. Ушбу қоида худди шундай ҳолатда жиноят уюшган гуруҳ ва жиноий уюшма томонидан содир этилганда ҳам қўлланилади.

«Бир гуруҳ шахслар томонидан» ибораси қўлланганда фақат жиноятни биргаликда бир жойда ва бир вақтда бажарувчи иштирокчилар ҳаракатлари тушунилиши суд-тергов амалиёти томонидан тасдиқланади. Масалан, Олий суд Пленуми тушунтиришларига кўра, «Жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатиб, уни ҳаётдан маҳрум қилиш жараёнида бевосита иштирок этган

икки ёки ундан ортиқ шахснинг ҳаракатлари ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «п» банди билан квалификация қилинади. Бунда ўлимга сабаб бўлган шикаст иштирокчиларнинг ҳар бири томонидан етказилган бўлиши шарт эмас (масалан, иштирокчилардан бири жабрланувчининг қаршилигини бартараф этиб, уни ўзини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум этган, бошқаси эса, унга ҳалок этувчи шикаст етказган).

Қасддан одам ўлдиришда бевосита иштирок этмаган ҳамда жабрланувчига нисбатан жисмоний зўрлик ишлатмаган, бироқ ўзгалар томонидан қотиллик содир этилишида кўмаклашган бошқа шахсларнинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 28-, 97-моддасининг тегишли қисми бўйича квалификация қилинади»[1].

Масалан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган талон-торож деганда, бу жиноятни содир этишга олдиндан келишиб олган икки ёки ундан ортиқ шахс қатнашган талон-торож тушунилади. Бу ерда гап бажарувчига жиноят қуролларини тақдим этиш, объект режасини тузиш, қимматликларга эга шахсларни кўрсатиш ва ҳоказолар ҳақида эмас, балки қонун билан қўриқланадиган объектга иккитадан кам бўлмаган шахсларнинг бевосита тажовузи ҳақида кетмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ўзгалар мулкини талон-торож қилишда ифодаланадиган мулкка қарши жиноятларни содир этишда иштирокчиларнинг барчаси тажовузни амалга ошириши мажбуран шарт эмас. Тажовуз уларнинг бири томонидан амалга оширилиши ва жиноят объектив томонини қисман содир этган бошқа иштирокчиларнинг қасди билан биринчисининг ҳаракатлари қамраб олиниши муҳимдир. Акс ҳолда, гап фақатгина бажарувчи эксцесси ҳақида бориши мумкин.

Алоҳида ҳолатни мансабдор шахсларнинг олдиндан тил бириктириши ташкил этади. Бунда иштирокчилар таркиби махсус субъектлар – мансабдор

[1] См.: Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 24 сентября 2004 г., № 13 «О судебной практике по делам об умышленном убийстве» // Сборник, Т.2. – С. 466.

шахслардан иборат бўлиши лозим, акс ҳолда мазкур асос бўйича жавобгарликка тортиш қонуний бўлиши мумкин эмас. Масалан: «жиноятни содир этишда аввалдан, яъни жиноят бошлангунча келишиб олган икки ёки ундан ортиқ мансабдор шахс иштирок этган бўлса, пора олиш бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда содир этилган ҳисобланади. Жиноят мансабдор шахслардан лоақал бири пора олган пайтдан эътиборан тугалланган деб ҳисобланади»[1].

Агар Махсус қисм нормаси «олдиндан тил бириктириб» деган таъриф билан чекланган бўлса, квалификация қилинадиган ҳолатларни белгилашда, уни жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшма сифатида талқин қилиб бўлмайди.

Уюшган гуруҳ – оддий ва мураккаб иштирокчиликка нисбатан хавфлироқ иштирокчилик шаклидир.

NOTA BENE !

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориши учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши **уюшган гуруҳ** деб топилади **(ЖК 29-моддаси 4-қисми).**

Ушбу иштирокчилик шакли олдиндан тил бириктириш, барқарорлик, вазифаларнинг тақсимланиши, бир қанча жиноят содир этиш мақсадида тузилганлиги каби қатор ўзига хос белгилар билан тавсифланади.

Уюшган гуруҳ барқарорлиги деганда, гуруҳ иштирокчилари ўртасидаги доимий алоқадорлик ва жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш ёхуд бир ёки бир неча маротаба жиноят содир этишнинг махсус усулларидан фойдаланиш тушунилади.

Объектив томондан барқарорлик иккиёқлама тавсифланади: биринчидан, ташкилотчи (раҳбар) шахсининг жиноий фаолиятни амалга

[1] См.: Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 24 сентября 1999 г. № 19 «О судебной практике по делам о взяточничестве» (с изменениями и дополнениями, внесенными постановлением Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 14 июня 2002 г. № 10) // Сборник, Т.1. – С. 482.

ошириш мақсади асосида ташкил этилган гуруҳ ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, умумий жиноий мақсад ва манфаат, жиноий гуруҳ аъзолари ўртасида вазифаларнинг тақсимланганлиги; иккинчидан, жиноятга тайёргарлик кўриш жараёнида махсус усуллардан фойдаланиш, гуруҳдаги қатъий тартиб, доимий назорат ва гуруҳ аъзолари ҳаракатини бошқариш, юқори даражада келишганлик ва уюшганлик.

«Жумладан, жиноий фаолиятнинг олдиндан режалаштирилганлиги, жиноий қасдни амалга ошириш учун зарур бўлган воситаларнинг тайёрланиши, иштирокчиларни танлаш, ёллаш ва улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, жиноятни яшириш чораларини таъминлаш, гуруҳда ўрнатилган интизомга ва ташкилотчининг кўрсатмаларига бўйсунишлик жиноий гуруҳнинг уюшганлигидан далолат беради»[1].

Шуни айтиш керакки, Олий суд инстанцияси уюшган гуруҳ жиноий иштирокчилик шаклини ифодаловчи у ёки бу белгилар юзасидан тушунтиришларни доимо ёритиб боради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларида уюшган гуруҳни тавсифловчи белгиларни аниқлаш юзасидан тушунтиришлар берилган. Хусусан, қайд этиладики, «уюшган гуруҳ деганда, транспорт воситаларини олиб қочиш ёки бошқа жиноятларни содир этиш мақсадида икки ёки ундан кўп шахсларнинг барқарор бирлашмаси тушунилиши керак»[2]. Мазкур қоида уюшган гуруҳ белгилари бўйича содир этилган бошқа жиноятларни квалификация қилишга ҳам бирдай тегишлидир.

«Жиноий гуруҳни уюшган деб квалификация қилиш учун асосий мезон тариқасида, масалан, гуруҳнинг барқарорлигини, унда ташкилотчининг бўлишини, одатда, бир неча жиноятни содир этиш мақсадида

[1] См.: Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 20 декабря 1996 г. № 37 «О судебной практике об угоне транспортных средств» (с изменениями и дополнениями, внесенными постановлением Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 14 июня 2002 г. № 10, 3 февраля 2006 г. № 5) // Сборник. Т. I. – С. 321.

[2] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 37-сонли қарори, 5-банд, 1-хатбоши // Тўплам, 1-жилд. – 73-б.

тузилганлигини, жиноятни амалга ошириш режаси ва йўл-йўриғи ишланганлигини, ҳар бир иштирокчи ўртасида вазифалар тақсимланганлигини, техника билан таъминланганлигини, жиноятни яшириш чоралари кўрилганлигини, умумий интизомга ва жиноий гуруҳ ташкилотчисининг кўрсатмаларига итоат қилинишини ва шу кабиларни ҳисобга олиш лозим»[1].

Жиноий фаолият уюшган гуруҳнинг (жиноий уюшманинг ҳам) асосий тавсифларидан биридир. Уюшган гуруҳ фаолияти маълум даражада бир неча маротаба жиноят содир этишга, ўз фаолиятини муайян вақт оралиғидаги давомийликка қаратади.

Уюшган гуруҳнинг жиноий фаолияти тизимли характерга эга. У жиноят содир этиш ҳисобига мавжуд бўлади ва бу уюшган гуруҳ алоҳида аъзоларининг ва бутун гуруҳнинг малакасидан гувоҳлик беради. Қонуннинг уюшган гуруҳ ва унинг аъзоларига нисбатан қаттиқлиги ҳам шу билан изоҳланади, чунки ижтимоий хавфли, ҳуқуққа хилоф қилмишлар гуруҳ аъзолари томонидан жиноий фаолиятга айлантирилади.

Барқарорлик ва жиноий фаолият каби белгилар, уюшган гуруҳнинг олдиндан тил бириктириб биргаликда жиноят содир қилиши мураккаб иштирокчилик, яъни олдиндан тил бириктирган бир гуруҳ шахслардан фарқловчи асосий тафовутидир.

Уюшган гуруҳни хусусиятловчи белгилардан бири – бу унинг барқарор эканлигидир. Бунда ташкилотчи жиноий режани тузади, иштирокчилар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, улар фаолиятини йўналтиради ва гуруҳдаги тартибни мустаҳкамлайди, шунингдек, гуруҳ интизомини назорат қилади ва ҳоказо. Бундан ташқари, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этиладиган жиноятлар бир марталик тажовузга қаратилган бўлади, уюшган гуруҳ, қоида тариқасида, мазкур гуруҳнинг

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 21-сонли қарори, 3-банд, 3-хатбоши // Тўплам, 1-жилд. – 35-б.

жиноий фаолиятидан дарак берувчи бир неча марта жиноят содир этишга йўналтирилади (қаратилади).

Уюшган жиноий гуруҳ иштирокчилари ҳаракатини квалификация қилиш олдиндан тил бириктириб, жиноят содир этишдан фарқ қилади. Агар жиноят олдиндан тил бириктирган ҳолда бир неча бажарувчилар томонидан содир этилган бўлса, у фақат Махсус қисмдаги тегишли модданинг ўзи билан 28-моддани қўлламаган ҳолда квалификация қилинади. Уюшган гуруҳ томонидан жиноят содир этилганда иштирокчиларнинг жиноят содир этишдаги вазифаси қандай бўлганлигидан қатъи назар (ташкилотчи, бажарувчи, далолатчи, ёрдамчи, иштирокчи), Жиноят кодексининг 28-моддасини қўллаган ҳолда жавобгарлик белгиланади. «Уюшган гуруҳ таркибида транспорт воситасини олиб қочишда қатнашган шахсларнинг ҳаракатларини, уларнинг ҳар бирининг ролидан қатъи назар, иштирокчилик деб топишлик лозим»[1].

Масаланинг бу каби ҳал этилиши ЖК 30-моддаси 3-қисмида мустаҳкамланган қоида билан боғлиқ бўлиб, унга мувофиқ, «уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма ташкил этган ёки унга раҳбарлик қилган шахслар шу гуруҳ ёки уюшма содир этган жиноятлар учун, башарти, бу жиноятлар уларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган бўлса, жавобгарликка тортиладилар».

(Иштирокчиларнинг жавобгарлиги доираси ҳақида батафсилроқ шу бобнинг 4-§ га қаранг.)

Суд-тергов амалиётида уюшган гуруҳ аъзоларидан бири бир жиноятни содир этишда иштирок этиб, кейин ўзининг жиноий фаолиятини тўхтатган ҳоллар ҳам учраб туради. Бундай ҳолларда уларнинг жиноий қилмишлари сонидан қатъи назар, у уюшган гуруҳ таркибида жиноят содир этганлиги учун (ўзи буни англаган ҳолларда) жиноий жавобгарликка тортилади. Шундай ҳолатлар учун ЖК Махсус қисмида «жиноят уюшган гуруҳ аъзоси

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 37-сонли қарори, 5-банд, 4-хатбоши // Тўплам, 1-жилд. – 73-б.

ёки унинг манфаатлари йўлида содир этилса» деган бирикма кўрсатиб ўтилади (масалан, ЖК 97-моддаси 2-қисми «п» банди, 104-моддаси 3-қисми «г» банди).

Шуни назарда тутиш лозимки, алоҳида жиноят таркиби конструкциясида уюшган гуруҳ белгиси мавжуд бўлмаганда (масалан, ЖК 114-моддаси), бироқ жиноят амалда уюшган гуруҳ томонидан амалга оширилса, мазкур белги ЖК 56-моддаси «м» бандига мувофиқ, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши лозим.

Ташкил этиладиган жиноий уюшма содир этмоқчи бўлган жиноятларнинг хавфлилигини инобатга олиб, қонун чиқарувчи жиноий уюшманинг ўзини ва ундаги иштирокчиларни ЖК 242-моддаси белгилари бўйича мустақил жиноятларга киритади ва шу билан жиноий уюшманинг амалда жиноят содир этганлиги ёки этмаганлигидан қатъи назар, ташкил этилишининг дастлабки босқичиданоқ жиноий жазога тортилишини мустаҳкамлайди. Бунда жиноий уюшган гуруҳни қуролланган деб топиш учун, унинг ҳатто бир аъзосида қурол (ўқотар, совуқ) мавжудлиги кифоя қилади. Жиноий жазога сазовор бўлиш учун, шундай қуролли уюшган гуруҳни тузишнинг ўзи етарли, яъни уюшган қуролли гуруҳ тузилган, унга раҳбарлик қилиш ёхуд аъзо бўлишга розилик берилган пайтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади. Уюшган қуролли гуруҳ томонидан амалга оширилган конкрет жиноятларни ЖК 242-моддаси 2-қисми бўйича ЖК Махсус қисмининг тегишли моддалари жами билан квалификация қилиш лозим.

Жиноий уюшма иштирокчилик барча шакллари ичида энг хавфлисидир. Жиноий уюшманинг хавфлилиги у томонидан содир этиладиган жиноятнинг хусусияти ва оғирлик даражаси билан белгиланади.

NOTA BENE !

Икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши **жиноий уюшма** деб топилади **(ЖК 29-моддаси 5-қисми)**.

Жиноий уюшма ёки уюшган гуруҳ бирлашмаси икки шахсдан иборат бўлиши мумкин эмас, у иштирокчиларнинг кўпроқ сонини талаб этади. Жиноий уюшма аъзолари кўпчиликни ташкил қилиб, улар ўртасида, қоида тариқасида, жиноий мақсадга эришиш учун маълум билимлардан фойдаланишга оид вазифалар тақсимланиши мумкин.

Жиноий уюшма асосий белгиларидан бири унинг таркибий бўғинининг икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳлардан иборат бўлишидир.

Жиноий уюшманинг таркибий бўғини деганда, раҳбар билан биргаликда икки ёки ундан ортиқ шахсдан иборат, жиноий уюшманинг мақсадларидан келиб чиқиб муайян йўналишда фаолият юритадиган гуруҳ тушунилади. Бу каби фаолият, масалан, жиноятга тайёргарлик кўриш, жиноий йўл билан топилган мол-мулк ёки гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ўтказиш жойларини излаб топиш; жиноий уюшмани транспорт воситалари ёки бошқа техник воситалар билан таъминлаш; давлат органлари мансабдор шахслари, тижорат ва шу каби бошқа ташкилотларнинг вакиллари билан жиноий уюшмани ва содир этиладиган жиноятларни жазодан озод қилиш мақсадида алоқалар ўрнатиш; жиноий йўл билан топилган пуллар ва бошқа мол-мулкни яшириш; жиноий уюшма аъзолари, жиноят содир этиш восита ва қуроллари, жиноят излари ва жиноий йўл билан топилган нарсаларни яширишга шароит яратиш кабилар бўлиши мумкин.

Бошқа гуруҳлардан алоҳида ҳолда мустақил жиноят содир этувчи бу каби гуруҳларни жиноий уюшма деб топиш учун ҳар бир гуруҳ жиноий уюшма мақсадини амалга ошириш учун алоҳида-алоҳида ҳаракат қилиши керак. Буни аниқлаш учун барча гуруҳлар фаолияти ягона ташкилий

бошқарув асосида бошқарилганлигига эътибор бериш лозим. Ягона ташкилий бошқарув, битта ташкилотчидан, шунингдек, бир гуруҳ ташкилотчилар, «жиноий обрўли одамлар»дан иборат бўлиши мумкин.

Шунга кўра, квалификация қилишда шунга эътибор қаратиш лозимки, жиноий уюшманинг алоҳида аъзолари мазкур жиноий ташкилотнинг ичида ҳаракат қилаётганлигини англамасликлари мумкин. Бу ҳолатлар жиноий уюшманинг мазмун ва моҳиятига ҳеч бир тарзда таъсир этмайди ва мазкур шахс жиноий уюшма таркибида содир этган жиноятлари учун жавобгарликка тортилади.

Жиноий уюшманинг барқарорлиги ва уюшганлиги нисбатан давомли жиноий фаолиятни ва уюшма қатнашчилари содир этишга интиладиган жиноятларнинг оғирлигини келтириб чиқаради. Жиноий уюшма иштирокчиликнинг бошқа шаклларидан юқори даражада уюшганлиги, барқарорлиги, техник воситалари билан таъминланганлик даражасига кўра, аъзоларнинг биргаликдаги кескин ҳаракати кабилар билан фарқ қилади.

Ташкил этиладиган жиноий уюшма содир этмоқчи бўлган жиноятларнинг хавфлилигини инобатга олиб, қонун чиқарувчи жиноий уюшманинг ўзини ва ундаги иштирокчиларни ЖК 242-моддаси белгилари бўйича мустақил жиноятларга киритади ва шу билан жиноий уюшманинг амалда жиноят содир этганлиги ёки этмаганлигидан қатъи назар, ташкил этилишининг дастлабки босқичиданоқ жиноий жазога тортилишини мустаҳкамлайди.

Иштирокчилик шаклларини аниқлаш ҳамда мос равишда ҳар бир иштирокчининг ролини, унинг мақомини белгилаш, иштирокчиликда содир қилинган жиноятлар учун жавобгарлик масаласини ҳал қилишда иштирокчилар ўртасидаги субъектив муносабатлар, характери ва барқарорлигини, ўзаро мувофиқлик даражаси, иштирокчиларнинг ташкилий тузилиши ҳамда бошқа зарур белгиларни батафсил аниқлаш муҳим.

4-§. Жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарлик асослари ва доираси

ЖК 16-моддаси 2-қисмига мувофиқ, жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Мазкур қоида бир шахс томонидан содир этиладиган жиноятга ҳам, иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларга ҳам бирдек тааллуқлидир. Шу сабабли, иштирокчилик жиноий жавобгарликнинг қўшимча асосларини вужудга келтирмайди. Барча иштирокчилар жиноий жавобгарликка ягона асос бўйича тортилади, яъни уларнинг қилмиши, қоида тариқасида, ЖК Махсус қисмининг бир моддаси бўйича квалификация қилинади. Бунда ҳар бир иштирокчи ўзи содир этган қилмиши учун мустақил жавоб беради ва индивидуал равишда жавобгарликка тортилади. Жиноят ҳуқуқининг энг устувор тамойилларидан бири, айбли жавобгарлик принципига асосан, жиноят иштирокчилари фақат жиноий қасди доирасида жавобгар бўлиши мумкин. Зотан, **ЖК 30-моддаси 3-қисмига** мувофиқ, «Бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмиш учун уни содир этган шахс жавобгар бўлади». Қонун, конкрет иштирокчининг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмишлар учун жамоавий жавобгарликни истисно этади. Бунда ҳар бир иштирокчи ўзи содир этган қилмиши учун мустақил жавоб беради ва индивидуал равишда жавобгарликка тортилади.

Иштирокчиларнинг жавобгарлик асослари ҳақида сўз юрита туриб, биринчи навбатда шуни инобатга олиш лозимки, биргаликда жиноят содир қилиш (биргаликда жиноий фаолият олиб бориш) учун жавобгарлик бажарувчининг (биргаликда бажарувчининг) жиноий ҳаракатларини аниқ кўрсатиб ўтган ЖК Махсус қисми нормалари ҳамда жиноятни иштирокчиликда амалга оширган шахслар фаолиятини тавсифловчи ЖК Умумий қисмининг тегишли нормалари (27–30-моддалар)ни қўллаган ҳолда белгиланади. Ҳар бир иштирокчи, иштирокчиликда содир қилинган жиноятда қандай ҳаракатлар бажарганидан қатъи назар, жиноий

жавобгарликка тортилиши лозим, чунки у қонун томонидан қўриқланаётган ижтимоий муносабатларга нисбатан тажовуз қилади, унинг шахсий ҳаракатлари эса ижтимоий хавфли характерга эгадир[1].

Бинобарин, **ЖК 30-моддаси 1-қисмига** мувофиқ, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар. Бу ўринда биргаликда жиноят содир этган шахсларнинг жавобгарлиги қилмишни содир қилишдаги иштирокининг характери ва даражаси билан белгиланади. Жиноят содир этилишида шахс иштирокининг даражаси ва характери эса, ўз навбатида тегишли шахс ижтимоий хавфлилиги даражасини белгилайди.

Жиноятдаги иштирок хусусияти айбдорнинг иштирокчиликда содир қилинган жиноятдаги функционал ролини аниқлайди. Хусусан, агар иштирокчи жиноий қилмишнинг объектив томонини тўлиқ ёки қисман бажарса, у бажарувчи ёки мувофиқ равишда биргаликда бажарувчи деб тан олиниб, унинг ҳаракатлари, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, фақат ЖК Махсус қисми тегишли моддаси бўйича квалификация қилинади. Агар иштирокчи бажарувчига (бажарувчиларга) кўмак берган ҳолда ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи ролини бажарган бўлса, унинг ҳаракатлари, бажарувчи (бажарувчилар) қилмишини қамраб олувчи модда билан квалификация қилиниб, ЖК 28-моддасининг тегишли қисмига ҳам ҳавола қилинади[2]. Бунда иштирокчи томонидан танланган роль унинг хатти-ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилиги даражасини белгилайди. Шу билан бирга, функционал вазифанинг бир хиллигида ҳар бир иштирокчи ҳаракатларининг такрорийлиги даражаси, ироданинг жиноятни ташкиллаштиришга йўналтирилганлиги (қаратилганлиги), бажарувчини

[1] Курс уголовного права. Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под ред. д.ю.н., проф. Н.Ф. Кузнецовой и к.ю.н., доц. И.М. Тяжковой. – С. 441.

[2] Такой подход к юридической оценке сложного вида соучастия обусловлен тем, что описание объективной стороны конкретного состава преступления рассчитано именно на индивидуальные действия субъекта.

ижтимоий хавфли қилмиш содир этишга қизиқтириш ёки унга бунда ёрдам бериш турлича бўлиши мумкин. Шундай қилиб, иштирокчилар ҳаракатларини квалификация қилишда ҳамда уларга жазо тайинлашда биргаликдаги жиноий фаолиятга амалда киритган улуши инобатга олиниши зарур.

Умумий қоидага кўра, жиноятнинг барча иштирокчилари ЖК Махсус қисмининг битта моддаси, битта қисми (банди) бўйича жавобгар бўлишади. Шу билан бирга, иштирокчилар айбланаётган жиноятлар ЖК моддасининг турли қисмларида (турли бандларида), турли моддаларида, ҳаттоки, турли боблари ва бўлимларида назарда тутилиши мумкин. Бу иштирокчиликда содир этилган жиноятни ҳамда иштирокчининг ўзини тавсифловчи турли хил объектив ва субъектив белгиларни ҳисобга олиш билан боғлиқдир.

Жумладан, ижтимоий хавфли қилмишни, унинг ижтимоий хавфли оқибатларини тавсифловчи объектив белгилар бошқа иштирокчиларнинг қасди билан қамраб олинган бўлса, жавобгарлик уларнинг зиммасига юклатилиши мумкин. Масалан, ўзга шахснинг мулкини уй-жойига кириб ўғирлашга қизиқтиришда далолатчи ҳамда бажарувчига ўғриликнинг айнан шу йўл билан содир этилиши маълум бўлса, мазкур баҳоловчи белги ҳар иккала иштирокчини айблашга асос бўлади. Объектив белгилар жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектнинг маълум бир индивидуал белгиларига тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан, агар кичик ёшдаги вояга етмаган шахснинг номусига тегишда жиноят бажарувчиси жабрланувчи ўн тўрт ёшга етмаганлигини билмаганида, бироқ бу ҳақда жабрланувчи ўн олти ёшда деб бажарувчига хабар қилган жиноят ташкилотчисига маълум бўлганида, бажарувчи ўн тўрт ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш жинояти учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Ёки, масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳаётига тажовуз қилиш жинояти (ЖК 158-моддаси 1-қисми) фақат, жабрланувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти эканлиги маълум бўлган шароитда содир қилиниши мумкин. Агар иштирокчилардан бири, бошқа шахслар билан биргаликда ҳаракат

қилган ҳолда, кўрсатилган вазиятни англамаса, унинг ҳаракатлари бошқа иштирокчилардан фарқли, ЖК 158-моддаси 1-қисми бўйича эмас, ЖК 97-моддаси бўйича қасддан одам ўлдириш деб квалификация қилиниши шарт.

Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар таркиби субъектив томонининг ақлий (интеллектуал) элементи жиноят иштирокчилари ўз қилмишларининг, биргаликдаги ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англаши, иродавий элементи эса, жиноий натижага эришиш нияти ёки биргаликдаги хатти-ҳаракатларини бирлаштириш орқали бу натижага эришилишига онгли йўл қўйишда ифодаланадиган қасд билан белгиланади. Бироқ, шуни яна бир бор таъкидлаб ўтамизки, суд-тергов амалиётида моддий мукофот эвазига (ёлланма тарзда) одам ўлдириш ҳолатидаги иштирокчиларнинг ҳаракатларини юридик баҳолашда алоҳида ёндашув ишлаб чиқилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми тушунтиришларига мувофиқ, «Қотиллик учун ҳақ ваъда қилган ташкилотчи (буюртмачи)нинг ҳаракатлари у қайси сабабларга кўра шундай қилганлигидан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 28-, 97-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинмоғи керак»[1]. Масалан, агар қасддан одам ўлдириш жинояти содир этилганда ёрдамчи бажарувчининг жабрланувчи билан ёмон муносабатда бўлганлиги сабабли «оддий» қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-моддаси 1-қисми) содир этилган бўлса-ю, кейинчалик жабрланувчига нисбатан ҳеч қандай нафрат бўлмаганлиги ва бажарувчи тамагирлик ниятида қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлиги аниқланса, ёрдамчи бажарувчи томонидан содир этилган жиноят квалификация белгили эмас, балки оддий қасддан одам ўлдириш жинояти учун жавобгарликка тортилади.

Агар объектив ёхуд субъектив белгилар қайсидир иштирокчи шахси билан боғлиқ бўлса, бу белги ҳақида бошқа иштирокчилар билиш-билмаслигидан қатъи назар, шу шахсни айблашга асос бўлади. Масалан,

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 14-банд, 2-хатбоши // Тўплам, 2-жилд. – 197-б.

ўғриликни такроран содир этишда такрорийлик белгиси жиноятни такроран содир этган шахсга тегишли бўлади, иштирокчиларнинг бирида рецидив бўлиши эса айнан мана шу иштирокчига нисбатан рецидивнинг тан олинишини англатади.

Иштирокчиларнинг жазосини индивидуаллаштиришда ҳам худди шу қоида амал қилади. Иштирокчилардан бирининг шахсига мансуб енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар фақат шу иштирокчига жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

Бажарувчининг қилмиши жиноят барча иштирокчиларининг ҳаракатлари натижаси бўлганлиги сабабли бу иштирокчилар муайян тарзда бажарувчининг қилмишлари билан боғлангандир. Бу боғланиш ташкилотчи ёки далолатчи томонидан кўзда тутилган жиноят таркиби объектив томони улар жиноий қасдга ундаган шахс томонидан амалга оширилиши билан тўлдирилади. Шу билан бирга ташкилотчиси, далолатчиси билан улар томонидан ташкил этилган бажарувчи фаолияти сабабий боғланиш жиноий-ҳуқуқий маънодаги оқибат бўлиб келувчи бу фаолиятнинг натижаси юзага келишигача давом этади. Шу сабабли, иштирокчи ҳаракатларидаги тугалланган жиноят таркиби бажарувчи томонидан муайян жиноят таркибининг объектив томони барча мажбурий белгиларининг амалга оширилишида бўлади.

Моддий таркибли жиноятларда бажарувчининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида қонунда назарда тутилган оқибатларнинг юзага келиши етарли ҳисобланади. Формал таркибли жиноятларда бажарувчи қонун билан тақиқланган қилмишни содир этиши лозим. Фақат шу ҳолдагина ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчиларнинг ҳаракатлари тугалланган деб баҳоланиши керак. Агар бажарувчи у ёки бу сабабларга кўра, ўз қилмишини охирига етказмаган бўлса, жавобгарлик жиноятга суиқасд қилиш ёки жиноят содир этишга тайёргарлик учунгина юзага келади. Худди шундай тарзда бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатларини ҳам квалификация қилиш лозим: улар суиқасдни ташкиллаштирганлари ёки жиноятга тайёргарлик кўрганлари

учун, суиқасдга ёки жиноятга тайёргарликка қизиқтирганлари учун, ва ниҳоят, жиноятга суиқасд ёки тайёргарликка ёрдам берганликлари учун жавобгарликка тортилади.

Иштирокчилар бошлаб берган сабабий қаторни давом эттирувчи бажарувчи фаолияти уларнинг қасди билан қамраб олинган натижада айблаш ҳажмини белгилаб беради. Бажарувчи жиноят ривожланишининг муайян босқичида жиноятга суиқасд қилиш ёки тайёргарлик кўриш босқичида тўхтаган ҳолларда юзага келмаган натижада иштирокчиларни айблаш мумкин эмас. Улар бажарувчи содир этган қилмиш учунгина жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Жиноят иштирокчилари ҳаракатларининг квалификацияси, шунингдек, иштирокчилик шаклига боғлиқ бўлади ва махсус белгилар билан ифодаланади. Жумладан, ЖКда қайд этиладики, олдиндан тил бириктирган гуруҳ, жиноий гуруҳ ва жиноий уюшманинг ташкилотчилари ҳамда аъзолари тайёргарлик кўрилиши ёки содир этилишида ўзлари қатнашган барча жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар **(ЖК 30-моддаси 2-қисми)**; уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма ташкил этган ёки уларга раҳбарлик қилган шахслар шу гуруҳ ёки уюшма содир этган барча жиноятлар учун, башарти, бу жиноятлар уларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган бўлса, жавобгарликка тортиладилар **(ЖК 30-моддаси 3-қисми)**.

Биринчи ҳолатда олдиндан тил бириктирган гуруҳ таркибида жиноят содир этган иштирокчилар ҳаракатлари ЖК 28-моддасини қўлламасдан квалификация қилинади, чунки уларнинг барчаси биргаликдаги бажарувчилар деб тан олинадилар.

Охирги ҳолатда қонун чиқарувчи уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма ташкилотчиси ва раҳбарларига мазкур жиноий тузилмалар аъзолари ёки уларнинг манфаатларида ҳаракат қилган бошқа шахслар содир этган барча жиноятлар учун жавобгар эканлигини белгилайди. Шу билан бирга, содир қилинган жиноятлар уюшган гуруҳ, жиноий уюшма ёки унинг структуравий бўғинлари ташкилотчилари ва раҳбарлари қасди билан қамраб олинган

бўлиши, гуруҳ иштирокчилари эса мазкур жиноятларга тайёргарлик кўришда бевосита иштирок этишган бўлиши шарт, ушбу жиноятлар содир этилишида кейинги иштироки ёхуд иштирок этмаганлиги аҳамияти йўқ. Агар уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшманинг бирорта аъзоси томонидан содир қилинган қилмиш кўрсатилган жиноий тузилмалар ташкилотчиси (раҳбари) қасди билан қамраб олинмаган ва сабабий жиҳатдан боғланмаган бўлса, бажарувчи эксцесси ҳолати юзага келади.

5-§. Жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарликнинг махсус масалалари

Жиноятда иштирокчилик учун жавобгарликнинг махсус масалалари иштирокчилар ҳаракатларини квалификация қилиш учун муҳим аҳамиятга эга ҳолатлар, хусусан, бажарувчининг эксцесси, иштирокчиларнинг жиноятдан ихтиёрий қайтиши, махсус субъект ва шунга ўхшаш ҳолатлар билан боғлиқ.

Бажарувчи эксцесси тушунчасининг (лотинча excessus – чекиниш, оғиш, бўйин товлаш) қонуний мустаҳкамланиши **ЖК 30-моддаси 4-қисмида** ифодаланган бўлиб, унда бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмиш учун уни содир этган шахс жавобгар бўлиши белгиланади.

Бажарувчи эксцесси ЖКда назарда тутилган ҳар қандай иштирокчилик шаклида бўлиши мумкин, бунда бажарувчининг бошқа иштирокчилар билан олдиндан келишилмаган мустақил ҳаракатлари юридик аҳамият касб этиши шарт. Масалан, одам ўлдириш жинояти олдиндан келишиб олинганидек кеч оқшомда эмас, кундузи содир этилган ёхуд ўқотар эмас, совуқ қурол ёрдамида содир этилган бўлса, эксцесс ҳолати мавжуд бўлмайди, зеро, мазкур шарт-шароитларнинг амалга оширилган иш квалификациясига ҳеч қандай таъсири йўқ. Эксцессда иштирокчиларнинг биргаликдаги жиноий фаолияти юзасидан объектив асослар (иштирокчилар ҳаракатлари билан содир қилинган жиноят ўртасидаги сабабий боғланиш), субъектив асослар

(бажарувчилар ўртасидаги субъектив алоқалар) мавжуд бўлмайди, бу эса қолган иштирокчиларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш имконини беради.

Эксцесс бажарувчи сифат ва миқдор белгиларига кўра, бажарувчи ҳаракатлари умумий жиноий ниятдан қанчалик четга чиқиши характерига боғлиқдир.

Сифат кўрсаткичли эксцессда бажарувчининг ҳаракатлари бошқа иштирокчилар билан келишиб олинган жиноятлар билан бир қаторда яна бир ёки бир неча жиноят содир этишни зиммасига олади. Масалан, талончилик содир этиш учун тил бириктиришда иштирокчилардан бири ўзганинг мулкини талон-торож қилгандан сўнг қасддан жабрланувчини ўлдиради ёки қонунга хилоф равишда гиёҳванд ва психотроп моддаларни эгаллаб олади. Бу ҳолда, бажарувчи содир қилинган жиноятлар жами бўйича ёхуд амалда содир қилинган жинояти ва биргаликда қасд қилган жиноятга тайёргарлик учун жавобгарликка тортилиши ҳам мумкин. Бунда, бошқа иштирокчилар фақат биргаликда қасд қилган жиноят ёки унга тайёргарлик кўриш учун жавобгарликка тортиладилар.

Миқдор кўрсаткичли эксцессда бажарувчи бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган жиноятни содир қилади, лекин унинг оқибати бошқа иштирокчилар ўйлаганидан кўра оғирроқ бўлади (масалан, ўртача оғир тан жароҳатлари ўрнига – оғир тан жароҳатлари, талончилик ўрнига – босқинчилик) ёки олдиндан тил бириктирилган жиноятнинг квалификацияли турини содир этади (оддий одам ўлдириш ўрнига – ўта шафқатсизлик билан). Бажарувчи эксцессининг мазкур турида бошқа иштирокчилар ўзларининг нияти билан қамраб олинган тугалланган жиноят учун ёки тугалланмаган жиноят (тайёргарлик кўриш ёхуд суиқасд) учун жавобгарликка тортилишади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида «муваффақиятсиз иштирокчилик» тушунчасига доимо алоҳида урғу берилиб, кенг маънода у натижасиз (самарасиз) жиноий ташкилотчилик, далолатчилик ёки ёрдамчилик фаолияти

сифатида тушунилган, зеро, бу ҳолатда бажарувчи жиноят содир қилишга умуман ният қилмаган ёки жиноят содир қилишдан ихтиёрий қайтган бўлади[1].

Мазкур ҳолатларда бажарувчи умуман жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, жиноятнинг бошқа иштирокчилари эса иштирокчиликда жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш учун (бажарувчи жиноятдан қайси босқичда бош тортганига боғлиқ) жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, иштирокчилар жиноий қасдини охиригача етказмаган бўлса (масалан, жиноий фаолиятга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки бошқа шахслар томонидан чек қўйилган), унинг ҳаракатлари тугалланмаган жиноят тўғрисидаги нормалар асосида (25-моддага ҳавола қилиб) квалификация қилинади, бошқа барча иштирокчиларнинг ҳаракатлари эса ЖК 25–28-моддалари ва ЖК Махсус қисми тегишли моддаси бўйича квалификация қилинади.

Умуман, иштирокчиликда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ҳуқуқига нафақат бажарувчи, балки бошқа ҳаракатдаги шахслар ҳам эга. Ихтиёрий қайтиш исталган иштирокчида, иштирокчиликнинг ҳар қандай шаклида, жиноятни бажаришнинг ҳар қандай босқичида, бироқ жиноий оқибат юзага келган пайтга қадар амалга оширилиши мумкин. Бунда ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчининг ихтиёрий қайтишига нисбатан қонун қаттиқроқ талаблар белгилайди. Жумладан, **ЖК 30-моддаси 5-қисмига** мувофиқ, «Ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи жиноятдан ихтиёрий равишда қайтиб, жиноятнинг олдини олиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча чораларни ўз вақтида кўрганлиги жиноятда иштирокчилик учун жавобгарликни истисно қилади». Мазкур қоидадан аниқ-равшан маълум бўладики, ташкилотчининг, далолатчининг ёки ёрдамчининг ихтиёрий рад этиши фақат фаол бўлиши, яъни тайёрланаётган жиноятнинг бартараф

[1] При неудавшемся соучастии отсутствуют либо преступные деяния исполнителя, либо объективная связь между его деяниями и деяниями других соучастников, в силу чего намерения последних остаются нереализованными, несмотря на все их усилия.

этилишини таъминловчи ҳаракатларда ифодаланиши даркор. Ҳокимият органларига вақтида хабар беришдан ташқари яна ташкилотчи ёки далолатчи бажарувчига жиноят содир этмасликка, ёрдамчини бажарувчига кўмаклашмасликка кўндиришда, тажовуз қаратилган шахсни ўз вақтида огоҳлантиришда ифодаланадиган бошқа чоралар ҳам кўрилиши лозим. Бунда жиноят ташкилотчиси ёки далолатчининг бажарувчини кўндириш туридаги ихтиёрий қайтиши моддий таркибли жиноятда жиноий натижанинг олдини олиш, формал таркибли жиноятларда эса, бутун объектив томоннинг амалга оширилишининг олдини олиши лозимлиги шарти билангина бўлиши мумкин. Акс ҳолда, ташкилотчи ва далолатчи содир этилган қилмиш учун жавобгарликка тортилади, уларнинг жиноятнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлари эса суд томонидан жазо тайинлаш вақтида енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин.

Ёрдамчи ўзининг ҳаракатсизлиги билан жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишни ифодалаши мумкин. Бироқ ёрдамчи бундай хулқ-атворини баҳолашда муайян вазиятдан келиб чиқиши лозим, яъни ёрдамчининг ҳаракатсизлиги жиноятда иштирокчиликдан ихтиёрий қайтиш сифатида, агар бу ҳаракатсизлик у бажариши лозим бўлган ҳаракатларни амалга оширмаслигида ифодаланган бўлса, масалан, бажарувчига сейф калитини тақдим этишга ваъда бериб, сўзининг устидан чиқмаган бўлса, тан олиниши мумкин. Бу вазиятда, агар бажарувчи жиноят содир этишга қарор қилса, унинг ҳаракатлари ёрдамчининг ҳаракатлари билан сабабий боғлиқликда бўлмайди.

Шу билан бирга, ёрдамчининг ихтиёрий қайтишини ёрдамчиликнинг туридан келиб чиқиб алоҳида ажратилган ҳолда кўриб чиқиш лозим. (Руҳий) ақлий ёрдамчининг ихтиёрий қайтиши бажарувчига ёрдам беришга, кўмаклашишга қаратилган ўзининг барча ҳаракатларини тўлиқ нейтраллаштиришида ифодаланиши лозим. Гап шундаки, ёрдамчининг маслаҳат ва кўрсатмалари уларнинг бажарувчига маълум қилинганидан сўнг охиргиси томонидан ёрдамчининг иродасидан қатъи назар, ишлатилиши

мумкин, бу эса ёрдамчи ҳаракатлари ва бажарувчи содир этган жиноят ўртасидаги сабабий боғланишни келтириб чиқаради. Ихтиёрий қайтиш мажбурий элемент сифатида жиноий натижанинг юз бермаслигини тақозо этганлиги сабабли, ёрдамчининг ихтиёрий қайтиши ҳақида, фақат у ўз ҳаракатлари оқибатларини тўлиқ бартараф этганидан сўнггина намоён бўлиши мумкин. Агар ёрдамчининг мазкур интилишлари натижасиз якунланса, жиноят содир этилса, унинг ҳаракатлари ихтиёрий қайтиш сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас.

Мазкур масала жисмоний ёрдамчиликда бир оз бошқача ҳал қилинади. Бундай ҳолларда, кўпинча жиноят содир этилишини енгиллаштириши лозим бўлган жиноят қуроли ва воситаларини тақдим этмасликда, шунингдек, жиноят содир этилишига тўсиқларни бартараф этмасликда, агар бу тўсиқларни бартараф этиш ташаббуси ёрдамчининг ўзидан чиққан бўлса, ифодаланадиган ёрдамчининг пассив хулқ-атвори етарли бўлади.

Агар биргаликдаги бажарувчи бошқа бажарувчилар томонидан жиноят содир этилишига кўмаклашувчи ёки уни осонлаштирувчи ҳаракатларни содир этишни бошламаган бўлса, ихтиёрий қайтиш унинг пассив хулқида, яъни биргаликдаги бажарувчиликни ташкил этувчи ҳаракатлардан ўзини сақлашда ифодаланиши зарур. Бундай ҳолларда шахснинг жиноий жавобгарлиги истисно этилади, бироқ у **ЖК 241-моддаси 2-қисмида** кўрсатилган шартларнинг мавжудлигида жиноят ҳақида хабар бермаганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Агар бажарувчи жиноятни охиригача етказишдан бош тортса ёки ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда бажара олмаса ва ҳаракатни содир этса, иштирокчиларнинг ҳаракатини квалификация қилиш қийинлашади. Бундай ҳолда ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи ташкилотчилик, далолатчилик, ёрдамчиликка суиқасд қилганлик учун жавобгар бўладилар.

Махсус субъектли жиноятларда иштирокчиликни квалификация қилиш масаласи ҳам алоҳида кўриб чиқишни талаб этади. Афсуски, ушбу масала ҳали тўлиқ ҳал қилинмаган. Шунинг учун мазкур вазиятда Ўзбекистон

Республикасининг жиноят-ҳуқуқий доктринаси ва суд-тергов амалиётига таяниш даркор. Уларни таҳлил қилишдан шу нарса келиб чиқадики, махсус субъект белгиларига мос келмайдиган шахслар тегишли жиноятни бевосита бажарувчилар ҳам, биргаликда бажарувчилар ҳам бўлишлари мумкин эмас, уларнинг махсус субъектли жиноятни содир этишдаги иштироки фақат ташкилотчилик фаолиятида, далолатчилик ёки ёрдамчиликда намоён бўлиши мумкин. Хусусан, агар ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида махсус кўрсатилган жиноят субъекти бўлмаган шахс бевосита ушбу жиноятни содир этган бўлса, яъни амалда тўлиқ ёки қисман унинг объектив томонини бажарган бўлса, бу шахс мазкур жиноят учун ЖК 28-моддасининг тегишли қисмига ҳавола қилинган ҳолда жиноий жавобгарликка тортилиши шарт.

Шуни назарда тутиш керакки, махсус субъектли жиноятда иштирокчилик вазиятини шахс жиноий жавобгарлик ёшига етмаган ёки ақли норасо бўлган ҳолатлардан ажрата билиш зарур. Кўрсатилган икки ҳолатда иштирокчилик ҳақида эмас, балки билвосита (воситачи) бажарувчилик ҳақида гап кетади.

6-§. Жиноятга дахлдорлик

NOTA BENE !

Жиноятга дахлдорлик – бу жиноий дахлдорликнинг жиноят ҳақида олдиндан ваъда бермаган ҳолда хабар қилмаслик, олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноятчини яширганлик ва олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноятга йўл қўйганликда ифодаланувчи бажарувчининг қилмиши билан сабабий боғланишда бўлмаган шаклидир.

Дахлдорлик иштирокчиликдан шу билан фарқланадики, бунда жиноятга дахлдор шахслар содир этилган жиноятга муайян муносабатда дахлдор бўлсалар-да, у билан сабабий боғланишда бўлмайдилар, жиноий натижанинг келиб чиқишига кўмаклашмайдилар.

Жиноятга дахлдорлик жиноий жавобгарликни келтириб чиқарадиган ва жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайдиган бўлиши мумкин. Жиноий жавобгарликни келтириб чиқарадиганларга олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят содир этилаётганлиги ёки жиноят содир этилганлиги ҳақида аниқ била туриб, олдиндан ваъда бермаган ҳолда ҳокимият органларига хабар қилмаслик ёхуд жиноят содир қилишга йўл қўйиб бериш[1] (ЖК 205-, 208-моддалари ва бошқалар), олдиндан ваъда бермаган ҳолда хабар қилмаслик ва олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширганлик, агар мазкур ҳолатлар ўта оғир ва оғир жиноятлар билан боғлиқ бўлса (ЖК 241-моддаси), кабиларни айтиш мумкин.

Жиноятга дахлдорликнинг ижтимоий хавфлилиги шундан иборатки, у ҳуқуқни муҳофаза этиш органларига ўз фаолиятини, хусусан, жиноят содир этишнинг олдини олиш фаолиятини самарали амалга оширишга тўсқинлик қилади. Жиноят ҳақида хабар қилмаслик, жиноятни яшириш сингари, жиноятчиларда ёки жиноят содир этиш ниятида бўлган шахсларда жазосиз қолиш ҳиссини вужудга келтиради, онгда салбий тасаввурни шакллантиради, муайян ҳолларда оғир ва ўта оғир жиноят содир этган айбдор шахсларнинг жавобгарликдан ва жазодан қутулиб қолишига ёрдам беради.

ЖК 31-моддаси 1-қисми тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноят ҳақида **олдиндан ваъда бермаган ҳолда хабар қилмаслик** шаклини кўриб чиқади.

Олдиндан ваъда қилинмаган хабар бермасликнинг **объектив томони** ҳаракатсизликдан, яъни оғир ёки ўта оғир жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги, жиноят содир этилаётганлиги ёки жиноят содир этилганлиги ҳақида аниқ била туриб хабар бермасликдан иборат пассив хулқ-атворда ифодаланади.

Кўп ҳолларда, жиноят ҳақида хабар бериш, аввалambор, фуқаровий бурч бўлганлиги сабабли хабар қилмаслик ахлоқий нуқтаи назардан кўриб

[1] Надо сказать, что такая форма прикосновенности к преступлению как попустительство в УК не предусмотрена (ст. 31), однако она выделяется в теории уголовного права, в связи с чем, ее отдельное рассмотрение представляется целесообразным.

чиқилиши лозим. Бироқ баъзи ҳолларда, айниқса, қонун чиқарувчи томонидан энг хавфли деб белгиланган ҳолларда (улар тажовузнинг ижтимоий хавфлилик даражасида ифодаланади) Жиноят кодексининг 241-моддаси мазмунида жиноий жазога сазовор қилмиш сифатида кўриб чиқилиши лозим.

Тайёрланаётган жиноят – жиноятга тайёргарлик кўришда ифодаланадиган тугалланмаган жиноят босқичидир. У жиноят содир этиш шароитларини яратиш, жиноят содир этиш режаларининг ишлаб чиқилиши, иштирокчиларнинг қидириб топилишига қаратилган ҳаракатларда ва ижтимоий хавфли қилмиш содир этишга бўлган бошқа шу каби тайёргарлик ҳаракатларида ифодаланади. Бундан ташқари, жиноятга тайёргарлик зарур қуролга эга бўлиш, атрофни ўрганиш, иштирокчиларни қидириш ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин.

(Жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш ҳақида батафсилроқ мазкур том IX бобининг «Жиноят содир этишга тайёргарлик» деб номланувчи 2-§ га қаранг.)

Содир этилаётган жиноят – суиқасдда ифодаланадиган тугалланмаган жиноят босқичидир. Амалиётда ҳар хил махсус акт жиноий жазога сазовор қилмишни ташкил этадиган, аммо умуман олганда тугалланган жиноят таркибини ташкил этмайдиган давомли жиноятлар ҳам учрайди. Бу кабилар ҳам содир этилаётган жиноят деб топилиши лозим.

(Жиноят содир этишга суиқасд ҳақида батафсилроқ мазкур том IX бобининг «Жиноят содир этишга суиқасд» деб номланувчи 3-§ га қаранг.)

Содир этилган жиноят жиноят таркиблари формал ва моддий конструкцияларидан келиб чиқиб, тугалланган жиноятдир. У ЖК Махсус қисми аниқ моддалари конструкциялари бўйича тугалланган жиноят таркибини ташкил қиладиган ҳаракатларда ўз ифодасини топади.

Хабар бермасликни тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноят ҳақида аниқ била туриб айбдорнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва судларга

маълум қилмаганлигида қайд этиш мумкин. Мазкур органларни хабардор қилишлик оғзаки ёки ёзма; шахсан ёки бошқа шахслар ёрдамида; маълумот ким томонидан берилаётганлигини кўрсатиб ёки аноним тарзда ва ҳоказо кўринишида амалга оширилиши мумкин, бунда маълумот бериш шакли ва тури аҳамиятга эга эмас. Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга берилаётган маълум бўлган тайёрланаётган жиноят, содир этилаётган жиноят ёки содир этилган жиноятлар ҳақидаги маълумотлар тўлиқ ва ўз вақтида етказилиши даркор. Яъни, шахс жиноят билан боғлиқ унга маълум бўлган барча маълумотларни жуда тез вақт ичида хабар бериши шарт.

Тугалланмаган ёки тугалланган жиноят ҳақида хабар бермаслик жиноят фактининг мавжудлиги учун асосий шартлардан бири – айбдор шахс хабардорлигининг ҳақиқийлигидир.

Жиноятчи хабардорлигининг ҳақиқийлиги шуни англатадики, унга аён бўлган фактлар, бошқа шахс ёки шахслар томонидан содир этилаётган қилмишнинг жиноятлиги унда ҳеч қандай шубҳа-гумон уйғотмайди. Бунда, айбдор шахс шуни тушуниб етиши керакки, тайёрланаётган жиноят, содир этилаётган жиноят ёки содир этилган жиноятлар ўзининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра оғир ва ўта оғир жиноятлар категориясига киради.

Субъектив томондан айбдор тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноятни аниқ била туриб хабар бермаётганлигини билади, ўз ҳаракатлари характерини англайди, бу ҳаракатлар оқибатини олдиндан кўра билади ҳамда истайди ёхуд шунга онгли равишда йўл қўяди. Бунда мотив ва мақсад жиноий-ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

ЖК 31-моддаси 2-қисми дахлдорликнинг олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширганлик шаклини белгилайди. Унинг ижтимоий хавфлилиги жиноятни фош этишда қийинчиликлар туғдиришидадир.

Олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноятни яширганлик – жиноят тугалланишигача бажарувчига ваъда берилмаган яширишдир. У жиноят билан сабабий боғланишда бўлмайди, шу ҳолат билан олдиндан ваъда берган ҳолда яшириш шаклидаги ёрдамчиликдан фарқ қилади.

Олдиндан ваъда бермасдан жиноятни яшириш **объектив томондан** айнан ҳаракатларда, яъни жиноятчига жисмоний кўмак бериш, у яшириниши мумкин бўлган турар жойни тақдим этиш орқали уни одил судлов органларидан яшириш, уни қалбаки ёки ўзга шахсларга тегишли ҳужжатлар билан таъминлашда ифодаланади.

(Жиноятчини, жиноят воситалари ва қуроллари, жиноят излари, жиноий йўл билан топилган нарсаларни яшириш тушунчаси ҳақида батафсилроқ мазкур бобнинг «Жиноят иштирокчиларининг турлари» деб номланувчи 2-§ га қаранг.)

Жиноятда ёрдамчиликдан фарқлироқ, уни яширганлик жиноятга дахлдорликнинг шакли сифатида шундан келиб чиқадики, яширишга розилик жиноят тугалланганидан кейин берилади ва шунинг учун у жиноят билан сабабий-оқибат боғлиқликда бўлмайди. Олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширишни унинг объектив томонига кирадиган ҳаракатлардан бири бажарилган пайтдан бошлаб тугалланган деб ҳисоблаш лозим.

Олдиндан ваъда қилмаган ҳолда жиноий йўл билан топилганлиги аниқ аён бўлган мулкни олиш олдиндан ваъда бермаган ҳолда яшириш деб қаралиши мумкин эмас, чунки бу қилмиш ЖК 171-моддасида жавобгарлик белгиланган жиноятнинг мустақил таркибини ташкил қилади.

Яшириш **субъектив томондан** фақат **тўғри қасд** билан амалга оширилади. Яширувчи, биринчидан, ўта оғир ёки оғир жиноятни яшираётганлигини, иккинчидан, ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавф-лилигини англайди. Шахс жиноятни яширганлик учун фақат ўзи билган жиноят учунгина жавобгарликка тортилиши мумкин. Жиноятни яшириш жиноятининг таркиби формал бўлганлиги сабабли айбдор ўзи амалга ошираётган ҳаракатларнинг содир этилишини хоҳлайди.

Фақат 16 ёшга етган шахслар олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик учун жавобгарликка тортиладилар. Бунда **ЖК 31-моддаси 3-қисмига** кўра, олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари жавобгарликка тортилмайди. ЖК Махсус қисмининг саккизинчи бўлимида изоҳланишича, яқин қариндошларга қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, неваралар, шунингдек, эр-хотиннинг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари киради.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят ҳақида хабар бермаганлик ва уни яширганлик билан бирга, жиноятга дахлдорликнинг ЖК Умумий қисмида назарда тутилмаган учинчи шакли – жиноятга йўл қўйиб бериш ҳам ажратиб кўрсатилади.

Олдиндан ваъда бермаган ҳолда йўл қўйиб бериш жиноятга тўсқинлик қилиши шарт бўлган ва бунга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган шахснинг жиноят содир этилишга тўсқинлик қилмаганлигидан иборатдир. Олдиндан ваъда қилинган ҳолда жиноятга йўл қўйиб бериш ёрдамчилик кўринишида жиноятда иштирокчиликни ташкил қилади.

Жиноятга йўл қўйиб бериш **объектив томондан** бирор шахс зиммасида хизмат ёки мансаб ҳолатига кўра, қонун тўғридан-тўғри кўрсатган бўлишига қарамай, ҳаракатсизлик, тайёрланаётган жиноятни бартараф этиш, содир этилаётган жиноятнинг олдини олиш ёки жиноят содир этган шахснинг келгуси жиноий фаолиятига тўсқинлик қилиш чораларини кўрмасликда намоён бўлади.

Йўл қўйиб бериш **субъектив томондан тўғри қасд** билан тавсифланади. Айбдор ўз пассив хулқ-атворининг (ҳаракат қилишнинг реал имкони бўлгани ҳолда) ижтимоий хавфини тушунади ва шуни хоҳлайди.

Айтиш лозимки, олдиндан ваъда бермай жиноятга йўл қўйиб бериш хавф остида қолдириш (ЖК 117-моддаси), мулкни қўриқлашга виждонсиз

муносабатда бўлиш (ЖК 172-моддаси), ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (ЖК 205-моддаси), ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЖК 208-моддаси) каби жиноятларнинг алоҳида таркиби сифатида назарда тутилган.

«Жиноятда иштирокчилик» мавзуси юзасидан якуний саволлар

1. Иштирокчиликда содир этилган жиноятнинг юқорироқ ижтимоий хавфлилиги нимада?

2. Иштирокчиликнинг объектив белгилари нималардан иборат?

3. Иштирокчиликнинг субъектив белгилари нималардан иборат?

4. Жавобгарлик келиб чиқадиган ёшга тўлмаган, ақли норасо ёки айбсиз ҳолда ҳаракат қилган шахс билан иштирокчилик вужудга келиши мумкинми?

5. Жиноят иштирокчиларининг қандай турлари мавжуд? Жиноят иштирокчиларининг қандай тури энг хавфли кўринади ва нима учун?

6. Жиноятни билвосита содир этиш нима?

7. Бошқа шахснинг жиноятни содир этиш мақсадини қўллаб-қувватлаган шахс далолатчи деб топиладими?

8. Далолатчилик интеллектуал ёрдамчиликдан нима билан фарқланади?

9. Жиноят содир этилишини кузатган ва унинг олдини олиш бўйича ҳеч қандай чораларни кўрмаган шахс ёрдамчи деб топилиши мумкинми?

10. Иштирокчиликнинг қандай турлари ва шакллари ажратилади? Амалдаги қонунчиликка мувофиқ иштирокчиликни шаклларга таснифлашнинг қандай мезонлари бор?

11. Биргаликдаги бажарувчилик нима? Роллар тақсимоти билан иштирокчилик нима?

12. Биргаликдаги бажарувчилик (оддий иштирокчилик) ва роллар тақсимоти билан иштирокчилик (мураккаб иштирокчилик) мавжудлигида иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатларини квалификация қилиш қоидалари қандай?

13. Жиноят содир этишда оддий иштирокчилик деганда нима тушунилади? Бунда квалификация қилишнинг қоидалари қандай?

14. Мураккаб иштирокчилик нима? Унинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти нимада?

15. Уюшган гуруҳ деганда нима тушунилади?

16. Жиноий уюшма деганда нима тушунилади?

17. Бир гуруҳ шахслар деганда нима тушунилади? Агар иккинчи жиноят иштирокчиси ақли норасо шахс бўлган бўлса, гуруҳ мавжуд бўладими?

18. Уюшган гуруҳ ва жиноий уюшма ўртасидаги ҳамда уюшган гуруҳ ва олдиндан тил бириктирган бир гуруҳ шахслар ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

19. Жиноят иштирокчиларининг жавобгарлиги асослари ва доирасини таърифлаб беринг.

20. Бажарувчи эксцесси нима, унинг қандай турлари мавжуд?

21. Муваффақиятсиз иштирокчилик деганда нима тушунилади? Муваффақиятсиз иштирокчиликда ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчининг хатти-ҳаракатларини квалификация қилиш қоидалари қандай?

22. Жиноят иштирокчилари жиноятдан ихтиёрий равишда қайтишининг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.

23. Махсус субъектли жиноятларда иштирокчилик учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

24. Жиноятга дахлдорлик нима? Жиноятга дахлдорлик ва иштирокчилик ўртасидаги фарқ нимада?

25. Жиноятга дахлдорликнинг қандай турлари мавжуд, уларнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти нимадан иборат?

Қўшимча адабиётлар

Ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар

Абдумажидов Г.А., Абдурасулова К.Р. Правовой анализ организованной преступности и наркомании // Ж. Научные Труды Академии финансовой полиции. Вып.2. – Алматы.: Жеты жаргы. 2001. – 144–147-б.

Галиакбаров Р.Р. Борьба с групповыми преступлениями. Вопросы квалификации. – Кубань: Кубанский государственный аграрный университет, 2000. – 200 Б.

Козлов А.П. Соучастие: традиции и реальность. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2001. – 362 Б.

Топильская Е.В. Организованная преступность. – СПб.: «Юридический центр Пресс». 1999. – 256 Б.

Илмий мақолалар

Зуфаров Р.А. Институт соучастия в уголовном праве зарубежных стран // Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларга қарши курашнинг миллий тажрибаси: бугунги ҳолати ва қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2016 йил 25 апрель). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 45-54.

Ниёзова С.С. Бир гуруҳ шахслар томонидан жинсий жиноятларни содир этганлик учун жавобгарлик масалалари ҳамда жабрланувчининг хулқ-атворига доир айрим мулоҳазалар // Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларга қарши курашнинг миллий тажрибаси: бугунги ҳолати ва қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2016 йил 25 апрель). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 134-143.

Рустамбаев А.М. Общие черты и различия уголовно-правовых признаков групповой и организованной преступности // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. 2005. № 5 (27). – 39-43-б.

Рустамбаев А.М. Типичные недостатки практики привлечения к уголовной ответственности лидеров, организаторов преступных группировок // Вестник ТГЮИ, 2-ой выпуск. 2006. – 55–58-б.

Соттиев И.А., Якубов А.С. Критерии классификации и уголовно-правовое значение «простейших» форм соучастия // Конституция – ҳуқуқий давлат қуришнинг асоси. – Т.: 1996. – 163–166-б.

Щепельков В.Ф. Определение вида соучастников в преступлениях со специальным субъектом // Ж. Российский следователь. 2003. № 7. – 36–38-б.

Эрматов Ғ.О. Бир гуруҳ шахслар томонидан талончилик қилганлик учун жавобгарлик // Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларга қарши курашнинг миллий тажрибаси: бугунги ҳолати ва қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2016 йил 25 апрель). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 143-150.

Якубов А.С. Уголовно-правовые основы борьбы с организованными формами преступной деятельности в Республике Узбекистан // Ж. Маяк Востока. 1995. № 2. – 55–58-б.

XI БОБ. БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ

1-§. Бир қанча жиноят содир этиш тушунчаси ва турлари

Бир шахс томонидан бир вақтнинг ўзида ёки турли вақтда бир қанча жиноятларни содир этилиши тергов-суд амалиётида кўп учрайдиган ҳодисадир. Жиноят ҳуқуқида бу ҳодиса бир қанча жиноят содир этиш деб номланади.

Бир қанча жиноят содир этиш ҳуқуқий нуқтаи назардан тегишли ҳуқуқий оқибатларга олиб келувчи жиноятнинг муайян шаклларини акс эттирувчи жиноий-ҳуқуқий атама сифатида тавсифланиши лозим.

NOTA BENE !

Бир қанча жиноят содир этиш – бир шахс томонидан бир вақтнинг ўзида ёки кетма-кет тамомланган ёки тамомланмаган бўлишидан, шахсан ўзи ёки иштирокчиликда содир этилган ёки этилмаган бўлишидан қатъи назар, ушбу жиноятларни содир этганлик учун жиноий-ҳуқуқий оқибатлар мавжудлик шарти бўлганда, икки ёки ундан ортиқ ҳар бири жиноятларнинг мустақил таркибини ташкил этувчи жиноий қилмиш содир этишдан иборатдир.

Қуйидаги белгилар бир қанча жиноят содир этишга хосдир:

– ЖК Махсус қисмининг айнан бир моддасида, турли моддаларида ёки модданинг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг шахс томонидан содир этилиши;

– бир қанча жиноятни ташкил этувчи қилмишларнинг ҳар бири алоҳида жиноят бўлиши;

– шундай жиноий қилмишларни содир этиш фактидан келиб чиқадиган жиноий-ҳуқуқий оқибатларнинг мавжудлиги (жиноятлар бўйича судланганлик тугалланган ёки олиб ташланган бўлса ёхуд улар учун жиноий

жавобгарлик келиб чиқиши истисно қилинадиган бўлса, бу бир қанча жиноят содир этишни ташкил қилмайди).

Айбдорнинг бири ЖК 14-моддасига мувофиқ, жиноят деб ҳисобланмайдиган ва маъмурий ёки интизомий ҳуқуқбузарлик сифатида ёхуд ахлоққа хилоф ҳаракат сифатида квалификация қилинадиган, иккинчиси эса жиноят бўлиб ҳисобланадиган қилмишлари такроран жиноят содир этишни ташкил этмайди. Масалан, майда безорилик (МЖтК 183-моддасида кўзда тутилган) ва безорилик (ЖК 277-моддаси) такроран жиноят содир этиш (шу жумладан, бир қанча жиноят содир этиш)ни ташкил этмайди.

Бир қанча жиноят содир этиш айбдор шахсининг ҳам (шахснинг жиноятлар содир этишга, кўпинча профессионал жиноий фаолият билан шуғулланишга кўпроқ мойиллигини намоён қилади), умуман содир этилган қилмишнинг ҳам (натижада жиноят ҳуқуқи томонидан қўриқланадиган муносабатларнинг кенгроқ доираси зарар кўради, жамиятнинг бошқа беқарор аъзоларида жазоланмай қолиш мумкин деган хомхаёл уйғотади, жиноятлар бузилиши ва динамикасида кенг тарқалган ҳодисага айланади) ижтимоий хавфлилиги каттароқ эканлигидан далолат беради. Бу ЖК Махсус қисмининг кўп нормаларида акс этган бўлиб, бу моддалар санкцияларида бир қанча жиноят содир этишнинг турли кўринишлари (шакллари) учун кўпроқ жавобгарлик назарда тутилган.

Бир қанча жиноят содир этишнинг юридик мазмуни шундан иборатки, у жиноятларни квалификация қилишга тўғридан-тўғри таъсир ўтказади, жазо тайинлашнинг махсус қоидаларини (бир неча марта содир этилганда жазо тайинлаш ва бир неча ҳукм бўйича жазо тайинлаш) келтириб чиқаради, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш масалаларини ҳал қилишга, хусусан, ярашувга (ЖК 66^1-моддаси), шартли ҳукм қилиш (ЖК 72-моддаси), жазони ўташдан муддатидан олдин шартли равишда озод қилиш (ЖК 73-моддаси)га таъсир кўрсатади.

ЖКнинг Умумий қисмида бир қанча жиноят содир этишнинг учта кўриниши (шакли) ажратиб кўрсатилади: такроран жиноят содир этиш,

жиноятлар мажмуи, рецидив жиноят. Бунда мазкур кўринишларнинг таснифи ва нисбати тўғрисида юридик адабиётларда турли нуқтаи назарлар мавжуд. Бироқ уларни тадқиқ этиш мазкур ишимиз доирасидан четга чиқиб кетган бўлар эди. Таъкидлаб ўтамизки, биз қонун чиқарувчи томонидан ЖКнинг VIII бобида таклиф этилган таснифлашга қўшиламиз. Бундай таснифлаш қоидаларига биноан, бир қанча жиноят содир этиш шакллари такроран жиноят содир этиш, жиноятлар мажмуи, рецидив жиноят ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқи тегишли ҳуқуқий оқибатларни, яъни жиноятларни квалификация қилиш, жазо тайинлаш хусусиятлари, жавобгарлик ва жазодан озод қилиш хусусиятларини айнан шу ҳуқуқий тушунчалар билан боғлайди.

Бир қанча жиноят содир этиш турларининг шаклланишига жиноятларнинг бир хил, турдош ва ҳар хил турлари бирлашиб кетиши таъсир ўтказади.

Асосий ёки квалификация қилинувчи муҳим юридик белгилари бўйича тўла мос тушадиган жиноятлар **бир хил жиноятлар** деб тан олинади[1]. Масалан, қасддан одам ўлдириш ва ўта шафқатсизлик билан содир этилган худди шундай одам ўлдиришни бир хил жиноят деб топиш лозим. Қилмишнинг квалификация қилинишга таъсир этадиган иккинчи йўл билан алоҳида усулда одам ўлдириш бу жиноятларнинг бир хил эканлигини ўзгартирмайди, чунки ҳар иккала ҳолатда ҳам жиноят содир этиш усули (бошқа одамни ҳаётдан маҳрум қилиш), шунингдек, қилмишнинг бошқа муҳим юридик белгилари (тажовуз объекти, айб шакли, субъектнинг белгилари) бир хилдир.

Тажовуз объекти, айб шакллари бўйича ўхшаш, лекин қилмишнинг объектив томони белгилари, унинг мотивлари ва мақсадларига кўра

[1] Данный вывод, в частности, следует из анализа положений постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О практике назначения судами уголовного наказания», где в ч.6 п.49 указано, что «при признании лица виновным в совершении **тождественных деяний, предусмотренных разными частями одной и той же статьи Особенной части Уголовного кодекса**, наказание назначается по той части статьи, которой установлено более строгое наказание (статья 33 УК)» (см.: Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 3 февраля 2006 г. № 1 «О практике назначения судами уголовного наказания» // Сборник, Т.2. – С. 505).

фарқланадиган жиноятлар **турдош жиноятлар** ҳисобланади. Масалан, номусга тегиш (ЖК 118-моддаси) билан жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабиий усулда қондириш (ЖК 119-моддаси), талончилик (ЖК 166-моддаси) билан ўғрилик (ЖК 169-моддаси) турдош жиноятлардир.

Муҳим юридик белгилари бўйича тўла фарқ қиладиган жиноятлар **ҳар хил жиноятлар** ҳисобланади. Масалан, номусга тегиш (ЖК 118-моддаси) ва давлатга хиёнат қилиш (ЖК 157-моддаси), фирибгарлик (ЖК 168-моддаси) ва безорилик (ЖК 277-моддаси) ҳар хил жиноятлардандир.

Бир қанча жиноят содир этишни битта мураккаб жиноятлардан: давомли, узоққа чўзилган ва таркибли жиноятлардан ажрата билиш керак.

Бир қанча жиноят содир этишга хос бўлган хусусият бир неча алоҳида жиноятлардир. Тегишлича алоҳида бир жиноят бир қанча жиноят содир этишнинг таркибий элементидир. ўзининг объектив белгиларига кўра алоҳида жиноятлар бир-биридан анча фарқ қилади. Юридик адабиётларда уларни оддий ва мураккаб жиноятларга бўлиш қабул қилинган.

Оддий алоҳида жиноятлар уч турга бўлинади: бир оқибатни келтириб чиқарувчи бир ҳаракатли (ҳаракатсизликка эга) жиноятлар; бир қилмишли ва бир неча оқибатли жиноятлар; икки ёки ундан ортиқ қилмишли жиноятлар; муқобил қилмишли жиноятлар.

Масалан, одам ўлдириш оддий алоҳида жиноятга мисол бўла олади. Бунда бир қилмиш бир оқибатни – жабрланувчининг ўлимини келтириб чиқаради. Ўғрилик ҳам шундай жиноят ҳисобланади. Бунда бир қилмиш – ўзганинг мулкини яширинча талон-торож қилиш, бир оқибат – мулк эгасига мулкий зиён етказиш мавжуд.

Оддий алоҳида жиноят оқибатлари тегишли таркиб доирасидан ташқарида бўлган (формал таркибли жиноятлар) бир қилмишдан иборат бўлиши мумкин. Ўлдириш билан қўрқитиш ёки зўрлик ишлатиш (ЖК 112-моддаси), ёлғЮон гувоҳлик бериш (ЖК 238-моддаси) шунга мисол бўла олади.

Қонунда кўрсатилган бир неча оқибатни келтириб чиқарган бир қилмишли жиноятларга мисол ЖК 204-моддасининг 1-қисми бўлиши мумкин, бунда бир ҳаракат – алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар тартибини бузиш ва икки оқибат – катта зарар ёки бошқа оғир оқибатлар кўрсатилган.

Икки ҳаракатли оддий алоҳида жиноятларга мансаб сохтакорлиги (ЖК 209-моддаси 1-қисми) мисол бўла олади. Бу ерда ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиш ва уларни тақдим этиш ушбу қилмишни содир этишнинг вариантларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Муқобил қилмишли оддий алоҳида жиноятларга, қисман, мансабдор шахснинг суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорини қасддан бажармаслиги ёхуд уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилиши киради. Ушбу ҳолатда жиноий жавобгарликка тортиш учун кўрсатилган ҳаракатлардан ҳеч бўлмаганда биттасининг содир этилиши етарлидир (масалан, фақат мазкур суд ҳужжатларининг бажарилишга тўсқинлик қилиш).

Мураккаб алоҳида жиноятларнинг турлари, юқорида қайд этилганидек, давомли, узоққа чўзилган ва таркибли жиноятлардир.

Давомли, узоққа чўзилган ва таркибли жиноятлар қонун чиқарувчига белгиларнинг ҳар бирини ЖКнинг муайян моддаси ёки модда қисмида тасвирланган таркибга бирлаштиришга имкон берадиган объектив ва субъектив белгиларнинг мустаҳкам юридик умумийлиги билан тавсифланади[1].

NOTA BENE !

Давомли жиноят деганда, ягона мақсад йўлида амалга ошириладиган умумий қасд доирасида бирлашган икки ва ундан ортиқ ижтимоий хавфли ҳаракатлар тушунилади.

[1] Уголовное право России. Часть Общая: учеб. для вузов: учеб. для студентов вузов, обучающихся по специальности «Юриспруденция» / Отв. ред. проф. Л.Л. Кругликов. 2-е изд., перераб. и доп. – С. 326.

Давомли жиноятларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, барча жиноятларнинг ўзаро боғлиқлиги бир бутунни ташкил қилишда намоён бўладиган барча эпизодларнинг ягоналигидадир. Давомли жиноятнинг алоҳида актлари, улар мустақил жиноят характерига эга бўлмаса, мустақил квалификация қилинмайди; ўзининг йиғиндисида бир марталик жиноят сифатида қаралади. Масалан, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (ЖК 103-моддаси), ўзини ўзи ўлдиришга ундаш, яъни кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш (103[1]-модда), қийнаш (ЖК 110-моддаси), бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш (ЖК 285-моддаси) ва ҳоказо.

Шундай қилиб, давомли жиноят «бир қатор айнан ўхшаш хатти-ҳаракатлар билан турли вақтларда содир этилган бўлса-да, бироқ ягона қасд билан қамраб олинган, объекти ва содир этиш усули, оқибатлари бир хиллиги жиҳатидан ўзаро ўхшаш» бўлади[1].

«Давомли жиноят содир этилиши даврида шахс томонидан бошқа жиноят содир этилган бўлиб, унинг белгилари Жиноят кодексининг давомли жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси диспозицияси билан қамраб олинмаса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг давомли жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи ҳамда бошқа жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари мажмуи бўйича квалификация қилинади»[2].

Алоҳида эътиборга талон-торож ва мансабдорлик жиноятларидаги давомли жиноятларни такроран содир этиладиган жиноятлардан фарқлаш ҳоллари моликдир.

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 4-банд, 1-хатбоши // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси, 2008 й., 3-сон. – 13-б.

[2] Ўша жойда 78-79 б.

Давомли талон-торож – бир қатор ўхшаш ҳаракатлардан иборат, айбдорнинг ягона қасди билан қамраб олинган ва йиғиндиси битта қилмишни ташкил этадиган ўзганинг мулкини ноқонуний ўзлаштириш умумий мақсадига эга.

Масалан, айбдор телевизор ўғирлаш мақсадида ҳар гал заводнинг кириш дарвозасидан биттадан деталь олиб чиқиб кетади. Навбатдаги шундай ҳолда у ушлаб олинганда қилмиш талон-торожнинг такрорийлигини билдирмайди, чунки эллик марта бўлса-да, биттадан деталь олиб чиқиб кетиш айбдорнинг ягона мақсади – телевизор ўғирлаш билан қамраб олинган. «Давомли талон-торож содир этилган ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари талон-торож қилинган умумий суммани ҳисобга олган ҳолда тавсифланиши зарур.

Агар шахснинг ҳаракатлари давомли жиноят хусусиятига эга бўлмасдан бир неча мустақил эпизодлардан, мисол учун, ўғрилик, талончилик, фирибгарлик ва бошқалардан иборат бўлса, бу ҳаракатлар талон-торож қилинган умумий суммадан келиб чиққан ҳолда тавсифланиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда жиноятни ўзганинг мулкини талон-торож қилганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи Жиноят кодекси моддасининг диспозициясига мувофиқ, жумладан, такрорийлик белгиси билан тавсифлаш лозим»[1].

«Пора олиш, пора бериш ёки пора олиш-беришда воситачилик қилишни такрорийлик белгисига кўра тавсифлаш ушбу жиноятнинг ўзини икки маротабадан кам бўлмаган миқдорда содир этилишини ва улардан ҳеч бири учун шахснинг судланмаганлигини ҳамда жиноий жавобгарликка тортишнинг муддати ўтиб кетмаганлигини тақозо этади.

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 11-сонли қарори, 5-банд, 2 ва 3-хатбошилари // Тўплам, 1-жилд. – 116-б.

Мансабдор шахснинг бир вақтнинг ўзида бир неча шахсдан пораларни олиши, башарти пора берувчиларнинг ҳар бири учун алоҳида қилмиш содир этилса, такрорий пора олиш деб тавсифланиши лозим»[1].

NOTA BENE !

Узоққа чўзилган жиноят деганда, қонун билан жиноий жазо қўллаш таҳдиди билан айбдорга юклатилган вазифаларнинг узоқ вақт мобайнида бажарилмаслигидан иборат қилмиш тушунилади ва бир жиноятнинг узоққа чўзилган узлуксиз таркибини ташкил қилади **(ЖК 32-моддаси 4-қисми)**.

Узоққа чўзилган жиноятнинг ўзига хос белгиси унинг вақтдаги танаффуслар билан содир этиладиган давомли жиноятлардан фарқли равишда мунтазам давом этишидадир. Узоққа чўзилган жиноят таркибини бошқа барча жиноят таркиблари турларидан ажратувчи иккинчи хусусият – бу муайян ҳаракатни амалга ошириш мажбуриятининг мавжудлигидир. Ушбу мураккаб бир марталик жиноятнинг бу тури вазифаларни бажармасликнинг ниҳоясига етиши пайтидан тугалланган деб ҳисобланади, чунки узоққа чўзилган таркибли жиноятларнинг объектив томони қасднинг ягоналиги ва жиноий қилмишнинг бошланғич босқичи ва айбдорнинг кейинги ҳаракатлари ўртасидаги ички боғлиқлик билан қамраб олинадиган бутун давр мобайнида амалга оширилади. Муайян вақтда давом этувчи ягона жиноятни ташкил қиладиган вазифаларни узоқ вақт бажармаслик ҳам битта умумий қасдга йўналтирилган бўлади. Қанча вақт мобайнида амалга оширилишидан қатъи назар, битта жиноят сифатида, такроран содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик актларини эса узоққа чўзилган жиноятни содир этиш бўйича битта қилмишнинг қатори сифатида кўрилиши керак. Узоққа чўзилган жиноятларга қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эгалик қилиш (ЖК 248-

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 19-сонли қарори, 8-банд, 1 ва 2-хатбошилари // Тўплам, 1-жилд. – 238-б.

моддаси), ўзининг бирон-бир аъзосини майиб қилиш йўли билан ёки бошқа усулда ҳарбий хизматдан бўйин товлаш (ЖК 290-моддаси), зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (ЖК 138-моддаси) ва бошқалар мисол бўлади.

Муайян ҳаракатни бажариш ва иш орқали жиноий хулқни тузатиш мажбурияти турли хил норматив-ҳуқуқий актлардан келиб чиқиши мумкин. Масалан, ЖК 122-моддаси – вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, ЖК 123-моддаси – ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-, 66-моддалари қоидаларидан тўғридан-тўғри келиб чиқади[1].

Таркибли жиноятлар ўз ичига икки ёки ундан ортиқ битта алоҳида жиноятни ташкил этувчи жиноятларни олади. Мураккаб алоҳида жиноятларнинг ушбу тури ажратиб олиб ва субъектив йўналганлигини ҳисобга олмай ҳуқуқий баҳо берганда, ЖКнинг турли моддаларида назарда тутилган мустақил қилмишлар сифатида кўриб чиқиш мумкин бўлган ғайриҳуқуқий ҳаракатларни таркибий элементлар сифатида ўз ичига олади. Бироқ, тегишли жиноий қилмиш тузилишида бу ҳаракатлар мустақил аҳамиятга эга эмас, алоҳида квалификация қилинмайди, балки ушбу жиноятнинг таркиби доирасига кириб кетади. Бошқача қилиб айтганда, улар бир қанча жиноят содир этиш эмас, битта алоҳида жиноят таркиби доирасига кириб кетади. Масалан, безорилик кўпинча жабрланувчини ҳақорат қилиш, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш, ўзганинг мулкига қасддан шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш ва ҳ.к. лар билан бирга рўй беради, бироқ кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар мустақил жиноий-ҳуқуқий баҳоланмайди. Шахсга, фуқароларнинг мулкига нисбатан кўрсатилган тажовузлар билан боғлиқ безорилик ҳаракатлари безориликнинг таркиби билан тўла қамраб олинади ва ЖКнинг бошқа моддалари билан қўшимча квалификация қилинмайди[1]. Бу тажовузлар (икки

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 64, 66-моддалар.

ёки ундан ортиқ) уларнинг ички бирлиги ва органик алоқаси туфайли жиноятнинг бир таркибига бирлашади.

NOTA BENE !

Таркибли жиноят – ҳар бири алоҳида ажратилган ҳолда мустақил жиноят бўлган, бироқ уларнинг органик бирлиги туфайли ЖК Махсус қисмининг моддалари билан қамраб олинадиган ягона жиноятни ташкил этувчи ўзаро боғланган қилмишлардан иборат жиноятдир.

Алоҳида таркибли жиноятга амалда иккита ижтимоий хавфли қилмиш, яъни талончилик (ЖК 166-моддаси) сифатида баҳоланиши мумкин бўлган ўзганинг мулкини очиқдан-очиқ талон-торож қилишни ва ЖК 104-, 105-, 112-моддаларида назарда тутилган жиноят белгиларига мос тушиши мумкин бўлган соғлиқ ёки ҳаёт учун хавфли бўлган жисмоний зўрлик ишлатиш ёки бундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитишни бирлаштирган босқинчилик (ЖК 164-моддаси) мисол бўла олади. Алоҳида таркибли жиноятлар сирасига ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖК 206-моддаси), безорилик (ЖК 277-моддаси)ни ҳам киритиш мумкин.

2-§. Такроран жиноят содир этиш

Жиноятни такроран содир этиш – бир хил, баъзан эса бир турдаги жиноятлардан иборат ўзига хос тузилишга эга барқарор алоқалар тизимидир.

NOTA BENE !

Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, **такроран** жиноят содир этиш деб топилади **(ЖК 32-моддаси 1-қисми)**.

Такроран жиноят содир этишнинг бир қанча белгилари қуйидагилардир:

– шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг содир этилиши;

– жиноятнинг турли вақтларда содир этилиши;

– айнан бир моддада, қисмда, баъзи ҳолларда эса, турли моддаларда назарда тутилган янги жиноятнинг содир этилиши;

– шахснинг содир этилган жиноий қилмишларидан бирортаси учун ҳам судланмаганлиги.

Жиноят қонуни маъносида такроран жиноят содир этиш (умуман, бир қанча жиноят содир этиш сингари) бир шахс томонидан ҳар бири жиноий жазога сазовор, жиноят бўлмиш ижтимоий хавфли ҳаракатларни камида икки марта содир этишни назарда тутади. Жиноят кодекси қатор диспозицияларида маъмурий преюдиция назарда тутилган ҳолларига қарамай, ҳаракатлардан бири ўзида маъмурий ҳуқуқбузарлик, бошқаси жиноий қилмиш белгиларини акс эттирувчи шахс қилмиши такроран жиноят содир этиш белгилари бўйича квалификация қилиниши йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатдир. Масалан, «Жиноят кодексининг 183-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка маъмурий тартибда жавобгарликка тортилганидан кейин бир йил мобайнида монополияга қарши қонунларни такроран бузган шахслар тортилиши лозим»[1]. Бироқ, маъмурий преюдициянинг мавжудлиги жиноий жазога сазовор жиноятларнинг ҳам маъмурий преюдициясида такроран содир этишни тан олиш имкони ва зарурати сифатида қабул қилиниши мумкин эмас. **ЖК 32-моддаси 1-қисмининг** мазмунида қонун чиқарувчи такроран жиноят содир этиш деганда, айбдор томонидан ҳам биринчи, ҳам кейинги ҳолларда жиноят қонуни нуқтаи назаридан жиноят деб топиладиган ҳаракатларни содир этишини назарда тутгани шубҳасиздир.

«Тамом бўлган жиноят ҳам, жазога сазовор бўлган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам, шунингдек, иштирокчиликда жиноят содир этиш ҳам такроран жиноят содир этиш деб

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 15 мартдаги «Савдо соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 9-сонли қарори, 2-банд, 3-хатбоши // Тўплам, 1-жилд. – 51-б.

топилади» **(ЖК 32-моддаси 1-қисми)**. Бунда шуни ҳам унутмаслик керакки, «умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди» **(ЖК 32-моддаси 3-қисми)**. Худди шундай «вазифаларини узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган (узоққа чўзилган) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди» **(ЖК 32-моддаси 4-қисми)**.

Жиноятларнинг турли вақтларда содир этилиши (кетма-кет содир этилиши) уларнинг бир-биридан вақт бўйича ажратилиши, яъни уларнинг ҳар бири кейингисидан кичик бўлса-да, муайян вақт оралиғи билан ажратилишини тақозо этади. Вақтдаги узилиш давомли бўлмаслиги мумкин, бироқ у ҳар доим бир жиноятни бошқасидан ажратиш имконини бериши лозим. Бироқ, бундай вақт оралиғи содир этилган жиноятлар ўртасида айбдорнинг ҳуқуққа хилоф хулқи жиноятга қарши йўналтирилганлигининг барқарорлик даражаси ва хавфлилигини акс эттирувчи ўзаро ички алоқаси ва боғлиқлиги йўқотилишига олиб келган ҳолатда давомли бўлиши мумкин эмас.

Шахс томонидан содир этилган биринчи (илгариги) ва янги (кейинги) жиноят ўртасида ўзаро алоқа ва боғлиқлик мазкур шахс жамиятга қарши (жиноий) хулқининг давом этиши сифатида қараш имконини берувчи такроран жиноят содир этишда мавжуд бўлади. Мазкур алоқа қайд этилишининг жиноий-ҳуқуқий усули бўлиб, илгари содир этилган жиноят учун жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари ҳисобланади. Оқибатда, илгариги ва кейинги содир этилган жиноят ўртасида олдинги жиноятнинг жиноий-ҳуқуқий оқибатларини бекор қилмайдиган муддатларгина ўтиши мумкин. Илгариги ва кейинги жиноят ўртасида биринчи қилмишнинг жиноий-ҳуқуқий аҳамиятини бекор қилувчи катта вақт даври ўтган бўлса, жиноятларнинг бундай бирикуви, такроран жиноят содир этиш ҳақида сўз юритиш имконини бермайди. Шуни таъкидлаш лозимки, «агар шахс илгари

содир этган қилмиши учун жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлса, жиноят такроран содир этилган деб топилмайди» **(ЖК 32-моддаси 2-қисми)**.

«Қасддан такроран ёки илгари содир этилган жиноят учун судлангандан сўнг қасддан янги жиноят содир этилиши, агар биринчи жиноят учун жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган, судланганлик белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган ёхуд шахс муқаддам содир этган жиноий хатти-ҳаракат учун қонунда жавобгарлик бекор қилинган бўлса, шунингдек, ЖК 65, 66, 66[1], 68, 69, 70, 71, 76-моддаларига биноан шахс илгари содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилган бўлса, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилиши мумкин эмас»[1].

Моҳиятан, жиноятларни турли вақтларда содир этиш субъектда жамиятга қарши қарашлар ва мотивлар барқарорлигининг гувоҳлиги, айбдор шахсининг юқори ижтимоий хавфлилиги кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Жиноятларни турли вақтда содир этиш субъектнинг турли хил ҳаётий вазиятларда бўлиши ва ижтимоий нормалар ҳамда жиноят қонунига мувофиқ, хулқ-атвор вариантини танлаш реал имкониятига эга бўла туриб, қонун билан тақиқланган хулқ-атворни танлашини кўрсатади. Ҳар бир муайян вазиятда тегишли хулқ-атворни танлашда шахс ҳуқуққа хилоф вариантларни танлар экан, бу жамиятга қарши ҳаракатлари қарашларининг барқарорлиги, муайян ҳаётий позицияси унинг юқори ижтимоий хавфлилигидан далолат беради.

Такрорийликда фақат жиноятчи шахси эмас, балки содир этилган қилмишнинг ўзи ҳам катта ижтимоий хавф туғдиради. Такрорийликни ташкил этувчи иккинчи ва кейинги жиноятлар катта хавф туғдиради, чунки жиноят ҳуқуқи томонидан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга, кўп жабрланувчиларга катта зиён етказади. Бу ҳолатни инобатга олган ҳолда,

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 10-банд // Тўплам, 2-жилд. – 228-б.

қонун чиқарувчи такрорланликни кўп жиноятларнинг квалификация қилинувчи белгиларига киритган (масалан, ЖК 97-моддаси 2-қисми «р» банди, 118-моддаси 2-қисми «б» банди, 135-моддаси 2-қисми «д» банди ва ҳ.к.).

Қоида тариқасида, такроран жиноят содир этиш бир хил жиноятларни содир этишни ташкил этади; масалан, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш (ЖК 177-моддаси) мазкур жиноятни яна бир бор содир этилган ҳолдагина такроран содир этилган деб топилади ёки Жиноят кодекси махсус қисми моддасининг бир қисми бўйича, агарда мазкур моддада мазкур жиноятларга жиноий жавобгарлик белгилаган бўлса (масалан, ЖК 228-, 248-, 273-моддалари)[1].

Жиноят кодексида назарда тутилган алоҳида ҳолларда, жиноятни такроран содир этиш нафақат бир хил, балки бир турдаги ёки турли турдаги жиноятларнинг бирикувидан ташкил топади. Масалан, номусга тегишдан (ЖК 118-моддаси) сўнг содир этилган жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (ЖК 119-моддаси) каби бир турдаги жиноятларни айбдорнинг бу жиноятларнинг бирортаси учун ҳам судланмаган тақдирда такроран жиноят содир этиш деб квалификация қилиш лозим.

Бунга мисол сифатида бир турдаги жиноят таркибларидан дарак берувчи таркиблар махсус кўзда тутилган мансабдорлик жиноятларини содир этишни келтириш мумкин. Масалан, ЖК 210-моддаси 2-қисми «а» банди, 211-моддаси 2-қисми «а» банди, 212-моддаси 2-қисми «а» банди, 213-моддаси 3-қисми «а» банди.

Жавобгарлик Жиноят кодекси махсус қисми моддаларида алоҳида назарда тутилган ва мазкур тажовуз махсус қисм турли бобларига тегишли жиноятларни содир этиш ҳар хил турдаги жиноятларни такроран содир этиш деб топилади. Бошқача қилиб айтганда, кейинги ижтимоий хавфли қилмиш

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 2-банд // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси, 2008 й., 3-сон. – 13-б.

турли хил турдош объектларга тажовуз қилади. Жиноят кодексида мазкур таркиблар жуда кўп, уларга қуйидагилар киради: ЖК 104-моддаси 3-қисми «б» банди, 105-моддаси 2-қисми «к» банди ЖК 97-моддаси билан биргаликда; ЖК 128-моддаси 2-қисми «б» банди ЖК 118- ва 119-моддалари билан биргаликда; ЖК 131-моддаси 4-қисми «б» банди ЖК 135- ва 137-моддалари билан биргаликда ва бошқалар.

Шахснинг содир этган жиноятлардан бирортаси учун ҳам судланганлик фактининг йўқлиги – такроран жиноят содир этишни жиноятлар рецидивидан фарқлашга имкон берувчи асосий белгилардан биридир. Мазкур белгининг мазмуни шундан иборатки, такроран жиноят содир этишни ташкил қилувчи ҳар бир жиноят жиноий-ҳуқуқий оқибатга эга бўлади. Бу шуни англатадики, жиноятни такроран содир этиш фақатгина айбдор шахс жиноий жавобгарликка тортилмаган ёки Жиноят кодекси умумий қисми XII боби қоидалари асосида жиноий жавобгарликдан озод этилган ёхуд Жиноят кодекси умумий қисми XIII бобида назарда тутилган ҳолатлар асосида жазодан озод этилган ҳоллардагина мавжуд бўлади.

Судланганлик каби жиноий-ҳуқуқий оқибат (унинг айбдор шахсдан олиб ташланмаган ёки ўчмаганлиги ҳолларида) фақат рецидивга, табиийки, бир қанча жиноят содир этишнинг мазкур шаклига тегишли шартлар мавжуд бўлса, тегишли бўлади.

Жиноятни такроран содир этиш белгиси кўпгина моддаларда ижтимоий хавфли қилмишнинг квалификация белгиси бўлганлиги сабабли шахс томонидан содир этилган жиноятлар мазкур ҳолда Жиноят кодекси моддасининг такроран жиноятни содир этиш учун жазони назарда тутувчи тегишли қисми бўйича квалификация қилинади. Муайян жиноят таркиби конструкциясида мазкур баҳоловчи белги назарда тутилмаган бўлса, қилмиш суд томонидан ЖК 56-моддаси 1-қисми «н» банди асосида жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинади.

Такроран жиноятни содир этиш белгилари тугалланган ва тугалланмаган жиноятларга ҳам, шунингдек, иштирокчиликда содир этилган жиноятларга

ҳам тегишлидир. Қонуннинг мазкур қоидаларидан, тугалланмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар жиноий жазога сазовор хулқ-атвор деб топилар экан, тегишли равишда такроран жиноятни содир этиш белгилари мавжудлигида шахс, Жиноят кодексининг Махсус қисми тегишли моддалари бўйича Умумий қисм 25-моддаси (Тайёргарлик ёки суиқасд) тегишли қисмига ва такроран жиноят содир этиш квалификациясини назарда тутувчи Махсус қисм моддаси муайян банди ва қисмига ҳавола қилиниб жавобгарликка тортилади. Иштирокчиликда содир этилган жиноятларга ҳам квалификация қоидалари айбдорнинг роли ва иштирокчилик шакли кўрсатилган ҳолда қўлланилади.

Юридик адабиётда такроран жиноятни содир этишнинг икки тури белгиланган: умумий ва махсус.

Умумий такрорийлик, қоида тариқасида, бир турдаги ёки ҳар хил турдаги жиноятларни такроран содир этишдан иборат. Бу ЖК 56-моддаси 1-қисми «н» банди тартибида оғирлаштирувчи ҳолат деб топилади ва тегишлича содир этилган қилмишни квалификация қилишга таъсир ўтказмайди.

Махсус такрорийлик – юқорида сўз юритилган, жиноятни квалификация қилишга ва жазонинг оғирлигига таъсир этадиган ҳамда қасддан бир хил янги жиноят содир этиш ёки алоҳида назарда тутилган ҳолларда қасддан бир хил ёхуд ҳар хил жиноятлар содир этишдаги такрорланликдир.

3-§. Жиноятлар мажмуи

NOTA BENE !

Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда

улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, **жиноятлар мажмуи** деб топилади **(ЖК 33-моддаси 1-қисми)**.

Жиноятлар мажмуи учун қуйидаги белгилар хосдир:

– шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этилиши;

– ЖК Махсус қисмининг мустақил моддалари бўйича квалификация қилинадиган, яъни бир хилдаги ёки ҳар хил жиноятлар содир этилиши;

– агарда бирортаси учун ҳам шахс судланмаган бўлса, яъни улар ҳеч бўлмаганда биттаси учун суд ҳукми чиққунига қадар содир этилган бўлиши.

Шахснинг икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этиши, жиноятлар мажмуининг зарур белгиси сифатида, жиноятларнинг ҳар бири алоҳида, мустақил, ягона жиноят хусусиятига эга эканлигини англатади. Бунда уларнинг уйғунлашиб кетиши турлича бўлиши мумкин. Масалан, айбдор икки ёки ундан ортиқ оддий алоҳида жиноят содир этиши ёки битта оддий ва шу билан бирга давомли ёхуд узоққа чўзилган жиноят содир этиши ё бўлмаса иккита давомли ёки узоққа чўзилган жиноят содир этиши мумкин.

Жиноят мажмуи учун, шунингдек, жиноятлар кетма-кетлиги турли вақтларда содир этилиши хосдир. Кейинги жиноий қилмиш маъмурий ёки бошқа ҳуқуқбузарликни эмас, балки айнан жиноятни ташкил этади. Фақат шуни таъкидлаш лозимки, жиноят мажмуи бир қилмиш билан иккита жиноятни содир этиш ҳолларида ҳам вужудга келиши мумкин. Бу ҳодиса жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятларнинг идеал мажмуи (жами) деб номланади.

Жиноят кодексининг турли моддаларига тушадиган қилмишларни содир этиш қонунда «...Махсус қисмнинг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган» қилмишларни содир этиш каби ифодаланадиган турли хилдаги ва бир турдаги жиноятларни содир этиш мажмуи деб тан олишдан бошқа нарса эмас.

ЖК 33-моддаси 2-қисмига асосан, «агар шахс содир этган қилмишда ушбу Кодекс Махсус айни бир моддасининг турли қисмларида назарда

тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади». Шуни назарда тутиш зарурки, ушбу норма ижтимоий хавфли қилмишнинг мазмунида ЖК махсус қисми айнан бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган квалификацияловчи белгилар мавжуд ҳолларни назарда тутади. Айнан шундай ҳолларда қонун чиқарувчи оғирроқ жавобгарлик назарда тутилган модда қисми бўйича жавобгарлик келиб чиқишини белгилаб қўйган. Бундай ҳолларда, ижтимоий хавфли қилмиш содир этишда жиноятлар мажмуи мавжуд эмас. Бироқ бир қатор ҳолларда ҳар хил жиноятлар учун жавобгарлик ЖК махсус қисмининг айнан турли моддаларида назарда тутилади. Бу, асосан, модда қисми тегишли алоҳида жиноятни тўла тасвирлаб мустақил санкцияга эга бўлган моддаларда мавжуд. Масалан, ЖК 148-моддасининг 1-қисмида била туриб, ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш ёки ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини бажармаслик, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган, ушбу модданинг 2-қисмида эса аёлни ҳомиладорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш учун; ЖК 234-моддаси 1-қисмида била туриб, қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, яъни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан қонуний асосга эга бўлмаган ҳолда шахс эркинлигининг қисқа муддатга чекланиши, шу модданинг 2-қисмида эса, била туриб қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш учун жавобгарлик белгиланган. Шунинг учун агар айбдор аввалига шахсни ишга тиклаш ҳақидаги суд қарорини бажармаган бўлса, кейин аёлни ҳомиладорлиги мотивига асосланиб ишга қабул қилмаган бўлса унинг ҳаракатлари меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш сифатида ЖК 148-моддаси 1- ва 2-қисмлари бўйича квалификация қилиниши лозим.

Жиноятлар мажмуи фақат ҳар хил ёки турдош жиноятлар бўйича ҳосил бўлади, лекин айнан бир хил жиноятлар бўйича ҳосил бўлмайди. Жиноятлар мажмуининг жиноятлар такроранлигидан фарқи ҳам мана шунда. Жиноятлар

мажмуида содир этилган қилмиш ҳар доим шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ турдош ёхуд мустақил квалификация қилинадиган ҳар хил жиноятлар содир этилишини назарда тутади, жиноятлар такроранлигида эса содир этилаётган ижтимоий хавфли қилмиш бир хил бўлади ва фақат алоҳида ҳолларда турдош ёки ҳар хил бўлиши мумкин.

Масалан, ўғрилик (ЖК 169-моддаси) ва одам ўлдириш (ЖК 97-моддаси) да жиноятлар мажмуи мавжуд. Бу қонунга зид қилмишлар жиноий-ҳуқуқий ҳимоянинг турли объектларига қаратилган: биринчиси – ўзганинг мулкини яширинча талон-торож қилиш, иккинчиси – бошқа одамни зўрлик ишлатиб ҳаётдан маҳрум қилиш. Бу ҳолатда ҳар хил жиноий тажовузлар яққол мавжуд. Масалан, ўғрилик (ЖК 169-моддаси) ва фирибгарлик (ЖК 168-моддаси) содир этишда жиноятлар мажмуида тажовузларнинг турдошлиги ҳақида гапириш мумкин бўлиб, буларда айнан бир объектга тажовуз ҳақида гап бормоқда ва улар ЖК махсус қисмининг бир бобига бириктирилган.

Жиноятлар мажмуининг муҳим белгисига кўра, жиноятлар мажмуини ташкил қилувчи ёки бир неча жиноятларнинг биронтаси учун ҳам шахс судланган бўлмайди, яъни жиноятлар жамига кирувчи қилмишларнинг ҳар бири судлангунга қадар содир этилади, ҳали суд томонидан муҳокама қилинмаган ва унинг юзасидан айблов ҳукми чиқарилмаган бўлади. Мазкур белги жиноят қонунида «уларнинг бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса» ибораси билан ифодаланган.

Жиноятлар мажмуи унинг таркибига кирувчи барча қилмишларнинг шахс томонидан судлангунгача содир этилишини англатади. Бундан ташқари, шуни унутмаслик керакки, айбдор шахс илгари содир этган жиноят учун Жиноят кодекси Умумий қисми XII боби моддалари асосида жиноий жавобгарликдан озод этилмаган бўлса, жиноятлар мажмуи бўйича жиноий жавобгарликка тортилади. Шахс жазодан озод этилса-да, бироқ жавобгарликдан озод этилмаса ва судланганлик каби жиноий-ҳуқуқий оқибат олиб ташланмаган ёки ўчмаган бўлса, бу ҳолат жиноятлар мажмуи эмас, балки рецидив жиноят деб топилиши керак.

Жиноятлар мажмуи жиноят ҳуқуқи назариясида турларга бўлинади: жиноятлар идеал мажмуи ва жиноятлар реал мажмуи.

Жиноятларнинг реал мажмуи турли вақтларда содир этиладиган икки ёки ундан ортиқ ҳар хил жиноятларни содир этиш учун жавобгарликни кўзда тутувчи бир қанча жиноят содир этиш шаклидир.

Бошқача қилиб айтганда, айбдор ҳар хил мустақил ҳаракатлар билан икки ёки ундан ортиқ жиноятлар содир этади. Суд-тергов амалиётида жиноятлар мажмуининг мазкур тури жиноят идеал мажмуига қараганда кўпроқ учрайди.

Вақт бўйича жиноятлар реал мажмуига кирувчи узилиш туфайли бу ҳолатни квалификация қилиш қийинчилик туғдирмайди: қанча жиноят бўлса, улар назарда тутилган ЖКнинг шунча моддаси бор. Масалан, аввал босқинчилик (ЖК 164-моддаси), кейин безорилик (ЖК 277-моддаси) содир этилган.

Жиноятлар реал мажмуининг хусусияти қилмишларнинг вақтда бир-бирига мос тушмаслигидир. Бунда жиноий қилмишлар бир вақтда содир этилгандек бўлиб кўриниши ҳам мумкин. Бундай комбинацияга фақат бир субъект содир этган қилмишлар умумий белгиларга эга бўлган вазиятлардагина йўл қўйилиши мумкин. Масалан, қисман, безорилик оқибатида одам ўлдириш (ЖК 97-моддаси 2-қисми «л» банди) ЖК 277-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди. Айни пайтда «агар жамоат тартибини қўпол равишда бузиш ва жамиятга нисбатан очиқдан-очиқ ҳурматсизлик билдириш, шунингдек, ўзганинг мол-мулкини йўқ қилиш ёки унга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳаракатлар айбдор томонидан безорилик оқибатида одам ўлдириш жиноятидан сўнг қасддан содир этилган бўлса, қилмиш ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «л» банди

ҳамда Жиноят кодекси 277-моддасининг тегишли қисмлари бўйича квалификация қилиниши керак»[1].

Жиноятларнинг идеал мажмуи – бир неча жиноятларнинг конструктив таркибий қисми бўлиб, бунда бир қилмиш билан бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ жиноятлар содир этилади, аниқроқ қилиб айтганда, икки ёки ундан ортиқ жиноий оқибатлар юзага келади. Бунда шахс бир ҳаракат билан иккита жиноят содир этаётганлиги ҳақида гапириш ўринлидир. Масалан, шахс ўч олиш мақсадида қўшнисининг уйига унинг мулкини нобуд қилиш ва қариндошларини ҳаётдан маҳрум этиш ёки уларга оғир тан жароҳати етказиш ниятида ўт қўяди. Бундай ҳолда шахс икки жиноят содир этмоқда: ўзганинг мулкини йўқ қилаяпти (ЖК 173-моддаси) ва одам ўлдирмоқда (ЖК 97-моддаси) ёки оғир тан жароҳати етказаётир (ЖК 104-моддаси).

Суд-тергов амалиётида жиноятлар мажмуининг мазкур тури жиноят идеал мажмуига қараганда кўпроқ учрайди.

Жиноятлар идеал мажмуида содир этилган жиноятларни квалификация қилиш жиноятлар реал мажмуидагига қараганда мураккаброғдир.

Жиноятлар идеал мажмуи қонун чиқарувчи томонидан махсус нормаларда инобатга олинмаган ҳолларда содир этилган қилмиш ЖК махсус қисмининг бир неча моддалари бўйича квалификация қилинади. Юқорида келтирилган мисол айнан қонун чиқарувчи томонидан инобатга олинмаган жиноятлар идеал мажмуи ҳисобланади. Қонун чиқарувчи томонидан жиноятлар идеал мажмуи махсус нормада инобатга олинган ҳолларда содир этилган қилмиш ЖК Махсус қисмининг фақат шу нормаси бўйича квалификация қилинади.

Қонун чиқарувчи томонидан махсус нормада инобатга олинган жиноят идеал мажмуига ЖК 102-моддаси бўйича эҳтиётсизлик натижасида одам ўлдириш белгилари бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб этувчи

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 16-банд, 2-хатбоши // Тўплам, 2-жилд. – 198-б.

ўлимга олиб келганлик факти мавжуд бўлишига қарамай, ЖК 104-моддаси 3-қисмининг «д» банди билан қамраб олинган жабрланувчининг ўлимига олиб келган қасддан танага оғир шикаст етказиш мисол бўла олади. Жабрланувчига таносил касаллигини юқтириш билан бирга рўй берган ва ЖК 118-моддаси 3-қисмининг «д» банди билан қамраб олинган ҳолда номусга тегишни (оғир оқибатларга олиб келган номусга тегиш) ҳам шунга ўхшаш мисол сифатида келтириб ўтиш мумкин.

Худди шундай, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий тушунтиришларига кўра, «агар жиноятлардан бири бошқасини содир этиш воситаси ёки усули бўлиб, ҳар иккала жиноят белгилари Жиноят кодекси тегишли моддаси диспозициясида кўрсатилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг фақат оғирроқ жиноят учун жавобгарлик белгиловчи битта моддаси билан квалификация қилиниши керак. Бунда қилмишни енгилроқ жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи модда билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди (масалан, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш фақат ЖК 182-моддаси иккинчи қисми «г» банди бўйича квалификация қилиниши лозим)»[1].

«Агар қонуннинг битта нормасида жиноят натижасида келиб чиқадиган турли ижтимоий-хавфли оқибатлар назарда тутилмаган бўлса, қилмиш жиноятлар мажмуи сифатида Жиноят кодексининг бевосита ҳар бир объектга зиён етказилиши учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари билан квалификация қилиниши керак»[2].

«Амалдаги қонунларга мувофиқ савдо фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинади. Бундай рухсатноманинг йўқлиги Жиноят кодексининг 190-моддаси бўйича жавобгарликни юзага келтиради.

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 10-банд //Тўплам, 2008 й., 3-сон. – 14-б.

[2] Ўша жойда, 8-банд, 2-хатбоши.

Агар бунда айбдорнинг савдо фаолиятини фақат рухсатнома (лицензия)сиз амалга оширибгина қолмай, балки рўйхатдан ўтишдан ҳам бўйин товлаганлиги аниқланса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 188- ва 190-моддалари мажмуи билан квалификация қилинмоғи лозим»[1].

Жиноятларнинг идеал мажмуини **жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатидан** ажратиш лозим. Жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобати айбдор шахс қилмишининг Жиноят кодекси Махсус қисми икки ёки ундан ортиқ моддалари бўйича квалификация қилиш мумкинлиги аниқланган жиноятларнинг идеал мажмуи билан ташқи ўхшашликка эга бўлади. Битта қилмиш билан содир этиладиган икки ёки ундан ортиқ жиноятлар бўлганда ва уларнинг ҳар бири махсус қисм турли моддалари билан кўзда тутилган жавобгарлик бўлгандаги жиноятлар идеал мажмуидан фарқли ўлароқ жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида икки ёки ундан ортиқ жиноят-ҳуқуқий нормалар белгилари, яъни Махсус қисм моддалари билан қамраб олинадиган битта қилмиш бўлади. Амалдаги жиноят қонуни мазкур вазиятда қайси норма қўлланиши лозимлигини кўрсатмайди. Бошқа томондан, рақобатдаги нормалар йиғиндиси бўйича қилмишни квалификация қилиш нотўғридир, чунки, биринчидан, бу битта жиноий қилмиш содир этилган бўла туриб, сунъий равишда бир қанча жиноят содир этишни юзага келтиради; иккинчидан, қатор ҳолларда рақобатдаги нормаларни жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш асоссиз тарзда жиноий жавобгарликни оширади. Бу борада нормалар рақобатлашувида квалификация қилиш қоидалари мавжуд.

Хусусан, энг кенг тарқалган рақобатдаги нормалар тури – бу **умумий** ва **махсус норма рақобатидир**. Мазкур ҳолатда рақобатлашувчи иккита жиноят-ҳуқуқий нормалардан бири умумий, иккинчиси эса, махсус, яъни умумий нормада баён этилган турли хил қилмишларни назарда тутувчи норма бўлади. Бу ерда нормалар мажмуи бўйича квалификация қилиш

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 15 мартдаги «Савдо соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 9-сонли қарори, 5-банди // Тўплам, 1-жилд. – 52-б.

мумкин эмас, шахсни махсус нормани қўллаб айбдор деб топиш тўғрироқ бўлади. Масалан, ўзбошимчалик, яъни ҳақиқий ва фараз қилинган ҳуқуқларни амалга ошириш (ЖК 229-моддаси) ва ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш (ЖК 229^1-моддаси). Қуйидагилар умумий нормага нисбатан махсус нормани қўллашга асос бўлиб ҳисобланади. Ҳар икки модда содир этилган қилмишни у ёки бу даражада қамраб олади. Бироқ махсус норма нисбатан аниқроқ диспозицияни ва шундан келиб чиқиб, содир этилган ҳуқуққа хилоф ижтимоий хавфли қилмишнинг ўзига хос хусусиятлари ва специфик томонларининг аниқ-ланишини назарда тутгани учун махсус норманинг қўлланилиши қилмиш квалификацияси нуқтаи-назаридан ҳам, айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш нуқтаи-назаридан ҳам асосли бўлади. Шундай қилиб, ЖК 229^1-моддаси ЖК 229-моддасида мустаҳкамланган белгилар билан бир қаторда қилмишнинг ижтимоий хавфлилик характери ва даражасини ифодаловчи махсус белгиларга ҳам эга.

Квалификацияловчи белгиларга эга қилмиш содир этилган бир пайтда, ушбу қилмишда айбни енгиллаштирувчи квалификация қилишга сабаб бўладиган бошқа белгилар ҳам мавжуд бўлганда, жиноятлар мажмуи бўлмайди. Қилмиш мазкур ҳолатда жиноятни содир этганлик учун енгилроқ жазони кўзда тутган ЖК моддаси бўйича квалификация қилинади (масалан, аффект ҳолатида ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш, ЖКнинг 98-моддаси билан квалификация қилиниши зарур).

«Агар айнан бир жиноятни содир этганлик учун жиноий жавобгарликни енгиллаштирувчи квалификация белгилари Жиноят кодексининг бир неча моддасида назарда тутилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг жавобгарликни кўпроқ енгиллаштирувчи моддаси билан квалификация қилиниши керак (масалан, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб ва

кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида одам ўлдириш фақат ЖК 100-моддаси билан квалификация қилиниши лозим)»[1].

Рақобатдаги нормаларни **нормалар коллизиясидан** фарқлаш талаб этилади. Зеро, охирги ҳолат нормалар ўртасида муайян зиддият, қарама-қаршилик мавжуд бўлишини тақозо этади, рақобатдаги нормаларда эса бу ҳолат йўқ. Нормалар коллизияси, мазкур нормаларга алоқадор конкрет жиноятлар мавжудми ёки йўқми, бундан қатъи назар, вужудга келиши мумкин.

4-§. Рецидив жиноят

Рецидив жиноят бир қанча жиноятлар тизимида энг хавфли шаклидир.

NOTA BENE !

Шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади **(ЖК 34-моддаси 1-қисми)**.

Рецидив жиноят бир қанча жиноятлар шакли сифатида, илгариги қасддан қилган жинояти учун шахс муайян турдаги жазога ҳукм қилинганидан кейин қасддан янги жиноят содир қилганликдан иборатдир. Бу қуйидаги иккита белгига асосланган умумий ёки оддий рецидив жиноятдир:

– қасддан янги жиноят содир этилиши;

– илгари қасддан содир этилган жиноят учун шахснинг ҳукм қилинганлиги.

Таъкидлаш жоизки, мазкур белгилар ЖК 34-моддасида кўрсатиб ўтилган, барча турдаги рецидив жиноятлар учун – оддий, хавфли ва ўта хавфли рецидив жиноятлар учун умумий бўлиб ҳисобланади.

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 9-банд // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси, 2008 й., 3-сон. – 14-б.

Рецидив жиноят шахс илгари содир қилган жинояти учун судланганидан кейин махсус қисмнинг бошқа бир моддасида назарда тутилган **жиноятни қасддан** содир этишидир. Шу сабабли айбнинг эҳтиётсизлик шаклидаги икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиш ҳоллари, гарчи шахс эҳтиётсизлик орқасида содир этган жинояти учун илгари жавобгарликка тортилган бўлсада, рецидив жиноят деб топилиши мумкин эмас. Мазкур қоида тўла равишда эҳтиётсизлик орқасида ва қасддан жиноят содир этиш ҳолларига ҳам тегишлидир.

Судлангандан сўнг такроран қасддан жиноят содир этилиши шахснинг унга огоҳлантирув-тарбиявий таъсир этилганлигига қарамай, тўғри йўлга кирмаганлигидан гувоҳлик беради. Шунинг учун, бундай жиноят жамият ва давлат томонидан янада қаттиқроқ қайта жавобни (реакцияни), рецидивистга нисбатан қўшимча жиноий жавобгарлик ва жазо чораларини қўллаш заруратини тақозо этади.

Рецидив жиноятларга турли вақтда, кетма-кет содир этилиш хос бўлиб, бунда қасддан содир этиладиган янги жиноятлар ўхшаш, бир турдаги ва ҳар хил турдаги жиноятлар бўлиши мумкин. Бундан ташқари, «Жиноят кодекси 34-моддаси мазмунига кўра, рецидив жиноят мавжудлиги ҳақидаги масалани ҳал этишда шахс судланаётган ёки муқаддам судланган қасддан содир этилган жиноят тамом бўлган ёки тамом бўлмаган жиноят эканлиги, шунингдек, ушбу жиноятлардан қай бирида бўлсин шахс бажарувчи ёки иштирокчи бўлганлиги аҳамиятга эга эмас»[1].

Рецидив жиноятнинг аниқловчи белгиси **шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун ҳукм қилинганлигидир**. Ҳукм қилинганлик рецидив жиноятни такроран жиноят содир этишдан фарқлаш имконини берувчи асосий белги бўлиб ҳисобланадиган жиноий-ҳуқуқий оқибатдир.

«Такроран ва рецидив жиноят содир этилиши қонунда белгиланган асослар ва доирада оғирроқ жазо тайинланишига олиб келишини инобатга

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 9-банд, 2-хатбоши // Тўплам, 2-жилд. – 227-б.

олиб, ҳар бир иш бўйича ЖК 77–80-моддаларига мувофиқ тугалланган ёки олиб ташланган судланганлик ҳолати мавжудлиги ҳақидаги материаллар текшириб чиқилиши ва шунга асосланиб, рецидив жиноят бор-йўқлиги тўғрисидаги масала ҳал этилиши керак»[1]. Шу билан бирга, маҳкумнинг ҳолатини оғирлаштиришнинг олдини олиш мақсадида, шуни эсда тутиш лозимки, ЖКнинг 65, 66, 66[1], 68, 69, 70, 71, 76-моддаларига биноан шахс илгари содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилган бўлса, судланганлиги белгиланган тартибда олиб ташланган ёки ўчган бўлса, шунингдек, қонунда шахс илгари содир қилган қилмиш жиноийлиги бекор қилинган тақдирда, судланмаган ҳисобланади.

Судланганликнинг мавжудлиги у ёки бу даражада жазонинг тури ва ҳажмига таъсир этади ҳамда турли хил жиноий-ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Илгари жиноий жавобгарликка тортилиб, кейинчалик яна қасддан жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жазо тайинлаш масаласини ҳал қилишда, судлар жазо тайинлашнинг индивидуаллаштириш принципига асосланиб, ашаддий тарзда тузалиш йўлига тушишни истамаётган рецидивист шахсларга асоссиз равишда енгилроқ жазо бериш ЖК мақсадлари рўёбга ошишига халақит беришини инобатга олишлари шарт.

Жиноят қонунида рецидив жиноят ҳақида Жиноят кодекси умумий қисми нормаларида ҳам, махсус қисми нормаларида ҳам сўз боради.

Умумий қисм нормаларида рецидив жиноят:

– жазо тайинлашда ЖК 56-моддаси 2-қисми «н» бандига мувофиқ оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин;

– ЖК 60-моддасида назарда тутилган қоида бўйича жазо тайинлашнинг алоҳида тартиби қўлланишини келтириб чиқаради;

– жазони ижро этиш муддатлари ўтишининг узилишига асос бўлиб ҳисобланади (ЖК 69-моддаси 2-қисми);

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 9-банд, 1-хатбоши // Тўплам, 2-жилд. – 227-б.

– ЖК 72-моддаси 7-қисмида мустаҳкамланган шартлар мавжуд бўлганда шартли ҳукм қилиш қоидаларининг қўлланилишига тўсқинлик қилади;

– айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилинишига (ЖК 71-моддаси 1-қисми) тўсқинлик қилади;

– жазо ўташ муддатидан илгари шартли озод қилишда ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришда жазонинг ҳақиқий ўталган муддатини кўпайтиришга асос бўлади;

– жазони ижро этиш колонияси турини белгилашга асос бўлади;

– амнистия актини қўллаш масаласини ҳал қилишда ҳисобга олинадиган шартлардан бири бўлиши мумкин.

Жиноят кодекси махсус қисми нормаларида рецидив жиноят хавфли ва ўта хавфли рецидив жиноят билан боғлиқ ва жиноят таркибининг баҳоланадиган белгиси сифатида тан олинади.

ЖК 34-моддаси 2-қисмига кўра, «Илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ушбу Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, махсус қисмнинг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши **хавфли рецидив** жиноят деб топилади».

Оддий рецидивдан фарқли равишда хавфли рецидив қонун чиқарувчи томонидан баъзи жиноят таркиблари учун баҳоланадиган белги каби таърифланади. Хавфли рецидив жиноят Жиноят кодекси махсус қисмининг кўпгина моддаларида жиноятларнинг баҳоланадиган белгилари сифатида назарда тутилади. Масалан, ЖК 97-моддаси 2-қисми «р» банди, 104-моддаси 3-қисми «б» банди, 164-моддаси 3-қисми «а» банди ва бошқалар. Хавфли рецидив жиноят модда конструкциясида баҳоланадиган белги сифатида назарда тутилмаган бўлса ва шахс томонидан мазкур жиноят такроран содир этилган бўлса, шахс бу жинояти учун судланган бўлиб, мол-мулкни қасддан нобуд қилиш (ЖК 173-моддаси) жиноятини содир этган ҳолларда унинг қилмиши ЖК 56-моддаси 1-қисми «н» бандига ҳавола қилиниб жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида квалификация қилиниши лозим.

Хавфли рецидив ҳолати дастлабки тергов органи томонидан жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинаётганда кўрсатиб ўтилган бўлиши лозим ва кейинчалик бу суд ҳукмининг тавсиф қисмида ҳам ўз аксини топиши керак. Хавфли рецидив жиноятга нисбатан ҳам судланганлик олиб ташланиши ва ўчганлиги ҳамда шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун жавобгарлик ёки жазодан озод қилиниши каби бошқа ҳолларда ҳам хавфли рецидив жиноят деб топиш асосларининг олиб ташланиши қоидалари қўлланилади. Мисол учун, «агар муқаддам содир этилган қасддан одам ўлдириш жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланган ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган бўлса, шунингдек, агар қотиллик жинояти содир этилган пайтга келиб илгариги жиноят учун жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари ўтган бўлса, қилмиш ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «р» банди билан квалификация қилиниши мумкин эмас»[1].

ўта хавфли рецидив жиноят бир қанча жиноят содир этишнинг нисбатан энг оғир шаклларидан бири бўлиб ҳисобланади.

ЖК 34-моддаси 3-қисми шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишнинг қуйидаги асосларини келтиради: «беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан янги жиноят содир этиш, яъни:

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 21-банд, 3-хатбоши // Тўплам, 2-жилд. – 199–200-б.

тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади».

Мазкур вариантларни баён қилиш баробарида, қонун чиқарувчи жиноятларни содир қилишда айб шаклига тўхталмайди. Бироқ, ЖК 15-моддаси мазмунидан келиб чиқадики, оғир ва ўта оғир жиноятлар фақат қасддан содир қилиниши мумкин. Бинобарин, жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгилашда энг қуйи чегара сифатида камида беш йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси намоён бўлади. Бу ҳол жиноятларнинг қонундаги таснифига тўлиқ мувофиқдир.

«Жиноят кодекси 34-моддаси учинчи қисмини қўллашда озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган шахс деганда, муқаддам суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига кўра, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган шахс тушунилиб, бунда ҳукм ижрога қаратилганлигининг, шу жумладан, шахс мазкур жазони ўтамаганлиги (масалан, шахснинг жазони ўташдан бўйин товлаганлиги, жазо ижроси ЖПК 533-моддасига мувофиқ кечиктирилганлиги)нинг ёки қисман ўтаганлигининг (масалан, кейинчалик жазодан муддатидан илгари шартли, амнистия актига асосан, касаллиги оқибатида озод қилинганлигининг, жазо енгилроғи билан алмаштирилганлигининг) аҳамияти йўқ, ҳукм жазони ижро этиш муддатлари ўтиб кетганлиги учун ижрога қаратилмаган ҳоллар (ЖК 69-моддаси) бундан мустасно.

Шу муносабат билан ЖК 34-моддаси 3-қисмида кўрсатилган белгилар мавжуд бўлганда, суд илгари шартли ҳукм қилинган ёхуд ҳукм ижроси кечиктирилган шахсни ҳам, агар бу шахс тегишлича синов муддати ёки ҳукм ижроси кечиктирилган давр ичида янги жиноят содир этса, ўта хавфли рецидивист деб топишга ҳақли»[1].

Ўта хавфли рецидив жиноятнинг асосий ўзига хос белгиси унинг ўта хавфли рецидив деб, фақат суд томонидан топилишининг

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 27-банд // Тўплам, 2008 й., 3-сон. – 16-б.

мустаҳкамланганлигидир **(ЖК 34-моддаси 4-қисми)**. Бу қоида шундан далолат берадики, судлар ижтимоий хавфлилик ҳақиқий табиати ва даражасини аниқлашда устунликка эга бўлади ва судьялар ҳар бир муайян вазиятда иш ҳолатлари ва ўта хавфли рецидивист мақомини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўладиган айбдор шахси ҳақидаги аниқ маълумотлардан келиб чиқишлари лозим.

ЖК 34-моддаси 4-қисми шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг бошқа давлатлар судларининг ҳукмлари бўйича судланганлиги ҳам ҳисобга олиниши мумкинлигини ҳам қайд этади. Бу шундан далолат берадики, шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишда айбдор шахсининг табиати ҳақидаги маълумотлар катта аҳамиятга эгадир, чунки бошқа давлат судининг айблов ҳукми ҳам айбдор хулқининг муайян ижтимоий қораланиши, ҳукм қилинишини ифодалайди. Лекин, бошқа давлатда содир этилган жиноят оғир ёки ўта оғир бўлиши билан бирга, айбдор беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлиши керак. Бундан ташқари, судлар шахснинг бошқа давлат ҳудудида содир этган жиноий жазога сазовор қилмиши ва шу билан боғлиқ уни айбдор деб топиш миллий жиноят қонунчилигига мувофиқ келиши лозимлигини ҳам назарда тутишлари керак.

Қонун илгари қасддан жиноят содир этган муайян шахсларга нисбатан чеклашларни мустаҳкамлайди. Масалан, «шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш ҳақидаги масалани ҳал этишда шуни назарда тутиш лозимки, ЖК 34-моддасининг олтинчи қисмига кўра, ўн саккиз ёшгача содир қилинган жиноят учун судланганлик шахсни ўта хавфли рецидивист деб топишда ҳисобга олинмайди. Шундан келиб чиқиб, агар шахс муқаддам бир неча жиноят учун судланган бўлиб, улардан айримларини вояга етмаган ёшда

содир этган бўлса, фақат вояга етган даврда содир этилган жиноятлар учун судланганлик эътиборга олиниши лозим»[1].

Бунда шуни инобатга олиш зарурки, «янгидан бир неча жиноят содир этган шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш ҳақидаги масалани ҳал қилишда суд, жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича тайинланган узил-кесил жазо муддатидан эмас, балки содир этилиши шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш учун асос бўлиши мумкин бўлган жиноят учун тайинланган озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо муддатидан келиб чиқиши лозим»[2].

ЖПК 466-моддаси 3-бандига мувофиқ, шахс ўта хавфли рецидивист деб топилганлиги ҳақида ҳукмнинг кириш қисмида кўрсатиб ўтилиши шарт. Шу ерда қонунда белгиланган тартибда ўчмаган ёки олиб ташланмаган аввалги судланганликлар ҳам қайд этилиши лозим. «ЖКнинг 77-моддасига мувофиқ, судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади. Шунинг учун у ҳукмнинг кириш ва тавсиф қисмларида кўрсатилмайди»[3]. Шу аснода, Олий суд Пленуми тушунтирадики, олиб ташланган ёки ўчган судланганлик ҳукмнинг тавсиф қисмида фақатгина у озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсга колония турини тайинлаш учун аҳамиятга эга бўлгандагина кўрсатилиши мумкин. Ҳукмнинг тавсиф қисмида айбдорни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисида асослантирилган хулосалар бўлиши керак. Айблов ҳукмининг қарор қисмида бошқа масалалардан ташқари яна судланувчининг ўта хавфли рецидивист

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарори, 9-банд, 3-хатбоши // Тўплам, 2-жилд. – 228-б.

[2] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги «Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида»ги 13-сонли қарори, 25-банд // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси, 2008 й., 3-сон. – 16-б.

[3] См.: Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 2 мая 1997 г. № 2 «О судебном приговоре» (с изменениями и дополнениями, внесенными постановлениями Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 14 июня 2002 г. № 10, 19 декабря 2003 г. № 20 и 3 февраля 2006 г. № 5) // Сборник, Т.1. – С. 338.

деб топилганлиги (башарти суд шундай қарор қабул қилган бўлса) тўғрисидаги қарор ёритилиши лозим.

Юқорида, вояга етмаган ёшда олинган, ўчган ёки олиб ташланган судланганлик юзасидан чекловлар, рецидив жиноятнинг энг хавфли турида тан олинганлиги боис, улар нафақат ўта хавфли рецидив жиноят, балки рецидив жиноятларнинг бошқа турларига ҳам тегишли бўлиши даркор.

Суднинг шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш ваколатини кўзда тутиб, **ЖК 34-моддаси 7-қисмида** жиноят қонуни шуни тушунтирадики, ўта хавфли рецидивист билан боғлиқ жиноий-ҳуқуқий оқибатлар фақатгина кейинчалик жиноят содир этиш билан тан олинади. «Ушбу Кодекс махсус қисмининг ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи моддалари шахс ушбу жиноятни содир этгунга қадар қонунда белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист деб топилган бўлсагина қўлланилади» **(ЖК 34-моддаси 7-қисми)**. Бошқача айтганда, жиноятни ўта хавфли рецидив сифатида квалификация қилиш учун, ушбу рецидив аниқ қайд қилиниши шарт, бу ҳолат эса фақат шахс суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилганидан сўнг вужудга келади.

Суд томонидан шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш бир қатор ҳуқуқий оқибатларга олиб келади:

– ўта хавфли рецидивист томонидан жиноят содир этганлик Махсус қисмнинг кўп моддаларида қонун чиқарувчи томонидан таснифловчи ёки алоҳида квалификация белгиси сифатида баҳоланади;

– ўта хавфли рецидивист эркаклар озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони махсус тартибли колонияларда, аёллар эса қаттиқ тартибли колонияларда ўташади;

– ўта хавфли рецидивистларга озодликдан маҳрум этиш жазоси муддатининг бир қисмини турма қамоғида сақлаш тарзида ўташ тайинланиши мумкин;

– уларга нисбатан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этишни қўллашнинг бир қанча чеклашлари белгиланиши мумкин;

– уларга нисбатан шартли равишда жазо тайинлаш, жазо муддатидан илгари шартли озод этиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш мумкин эмас;

– ўта хавфли рецидивистларга нисбатан судланганликни олиб ташлашнинг алоҳида тартиби белгиланади. Мазкур турдаги рецидив ЖК 79-моддаси 2-қисмига асосан, судланганликни олиб ташланиши йўли билан бекор қилиниши мумкин.

Қонунда белгиланган тартибда оддий, хавфли ва ўта хавфли турларга бўлинишдан ташқари, жиноят-ҳуқуқий доктринада судланганлик миқдори, содир қилинган жиноятлар характери, уларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, оддий ва мураккаб, умумий ва махсус, пенитенциар ва ўта хавфли рецидив жиноятлар турлари ажратилади.

Оддий рецидив шахс икки бор судланган бўлади. **Мураккаб рецидив** – бу ўзига хос, бир қанчалик рецидив, бунда айбдор шахс уч маротаба ва ундан кўпроқ судланган.

Умумий рецидив шунда намоён бўладики, айбдорнинг «архиви» турли хил жиноятлардан таркиб топган (бевосита ва турдош объекти бўйича тафовутга эга ҳамда айб шакли турлича бўлган жиноятлар). Мисол учун, божхона қонунчилигини бузганлик учун судланганлиги бўла туриб, шахс ўғрилик ёки безорилик ва ҳоказо жиноятни содир қилади. **Махсус рецидив** бир-бирига яқин ёки турдош жиноятларни ўз ичига олади (бир хил бевосита ва турдош объектига эга ҳамда айб шакли бир бўлган жиноятлар). Масалан, шахс босқинчилик жинояти учун судланган бўлиб, худди шу жиноят ёхуд ўғрилик, фирибгарлик жиноятини содир этади. Умумий рецидивга нисбатан мураккаб рецидив хавфлироқ тусга эгадир.

Пенитенциар рецидивда илгари озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахс, аввалги жиноят учун судланганлик муддати давомида янги жиноят содир қилиб, яна озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинади. Мазкур рецидив турининг номи ҳам жазони озодликдан маҳрум қилиш жойларида ўташ билан боғлиқ.

ўта хавфли рецидив тушунчаси жиноят ҳуқуқида унинг қонундаги таърифига тўла мос, яъни у, суд ҳукмига асосан, ўта хавфли рецидивист деб топилган шахс томонидан жиноят содир этилган пайтда кузатилади.

«Бир қанча жиноят содир этиш» мавзуси юзасидан якуний саволлар

1. Бир қанча жиноят содир этиш деганда нима тушунилади? Унинг аҳамияти нимада?

2. Бир қанча жиноятлар содир этишнинг қандай зарурий белгилари мавжуд?

3. Қандай турдаги жиноий қилмишлар бир қанча жиноятларни ташкил қилади?

4. Бир қанча жиноятларнинг ягона жиноятдан фарқи нимада? Давомли, узоққа чўзилган ва таркибли жиноятлар остида нима тушунилади?

5. Амалдаги қонунчиликда бир қанча жиноят содир этишнинг қандай турлари мавжуд?

6. Такроран жиноят содир этиш деганда нима тушунилади? Бир қанча жиноят содир этишнинг мазкур тури бўйича квалификация қилишнинг қандай ўзига хос хусусиятлари бор?

7. Жиноятлар мажмуи остида нима тушунилади? Унинг қандай зарурий белгилари мавжуд? Жиноятлар мажмуининг қандай турларини биласиз?

8. Жиноятлар мажмуини такрорийликдан фарқлаб беринг.

9.Жиноятлар реал мажмуининг жиноятлар идеал мажмуидан тафовути нимада? Қилмишни жиноятлар идеал мажмуи бўйича квалификация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари нимада? Қонун томонидан инобатга олинган жиноятлар идеал мажмуи ва қонунда инобатга олинмаган жиноятлар идеал мажмуи нимада ифодаланади?

10. Рақобатдаги нормалар деганда нима тушунилади? Унинг бир қанча жиноятларни содир этишдан қандай фарқлари мавжуд? У ёки бу турдаги

рақобатдаги нормалар мавжудлигида квалификация қилиш қоидалари нимадан иборат?

11. Рецидив жиноят остида нима тушунилади, унинг асосий белгилари нимада? Қилмишда жиноятлар мажмуи ва рецидив бирикиши мумкинми?

12. Амалдаги ЖКда рецидивнинг қандай турлари ажратилади? Жиноят-ҳуқуқий доктринада рецидивнинг қайси турлари мавжуд?

13. Рецидив жиноятни топишда қандай судланганлик турлари инобатга олинмайди?

14. Рецидивнинг такрорий жиноят содир этишдан фарқи нимада?

15. Хавфли рецидив оддий рецидивдан қандай фарқланади? Қай ҳолатда шахс ўта хавфли рецидивист деб тан олинади?

16. Рецидив жиноят қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради?

Қўшимча адабиётлар

Ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар

Бытко Ю.И. Учение о рецидиве преступлений в российском уголовном праве: история и современность. – Саратов: 1998. – 220 Б.

Горелик А.С. Конкуренция уголовно-правовых норм. – Красноярск: 1996. – 67 Б.

Иногамова-Хегай Л.В. Конкуренция норм уголовного права. – М.: 1999. – 288 Б.

Красиков Ю.А. Множественность преступлений (понятие, виды, наказуемость). – М.: 1998. – 96 Б.

Малков В.П., Тимершин Х.А. Множественность преступлений. – Уфа.: УВШ МВД РФ, 1995. – 238 Б.

Яковлев А.М. Совокупность преступлений. – М.: Госюриздат, 1964. –119 Б.

Илмий мақолалар

Бикеев И. Актуальные проблемы ответственности за множественность преступлений // Ж. Уголовное право. 2001. № 4. – 13–14-б.

Бойко А. Верните неоднократность // Ж. Законность. 2006. № 1. – 12-б.

Бражник Ф. Множественность преступлений – отражение их совокупной общественной опасности // Ж. Уголовное право. 2000. № 3. – 6–10-б.

Бриллиантов А.В. Множественность преступлений в уголовном законе // Ж. Российский следователь. 2004. № 2. – 11–13-б.

Иногомова Л. Неоднократность и конкуренция норм. Некоторые спорные вопросы квалификации преступлений и назначения наказания // Ж. Уголовное право. 2002. № 2. – 30–33-б.

Спивак С. Понятие совокупности преступлений и ее виды // Ж. Российская юстиция. 2005. № 5. – 44-б.

Шнитенков А. Проблемы квалификации при совокупности преступлений // Ж. Российская юстиция. 2005. № 2. – 68-б.

XII БОБ. ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОИЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР

1-§. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги у ёки бу қилмишнинг жиноийлиги масаласини ҳал этганда унда жиноят таркибининг барча белгилари албатта ҳақиқатда мавжудлиги талабидан келиб чиқади. Бошқача айтганда, қилмишлар ташқи жиҳатдан (яъни, расман) содир этилиши учун жавобгарлик ЖК да кўзда тутилган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликка ўхшаган бўлса-да, ҳақиқатда жиноят таркибининг барча элементларига эга бўлмаса, жиноят деб тан олиниши мумкин эмас ва керак эмас. Бундай ҳолатларда жиноий жавобгарлик истисно этилади.

ЖК 35-моддасида қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар сифатида у ёки бу ҳолатларни тан олишнинг йўналтирувчи асослари белгилаб берилади, нафақат ҳуқуқни қўллайдиган органлар учун, балки қонун чиқарувчилар учун ҳам ЖК III бўлимининг бирор-бир қоидаларини ўзгартириш, тўлдириш ёки бекор қилишда уларга амал қилиш мажбурий бўлади. Бундан ташқари, ушбу қоидалар ЖК 3–10-моддаларида мустаҳкамланган тамойилларга, чунончи, адолат ва гуманизм тамойилларига унинг мунтазам мувофиқ амал қилишидан далолат беради.

ЖК 35-моддаси 1-қисмига мувофиқ, «қилмишда ушбу Кодексда назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топилади».

Қонунда ушбу белгиларнинг йўқлигига ишора қилиш тасодифий эмас, балки ЖК 14-моддасининг қоидалари билан белгилаб берилган: «Жиноят кодекси билан жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жиноят деб топилади». Шу

туфайли ҳеч бўлмаса битта белгисининг йўқлиги содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни жиноят сонига киритишга имкон бермайди, яъни шундай ҳаракатнинг жиноийлигини истисно қилади. Масалан, «жиноятни истисно қилувчи ҳолатлар (масалан, кам аҳамиятли қилмишлар бўлгани учун) ижтимоий хавфли бўлмаслиги мумкин ёки ҳуқуққа қарши йўналган бўлмаслиги мумкин (масалан, зарурий мудофаа; охирги зарурат; ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш) ёки айбли ҳаракат бўлмаслиги мумкин (буйруқни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш; касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик, жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиш натижасида), охирги иккита ҳолатда айбнинг мавжудлиги ЖК 40- ва 41-моддаларига мувофиқ, жиноийлиги олдиндан аён бўлган буйруқ ёки бошқа фармойишни бажариб, жиноят содир этган шахс учун ёки уларнинг таваккалчилиги одамларнинг ҳалок бўлиш хавфи, экология ҳалокати ёхуд бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини била туриб қилинган бўлса, улар жиноий жавобгарликка тортилади»[1].

Шуни ҳисобга олиш лозимки, **ЖК 35-моддаси 1-қисми** ҳеч бўлмаса биттасининг йўқлиги содир этилган қилмишнинг жиноий эмаслигидан далолат берадиган белгиларнинг барчасини тўлиқ белгилаб беради. Шу туфайли ушбу нормада кўрсатилмаган бошқа элементлар бирор-бир ҳолатни қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат сифатида тан олиш учун асос яратиб бериши мумкин эмас.

Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар масаласи умуман бирор-бир қилмиш учун жавобгарлик белгиланганда эмас, фақат уни амалга оширишнинг муайян вазияти туфайли бошқача мазмун касб этган муайян жиноят содир этилган ҳолатда юзага келади. Шундай қилиб, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар маълум бир қилмишнинг хусусиятини акс эттириб, унинг ижтимоий фойдали эканлиги,

[1] Уголовное право. Общая часть: Учебник / А.С. Якубов, Р. Кабулов и др. – С. 345

унинг маънавий жиҳатдан ва қонун томонидан маъқулланиши ёки унинг мумкин эканлигидан далолат беради (қилмишнинг кам аҳамиятли бўлган ҳолатида). Бундай ҳолларда қилмиш ўз юридик моҳиятига кўра фақат ташқи жиҳатидан ЖК да кўзда тутилган жиноят таркибининг белгиларига ўхшаш бўлади.

ЖК 35-моддасининг 2-қисмида муайян қилмишда мавжуд бўлган ҳолда унинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг рўйхати келтирилган: «кам аҳамиятли қилмишлар; зарурий мудофаа; охирги зарурат; ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш; буйруқни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш; касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик ва жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиш натижасида».

Ушбу рўйхат тўлиқ қамраб олувчи бўлиб, шу туфайли унда кўрсатилмаган бошқа ҳолатлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб тан олиниши мумкин эмас. Шу сабабли, масалан, мавжудлиги билан қилмишнинг жиноийлиги белгиланадиган воқеалар ёки ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик ёки унинг бошқа манбаларда истисно этилиши асосланадиган ҳолатлар шундай қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат деб тан олинмайди.

Шуни қайд этиш лозимки, қонун нафақат қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларни мустаҳкамлаб қолмасдан, балки уларнинг қонунийлиги шартларини ҳам белгилаб беради, уларга ЖК III бўлимининг 36, 37, 38, 39, 40-моддалари бағишланган. Ушбу шартларга мос келмаслик муайян ҳаракатларни кўриб чиқилаётган ҳолатларнинг бирортасига киритилишига имкон бермайди.

ЖКда қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг мустаҳкамланиши, бир томондан, жиноий-репрессив чоралар қўлланишининг камайишига, бошқа томондан, фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллиги ошишига олиб келади. Ушбу ҳолатлар фуқароларнинг

жиноятчиликка қарши курашда иштирок этишининг энг муҳим шакли бўлиб, у инсонларнинг онгли иродавий фаол ҳаракатларида амалга оширилади. Шундай қилиб, ушбу институтнинг меъёрлари пировардида ЖК вазифаларининг ҳал этилишига қаратилган.

2-§. Қилмишнинг кам аҳамиятли эканлиги

Ватанимиздаги жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари учун анъанавий бўлган шахснинг кам аҳамиятли қилмиш содир этган ҳолда уни жиноий жавобгарликка тортилишини истисно қиладиган қоидалар **ЖК 36-моддасида** акс эттирилган, унинг қоидаларига кўра, «гарчи ушбу Кодексда жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлса-да, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят деб топилмайди».

NOTA BENE !

Қилмишнинг кам аҳамиятли бўлиши қилмиш бирор-бир жиноятнинг барча аломатларига эга эканлиги, биринчи навбатда шахснинг айбдорлиги ва жиноий ҳуқуққа қарши эканлигини билдиради, лекин бундай қилмишнинг моҳият томони жиноят деб тан олиш учун унга қўйиладиган талабларга жавоб бермаслиги, яъни бузилиши ижтимоий хавфли қилмиш деб қараладиган чегаралардан ташқари ётади, бу эса унинг жазоланишини истисно этади.

Жиноят таркибининг моддий белгиси жиҳатидан кам аҳамиятли қилмиш уни жиноят деб тан олиш учун зарур бўлган ижтимоий хавф даражасига етмайди (масалан, ёзиш ручкасини, дафтарни ёки бировнинг боғидан олмани яширин ўғирлаш). Бундай қилмиш юзасидан жиноий иш қўзғатилмайди, қўзғатилган иш эса **ЖК 36-моддасига** таянган ҳолда ЖПК 83-моддасининг 2-қисмига мувофиқ тугатилиши лозим.

Кам аҳамиятли қилмишнинг хусусияти шуки, у қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган бошқа ҳолатлардан фарқли равишда ижтимоий фойдали ва маънавий жиҳатдан ҳамда қонун томонидан маъқулланиши мумкин эмас.

Қилмишнинг кам аҳамиятли эканлиги масаласи у тергов ва суд органлари томонидан ҳар бир муайян ҳолат юзасидан ҳал этилишида ифодаланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари содир этилган қилмиш кам аҳамиятли эканлиги белгисига эга эканлиги ёки эга эмаслигини унинг характери ва ижтимоий хавфлилигининг даражасини ҳисобга олиш асосида аниқлайдилар. Қилмишни кам аҳамиятли деб тан олиш муайян жиноий қилмиш содир этилган барча ҳолатларнинг жамулжамлигини таҳлил қилишга асосланиши лозим (айбнинг шакли, жиноятни содир этиш усули, мотив, шароитлари ва босқичи, юзага келган оқибатларнинг оғирлиги, жиноятдаги шериклардан ҳар бири иштирок этишининг даражаси, характери ва ҳоказо). Хусусан, агар айбдор шахс жабрланувчини ўлдиришга қаратилган ҳаракатларни содир этган бўлса, лекин амалда унга ҳеч қандай зарар етказилмаган бўлса, содир этилган қилмиш одам ўлдиришга қасд қилиш деб малакаланиши лозим ва кам аҳамиятли деб қаралиши мумкин эмас. Худди шу ҳолатда, агар жабрланувчини қўрқитмоқчи бўлиб, айбдор шахс шундай бир қилмишни содир этган бўлса ва унинг оқибатида жабрланувчига оғир тан жароҳатлари (руҳий шикастланиш) етказилган бўлса, бу қилмиш ҳам кам аҳамиятли деб тан олиниши мумкин эмас, чунки кам аҳамиятли бўлишининг тегишлича объектив элементи мавжуд эмас, субъектив белгиси мавжуд бўлса ҳам.

Қилмишнинг кам аҳамиятли эканлиги масаласини ҳал этишга айбдор шахсини тавсифловчи хусусиятлар таъсир этмайди. Фақат қилмишнинг ўз хусусиятларигина бундай қарор қабул қилишда ҳисобга олиниши керак, айбдор шахси тўғрисидаги маълумотлар фақат жазонинг тури ва миқдорини белгилаш учунгина, яъни шахснинг қилмишида жиноят таркибининг моддий ва расмий белгилари аниқланганидан кейингина муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бир қатор ҳолларда жиноий қонунчилик маълум миқдорда (анча, кўп миқдорда ва жуда кўп миқдорда) зарар етказилишини жиноятнинг мажбурий белгиси деб тан олишини қайд этиш лозим. Бундай ҳолларда кам аҳамиятли зарар етказилиши содир этилган қилмиш ҳатто расман жиноят белгиларига мос келмаслигини кўрсатади. Жиноий иш бундай ҳолларда **ЖК 36-моддаси** бўйича кам аҳамиятли эканлиги юзасидан эмас, балки **ЖК 36-моддасига** ҳавола этмаган ҳолда ЖПКнинг 83-моддаси 2-банди бўйича жиноят таркибининг мавжуд эмаслиги туфайли тугатилиши лозим бўлади. Масалан, ЖКнинг 173-моддаси фақат анча миқдорда содир этилган ўзганинг мулкини қасддан нобуд қилиш ёки бузиш учун жиноий жавобгарликни кўзда тутади. Шунинг учун бу жиноятни содир этиш оқибатида анча миқдордаги зарардан камроқ зарар етказилган бўлса, қилмиш ҳатто расман ЖКнинг 173-моддасида кўзда тутилган жиноят белгиларига мос келмайди. Бундай қилмиш юзасидан жиноий иш қўзғатилмайди, қўзғатилган иш эса қилмишнинг кам аҳамиятли эканлиги туфайли эмас, жиноят таркибининг йўқлиги сабабли тугатилиши лозим, чунки унинг мажбурий белгиси – анча миқдордаги зарар мавжуд бўлмайди.

3-§. Зарурий мудофаа

Зарурий мудофаа ҳар бир кишига туғилишидан хос бўлган, умумий кўринишида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида мустаҳкамланган унинг шаъни, қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилишдан ҳимояланиш ҳуқуқидан келиб чиқади[1]. Кўриб чиқилаётган

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартириш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 90-моддасининг иккинчи қисмига тузатиш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32, 78, 93, 98, 103 ва 117

жиноий-ҳуқуқий институтнинг ижтимоий фойдали мақсади – ҳуқуқ билан муҳофаза қилинадиган манфаатларни ҳимоя қилиш айнан шунда намоён бўлади.

Зарурий мудофаа ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа қарши бўлган тажовузлардан – жиноятлардан ҳимоя қилишнинг усулларидан бири бўлиб, унинг оқибатида тажовузчи шахсга зарар етказилади, бу эса унинг жиноий қилмиш билан ташқи жиҳатдан ўхшашлигини белгилаб беради. Айни пайтда, зарурий мудофаа фуқароларнинг ижтимоий фойдали фаолияти бўлади, чунки у мажбуран тусга эга бўлиб, жиноий ҳаракатларнинг олдини олиш ва унга чек қўйишга қаратилган. Айнан ушбу кўрсатилган сабаблар туфайли қонун «зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш чоғида қилинган ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди» деб белгилайди **(ЖК 37-моддаси 1-қисми)**.

NOTA BENE !

Зарурий мудофаа – бу ижтимоий хавфли бўлган тажовуздан қонуний ҳимоя қилиш бўлиб, тажовузчига ноиложликдан зарар етказиш орқали амалга оширилади ҳамда тажовузнинг характерига ва ижтимоий хавфлилиги даражасига мос келади.

моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 4-бандига, 81-моддасининг еттинчи қисмига, 83-моддасига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13 ва 14- бандларига, 107-моддасининг биринчи қисмига, 110-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига, 111-моддасига ўзгартишлар ва қўшимча киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддасининг 5 ва 12-бандларига, 93-моддаси биринчи қисмининг 13-бандига ҳамда 108, 109-моддаларига ўзгартишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 99 ва 10-моддаларига ўзгартишлар киритилган.) – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 12 б.

Шуни таъкидлаш лозимки, ЖК ҳимоя қилиш объектлари сифатида шахсни, унинг ҳуқуқларини, жамият ва давлат манфаатларини кўрсатади. Бунда ЖК 2-моддасининг қоидаларидан фарқли равишда, ушбу объектлар умумий аҳамиятга эга бўлади ҳамда Кодекс томонидан жазо таҳдиди остида ҳимоя қилинадиган барча ижтимоий муносабатларни қамраб олади. Хусусан, атроф табиий муҳитнинг, мулкнинг сақланишини таъминлаш, инсоният тинчлиги ва хавфсизлиги манфаатларини таъминлашга қаратилган муносабатларни шундай муносабатлар деб тан олиш керак. **ЖК 37-моддаси 1-қисмида** санаб ўтилган зарурий мудофаада ҳимоя қилинадиган объектлар умуман олганда ЖКнинг ҳимояси остида бўлган муносабатларнинг ягона формуласини таърифлаши лозим: шахс – жамият – давлат, бу юридик техниканинг хусусиятлари туфайли юзага келган бўлиб, расмий жиҳатдан бошқача бўлган муносабатларни ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатларни зарурий мудофаа деб тан олишга таъсир этмайди. «Зарурий мудофаа тўғрисидаги қонунни қўллаш давлат мулки, жамоат тартиби, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати, манфаатларини тажовуздан қўриқлашга ҳам оиддир»[1].

Зарурий мудофаада ҳимоя қилиш шахснинг тажовузчига маълум зарар етказувчи фаол ҳаракатларида ифодаланганлиги туфайли, қонун ушбу мудофаа мос келиши лозим бўлган маълум шартларни кўрсатади. Мудофаанинг ушбу қонун шартларига мос келмаслиги ундан четга чиқиш бўлиб, у ижтимоий хавфли бўлганлиги туфайли жиноят деб тан олинади.

Ватанимиздаги жиноий ҳуқуқ назарияси ва суд амалиётида ишлаб чиқилган зарурий мудофаа қонуний бўлишининг шартлари жамланган ҳолда, **ЖК 37-моддасида** мустаҳкамланган ушбу шартлар мавжудлиги зарурий мудофаа ҳолатидан далолат берувчи иккита элементга: тажовузга ва ундан ҳимояланишга дахлдор бўлади. Бунда фақат ушбу шартларга тўла мувофиқ келиши шахснинг ҳаракатларини зарурий мудофаа сифатида малакалашга имкон бериши кўзда тутилади.

[1]

Тажовузга оид бўлган зарурий мудофаа шартлари, умуман олганда, мавжудлиги шахсга зарурий мудофаа қоидалари бўйича ўзини ҳимоя қилишга имкон берадиган ҳолатларни аниқлашга қаратилган. Ушбу шартлар тажовузни зарурий мудофаанинг мустақил элементи сифатида бир неча жиҳатидан тавсифлайди, яъни: тажовузнинг тури, унинг характери, мавжудлиги ва ҳақиқийлиги. Фақат унга қарши ҳимояланиш амалга оширилган тажовуз барча талаб этиладиган шартларга жавоб берган ҳолдагина у зарурий мудофаа учун асос деб тан олиниши мумкин, акс ҳолда жиноий қонунчиликнинг қаралаётган институти қўлланилиши мумкин эмас.

Зарурий мудофаанинг қонуний бўлишининг тажовузга оид биринчи шарти сифатида тажовузнинг ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа қарши бўлиши тан олинади.

«Жиноят кодексининг махсус қисмида назарда тутилган ҳаракатлар уни содир этган шахснинг жавобгарликка тортилганлиги ёки руҳий касаллик туфайли, жиноий жавобгарлик ёшига тўлмаганлиги сабабли ва бошқа асосларга кўра, жавобгарликдан озод қилинганлигидан қатъи назар, Жиноят кодексининг 37-моддаси доирасида ҳимояланишига асос берувчи **ижтимоий хавфли тажовуз** деб ҳисобланади»[1]. Бунда ҳуқуққа қарши бўлишининг аломати фақат тажовузнинг объектив томонига тегишли бўлади, яъни ЖК тегишли моддасининг диспозициясида таърифланган қилмишнинг ўзи ҳуқуққа қарши деб тан олинади, жиноят субъектининг тавсифи эса, ЖК 37-моддаси жиҳатидан у ёки бу **қилмишнинг ҳуқуққа қарши** деб тан олинишига таъсир этмайди. Шундай қилиб, зарурий мудофаа ақли норасо бўлган, кичик ёшли шахсларнинг қилмишларига қарши, шунингдек, амалда хато мавжуд бўлган ҳолда ҳаракат қилувчи шахсларнинг қилмишларига қарши амалга оширилиши мумкин бўлади, яъни уларга хос бўлган хусусиятлари туфайли ўзлари содир этган ижтимоий хавфли қилмишлари

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 1-банд // Тўплам, 1-жилд. – 77-б.

учун жиноий жавобгарликка тортилмайдиган, лекин улар содир этган ҳаракатлар ҳуқуққа қарши хусусиятларга эга бўлган ҳолда мумкин бўлади.

Аслида ҳар қандай ижтимоий хавфли тажовуздан – жиноятдан зарурий мудофаа мумкин бўлади. Лекин, шунга қарамай, ҳар қандай жиноят ҳам зарурий мудофаа ҳаракати учун қонуний шарт бўлавермайди.

Тергов ва суд органлари ҳар бир муайян ҳолатда содир этилган қилмиш зарурий мудофаа ҳолатини белгилаб бериш-бермаслиги масаласини ҳал этишга индивидуал ёндашиши керак.

Энг аввало, тажовузчига зарар етказиш орқали ҳимоя қилинадиган қилмиш ҳимоя қилинадиган муносабатларга шу ондаги ва бошқача олдини олиб бўлмайдиган зарар етказилиши билан тажовуз қилиши лозим ва фақат тажовузчига жисмоний таъсир этиш билангина унинг олдини олиш мумкин бўлиши лозим. Суд амалиёти кўрсатишича, бундай ҳаракатларга, асосан, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий эркинлигига қарши жиноятлар, безорилик, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш ва бошқа жиноятлар, яъни зўрлик ишлатиш билан кечадиган, агрессив ва бузғунчилик характерига эга бўлган жиноятлар киради.

Айни пайтда, бир қатор ҳуқуққа қарши тажовузлар мавжудки, улар шу ондаги ва бошқача олдини олиб бўлмайдиган зарар етказилиши билан тажовуз қилмайди ёки уларнинг содир этилишидан зарар зўрлик ҳаракатлари билан олди олиниши лозим бўлмайди. Бундай жиноятлар сифатида, масалан, меҳнат ҳуқуқини бузиш, туҳмат, пора бериш ва бошқалар тан олинади. Шу сабабли бундай қилмиш содир этилишига чек қўйиш мақсадида тажовузчига зарар етказиш зарурий мудофаа деб қаралиши мумкин эмас, зарар етказган шахс эса умумий асосларда жавобгарликка тортилиши лозим бўлади.

Бундан ташқари, зарурий мудофаа доирасида унга жавобан зарар етказишга ҳуқуқ берадиган ижтимоий хавфли тажовуз фақат ҳужум қилувчининг қасддан фаол хулқида (ҳаракатида) ифодаланиши мумкин. Яъни, эҳтиётсизлик орқали жиноят содир этилишида, шунингдек,

ҳаракатсизлик (бирор-бир вазифани бажармаслик) йўли билан жиноят содир этилишида зарурий мудофаа ҳуқуқи мавжуд эмас.

Шуни таъкидлаш лозимки, қонун фақат ЖК билан тақиқланган тажовузлардан зарурий мудофаа қилиш ҳуқуқини тан олади. Шу сабабли, ҳатто ижтимоий хавфли бўлганда ҳам шахс қонун билан тақиқланмаган ноқонуний ҳаракатлар содир этган ҳолда унга зарар етказиш мумкин эмас. Бу мазкур институтнинг қўлланишида яхлитликка ёрдам беради, шунингдек, жиноий қонунчиликнинг адолат ва инсонпарварлик тамойилларининг амалга оширилгани бўлади. Ушбу масалани бошқача ҳал этиш зарурий мудофаа ҳолатларининг асоссиз кенгайтирилишига олиб келган бўлар эди.

Худди шунингдек, расман таркибида содир этилиши учун ЖК да жавобгарлик кўзда тутилган жиноят таркибининг аломатлари бўлган, лекин аслида жиноий бўлмаган қилмишлар ҳуқуққа қарши қилмиш сифатида қаралиши мумкин эмас. Хусусан, кам аҳамиятли эканлиги, охирги зарурат ва ҳоказолар туфайли қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар бўлганда бу қилмишлар жиноий бўлмайди. Бундай қилмишларга қарши мудофаа қилган шахсларнинг ҳаракатлари умумий асосларда уларга ушбу ҳаракатларнинг характери аввалдан маълум бўлиши шарти билан ижтимоий хавфли бўлган жиноий ҳаракатлар, яъни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракатлар деб қаралиши лозим.

Зарурий мудофаа юзасидан ишларни тергов қилишда ва ҳал этишда, шунингдек, баъзи ҳолатларда мансабдор шахслар ташқи жиҳатдан ҳуқуққа қарши ҳолатларга ўхшаш бўлган, лекин аслида шундай бўлмаган ҳаракатларни амалга оширишга ваколатли бўлади. Бундай ҳаракатлар, масалан, махсус воситани қўллаш, қуролни ишлатиш ҳолатлари ва ҳоказолар бўлади. Бундай ҳолатларда мансабдор шахснинг ҳаракатлари қонунчилик талабларига мослиги ёки, аксинча, ҳуқуққа қарши эканлигидан **расмий мезон** дейиладиган мезон далолат беради. Ушбу мезон шундан иборатки, барча мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари нафақат моҳияти юзасидан, балки расмий жиҳатидан ҳам қонуний бўлиши лозим, яъни фақат қонун билан

белгиланган шаклига амал қилинган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин. Шу муносабатда мансабдор шахсларнинг расмий равишда ноқонуний бўлган ва аслида ҳуқуққа қарши бўлган ҳаракатларига қаршигина зарурий мудофаага йўл қўйилиши мумкин .

Зарурий мудофаа қонунийлигининг иккинчи шарти – тажовуз мавжуд бўлишидир.

Тажовуз мавжудлиги деб, объектив равишда шу ондаги ва бошқача олдини олиб бўлмайдиган ҳолда ижтимоий хавф етказиши мумкин бўлган қилмиш сифатида тавсифлайдиган белгиларнинг жамулжамлиги тушунилади.

Ҳуқуққа қарши қилмиш мавжудлиги қуйидаги ҳолларда аниқланади:

– шу ондаги зарар етказишнинг ҳақиқий хавфи мавжуд бўлганда;

– зарар етказилаётган пайтда.

Ҳуқуққа қарши тажовузнинг мавжудлиги ва уни амалга оширишнинг ҳақиқий хавфи бўлганда шахснинг мудофаа қилинадиган манфаатга шу ондаги ва бошқача олдини олиб бўлмайдиган зарар етказилишининг ҳақиқий хавфи юзага келган ҳолдаёқ тажовузчи шахсга зарар етказиш ҳуқуқини кўзда тутади. Бу ҳолда шахс тажовузнинг ўзи юзага келишининг олдини олишга қаратилган зарурий мудофаанинг превентив (олдини олувчи) чораларини амалга оширади. Шундай қилиб, мудофааланувчи ҳуқуққа қарши ҳаракатнинг ёки ҳаракатсизликнинг амалда оширила бошланишини албатта кутиб ўтириши шарт эмас, чунки бу баъзи ҳолатларда қонун билан ҳимоя қилинадиган объектга зарар етказилиши хавфи остига қўйиши мумкин, фуқаролар томонидан ушбу талабнинг бажарилиши эса оғир ва қайтариб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин бўлар эди.

Ҳуқуққа қарши тажовузнинг ва уни амалга оширишнинг ҳақиқий хавфи мавжудлиги масаласи тергов ва суд органлари томонидан ҳақиқий маълумотларга асосланган ҳолда мудофааланувчининг субъектив тасаввурларидан келиб чиқиб ҳал этилиши лозим. Бошқача айтганда, зарурий мудофаани амалга оширувчи шахснинг ҳуқуққа қарши тажовузининг ва уни

амалга оширишининг ҳақиқий хавфи мавжудлиги тўғрисидаги субъектив тасаввури амалий вазиятга, тажовуз қилувчининг ҳақиқий ҳаракатларига асосланган бўлиши лозим. Хусусан, улар сўзлар, имо-ишоралар билан муайян таҳдид қилиш, қуролни намойиш этиш ва бошқа қўрқитиш усуллари бўлиши мумкин.

Зарар етказишнинг ҳақиқий хавфи туғилмаган, яъни тажовуз мавжуд бўлмаган ҳолларда, шунингдек, зарурий мудофаа ҳолати ҳам йўқлигини кўзда тутиш лозим. Шу сабабли бундай ҳолда тахмин этилган тажовузчига зарар етказиш умумий асосларда жиноий жавобгарликка тортилиши лозим.

Ҳуқуққа қарши тажовузнинг уни амалга ошириш даврида (яъни, зарар етказилаётган вақтда) мавжудлиги сўзсиз бўлади, бу давр тажовузнинг амалда давом этиш давридир. Шу муносабатда жиноий қилмишнинг аслида бошланиши ва тугаши масалалари алоҳида эътиборга молик бўлади.

Жиноий тажовузнинг амалда бошланиши деб, ЖК да жавобгарлик кўзда тутилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг хронологик жиҳатдан биринчи элементининг содир этилиши, яъни жиноят таркибини амалга ошириш бошланиши тан олиниши керак. Бунда ушбу таркибнинг тугалланган бўлиши, тажовузчининг қилмишида унинг барча аломатлари мажвуд бўлиши аҳамиятга эга эмас. Масалан, ўғрилик қилиш, воқеаларнинг кейинги ривожидан қатъи назар, шахснинг ўзга мулкни эгаллаган пайтидан бошланади.

Тажовузнинг амалда тугалланиши эса зарар етказилишининг хавфи тугаган ёки жиноий оқибат юзага келган вазиятни билдиради.

Тажовузнинг амалда тугалланиши қуйидаги ҳолларда аниқланиши лозим:

– жиноят тажовузчининг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли (жиноятга суиқасд) ёки унинг иродасига кўра (жиноятни содир этишдан ихтиёрий воз кечиш) тўхтатилган бўлса;

– тажовузчи ўз мақсадига етган бўлса.

Тажовузнинг амалда тугалланишининг вақти муайян қилмишнинг элементлари жамулжамлигидан келиб чиқиб аниқланиши лозим, бунда тажовузчининг ижтимоий хавфли мақсадига объектив етганлиги масаласи устувор бўлиши керак. Шундай қилиб, тажовузчи ўз жиноий мақсадига етмаган бўлса ва у тажовузнинг муайян вақтида унга эришишдан воз кечмаган бўлса, у тугалланган деб эътироф этилиши мумкин эмас.

«Зарурий мудофаа ҳолати тажовуз тугагандан сўнг ҳам бўлиши мумкин, агар ҳимояланувчи иш ҳолатларига кўра тажовуз тугаган вақтни аниқ англай олмаган бўлса. Хужум вақтида ишлатилган қурол ва бошқа ашёларнинг тажовузчидан ҳимояланувчининг қўлига ўтиб қолишининг ўзи тажовуз тугаганлигидан далолат бермайди»[1].

Тажовузчига мудофааланувчи тажовуз амалда тугаганидан кейин етказилган ва ҳимоя қилиш воситаларини қўллашнинг зарурати очиқдан-очиқ қолмаган ҳолда етказилган бўлса, мудофааланувчи умумий асосларда жиноий жавобгарликка тортилиши лозим. Бошқача айтганда, бундай вазиятда зарурий мудофаа мавжуд бўлмайди, чунки тугаган тажовузга қарши мудофаа умуман ортиқча бўлиб, мантиқан мумкин бўлмайди. «Судланувчининг бундай ҳаракатларига тўғри ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида судлар юз берган воқеанинг барча ҳолатларини ҳисобга олиб, бу ҳаракатлар улар томонидан ижтимоий хавфли тажовуз сабабли кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган-этилмаганлигини аниқлашлари зарур»[2].

Тажовузни тавсифлайдиган зарурий мудофаанинг якуний шарти **тажовузнинг ҳақиқийлиги** бўлади.

Тажовузнинг ҳақиқийлиги ҳуқуқ билан ҳимоя қилинадиган манфаатларга зарар етказиш хавфи мудофааланувчи шахснинг хаёлидагина туғилганлиги эмас, балки объектив мавжудлигини билдиради. Тажовуз

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 2-банд, 1-хатбоши // Тўплам, 1-жилд. – 77-б.

[2] Ўша жойда.

ҳақиқийлигининг белгиси зарурий мудофаани хаёлий мудофаадан фарқлаш имконини беради.

Хаёлий мудофаа деб, тахмин этилган тажовузчига ҳақиқий ижтимоий хавфли тажовуз бўлмаган ҳолда, шахс уни мавжуд деб хато тахмин этган ҳолда зарар етказилиши ҳолатлари тан олиниши лозим[1]. Бошқача айтганда, хаёлий мудофаа ҳолати фақат иш ҳолатлари тажовузнинг хаёлийлигидан далолат берганда мумкин бўлади, тажовузнинг хаёлийлиги деганда, ҳуқуққа қарши ҳаракатнинг содир этилиши эҳтимолидан у ёки бу даражада далолат берувчи баъзи ҳолатлар мавжудлиги тушунилиши лозим.

Хаёлий мудофаада зарар етказиш объектив ҳолда ижтимоий хавфли бўлади, шунинг учун бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик масаласи амалдаги хато тўғрисидаги умумий қоидалардан келиб чиққан ҳолда ҳал этилиши лозим.

«Агар ҳодиса ҳолатларига кўра, мудофаа чораларини қўллаган шахс ўзининг янглишганини билмаган ва билиши ҳам мумкин бўлмаган бўлса, унинг ҳаракатлари зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган деб ҳисобланиши керак»[2].

Бундай хаёлий мудофаанинг хусусий кўриниши деб ҳуқуққа қарши тажовуздан ҳимоя қилиш шахс томонидан бевосита жиноий қилмиш тугаганидан кейин амалга оширилган ҳолда, мудофааланувчи учун иш ҳолатларига кўра унинг тугалланиш пайти аниқ бўлмаганлиги шарти билан, тан олинади.

Мудофааланувчининг ҳаракатлари бу вазиятда зарурий мудофаа деб тан олиниши туфайли уларга ушбу ҳуқуқий институтнинг барча шартлари қўлланишини таъкидлаш лозим. Хусусан, хаёлий мудофаада шахснинг ҳаракатлари билан тегишли ҳақиқий тажовуз шароитида йўл қўйиладиган зарарнинг доирасидан очиқдан-очиқ чиқиб кетадиган зарар етказилган бўлса,

[1] Ўша жойда.

[2] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 10-банд.

улар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб қаралиши, ушбу шахснинг ўзи эса қонунчилик билан белгиланган жавобгарликка тортилиши лозим.

«Агар шахс тажовузнинг аслида йўқ ва хаёлийлигини била туриб, иш ҳолатларига кўра ҳам уни албатта билиши мумкин бўлгани ҳолда зарар етказса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг эҳтиётсизлик орқасида зарар етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан тавсифланиши лозим»[1].

Тажовузнинг хаёлийлиги бўлмаган, шахс томонидан гўёки хаёлий мудофаа ҳолатида зарар етказилган ҳолатда эса унинг ҳаракатлари эҳтиётсизлик орқасидан ҳаракатлар каби эмас, балки қасддан жиноят сифатида малакаланиши лозим. Бундай вазиятда хаёлий тажовуз ҳам мавжуд бўлмагани учун, шахснинг ҳаракатлари хаёлий мудофаа билан эмас, балки айбдор шахснинг ҳеч нарсага асосланмаган гумонсираши туфайли амалга оширилган бўлади.

Шахснинг ҳаракатларида зарурий мудофаа ҳолати тажовуз ва ҳимоя қилиш мавжуд бўлганда аниқланиши лозим. Айни пайтда ушбу элементларнинг фақат юзаки жамулжамлигининг мавжудлиги шахснинг қилмишини зарурий мудофаа сифатида малакалашга имкон бермайди, лекин уларнинг қонунийлик шартлари билан таъминланадиган қатъий ўзаро мувофиқлиги ва ўзаро келишилганлигини талаб этади, ушбу элементлар уларга жавоб бериши лозим.

Зарурий мудофаада ҳимоя қилишнинг қонунийлиги шартлари, тажовуз қонунийлиги шартларидан фарқли равишда, ҳимоя қилиш унинг кўриниши, ижтимоий фойдали манфаатга қаратилганлиги жиҳатидан, шунингдек, қатъий белгиланган шахсларга мудофаа пайтида зарар етказилиши жиҳатидан, етказилган зарарнинг тажовуз характерига ва хавфига мувофиқлиги, мос келиши жиҳатидан таърифланади.

[1] Ўша жойда, 10-банд, 1-хатбоши.

Зарурий мудофаада ҳимоя қилиш доимо ижтимоий хавфли тажовузга жавоб беришга қаратилган ҳаракатларда намоён бўлади, бу қонуннинг ўзида ҳам кўрсатилган. Бунда ушбу ҳаракатлар доимо мудофааланувчининг ташаббусига кўра амалга оширилиши ҳамда **фаол бўлишига** эътибор бериш лозим. Химоя қилишда тажовузчи ва мудофааланувчининг ҳаракатлари айнан бир хил бўлиши, шунингдек, тажовуз қилиш ва ҳимояланиш воситаларининг бир хил бўлиши талаб этилмайди. Бундан ташқари, мудофааланувчи ҳаракатларининг фаол эканлиги яна улар бевосита тажовузчига қарши қаратилганлигида намоён бўлади.

Зарурий мудофаа жараёнида ҳимоя қилишда ҳаракатларнинг фаол эканлиги, у нафақат тажовузга жавоб бериш, балки акс ҳужумга ўтиши мумкинлиги, тажовуз қилувчи шахсни унга зўрлик ишлатиш орқали мажбурлашга ўтиши мумкинлигида ифодаланади.

Ижтимоий хавфли тажовузга жавоб бериш фаол ҳимоя ҳаракатлари қўлланмаган ҳолда, пассив ҳимоя қилиш орқали (масалан, ҳужумдан қочиш, қочиб кетиш ва ҳоказолар) амалга оширилган ҳолатлар зарурий мудофаа сифатида тан олинмайди, ҳатто унинг оқибатида тажовуз қилувчига маълум зарар етказилган бўлса ҳам (масалан, қувлаш давомида тажовузчи йиқилиб тушиб, тан жароҳатини олган бўлса ва ҳоказо). Бундай ҳаракатлар, умуман, ҳатто жиноятнинг расман белгиларига ҳам эга бўлмайди, шунинг учун бундай шаклида зарурий мудофаа сифатида малакаланиши мумкин эмас.

Зарурий мудофаада ҳимоя қилиш қонунийлигининг мажбурий шарти унинг **мақсадга қаратилганлиги** бўлиши лозим, яъни бунда мудофааланувчининг хулқи ижтимоий фойдали манфаатга эришувига йўналтирилганлигидан далолат берувчи объектив ва субъектив аломатларнинг тизими тушунилиши лозим. Бу эса, тажовуз қаратилган маълум ижтимоий муносабатларнинг ҳимоя қилиш талаби сифатида тушунилади. Бунда ҳимоя қилиш ҳаракатлари ҳам мудофааланувчининг ҳуқуқлари ва манфаатларига тажовузчи шахсларга қарши, ҳам бошқа шахсларнинг, шунингдек, муассасалар, ташкилотлар, жамият ва давлатнинг

ҳуқуқлари ва манфаатларига тажовузчи шахсларга қарши қаратилиши мумкинлигини унутмаслик лозим, тажовузнинг муайян қаратилиши бунда аҳамиятга эга бўлмайди. Мудофаа қилиш ҳаракатларини ижтимоий фойдали манфаатга эришувга қаратилган деб тан олишда жабрланувчининг расман ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, унинг ёрдам кўрсатишга розилик берганлиги ёки ёрдам кўрсатмаслик талаби ҳам аҳамиятга эга бўлмайди.

Зарурий мудофаани амалга ошириш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг субъектив ҳуқуқидир ва шунинг учун ҳам ҳимоя қилишни, шу жумладан бошқа шахсларга қарши қаратилган тажовузларда ҳимоя қилишни амалга ошириш қарори мудофааланувчининг мутлақ прерогатив ҳуқуқи бўлади.

Зарурий мудофаанинг ижтимоий фойдали манфаатга эришувига қаратилмаганлиги шахснинг ҳимоя қилиш ҳаракатларини маъносидан маҳрум этади, бир қатор ҳолатларда эса жиноятга айлантиради.

Хусусан, **зарурий мудофаани қўзғатиш** жиноят бўлади, бунда кейинчалик зарурий мудофаа ниқоби остида унга зарар етказиш учун бирор-бир шахс бошқа шахс томонидан агрессив ҳаракатларни юзага келтириши мумкин бўлган шароитларни онгли равишда ҳосил қилиши ҳолатлари тушунилади. Бу ҳолда мудофааланувчи ижтимоий фойдали манфаатга эришиш учун эмас, балки фақат ўзининг ғаразли мотивларидан келиб чиқиб ҳаракат қилгани учун бундай ҳаракатларни зарурий мудофаа сифатида малакалаш мумкин эмас, бу **ЖК 37-моддаси 4-қисмида** бевосита кўрсатилган. Бундай ҳолда «мудофааланувчининг» ҳаракатлари қасддан қилинган жиноят деб малакаланиши лозим. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришларига кўра, «агар шахс зиён етказиш (уришиш, азоб бериш, ўч олиш ва бошқалар) ниятида ҳужумнинг келиб чиқишига сабабчи бўлса, бундай ҳаракатларни зарурий

мудофаа йўсинида қилинган деб топиш мумкин эмас. Бу ҳолатларда содир этилган хатти-ҳаракатлар умумий асосларда тавсифланиши лозим»[1].

Зарурий мудофаанинг мақсадга қаратилган бўлиши қонунийликнинг мажбурий шарти сифатида субъектив томонидан ҳам мудофааланувчи шахснинг ҳаракатлари ижтимоий фойдали манфаатга эришувига қаратилган бўлиши лозимлигини билдиради. Хусусан, мудофааланувчи ўзи амалга оширадиган ҳаракатларнинг ижтимоий фойдали характерини англаб етиши лозим. Шу билан ҳуқуққа қарши тажовузнинг олдини олаётганлигини билмай туриб тажовуз қилаётган шахснинг ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ билан манфаатларини бузган шахс зарурий мудофаа ҳолатида ҳимоя қилишни амалга оширган шахс деб қаралиши умуман мумкин эмас. Иродавий жиҳати ҳам бунда катта аҳамиятга эга бўлади, яъни мудофааланувчи тажовузга чек қўйиш орқали ижтимоий фойдали манфаатга эришишни исташи лозим. Шундай қилиб, зарурий мудофаанинг мақсадга қаратилганлиги нафақат шахснинг ҳимоя қилиш ҳаракатларининг ижтимоий фойдали бўлишини кўзда тутади, балки ушбу шахс шу мақсадга эришувини англаши ва унга интилишини талаб этади.

Зарурий мудофаада ҳимоя қилиш қонунийлигининг кейинги шарти **зарурий мудофаа** учинчи шахсларга, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига ёки жамият ёки давлатга зарар етказиш эмас, балки **мутлақо фақат тажовузчи шахсга зарар етказилиши орқали амалга оширилиши лозимлиги бўлиб, бу ЖК 37-моддаси 1-қисмида** очиқ-ойдин кўрсатилади.

Қонуннинг ушбу талаби зарурий мудофаа ҳуқуқи тажовузчининг ҳуқуққа қарши ҳаракатлари натижасида пайдо бўлиши билан белгилаб берилади, уларга чек қўйиш мақсадида унга зарар етказиш зарурати туғилади.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, тажовузчига зарурий мудофаа пайтида зарар етказиш ҳуқуққа қарши ҳаракатни ким содир этиши, ҳимоя қилиш

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 3-банд // Тўплам, 1-жилд. – 77–78-б.

кимга қарши қаратилганлиги, шунингдек, тажовузчи мудофааланувчи билан қандай муносабатларда бўлишига боғлиқ бўлмайди. Шу сабабли мудофаа ҳам мудофааланувчига яқин шахсларга қарши (турмуш ўртоғи, қариндоши, дўсти ва бошқалар), ҳам мутлақо нотаниш шахсларга қарши, оддий фуқарога ёки ҳокимият вакилига қарши қаратилган бўлиши мумкин ва ҳоказо.

Мудофааланувчи томонидан тажовузга жавоб бериш оқибатида бегона шахсларга, яъни учинчи шахсларга зарар етказилган бўлса, унинг ҳаракатлари муайян ҳолатларига қараб қуйидагича квалификацияланиши лозим:

– ушбу жиноий-ҳуқуқий институтнинг қонун талаб этган барча белгилари мавжуд бўлган ҳолда, охирги зарурат сифатида;

– хаёлий мудофаа тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ, содир этилган қилмишда барча зарурий шартлар мавжуд бўлган ҳолда зарурий мудофаа ёки эҳтиётсизлик орқасидан жиноят сифатида;

– умумий асосларда одатдаги қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган жиноят сифатида. Эҳтиётсизлик орқасидан жиноятдан фарқли равишда, хаёлий мудофаада айбдор шахс эҳтиётсизлик орқасидан зарар етказган учинчи шахсларнинг ҳаракатлари унинг онгида амалга оширилаётган тажовуз билан боғлиқ бўлмайди. Масалан, мудофааланувчи қуролланган талончиларнинг тажовузига чек қўйиш мақсадида улардан бирига жамоат жойида ўт очса ва бунда ўткинчи йўловчилардан бирига ўқ тегса;

– айбсиз зарар етказиш сифатида. Бундай ҳолатларда шахснинг ҳаракатлари ЖК 24-моддасига кўра жиноий жазоланмайдиган бўлади.

Зарурий мудофаада ҳимояланиш жавоб берилаётган тажовузга мувофиқ келиши лозим, бу етказилган ва олди олинган зарарнинг мувофиқлигида ифодаланади. Мудофааланувчи шахснинг ҳаракатларида ҳимояланиш қонунийлигининг ушбу шартини аниқлаш жараёнида тергов ва суд органлари тажовузнинг характери ва хавфли эканлигига ҳамда мудофааланувчининг ҳуқуққа қарши ҳаракатга жавоб бериш юзасидан кучи

ва имкониятларига, шунингдек, ҳимояланишнинг мувофиқлигини аниқлашда ҳисобга олиниши лозим бўлган бошқа ҳолатларга эътибор бериши лозим.

Тажовуз характери деб, бу ҳолда жиноий қасднинг ташқи намоён бўлиши, яъни қилмишнинг объектив томонининг сифат хусусиятлари тушунилади. Тажовуз характерини баҳолаш амалга ошириладиган таркибий элементлари унинг интенсивлиги, тезлиги ва тўсатданлиги жиноий натижага эришишдаги қатъийлиги бўлади. Бундан ташқари, тажовуз характерини аниқлашда, шунингдек, жиноий қасдига эришиш усули (зўрлик ишлатиш билан ёки зўрликсиз) ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Ҳимояланишнинг тажовуз хавфига мувофиқ бўлишининг талаби ҳимояланишнинг албатта жиноий қилмишнинг ички томонига мувофиқ бўлишини кўзда тутади, жиноятнинг ички томони деганда, маълум ижтимоий муносабатларга (жиноят объектига) зарар етказишга қаратилганлиги тушунилади, уларнинг қадр-қиммати қанчалик кўп бўлса, уларга тажовуз бўлганда жиноят шунчалик хавфли бўлади. Бундан келиб чиқиб, **тажовузнинг хавфли бўлиши** унинг жиноят зарарлилиги жиҳатидан таърифлайдиган хусусияти бўлиб, жиноят жамият учун қанчалик зарарли бўлса, қилмиш шунчалик хавфли бўлади. Бунда тажовуз хавфлилигини баҳолаш ҳам амалга етказилган, ҳам тахминий юзага келиши мумкин бўлган зарарига кўра ўтказилади.

Ҳимояланишнинг мувофиқлигини аниқлашда ҳисобга олиниши лозим бўлган бошқа ҳолатлар муайян қилмишнинг тажовузчилар сони ва мудофаланувчиларнинг сони, уларнинг ёши, жисмоний ривожланиши, қуролининг мавжудлиги, тажовузнинг вақти ва жойи каби элементларини қамраб олади[1]. Бундан ташқари, мудофаланувчига тажовузчининг шахси тўғрисида маълум бўлган криминологик маълумотлар; тажовузчининг мудофаланувчи шахсга нисбатан тажовуздан аввал маълум вақт давомида бўлган агрессивлиги; жиноятнинг шароитлари; мудофаланувчи шахснинг

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 5-банд // Тўплам, 1-жилд. – 78-б.

жинси; ҳимоя воситаларининг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш тури; мудофааланувчининг руҳий ҳолати ва бошқалар ҳисобга олиниши лозим.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, ҳимоянинг жавоб бериладиган тажовузга мувофиқлиги ҳам битта тажовузчига қарши амалга ошириладиган, ҳам бир гуруҳ тажовуз қилаётган шахсларга қарши амалга оширилаётган зарурий мудофаада мавжуд бўлиши лозим. Айни пайтда, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиладиган тажовузнинг характери ва хавфли эканлиги гуруҳнинг ҳар бир аъзосининг алоҳида ҳаракатларидан келиб чиқиб эмас, бутун гуруҳнинг ҳаракатларидан келиб чиқиб аниқланади. Шу сабабли «агар тажовуз бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, мудофааланувчи ҳужум қилувчиларнинг ҳар бирига нисбатан гуруҳдаги барча тажовузчилар ҳаракатининг характери ва хавфлилик даражасига қараб тегишли ҳимоя чораларини кўришга ҳақли»[1]. Бунда шу гуруҳ аъзолари ҳаракатларининг аввалдан келишилганлиги аҳамиятга эга бўлмайди.

Мудофаанинг мувофиқ бўлиши ҳимояланишнинг яхлит бир бутунлик деб қараладиган тажовузнинг алоҳида элементларига эмас, балки унинг барча элементларига мувофиқлигини кўзда тутишини қайд этиш керак. Шунинг учун мудофааланувчининг ҳаракатларини баҳолашда, масалан, фақат етказилган зарарнинг оғирлигидан ёки ҳимояланиш ва тажовуз қилишнинг воситалари мувофиқлигидан келиб чиқиш мумкин эмас, чунки тажовуз туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида ҳимояланувчи ҳамма вақт ҳам юз берган хавфнинг характерини аниқ англаб олмайди ва ҳимоянинг тажовузга нисбатан мувофиқ усулини танлай олмайди[2]. Шунингдек, мудофаа ва тажовузнинг интенсивлигида мутаносиблик ҳам талаб этилмайди.

Ҳимояланишнинг тажовуз характери ва хавфига мувофиқ бўлишининг шартини мудофаанинг етарли бўлиши талаби деб тушунмаслик лозим, чунки

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 5-банд // Тўплам, 1-жилд. – 78-б.

[2] Ўша жойда.

тажовузга жавоб берувчи шахс, одатда, ҳар доим ҳам тажовузнинг характери ва хавфини аниқ баҳолай олиши ва жиноятнинг олдини олиш учун керакли ва етарли зарарни етказа олиши мумкин бўлавермайди. Зарурий мудофаа ҳолатидаги шахс томонидан етказиладиган зарар жавоб бериладиган тажовуз етказиши мумкин бўлган ва таҳдид солган зарардан камроқ, унга тенг ёки ундан кўпроқ бўлиши мумкин. Лекин бу ҳолат содир этилган қилмишни зарурий мудофаа деб баҳоланишига таъсир этмайди, чунки зарурий мудофаанинг мақсади тажовуздан етказиладиган эҳтимолий зарарни камайтириш эмас (охирги заруратдаги каби), балки унинг олдини олиш, ҳимоя қилинадиган манфаатларни ҳимоялаш бўлади.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш бўлмаслиги тўғрисидаги қонун талаби зарурий мудофаада ҳимояланиш қонунийлигининг мустақил шарти бўлади, «тажовузнинг хусусияти ва хавфлилиги даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа» шундай деб тан олинади **(ЖК 37-моддаси 2-қисми)**. Лекин аввал қараб чиқилган мудофаа қонунийлиги шартларидан фарқли равишда шахс ҳаракатларининг мазкур белгисига мувофиқ эмаслиги (яъни, мудофаа чегарасидан четга чиқиш) бундай мудофаа ҳолатининг йўқлиги ва содир этилган қилмишларни умумий асосларда малакалаш талабини келтириб чиқармайди, балки қилмишни зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб содир этилган қилмиш сифатида махсус малакалашга олиб келади, бу эса қонун томонидан жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб қаралади (ЖК 55-моддаси 1-қисми «е» банди). Бунда шуни қайд этиш лозимки, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш фақат у тажовузчининг қонун билан ҳимояланадиган ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига зарар етказиш билан амалга оширилган ҳолда жиноий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади. Жиноий қонунчилик билан ҳимояланмайдиган объектларга зарар етказиш эса зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш сифатида қаралиши мумкин эмас ва ЖК бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, лекин тегишли шароитлар бўлганда

маъмурий ёки интизомий айбли қилмиш ёки фуқаролик деликти деб малакаланиши мумкин.

Объектив жиҳатидан мудофаа чегарасидан четга чиқиш ҳимояланишнинг тажовуз характерига ва хавфига очиқ-ойдин бутунлай мувофиқ келмаслигидан иборат. Бунда тажовузчига жуда катта зарар, жиноий ҳаракатни амалга оширишдан юзага келиши мумкин бўлган зарарга нисбатан анча оғирроқ зарар етказилади. Бундай ҳолларда, ҳимоя қилиш зарурий бўлмайди ва мувофиқ бўлмайди. Бундай ҳимоя қилиш сўзсиз ҳолда тажовузнинг характери билан ҳам, хавфи билан ҳам, у содир бўлган ҳақиқий вазият билан ҳам келтириб чиқарилмаган мудофаа воситалари ва усулларини қўллаш оқибати бўлиши мумкин.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш фақат қатъий белгиланган ҳолатда – зарурий мудофаа ҳолатида бўлиши мумкин, бу эса муайян қилмишда зарурий мудофаа қонунийлигининг барча шартлари мавжуд бўлишини талаб этади. Айни пайтда, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш шахс хаёлий тажовуздан ҳимоя қилишни амалга оширган ҳолларда – хаёлий мудофаа ҳолатларида ҳам юзага келиши мумкин. Жумладан, хаёлий мудофаада шахснинг ҳаракатлари билан тегишли ҳақиқий тажовуз шароитида йўл қўйиладиган зарарнинг чегарасидан очиқ-ойдин четга чиқадиган зарар етказилган бўлса, улар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб малакаланиши лозим.

Субъектив жиҳатидан зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш айбнинг қасддан бўлган турига киради. «Тажовузчига унинг ҳужумини қайтариш вақтида эҳтиётсизлик билан етказилган зарар жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди»[1].

Айни пайтда юзага келган жиноий оқибатлар юзасидан мудофаа-ланувчида фақат ўзига ишониш ёки эҳтиётсизлик тариқасидаги айбнинг эҳтиётсиз тури бўлиши мумкин, қасд эса зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишдан иборат бўлган қилмишнинг ўзида мавжуд бўлади. Масалан,

[1] Ўша жойда.

«зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир тан жароҳати етказилганлик тажовузчининг ўлимига олиб келса, ҳимояланувчининг айби тажовузчининг ўлимига нисбатан эҳтиётсизлик оқибатида юз берган бўлса, Жиноят кодексининг 107-моддаси билан тавсифланиши керак»[1]. Юзага келган оқибатларга нисбатан фақат айбнинг қасддан бўлган шакли мавжуд бўлишига асосланган ушбу масалани бошқача ҳал этиш жиноий жавобгарлик чегарасини асоссиз торайтириб, ЖК вазифалари ҳал этилишига ёрдам бермайди. Агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишда мудофааланувчи жиноий оқибатлар юзага келиши мумкинлигини англаб етган ва уларнинг юзага келишини истаган ёки онгли равишда йўл қўйган бўлса, унинг ҳаракатлари тегишлича қасддан содир этилган мустақил жиноят деб малакаланиши лозим. Бунда зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш аломатига кўра малакалаш талаб этилмайди, лекин бу ҳолат суд томонидан албатта енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши лозим.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишда субъектив томоннинг мажбурий элементи мудофааланувчи ўз олдига қўйган ўзига хос **мақсад**, яъни ҳуқуқ билан ҳимояланадиган манфаатга тажовуздан ҳимоя қилиш, бундай тажовузга жавоб бериш бўлади. Бу мақсаднинг йўқлиги мудофааланувчининг ҳаракатларини зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш билан содир этилган деб малакалашга имкон бермайди.

Агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишнинг оқибатида тажовузчининг ўлими юз берса ёки унга оғир тан жароҳати етказилса, у ҳолда мудофааланувчи мос ҳолда ЖК 100- ва 107-моддалари бўйича жиноий жавобгарликка тортилиши лозим. ЖК нинг ушбу моддалари бўйича зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишда малакалаш, шунингдек, у ёки бу жиноятнинг малакаловчи аломатлари мавжуд бўлганда ҳам ўтказилиши лозимлигини унутмаслик лозим. Жумладан, «зарурий мудофаа чегарасидан

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 7-банд.

чиқиб одам ўлдириш Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисмининг «а, б, д, ж, р, с» бандларида кўрсатилган ҳолатларда содир этилган ҳолларда ҳам Жиноят кодексининг 100-моддаси билан тавсифланиши лозим»[1] ва ЖК 107-моддаси бўйича ҳам шундай малакаланиш ўтказилиши керак.

Тергов ва суд органлари, шунингдек, «зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб, содир этилган қасддан одам ўлдириш, қасддан оғир ёки ўртача оғир тан жароҳати етказиш жиноятларини кучли ҳаяжонланиш ҳолатида юз берган одам ўлдириш, оғир ёки ўртача оғир тан жароҳатлари етказиш жиноятларидан фарқ қила билишлари керак. Бу ерда шуни назарда тутиш керакки, кучли руҳий ҳаяжонланиш оқибатида содир этилган жиноятларда жабрланувчига зарар етказиш ҳимояланиш мақсадида бўлмайди, демак, зарурий мудофаа ҳолатида ҳам юз бермайди. Бундан ташқари, жабрланувчининг хатти-ҳаракатлари туфайли тўсатдан юз берган руҳий ҳаяжонланиш жиноятлари (Жиноят кодексининг 98-, 106-моддалари) худди шундай ҳаяжонланиш таъсири остида вужудга келади, зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб содир этилган жиноятлар учун эса бундай белги бўлиши шарт эмас.

Агар ҳимояланувчи тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш оқибатида зарурий мудофаа чегарасидан чиқса, айбланувчининг ҳаракати Жиноят кодексининг 100- ёки 107-моддалари билан тавсифланиши керак»[2].

Шахснинг ҳаракатларида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш малакаланганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фақат умумий ифодалаш билан чекланмаслиги лозим. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш мавжудлиги тўғрисидаги хулоса ишнинг муайян ҳолатларига асосланиши лозим, бунда «ҳимоянинг ҳужум характери ва хавфлилик

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, 9-банд. – 79-б.

[2] Ўша жойда, 8-банд. – 78–79-б.

даражасига бутунлай номувофиқ эканлигини англатувчи»[1] хулоса албатта кўрсатилиши лозим.

Зарурий мудофаа ҳуқуқининг субъекти унга қарши тажовуз қилинган ёки бошқа шахсларга, жамият ёки давлатга қарши қаратилган тажовузга мустақил жавоб берувчи исталган жисмоний шахс бўлиши мумкин. Бунда ушбу субъектнинг лаёқати аҳамиятга эга эмас. Шунингдек, шахснинг лавозим ва жамоат мақоми ҳам аҳамиятга эга бўлмайди; зарурий мудофаа ҳуқуқи ҳар бир инсонга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади ва у ҳам оддий фуқаро томонидан, ҳам чет эл фуқароси, мансабдор шахс, жамоат арбоби ва бошқалар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишнинг субъектлари фақат тегишли жиноятнинг субъектлари бўлган шахслар бўлиши мумкин. Жумладан, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишда ўлим ёки оғир тан жароҳати етказилиши учун фақат 16 ёшга етган ақли расо шахсларгина жавобгарликка тортилиши мумкин.

Зарурий мудофаа ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг мутлақо шахсий, маънавий ҳуқуқи бўлиб, шахс, жамият ёки давлатнинг манфаатларига ижтимоий хавфли тажовуз содир этилиши оқибатида юзага келади. Шунинг учун ҳар бир инсон ўзининг зарурий мудофаа ҳуқуқидан фойдаланиш-фойдаланмаслигини ўзи мустақил ҳал этади. Бунда ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш бирор-бир ташқи ҳолатларга, хусусан, «бошқа шахсларга ёки ҳокимият органларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёхуд тажовуздан ўзга йўсинда қутулиш имконияти бор-йўқлигидан қатъи назар» боғлиқ бўлмайди **(ЖК 37-моддаси 3-қисми)**. «Тажовузга учраган шахс, ундан қочиб қутулиш, бошқа фуқароларга ва ҳокимият вакилларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёки бошқа усуллар билан тажовуздан сақланиш имкониятига эга бўлса,

[1] Ўша жойда, 11-банд. – 79-б.

бундай ҳолда тажовузга қарши актив равишда мудофааланиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар»[1] деган фикр мутлақо нотўғри.

Шахсларнинг маълум бир тоифаси учун зарурий мудофаани амалга ошириш ҳуқуқи маънавий категориялар соҳасидан ҳуқуқий белгиланиш соҳасига ўтиши, яъни ҳуқуқий бурчи бўлишини таъкидлаш лозим. Бундай шахслар сирасига милиция ходимлари, ички ишлар органлари бошқа бўлинмаларининг ходимлари, ҳарбий хизматчилар, Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, инкассаторлар ва бошқалар киради. Ушбу шахслар томонидан зарурий мудофаани амалга ошириш уларнинг хизмат бурчи бўлади.

4-§. Охирги зарурат

Охирги зарурат зарурий мудофаа билан бир қаторда қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган энг кўп тарқалган ҳолатларга киради. Лекин зарурий мудофаадан фарқли равишда охирги зарурат ҳуқуққа қарши тажовузнинг олдини олиш бўлмайди, балки ҳуқуқ билан муҳофаза қилинадиган манфаатлар тўқнашувида зиддиятларни ҳал этишнинг ҳуқуқий механизми бўлади. Охирги зарурат ҳолатида бўлган шахс танлаши лозим: ёки таҳдид солаётган хавфга йўл қўйиш ёки бошқа қонуний манфаатларга зарар етказиш билан уларни бузиш орқали бу хавфни бартараф этиш. Охирги ҳолда шахснинг қилмиши расман жиноятдан фарқ қилмаслиги мумкин, лекин унинг маълум шартларга мувофиқ бўлган ҳолатида у ижтимоий фойдали ва қонуний деб тан олинади.

NOTA BENE !

Охирги зарурат – бу қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат бўлиб, унда ушбу шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг ҳаёти ёки ҳуқуқларига, жамият ва давлатнинг қонуни билан ҳимояланадиган

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги 39-сонли қарори, муқаддима, 3-хатбоши // Тўплам, 1-жилд. – 76-б.

манфаатларига таҳдид солувчи хавфни бартараф этиш учун бошқа ҳуқуқларга ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказилади, таҳдид солаётган хавф бошқа воситалар билан бартараф этилмайдиган бўлганлиги ва етказилган зарар олди олинган зарардан камроқ бўлиши шарти билан.

Охирги зарурат қонуний бўлишининг **ЖК 38-моддаси 1-қисмида** кўрсатилган шартлари иккита гуруҳга бўлинади, улардан бири таҳдид солувчи хавфга оид талабларни белгилайди, иккинчиси эса хавфни бартараф этиш қилмишининг қонунийлигига оид талабларни белгилайди.

Таҳдид солувчи хавфга оид талаблар, биринчи навбатда, бошқа ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказилишининг қонуний асоси сифатида ҳуқуқ билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказилиши таҳдидининг юзага келишини белгилаб берувчи ҳолатларга яхлит таъриф бериши лозим. Фақат ушбу ҳолатлар барча керакли шартларга жавоб берган ҳолдагина шахс охирги зарурат ҳуқуқини амалга ошириши мумкин, акс ҳолда унинг ҳаракатлари умумий асосларда мустақил жиноят сифатида малакаланиши лозим. Ушбу шартлар айтиб ўтилган ҳолатларни уларнинг ижтимоий хавфли эканлиги, мавжудлиги ва ҳақиқийлиги жиҳатидан таърифлайди.

Ижтимоий хавфлилик уларга хос бўлган хусусиятлар туфайли, ҳолатлар ёки хавф манбалари айнан жиноий қонунчилик ҳимояси остида бўлган, ижтимоий аҳамиятли бўлган объектларга таҳдид юзага келишини белгилаб беради. Шундай объектлар сифатида ЖК охирги зарурат ҳолатида қилмишни амалга оширган шахс, бошқа шахсларнинг шахси ёки ҳуқуқлари, жамият ва давлат манфаатларини кўрсатади. Атроф муҳитга, мулкка, бошқарув тартибига зарар етказиш билан таҳдид солувчи ҳолатлар ижтимоий хавфли ва охирги зарурат ҳолатига олиб келадиган деб тан олинади.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, охирги зарурат ҳолатида таҳдид солувчи хавфни белгилаб берувчи ҳолатлар фақат ижтимоий хавфли бўлиши лозим,

зарурий мудофаадан фарқли равишда бу ерда жиноятнинг ҳуқуққа қарши бўлишининг белгиси талаб этилмайди. Бу шарт нафақат бошқа кишиларнинг тажовуз қилиши, балки: табиат кучларининг таъсири (табиий офатлар, об-ҳаво шароитлари ва ҳоказолар), инсон организмининг физиологик ва патологик жараёнлари (ориқлашув, сувсизлашув, касаллик ва бошқалар); юқори хавф манбалари; ҳайвонларнинг ҳаракати; машиналар ва механизмларнинг носозлиги ва бошқалар бўлиши мумкин. Бундан ташқари, айбсиз қилмишлар ҳам хавф манбаи деб тан олиниши мумкин.

Кейинчалик охирги заруратни амалга оширувчи шахснинг ҳаракатлари ҳам хавф манбаи бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда тергов ва суд органлари объектив равишда ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келган қилмишни амалга оширишнинг субъектив томонига эътибор бериши лозим. Жумладан, ушбу қилмиш шахс томонидан қасддан, ўзи учун ёки бошқа шахс учун ёки бошқа ижтимоий манфаат учун хавфли ҳолатни юзага келтириб, кейин бирор-бир жиноий қилмишни содир этган ҳолда охирги заруратга ҳавола этиш мақсадида содир этилган бўлса, унинг ҳаракатлари умумий асосларда оддий жиноят сифатида малакаланиши лозим. Бундай ҳаракатлар охирги зарурат провокацияси дейилади. Бундай ҳолда жиноят қасди нафақат бирламчи қилмишни, балки шахс ўзининг ғаразли мақсадида фойдаланмоқчи бўлган кейинги охирги заруратни қамраб олиши лозим. Бу сабабдан, агар шахс аввал қасддан жиноятни содир этса, кейин эса жиноят ижтимоий хавфли оқибатларининг олдини олиш учун унинг онгида қамраб олинмаган яна бир ижтимоий хавфли қилмишни содир этса, иккинчи қилмиши охирги зарурат ҳолатида содир этилган деб қаралиши лозим. Масалан, агар шахс бошқа кишига қасддан оғир тан жароҳатини етказган бўлса, кейин эса унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун автомобилни олиб қочиб кетса, кейинги қилмиши охирги зарурат ҳолатида содир этилган деб малакаланиши ва жавобгарликка тортилмаслиги лозим.

Бирламчи қилмишни шахс эҳтиётсизлик орқасидан ёки умуман айбсиз содир этган ҳолда, унда бирламчи қилмиш туфайли юзага келтирилган

каттароқ зарарнинг олдини олиш учун кейинчалик камроқ зарарни етказиш доимо охирги зарурат қоидаларига кўра малакаланиши лозим. Бирламчи қилмиш эса мустақил ҳуқуқий баҳоланиши керак.

Охирги заруратда хавф манбаи деб, фуқаролар ва мансабдор шахслар-нинг маълум қонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳам тан олиниши мумкин. Жумладан, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар сифатида: зарурий мудофаа, охирги зарурат, жиноятчини ушлаш ва бошқалар мавжуд бўлганда содир этилган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) тан олиш лозим. Сўзсиз равишда, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқишда, буйруқни бажаришда содир этилган қилмишлар ва ҳоказолар хавф манбаи деб тан олиниши лозим. Бундай ҳаракатларга қарши охирги зарурат доимо мумкин ва қонуний бўлади.

Хавфнинг мавжудлиги қонун билан қўриқланадиган объектларга шу ондаги ва олдини олиб бўлмайдиган зарар етказилишининг ҳақиқий таҳдиди мавжудлигини ёки шундай зарар етказилиб, ҳали юзага келмаганлигини билдиради[1]. Маълум шароитларда мумкин бўлган ёки ўтиб кетган ёки бартараф этилган хавф мавжуд деб тан олинмайди ва охирги зарурат ҳолатини юзага келтирмайди. Бундай ҳолда зарар етказиш охирги зарурат ҳолатида содир этилган деб қаралиши мумкин эмас, балки умумий асосларда мустақил ҳуқуқий баҳоланиши лозим.

Хавф узоқ давом этадиган бўлиши мумкин, масалан, сел оқишининг таҳдиди, аварияли ҳолатдаги иншоот қулаб тушиши хавфи ва ҳоказо, шунинг учун охирги заруратни қўллаш асоси қонун билан қўриқланадиган манфаатларга ҳақиқатда хавф солинган бутун давр мобайнида мавжуд

[1] В соответствии с УК Республики Узбекистан, наличность опасности понимается как близость ее наступления. «При оценке правомерности деяния, совершенного в состоянии крайней необходимости, учитываются характер и степень предотвращаемой опасности, реальность и близость ее наступления, фактическая возможность лица по ее предотвращению, его душевное состояние в сложившейся ситуации и другие обстоятельства дела» (**ч. 4 ст. 38**).

бўлади. Хавф ҳолатининг тугаши охирги заруратни қўллаш учун асос йўқолишини билдиради[1].

Охирги заруратдаги хавф мос келадиган зарурий шарти унинг **ҳақиқийлиги** бўлиши лозим, яъни у объектив равишда, амалда мавжуд бўлиши керак. Хавф ҳақиқий бўлмаган, лекин фақат субъектнинг унинг мавжудлиги ҳақидаги хато тасаввуридан иборат бўлган ҳолда эса уни бартараф этишга қаратилган шахснинг қилмиши хаёлий охирги зарурат ҳолатида содир этилган деб қаралиши лозим, бундай ҳолатларда жавобгарлик масаласи амалдаги хато тўғрисидаги қоидаларга кўра ҳал этилади.

Жумладан, шахснинг ҳаракати шахс ўз тахминининг хатолигини англаб етмаган ва содир бўлган воқеанинг бутун вазиятидан келиб чиқиб, англаб етиши керак бўлмаслиги шарти билан **охирги зарурат ҳолатида содир этилган** деб қаралиши лозим. Ва агар шахс ўз тахмини хато эканлигини иш ҳолатларига кўра англаб етиши лозим ва мумкин бўлса-да, англаб етмаган бўлса, **эҳтиётсизлик орқасидан жиноят** сифатида малакаланади. Умуман олганда, охирги заруратда хавфнинг хаёлий бўлишининг содир этилган қилмиш малакаланишига таъсир этиши зарурий мудофаадаги каби таъсирига ўхшаш бўлади.

(«Хаёлий мудофаа» тушунчаси ҳақида мазкур бобнинг «Зарурий мудофаа» деб номланувчи 3-§ да батафсил тушунтирилган.)

Таҳдид солаётган хавфни бартараф этишга қаратилган қилмишнинг қонунийлиги унинг назария ва амалиётда ишлаб чиқилган ҳамда **ЖК 38-моддаси 1-қисмида** мустаҳкамланган маълум мезонларга мувофиқ бўлишини талаб этади. Ушбу мезонлар қилмишни унинг ижтимоий фойдали мақсади, айнан шундай қилмишни амалга ошириш мажбурийлиги (хавфни бошқа воситалар билан бартараф этиш мумкин эмаслиги), унинг учинчи шахслар ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказишга

[1] Уголовное право России. Часть Общая: учеб. для вузов: учеб. для студентов вузов, обучающихся по специальности «Юриспруденция» / Отв. ред. проф. Л.Л. Кругликов. 2-е изд., перераб. и доп. – С. 308.

қаратилганлиги, етказилган зарар ҳамда олди олинган зарарнинг мувофиқ бўлиши жиҳатидан таърифлайди. Бундан ташқари, бундай қилмишга алоҳида ўзига хос талаб сифатида қонун охирги зарурат чегарасидан четга чиқмасликни ажратиб кўрсатади. Фақат қилмишнинг барча белгиланган шартларга мувофиқ келиши уни охирги зарурат ҳолатида содир этилган, яъни жиноий бўлмаган ва жиноий жавобгарликка тортилмайдиган деб тан олишга имкон беради.

Охирги заруратда қилмиш қонун билан қўриқланадиган объектларга зарар етказиш хавфини бартараф этишга қаратилади, яъни у ижтимоий фойдали бўлиб, **ижтимоий фойдали** манфаатга эришиш мақсадига хизмат қилади. Бунда жиноий қонун ҳуқуқ билан қўриқланадиган манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган барча қилмишларни эмас, балки қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлар ва манфаатларга таҳдид солувчи хавфни бартараф этишга қаратилган қилмишларни ижтимоий фойдали деб тан олади. Бошқа манфаатларни ҳимоя қилиш ижтимоий фойдали деб тан олинмайди ва шунинг учун охирги зарурат деб қаралиши мумкин эмас.

Қилмишнинг мажбурийлиги (хавфни бошқа воситалар билан бартараф этиб бўлмаслиги) юзага келган шароитда ҳуқуқ билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш хавфни бартараф этишнинг ягона мумкин бўлган, охирги усули эканлигини билдиради (жиноий ҳуқуқ кўриб чиқилган институтининг номланиши ҳам шундан келиб чиқади). Бошқача айтганда, жиноят қонуни ҳимояси остида бўлган ҳуқуқлар ва манфаатларга зарар етказилиши хавфи юзага келганда шахс қонуний ҳаракатлар билан зарарнинг олдини олишга интилиши ва фақат таҳдид солувчи хавфни бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолдагина бир манфаатни бошқаси учун мажбуран қурбон қилиши керак, чунки хавфни бартараф этишнинг бошқа воситалари йўқ ёки етарли бўлмайди. Шундай қилиб, шахс, энг аввало, ҳуқуқ билан қўриқланадиган манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга ва фақат бу мумкин бўлмаганда уларнинг камроқ аҳамиятли бўлганига зарар етказилишига интилиши лозим. Ушбу масалани шундай ҳал

этиш охирги заруратда жиноят қонуни билан тенг равишда ҳимоя қилинадиган объектлар тўқнашуви туфайли келиб чиқади.

Хавфни бошқа ҳуқуқ билан қўриқланадиган манфаатга зарар етказмай бартараф этиш имконияти ҳаракатларнинг қонунийлигини истисно этади; ушбу институтнинг зарурий мудофаадан фарқи ҳам шундан иборат, у бошқа имконият бўлганда ҳам зарар етказилишига йўл қўяди. Бундай ҳолатларда содир этилган қилмиш умумий асосларда малакаланиши лозим. Бунда тергов ва суд органлари қилмишнинг субъектив томонига эътибор бериши лозим, яъни агар шахс ҳуқуқ билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказмаган ҳолда хавфни бартараф этишнинг бошқа имкони мавжудлигини англаб етган ёки иш ҳолатларига кўра англаб етиши лозим бўлган ҳолда унинг ҳаракатлари тегишли қасддан ёки эҳтиётсиз жиноят сифатида малакаланиши лозим. Агар шахс унда зарар етказилиши билан боғлиқ бўлмаган бошқа қилмишларни амалга ошириш имкони мавжудлигини англаб етмаган ва иш ҳолатларига кўра англаб етиши мумкин бўлмаган ҳолда бу қилмишни охирги зарурат қоидаларига кўра малакалаш лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, қилмишни охирги заруратда амалга ошириш мажбурийлиги унинг шу вазиятда ягоналигини билдирмайди, яъни айнан шу қилмиш ягона бўлиши лозимлиги талаб этилмайди. Қилмишнинг мажбурийлиги фақат зарар етказиш мажбурийлиги бўлиб, лекин уни етказиш усуллари мажбурий бўлмайди.

Охирги зарурат ҳолатида содир этилган ҳаракат аломатларига мос келувчи қилмишни содир этиш **фақат учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказиши лозим.**

Учинчи шахслар деб, охирги заруратда бартараф этиладиган хавфни юзага келтириш билан боғлиқ бўлмаган жисмоний ва юридик шахслар, умуман давлат ва жамият тушунилади.

У ёки бу шахсни, жамият ёки давлатни **ЖК 38-моддаси** маъносида учинчи шахс деб тан олиш учун юзага келган хавфга дахлсизлигини ҳам субъектив, ҳам объектив аломати сифатида аниқлаш лозим бўлади.

Жумладан, объектив элементи тегишли шахс, жамият ёки давлат фаолияти амалда охирги заруратда бартараф этиладиган хавфга олиб келмаганлигини кўзда тутади. Субъектив томонидан эса, учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига етказилган зарар деб тан олиш учун охирги зарурат ҳолатида ҳаракат қилган шахс ушбу шахсларнинг бартараф этилаётган хавфга дахли йўқлигини англаб етиши ва уларга зарар етказишни истаганлиги ҳолатини аниқлаш керак бўлади.

Охирги зарурат ҳолати қонунийлигининг мажбурий шарти **етказилган зарар олди олинган зарардан камроқ бўлиши** талабидир. Етказиладиган зарар ва бартараф этилган хавф мувофиқлигининг ушбу талаби охирги заруратда зарар тажовузчининг ўзига эмас, учинчи шахсларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари ва манфаатларига етказилиши туфайли келиб чиқади.

Тенг зарар, шунингдек, каттароқ зарар етказилиши мувофиқлик шартининг бузилиши бўлади. Айни пайтда ушбу шарт субъектнинг мумкин бўлганларидан энг кам зарар етказиш мажбуриятини билдирмайди. Шунинг учун, агар хавфни бартараф этиш учун шахснинг бартараф этиладиган хавфга қараганда камроқ зарар етказадиган бир неча усуллари мавжуд бўлса, у ҳолда шахс улардан исталган усулни қўллашга ҳақли бўлади ва унинг ҳаракатлари охирги зарурат ҳолатида содир этилган деб қаралиши лозим. Бунда содир этилган қилмишни малакалашга ушбу усуллардан бирортаси бошқаларига қараганда камроқ зарарга олиб келиши таъсир этмайди. Бу ҳолда фақат етказилган зарар олди олинган зарардан камроқлиги аҳамиятли бўлади.

Етказилган ва олди олинган зарарнинг мувофиқлиги зарар етказилган ва етказилмаган неъматлар ва манфаатларнинг мувофиқлигини билдиради. Ушбу зарар турларининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини қиёслашда асос қилиб олиш мумкин бўлган усул мавжуд эмас. Қайси неъмат қимматли эканлиги, қайси зарар камроқ бўлиши масаласи ҳар бир муайян ҳолда ишнинг аниқ ҳолатларига боғлиқ ҳолда ҳал этилади. Бунда зарар етказилиши олди олинган бузилган неъматнинг муҳимлиги, таҳдид солган хавф тури,

хавф бартараф этилмаган ҳолда юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Тергов ва суд органлари етказилган ва бартараф этилган зарарнинг сифат-миқдор мувофиқлиги тамойилига таяниши керак, жумладан:

– **етказилган зарар бартараф этилган хавфдан бошқача бўлган ҳолда.** Бу вазиятда тергов ва суд органлари етказилган зарар хусусиятига кўра бартараф этиладиган хавфга қараганда камроқ бўлишига эътибор бериши керак (масалан, ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш мақсадида мулкий зарар етказилиши, инсониятга қарши жиноятнинг олдини олиш мақсадида ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш ва ҳоказо);

– **сифат жиҳатидан бир хил**, яъни айни бир хил ижтимоий муносабатларга қарши йўналган **зарар етказилган ҳолда**. Бундай ҳолат юз берганда олди олинган зарар фақат миқдор жиҳатидан у олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлиши шарти билан камроқ деб тан олиниши лозим (масалан, икки ва ундан ортиқ шахсларга оғирлиги шу каби тан жароҳати етказилишининг олдини олиш мақсадида оғир тан жароҳатини етказиш ва ҳоказо);

– **бартараф этилган хавфдан сифати ва даражаси фарқланадиган зарар етказилган ҳолда**, айниқса бошқа объектларнинг кўпроқ сонини қутқариш мақсадида ЖК ҳимоя қиладиган имтиёзли объектларнинг камроқ сонига зарар етказилиши (масалан, бир нечта кишиларга оғир тан жароҳатлари етказилишининг олдини олиш учун бир кишини ўлдириш) бундай ҳолда охирги зарурат зарар етказиладиган ва бартараф этиладиган ЖК ҳимоя қиладиган объектларнинг характери ўртасида кескин номувофиқлик бўлмаган ҳолда қонуний деб тан олиниши керак. Бу ҳолда етказилган зарар ва олди олинган зарарга нисбатан аҳамияти масаласини ҳал этиш кўпроқ ишнинг муайян ҳолатларига боғлиқ бўлади: хавф бўлган ва зарар етказилган объектларнинг индивидуал хусусиятлари, таҳдид солган ва етказилган зарарнинг ҳақиқий миқдори ва бошқалар. Худди шундай тарзда бир ёки бир неча катта аҳамиятли неъматларни кам аҳамиятли кўпроқ

неъматларга зарар етказилиши ҳолатида ҳимоя қилиш масаласи ҳал этилиши керак (масалан, ўз мулкини ўзганинг мулкига, жамоат тартибига, бошқарув тартибига зарар етказиш орқали ҳимоя қилиш ва ҳоказо).

Охирги зарурат қонунийлигининг мустақил шарти сифатида **қонун шахснинг охирги зарурат чегарасидан четга чиқмаслиги** шартини кўрсатади **(ЖК 38-моддаси 2-қисми)**.

«Агар бошқа воситалар орқали хавфнинг олдини олиш мумкин бўлса ёки келтирилган зарар олди олинган зарардан ошиб кетса, қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга бундай зарар етказиш охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш деб топилади» **(ЖК 38-моддаси 3-қисми)**.

Шуни қайд этиш лозимки, бу шартлардан ҳеч бўлмаса биттаси бўлмаганда охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш деб ҳисобланади: қилмиш мажбурийлиги ёки етказилган зарар мувофиқлиги ва уларнинг жамулжамлиги бу ҳолда талаб этилмайди. Айни пайтда охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш фақат шундай зарурат бўлганда мумкин бўлади, шунинг учун қилмишни охирги зарурат чегарасидан четга чиқишда содир этилган деб тан олиш учун тергов ва суд органлари охирги зарурат ҳолати мавжудлигини, яъни мажбурийлиги ёки мувофиқлигидан ташқари барча аввал шарҳланган шартлар мавжудлигини аниқлаши лозим.

Шахс қилмишини охирги зарурат чегарасидан четга чиқишда содир этилган деб малакалаш учун тергов ва суд органлари **субъектив томонининг** шаклига алоҳида эътибор бериши керак, у қилмишни баҳолашга ҳал этувчи таъсир кўрсатади. Бунда таҳдид солган хавф келтириб чиқарган кучли руҳий ҳаяжон ҳолатида шахс ҳар доим ҳам охирги зарурат чегарасини тўғри аниқлаб ва белгилаб ололмайди. Шу сабабли, охирги зарурат чегарасидан четга чиқишни аниқлаганда тергов ва суд органлари ҳар бир муайян ҳолатга индивидуал ёндашиши керак.

Қилмиш мажбурийлиги мавжуд эмаслиги аломатига кўра охирги зарурат чегарасидан четга чиқишга **қасд** ёки **эҳтиётсизлик** шаклидаги айб хос бўлади, яъни шахс хавфни зарар етказиш билан боғлиқ бўлмаган усулда

бартараф этиш имконини англаб етган ёки иш ҳолатларига кўра англаб етиши лозим бўлган ҳолат бўлади. Бу ҳолда содир этилган қилмиш ЖК 55-моддасининг 1-қисми «е» бандига ҳавола этган ҳолда тегишли қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан жиноят деб, яъни охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш билан содир этилган жиноят деб малакаланиши керак.

Агар охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш олди олинган зарардан каттароқ зарар етказилишида ифодаланса, охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш учун жавобгарлик фақат қилмиш жиноий эҳтиётсизлик шаклида содир этилган ҳолда юзага келади. Бошқача айтганда, айбдор шахс у олди олинаётган зарарга қараганда каттароқ ёки тенг зарар етказилаётганлигини иш ҳолатларига кўра англаши лозим бўлса-да, англаб етмайди. Шу ҳолда каттароқ зарарни етказиш қасди аниқланса (масалан, жабрланувчига оғир тан жароҳатини етказишга йўл қўймаслик учун уни ўлдириш), содир этилган қилмиш тегишли қасддан жиноят деб малакаланиши лозим, бунда охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш бўлмайди.

Охирги зарурат чегарасидан четга чиқишда субъектив томоннинг мажбурий элементи **ижтимоий фойдали мақсади** бўлади: каттароқ зарар етказишни камроқ зарар етказиш орқали бартараф этиш. Охирги зарурат қонунийлигининг умумий шарти бўлган ҳолда ушбу шарт охирги зарурат чегарасидан четга чиқишда содир этилган қилмиш сифатида баҳолашда алоҳида аҳамият касб этади.

ЖК да охирги зарурат чегарасидан четга чиқишда содир этилган махсус жиноят таркиблари йўқлигини қайд этиш лозим. Шунинг учун бундай қилмишларни тегишли қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан жиноят учун жавобгарликни кўзда тутган моддалар бўйича малакалаб, у охирги зарурат чегарасидан четга чиқишда содир этилганлигини кўрсатиш керак, бу эса қонун томонидан енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинади (ЖК 55-моддаси 1-қисми «е» банди).

Охирги зарурат ҳуқуқи ҳар бир инсонга унинг ёши, лаёқати, ижтимоий мақоми ва бошқа омилларидан қатъи назар тегишли бўлади – қонунда бу

жиҳатдан бирор-бир чеклаш мавжуд эмас. Ҳар ким ушбу субъектив ҳуқуқидан ушбу неъматларни ўз кучи билан ҳимоя қилиш учун фойдаланиши мумкин, лекин уни амалга оширмаслиги ҳам мумкин. Айни пайтда баъзи шахслар учун хавфни бартараф қилиш касбий ва хизмат бурчи бўлади, масалан, ички ишлар органлари, ДХХ, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ва ҳоказо. Бу шахсларга уларнинг хизмат ёки касбий вазифаларини бажарганида охирги зарурат қоидалари тааллуқли бўлмайди, яъни улар охирги зарурат туфайли, яъни бу ҳолда уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказилиши мумкинлиги туфайли хавфни бартараф қилишдан бош торта олмайди, лекин хавфни бартараф қилишда ички ишлар органлари, ДХХ, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ва бошқалар учинчи шахслар ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказиш керак бўлган вазиятга дуч келиши мумкин (масалан, ёнғин ичагини тортиб ўтказиш учун автомашина ойнасини синдириш), бу ҳолда уларнинг ҳаракатлари қаралаётган модданинг қоидаларига мувофиқ баҳоланиши лозим.

Айни пайтда охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш субъектлари деб, тегишли жиноят учун жиноий жавобгарлик ёшига етган ва бундай жиноят субъектининг барча керакли аломатларига эга бўлган лаёқатли жисмоний шахслар тан олиниши мумкин.

Суд-тергов амалиётида, кўпинча, у ёки бу қилмишни зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган деб малакалашда маълум қийинчиликлар келиб чиқади. Айни пайтда тўғри малакалаш етказилган зарарнинг чегарасини аниқлашда катта аҳамиятга эга бўлиб, жиноий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқий мақомига бевосита таъсир этади. Бундан ташқари, содир этилган қилмишнинг тўғри малакаланиши ЖК вазифаларига эришиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг обрўси ва мавқеи ортишига хизмат қилади.

Шу сабабли тергов ва суд органлари зарурий мудофаа ва охирги зарурат фарқларига эътибор бериши лозим:

– зарурий мудофаада шахс қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳуқуққа қарши тажовуздан ҳимоя қилади. Охирги заруратда эса, шахснинг ҳаракатлари фақат ҳуқуққа қарши тажовузгина эмас, хавф юзага келишининг вазияти, турли манбалари билан белгилаб берилади (масалан, табиат кучлари, физиологик ва патологик жараёнлар, механизмлар носозлиги ва ҳоказо);

– охирги зарурат ҳолатида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлар ва манфаатларга зарар етказиш таҳдид солган хавфни бартараф этишнинг ягона, охирги воситаси бўлади. Зарурий мудофаада ҳимоя воситалари мудофааланувчи томонидан танланади ва тажовузнинг характери ва хавфи даражасига мос келиши керак, бу зарар етказишни истисно этмайди. Зарурий мудофаада ҳимоя қилиш тажовуздан қочиш мумкин бўлганда ҳам қонуний бўлади;

– зарар етказилиши мумкин бўлган шахслар доираси турлича. Жумладан, зарурий мудофаада зарар фақат (ҳақиқий ёки хаёлий) тажовузчига етказилади, охирги заруратда эса фақат учинчи шахслар манфаатларига, яъни хавфни бартараф этувчи шахс томонидан шу хавфга дахлсиз деб идрок этилганларнинг манфаатларига етказилади;

– зарурий мудофаа ҳолатида зарарнинг мувофиқлиги етказилган зарар олди олинган зарардан камроқ бўлишини талаб этмайди – у камроқ, тенг ёки кўпроқ бўлиши мумкин. Охирги заруратда зарар етказилган ҳолда у, албатта, олди олинган зарардан камроқ бўлиши керак;

– зарурий мудофаада ҳимоя қилиш фақат фаол ҳаракатда ифодаланади, охирги заруратда хавфни бартараф этиш ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизлик орқали амалга оширилиши мумкин.

5-§. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш одил судлов манфаатларини таъминлашнинг энг муҳим элементларидан биридир, чунки у

кейинги жиноий фаолиятга чек қўйиш, қочиш ёхуд далил-исботларни яшириш ёки йўқ қилишнинг олдини олишга қаратилади (ЖПК 220-моддасининг 1-қисми). Бундан ташқари, шахсни ушлаш ЖК вазифаларини, унинг тамойилларини амалга ошириш учун катта аҳамиятга эга бўлади. Айнан шунинг учун жиноий қонунчилик ва суд-тергов амалиёти бу институтни ҳатто уни амалга ошириш натижасида ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг ҳуқуқлари ва манфаатларига маълум зарар етказилган ҳолда ҳам ижтимоий фойдали деб қарайди. Бу ҳолларда ушлаш ташқи жиҳатдан жиноятдан фарқ қилмаслиги мумкин, лекин аслида у бундай эмас. Шу муносабатда ушловчи шахснинг ҳаракатларини тўғри малакалаш учун унинг ҳаракатлари **ЖК 39-моддасида** мустаҳкамланган ушлашда зарар етказиш қонунийлиги шартларига мувофиқ келиши талаб этилади.

NOTA BENE !

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳокимият идораларига топшириш мақсадида **ушлаш пайтида зарар етказиш**, бунда ушлаш воситалари ва усулларига, қилмишнинг ҳамда уни содир этган шахснинг хавфлилик даражасига, шунингдек, ушлаш шароитига мос келишига амал қилинган бўлса, жиноят бўлмайди.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш пайтида зарар етказиш қонунийлиги шартлари, бир томондан, ушлаш ҳуқуқини амалга ошириш, иккинчи томондан, ноқонуний ҳаракатлар ва судсиз жазолаш имконини истисно қилишга имкон беради. Ушбу шартлар шарҳланаётган институт иккита элементига: ушлашга ва ушлашда етказиладиган зарарга тааллуқли бўлади, уларнинг ҳар бирининг алоҳида ва биргаликда қонунийлигини аниқлайди ва ушлаш жараёнида зарар етказиш қонунийлигини кўрсатади.

Ушлаш қонунийлиги шартлари мавжудлиги қонунчилик томонидан қисқа муддатли эркинликдан маҳрум этиш ҳуқуқи учун етарли ва керакли

асос деб тан олинадиган ҳолатларнинг яхлит таърифини беради. Бу ҳолатлар ушбу институтнинг амалда барча муҳим жиҳатларини, яъни ушлаш асоси ва субъекти, уни амалга оширишнинг усуллари ва воситалари; ушлаш мақсади ва унинг бажарилиши мумкин бўлган вақти. Фақат бажариладиган қисқа муддатли озодликдан маҳрум этиш ҳаракатининг барча белгиланган шартларга мувофиқлиги уни қонуний ҳаракат сифатида малакалашга имкон беради.

Ушланган шахс томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши ушлаш ҳуқуқини амалга ошириш учун асос бўлади, қонунда бу бевосита кўрсатилган **(ЖК 39-моддаси 1-қисми)**. Ушлаш ҳуқуқи исталган (одатда зўрлик ишлатиб содир этилган) жиноятни содир этиш пайтидан бошлаб юзага келади. Ижтимоий хавфли қилмиш сифатида, шунингдек, тугалланмаган жиноят ҳолатлари (жиноятга суиқасд ва жиноятга тайёргарлик) тан олиниши лозим. Бундан ташқари, ижрочилик, ёрдамчилик, далолатчилик, ундан ҳам ташкилотчилик шаклидаги жиноятда иштирок этиш шаклида амалга ошириладиган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) ижтимоий хавфи очиқ кўринади.

Ушлаш ҳуқуқини амалга ошириш асоси деб тан олиш учун содир этиладиган қилмишнинг ижтимоий хавфининг даражаси аҳамиятли эмас. Айни пайтда, содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги даражаси шахсни ҳокимият органларига етказиш заруратига, ушбу шахсга зарар етказишга, ушлашнинг тегишли усуллари ва воситаларини қўллашга таъсир кўрсатади.

Шахсни жиноят бўлмаган маъмурий ҳуқуқбузарлик, интизомий қилмишни содир этгани учун ушлаш мумкин эмаслигини қайд этиш лозим. Худди шундай, жиноий қасдини аниқлаган ҳолда ҳам ушлаш мумкин эмас, чунки шахс ҳали ҳеч қандай ижтимоий хавфли қилмишларни содир этмаган. «Соф қасдини» аниқлаш жиноий жавобгарликни, демакки, ушлаш ҳуқуқини истисно этади.

ЖК 39-моддаси маъносидаги **ушлаш** фақат унинг жиноий-процессуал маъносида, яъни ЖПК 221-моддаси қоидаларига кўра, шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган деб ўйлашга асос бўлган ҳолда намоён бўлади, бу эса қуйидагилар билан тасдиқланиши лозим:

– шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;

– жиноят шоҳидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;

– унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

– шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

Ушланиши мумкин бўлган шахс фақат жиноят содир этган ҳамда ушлашдан иммунитети бўлмаган шахсларгина бўлиши мумкинлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, депутатлар, судьялар ва прокурорлар, шунингдек, дипломатик ёки бошқа дахлсизликка эга бўлган шахслар ушланиши мумкин эмас, улар жиноятни содир этиш пайтида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол ушланган ҳолатлар бундан истисно (ЖПК 4-моддаси 2-қисми, 221-моддаси). Лекин бундай ушлаш фақат уларнинг шахсини аниқлаш: уларни тақдим этувчилар у ёки бу турдаги дахлсизликка эга эканлигини кўрсатувчи дипломатик ёки консуллик карточкасини, хизмат гувоҳномаси ёки бошқа ҳужжатларни тақдим этишгача давом этади.

Шахсни ушлаш субъекти этиб тан олишга фақат унинг жиноий қилмишни содир этиши ҳолати таъсир этади, бунда унинг ёши, ақли расолиги, ижтимоий мақоми ва қилмишга боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлари эътиборга олинмайди.

ЖПК 83-моддаси ва 84-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқи жиноий иш бўйича иш юритувга тўсқинлик қилувчи қуйидаги ҳолатлар бўлганда йўқолади:

– жиноий иш қўзғатилган ва унинг юзасидан тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилиб жиноят воқеаси мавжуд эмаслиги аниқланган;

– жиноят таркиби мавжуд эмас;

– шахснинг жиноятни содир этишга дахли йўқ;

– содир этилган жиноят ёки шахс амнистия акти таъсир доирасига тушади;

– шахсга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган қарори (ажрими) ёки ваколатли мансабдор шахснинг ишни қўзғатишни рад этиш ёки ушбу айблов юзасидан уни тугатиш тўғрисидаги бекор қилинмаган қарори мавжуд;

– ЖПК 325-моддасида кўзда тутилмаган ҳолатлардан ташқари, иш фақат жабрланувчининг шикояти бўйича қўзғатилиши мумкин бўлса, жабрланувчининг шикояти бўлмаган ҳолда;

– шахс ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтига келиб жиноий жавобгарликка тортиладиган ёшга етмаганлиги.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни қисқа муддатли озодликдан маҳрум этиш ҳаракатлари фақат улар қонунда **ушбу шахсни ҳокимият вакилларига топшириш** деб кўрсатилган қонуний мақсадга қаратилганлигида ушлаш деб тан олиниши мумкин. Худди шу ҳолатда, агар ушлашдан бошқача мақсад кўзланган бўлса, у қонуний деб қаралиши мумкин эмас. Масалан, судсиз ўзбошимча жазолаш мақсадида амалга оширилган қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилиш ҳам ноқонуний деб тан олинади.

Тергов ва суд органлари субъектнинг жиноий қилмишни содир этган шахсни ушлаш ҳаракатларининг мақсадини аниқлашга алоҳида эътибор бериши лозим, у ушлашнинг қисқа муддатли бўлиши ҳамда ушлаётган шахснинг ушланган шахсни дарҳол ҳокимият органларига етказиш зарурлигини англаб етиши каби жиҳатлардан келиб чиқиб, аниқланишини кўзда тутади. Бунда ушлашнинг қисқа муддатли бўлиши ва унинг зарурлиги ҳар бир муайян ҳолатда ишнинг барча ҳолатларини биргаликда ҳисобга олган ҳолда аниқланади (ушлаш вазияти, ҳокимият органининг яқинлиги, ушловчи шахснинг ушланган шахсни ушбу органларга етказиш имконияти,

содир этилган қилмишнинг хавфли эканлиги ва ҳоказо). Муайян ишнинг ҳолатлари ушловчи шахс томонидан бирор-бир мезон бузилганлигидан далолат берса (масалан, озодликдан маҳрум қилиш асоссиз узоқ давом этган ёки аввал ушланган шахс озодликда қонуний бўлганлиги шахсга маълум бўлган – тегишли эҳтиёт чораси танланганда ёки жиноий жавобгарликка тортиш муддати тугаганда ёки озодикдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланганда) тергов ва суд органлари ушбу шахснинг қасди йўналтирилганлиги масаласини муҳокама қилиб, керакли белгилари мавжуд бўлганда уни тегишли жиноят содир этганлиги учун жавобгарликка тортиши лозим.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда ушловчи фақат уни ҳокимият органларига бериш мақсадини кўзлаши лозим. Бундай қонун айнан қайси ҳокимият органлари ҳақида гап кетаётганлигини аниқламайди. Шунинг учун ҳам жиноий қилмишни содир этган шахсни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига, ижроия, қонун чиқарувчи ёки суд ҳокимияти органлари, тегишли муассаса, корхона маъмуриятига топшириш мақсадлари қонуний деб тан олиниши лозим (масалан, ташкилот директорига, корхона раҳбарига топшириш ва ҳоказо). Ушланган шахсни ушбу тузилмаларга ёки мансабдор шахсларга етказиш мақсадини қўйган ҳолда ушловчи шахс ушланган шахснинг тегишли ҳокимият органларига етказилишини англаб етади.

Ушланган шахсни тегишли ҳокимият вакилларига топшириш ҳам (масалан, ички ишлар органлари ходимларига, ДХХ вакилларига ва ҳоказо) уни ҳокимият органларига топшириш сифатида тан олиниши кераклигини қайд этиш лозим. Айни пайтда, ушланган шахсни ноконституциявий органларга топшириш мақсади қонуний деб қаралиши мумкин эмас.

Мақсади белгисига кўра, ушлаш қонунийлигини тан олиш учун тергов ва суд органлари фақат ушловчи шахснинг ҳаракатлари тегишли йўналтирилганлигини аниқлаши лозим. Бунда жиноий қилмишни содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш сифатида амалий натижасига

эришиш талаб этилмайди (масалан, кўрилган чораларга қарамай, ушланган шахс қочиб кетган, яширинган ҳолларда ва ҳоказо). Фуқарода ушбу кўрсатилган мақсаднинг бўлиши ҳам кўриб чиқилган ҳаракатларга қонунийлик беради, натижаси эмас.

Ушлашнинг барча ҳолатларини пухта баҳолаш ушланаётган шахсга қонуний тарзда зарар етказишдан уни ўзбошимча жазолашни тўғри ажратиш учун хизмат қилади. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсга зарар етказишнинг ҳақиқий мақсадларини муайян ишнинг барча ҳолатларини, жумладан, ушловчи шахснинг фаолияти мотивлари, ушлашнинг танланган усуллари ва воситалари, вазияти, етказилган зарарнинг характери ва оғирлиги, шунингдек, қасднинг қаратилганлигидан далолат берувчи бошқа барча ҳолатларни таҳлил қилиш асосида аниқлаш лозим.

Ушлаш қонунийлигининг мустақил шарти фақат **ушлашнинг муайян усуллари ва воситаларидан фойдаланиш** бўлади.

Усуллар деганда, ушлашни амалга оширишнинг, жиноий қилмишни содир этган шахсга таъсир этишнинг турли тактик усуллари (масалан, жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш, алдов, ишонтириш орқали таъсир этиш ва ҳоказо), **воситалар** деганда эса, ушлаш давомида ишлатиладиган жами қуроллар, техник мосламалар ва бошқа буюмлар тушунилади (масалан, қўл кишанлари, ўқотар қурол, арқон ва бошқалар).

У ёки бу усул ёки воситадан фойдаланишнинг тури ва интенсивлиги ҳар бир муайян ҳолатда содир этилган жиноятнинг оғирлиги, жиноятни содир этган шахснинг хавфлилиги ва ушлаш вазияти билан белгилаб берилади. Жумладан, оғир ёки ўта оғир жиноятни (масалан, одам ўлдириш, талончилик ва бошқалар) содир этган шахсни қисқа муддатли озодликдан маҳрум этиш давомида қўл кишанини ишлатиш қонуний бўлади. Камроқ оғирликдаги қилмишни (масалан, туҳмат, ҳақорат ва бошқалар) содир этган шахсни ушлашда худди шу воситадан фойдаланиш қонунга мувофиқ келмайдиган деб ҳисобланиши керак. Белгиланган мезонларга очиқдан-очиқ мос келмайдиган усуллар ва воситаларни қўллаш ноқонуний ушлаш сифатида

малакаланиши лозим, ушланаётган шахс унга қаршилик кўрсатиши мумкин, бу унга зарар етказиш учун асос бўлмаслиги лозим. Масалан, агар ушбу шахс жабрланувчини ҳақорат қилган бўлса, у эса уни ушлаш мақсадида ушланаётган шахснинг шахси билан ҳам, у содир этган қилмишнинг оғирлиги билан ҳам, ушлаш вазияти билан ҳам белгиланмаган махсус воситаларни қўллайдиган бўлса (тўқмоқ, кўзни шикастловчи газ ва ҳоказолар), у ҳолда ушланган шахс қонуний қаршилик кўрсатишга ҳақли бўлади.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда зарар етказиш фақат у жиноий қонунчилик назариясида ишлаб чиқилган ва **ЖК 39-моддасида** мустаҳкамланган қонунийликнинг тегишли шартларига мувофиқ бўлган ҳолдагина қонуний деб тан олиниши лозим.

Ушлашда зарар етказилиши қонуни бўлишининг мажбурий шарти **унинг фақат қатъий чекланган шахслар доирасига зарар етказишга қаратилганлиги бўлади, бундай шахсларга қонун ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсларни киритади.** Ушловчи томонидан айбдор шахсни қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилиш мақсадида бошқа шахсларнинг ушбу қилмишга дахлсиз эканлигини била туриб уларга зарар етказилиши охирги зарурат қоидалари бўйича малакаланиши керак. Ушловчи шахс томонидан ушбу ҳолат англанмаган бўлса, унинг ҳаракатлари амалий хато тўғрисидаги қоидалар бўйича малакаланади.

Ушлашда етказиладиган зарар ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг ҳар қандай ҳуқуқлари ва манфаатларига тааллуқли бўлиши мумкин. Жумладан, ушланаётган шахснинг соғлиғи, мулки, қадр-қиймати ва шаънига зарар етказилиши мумкин ва ҳоказо. Шунингдек, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг ҳаётига ҳам зарар етказилиши мумкин. Лекин ўлдириш фавқулодда ҳолат сифатида қаралиши лозим, яъни у фақат айбдор шахснинг жиноий жавобгарликдан бош тортишининг зарарига мувофиқ келган ҳолатлардагина оқланиши мумкин. Масалан, оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирган, террорчи бўлган ёки

инсониятга қарши жиноятлар содир этган шахсни ўлдириш оқланган бўлади. Лекин ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш жараёнида уни ўлдириш ҳолатида тергов ва суд органлари етказилган зарарнинг мувофиқлиги масаласини муҳокама қилиши керак, бунда улар ҳаётидан маҳрум қилиш одил судлов манфаатларини амалга оширишни истисно этишини кўзда тутиши лозим.

Ушланаётган шахсга зарар етказиш, уни амалга оширмаган ҳолда ушловчи шахснинг ҳуқуқлари ва манфаатларига хавф солмаган ҳолда ушлашни амалга ошириш мумкин бўлмаган, **мажбуран чора** бўлиши лозим. Бунда мажбуран ҳолда зарар етказилиши доимо ҳолат масаласи бўлиши, яъни ушлашнинг вазияти, ушланаётган шахсга ва ишнинг бошқа муайян ҳолатларига боғлиқ бўлишини ҳисобга олиш лозим.

Зарар ноиложликдан етказилганлигини аниқлаш учун тергов ва суд органлари қуйидагиларни таҳлил қилиши лозим:

– ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг жиноий жавобгарликдан қочиш имконияти. Бунда суд-тергов органлари ушбу шахсни ушлашга қаршилик кўрсатиш чораларининг фаоллиги ва самарали бўлишига эътибор қаратиши лозим, у ижтимоий хавфли қилмишни тўхтатиш, ҳокимият органларига бориш талабларини бажаришни рад этиш; қилмиш содир этилган жойидан ёки ҳокимият органларига етказиш йўлидан қочиб кетиш ва ҳоказо;

– ушлашни амалга оширувчи шахснинг уни зарар етказмаган ҳолда амалга ошириш имкониятлари. Бу имкониятни аниқлаш учун ушланаётган ва ушловчи шахсларнинг сони, уларнинг жинси, ёши, қуролланиши, жисмоний кучига ва ҳоказоларга эътибор бериш лозим.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда зарар етказишнинг қонунийлиги фақат **етказилаётган зарар мувофиқ бўлган** ҳолдагина мавжуд бўлади. Бунда зарарнинг мувофиқ бўлиши унинг қилмиш хавфлилигига ва уни содир этган шахсга, шунингдек, ушлаш вазиятига мувофиқ келишини билдиради.

Етказилган зарарнинг мувофиқлигини аниқлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим: ушлаш амалга оширилган вазият, яъни ушлашни амалга ошириш вақти ва жойининг хусусиятларини кўрсатувчи турли ҳолатлар мажмуаси; ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг ҳаракатлари, унинг ушловчи шахснинг қонуний фаолиятига кўрсатган қаршилигининг интенсивлиги; ушбу шахс, шунингдек, уни ушловчи шахс эга бўлган куч ва имкониятлар, воситалар, уларнинг руҳий ҳолати ва бошқа ҳолатлар, уларнинг барчасини қамраб олувчи рўйхат бу ерда келтирилиши мумкин эмас.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, етказилган зарарнинг мувофиқлиги бўлиши унинг қонунда белгиланган барча шартларга, яъни қилмишнинг, шахснинг хавфлилиги ва ушлаш вазиятига мувофиқлигини талаб этади. Лекин бу шартларнинг зарар етказилиши мувофиқ бўлишига таъсири турлича бўлади, жумладан, қилмишнинг ва уни содир этган шахснинг хавфлилиги етказилган зарарнинг юқори чегарасини, бошқача айтганда миқдорини аниқлашга имкон беради. Масалан, қилмиш қанчалик хавфли бўлса, уни содир этган шахсга шунчалик жиддий зарар етказилиши мумкин ва аксинча, қилмишнинг ижтимоий хавфи қанчалик кам бўлса, ушлаш жараёнида шунчалик кам зарарни етказиш мумкин бўлади. Етказилган зарарнинг ушлаш вазиятига мувофиқлиги мезони бошқача аҳамиятга эга, чунки у фақат ушлаш учун керакли ва етарли бўлган зарар етказилиши мумкинлигини кўрсатади. Бунда ушлашни амалга оширувчи шахс учун вазият қанчалик ноқулай бўлса, етарли зарарнинг даражаси шунча юқори бўлишини таъкидлаш лозим, у баъзи ҳолларда ҳатто йўл қўйиладиган зарарга тенг бўлиши мумкин. Айни пайтда, ушлаш вазияти ушлашни амалга оширувчи шахс фойдасига ўзгарса, етказиладиган зарарнинг етарлилик чегараси шунчалик камаяди.

Вазиятнинг қулайлиги ёки ноқулайлиги ҳар бир муайян ҳолатда баҳоланиши керак бўлган ҳолат масаласи эканлигини таъкидлаш лозим. Бундай баҳолаш давомида тергов ва суд органлари ушловчи шахс ва

ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахснинг кучлари, имкониятлари ва воситаларининг ўзаро нисбати тахминан тенг бўлган, шунингдек, бундай мувозанат ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахс фойдасига бузилган ҳолатдаги вазият ноқулай вазият деб қаралиши лозимлигини ҳисобга олиши керак.

Етказиладиган зарарнинг мувофиқ бўлиши унинг белгиланган чегараларга мувофиқ бўлишини, жумладан, чегарасидан четга чиқмаслигини талаб этади. Бунда зарарнинг юқоридаги иккита чегарасидан бирини бузиш, уларнинг қайси бири камроқ бўлишига қараб, чегарадан четга чиқиш бўлади. Айни пайтда, худди шундай ҳолатда шахс қаттиқ қаршилик кўрсатса ва қонун томонидан ҳимояланадиган ҳуқуқ ва эркинликларга зарар етказиш хавфини туғдирса, бу ҳолда етказиладиган зарар рухсат этилган чегарадан четга чиқмаслиги лозимдир. Бироқ, ушланишдан қочиш мақсадида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс ушловчига ҳужум қилса, бу ҳолда у рухсат берилган чегарадан четга чиқувчи зарарни етказишга ҳақлидир. Лекин бу ҳолат шарҳланаётган модда қоидалари эмас, балки зарурий ўз-ўзини ҳимоя қилиш қоидалари асосида таҳлил этилади.

Шуни эътиборга олиш лозимки, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашда етказиладиган зарарнинг мутаносиблиги ушбу зарар жиноятчи етказган зарардан ошиб кетмаслигини талаб этмайди. Ушлаш вақтида етказиладиган зарар шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш натижасида етказган зарардан кам, унга тенг ёки ундан ошган бўлиши мумкин. Фақат шуни белгилаш лозимки, етказиладиган зарар ижтимоий хавфли қилмиш етказиши мумкин бўлган ва конкрет етказилган зарарларга номутаносиб бўлмаслиги лозим, яъни шахсни ушлаш учун зарур бўлган чоралар белгиланган чегаралардан четга чиқмаган бўлиши зарур. Ушбу масалага бошқача ёндашув фуқаронинг ушлашни амалга ошириш ҳуқуқини асоссиз тарзда чекланишига олиб келиши мумкин. Шуни аниқ белгилаш зарурки, етказилаётган зарар ижтимоий хавфли қилмиш оқибатида

етказилган амалдаги ва потенциал зарарга номутаносиб эмас, яъни шахсни ушлаш учун зарур бўлган чора-тадбирлар чегарасидан четга чиқилмаган.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида етказилган зарарнинг қонунийлигини белгиловчи алоҳида шарт сифатида **ушлаш чораларини қўллашда чегарадан чиқиб кетмаслик** хизмат қилади.

«Ушлаш воситалари ва усулларига, қилмишнинг ҳамда уни содир этган шахснинг хавфлилик даражасига, шунингдек, ушлаш шароитига бутунлай мос келмайдиган, ушлаш зарурати тақозо этмаган ҳолда ушланаётган шахсга қасддан зарар етказиш **ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиш** деб топилади» **(ЖК 39-моддаси 2-қисми).** Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш чораларидан четга чиқиш, мажбуран ҳолда зарар етказилиши ва нисбатан тенглик белгиларидан ташқари юқорида санаб ўтилган бошқа шартлар мавжуд бўлгандагина ҳуқуқий ҳисобланади.

Жиноят кодексига биноан, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш учун зарур бўлган чораларни ошириб юбориш деб, қўлланган чораларни ушлаш ҳолатига ҳамда шахс ва у содир этган жиноятнинг хавфлилигига очиқ номутаносиблигига айтилади. Бунда, «очиқ номутаносиблик» тушунчаси тавсифий маънога эга бўлиб, ҳар қайси ҳолатда у алоҳида аниқланади. Айни ушлаш чоралари баъзи ҳолларда қонуний бўлса, бошқа ҳолларда чораларни ошириб юбориш сифатида баҳоланади. «Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида унга етказилган зарарнинг қонунийлигини баҳолашда, қилмишни содир этган шахснинг ушланишдан қочиш мақсадида қилган ҳаракатлари, ушловчининг кучи ва имкониятлари, руҳий ҳолати ва ушлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳолатлар ҳисобга олинади» **(ЖК 39-моддаси 3-қисми)**.

Суд ва тергов органлари ушлаш чораларидан четга чиқиш билан боғлиқ бўлган қилмишни квалификация қилишда унинг **субъектив томонига** эътибор қаратишлари шарт. Қонундаги кўрсатмага мувофиқ, ушлаш воситалари ва усулларининг номутаносиблиги, мазкур номутаносиблик,

шунингдек, шахсга етказилаётган зарар характери ва даражаси, айбдорнинг жиноий қасди билан қамраб олинган бўлса, жиноий қилмиш сифатида тан олинади. Ушлаш чораларидан четга чиқишда эҳтиётсизлик билан ҳар қандай даражадаги шикаст етказилганда, шунингдек, шахс онги билан қамраб олинмаган шикаст етказиш учун шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқига ёши, ижтимоий келиб чиқиши, жинси ва мансабидан қатъи назар, ҳар қандай жисмоний шахс эгадир. «Махсус ваколатли шахслар билан бир қаторда жабрланувчи ва бошқа фуқаролар ҳам ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқига эгадирлар» **(ЖК 39-моддаси 4-қисми)**. Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, ижтимоий хавфли қилмишни содир қилган шахсни ушлаш ҳуқуқи, ҳар бир инсоннинг зарурий мудофаа, охирги зарурат ҳуқуқи сингари, субъектив ҳуқуқи бўлиб, жиноий қилмиш содир этган шахсни ушлаш ёки бундан ўзини тийиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш фақат унинг ваколатига тегишлидир. Айни пайтда, алоҳида бир гуруҳ шахсларга, яъни қонун томонидан махсус вакил этиб тайинланган шахсларга ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш уларнинг касб ёки хизмат бурчлари ҳисобланиб, улар ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашдан чекинишлари мумкин эмас. Бу гуруҳдаги шахсларга ички ишлар органлари, ДХХ, прокуратура ва бошқа орган хизматчилари, яъни хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлашга масъул шахслар киради.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг қонунийлигини кўрсатувчи у ёки бу белгиларни ушловчи ҳаракатларида объектив томоннинг йўқлиги алоҳида эътиборга лойиқ масаладир. Хусусан, ушбу белгининг мавжуд эмаслиги ушлашнинг қонунийлигини (ушлаш субъекти, вақт чегаралари ва бошқалар), демакки, зарар етказишнинг қонунийлигини (зарар етказишга мажбур бўлиш ва уни ушлаш ҳолатига мувофиқлиги ва бошқалар) белгилашга тааллуқлидир. Бундай ҳолларда суд ва тергов ходимлари ушловчи шахснинг мавжуд фактик хатосини

аниқлашлари ва шунга боғлиқ тарзда, уни қуйидагича баҳолашлари лозимдир:

– **ЖК 39-моддаси** қоидалари бўйича, вужудга келган шарт-шароитларда айбдор ўз тахминларининг хато эканлигини англамаган ва англаши мумкин бўлмаган ҳолатларда;

– эҳтиётсизлик орқасида содир этилган тегишли жиноят сифатида башарти ушбу ҳолатда шахс ўз тахмини нотўғри эканлигини англаши лозим бўлган, лекин англамаганлиги аниқланса;

– тегишли қасддан содир этилган жиноят сифатида, айбдор ўз ҳаракатининг ижтимоий хавфини англаган тарзда уларни амалга оширишни истаган бўлса.

Тергов ва суд амалиётида у ёки бу қилмишни зарурий мудофаа, охирги зарурат ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш деб топишда, уларни содир этилиш белгиларига кўра фарқлаш масаласида айрим қийинчиликлар мавжуд. Шу билан бирга, қилмишни тўғри квалификация қила олиш жиноий жавобгарликка тортилувчи шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, қилмишни тўғри ва аниқ квалификация қилиш, Жиноят кодекси олдида турган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг обрў эътибори ва нуфузини кўтариш учун муҳимдир.

Шу сабабли тергов ва суд органлари ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш институтини зарурий мудофаа ва охирги заруратдан фарқлашда қуйидагиларга эътибор беришлари лозим:

– ушлашга бўлган ҳуқуқ ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши билан вужудга келса, зарурий мудофаа мудофааланувчи шахсга қарши йўналтирилган тажовуз содир этилиши билан, охирги заруратга бўлган ҳуқуқ эса нафақат шахсдан, балки хоҳлаган манбадан келиб чиқувчи хавфнинг пайдо бўлиши натижасида юзага келади;

– ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш бўйича ташаббус барча ҳолларда бундай ҳуқуққа эга бўлган шахслар томонидан

амалга оширилади, зарурий мудофаа ва охирги заруратда эса шахс бундай шароитга кириб қолиши туфайли мажбур бўлади;

– ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқи бундай қилмиш содир этилиши билан вужудга келади ва амалга оширилади, зарурий мудофаа ва охирги зарурат эса тажовуз ёки хавфнинг амалга оширилиши факти билан шартланган бўлади;

– ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашдан асосий мақсад бундай шахсни ҳокимият органларига топшириш бўлса, зарурий мудофаа ва охирги заруратда эса, тажовузчини енгиш ва хавфни баратараф этиш ҳисобланади.

6-§. Буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш

ЖК 40-моддасида Ўзбекистон жиноий-ҳуқуқий амалиётида биринчи маротаба, буйруқ ёки бошқа фармойишни, шунингдек, мансаб вазифаларини қонуний бажариш туфайли зарар етказилиши жиноийликни истисно этадиган ҳолат сифатида қонуний шаклда қайд этилди. Бугунги кунда мазкур шартлар асосида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) баҳолаш қонунчилик даражасида ҳал этилган.

Мазкур шартларга асосланиб амалга ошириладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тегишли ҳуқуқий шартлар мавжуд бўлгандагина қонуний деб тавсифланиши мумкин. «Шахснинг буйруқ ёки бошқа фармойишни, шунингдек, мансаб вазифаларини **қонунан** бажариши туфайли зарар етказилган бўлса, жиноят деб топилмайди» **(ЖК 40-моддаси 1-қисми**).

NOTA BENE !

Қонуний буйруқ ёки бошқа фармойиш ёхуд мансаб вазифаларини ижро этиш учун ҳаракат қилаётган шахс томонидан жиноят қонуни томонидан қўриқланаётган манфаатларга зиён етказилган тақдирда, **буйруқ ёки бошқа фармойишнинг бажарилиши** қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат деб топилади.

Ушбу шартлар тегишли хатти-ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга ошириш қонунийлигига, яъни буйруқ, фармойиш ва мансаб вазифаси қонунийлигига ҳамда мазкур буйруқ (фармойиш, мансаб вазифаси) ижросининг қонунийлигига доир ҳисобланади. Айнан, қилмиш кўрсатиб ўтилган барча белгиларга мос бўлса, жиноий жавобгарлик истисно қилинади.

Буйруқ, фармойиш ёки хизмат мажбуриятларининг қонунийлигини акс эттирувчи биринчи белгилардан бири – бу **расман мувофиқ** келишидир.

NOTA BENE !

Буйруқ деганда, ваколатли шахснинг ижро этиш мажбурияти юкланган шахсга берган маълум бир ҳаракат (ҳаракатсизлик) ни бажариш ҳақидаги қонун ва қонуности актларга асосланган талаби тушунилади.

Айнан шу таъриф буйруқни бошқа таъсир чоралари – илтимос, ишонтириш, мажбурловдан ажратиб туради. Буйруқлар билан бирга **«тавсиялар»**, **«фармойишлар»** ва **«фармонлар»** ҳам берилиши мумкин. Булар масалаларни ҳал қилиш, уларни қабул қилиш ваколатига эга бўлган шахснинг ҳуқуқий мақоми бўйича ўзаро фарқланади. Бу актларнинг асосий умумий жиҳати – уларнинг ижро этиш мажбурияти юкланган шахс томонидан бажарилишидир.

Қонун томонидан буйруқ ёки бошқа фармойишларнинг шакли аниқ белгиланмаган. Ташкилотларни бошқариш амалиётида улар ёзма, оғзаки ёки намойишкорона (белги, байроқча ва ҳ.к.) шаклда бўлиши, шунингдек, техник алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин. Лекин айрим ҳолларда буйруқнинг фақат ёзма шаклда бўлиши талаб қилинади. Бундай талабларга риоя этилмаслиги унинг ҳақиқий эмас, деб топилишига сабаб бўлади.

Буйруқ ёки бошқа фармойишлардан фарқли равишда **мансаб мажбуриятлари** ваколатига қараб, ходимлардан бажарилиши талаб қилинадиган функционал мажбуриятлар доирасини ўзида акс эттиради.

Демак, мансаб мажбуриятлари субъект қандай лавозимга эгалигига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, хизмат мажбуриятлари иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат шартномасида белгиланган ёзма шартномасида бўлиши керак (МК 73-моддаси 1-қисми). Акс ҳолда, улар Ғайриқонуний деб ҳисобланиши мумкин.

Буйруқ, фармойиш ва бошқа бошқарув актлари қонунийлигининг муҳим шарти – унинг қонун талабларига мос келиши, яъни **мазмунидир**. Буйруқ, фармойиш ёки бошқа хизмат мажбуриятлари ички ҳуқуқий талабларга зид бўлмаслиги шарт. Бундан ташқари, нафақат Жиноят кодекси талабларига, балки бошқа қонунлар ва қонуности ҳужжатларига ҳам қарама-қаршилик мавжуд бўлмаслиги лозим.

Қабул қилинган бошқарув акти, шунингдек, мансаб вазифаларини белгилаш, тегишли хатти-ҳаракатни ижро этаётган мансабдор шахснинг ўз функционал ваколатлари доирасида қабул қилинган бўлиши керак. Буйруқ ёки бошқа фармойишлар, агар улар бошлиқнинг ваколати доирасидан четга чиқилган бўлса, ўз моҳиятига кўра ноқонуний ҳисобланади, зеро уларни белгилашда тегишли ҳуқуққа эга шахснинг иродаси кузатилмайди, мазкур вазиятда эса бу зарурий талабдир.

Буйруқ, фармойиш ёки бошқа бошқарув актларини ижро этиш **ҳуқуқийлик шартларига** мос келган тақдирда қилмишни жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат деб топилиши мумкин. Бошқача айтганда, буйруқ, фармойиш ва бошқа хизмат мажбуриятлари жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида келтирилиб ўтилган талабларга зид бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали бажарилиши керак. Акс ҳолда бундай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик мустақил жиноят сифатида квалификация қилиниши лозим. Масалан, ташкилот ходимларининг унга қўйиладиган солиқларни энг кўп суратда қисқартиришга бўлган интилишлари ҳақидаги фармойиш ваколатли шахс томонидан берилса, бу солиқларни тўлашдан қочаётган қайси бир ходим ушбу шарҳланаётган модда қоидаларига мувофиқ берилган

фармойишнинг таъсир кучи билан ўзи содир этган қилмиши учун жиноий жавобгарликни истисно қилади деган маънони бермайди.

Субъектив томондан, буйруқ ва бошқа фармойишларни ижро этишда Жиноят кодекси билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга маълум даражада зарар етказилиши субъектнинг истаги билан қамраб олинмаган бўлиши керак. Агар бажарувчи етказилган зарарнинг ғайриҳуқуқий эканлигини англаса, бундай ҳолларда содир этилган ғайриҳуқуқий қилмиш хизмат юзасидан қарам бўлган вазиятда содир этилган деб топилади. Бошқача айтсак, буйруқ ёки фармойишни бажариш оқибатида маълум зарар етказган шахс, буйруқ ёки фармойишни объектив белгиларига кўра қонунчиликка мувофиқ деб англаган бўлишида ифодаланади. Акс ҳолда, агар бажарувчи етказилган зарарни ғайриҳуқуқий эканлигини англаса, бундай ҳолларда содир этилган жиноий қилмиш хизмат юзасидан қарам бўлган вазиятда содир этилган деб топилади. Хусусан, **ЖК 40-моддаси 2-қисмига** мувофиқ, «жиноийлиги олдиндан аён бўлган буйруқ ёки бошқа фармойишни бажариб, жиноят содир этган шахс, умумий асосларда жавобгарликка тортилади».

Буйруқ ёки фармойишнинг жиноийлигини олдиндан билиши, бажарувчи фармойишларнинг ғайриқонуний эканлигини объектив томондан англаган ёки англамаган бўлиши мумкин бўлмаган ҳолатларда намоён бўлишида ифодаланади. Бу каби буйруқ ва фармойиш сифатида у ёки бу жиноятни содир қилиш тўғрисидаги кўрсатмаларни тушуниш мумкин. Ижрочи буйруқнинг жиноийлигини олдиндан била туриб уни бажарса, бундай ҳолат иштирокчилик сифатида баҳоланиб, буйруқ берувчи ташкилотчи, уни ижро этувчи эса бажарувчи шахс деб топилади.

Шуни назарда тутиш лозимки, олдиндан жиноийлиги аён бўлган маълум буйруқ ёки фармойишни ижро этиш умумий асосда баҳоланиши лозимлиги ҳақидаги қонун олдиндан жиноийлиги маълум мансаб вазифаларини ижро этишда жиноят содир этган шахсларни жавобгарликдан озод қилмайди. Қонуннинг бундай талқин этилиши юридик тил хусусиятларига боғлиқ

бўлиб, содир этилган қилмишнинг баҳоланишига таъсир қилмайди, шу сабабдан олдиндан жиноийлиги маълум мансаб вазифаларини ижро этишда жиноят содир этган шахслар умумий асосларда жавобгарликка тортилиши лозим бўлади. Бу масаланинг ўзгача ечими алоҳида категориядаги шахсларга асоссиз равишда жавобгарликдан қутулиб қолиш имконини беради, бу эса ўз навбатида Жиноят кодексининг одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига зид келади.

ЖК 40-моддасига мувофиқ, шахснинг у ёки бу қилмишини амалга оширишини баҳолашда, унинг томонидан қилмишни субъектив баҳолаши алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, шахс ғайриҳуқуқий ёки жиноийлиги маълум бўлган буйруқ, фармойиш ёки бошқа хизмат мажбуриятларини бажармаслик ёки бузиш, агар бундай қилмиш қонунда жиноят деб белгиланган бўлса ҳам, жиноий жавобгарликни истисно қилади.

Хуллас, бажарувчи томонидан Жиноят кодекси билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга етказилган зарар учун ўша буйруқ ёки бошқа фармойишни берган шахс жавобгарликка тортилади, бундай ҳолларда бажарувчи жиноятни содир этишнинг қуроли сифатида хизмат қилиб ёки бошқа фармойишларни ижро этган қилмиши учун жавобгарликка тортилмайди, лекин ушбу буйруқ ёки фармойишнинг қонунга зид бўлганлигининг олдиндан маълум бўлиши бундан мустасно.

ЖК 40-моддаси 3-қисмига мувофиқ, «ғайриқонуний равишда берилган буйруқ ёки фармойишни ёхуд мансаб вазифасини бажармаган ёки бузган шахс жавобгарликка тортилмайди. Шахснинг амалда содир этган қилмишида бошқа бир жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлсагина, у жавобгарликка тортилади». Мазкур қоидалар ушбу модда ва ЖКнинг, ноқонуний буйруқ, фармойиш ва мансаб вазифаларини бузиш ҳолатларини кўзда тутган бошқа моддалари ўртасидаги коллизияларни ҳал этади. Мазкур қоидалар ноқонуний буйруқ, фармойиш ва мансаб вазифасини бажармаганлик ёки бузиш ҳолатларида, буйруқни бажармаганлик ёки бузиш жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши лозим пайтда, жиноийликни

истисно қилади (масалан, ЖК 279-, 280-моддалари). Шуни кўзда тутиш лозимки, ҳар қандай ғайриҳуқуқий ёки жиноийлиги маълум бўлган буйруқ, фармойиш ёки бошқа хизмат мажбуриятларини бажармаслик ёки бузиш, жиноий жавобгарликни истисно қилади. Айни пайтда, суд ва тергов органлари содир этилган ҳаракатда бошқа жиноят таркиби мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлашлари лозим, чунки агар у аниқланса, шахс жиноят учун жавобгарликка тортилади.

ЖК 40-моддаси қоидалари, фақат ички ишлар, Қуролли Кучлар, ДХХ, прокуратура органлари ёки бошқа давлат муассасаларида хизмат қилувчи шахсларга тегишли эмас. Ҳуқуқий-ташкилий шаклидан қатъи назар, исталган корхона, ташкилотнинг ишчи-хизматчиси буйруқ ёки фармойиш, шунингдек, мансаб вазифасини ижро этиш йўлида жиноят содир этган шахс ҳам жиноий жавобгарликка тортилмайди.

7-§. Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик

Ўзбекистон жиноят қонунида касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик каби қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат сифатида алоҳида институт мавжудлигининг аҳамияти катта, зеро, бу жамиятнинг тараққий этишига кўмак бериб, маълум ҳолатларда турли экспериментларни амалга оширган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, қарор қабул қилишда янада ташаббускорроқ бўлиш имкониятини яратади. Айни пайтда, қонун асоссиз, масъулиятсиз ҳаракатларни содир этишнинг олдини олади ва хавфли ҳаракатларни содир этиш ёки этмасликнинг қонунийлигини белгилаб берувчи шартларни кўрсатади. Ушбу шартлар бузилган ҳолатда шахсни жиноий жавобгарликка тортишга асос пайдо бўлади.

ЖК 41-моддасида ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиб, ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш жиноят деб топилмаслигининг шартлари ихчамлашган шаклда кўрсатилиб ўтилган.

Мазкур шартлар, биринчидан, қилмишдаги таваккалчиликни ижтимоий фойдаси тарафидан, иккинчидан, уни амалга оширишдаги хатти-ҳаракатларни маълум даражадаги хавфсизлигига риоя қилинганлиги тарафидан тавсифланади. Айнан шунда, қилмиш мазкур барча талабларга риоя этилганда, у касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик сифатида тан олиниб, мос равишда, жиноятни истисно қилиши мумкин.

NOTA BENE !

Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик, жиноийликни истисно қилувчи ҳолат сифатида, ижтимоий фойдали натижага эришиш мақсадида, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик оқибатида ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш ҳамда ушбу натижага таваккалчиликка боғлиқ ҳаракатлар билан эришиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда ҳамда таваккалчиликка йўл қўйган шахс, зарар етказилишининг олдини олиш учун барча чора-тадбирлар кўришидан иборат.

Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчиликнинг шартларидан биринчиси – бу **ижтимоий фойдали мақсадга йўналтирилганлигидир. Хусусан, ЖК 41-моддаси 1-қисмига** асосан, «Ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиб, ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш жиноят деб топилмайди». Бу шуни англатадики, таваккалчилик жамият ва давлат учун манфаат келтирувчи натижаларга эришишга қаратилган бўлади. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, таваккал қилиб содир этилган ҳаракатлардан ҳосил бўлган ижобий натижа сезиларли суратда ушбу ҳаракатлар туфайли юзага келган салбий оқибатлардан устун бўлиши керак. Хусусан, таваккал қилиб содир этилган ҳаракатнинг ижтимоий фойдали мақсади, инсонлар ҳаёти ва соғлиғини асраб қолиши, иш маҳсулдорлигини сезиларли суръатда оширувчи

янги техника ёки технологияни кашф этиш, ривожланиш суръатларини кескин тарзда оширувчи янги физик қонунларни ва кимёвий элементларни топиш ва ҳоказоларни қамраб олади.

Шахсий мақсадларга йўналтирилган таваккалчилик асосли деб ҳисобланмайди. Айни пайтда, шахсий мақсадларни шахсий мотив (сабаб)лардан фарқлаш даркор. Ушбу талаб қўйилишига сабаб –шахсий мотивларнинг шахсий мақсадларга мос келмаслигидир. Чунки, мотив у ёки бу қилмиш содир этиш истагини туғдирувчи сабабдир. Шу сабабли шахсий мотив ижтимоий фойдали мақсадга қаратилган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, олқишларга сазовор бўлиш учун шахсни ўлимдан қутқариш.

Шуни назарда тутиш лозимки, ижтимоий фойдали мақсад қилмишни касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ таваккалчилик сифатида квалификация қилиш, унга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун муҳимдир (башарти субъект жиноий жавобгарликка тортилган бўлса).

«Агар содир этилган ҳаракат замонавий илмий-техника билимлари ва тажрибаларига мувофиқ келган, қўйилган мақсадга эса, таваккал қилмай эришишнинг иложи бўлмаган ҳамда шахс ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказилишининг олдини олиш учун тегишли чораларни кўрган бўлса, бундай таваккалчилик асосли деб топилади» **(ЖК 41-моддаси 2-қисми)**.

Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қонунийлигининг иккинчи шарти **таваккалчилик қилмай туриб ижтимоий фойдали мақсадларга эришиб бўлмаслигидир**. Ушбу мақсадни оддий усуллар билан амалга ошириш имкони борлиги аён бўлган ҳолатларда хавфли ҳаракатларнинг қонунийлиги ўз кучини йўқотади ва етказилган зарар учун жавобгарлик умумий асосда кучга киради. Айни пайтда, суд ва тергов органлари ушбу масалани ҳал этишга алоҳида ёндашмоқлари лозимдир, чунки жамиятга манфаатли мақсадларни оддий усуллар билан амалга ошириш имкони ҳар қайси ишнинг алоҳида ҳолатлари ва фактларга

боғлиқдир. Шу сабаб, у мавҳум шаклда эмас, балки аниқ шаклда, яъни ишнинг конкрет ҳолатларига нисбатан татбиқ этилиш имконига эга бўлиши лозимдир.

Шуни назарда тутиш лозимки, ижтимоий фойдали мақсадни ҳеч қандай зарарсиз амалга ошириш имкони йўқлиги, ўша зарарни етказмаслик иложи йўқлигини англатмайди, яъни бунда ҳуқуқ ва эркинликларга зарар етиши эҳтимоли бор деб айтилади, лекин ушбу зарарни етказмасликнинг иложи йўқ деб кўрсатилмайди. Акс ҳолда, яъни субъект олдиндан қайтариб бўлмайдиган зарарли оқибатларни юзага келишини билган ҳолда, хавфли ҳаракатларни содир этса, улар кўрилаётган модда қоидалари асосида баҳоланиши мумкин бўлмайди, чунки ушбу ҳолатда лозим бўлган тавакkал этиб ҳаракат қилиш элементи мавжуд бўлмайди.

Хавфли ҳаракатлар улар зарарли оқибатларни юзага келиши олдини олиш имкониятларини объектив тарзда кўрсатувчи **замонавий илмий-техника билимларига ва тажрибаларига мувофиқ келган** ҳолатда оқланади. Шахс ўз тавакkалчилик тарзидаги ҳаракатларини амалга оширишда тиббиёт, техника соҳаларида қўлга киритилган ютуқлардан келиб чиқиши лозим. Шу билан бирга, шуни инобатга олиш лозимки, қонун тавакkалчилик техникавий меъёрлар ва қоидаларга эмас, балки замонавий илмий-техника билимлари ва тажрибаларига мувофиқ келишини талаб этади.

Тавакkалчилик билан боғлиқ қилмишларнинг замонавий билим ва тажрибаларга мослиги ҳақидаги қонун талаблари, аввало, бундай қилмишларнинг субъектив билимлар ва субъектив тажрибаларга мувофиқ бўлишини билдиради.

Тавакkалчилик ҳаракатларини амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири – **шахс бошқаларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказилишининг олдини олиш учун тегишли чораларни кўрган бўлишлигидир**. Кўрилган чора-тадбирларнинг зарурлиги объектив ва субъектив мезонлар асосида белгиланади.

Объектив томондан хавфсизлик чораларини кўриш зарурлиги шундан иборатки, таваккалчилик билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш шароити айнан шу чораларнинг кўрилишини талаб қилади (масалан, ёнғин билан боғлиқ тажрибаларни ўтказишда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш зарур).

Субъектив томондан хавфсизлик чораларини кўриш зарурлиги шуни билдирадики, шахс келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибат ва унинг ҳажмини англай олади, шу сабабли зарар келиб чиқмаслиги ёки аҳамиятсиз бўлиши учун ҳам у шундай чораларни кўриши лозим бўлади.

Шуни эътиборга олиш лозимки, зарур чораларни кўриш ҳар қайси ҳолатда ишнинг барча ҳолатларини ўрганиб чиқиш асосида ҳал этилиши лозим бўлган фактларга ҳам боғлиқдир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча шартлар мавжуд бўлган тақдирдагина таваккалчилик асосли ва ҳуқуқий ҳисобланади, етказилган зарар эса жиноий эмас деб топилади. Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккал қилишдан кўзланган ижтимоий фойдали натижага эришилмаган ва етказилган зарар ижтимоий фойдали мақсадга эришиш натижасида олиниши мумкин бўлган натижадан кўпроқ бўлган тақдирда ҳам таваккалчи шахсни жавобгарликка тортишга сабаб бўлмайди. «Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилишда кўзланган ижтимоий фойдали натижага эришилмаган ва келтирилган зарар ижтимоий фойдали мақсадга эришиш натижасида олиниши мумкин бўлган фойдали натижадан кўпроқ бўлган тақдирда ҳам етказилган зарар жавобгарликка сабаб бўлмайди» **(ЖК 41-моддаси 3-қисми)**.

Айни пайтда, агар шахснинг ҳаракати қонунийлик шартларидан бирига мувофиқ келмаса, у умумий асосда баҳоланади ва хавф мавжуд бўлган ҳолат жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ЖК 55-моддаси 1-қисми «е» бандига мувофиқ, яъни шахснинг ижтимоий фойдали мақсади бўлганлиги туфайли жазони енгиллаштирувчи ҳолат қаторига киритилади.

Аммо, шахс ишнинг ҳақиқий ҳолатлари бўйича хатога йўл қўйган бўлса (масалан, ижтимоий фойдали мақсадини амалга ошириш учун хато ҳаракат қилса; маълум хавфсизлик чораларини кўриш борасида хатоликка йўл қўйган бўлса), ушбу ҳолатда айбдор шахснинг ҳаракатларини фактик хато билан боғлиқ қонун-қоидалар асосида квалификация қилиниши лозимдир, яъни таваккалчилик қонуний шартлар асосида амалга оширилганлиги туфайли эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят сифатида квалификация қилинади. Субъект таваккалчилик ҳаракатларини амалга оширишда қонуний шартларга риоя қилмаган ҳолатларда унинг ҳаракатлари қасддан ёки эҳтиётсизлик сифатида умумий асосларда жавобгарликка тортилади.

Одамларнинг ҳалок бўлиши, экологик фалокат ва бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлиши олдиндан маълум бўлган хавфли ҳаракатларни оқланган деб тан олмаслик хавфли ҳаракатларнинг қонунийлигини белгиловчи алоҳида бир шартдир. «Таваккалчилик одамларнинг ҳалок бўлиш хавфи, экология ҳалокати ёхуд бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини била туриб қилинган бўлса, асосли деб топилмайди» **(ЖК 41-моддаси 4-қисми)**.

Одамларнинг ҳалок бўлиш хавфи деганда, таваккалчиликни амалга ошириш оқибатида икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ҳаёти хавф остида қолиши тушунилади.

Экологик ҳалокат – инсонлар фаолияти натижасида табиатга зарар етказилиши ва бу зарар инсониятнинг кейинги ҳаёти учун жиддий хавфни келтириб чиқаришини билдиради (газ, нефть авариялари, кенг қамровли ўрмон ёнғинлари).

Бошқа оғир оқибатлар сифатида бир неча шахслар соғлиғига оғир шикаст етказилиши, транспорт тизимининг узоқ муддатга издан чиқиши, портлаш ёки ёнғин натижасида уйлар ва бошқа иншоотларнинг вайрон бўлиши ва шу каби ҳолатлар тушунилади. Агар уларнинг натижасида тенг бўлмаган манфаат кўзланган бўлса, ушбу ҳаракатлар оқланмаган деб тан олинади (масалан, ҳосилдорликни ошириш). Айни пайтда, агар шу каби

таҳдидлар муҳим манфаатларни амалга оширишда юзага келса (масалан, одамларни кўмилиб қолган жойдан қутқариш, янги технологияларни, яъни аввалгисидан анча самарали технологияларни кашф этиш) хавфли ҳаракатлар асосли деб тан олинади. Айни дамда бу ҳолатларда етадиган манфаат ва тегишли ҳаракатлар таҳдид солаётган манфаатга қиёсий баҳоланиши лозим бўлади. Улар очиқ мувофиқ бўлмаган ёки тенг бўлган ҳолатда бундай мақсадларга эришиш асоссиз хавфли ҳаракат деб тан олиниши лозим.

Суд ва тергов органлари касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ асосли таваккалчилик ҳолатида зарар етказишнинг охирги зарурат ҳолатида зарар етказишга жуда ўхшашлиги боис, айбдорнинг ҳаракатларини квалификация қилишда маълум қийинчиликлар вужудга келиши мумкин.

Шунинг учун касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ асосли таваккалчилик ҳолатида зарар етказишни охирги зарурат ҳолатидан фарқлаш имконини берадиган қуйидаги белгиларга эътибор қаратишлари лозим:

– охирги заруратда хавф манбаи мавжуд бўлиб, қилмишнинг ўзи зарарни бартараф этишга қаратилган бўлади, асосли таваккалчиликда эса, қилмиш таҳдид солувчи хавф билан шартланмайди, у ижтимоий фойдали мақсадга эришишга йўналтирилган бўлади;

– охирги заруратда етказилган зарар бартараф этилган зарардан камроқ бўлиши керак, асосли таваккалчиликда эса зарарнинг ҳажми таваккал қилувчи шахс қилмишини баҳолашда унчалик аҳамиятга эга эмас;

– таваккалчилик билан боғлиқ қилмишлар асосида зарар етказиш эҳтимолий бўлиб, оқибатнинг келиб чиқиши зарур ҳисобланмайди, охирги заруратда эса зарар етказиш – кўпроқ зарар етказилишини олдини олишнинг ягона воситасидир.

8-§. Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш

Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш – қилмишнинг жиноийлигини инкор этувчи яна бир ҳолат ҳисобланади. Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш – бу шахсга нисбатан ғайриқонуний куч (жисмоний ёки руҳий) ишлатишнинг

қўлланилиши бўлиб, мазкур шахс томонидан, унинг хоҳиш-истагига қарши, жамият учун хавфли қилмишнинг содир этилишига эришиш мақсадида амалга оширилади. Бундай вазиятда ҳаракатлар шахснинг хоҳиш-истагисиз содир этилиши натижасида унинг жавобгарлиги инкор этилади, шундай экан шахс айбсиз ҳисобланади. Ҳақиқатда, мажбурловчи бундай вазиятда жиноятнинг “тирик қуроли” сифатида чиқади, мажбурловчи эса жиноят субъекти ҳисобланади ва жавобгар бўлади.

Бевосита жиноий қилмиш содир қилинган лаҳзада ёки унга қадар (чунки талаб қилинаётган ҳаракатлар содир этилиши рад этилган тақдирда такроран зўрлик орқали таъсир кўрсатиш хавфи сақланиб қолади) шахсга нисбатан қўлланиладиган жисмоний ва руҳий мажбурлаш жиноятнинг вазияти сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Реал ҳолларда, жисмоний ва руҳий мажбурлаш камдан-кам ҳолларда бир-биридан алоҳида амалга оширилади: кўпгина ҳолларда, ҳар қандай жисмоний мажбурлаш руҳий таъсир, руҳий мажбурлаш эса жисмоний куч ишлатиш элементларидан иборат бўлади.

NOTA BENE !

Жисмоний мажбурлаш бошқа шахсга нисбатан мажбурий характерга эга, яъни унинг иродасига қарши, иродасини сўндириш ёки уни бўйсундириш ёхуд шахснинг ҳаракат эркинлигини чеклаш мақсадида содир этиладиган жисмоний чораларнинг қўлланилишидан иборат.

Жисмоний мажбурлашда зўрлик ишлатиш характерига эга чоралар соғликка турли даражада оғир тан жароҳатларини етказиш, турли кучли таъсир этувчи ва гиёҳвандлик моддаларининг қўлланилиши, изоляция қилиш ва бошқаларда ифодаланиши мумкин – малакалаш учун бу чораларнинг конкрет белгилаш характери мавжуд эмас.

Руҳий мажбурлаш бошқа шахсга ҳаётга, соғликка, мулкка ёки мажбурланувчи шахс ёки унинг яқинларининг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар

етказиш хавфида, шунингдек шахснинг руҳиятига тўғри таъсир (турли психотроп моддаларнинг қўлланилиши, гипноз ва ҳоказолар) ўтказишда намоён бўладиган руҳий зўрлик чораларини амалга ошириш орқали таъсир ўтказишдан иборат. Жиноятни малакалаш учун шахснинг иродасини сўндириш ёки бўйсундириш, унинг ҳаракатлари эркинлигини чеклашни белгилашда қўлланиладиган аниқ усуллар мавжуд эмас.

Мажбурлаш мажбурланувчи шахснинг хоҳиш-иродасига қарши содир этиладиган ҳам мажбурий жисмоний ва ҳамда руҳий аломати сифатида намойиш этилишини таъкидлаш зарур. Акс ҳолда мажбурлаш содир бўлмайди (например, дўкон қоровули босқинчиларнинг шериги бўлган ҳолда, ўзига шерикчиликда шубҳа уйғотмаслик учун ўзини боғлаб қўйишни сўрайди).

Шу билан бир вақтда фақат шахснинг иродасига қарши ғайриқонуний чораларнинг қўлланилиши мажбурлаш сифатида эътироф этилиши лозим. Қонун билан рухсат берилган, бир қатор ҳолларда эса ҳатто талаб қилинган чораларнинг қўлланилишини эса мажбурлаш сифатида кўриб чиқилмайди (масалан, қамоққа олиш, ноқонуний ҳаракатлар устидан шикоят қилиш таҳдиди ва бошқалар). Бундай ҳолатларда мажбурланган дейилаётган шахснинг учинчи шахслар ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказишда ифодаланган қилмишини, зарурий шароитлар мавжудлигида, тегишли қасддан ёхуд эҳтиётсизлик оқибатидаги жиноят сифатида малакалаш лозим.

Жисмоний ёхуд руҳий мажбурлаш учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига зарар етказган мажбурланувчи шахснинг хоҳиш-истагининг хулқ-атворига турли таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳисобга олиш зарур. Хусусан, шахс ўз ҳаракатларини танлаш эркинлигидан ёхуд мутлақо чекланган, ёхуд бундай чеклов хусусий характерга эга бўлиши мумкин.

Шахс фаолияти эркинлигининг турли характерга эга эканлиги турли ҳуқуқий баҳолашга олиб келади, хусусан, агар:

- **шахс ўз ҳаракатларини бошқара олмаса** (масалан, тўлиқ изоляцияланиш ёки гипноз уйқуси ҳолатида бўлиш ва бошқалар). Бундай

ҳолатда мажбурланувчи мажбурловчининг қўлида фақат қурол ва хатти-ҳаракатларни танлаш имкониятидан тўлиқ маҳрум ҳисобланади, амалга оширилаётган жиноий-ҳуқуқий ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлиги давомида иродасини намойиш қилиш имконияти йўқлиги сабабли бундай шахснинг жавобгарлиги инкор этилади;

- **шахс ўз ҳаракатларини бошқариш имкониятини сақлаб қолади** (масалан, зарар етказиш хавфида, қийноқ таҳдидида ва бошқаларда). Бундай вазиятда мажбурланувчининг қилмиши ЖКнинг 38-моддасига мувофиқ ўта зарурият қоидаларига кўра баҳоланади. Аммо, агар қилмиш ўта заруриятнинг қонунийлиги шартларига жавоб бермаса ёхуд унинг чегараларидан ўтиши мавжуд бўлса, унда мажбурланган шахснинг ҳаракатлари мустақил жиноят сифатида тавсифланиши лозим. Бунда унинг мажбурийлик остида содир этилиши Жиноят кодексининг 55-моддаси 1-қисми “г” банди бўйича енгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўриб чиқилади.

«Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар» мавзуси юзасидан якуний саволлар

1. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар деганда нима тушунилади? Ушбу ҳолатларни қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат сифатида баҳолаш мезонлари қандай?

2. Қилмишнинг кам аҳамиятлилиги нимадан иборат? Қилмишни кам аҳамиятли деб топиш учун қайси ҳолатлар инобатга олиниши зарур?

3. Зарурий мудофаа остида нима тушунилади?

4. Ким зарурий мудофаани қўллашга ҳақли?

5. Қайси ҳолатларда зарурий мудофаа вужудга келади?

6. Зарурий мудофаа ҳолатидаги Ғайриқонуний тажовуз қандай талабларга жавоб бериши шарт?

7. Зарурий мудофаанинг ҳимояга тааллуқли ҳуқуққа мувофиқлиги шартлари нимадан иборат?

8. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш остида нима тушунилади? У нимада ифодаланиши мумкин?

9. ғайриқонуний тажовуздан ҳимояланаётган шахснинг кучли руҳий ҳаяжонланиши ҳолатининг жиноят-ҳуқуқий моҳияти нимадан иборат?

10. Хаёлий мудофаа нима? Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларида хаёлий мудофаа ҳолатида содир қилинган қилмишнинг квалификациясига доир қандай ёндашув мавжуд?

11. Охирги зарурат остида нима тушунилади? Охирги зарурат ҳолати мавжудлигини қандай шартлар белгилайди?

12. Таҳдид қилаётган хавф ва уни бартараф этишга қаратилган ҳаракатларга оид охирги заруратнинг ҳуқуққа мувофиқлиги шартлари қандай?

13. Охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш мумкинми?

14. Охирги зарурат ҳолати зарурий мудофаа ҳолатидан қандай фарқланади?

15. Жисмоний ва руҳий зўрлаш остида нима тушунилади? Ушбу хатти-ҳаракат жиноийликни истисно қилиши мумкинми?

16. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш остида нима тушунилади?

17. Қандай шартларда ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш ҳуқуққа мувофиқ топилади? Улар маъмурий ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланиши мумкинми?

18. Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида, ушлаш учун зарур бўлган чораларнинг чегарасидан четга чиқиш нимадан иборат? Ушлаш вақтида инсон ўлимига йўл қўйиш мумкинми?

19. Қайси шартларда буйруқ ёки бошқа фармойишни бажариш жиноийликни истисно қилувчи ҳолат деб тан олинади?

20. Олдиндан жиноий буйруқни (фармойиш ёки мансаб вазифасини) бажариш деганда нима тушунилади? Қилмишни бундай ҳолатда квалификация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

21. Қандай ҳолатларда касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ таваккалчилик асосли деб топилади?

22. Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли тавакқалчилик ҳолатида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказиш чегарасидан чиқиш мумкинми?

23. Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли тавакқалчилик ҳолатининг охирги зарурат ҳолатидан қандай фарқлари мавжуд?

Қўшимча адабиётлар

Ўқув қўлланмалар, махсус адабиётлар

Орехов В.В. Необходимая оборона и иные обстоятельства, исключающие преступность деяния. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2003. – 217 Б.

Сидоренко Э.Л. Отрицательное поведение потерпевшего и уголовный закон. – СПб.: «Юридический центр Пресс», 2003. – 310 Б.

Илмий мақолалар

Широков К. Согласие на причинение вреда как обстоятельство, исключающее преступность деяния // Ж. Законность. 2006. № 9. – 53-б.

Ўразалиев М.Қ. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат сифатида касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли тавакқалчиликка психологик шарҳ // Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш масалалари: миллий ва хорижий тажриба. Халқаро илмий амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, ТДЮУ, 2014. – Б.127-137

РУСТАМБАЕВ МИРЗАЮСУП ХАКИМОВИЧ
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист,
юридик фанлар доктори, професор

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ
К У Р С И

I ТОМ

УМУМИЙ ҚИСМ
ЖИНОЯТ ҲАҚИДА ТАЪЛИМОТ

Олий таълим муассасалар учун дарслик
(2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган)

Техник муҳаррир: Муракаева З.И.

Босишга рухсат берилди __.__.2018. Буюртма №__ Times New Roman гарнитураси билан рақамли усули билан босилди.
Ҳажми: 30.0 ш-б.т. 21,26 н.-х.т. Адади 200 нусха